

9  
P-26

Д. Г. РЕДЕР, Е. А. ЧЕРКАСОВА

# ҚАДИМГИ ДУНЁ ТАРИХИ

I ҚИСМ

Ю. С. КРУШКОЛ  
таҳрири остида

«УЎҚИТУВЧИ» НАШРИЕТИ  
ТОШКЕНТ—1974.

190760

УЎҚИТУВЧИ



«Уқитувчи» нашриёти, русчадан таржима, 1974.

СССР Маориф министрлиги педагогика  
институтлари учун ўқув қўлланмаси  
сифатида рухсат этган

«Ибтидоий жамият» бўлимини *Е. А. Черкисова* ёзган.

«Қадимги Шарқ» бўлимини *Д. Г. Редер* ёзган.

## МУНДАРИЖА

### Ибтидоий жамият

I боб. Кириш	3
II боб. Ибтидоий гала	22
III боб. Уруғчилик жамоаси	37
IV боб. Уруғчилик тазумининг бузилиши ва давлатнинг вужудга келиши	68
V боб. Ибтидоий маданият	75

### Қадимги Шарқ

VI боб. Кириш	89
VII боб. Қадимги икки дарё оралиги (Месопотамия) манбалари ва историографияси	96
VIII боб. Шумер ва Аккад давлатлари	103
IX боб. Қадимги Бобил	116
X боб. Шумер-Бобил маданияти	121
XI боб. Қадимги Мисрнинг манбалари ва историографияси	137
XII боб. Энг қадимги Миср ва қадимги подшолик давридаги Миср	141
XIII боб. Урта подшолик	154
XIV боб. Янги подшолик. Ливия—Саис Мисри	159
XV боб. Қадимги Миср маданияти	172
XVI боб. Хеттлар	182
XVII боб. Финикия, Фаластин ва Сурия	189
XVIII боб. Осурия ва Урарту	207
XIX боб. Янги Бобил (Халдейлар) подшолиги	231
XX боб. Қадимги Эрон ва Урта Осиё	235
XXI боб. Қадимги Ҳиндистон	246
XXII боб. Қадимги Хитой	263

На узбекском языке

## ИСТОРИЯ ДРЕВНЕГО МИРА, Ч. 1

Учебное пособие для педагогических институтов

Перевод с русского издания издательства «Просвещение», Москва—1970

Издательство «Уқитувчи» Ташкент—1974

Таржимонлар: А. Уразаев  
С. Раҳматуллаев;  
Редактор: Л. Қариева

Бадий редактор *Г. Бедерев*  
Техредактор *Н. Сорокина*  
Корректор *Д. Нуриддинова*

Теринга берилди 3/IX 1973 й. Босишга рухсат этилди 27/XII 1974 й. Қогози  
(80×90)/16. Физик л. 18,0. Нашр. л. 18. Тиражи 10.000

«Уқитувчи» нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома 48—72. Баҳоси  
45 т. Муқоваси 20 т.

ЎзССР Министрлар Советининг Нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари бўйича Давлат Комитетининг 2-босмаҳонаси, Янгийўл ш. Самарқанд  
кўчаси, 44. Заказ № 58 1974.

Типография № 2 Государственного Комитета Совета Министров УзССР по  
делам издательств, полиграфии и книжной торговли, г. Янгйюль, ул. Самар-  
кандская, 44.

10602 № 283  
P M 353 (06)-74 121—74

# ИБТИДОЙ ЖАМИЯТ

1 БОБ

## КИРИШ

1. Ибтидоий жамият тарихи нимадан баҳс этади ва унинг аҳамияти. Инсоният тарихи изчиллик билан бирининг ўрничи иккинчиси олиб борадиган бешта ижтимоий-иқтисодий формацияга: ибтидоий жамоа формацияси, қулдорлик формацияси, феодализм формацияси, капитализм формацияси, коммунизм формациясига бўлинган.

Ибтидоий жамият тарихи одамзоднинг пайдо бўлишидан то давлатнинг ташкил топишигача бўлган даврни қамраб оладиган биринчи формациянинг вужудга келиши, равнақ топиши ва емирилиши процессини ўрганади.

Марксча-ленинча назария ибтидоий жамоа тузуми тарихини ўрганиш учун илмий асосдир. Марксизм-ленинизм тарих фанини бирдан-бир тўғри назария билан ва билишнинг диалектик методи билан қуроллантирди; бу диалектик метод шундан иборатки, бунда жамият «ҳамиша тараққиётда, ўзгаришда бўлган, бамисоли бир жонлик тана деб қаралади, бир-бирига механик (беихтиёр) қўшилиб жам бўлган ва бинобарин ундаги элементларни ҳар қанақасига бир-бирига қўшиб, ҳар мақомга сола берса бўладиган нарса деб қаралмайди»<sup>1</sup>. В. И. Лениннинг таълимотига кўра, диалектик метод шундан иборатки, бунда тарихий процесснинг конкрет пайтдаги ва конкрет вазиятдаги объектив мазмуни ҳисобга олинади.

Тарихийлик (историзм) принципи жамиятни ўрганишга диалектик ёндошишнинг муҳим принциpidир. «Марксизмнинг бутун мазмуни, — деб ёзади Ленин, — унинг бутун системаси ҳар бир қонидани фақат (α) тарихий нуқтаи назардан; (β) фақат бошқа қонидалар билан боғлаб; (γ) фақат тарихнинг конкрет тажрибаси билан боғлаб текширишни талаб қилади»<sup>2</sup>. Марксизм-ленинизм классиклари тарихни материалистик тушуниш асосида синфий жамиятдан олдинги жамиятнинг ишлаб чиқарувчи кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари тараққиёт даражасининг паст бўлиши билан характерланадиган универсал босқичнинг моҳиятини очиб кўрсатдилар.

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 1 том, 174-бет.

<sup>2</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 35-том, 239-бет.

Ибтидоий (энг оддий) меҳнат қуроллари ибтидоий жамоа одамларининг якка-ёлғиз яшашлари ва табиат кучларига қарши якка қолда курашларига имкон бермас ва уларни биргаллашиб ишлашга мажбур қилар эди. Коллектив меҳнат ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмоли маҳсулотларини умумий мулкка айлантирган эди, шу туфайли бу маҳсулотлар тенг-баравар тақсимланар эди, аммо бу нарса Маркснинг фикрича, «ишлаб чиқариш воситаларининг умумлаштирилиши бўлмай, балки айрим шахснинг ожизлиги натижаси эди»<sup>1</sup>.

• Ибтидоий жамиятда хусусий мулк бўлмаган. Умумий мулк билан бир қаторда кийим-бош, баъзи бир ишлаб чиқариш қуроллари, яъни шу билан бирга йиртқич ҳайвонлардан ўзини ҳимоя қилиш қуроллари ҳисобланган ана шу қуроллар шахсий мулк бўлган.

Ибтидоий жамиятда синфлар, кишининг кишини эксплуатация қилиши йўқ эди.

Синфий жамиятдан илгариги жамият тарихини ўрганиш инсоният тараққиёти бошланғич босқичининг умумий қонуниятларини аниқлашга имкон беради. Умумий тарих (бутун дунё тарихи)нинг қадимги даврини текшириш муҳим назарий аҳамиятга молик бўлишидан ташқари, амалий аҳамиятга эгадир. Хусусий мулкни, синфлар ва динни вужудга келтирган тарихий шароитлар ва сабабларни билиш уларни тугатишнинг конкрет усулларини топишга ёрдам беради. Бу маълумотлар мустахлақчиликдан озод бўлган мамлакатлар учун айниқса зарурдир, чунки уларнинг территорияларида уруғчилик-қабилавий тузум хусусиятлари сақланиб қолган халқлар ҳанузгача яшаб келмоқдалар. Бу халқларнинг бундан кейинги ривожланиш йўллари ҳақидаги масала ҳозирги замоннинг энг муҳим проблемаларидан биридир.

**2. Манбалар.** Утмишнинг ёдгорликлари тарихий манбалар бўлиб, тарихнинг тегишли бўлимлари шу ёдгорликлар асосида ўрганилади. Ибтидоий жамият тадқиқотчилари ихтиёрида асосан ёзувсиз манбалар мавжуд бўлиб, бу манбалар уларни қидириб топувчи фанлар бўйича классификация қилинади. Улар археологик, этнографик, антропологик, лингвистик, палеоботаник, палеозоологик, палеоклиматологик ва бошқа манбаларга бўлинади.

Археологик ва этнографик манбалар синфий жамиятдан илгариги жамиятни тиклаб туғри тасаввур қилиш учун гоят катта аҳамиятга эгадир. Археологлар қидириб топадиган моддий ёдгорликлар археологик манбалар қаторига киради. Моддий ёдгорликлар: меҳнат қуроллари, қурол-яроғ, манзил ва турар жойлар қолдиқлари, уй-рузғор анжомлари, безаклар ва диний мазҳаб нарсаларидан иборат. Моддий ёдгорликларнинг афзаллиги шундаки, улар аниқ ва ишончлидир. Моддий ёдгорликлар муайян даврлардаги иқтисодий ривожланишнинг йўналиши ва даражасини тасаввур қилишга ёрдам қилади. Аммо улар

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч. т. 19 стр. 404.

ибтидодий одамлар социал тузуми ва маънавий тараққиётини етарли даражада тўла-тўқис билиб олишга имкон бермайди. Бунинг устига, барча ёдгорликлар ҳам бир хилда яхши сақланмаган. Анорганик (жонсиз) буюмлар (тош ва сопол нарсалар) яхши сақланиб қолган.

Этнографик манбалар археологик манбалардан фарқ қилиб, ибтидодий одамларни, уларнинг ҳужалик ва ижтимоий тузумини, оила-шикоҳ муносабатларини, идеологиясини ҳар томонлама ўрганадиган материалдан иборатдир. XIX асргача кейинги палеолит маданияти элементларига эга бўлган қабиллар сақланиб қолган.

Жамиятларнинг (маданий жиҳатдан орқада қолган, ибтидодий даврнинг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолган халқларнинг) реликт (латинча *relingio*—«қолдирмоқ» сўзидан олинган) ҳаётини (қадимги даврлар қолдиғи тариқасида сақланиб келган нарсалар, ҳодиса ва формаларини) бевосита кузатишлар йўли билан ўрганивчи олимлар этнографик маълумотларни тўплаш билан шуғулланадилар.

Этнография тарихи Геродот, Страбон, Цезарь ва Тацитларнинг ибтидодий қабилаларни таъриф-тавсифидан бошланади. XV асрнинг охири—XVIII асрлардаги Буюк географик кашфиётлар этнографиянинг ривожланишига имконият туғдирди. XIX асрнинг иккинчи ярмида этнография мустақил фан сифатида вужудга келди. Уша замонда этнографик билимларни кенгайтиришга, реликт қабилаларни ўрганишга, этнографик материаллар асосида узоқ ўтмишдаги инсоният тарихини тиклашга алоҳида қизиқиш пайдо бўлди.

Орқада қолган қабилалар уларни ўрганишга киришилаётган вақтга келиб чинакам ибтидодийликдан анча узоқлашганликларига ва хийла тараққий қилган халқлар таъсирига берилганликларига қарамасдан, улар уруғчилик тузумининг кўпгина хусусиятларини сақлаб қолган эдилар. Кўпгина шундай қабилаларнинг ҳужалиги, ижтимоий тузуми, моддий ва маънавий маданияти этнографлар, сайёҳлар, миссионерлар, денгиз сайёҳлари томонидан тавсифлаб берилган. Тўла қимматли этнографик материаллар тўплаш мақсадида баъзи олимлар ибтидодий қабилалар орасида, масалан, Морган ирокезлар орасида, Н. Н. Миклухо-Маклай папуаслар орасида яшаганлар. Уларнинг тадқиқотлари моддий далиллар ёрдамида билиб олиш қийин бўлган жамият тузумини ўрганишда ғоят катта роль ўйнади.

Этнографлар фақат қоқоқ қабилаларнигина эмас, балки юксак даражада ривож топган, аммо экономикасида, маиший турмушида, маросим ва урф-одатларида ўтмиш ҳаёт элементларини сақланиб қолган халқларни ҳам ўрганадилар. Жамият босиб ўтган тараққиёт босқичининг ҳозирги вақтда экономикада ва кишилар онгида мавжуд бўлган хилма-хил қолдиқлари сарқитлар деб аталади. Бу сарқитлар барча халқларнинг диний ва тўй маросимларида учрайди.

Археологик ва этнографик манбаларнинг ибтидоий жамият турли босқичларини ўрганиш учун аҳамияти бир хил эмас. Масалан, гала-гала бўлиб яшаш даври ва илк уруғчилик даври асосан буюм ёдгорликлари билан кўрсатилади. Шу билан бирга, давр қанча қадимийроқ бўлса, моддий маданият ёдгорликлари доираси шунча чекланган бўлади. Ибтидоий жамият тараққиётининг кейинги босқичларини (она уруғининг раванқ топиши, ота уруғи, унинг емирилиши, қўшни жамоани) этнографик манбалар асосида тўлароқ ўрганиш тавсия этилади.

Уруғчилик тузумини палеоантропология, лингвистика (тилшunosлик), фольклор, геология, палеонтология, палеоклиматология ва шу каби фанлар маълумотларисиз ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш мумкин эмас. Палеоантропология (одамнинг қазилма қолдиқларини ўрганувчи антропология бўлими) антропогенез ва расогенез процессини кузатиб боришга ёрдам қилади.

Жамият билан бирга вужудга келган ва ривожланиб бораётган тилда янги маъно-мазмунни англатувчи эски сўзлар сақланиб қолган. Тилшунослар сўзнинг дастлабки маъносини аниқлаб, тилнинг ривожланиш йўлини ва ибтидоий одамлар ҳаётининг айрим томонларини ойдинлаштиришга ёрдам берадилар. Ибтидоий одамлар фольклори, яъни кейинчалик, синфий жамиятда ёзиб олинган халқ оғзаки ижоди асарлари ҳам қимматли манбадир. Қўшиқларда, ривоятларда одамларнинг ҳайвонларни қўлга ўргатишлари ҳақидаги, қуроллар ясашлари, доривор ўсимликларни кашф этишлари ва шу сингарилар тўғрисидаги маълумотлар учрайди.

Палеонтология (қазилма ўсимлик ва ҳайвонлар ҳақидаги фан) тадқиқот объектига мувофиқ палеоботаника ва палеозологияга бўлинади.

Палеоботаника ўсимлик турларини, уларнинг торфда сақланиб қолган гул чангига қараб тахминий нисбатларини ўрганади. Шунингдек, иқлим ҳам гул чангига қараб аниқланади. Маълумки, бир хил ўсимликлар қуруқ иқлим шароитида кўп учраса, бошқа хил ўсимликлар нам иқлимда кўп бўлади.

Палеозология қирилиб кетган ҳайвонларнинг қазилма суякларига қараб ибтидоий одамлар теварак-атрофида бўлган ҳайвонот дунёсини қайтадан тиклайди.

Палеоклиматология (қадимги иқлимлар ҳақидаги фан) иқлимни ўсимликлар гул чангига қараб ва тасмасимоң гулларга қараб, нам (сув) миқдорига боғлиқ ҳолда ўзгариб борадиган ҳавзалар чегараларига қараб аниқлайди. Климатологик даврлаштириш мезолит, неолит ва ундан кейинги даврларга онд археологик топилмаларининг саналарини аниқ белгилаб беради.

Геология (ернинг таркиби, тузилиши ва тарихи ҳақидаги фан) ер пўсти чуқинди қаватлари пайдо бўлиш процессларининг вақти изчиллигини ана шу чуқиндилар ичидаги органик қолдиқларга қараб аниқлаб борар экан, одамзоднинг ҳам ёшини аниқлашга ёрдам беради.

Тарихчилар ибтидоий жамоа тузумининг вужудга келиши, равнақ топиши ва ҳалок бўлиши даврларини реконструкция қилиш вазифасини фақат турли-туман манбалардан фойдаланиш орқасидагина бажара олишлари мумкин.

**3. Хронология.** Манбаларнинг аниқ саналари ёзиб қўйилган ҳолдагина улар муайян аҳамиятга эга бўлади. Тарих фанида замонни аниқлаш учун икки хил хронология: мутлақ ва нисбий хронологиялар қўлланилади. Абсолют хронологияда воқеанинг минг йиллиги, асри, баъзида ойи ва куни кўрсатилади. Ибтидоий жамият тарихидан мутлақо аниқ саналарни белгилаб бўлмайди. Бунда ҳодисаларнинг фақат нисбий саналари кўрсатиламоғи мумкин.

Нисбий хронологияда вақт бирликлари қўлланилмайди, яъни у ёки бу воқеа рўй берган вақтдан бери неча йил, неча аср ва неча минг йиллик ўтганлиги кўрсатилмайди. Бу хронологияда бир воқеа иккинчи воқеадан олдин ёки кейин содир бўлганлиги кўрсатилиб, воқеаларнинг изчиллиги белгиланади. Нисбий хронология археология, геология, палеонтология, палеоклиматология маълумотларига асосланади, чунки бунда меҳнат қуролининг алмашилиш изчиллиги аниқланган бўлади, геологик қатламларнинг пайдо бўлган замони, қирилиб кетган ҳайвон ва ўсимликлар ҳаётининг юзага келган вақти, у ёки бу характердаги иқлимнинг мавжуд бўлган замони тахминан маълумдир. Ёдгорликлар саналарини дарё ётқизиқларига қараб белгилашга уриниб кўрилди; бунда шу ётқизиқларнинг тўпланиш тезлиги ҳозирги замондаги ётқизиқларни кузатишлар асосида ҳисоблаб чиқилди. Қўл-музлик ётқизиқлари ёдгорликларнинг ёшини аниқроқ белгилашга имкон беради, чунки бу ётқизиқлар тасма шаклидаги юпқа гил (кузги, қишки) қатламлари билан қум қатламлари (баҳорги, ёзги қатламлар) нинг алмашилишида қиш билан ёзнинг алмашилиб турганлигини акс эттиради. Йилга мувофиқ қўшалоқ қатламлар музликларнинг эриши ва шимол томонга аста-секин чекина бориши билан тўғри келган асрнинг хронологиясини тиклашга ёрдам қилади (қадимги тош асрининг охири ва янги тош асрининг боши).

Сўнги йилларда жаҳондаги турли ихтисос олимлари томонидан ибтидоий жамиятнинг абсолют хронологиясини белгилаш учун ҳар хил методлар ишлаб чиқилди. Лекин шуни назарда тутиш керакки, энг қадимий ёдгорликларнинг мутлақ саналарини ҳисоблаб чиқиш усуллари кутилган аниқликдан ҳали узоқ турибди.

СССР да ва чет элларда археологик ёдгорликларнинг мутлақ ёшини аниқлашда уч хил усул: 1) радиоуглерод усули, 2) дендрохронологик ва 3) археомагнит усуллари қўлланмоқда. Дарахт, кўмир ва суякнинг ёшини аниқлашга имконият берадиган радиоуглерод методи жуда кенг тарқалган ва универсал бир методдир. Маълумки, азот атомларига, космик нурларнинг таъсири остида атмосферасида атом оғирлиги 14 ( $C^{14}$ —карбон<sup>14</sup>) бўлган угле-

роднинг радиоактив изотопи узлуксиз ҳосил бўлади. Атмосферадан уни ўсимликлар ютади, ўсимликлар орқали ҳайвонлар ютади. Унинг атмосферадаги ва органик модданинг ҳар бир килограммидаги концентрацияси ўзгармайди. Ўсимлик ёки ҳайвон ҳалок бўлгач  $C^{14}$  емирилади. Карбон<sup>14</sup> нинг ярим емирилиш даври 5500—6000 йилга тенг. Карбон<sup>14</sup> нинг емирилиш даражасини билиб олгандан сўнг, ўсимлик ёки ҳайвоннинг яшган вақти аниқланиб олинади.

Дарахтнинг йиллик ҳалқаларига қараб унинг кесилган вақти дендрохроник усул ёрдамида бир йилгача аниқликда билиб олинади.

Археоманит методи сопол буюмларнинг вақтини  $\pm 25$  йил хато билан белгилашга имкон беради. Сопол буюмлар пиширилгандан сўнг совиганда уларга Ер магнит майдони таъсир этиб, ўз «изини» қолдиради, бу «из» сополда узоқ вақтлар давомида деярли ўзгармай сақланади. Сопол буюмларнинг магнитланиш даражасига кўра, Ернинг магнит майдони чизиқлари тортилади ва шунга қараб сопол намуналарининг санаси белгиланади.

Шунингдек, санани белгилашнинг юқорида санаб кўрсатилган методлари билан бир қаторда, бошқа усуллари (фтор, коллаген, уран, азот усуллари) ҳам бор. Бу усуллар суякнинг минералланиш (органик моддаларнинг анорганик минераллар бирикмаларига айланиш) процессига асосланган. Ер остидаги суяк ўз таркибини ўзгаришсиз сақлаб қола олмайди. Тупроқдан суяк ичига кира борган тузлар таъсири остида унинг органик қисми аста-секин емирилади. Натижада суякнинг химиявий таркиби ҳамда унинг минерал ва минералсиз қисмларининг нисбати ўзгаради. Суяк қанча қадимийроқ бўлса, унда коллаген (органик модда) ва азот камроқ, аммо фтор ва уран кўпроқ бўлади. Суякнинг ер остида узоқ қолишидан суякдаги оқсил миқдори озайиши сабабли ундаги азот камая боради.

4. Даврлаштириш. Тарих даврлаштирилмай туриб унинг биронта бўлими ҳам ўрганилмайди; даврлаштиришда тарихий процесс изчил қисмларга (замонларга, даврларга) бўлинади, бу қисмлар муҳим воқеалар билан бир-биридан ажралади. Ибтидий жамият тарихи бўйича ягона даврлаштириш мавжуд эмасдир. Тарихчилар бу жамият тарихини ўзларича даврлаштирадилар. археологлар эса уни ўзларича даврларга бўладилар.

Тарихчилар ўз даврлаштиришида ижтимоий муносабатлар характериға асосланиб ибтидий жамият тарихини икки босқичга: 1) ибтидий гала бўлиб яшаш босқичи (уруғчилик жамиятидан илгариги жамият) га ва 2) уруғ жамоаси (она уруғи ва ота уруғига ажратиладиган уруғ жамоаси) босқичига бўладилар<sup>1</sup>. Уруғчилик тузумининг равнақи она уруғининг яшаш даврига тўғри келади; бу тузум ота уруғи даврида бузила бошлайди.

<sup>1</sup> Олий ўқув юртларининг программалари ва дарсликлари ана шу даврлаштиришга асосланган.



Археологлар моддий маданият ёдгорликларини қуроллар яшаш материали ва техникасига қараб классификация қилиб, ибтидий жамият тарихини археологик нуқтан назардан даврлаштирдилар. Француз олими Г. Мортилье ва швед археологи О. Монтелиус тош ва бронза асрларининг археологик ёдгорликларини классификация қилиш учун асос солдилар. Даниялик археолог К. Ю. Томсен уч «аср»: тош асри, бронза асри ва темир асри тушунчаларини киритди. Асрларни қуролларнинг хиллари ва уларни яшаш техникасига қараб замонларга бўлдилар. Масалан, тош асри уч замонга: 1) палеолит (грекча *palaios* — «қадимги», *litos*—«тош»), 2) мезолит (грекча *mesos*—«ўрта»), 3) неолит (грекча *neos*—«янги») замонга бўлинади. Замонлар даврларга (илк ва кейинги даврларга) бўлинади. Даврлар муайян археологик ёдгорликлар комплексини ташкил қиладиган маданиятлар (топилдиқлар жойига қараб аталган маданиятлар) билан кўрсатилган. Мортилье Франция археологик маълумотлари асосида тош асри маданиятларининг изчил алмашишини аниқлаб чиқди. Масалан, илк палеолит учун характерли маданиятлар шелль, ашель, мустье (Шелль, Сен-Ашель, Ле-Мустье), кейинги палеолит учун—ориньяк, солютре, мадлен (Ориньяк, Солютре, Ла-Мадлен), мезолит учун характерли маданиятлар—азиль, граденуаз (Мас д' Азиль, Феран-Тарденуа) ва ҳоказо.

Археологик даврлаштириш ўзининг барча афзалликларига қарамасдан, уни ибтидий жамият тарихининг асосий даврлаштирилиши сифатида қабул қилиб бўлмайди, чунки бу даврлаштиришда даврлар фақат қуроллар яшаш учун керакли бўлган материал характерига ва уни ишлаш техникасига қараб фарқ қилинади. Бу даврлаштириш ижтимоий муносабатлар эволюциясини мутлақо акс этирмайди. Бунинг устига, кишиларнинг ижтимоий муносабатлари характерини меҳнат қуролларига қараб аниқлаб бўлмайди, чунки айни бир археологик даврда турли халқлар ҳар хил социал тузумга эга бўлганлар. Чунинчи, бронза даврида Мисрда ва Жанубий Осиёда синфий жамиятлар мавжуд бўлган. Европа халқлари эса ўша замонда уруғчилик тузуми босқичида яшаганлар. Фақат палеолит ва мезолитдагина барча халқларнинг ижтимоий тараққиёти тахминан бир хил даражада бўлган.

Яқин вақтларгача ибтидий жамиятни ўрганишда Л. Г. Морганнинг «Қадимги жамият» асарида таклиф этилган даврлаштириш қўлланар эди. У ибтидий жамият тарихини икки даврга (ёввойилик ва варварлик даврларига) бўлиб, улардан ҳар қайсисини уч босқичга (қуйи, ўрта, юқори босқичларга) ажратган эди. Морган моддий ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасини ўз даврлаштиришига асос қилиб олган эди. Ҳар бир янги босқич конкрет ихтиро билан бошланади. Ф. Энгельс Морганнинг даврлаштиришига юксак баҳо берган эди ва ҳатто «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» номли асарида ана шу схемадан фойдаланган эди, айни бир вақтда, у, мазкур даврларга бў-

лиги тартиби «материалнинг анчагина кенгайиши ўзгартишлар киритишига мажбур этмагунча... албатта ўз кучида қолади»<sup>1</sup>, — деб кўрсатиб ўтган эди.

Янги маълумотлар нуқтаи назаридан ушбу даврлаштиришнинг камчиликлари борлиги маълум бўлиб қолди. Мазкур даврлаштириш тузилиши (структура) жиҳатидан схематик, умумий тарздаги даврлаштириш эканлиги аён бўлди. Ҳар қайси босқич характеристикасига асос қилиб олинган белгилар ҳамيشа бирдай муҳим белгилар эмас (балиқнинг истеъмол қилиниши, иморатлар қуриш учун хом гишт, тош ишлатилиши) ва универсал аломатлар эмас. Масалан, полинезияликларда камон билан ўқ-ёй, кулоллик бўлмаган, лекин уларнинг ижтимоий тузуми ана шуларнинг ҳаммасига эга бўлган меланезлардагига қараганда анча тараққий этган.

Тарихчилар айрим ҳолларда геологик даврлаштиришдан фойдаланадилар. Геологлар Ер қобиғининг ўтмишини тўрт эрага (архей, палеозой, мезозой, кайнозой эраларига) бўлишади. Эралар даврларга, улар эса замон (эпоха) ларга бўлинади. Масалан, кайнозой эрасида узунлиги жиҳатидан бир хил бўлмаган икки давр — учламчи ва тўртламчи даврлар ажратиб кўрсатилади. Тўртламчи даврдан баъзида учинчи даврни ажратиб, уни ҳозирги замон даври деб атайдилар. Тахминий ҳисоблашларга кура, учламчи давр бундан қарийб 69 миллион йил илгари, тўртламчи давр 1 миллион йил, ҳозирги замон даври 14 минг йил аввал бошланган. Тўртламчи даврни икки асрликка — плейстоцен (музликдан олдинги аср ва музлик асри) ва галоцен (музликдан кейинги аср)га бўладилар. Геологик даврлаштириш асосида умуман инсоният ёшини ва ибтидоий жамиятнинг бошланғич хронологиясини аниқлайдилар.

**5. Историография.** Историография фаннинг (бу ўринда ибтидоий жамият ҳақидаги фаннинг) ривожланиш тарихидир.

XIX асрнинг иккинчи ярмигача синфий жамиятдан олдинги жамият ҳақида фан бўлмаган. Лекин бу нарса XIX асрга қадар ибтидоий тарих билан ҳеч ким қизиқсинмаган деган маънони билдирмайди. Одамлар кўпдан бери ўзларининг узоқ ўтмишини англаб, билиб олиш учун ҳаракат қила бошлаганлар. Биз буни ота-боболарнинг мардонавор ишлари, қаҳрамонликлари тўғрисида энг қолоқ халқларда сақланиб қолган ривоятлардан, уруғлар ва қабилаларнинг келиб чиқиши ҳақидаги генеалогик (шажара) афсоналардан биламиз. Қадимги Шарқдаги бир қанча мамлакатлар (Миср, Бобил, Осурия, Эрон) ёзувлари ва ёзма ҳужжатларида ибтидоий халқлар ҳаёти тўғрисида ундан-бундан олинган, тўла бўлмаган маълумотлар учрайди. Бироқ қадимги Шарқдаги дастлабки синфий жамиятлардаёқ худоларнинг хоҳиш-иродаси билан Ер юзида (Шумерда, Мисрда) одамларнинг пайдо бўлганлиги ҳақида афсоналар яратилган. Одамларнинг

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. «Узбекистон», Т., 1967, 22-бет.

энг қадимги ҳолати ҳақидаги афсоналар «жаннат» (Шумер) — камбағаллар ва бойлар, эзувчилар ва эзилувчилар бўлмаган замон ҳақидаги мифларга айланган. Антик дунё олимларининг ибтидий халқлар ҳақидаги тасвирлари сақланиб қолган. Масалан, Геродот скифлар ва Африкадаги баъзи бир халқларни тасвирлаб кўрсатган, Ксенофонт Кичик Осиё халқларини, Страбон Европа ва Осиё халқларини, Цезарь ва Тацит германларни тасвирлаган. Геродот ва Страбон бир қанча халқларда умумий мулк ва она насабидан қариндошлик ҳисоби мавжуд бўлганлигини пайқаганлар.

Грек ва римлик авторлар орасида одамзоднинг бошланғич ҳолати тўғрисида ягона фикр бўлмаган. Улардан баъзи бирлари нисоният тарихининг илк босқичини «жаннат» ёки «олтин аср» шаклида тасаввур қилишган, бундай тасаввур грек шоири Гесиоднинг (эрамиздан аввалги VIII—VII асрлар) «Меҳнат ва кунлар» поэмасида ўз аксини топган; бошқалар тасаввурида ибтидий одамлар ҳаёти ҳайвонлар турмушига ўхшаш бўлган. Грек материалисти Демокрит (эрамиздан аввалги V—IV асрлар) таълимотига мувофиқ, дастлабки одамлар «қўпол—хунук, ваҳшиёна турмуш кечирганлар», овқат қидириб, кўчиб юрганлар, ердаги табиий хашақлар билан овқатланганлар, табиат билан курашнинг турли хил усулларини ўйлаб топганлар. Рим файласуфи ва шоири Лукреций Карнинг (эрамиздан аввалги I аср) «Буюмлар хислати ҳақида» номли поэмасида ҳам қадимийликка шунга ўхшаш қарашлар учрайди. Лукреций Кар одамзод маданиятининг аста-секин ривожланиш манзарасини, тош қуроолларнинг мис қурооллар билан, ундан кейин темир қурооллар билан алмаштириб борганлигини тасвирлаб берган. У, Демокрит сингари, одамларнинг муҳтожлик туфайли қилган ихтироларини изоҳлаб кўрсатган ва ўша вақтда худонинг одамни яратганлиги ҳамда одамзод тонгида «олтин аср» мавжуд бўлганлиги ҳақида тарқалган афсоналарни танқид қилган. Демокрит ва Лукрецийнинг узоқ аждодларимиз ҳаёти тўғрисидаги қарашлари гениал фароздан иборат бўлиб, у ўрта асрларда унутилиб кетган.

Ўрта асрларда диний дунёқарашнинг тантанаси ибтидий жамият ҳақидаги фаннинг ривожланишига имкон бермади. Европадаги илоҳиёт (теология) олимлари тавротдаги, гуё, худо томонидан яратилган ва жаннатдан ҳайдаб чиқарилган дастлабки одамлар (Одам Ато билан Момо Ҳаво) ҳақидаги афсонани кенг ёйдилар. Бу афсона худонинг иродаси билан дунёда пайдо бўлган биринчи одамлар ҳаёти тўғрисидаги шумер афсонаси (яҳудийлар ўзлаштириб олган афсона)га асосланади. Ибтидий одамлар хусусидаги тасаввурлар хаёлий-фантастик тусда бўлган: улар ит бошли ёки умуман бошсиз, кўкрагида кўзлари бўлган махлуқлар киефасида тасвирлаб кўрсатилган ва ҳоказо. Ибтидий одамлар ҳақидаги барча илмга хилоф бўлган даъволар ўрта асрлар схласти Фома Аквинскийнинг (XIII аср) ақоидлар трактатида тўнланган. Қолоқ халқларнинг ҳаёти тўғрисидаги фактик мате-

риаллар Византияда (шарқ халқлари ҳақида), Араб халифалигида (Шарқий Европа ва Осиё халқлари тўғрисида), Хитойда (Ўрта Осиё халқлари хусусида) тўплана борган бўлса ҳам, ўрта асрлардаги олимлар одамларнинг узоқ ўтмиши ҳақидаги этнографик маълумотлардан фойдаланишга ҳатто уриниб ҳам кўришмаган.

Ибтидоий одамлар ҳаёти тўғрисидаги ўрта асрларга хос ҳаёлий тасаввурлар XV—XVIII асрларда олимларни Америка, Африка, Жануби-Шарқий Осиё, кейинчалик Океания, Австралия қолоқ халқларининг ҳаёти билан таништирган Буюк географик кашфиётлар замонида аста-секин рад қилина борди. Лекин XVII—XVIII асрлардаги олимлар ибтидоийлик тўғрисидаги қарашларда янги босқичга кўтарила олмадилар. Улар антик дунё олимлари изидан бориб, одамларнинг бошланғич ҳаётини «ваҳшиёна» ҳаёт деб атадилар (инглиз Т. Гоббс) ёки уни жаннат ҳаёти шаклида тасвирлаб кўрсатдилар (французлардан Лафито, Ж. Ж. Руссо). Бироқ Шимолий Америка ҳиндлари орасида узоқ вақт яшаган француз миссионери Лафито Европа халқларининг узоқ ўтмишини ҳиндларнинг урф-одатлари асосида изоҳлаб тушунтириб бериш мумкинлиги ҳақида биринчи марта (1724 йилда) фикр баён қилади.

Буржуа сиёсий иқтисодининг классиклари А. Смит ва Д. Рикардо ибтидоий одамларнинг коллектив меҳнатини индивидуал меҳнат билан алмаштиришди. А. Смит меҳнатни майда товар ишлаб чиқарувчилар меҳнати билан тенглади. Д. Рикардо умуман ибтидоий жамият билан ўз замонасидаги жамият ўртасидаги фарқни пайқамади.

XIX асрнинг иккинчи ярмидагина жаҳондаги машҳур олимларнинг тадқиқотлари ва археологик қазилар муносабати билан ибтидоий жамият тарихининг кўпгина масалалари илмий асосда талқин қилина бошлади.

Швейцариялик олим И. Я. Бахофен оила тарихини ўрганишни бошлаб берди. У «Она ҳуқуқи» деган асарида (1861 й.) ўтмишда барча халқларда хотин-қизлар ҳукмрон бўлганлиги ҳақидаги фикрни баён қилди ва шу билан патриархал оиланинг азалдан мавжуд бўлганлиги ҳақидаги назарияга зарба берди. Грек файласуфи Аристотель (эрамиздан аввалги IV аср) патриархал оила ҳақидаги назариянинг асосчиси деб ҳисобланар эди. Бу назарияга биноан, энг қадимги одамлар оила-оила бўлиб яшаганлар, бу оилаларга хотинлари, болалари ва қуллари бўлган энг катта ёшдаги эркаклар бошчилик қилганлар. Феодализм ва капитализм жамиятларининг идеологлари патриархал назарияни баъзи ўзгартишлар билан қабул қилишган. Буржуа адабиётида мазкур назария ҳозирги вақтгача ёйилиб келмоқда. Аммо Бахофен тарихий процессни ҳаракатлантирувчи кучларни идеалистик асосда тушуниши тўғрисида унинг чиқарган хулосаларининг қиммати пасаяди. У оиланинг ривожланишини диний тасаввурларнинг алмашинуви билан боғлаб кўрсатган эди.

Америкалик этнограф, тарихни материалистларча тушунишга стихияли равишда яқинлашган социолог Л. Г. Морган патриархал оилани жамиятнинг энг қадимги социал-иқтисодий ячейкаси деб қарашни ва моногам (бир никоҳли) оила қадимдан бери мавжуд бўлганлиги ҳақидаги назарияни тамомила чиппака чиқарди. Морган илмий оборотга ўзи киритган қариндошлик системаларини таҳлил этиш асосида оила ва никоҳнинг ривожланиш схемасини тузди, патриархал оиланинг пайдо бўлиши уруғчилик тузумининг емирилиши билан боғлиқ эканлигини, моногам оила (ибтидоий жамиятдаги оила - никоҳ муносабатлари ривожланишининг охириги маҳсули) эса синфий формациялар учун характерли хусусият эканлигини кўрсатди, уруғнинг моҳиятини аниқлади ва унинг асосий ривожланиш даврларини текшириб борди, она уруғининг тарихий жиҳатдан ота уруғидан аввал бўлганлигини исбот қилди, ибтидоий жамият тарихининг даврларини аниқлаб чиқди. Морган бу проблемаларни «Қадимги жамият» (1877 й.) асарида ёритди, Морган китобининг пайдо бўлиши инсониятнинг ўтмишига қарашларда кескин ўзгариш ясади ва уруғчилик тузumi ҳақидаги фанга асос солди. Ибтидоий одамлар тўғрисидаги кўпдан-кўп асоссиз гипотезалар ўрнига Морганнинг ижтимоий синфларга бўлинишдан илгариги жамият ҳақидаги ғоят катта фактик материалларга асосланган мунтазам таълимоти пайдо бўлди.

Морган тадқиқотларига марксизм асосчилари томонидан юксак баҳо берилди. К. Маркс Морганнинг «Қадимги жамият» китобини конспект қилиб ёзиб олди. Кейинчалик Ф. Энгельс «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» китоби устида ишлаганида Маркснинг конспекти ва Морган асаридан фойдаланди. Марксизм асосчилари тарихий процесснинг умумий қонуниятларини ойдинлаштириш мақсадида инсоният тарихининг энг қадимги даврларини ўрганишга катта аҳамият бердилар. Улар ибтидоий жамиятни ўрганишнинг чинакам илмий методологиясини ишлаб чиқдилар.

Маркс ва Энгельснинг тил ва тафаккурнинг келиб чиқишига, инсоннинг табиатдаги ўрнига қарашлари уларнинг биргаликдаги асари бўлмиш «Немис идеологияси»да акс эттирилди. Маркснинг ибтидоий жамоа тузумининг моҳияти ҳақидаги, табиий шароитларнинг инсоният учун аҳамияти тўғрисидаги фикрлари, шунингдек, хусусий мулк ва синфларнинг келиб чиқиши ҳақидаги, меҳнат маҳсулотларининг уруғлар ўртасидаги дастлабки айирбошланиши хусусидаги ва бошқа проблемалар тўғрисидаги фикрлари «Капитал» да баён қилинган. Маркснинг қишлоқ жамоаси ҳақидаги энг муҳим фикрлари «В. И. Засулич хатига жавобнинг дастлабки (хомаки) нусхаси»да ифода қилинган. Маркс Л. Г. Морганнинг «Қадимги жамият» китобининг конспекти»да инсоният тараққиётининг уруғчилик босқичи тўғрисида қимматли ғоялар баён этилган. Маркс ибтидоий жамият ҳақида асар яратишда Морганнинг тадқиқотларидан фойдаланмоқчи бўлган эди.

Энгельснинг «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» (1884 й.) номли китоби ибтидоий жамият тарихи соҳасида классик асар бўлиб, В. И. Лениннинг таъбирича «социализмнинг асосий асарларидан бири» — Маркснинг ана шу истагининг маълум даражада бажо келтирилишидир. Энгельс бу асарда синфлар ва давлатнинг вужудга келишигача бўлган ибтидоий жамият тараққиётининг асосий даврларини диалектик ва тарихий материализм нуқтаи назаридан тасвирлади.

Энгельснинг «Маймуннинг одамга айланиши процессида меҳнатнинг роли» номли асари одамнинг пайдо бўлиш процессини тушуниб олиш учун ниҳоятда муҳимдир; у мазкур асарда социал ва биологик омилларнинг антропогенез процессига таъсирини кўрсатиб берди ва шу омиллардан бўлган меҳнат энг устуник қилувчи омил эканлигини исбот қилди. Энгельс қулликнинг пайдо бўлиш шарт-шароитларини «Анти-Дюринг» китобида ёритди. У мазкур асарида, шунингдек «Людвиг Фейербах ва немис классик фалсафасининг охири» номли китобида дастлабки диний тасаввурларнинг вужудга келиш сабаби ҳақида гапирди. Энгельс оила ва никоҳ эволюциясини «Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши» китобнинг II бобида, шу асарнинг IV немисча нашрига ёзган «Муқаддима»сида («Ибтидоий оила тарихига доир»), шунингдек «Группавий никоҳнинг яна ошкора намунаси» сарлавҳали мақоласида кўриб чиқади.

Буржуа тарих фани марксизм классикларнинг ғояларини қабул қилмади. Уларнинг тадқиқотлари чет эллар тарих фани реакцион намояндаларининг ҳозирги вақтгача давом этаётган қаттиқ ҳужумлари остида қолди. Марксизм асосчилари томонидан жуда яхши ёритилган биринчи формация проблемалари сиёсий актуаллик масалалари бўлиб қолди.

Ч. Дарвиннинг «Табиий танланиш йўли билан турларнинг келиб чиқиш» (1859 й.) ва «Одамнинг келиб чиқиши ва жинсий танланиш» (1871 й.) асарлари нашр этилгандан кейин кенг тарқалган эволюционизм XIX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Европа ва Америкада этнографияда ҳукмрон йўналишга айлана боради. Дарвин эволюцион назариянинг яратувчиси бўлиб, бу назария биологияда тубдан ўзгариш ясади. У фанда ҳукмрон бўлган ҳайвон ва ўсимликлар турларининг доимийлиги ва ўзгармаслиги ҳақидаги тасаввурни рад қилди.

Уша замонда эволюционизм буржуа фанида прогрессив йўналиш эди ва унинг методологик негизидаги барча камчиликларга қарамай, шу фан тараққиётида ижобий роль ўйнади. Эволюционизм тарафдорлари (Англияда Г. Спенсер, Э. Тэйлор, Д. Леббок, Германияда А. Бастиан, Шотландияда Мак-Леннан, Австрияда Ю. Липперт) ўша замонда кенг тарқалган регресс (инқироз) назариясига қарши чиқдилар; бу назария намояндалари, реликт жамиятлардаги одамзоднинг сифатсиз, насли айний бошлаган шажараси, деб ҳисоблар эдилар. Эволюционистлар груп-

павий никоҳдан то якка никоҳгача бўлган никоҳнинг ривожланиб боришига, эътиқодларнинг тараққий этишига алоҳида эътибор берар эдилар. Аммо улар ҳайвонот ва ўсимликларнинг ривожланиш қонуниятини инсоният тарихига ёйиб, жамият эволюцияси ақл-идрок таъсири остида тўғри чизиқ бўйлаб давом этадиган тараққиёт, деб содда равишда, юзаки англар эдилар. Эволюционистлар турли халқларнинг маданият ҳодисаларини таққослаш методидан фойдаланиб, инсониятнинг маданий бирлигини исботладилар, шу ҳодисаларнинг ривожланишидаги изчилликни аниқладилар, жамият тараққиёти қонунларининг бирлигини тушунишга яқинлашиб келдилар. Худди шунинг учун эволюционистлар мактаби (йўналиши) кўп ўтмай буржуа фанига мақбул келмайдиган бўлиб қолди. XIX асрнинг охири ва XX аср бошларида капитализм ўзининг империализм босқичига қадам қўйди ва буржуазиянинг реакция томонига умумий бурилиши бошланди, расмий буржуа фани эволюционизм мактабини рад қилди.

XIX ва XX асрлар бўсағасида Ф. Гребнернинг маданий-тарихий мактаби ва унинг маданий доиралар назарияси жуда катта таъсир кўрсатди. Германияда вужудга келган ҳамда Австрия ва Англияда кенг ёйилган бу мактаб бир неча йўналишдан иборат бўлиб, улардан энг реакциони—«Вена мактаби» деб аталадиган клерикал йўналишдир. Маданий-тарихий мактабнинг пайдо бўлиши буржуа этнографик фани кризиси бошлангандан далолат берар эди. Мазкур мактаб йўналишларининг вакиллари жамият тараққиёти ва халқлар маданияти қонуниятини очиб бериш йўлидаги уринишдан воз кечдилар. Улар инсоният тараққиётидаги илгарилаб боришни инкор қиладилар. Улар маданий доиралар деганда бир марта вужудга келиб, сўнгра бошқалардан ўзлаштириб олиш йўли билан ёки миграция (кўчирилиш) ёрдамида бутун дунёга тарқаладиган мислсиз индивидуал, маданий ҳодисаларни (моддий маданият ёдгорликларини, дин шаклларини, маросимлар, урф-одатлар ва шу кабиларни) назарда тутадилар. Улар инсоният тарихини маданий доиралар ўртасидаги беихтиёр силжишлар билан чеклаб қўядилар.

Этнографияни Ватиканга хизмат қилдирувчи австриялик олимлар (В. Шмидт ва В. Копперс) нинг клерикал оқими бир ҳудудлик (монотеизм) хусусий мулк ва моногам (бир никоҳли) оиланинг афзаллигини исботлашга уриниб, манбаларни сохталаштириш билан шуғулланади. Маданий-тарихий мактаб тарафдорлари этнография фанига ҳеч қандай ижобий нарса киритмадилар.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин буржуа этнографиясида функционал мактаб кенг ёйилди; бу мактаб мустамлакалардаги уруғ-қабила ташкилот қолдиқларини ўрганиш мақсадида Англияда Б. Малиновский томонидан ташкил этилди. Функционалистлар ҳар бир халқ ҳаёти ва маданиятининг ҳамма томонларини мувозанат ҳолатида турган бир бутун ижтимоий организм,

бир-бири билан чамбарчас боғланган қисмлар, деб ҳисоблаб, ана шу мувозанат ҳолатини сақлаб туриш учун мазкур ижтимоий организм функцияларининг ҳаммаси дахлсиз сақланиб қолиши керак, деб даъво қилар эдилар. Мустамлака қарамлигидан баод бўлаётган халқларининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган уруғ-қабилла муассасаларини сақлаб қолишга уринишлар ана шу «мувозанатни сақлаш» ниқоби билан хаспўшланар эди. Британия империясининг мустамлакачи маъмурлари функционал йўналишдан мустамлакачиликнинг назарий асосланиши сифатида фойдаландилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида ва ундан кейин Америка этнографиясида этнопсихологик йўналиш яратилди (А. Кардинер ва Р. Линтон), бу йўналиш совет историографиясида психологик ирқчилик (психорасизм) мактаби деб аталди. Психоирқчилар умуман жамиятти эмас, балки шахслар психологиясини этнографик тадқиқотнинг объекти деб эълон қиладилар; шахслар психологияси гўё бутун жамиятнинг ҳолатини белгилаб берар эмиш. Улар турли халқлар маданиятидаги фарқлар ва хусусиятлар, психоирқчиларнинг фикрича, тарбия системасига боғлиқ бўлган шу халқлар психикасининг бир хил бўлмаганлиги натижасидир, деб ҳисоблайдилар. Америка монополияларининг реакцион сиёсатини оқлаш учун мулжалланган психорасизм синфий тенгсизликни ва ирқий камситилишни «илмий» асослашга ва абадийлаштиришга уринмоқда. Этнопсихологик мактаб буржуа этнографияси тушкунлигининг чуқурлигини кўрсатади.

Буржуа тарихчилари тарихий процесснинг айланма шаклда, доимо такрорланиб бориши концепциясини (цикллилик, даврлилилик назариясини) ҳозирги вақтгача тарғиб қилиб келмоқдалар. Бу назарияга биноан, тарих циклларнинг пайдар-пай занжиридан пайдо бўлади. Ҳар бир цикл гўёки аввалги циклни такрорлайди, шу сабабдан умуман олға томон ҳеч қандай ҳаракат йўқ эмиш. Фандан узоқ ва унга ёт бўлган ана шу назарияларнинг ҳаммаси илгарилаб борадиган ва прогрессив тарихий процесс ҳақидаги ҳар қандай тасаввурни йўқ қилишга интилади.

XX асрнинг тараққийпарвар археологлари, антропологлари ва этнографлари ибтидоий жамият тарихи ҳақидаги реакцион уйдирмаларга, унинг сохталаштирилишига қарши чиқдилар. Америка этнографи Ф. Бас ва америкалик энг катта антрополог Л. Хрдличка ана шулар қаторига киради. Археология соҳасида тараққийпарвар инглиз олими Г. Чайлдининг асарлари кенг шухрат қозонди.

Революциядан илгариги рус олимлари фактик материал туплашда ва бир қанча проблемаларни назарий ишлаб чиқишда Ғарбий Европа олимларидан қолишмайдилар. Қадимги рус «Ўтмиш йиллар қиссаси» да (XII аср) уруғлар ва қабилаларнинг биричи тасвири учрайди. Бу қисса «ғалати одамлар» (ит бошли, бир оёқли кишилар) ҳақидаги фантазиялар орасида алоҳида аж-



рилиб туради. Маъмур асарда Шарқий Европа қабилалари (славян, литва, фин қабилалари) янги санаб чиқилади, уларнинг яшаган жойлари, айрим славян қабилаларининг урф-одатлари ва маданияти тўғрисида қисқача мулоҳаза ва изоҳлар баён қилинади. «Шарқий мамлакатдаги нотаниш одамлар ҳақида ва турли тиллар хусусидаги» (XV аср) Новгород ривоятларида ибтидий қабилалар тўғрисида маълумотлар бор. Тверь савдогари Афанасий Никитинининг «Уч денгиз оша саёҳат» номли машҳур асари XV асрга мансубдир. У 1466—1472 йилларда шарқ мамлакатлари бўйлаб саёҳат қилди, Ҳиндистонда уч йил яшади ҳамда маҳаллий аҳолининг турмуши ва урф-одатларини ёрқин тасвирлайди.

XVII—XVIII асрлардаги янги ерлар топувчи рус сайёҳлари ахборотларида Уралнинг шарқ томонида яшаган қабилаларнинг сони, уларнинг ўрнашган ерлари, турмуши ва эътиқодлари ҳақида маълумотлар берилган. 1648 йили Беринг бўғозига етиб борган С. Дежнёв далилларида, XVII асрдаги «Приказ устушлари»да, В. Атласовнинг (коряклар ва ительменлар ҳақидаги) ахборотларида, Н. Спафарийнинг «Хитойдаги рус элчисининг баёноти варақалари» да (1675 й.) Сибирдаги турли қабилалар тўғрисида маълумотлар бор. XVII асрдаги приказ казаклар, саноат ва савдо аҳллариининг ибтидий халқлар хусусидаги ахборотлари ҳаққоний маълумотлардир.

XVIII асрда илмий экспедициялар ташкил этган Россия Фанлар академиясининг раҳбарлиги остида Россия халқлари тўғрисида этнографик материаллар тўплаш кучайди. Шу экспедициялар иштирокчилари бўлган рус олимларининг этнографик асарлари биринчи марта XVIII асрда эълон қилинди. Сургуи қилинган украин Г. Новицкийнинг 1715 йилда ёзган «Остяк халқи тўғрисида қисқача тасвир» биринчи этнографик асар бўлди. У остякларнинг моддий маданият ёдгорликларини, урф-одатлари ва эътиқодларини тасвирлади. Биринчи академик экспедиция иштирокчиларидан бири С. Крашенинниковнинг XVIII асрда уругчилик тузумида яшаган ительменлар (камчадаллар) ҳақидаги «Қамчатка ерининг тасвири» (биринчи марта 1755 йилда нашр этилган) тадқиқоти катта аҳамиятга эга. И. Георгининг «Россия давлатида яшовчи барча халқларнинг тасвири» помлоқ умумлаштирувчи китобида (СПб, 1776—1799 йиллар), П. Паллас ва В. Зуевнинг<sup>1</sup> Иккинчи академик экспедицияси иштирокчиларининг тунгуслар (эвенклар), хантлар, ненецлар ва бошқа халқлар тўғрисидаги, И. Лепёхиннинг Волгабўйи, Урал ҳамда Россия Европа қисмининг Шимол халқлари ҳақидаги этнографик материаллардан фойдаланилган.

Москва университетининг профессори С. Е. Десницкий «Дастлабки халқларда эр-хотинликнинг бошланиши ва пайдо бўли-

<sup>1</sup> В. Ф. Зуев хантлар (остяклар) ва ненецларда XVIII асрнинг иккинчи ярмида экзогамия (грекча экзо—«ташқари» γαμος—«نيكωх») —ўз уругидан ташқари кишига уйланиш ёки эрга тегиш урф - одати мавжуд бўлганини кашф этган.

ши ҳақидаги ҳуқуқий мулоҳазалар...» (1775 й.) номли асарида мулк ҳам, оилавий муносабатлар ҳам азалги тартиботлар бўлмаган деб уқтириб ўтган эди. Улар муайян тарихий шароитларда пужудга келган ва хўжалик формаларининг ўзгариши билан бирга ўзгара борган.

XVIII асрнинг иккинчи ярмида подшо ҳукумати томонидан ҳурриятпарварлик гоялари учун Сибирга сургун қилинган А. Н. Радищев ибтидоий тарихга қизиқди. У тош асри, мис ва темир асрлари мавжуд бўлганлиги ҳақида фикр баён қилди. Руссониинг жамиятга қарашларини танқид қилди. Радищев якка яшаш равиши одам учун ҳалокатли турмуш тарзи эканлигини таъкидлаб ўтди.

XIX асрнинг биринчи ярмида Россияда ибтидоий тарихга онд фактик материалларни тўплаш давом эттирилди ва шу тарихнинг бир қанча проблемалари назарий жиҳатдан ишлаб чиқилди. XIX аср бошларида ер юзи атрофида саёҳат қилган И. Крузенштерн, Ю. Лисянский, О. Коцебу, Ф. Литке, А. Лазарев ва бошқалар Шимолий Америка ва Океания халқларини ўрганишга қимматли ҳисса қўшдилар. Чет эл олимлари билан деярли айни бир замонда (1826 йилда) Дерпт университетининг ректори Эверс Россиядаги уруғ ҳақидаги масалани ишлаб чиқа бошлади. У уруғ ташкилотининг универсаллигини аниқлади. Бу нуқтаи назарни XIX аср ўрталаридаги Россия олимларининг ҳаммаси қўллаб-қувватлади. Бахофен китобининг пашр этилишидан бир неча йил илгари Россия олимлари (К. Кавелин, В. Шульгин, А. Доряков) уруғчилик жамиятида аёлларнинг фахрли мавқега эга бўлганликлари ҳақидаги проблемани ўртага қўйдилар ва уни славянлар тўғрисидаги материал асосида асосан тўғри ҳал этдилар.

1845 йилда ташкил этилган Рус география жамияти (унинг этнография бўлими билан бирга) XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб этнографик материал тўплаш ва уни ўрганиш маркази бўлиб қолди. XIX аср ўрталаридан эътиборан этнография фаннинг мустақил тармоғига айланди. Рус революционер - демократи Н. Г. Чернышевский каби кишилар этнография соҳасида ишладилар; Чернышевский жамиятнинг ёввойиликдан цивилизация сари тараққий қилиб бориш қонунияти ҳақида Л. Морган китобининг босилиб чиқишидан 20 йилча олдин (1855 йилда) фикр баён қилган эди.

Нисонияттин «тубан» («паст») ва «олий» ирқларга бўлишга қарши қурашувчи бўлган Н. Н. Миклухо-Маклай этнография фани ривожига гоят бебаҳо ҳисса қўшди. У ўз ҳаётининг катта қисминин Океания қолақ халқларини ўрганишга бағишлади; уша замонда ҳали текширилмаган орол бўлган Янги Гвинеяга уч марта (1871—1872; 1876—1877 ва 1883 йилларда) бориб келди ҳамда маданият тараққиёти билан одамларининг ирқий белгиларини ўртасида боғланиш йўқлигини шахсан ўзи тўплаган материаллар асосида исбот қилди.

Россияда К. Маркс иқтисодий таълимотининг биринчи пропагандаисти бўлган экономист ва этнограф Н. И. Зибер ибтидоий жамият экономикасини ўрганди. Унинг ҳозирги вақтгача ўз аҳамиятини йўқотмаган «Ибтидоий иқтисодий маданият очерклари» да (1883 й.) инсоиятнинг илк босқичларидаги барча халқларда коллектив ишлаб чиқариш ва истеъмол мавжуд бўлганлиги ҳақида, ер эгалигининг жамоа формалари тўғрисида фикр юргизилади. Зибер айирбошланинг юзага келишига, унинг ибтидоий муносабатларнинг бузилишига ва синфий жамиятнинг ташкил топишига кўрсатган таъсирига алоҳида эътибор берди. У Бахофен ва Морганнинг она уруғи ҳақидаги таълимотини асослаб берар экан, патриархал назарияга қарши чиқди. К. Маркс Н. И. Зибер тадқиқотларини тақдирлаб баҳо берди.

М. М. Ковалевский ўз фаолиятининг илк даврида ибтидоий жамиятда ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланишининг паст даражада бўлганлиги сабабли ибтидоий одамларнинг биргаликдаги фаолияти ҳақида, патриархатнинг универсаллиги (кўп томонламалиги) тўғрисида, она уругидан ота уругига ўтилиши хусусида, патриархал оила ва қишлоқ жамоаси ҳақида ёзди. У славянлар ва Кавказ этнографик материалларини биринчи марта фанга киритди, оила, уруғ ва қишлоқ жамоаси проблемаларини таҳлил этишда ана шу материаллардан фойдаланди.

XIX асрнинг 80-йилларида, народникликка қарши кураш даврида Г. В. Плеханов К. Маркс ва Ф. Энгельснинг ибтидоий жамият тўғрисидаги таълимотини қувватлаб, ҳамоя қилар экан, инсоиятнинг вужудга келиши меҳнат процесси билан боғлиқ эканлигини таъкидлади, ишлаб чиқаришнинг ижтимоий характерини кўрсатиб ўтди, хусусий мулкнинг афзаллиги ҳақидаги буржуа назариясини танқид қилди. Ибтидоий дин ва ибтидоий санъат тўғрисидаги ўз фикр-мулоҳазаларини айтиб берди; у ибтидоий дин ва санъатнинг пайдо бўлишини одамларнинг меҳнат фаолияти билан боғлади. Плеханов санъатнинг ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳолатига бевоқифа боғлиқ эканлигини таъкидлаши билан бирга, санъат тараққиётида психологик қонунларнинг ҳал қилувчи ролини кўрсатди.

XIX аср охирида сиёсий-революцион фаолияти учун Сибирга сургун қилинган кишиларнинг асарлари орасида Л. Я. Штернберг ва В. Г. Богораз-Таннинг тадқиқотлари айниқса эътиборни ўзига тортади. Л. Я. Штернберг Сахалин шимолидаги гилякларда группавий никоҳ сарқитлари мавжудлигини аниқлаган. Энгельс «Группавий никоҳнинг яна яққол бир намунаси» сарлавҳали мақоласини ана шу кашфиётга бағишлаган. В. Г. Богораз-Тан «Чукчалар» номли икки томли монографиясида уруғ тузумининг емирилиши босқичида яшаган чукчаларни ҳар томонлама тасвирлаган.

Марксист олимлар ўз тадқиқотларида К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин кўрсатмаларига амал қилдилар. В. И. Ленин

Маркс билан Энгельснинг синфларга бўлинишдан илгариги жамият ҳақидаги ғояларини конкретлаштирди ва янада ривожлантирди. У Маркснинг ижтимоий-иқтисодий формациялар тўғрисидаги таълимотини, формация таърифининг ўзини равшанлаштирди ва ҳар қайси формациянинг асосий белгиларини таърифлаб берди<sup>1</sup>, ибтидоий жамият тарихини даврларга бўлиб, ибтидоий ғалани, уруғ жамоасини, ибтидоий жамиятда аёлларнинг юқори мавқеини, патриархал жамиятни тилга олди<sup>2</sup>, гала-гала бўлиб яшаш даврида «зоологик индивидуализм» мавжуд бўлганини кўрсатиб ўтди<sup>3</sup>, қабиланинг вужудга келиши ва ривожланиши ҳақидаги масала устида тўхталди<sup>4</sup>. У Маркс ва Энгельснинг фикрларини ривожлантириб, диннинг пайдо бўлишидаги социал, психологик ва ғносеологик илдизларни очиб берди<sup>5</sup>. Ленин «олтин аср» ҳақидаги идеалистик назарияни танқид қилди,<sup>6</sup> хусусий мулк ва давлатнинг вужудга келиш сабабларини баён қилди, синфларнинг ривожланиш йўлини<sup>7</sup>, оиланинг ривожланиш йўлини аниқлади<sup>8</sup>, синфларни таърифлади<sup>9</sup>.

Марксист олимлар схематизмни, схоластик тортишувларни бартараф қила бориб, маданий доиралар, миграциялар, циклизм ва ирқчилик (расизм) ҳақидаги буржуа назарияларига қарши курашиб, ибтидоий жамият тўғрисидаги фанга қимматли ҳисса қўш-

<sup>1</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. «Халқ дўстлари» нима ва улар социал-демократларга қарши қандай курашадилар? Асарлар, 1-том, 141—144-бетлар. Народникликнинг иқтисодий мазмуни ва Струве жанобларининг китобида унинг танқиди. 1-том, 463—465-бетлар. Давлат тўғрисида. Асарлар, 29-том, 494—496, 499—503-бетлар.

<sup>2</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Полн. собр. соч. Письмо к Горькому. 48 т. стр. 230—233. А. Богданов. Рецензия. Иқтисод фани қисқа курси. Асарлар, 4-том, 44—45-бетлар. Давлат ва революция. Асарлар, 25-том, 426—428-бетлар. «Халқ дўстлари» нима... Асарлар, 1-том, 159—160-бетлар. Давлат тўғрисида. Асарлар, 29-том 492—494-бетлар.

<sup>3</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Горькийга хат.

<sup>4</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. «Халқ дўстлари» нима ..., Асарлар, 1-том, 159—160-бетлар.

<sup>5</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Социализм ва дин. Асарлар, 10-том, 75—77-бетлар. Ишчилар партиясининг динга муносабати ҳақида. Асарлар, 15-том, 434—435-бетлар. Философия дафтарлари. Асарлар, 38-том, 389—390, 398—400-бетлар. Материализм ва эмпириокритицизм. Асарлар, 14-том, 129—130, 179—180, 200—201, 343—345-бетлар.

<sup>6</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. «Аграр масала ва Марксни танқид қилувчилар». Асарлар, 5-том, 111—112-бетлар.

<sup>7</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Народникликнинг иқтисодий мазмуни... Асарлар, 1-том, 485—487-бетлар. Давлат ва революция. Асарлар, 25-том, 425—427, 433—435, 436—437-бетлар. Давлат тўғрисида. Асарлар, 29-том, 492—494, 499-бетлар. «Халқ дўстлари» нима..., 158-бет.

<sup>8</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. «Халқ дўстлари» нима ..., Асарлар, 1-том, 158-бет.

<sup>9</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Русь социал-демократиясининг аграр программаси. Асарлар, 6-том, 111-бет. Социалист-революционерлар қайта тириктиришга вольгар социализм ва народниклик. Асарлар, 6-том 277—279-бетлар. Ёшлар союзларининг паизфалари. Асарлар, 31-том, 300—301-бетлар. Буюк почин. Асарлар, 29-том, 435—436-бетлар.

дилар. Улар ўз тадқиқотлари билан ибтидоий, тарихнинг ҳамма проблемаларини бойитдилар.

Ибтидоий жамиятнинг текширувчи совет тарихчилари энг қадимги даврларни ўрганиш устида археологлар, этнографлар, антропологлар ва бошқа фанлар олимлари билан биргаликда ишламоқдалар.

Совет археологлари мактабини яратишда революциядан олдинги фаннинг энг яхши намояндалари (В. Городцов, А. Спицин, Б. Фармаковский ва бошқалар) иштирок қилдилар. Совет археологлари (П. Борисковский, А. Брюсов, П. Ефименко, А. Окладников, С. Толстов, А. Формозов ва бошқалар) ибтидоий одамлар манзилларини, қўрғонларини текширишнинг янги методларини ишлаб чиқдилар. Археологик қазинмалар катта майдонларда ўтказиладиган бўлиб қолди, бу эса турар жойларнинг қолдиқлари ва хусусиятларини, қишлоқ-овулларнинг планлаштирилиш элементларини аниқлашга имкон беради. Қазилмаларнинг натижалари бир-бирига яқин фанларнинг намояндалари (геологлар, палеозоологлар, антропологлар ва бошқалар) билан ҳамкорликда мулоҳаза қилиниб, аниқлаб олинади. Қазилма топилдиқларининг саналарини белгилашда радиоуглерод методидан фойдаланилади, қуролларни илмий классификация қилишда формализмни йўқотиш учун тош қуролларнинг функцияларини уларнинг ёйилганлик изларига қараб аниқлаш методи ишлаб чиқилган. Совет археологлари одамзоднинг туғилиши, диннинг вужудга келиши, уруғ ташкилотининг шаклланиши, чорвачилик ва деҳқончиликнинг вужудга келиши, касб-ҳунарнинг пайдо бўлиши проблемалари ва шу каби муаммоларни муваффақиятли равишда ишлаб чиқмоқдалар.

Совет антропологлари (В. Бунак, Г. Бонч-Осмоловский, Г. Дебец, М. Герасимов, М. Неструх, Я. Рогинский, В. Якимов ва бошқалар) антропогенез, расогенез (ирқий генез) процессини ойдинлаштириш учун кўпгина ишлар қилдилар. Совет антропологлар мактабининг хизмати—антропогенез жараёнидаги уч босқич ва икки сакраш ҳақидаги назариянинг ишлаб чиқилишидир. М. Герасимов бош суягига қараб юзнинг юмшоқ қисмларини тиклаш методларини ишлаб чиқди. У синантроп, неандерталь ва кроманьон одамининг ҳайкал шаклидаги портретларини яратди. У энг қадимги даврдан бошлаб то ҳозирги замонгача яшаган одамларнинг суяк қолдиқларига қараб, уларнинг 70 дан кўпроқ индивидуал портретларини яратди.

Совет этнографлари диалектик ва тарихий материализм мавқеида туриб, революциягача бўлган этнографиянинг бой меросига танқидий назар билан қараб, уни қайтадан баҳоладилар ва шу меросни янги тадқиқотлар билан бойитдилар. Совет этнографлар мактабининг асосий тадқиқот объекти—конкрет халқ—ўзи яратган маданиятнинг ижодкори ва унинг ёювчисидир.

Совет этнографиясининг намояндалари (А. Золотарёв, Д. Ольдерогге, С. Токарев, С. Толстов, Ю. Аверкиева, А. А. Аниси-

мов ва бошқалар) уруғ, оила ва диннинг ташкил топиши, уруғчилик тузумининг бузилиши ва шу сингари проблемаларни муваффақият билан ишлаб чиқмоқдалар.

Археологлар, антропологлар ва этнографларнинг конкрет текширишлари туфайли ибтидоий жамият тарихидан умумлаштирувчи асарлар пайдо бўлди. Синфларга бўлинишдан илгариги жамият тарихидан биринчи умумлаштирувчи асар («Ибтидоий инсоният очерклари») 1926 йилда В. К. Никольский томонидан ёзилди. Никольский ибтидоий жамият тарихининг турли проблемалари юзасидан кўпгина китоблар ёзди. («Диннинг келиб чиқиши»—1940 й. «Инсониятнинг болалиги»—1950 й. ва бошқалар). Уруғчилик тузуми тарихидан умумлаштирувчи характердаги иккинчи асар («Ибтидоий жамият») Н. П. Токин томонидан 1935 йилда эълон қилинди. В. Равдоникас 1947 йилда ибтидоий жамият тарихидан дарслик ёзишга биринчи марта уриниб кўрди. Унинг икки томлик китоби уруғчилик тузумининг то бузила бошлашигача бўлган даврини қамраб олади. Синфларга бўлинишдан илгариги жамият тарихидан умумлаштирувчи асарларни П. П. Ефименко («Ибтидоий жамият»—1938 й.), П. И. Борисковский («Ибтидоий жамиятнинг бошланғич даври» — 1950 й.; «Инсониятнинг энг қадимги ўтмиши»—1957 й.), М. О. Косвен «Матриархат»—1948; «Ибтидоий маданият тарихи очерклари»—1953 й. I нашри, 1957 й, II нашри), Ю. И. Семенов («Одамзод қандай вужудга келган»—1966 й.) ва бошқа олимлар ёздилар.

Ибтидоий формацияни текширувчи совет олимлари жаҳон фанида кўзга кўринарли ўринни эгалладилар, этнограф ва антропологларнинг 1964 йили Москвада бўлиб ўтган VII Халқаро конгрессни бунга яққол кўрсатди.

## II БОБ

### ИБТИДОЙ ГАЛА.

1. Одамнинг пайдо бўлиши. Антропогенез проблемаси одамнинг аجدодлари, одамга айланиш омиллари, инсониятнинг энг дастлабки ватани ҳақидаги масалаларни ўз ичига олади.

Қадим замонлардан бери одамлар ана шу масалаларга қизиқиб келганлар, шу сабабдан кўп асарлардан буён бу масалалар теварагида прогрессив ғоялар билан реакцияон ғоялар ўртасида кураш давом этган. Мунозаралар жараёнида шу масалаларга доир кўндан-кўн назариялар яратилган.

XIX асрнинг ўрталаригача худонинг одамларни ўзига ўхшатиб яратганлиги ҳақидаги идеалистик назария ҳукмрон эди.

Бироқ антик дунёнинг илгор мутафаккирлариёқ одамнинг табиий равишида пайдо бўлганлиги ҳақида фараз қилган эдилар. Бу фаразни Ч. Дарвин биринчи марта илмий асослаб берди. Одамларнинг насл-насаби эса Дарвиннинг издоши бўлган немис олими Э. Геккель томонидан асослаб кўрсатилди. XIX асрнинг

охир ва XX асрдаги археологик кашфиётлар уларнинг даъво-лари тўғри эканлигини тасдиқлаб берди. Улиб-қирғилиб кетган антропоидлар (одамсимон маймунлар)нинг, энг қадимги ва қадимги одамларнинг топилган суяк қолдиқларига қараб эндиликда ҳозирги замон кишиларининг узоқ ва яқин ота-боболари эволюцияси босқичлари аниқлаб чиқилди.

Совет тадқиқотчилари антропогенез процессидаги икки босқични (қазилма антропоидларни, энг қадимги ва қадимги одамларни, ҳозирги жисмоний қиёфадаги одамларни) ва шу босқичларга мувофиқ равишда икки сакрашни ажратиб кўрсатадилар; бу икки сакрашдан биринчиси, энг муҳим сакраш, биринчи босқичдан иккинчи босқичга, яъни қуроллар ясай бошлаш замонига тўғри келадиган босқичга ўтишни билдиради. Иккинчи сакраш қадимги одамлардан ҳозирги жисмоний типдаги одамларга ўтиш билан боғлиқдир.

Одамларнинг қазилма маймунлардан тарқалганлиги ва ўша маймунлар билан ҳозирги антропоидларнинг ҳаммасига ҳос умумий аجدодлари мавжуд бўлганлиги илмий асосда аниқланган. Горилла ва айниқса шимпанзенинг ҳозирги приматларидан уларнинг генеалогик жиҳатдан одамларга жуда яқинлиги аён бўлиб қолмоқда. Антропоидлар насл-насаби Мисрда топилган парапитекдан (грекча пара—«ёнида, олдида», *pithecus*—«маймун») ва унинг энг яқин авлоди проплиопитекдан (грекча про—«аввал, олдинги») бошланади, ана шундан икки тармоқ пайдо бўлган. Улардан бири, ён тармоқ плиопитекка ва сивапитекка олиб келган. Плиопитеклардан («плиоцен» сўзидан) ҳозирги замон гиббонлари, сивапитеклардан (Ҳиндистондаги Сивалик тоғлари номидан)—орангутанлар тарқалган. Проплиопитеклардан келадиган иккинчи анча прогрессив тармоқ дриопитекларнинг пайдо бўлишига олиб келган (грекча *drio*—«чакалакзор, қалин ўрмон», *pithecus*—«маймун», яъни ўрмон маймунлари), улар одам ва ҳозирги гориллалар ва шимпанзенинг умумий аجدодлари бўлган. Дриопитеклар охириги учламчи замондаги Европада, Оснё ва Африкада яшаган. Дриопитеклар қоziқ тишлари катталигининг, бу тишлар билан қурак тишлар оралигининг бурмунча кичрайишидек хусусият уларни приматлардан ажратиб туради ва одамга яқинлаштиради. Дриопитеклар ўз состави жиҳатидан ҳам турли бўлган. Баъзи дриопитеклар турларининг ривожланиши натижасида ҳозирги горилла ва шимпанзе пайдо бўлган, анча прогрессив бўлган бошқа турлари одамга айланиш йўлидан ривожланиб борган. Удабнопитек деб (Шарқий Грузиядаги Удабнода яшаши бўйича) аталган маймун дриопитекка жуда яқин. Одамга айланиш йўлига ўтмаган қазилма антропоидлардан бир хиллари учламчи давр охирида дарахтлар устида яшашга мослаша бориб, умрбод тропик ўрмонда қолаверганлар. Бошқа маймунлар биологик жиҳатдан ривожланган сари уларнинг таналари катталашиб борган. Ёна мегаантропи, археологлар томонидан Хитойнинг жанубида

топилган гигантроп, шунингдек ҳозирги замондаги гориллар ана шундай маймунлар қаторига киради. Уларнинг мия эволюциясига қарама-қарши ўлароқ, ўзларининг яшаш учун курашига имкон берадиган жисмоний кучлари оша боғган.

Ҳиндистоннинг шимолида топилган рамапитек («Рама» — ҳинд мифологияси қаҳрамонининг номи) дриопитекларнинг прогрессив тармоғидан ривожланиб етишган бўлиб, у одамга дриопитекка қараганда анча яқиндир. Рамапитекнинг қиёфаси камроқ ҳайвонсимон, унинг қозиқ тишлари қолган тишларига нисбатан олдинга туртиб чиқиб турмаган.

Рамапитеклар билан энг қадимги одамлар ўртасидаги оралиқ бўғинлар ҳали топилмаган, аммо, эҳтимол улар кўп жиҳатдан австралопитекларга (латинча *australis* — «жанубий», грекча *pithecus* — «маймун», яъни жанубий маймунга) ўхшасалар ва айни вақтда австралопитеклардан прогрессивроқ бўлса керак. Жанубий Африкада топилган 1924 йилда биринчи топилдиқ (қазилма австралопитеклар) 30 зот (бир неча турдан иборат: плезиантроп (грекча *plesios* — «яқин, қўшни», *antiopos* — «одам», яъни одамга яқин), парантроп (грекча *para* — «ёнида, олдида», яъни одам олдида), телантроп<sup>1</sup> (грекча *telos* — «мақсад», яъни эволюция процессида мақсадга эришган одам), зинжантроп (*Zinj* — Шарқий Африканинг эски арабча номи). Олимлар асосий кўпчилигининг фикрича зинжантроп (унинг ёши 1.500 000 йил) (миясининг ҳажми 520 см<sup>3</sup> бўлган ва тишларининг тузилишида одамникига хос хусусиятлар бўлган австралопитеклар тараққиётида сўнгги звенодан иборатдир.

Австралопитеклар орқа оёқлари билан юрганлар, ҳайвонларни овлаганлар ва гўшт билан овқатланганлар. Уларнинг тишлари ва кўз косалари шакл жиҳатидан одамларникига ўхшаш бўлган. Австралопитекларнинг озиқ тишлари ва жағлари дриопитеклар ва рамапитеклардагига қараганда камроқ ривожланганлиги сабабли улар ўзларини ҳимоя этиш ва керак бўлганда ҳужум қилиш учун тош ва таёқлардан фойдаланишга мажбур бўлганлар. Австралопитеклар гоминиднинг (лат. *hominide* — *homo* «одам» сўзидан) бевосита аجدодлари бўлмаган, чунки улар, бир хил тадқиқотчиларнинг фикрича, одам эволюциясидаги марказий йўлдан четга чиқиб қолиб, ҳаммаси қирилиб кетган; бошқа тадқиқотчиларнинг фаразича, қандайдир илк бир босқичда улардан энг юксак тараққий этган бир тур ажралиб чиққан ва у мустақил равишда ривожлана бориб, гоминидларга олиб келган.

1960 йилда инглиз палеонтолог Л. Лики Танганьикадаги худди ўша Олдовой дарасининг илк туртламчи давр қатламларида, зинжантроп топилган жойда, лекин 60 см чуқурроқ ерда презинжантроп деб, кейинчалик эса (*homo habilis* — «ишбилар-

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотчилар телантропни австралопитеклардан ажратадилар, уни ибтидоий одамсимон зот, деб ҳисоблайдилар.



мон одам») деб аталган, анча прогрессив мавжудотнинг бош суяклари, панжа, оёқ, юз суяклари ва скелетининг бошқа қисмларини топди. Шу нарса аниқландики, презинжаантроп зинжантропдан олдин вужудга келган, кейинчалик эса у билан айни бир вақтда яшаган; у орқа оёқларида юрган, миясининг ҳажми австралопитекларникига ва ҳозирги замон одамсимон маймунларникига қараганда каттароқ (670—680 см<sup>3</sup>) бўлган, тишлари, қўл ва оёқларининг тузилиши жиҳатидан ҳозирги замон одамига яқин бўлган Л. Лиқи ва унинг ҳамкасблари шуни тасдиқлайдиларки, homo habilis—худди ўша қатламдан топилган майда тош қуролларнинг ижодкори ва демак, зоантроп (грекча *zos* —«тонг», *anthropos* —«одам», яъни одамнинг тонги (илк даври) бўлди. Унинг ёши калий-аргон методи<sup>1</sup> билан 1750000 йил деб аниқлангандирки, бу инсоният тарихини энг қадимги замонларгача узайтиради (суриб беради)<sup>2</sup>.

Одам эволюциясининг иккинчи босқичи питекантропнинг (грекча *pithecos*—«маймун», *anthropos*—«одам», яъни маймун-одам), синантропнинг (латинча *Sina*—«Хитой», яъни хитой одам), атлантроп, рабат одами ва гейдельберг одамининг, шунингдек, неандерталлик одамнинг пайдо бўлиши билан боғлиқдир. Питекантроп Ява оролида ва Африкада, синантроп Хитойда (Чжоукоудянь ғорида), атлантроп Жазоирда, Тернифин жойида, рабат одами Марокашда, гейдельберг одами Германияда, Гейдельберг шаҳри яқинида, биринчи топилдиқ жойига (Германиядаги Неандерталь водийсига) қараб аталган неандерталлик одам Европа, Осиё ва Африканинг кўпгина жойларида топилди.

Иккинчи босқичнинг барча одамлари шаклланаётган (балогатга етган) одамлар деб ҳисобланади, улар архантроплар (грекча *archaios*—«энг бошланғич», *anthropos*—«одам», яъни энг қадимги одамлар) деб ва палеонтроплар (грекча *palaios*—«қадимги», *anthropos*—«одам», яъни қадимги одамлар) деб аталдилар. Фақат неандерталликларгина қадимги одамлар деб аталдилар. Илк тўртламчи замонда яшаган энг қадимги одамлар маймуннинг кўпгина хусусиятларини: бош суякнинг энсизлиги, пасттаклиги, пешанасининг қияламалиги, қош усти суякларининг йўғонлиги, ияк думбоғининг йўқлиги, қўл башмолдоқларининг ўсмай қолганлиги ва шу кабилар сабабли улар маймун-одамлар деб ҳам аталдилар. Бироқ улар одамга хос баъзи хусусиятларга эга бўлганлар: гарчи энгашган ҳолатда бўлса ҳам, икки оёқ билан юрганлар, бош суягининг сифими катталашган—бу гоминид эволюциясининг энг асосий кўрсаткичидир.

<sup>1</sup> Метод калий<sup>40</sup> радиоактив изотопининг парчаланишини ўрганишга асосланган, бу изотоп парчаланиш процессида аргон<sup>40</sup> га айланади. Калий ва аргон изотопларининг нисбатига қараб саналар белгиланади.

<sup>2</sup> Презинжантропнинг приматлар эволюциясидаги муайян (қатъий) ўрни аниқланмаган. Айрим совет олимлари уни антропонларнинг алоқиди турига, австралопитекларга қараганда анча ривож топган тури қаторига киритдилар.



Питекантроп миясининг ҳажми ўртача ҳисоб билан  $900\text{ см}^3$  га тенг бўлган, синантропники  $1200\text{ см}^3$  га яқинлашган. Улар кейинги палеолитда яшаганлар, питекантроп—шелль даврида синантроп ва гейдельберг одами — ашель замонида, неандерталлик одам—мустье даврида яшаган. Гейдельберг одамининг гоминид эволюциясида туган ўрни ҳақидаги қарашларда бирлик йўқ. Бир хил тадқиқотчилар гейдельберг одами синантропдан аввал яшаган деб, бошқалари эса унинг замондоши деб ҳисоблайдилар.

Неандерталлик одам ҳозирги одамга яқин турган, унинг бевосита аجدоди бўлган. Миясининг ҳажми тахминан  $1300\text{—}1400\text{ см}^3$  дан иборат бўлган неандерталлик ҳозирги замон одамидан бир оз қолишган, холос. Лекин неандерталликнинг мияси ўз тузилиши жиҳатидан жуда содда (примитив), пешана палласи кичкина, миясининг асосий қисми энса қисмида бўлган. Бироқ миянинг ўнг қўл ҳаракатлари билан боғланган асимметрияси (номутаносиблиги) неандерталлик одамда энг қадимги одамлардагига қараганда анча аниқ ифодаланган. Нутқининг ҳаракат маркази яхшироқ ривожланган.

Гоминид эволюциясидаги учинчи босқич ҳозирги жисмоний типдаги одам—неоантроп («янги одам») нинг ёки Энгельснинг таъбирича, ҳам ўзининг жисмоний, ҳам ақлий қобилиятлари билан қадимги одамлардан сифат жиҳатидан фарқ қиладиган тайёр одамининг вужудга келиши билан боғланган. Шунинг учун уни *Homo Sapiens*, («ақл-идрокли одам») деб атаганлар. У охириги палеолит бошларида пайдо бўлган, у кроманьонлик ва гримальдилик одамларда гавдаланган (улар топилган жойларига қараб: Франциядаги Кроманьон ёри ва Италияда Урта деиғиз қирғидаги Гримальд гори номлари бўйича шундай аталган). Кроманьон типдаги одам СССР да ҳам (Воронеж шаҳри ёнидаги Костёнкида, Қримда) топилган; гримальди типдаги одам Африкада (Сахрон Кабир жанубида), Фаластинда, Шарқий Европада (шу жумладан, Юқори Доида) топилган. Кроманьонлик одам миясининг ҳажми  $1400\text{—}1500\text{ см}^3$  га тенг. Улар балаид бўйли, тик-



Синантроп (реконструкция қилинган),  
яъни қайта тикланган.  
Неандерталлик одам (реконструкция  
қилинган)  
Кроманьонлик (реконструкция  
қилинган)

ка юрадиган, кенг пешанали, бош суяги баланд бўлган дўмбоқ иякли одамлардир. Уларда миянинг энг прогрессив участкалари —тепа, чакка ва айниқса пешана қисмлари жуда катталашган. Ҳозирги одам биологик типининг ривожлана бориши билан антропогенез процесси асосан тугалланди.

Буржуа фанининг методологияси мукамал бўлмаганлиги сабабли у (ҳатто ўзининг машҳур намояндаси бўлган Ч. Дарвин орқали ҳам) антропогенезнинг ҳаракатлантирувчи кучлари ҳақидаги масалани тулиқ равишда ҳал қила олмади. Дарвин табиий ва жинсий танланишга жуда катта аҳамият берган ва социал эмиллари ҳисобга олмаган.

Марксизм асосчилари гоминид эволюциясидаги социал омилларга биринчи марта эътибор беришиб, одамга айланиш процесси Дарвин фараз қилгандек, нуқул биологик процесс эмаслигини исбот қилдилар. Шунингдек, улар одамнинг пайдо бўлиши билан вужудга келган биологик ва социал омилларнинг боғланиши ва ўзаро алоқаларини аниқлаш ва ойдинлаштириш билан шуғулландилар. Энгельс «Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли» номли асариде одам ҳолига келишга имкон берган барча омиллардан қадимги ва қадимги гоминидни ҳозирги типдаги одамларга айлантирган меҳнат эканлигини исбот қилди. Меҳнат, Энгельснинг таъбирича, бутун инсоният ҳаётининг биринчи ва асосий шартидир ва бунинг устига «у шу даражадаги асосий шартки, биз маълум маънода: одамнинг ўзини ҳам меҳнат вужудга келтирди деб айтмоғимиз керак»<sup>1</sup>. Шу билан бирга: Энгельс одам меҳнати сунъий қуроллар ясашдан бошланганлигини изоҳлаб берди. Меҳнат процессида олдинги оёқлар аста-секин қўлларга айлана борган. Шундай қилиб, қўл меҳнат маҳсули ва меҳнат органидир. Одам ўзининг овқатга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун меҳнат қуроллари ёрдамида табиий бойликлардан активроқ фойдалана бошлаган Одам атроф муҳитга

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли. Уздавнашр, 1948, 3-бет.

таъсир кўрсатар экан, ўз табиатини ҳам ўзгартира борган. Унинг қўллари тобора анча энчиллашган, у тикка юришга ўрганган, ҳиқилдоғи ва товуш боғичлари (нардалари) ривожланган. Меҳнат процессида одамларда бир-бирларига нимашидир айтиш, тажрибани ўртоқлашиш, биргалашиб ишлаш ҳақида сўзлашиб қўлини эҳтиёжга туғилган.

Шу тариқа, Энгельс кўрсатганидек, одамнинг физиологик ривожланишига табиий шароитларнинг ўзгариши (ўрмонлар қуриб, яланг бўлиб қолганлиги ёки тоғ пайдо бўлиши) эмас, балки меҳнат сабаб бўлди. Энгельс ўзининг антропогенез меҳнат назариясида одамни ҳайвонот дунёсидан ажратиб чиқарган биологик ва социал омилларни моҳирона уйғунлаштириб боради. Идрокли одам пайдо бўлгунига қадар биологик ва социал омиллар гоминид эволюциясига параллел таъсир кўрсатиб келган, аммо кейинги палеолитда биологик омилларни тамомила сиқиб чиқарган социал омиллар бу процессда етакчи роль ўйнаган.

Ҳозирги замон олимлари одамзоднинг энг дастлабки ватани ҳақидаги масалада икки хил фараз (гипотеза) га: Африкага оид фараз (Дарвин илгари сурган фараз) га ва жанубий Осиёга оид фаразга амал қилмоқдалар. Ҳар иккала фараз ҳам ана шу минтақаларда топилган антропоидлар ва гоминид суяклари қолдиқларига асосланади. Совет адабиётида шундай бир фараз кўпроқ эътироф қилинадик, шунга биноан, одамзоднинг энг дастлабки ватани—Жанубий Осиё, Шимоли-Шарқий Африка ва Жануби-Шарқий Европанинг баъзи бир областларидир.

Одамзоднинг энг дастлабки ватанидаги жойнинг характерига қарашларда ҳам бирлик (умумийлик) йўқ. Баъзи олимлар (П. П. Сушкин, Г. Ф. Дебев) тоғ ландшафти деб, бошқалари (П. В. Семеновский) текислик ландшафти деб қараб, бу ерда антропоидларда одамга айланишнинг муҳим шарт-шароити ҳисобланган тикка юриш пайдо бўлганини кўрсатадилар. Олимларнинг учинчи группаси Ч. Дарвин ва Ф. Энгельс фаразини қувватлайди; бу фаразга кўра, меҳнат қилиб қуроллар ишлаб чиқарила бошланиши муносабати билан тропик ўрмонлар шароитида одамга айланиш жараёни воқе бўлган.

**2. Табиий шароитлар. Шаклланаётган одамларнинг меҳнат қуроллари, овқат топиш усуллари.** Шаклланиб бораётган одамлар илк палеолитда яшаганлар. Уша замоннинг табиий шароитлари ҳар хил бўлган. Тўртламчи даврнинг музланишлари орқасида табиий шароитлар ўзгара борган, лекин музланишларнинг сабаблари номаълум. Баъзи бир олимлар музликларнинг ҳосил бўлишини қуруқликнинг кўтарилиши билан, Ер ўқи қиялигининг ўзгариши билан, Қуёш радиациясининг камайиши билан боғлайдилар. Шу сабабдан иқлим совуқлаша борган, намлик кўпайиб, музликлар пайдо бўлишига қулайлик туғдирган.

Музликлар тоғлардан, муз денгиздан жануб томонга силжиб бориб бир неча миллион квадрат километр территорияни қалинлиги 1—2 км га етадиган муз қатлами қоплаган. Музла-

ниш маркази Гренландия бўлган, шунинг учун Шимолий Амери-  
када Европадагига ва Осиёдагига қараганда уч марта катта  
территория музлик билан қопланган, Шимолий Осиёда ва Си-  
бирда музланиш Европадагидан сустроқ бўлган. Музлик бир  
неча марта кўпайган ва камайган, аста-секин эриб, қуруқликни  
бўшата борган. Бир хил олимлар (моноглатиолистлар, грекча  
μονος—«бир», латинча glacies—«муз»), битта музланиш ва  
музликнинг ўзгариб турадиган тўртта чегараси бўлган, деб ҳи-  
соблайдилар; бошқа олимлар (полиглатиолистлар, грекча πολυς  
—«кўп») тўртта айрим-айрим музланиш мавжуд бўлиб, муз-  
ликлараро даврлар билан алмашилиб турганлигини кўрсатиб  
ўтадилар. Шу билан бирга, моноглатиолистлар ҳам, полиглати-  
олистлар ҳам музликнинг бошланиш даврини бир хил термин-  
лар билан, яъни гинц, миндель, ресс, вюрм билан (геологлар  
Швейцарияда музлик ётқизиқларини ўрганган тўртта альп қиш-  
логининг номи билан) атайдилар. Бизнинг мамлакат территория-  
сида Ока музланиши миндель музланишига, Днепр музланиши  
ресс музланишига, Валдай музланиши вюрм музланишига  
тўғри келган. Дастлабки икки музланиш (гинц, миндель) кичик-  
роқ музланишлар бўлган. Улар Ўрта Европагача бориб етма-  
ган. Плювиль (латинча pluvia—«ёмғир») даври тропиклардаги  
музлик даврларига тўғри келган; бу даврда температура кўп  
пасаймаган, лекин ёғин-сочин кўп бўлган (ҳатто Саҳрон Кабир-  
да ҳам дарёлар оққан).

Дастлабки музланишлар пайдо бўлиши билан бир мунча  
совуқ тушиб қолган. Аммо ҳар ҳолда Жанубий ва Ўрта Евро-  
пада иқлим субтропик, Жанубий Осиё ва Африкада эса тропик  
иқлимлигича қолган. Европада филлар, бегемотлар, Мерк кар-  
кидонлар, қилич тишли йўлбарслар, Стенон отлар пайдо бўлган.  
Шамшод, дафна, анжир ўсган.

Шелль даврида иссиқ иқлим бўлган ва ўсимликлар ҳаминша  
яшил бўлган, иссиқсевар ҳайвонлар урчий борган. Илк ашель  
табiiй шароитлари жиҳатидан шеллга ўхшаган. Музланиш  
бошланиши сабабли охириги ашелда анча совуқ тушган. Мустье-  
да энг узоқ ва катта ресс музланиши бошланган. Максимал  
музланиш даврида Европада музлик деярли ҳозирги Волгоград,  
Днепропетровск, Львов, Краков шаҳарлари, Берлиндан жануб-  
роқ ва Лондон чегараларигача силжиб борган.

Музлик бошланиши билан иссиқсевар ҳайвонлар совуққа  
бардош беролмасдан, қисман ўлиб-қирилиб кетган, қисман жа-  
нубга кўчган. Уларнинг ўрнини мамонтлар (танаси узун жун  
билан қопланган улкан филлар), Сибирь сержун каркидонлари,  
бизонлар, буғулар, лось ва йиртқичлар (ғор айиқлари, арслон-  
лар ва шу кабилар) эгаллаган. Музликнинг чеккаларида (Ев-  
ропанинг кўпроқ қисмида) тундра ўсимликлари, жануброқда  
(Апеннин ва Пиреней ярим оролларида ташқари) тайга ўрмон-  
лари тарқалган.

Одамлар илгари эришган ютуқлари ва оловдан фойдаланиш-



ни билиб олганликлари туфайли даҳшатли табиат сиқувига бардош берадилар. Одам ашель даврида оловдан фойдалана бошлайди. Лекин мустье даврига қадар у фақат табиий оловдан (вулкан отилишларидан, ёнғинлардан) фойдаланади, оловни шох-шабба ташлаб туриб узоқ сақлашга ўрганеди. Мустье даврида одамлар ёғочни ёғочга ишқалаш йўли билан сунъий олов ҳосил қилишни билиб олганлар. Улар қириш ёки тарашлаш ёрдамида ёғоч кукунини ҳосил қилганлар; ишқаланиш туфайли кукун кизиби, тутай бошлаган. Сунгра унинг устига тез ўг оладиган қовуқни (ёғочга ёпишиб ўсадиган замбуруғнинг қуруғини) ташиб, пуфлаб ёндирганлар.

Олов ҳосил қилишнинг қадимги усули ғоят катта бардош беришни ва эпчилликни талаб этган. Шунинг учун бир марта ҳосил қилинган оловни шох-шабба ташлаб туриб сақлашга ҳаракат қилганлар, кўпгина халқларда бунинг учун ҳатто махсус одамлар ажратилган, уларнинг вазифаси оловни сақлаб туришдан иборат бўлган. Агар олов тасодифан ўчиб қоладиган бўлса, тутаяётган кўмирни олиб келиш учун қўшнилариликка борганлар. Олов ҳосил қилиш маҳоратини ҳамма ҳам бирдай эгаллай олмаган. Ҳатто ўз замонидаги ибтидий қабилалар ҳам керак бўлганида ҳар сафар олов ҳосил қилишдан кўра уни сақлаб туришни афзалроқ кўрганлар. Олов ҳосил қилишнинг бошқа усуллари (пармалаш, чақмоқ тошни уриб-уриб ўт чиқариш ва ҳоказо) анча кейинги замонларга хос усуллардир.

Мустье давридан кўпгина гулхан қолдиқлари шу давргача сақланиб қолган, бу қолдиқлар ўша замонларда оловдан кенг фойдаланилганини кўрсатади. Агар ўша вақтда сунъий йўл билан олов ҳосил қила билмаганларида эди, уни йўқотиб қўйган бўлар эдилар, чунки улар энг совуқ ва намгарчилик замонда яшар эдилар.

Одамларнинг табиат устидан қозонган бу ғалабаси катта аҳамиятга эгадир. «Ишқалаш йўли билан олов олиниши, — дейди Ф. Энгельс— биринчи марта инсонни табиатнинг маълум кучига ҳукмрон қилиб қўйган ва шу билан инсонни ҳайвонот



1. Шелль құл чопқичи.
2. Ашель құл чопқичи.
3. Мустье тарашлагичи.
4. Мустье ўткир учли қурол.

оламидан узил-кесил ажратган»<sup>1</sup>. Олов одамларни совуқдан ҳимоя қилиш билан бирга, буларнинг Ер юзиде кенг ўрнашувига имкон берган, ёғоч ва суяқдан меҳнат қуроллари ишлаб тайёрлашда муҳим роль ўйнаган. Олов одамларнинг овқатни қовуриб ва пишириб истеъмол қилишларига имконият туғдирган, шунинг орқасида овқат сифати яхшиланган, ҳазм қилиш процесси вақт жиҳатидан қисқарган, овқатни, айниқса гўштли овқатни яхшироқ сингдиришга қулайлик туғилган. Бу овқат инсон организмидаги биохимик ўзгаришларга, яъни Энгельснинг фикрича, одамнинг ўсиб, вояга етишида катта роль ўйнаган ана шу ўзгаришларга таъсир кўрсатган. Олов пиширилмай туриб овқатга яроқсиз бўлган маҳсулотларни ейладиган қилиб, озиқ-овқат манбаларини кенгайтирган. Олов одамларнинг энг қўрқинчли йиртқичлардан ўзларини мудофаа қилишларида жуда катта восита бўлиб хизмат қилган. Барча ҳайвонлар пестисносиз оловдан ваҳимага тушиб қўрқадилар. Одам оловнинг аҳамиятини тушуниб олган, оловдан қўрқиб истинктини ақл-идроҳ билан енгиб чиққан ва оловни ўз қуролига ва дастагига айлантирган.

Меҳнат қуролларини ясашда илгариги тараққиёт (прогресс) туфайли сунъий йўл билан олов ҳосил қилишга шарт-шароит яратилган.

Илк палеолитдаги меҳнат қуроллари кўп топилган. Олимлар одамнинг кўп сонли эолитлар—ўткир чети бир оз тўғриланган чақмоқтош парчалари ясаганлиги тўғрисидаги фаразни рад этдилар. Уларнинг ишлашини табиий деб ҳисоблайдилар. Эолитлар учламчи ва илк тўртламчи қатламларда топилган.

Одамнинг биринчи тош қуроллари майда чақмоқтош ҳамда уларни уриб синдириб олинган ва уриб тўғрилаш техникаси (тошни биринчи ишлаш усули) билан бир учи қупол ишланган тош парчаларидир. Бу қуроллар шелль давридан илгариги даврга онд бўлиб, улар уриб тўғриланган майда тошлар маданияти деб аталади. Бундай қуроллар Осиеда ва Африкада топилди.

Шелль қуроллари асосан қўл чопқичларидан иборат, улар

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Анти-Дюринг, Уэдавнашр, 1957, 145-бет.

20 см гача узунликда, 1 кг ва ундан ортиқроқ оғирликда, кўпинча бодоменмон шаклда бўлиб, икки ёқлама симметрияли қилиб уриб тўғрилаш техникаси билан ясалган. Чопқичнинг юқориги кенг учиди (кафтнинг таяниши учун) пойнаги бўлган. Чопқичнинг пастки қисми ўткирланган, четлари нотекис ғадир-будур, эгри-бугри бўлган. Қўл чопқичи ашель замониди ҳам асосий қурол бўлиб қолаверган, аммо ашель чопқичларининг четлари тўғрироқ ва ўткирроқ бўлган. Бу чопқичлар енгилроқ, уларнинг ҳамма томонлари пухтароқ ишланган. Шунингдек, чопқичлар ясашда ҳосил қилинган чақмоқтош пластиналари (узунчоқ ясси парчалари)дан фойдаланилган. Қўл чопқичлари универсал қурол бўлган: ярадор бўлган ҳайвонларни шу чопқичлар билан уриб ўлдирилганлар, еб бўладиган ўсимликлар тугунакларини ковлаб олганлар, ёғочга ишлов берганлар. Кесиш учун, чамаси, пластиналар қўлланган бўлса керак.

Мустье учун икки асосий қурол тури: ўткир учли қуроллар ва тарашлагичлар характерли бўлиб, улар уч бурчакли пластиналардан ясалган; бу пластиналар янги синдириш техникасини қўлланиб, диск (гардиш) шаклидаги нуклеусларга (nucleus—«ядро») отбойник (тош) билан уриб-уриб ҳосил қилинган. Қисқа ва кенг қуроллар тайёрланган. Ўткир учли қуролнинг асосий ишни бажарадиган қисми—ўткир чуққиси, тарашлагичнинг асосий қисми эса—уч бурчакли пластинанинг дўғасимон тагидир. Ўткир учли қуроллар ва тарашлагичлар эркак ва аёлларга хос дастлабки ихтисослаштирилган қуроллар бўлса керак, деб фараз қилинади. Эркакларга хос ўткир учли қурол яраланган ҳайвонларни уриб ўлдириш ва ёғочни ишлаш учун хизмат қилган. Ўлдирилган ҳайвонларнинг терилари аёллар таралашгичи билан шилиб олинган, улардаги ёғ қириб қиртишланган ва уларни кийим-бош учун тайёрлашган. Мустье даврида шакли жиҳатидан тарашлагичга ўхшаб кетадиган бўлса ҳам, лекин ишни бажарадиган четидаги чуқурчиси (уч бурчакли пластинанинг таги) билан фарқ қиладиган ўроқ ранда пайдо бўлган. Бу асбоб билан рандашган, пўстлоқни шилиб олишган.

Қуроллар кўпинча четлари ўткир, юпқа бўлақларга ёрилиши мумкин бўлган қаттиқ чақмоқтошдан ясалган. Табиатда чақмоқтош кенг тарқалган. Сўнги мустьеда аҳён-аҳёнда истисно тариқасида суякдан қуроллар ясала бошлаган. Симферополдан 2 км наридаги Чокурча ёрида сирти тарашлаб текисланган ва учи ўткирланган бир неча суяк топилди.

Энг қадимги одамлар ҳар нарсани еяверадиغان бўлганлар: ўсимликлардан тайёрланган гўштли овқатларни ейишган. Одамзоднинг тонгида чамаси ўсимлик озиқ-овқатлар кўпроқ ейилган бўлса керак, одамлар бундай озиқ-овқатни табиатдан тайёр шаклда олишган. Улар ейиладиган илдизларни, ўсимлик меваларини, замбуруғларни, ҳашаротларнинг личинкаларини йиғишган, майда ҳайвонларни овлашган. Териб-термачлаб овқат топиш ҳаёт шароитларига қараб ривожланишнинг турли босқичларида



бутун ибтидоий давр давомида сақланиб қолган. Уша замонда йиғиб олинган ҳамма нарсалар бевосита истеъмолга сарфланмаган. Озиқ-овқат ҳамлаб қўйиш бўлмаган.

Териб-термачлаб овқат топиш билан бир қаторда, пода бўлиб ишайдиган йирик ҳайвонларни овлаш жуда эрта ривожлана бошлаган, чунки майда ҳайвонларни овлаш одамларни кўп миқдордаги гўшт билан таъминлай олмаган. Шелль ва ашель замонларида овчилар иссиқсевар ҳайвонларни овлаганлар. Мустье даврида овлашнинг асосий объекти мамонтлар бўлган, турар жойларда мамонт суякларининг тўпланиб қолганлиги шундан дарик беради. Пода ҳайвонларини, эҳтимол, энг бошида ноқ ҳайдаб келиб овланган бўлса керак. Ҳайвонларни ҳайдаб келиб ов қилинганлигини фақат этнографик маълумотлардан биламиз. Лекин бундай овлаш Мустье даврига қадар оддий, уюшмаган ҳолда бўлган. Ҳайвонларни ботқоқ жойларга ёки тикка жар ёқасига ҳайдаб келиб, уюшқоқлик билан овлашнинг бошланиши мустье даврида кўрилади.

Бирдан совуқ тушиши, табиий шароитларнинг ўзгариши сабабли мустье замонида териб-термачлаб овқат топишнинг аҳамияти пасайган. Йирик ҳайвонларни овлашнинг аҳамияти оша борган, бу овчилик одамларни гўшт билангина эмас, балки ёғ, суяк, тери билан ҳам таъминлайдиган бўлган. Пода ҳайвонларини овлаш ҳаммаша бирдай муваффақиятли бўлавермаган. Ҳайвонларни ҳайдаб келиб овлашнинг муваффақияти қуролга эмас, балки кўпроқ юз берган тасодифий аҳволга боғлиқ бўлган. Шунинг учун энг қадимги ва қадимги одамлар ҳаётида очарчилик даврлари бўлган, бундай қаҳатчиликлар ҳатто одамхўрликка сабаб бўлган. Синантропларда ва неандерталликларда одам гўштини ейиш излари топилган. Каннибализмга хос бўлган синантроплар суяк қолдиқларининг йиғирма бештасидан ўн иккитаси болаларга тегишли бўлиб, бу нарсалар фожиали қондага амал қилинганлигини тасдиқлайди: каннибализмни бошдан кечирган барча ҳалқларда бу одамхўрликнинг доимо биринчи қурбонлари болалар, сўнгра ёши улғайган кишилар ва қаршилик кўрсатишга қурби етмайдиган касаллар бўлган. Крапин ғорида (Югославия) неандерталликларнинг майдаланиб кетган суяклари топилган. Красноярск ёнида Енисей дарёси бўйида Афонтов II тоғидаги ибтидоий одамлар мазгилида. Болгариядаги Темнота Дупка ғорида топилган одам суякларига қараб ҳукм қилганда, охири палеолитда ҳам одамхўрлик давом қилаверган. Энгельс каннибализмнинг вужудга келишини энг қадимги одамларнинг гўштли овқат билан таъминланмаганлиги билан бевосита боғлаган<sup>1</sup>. Француз антропологи А. Валлуанинг исбот қилишича, ўзи текширган 20 неандерталликнинг 55 проценти 21 ёшга етмай ўлиб кетган ва фақат улардан биттаси 32 ёшгача яшаган. Хотин-қизлар орасида ўлим айниқса кўп бўлган. Урганиб чиқил-

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Маймуннинг одамга айланиш процессида меҳнатнинг роли. Увдаришр, 1948, 12-бет.

ган 31 ёшгача яшаган неандерталликларнинг ҳаммаси эркаклар бўлган.

Олимларнинг фаразига кўра, мустье давригача одамлар хом туштин истеъмол қилишган. Мустье замонида гушт қовурилган, суяклардаги олов излари шуни кўрсатади.

Дастлаб одамлар турар жой ва кийим-бошга зарурат сезишмаган. Кечаси улар йиртқич ҳайвонлардан қочиб дарахтларнинг ковакларига ёки қалин шохлари орасига бекиниб олишган, шамолдан сақланиш учун пана қилишган, ёрлардан фойдаланишган. Олимларнинг фикрича, одамлар совуқ тушиш-тушмаслигига қарамасдан, ёрларга жойлашиб олишган, Хитойдаги (Чжоу-коудянь), Фаластиндаги ёрлар шундан далолат беради. Лекин музликлар бошланиши билан одамлар ёрларга, айниқса катта аҳамият беришган. Ашель охирида ва мустье даврида совуқ тушиб қолиши одамларни йиртқич ҳайвонлар (ёр шерлари, айиқлар) эгаллаб келган ёрларни зўр бериб ўзлаштиришга мажбур этган. Ер устида оддий чайла-капа шаклида турар жойлар қуриш ва ҳайвон териларидан кийим-бош сифатида фойдаланиш йўлидаги дастлабки тажриба мустье даврига оиддир.

Шелль ва ашель даврларида одамлар ўзларининг дастлабки пайдо бўлган областлари чегараларидан узоққа ўрнашганлар. Жанубий Европада ва СССР территориясида энг қадимги одамларнинг турар жойлари ва меҳнат қуроллари (масалан, Арманистонда Сатани-дар турар жойлари, Абхазияда Яштух, Осетияда Кударо I, Украинада Лука Врублевская) Африкада ва Жануби-Шарқий Осиёда ҳам шундай жой ва қурооллар топилди.

Ҳамма ерда учрайдиган мустье турар жойлари шелль ва ашель турар жойларидан анча шимолроққа ўрнашган, бу эса одамларнинг шимол томонга силжиб борганликларини ва ер устида аҳолининг нисбатан кўпроқ зичлашганлигини кўрсатади. Англияда, Францияда, Испанияда, Германияда, Бельгияда, Югославияда, Чехословакияда, Венгрияда, Швейцарияда, Италияда, Африкада, Фаластинда, Ироқда, Эронда, Хитойда, Явада мустье даврига оид турар жойлар топилди. СССР территориясида Украина ва Қримда, Кубанда, Волгада, Ўрта Осиё ва бошқа областларда ана шу даврнинг турар жойлари топилди.

### **3. Илк палеолит одамларининг ижтимоий муносабатлари.**

Бизнинг илк палеолит одамларининг ижтимоий ташкилоти ҳақидаги тасавурларимиз юзаки, чунки тадқиқотчилар ўрганган ҳатто энг қолоқ қабилалар ҳам ўз тараққиётида жуда илгари кетганлар. Археологик материал шуни кўрсатадики, тўртламчи давр бошларида аجدодларимизнинг одамга айланиш жойларида бир хил шароитларда, бир хилдаги турмуш тарзида яшаган, бир хил хўжалик ва маданиятга эга бўлган сийрак, бир-бирларидан ажралган одамлар гуруҳлари истиқомат қилишган. Францияда, Африкада, Хитойда, Арманистон ва бошқа жойларда топилган энг қадимги одамлар меҳнат қуроолларининг бир-бирига ўхшашлиги бунинг далили бўлиб хизмат қилади.

Меҳнат қуролининг ўхшашлиги инсониятнинг пайдо бўлиш биллиги билан изоҳланади. Бу босқичда атрофдаги табиатни бўйсундириш ва маҳаллий хусусиятларга мослашиш ҳали паст даражада эди. Шунинг учун ҳам бундай шароитда сезиларли маданий фарқлар бўлмаган. Фақат атрофдаги табиий муҳитга боғлиқ равишда қуролилар яшаш материалида ва ов қилиш объектларидагина фарқлар кўринади. Масалан, Франция территориясидаги шельф одамлари асосан чақмоқтошдан, Арманистонда обидиандан қуролилар ясаганлар.

Уша даврда техника муваффақиятлари оз бўлган, шунинг учун ҳам эндигина ҳайвонот оламидан ажралиб чиққан дастлабки оғиз одамлар йиртқич ҳайвонлар ўраб олган шароитда якка-ёлғиз ҳолда яшай олмас ва меҳнат қила олмас эдилар. Коллектив бўлмай туриб озиқ-овқат топиш, меҳнат қуролилари яшаш, уларнинг ишлаб чиқариш малакаларини сақлаб қолиш ва тажрибаларини бошқа одамларга ўргатиш мумкин эмас. Қатта ёшли одамлар кўпроқ тажрибага эга бўлишлари керак. Улар ибтидоий (примитив) меҳнатнинг ташкилотчилари бўлганлар. Улар орасидан стихияли равишда йўлбошчилар етишиб чиққан.

20 кишидан 40 кишигача ҳисобланган илк коллектив ибтидоий одамлар галаси деб аталиб келган. Ф. Энгельс 1875 йил 17 ноябрда Лавровга ёзган хатида<sup>1</sup> ва В. И. Ленин 1913 йилнинг ноябрида Горькийга йўллаган хатида<sup>2</sup> дастлабки одамлар группаларини галалар деб аташган. Одамлар гала (пода) бўлиб яшашни ўз аждодлари — маймунлардан мерос қилиб олганлар; уларда ҳайвонот оламига хос «зоологик индивидуализм» мавжуд бўлиб, баъзан бу хусусият тартибга солинмаган жинсий муносабатлар асосидаги қонли тўқнашувларда, одамхўрликда намоён бўлган. Қийин турмуш шароитлари, ишлаб чиқарувчи кучлар ривожланиш даражасининг пастлиги ва меҳнат унумдорлигининг камлиги одамхўрликка сабаб бўлган. Синантропларнинг баъзи бир бош суяклариди ва питекантроплар бош суякларининг бирида аниқланган зўраки ўлдириш изларини ҳайвоний эгоизм (худбинлик) билан изоҳлаш мумкин.

Энг қадимги қазилма одамларнинг тартибсиз жинсий алоқалари промискуитет (латинча Promiscuus—«аралаш», «ҳамма учун осон иш») деб аталади. Уша даврда хотинлар билан эрларнинг галага хос умумийлик даври мавжуд бўлган. Уйланиш муносабатлари биологик инстинкт билан—ҳайвоний ўтмиш мероси билан белгиланар эди. Ота-оналар билан болалар, туғишган ака-укалар билан опа-сингиллар ўртасида никоҳ чекланишлари бўлмаган. Қон-қариндошлик алоқалари тан олинмаган, қардошлик насл-насаб ҳисоби олиб борилмаган. Галалар бир-бирларидан мустақил яшашган, одамлар жуда сийрак ўрнашган кенг территорияда озиқ-овқат қидириб топиш учун жойдан-жойга кезиб юришган.

<sup>1</sup> Қаралсин: К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 34, стр. 138.

<sup>2</sup> Қаралсин: В. И. Ленин. Полн. собр. соч., т. 48, стр. 232.

Handwritten notes and signatures at the bottom of the page, including a signature on the left and the number "8599" on the right.

Архантроплар галалари энг бошданоқ кўпроқ жипслашганлиги билан маймун галаларидан фарқ қилган; бундай жипслашиш ўзларини йиртқич ҳайвонлардан биргаликда ҳимоя қилиш ва меҳнат фаолияти учун керак бўлган. Меҳнат одамлар галаси яшашининг зарур шarti бўлган, меҳнат такомиллашмаган бўлса ҳам, галага ишлаб чиқаришни уюштиришнинг бошланғич элементларини киритган, маймунлар галасида эса бундай элементлар бўлмаган. Меҳнат, Маркснинг фикрича, фақат айрим одам билан табиат ўртасида юз берадиган ва одам қуроллар ёрдамида меҳнат предметини зарурий маҳсулотга айлантирадиган процессгина бўлмай, балки кишиларнинг меҳнат процессларини ишларнинг ягона системасига бирлаштирувчи барча жамият аъзоларининг «биргаликдаги ижтимоий меҳнати»<sup>1</sup> ҳамдир.

Меҳнат фаолиятининг мураккаблаша бориши сабабли гала аъзолари ўртасидаги муносабатларда тобора сезиларли ўзгаришлар рўй берган. Ҳар нарсани еяверадиган энг қадимги одамлар ўсимликхўр маймунлардан фарқ қилиб, ўзларининг гўшти овқатга оша борган эҳтиёжини фақат биргаликда ов қилиш малакаларини доимо такомиллаштириш туфайлигина қондира олганлар; ана шу эҳтиёж одамларни териб-термачлаб овқат топишга қараганда кўпроқ даражада янги меҳнат қуроллари ихтиро қилишга, чидамлилиқ хислатини тинмай оширишга мажбур этган, ибтидоий галанинг жипслашувига имконият туғдирган, уларнинг ҳайвонот оламидан тамомила ажралиб чиқишларига ёрдам берган. Демак, инсоният жамиятининг вужудга келишидаги асосий йўл галаларнинг тобора мустақамланиши ва меҳнатнинг борган сари ошаётган роли заминида гала аъзоларининг жипслашиб боришдан иборат бўлган. Мустье даврида, йирик ҳайвонларни хийла уюшқоқлик билан овлаш бундан олдинги даврдигига қараганда, яъни кўпроқ одамлар группаларини тирикчилик воситалари билан таъминлашга имконият берган замонда бу тенденция анча сезиларли даражада намоён бўлди. Неандерталь галалари 50 кишидан 100 кишигача ҳисобланган. Улар ишлаб чиқариш ва маиший турмуш бирлигини ташкил этган. Утроқ ҳаёт куртаклари, умумий ўчоқ ва турар жой, биргаликдаги меҳнат одамларни жипслаштирган, галаларни анча холи яшайдиган алоҳида гуруҳларга айлантирган. Никоҳ аввалгидек гала ичида воқе бўлган.

Архантроп ва палеонтроп галаларида ишлаб чиқариш муносабатлари ва жинсий алоқалар озиқ-овқат тақсимоти ва ўзаро ёрдамнинг онгли регламентация қилиниши (маълум тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирилиши) йўли билан одам ва ижтимоий муносабатларнинг шаклланиш процесси аста-секин давом этган. Буларнинг ҳаммаси анъана ва урф-одатларда секин-аста мустақамланиб борган. Табиий танланиш бу про-

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 23, стр. 82—83, 36—88.

пессга ижобий таъсир кўрсатган, шу таъсир натижасида галалар омон қолишган.

Бир хил олимларнинг фикрича, жинсий муносабатларнинг регламентацияси жинсий табу жорий қилинишидан (табу полинезияликлар сўзи бўлиб, «мумкин эмас» деган маънони билдиради), яъни овга, териб-термачлаб овқат топишга тайёрланиш ва уни ўтказиш мавсумида жинсий муносабатларни ман этишдан иборат бўлган. Кейинчалик бир коллектив ичидаги одамлар орасида жинсий муносабатлар бутунлай тақиқлаб қўйилган. Бошқа олимларнинг фикрича, жинсий муносабатлар регламентацияси катта авлодлар билан кичик авлодлар ўртасида никоҳларнинг ман этилишидан иборатдир. Шубҳасиз, жинсий алоқаларни тартибга солиш йўлидаги дастлабки урипишлар қадимги одамларнинг ҳайвоний индивидуализмини жиловлаб қўйган ва социал алоқаларнинг мустақамланишига имконият туғдирган.

### III БОБ

## УРУҒЧИЛИК ЖАМОАСИ

1. Кейинги палеолитнинг (40 минг йилдан 14 минг йилгача илгариги) табиий шароитлари, одамларнинг меҳнат қуроллари, турар жойлари ва ўрнашишлари. Кейинги палеолит вюрм музланиши даврига оид деб ҳисобланади. Вюрм музликлари рисс музликларига қараганда кичикроқ территорияни эгаллаган (Европада бу музликлар фақат Балтика денгизи ҳавзасини ва унга туташиб турган районларни қоплаб олган). Лекин музликлар бошланиши билан бирдан қаттиқ совуқ тушган. Шимолий Европада, Осиё ва Америкада иқлим қуруқ ва жуда совуқ иқлимга айланган. Мадлен даврида энг совуқ иқлим бўлган. Кейинги палеолит музликларга яқин бўлган Европада ва Шимолий Осиёда яхшироқ ўрганилди. Кейинги палеолит турар жойлари СССРда дунёнинг барча мамлакатларидагига нисбатан кўпроқ (800 дан ортиқ) топилди. Европанинг Атлантика бўйи қисмидаги музликларга яқин бўлган областлари учта изчил археологик маданият ориньяк, солютре ва мадлен маданиятлари билан кўрсатилди. Ориньяк маданияти билан бир замонда пригор маданияти (Францияда Перигор платосидаги ғорларда топилди), гримальди маданияти (Италиядаги Гримальди ғори) ва костёнки маданияти (Воронеж яқинидаги Костёнки қишлоғи) мавжуд бўлган. Сибирь турар жойлари: Мальта (Оқ дарёда) ва Буреть (Ангара дарёсида) замон жиҳатидан солютре маданиятига, Афонтов тоғи турар жойи (Красноярск ёнидаги Енисей дарёсида) мадленга мувофиқ келади. Саҳрои Кабирда Тассими платосида мадлендаги гарпунларга ўхшаш гарпунлар топилган. Ғарбий Европадаги каби, Жануби-Шарқий Осиёда ҳам кейинги палеолит аралаш маданиятлари бўлган. У ерда то неолитгача илк палеолит қиёфасидаги маданиятлар мавжуд бўлган.

Кейинги палеолитга хос хусусият шуки, унда шакл жиҳати-



Кейинги палеолит  
нуклеуси.



Мадлен ниналари ва гарпунлари.

Кейинги палеолит  
найзасининг дафна  
баргисмон учи.



дан хилма-хил, ишланиши бўйича анча такомиллашган ва хизмати (вазифаси) жиҳатидан мосланган (ихтисослаштирилган) меҳнат қуроллари мавжуд бўлган; бу қуроллар ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишидаги сакрашни (катта ўзгаришни) кўрсатади. Юқори палеолит турар жойларида кескичлар, тарашлагичлар, йўнғичлар, пичоқлар, тешкичлар, тиглар, найза учлари, чангак (санчқи), найзалар, найза ирғиткичлар, гарпунлар, кўзли ниналар, пардозлагич, тешикли суяк ҳассалар, «йўлбошчилар ҳассалари», «бошлиқлар ҳассалари» номлари билан маълум), найза сопларини, найзалар, камон ўқларини туғрилаш учун ишлатиладиган мосламалар топилмоқда.

Юқорида санаб чиқилган қуроллардан фақат турли-туман хилдаги иккита қурол-кескичлар ва тарашлагичлар энг муҳим қуроллар бўлган. Одамлар кескични қуроллар ишлаб чиқариш учун яратишган. Қаттиқ материаллардан (суяк ва мўғиздан) қуроллар ясаида кескичдан фойдаланишган.

Тарашлагичлар билан юмшоқ материаллар (тери, ёғоч) га ишлов берилган. Тарашлагич мустье тарашлагичидан фарқ қилиб, иш бажарувчи ёйсимон қисми бўлган узун пластинадан иборат.

Батаби бир қуролларнинг қулай бўлиши ва уларнинг дуруст ишланиши учун бу қуролларга гардишлар ва соп (даста)лар ўриятилган. Соп чақмоқтошга боғлаб қўйилган. Шу тариқа составли (таркибли) қуроллар пайдо бўлган; бундай қуроллардан фойдаланишга ўтти қурол ясаиш техникасини ривожлантириши ва

муракбашлаштиришда муҳим босқич бўлган. Найза ирғиткич одамнинг кучини тўлдирадиган биринчи механик восита бўлган.

Тошга ишлов бериш техникасининг такомиллашиб кетган. Эски парчалаш (ушатиш) техникасининг такомиллашиб боргани кўрилади. Синдириладиган пластиналар Мустье давридаги учбурчак пластиналардан фарқ қилиб, юпқа ва узунроқ пластиналар бўла бошлаган, нуклеуслар эса мустьедаги гардиш (диск) симон нуклеуслар ўрнига призмасимон шаклга кирган. Қуроллар ишлашнинг янги усули—қуролни симметриялаш (мутаносиб қилиш) ва унинг иш бажарадиган четини ўткирлаштириш учун тошга иккиламчи ишлов беришда қўлланиладиган сиқма (отжим) ретушь кенг ёйилади. Сиқиш техникаси тошни ингичка суяк таёқча билан секин босиб, ундан юпқа тангачалар (парчалар) ажратиб олишдан иборот. Асосан фақат суякни кесиш усули вужудга келади. Кейинги палеолитда қуроллар ясаш учун ҳайвон суяклари ва шохларидан кенг фойдалана бошлаганлар.

Қуролларнинг турлари бўйича ориньяк ва солютре маданиятлари бир-биридан фарқ қилмайди. Уларнинг ишланишидагина тафовут кўзга ташланади. Чунончи, солютре даврида сиқма ретушь юқори даражада такомиллашган. Фақат четларигина эмас, балки бутун сирти ҳам ретушь билан ишланган дафна баргисимон ва тол баргисимон найза учлари бунинг далили бўлиб хизмат қилади. Мадлен маданияти сиқма ретушь усулининг йўқ бўлиб кетиши, суяк қуролларнинг кўп бўлиши, майда кескичлар ва гарпунларнинг кенг тарқалиши билан характерланади.

Кейинги палеолитда овчилик ва териб-термачлаб овқат топиш тирикчилик манбалари бўлиб қола берган. Балиқ овлаш юзага келган. Ер шаридаги турли районларда бу машғулотларнинг роли хилма-хил бўлган. Уларнинг роли табиий шароитларга боғлиқ эди. Масалан музликларга яқин минтақада овчилик, Жануби-Шарқий Осиёда эса териб-термачлаб овқат топиш аҳолининг асосий машғулоти бўлган. Археологлар машғулотларнинг йўналишига меҳнат қуролларининг шакллари ва уларни ясаш техникасига, шунингдек турар жойларнинг хусусиятларига қараб, кейинги палеолитда маданият тараққиётидаги учта катта областни: Европадаги музликка яқин бўлган область, Урта денгиз-Африка области (Африка, Пиреней, Апеннин, Балкан ва Қрим ярим ороллари, Кавказ, Яқин Шарқ) ва Сибирь-Хитой областини ажратиб кўрсатадилар. Областлар доирасида бир-биридан бир оз фарқ қиладиган маҳаллий маданиятлар борлиги кўрсатиб ўтилган. Масалан, Европадаги музликларга яқин областдаги Ғарбий Европа Атлантика бўйи маданияти Марказий Европа ва Рус текислиги аҳолисининг маданиятидан баъзи бир ўзига хос хусусиятлари билан фарқ қилади.

Музликларга яқин областлардаги ориньяк ва солютре маданиятларини ярагувчилар мамонт, сержун каркидон ва ёввойи отларни овлашган. Мадлен замонида Ғарбий Европада

шимол бугуси овчиликнинг асосий объекти бўлган. Турар жойларда мамонт суяклари кам ва битта-яримта учрайди. Ғарбий Европада ориньяк-солютре замонида мамонтлар ва каркидонлар ҳайдаб келиб овлаш йўли билан кўп даражада қириб юборилган. Шарқий Европа ва Шимолий Осиёда мамонт бутун мадлен маданияти давомида кўп учрайди. Мазкур кенг областларда кейинги палеолитда аҳоли зичлиги камроқ бўлган, шунинг учун овчилар мамонтларни Ғарбий Европадаги каби даражада қириб юбора олишмаган.

Манзилларда яшовчи одамлар еган ҳайвонларнинг сонига қараганда, кейинги палеолит замонида овчилик муваффақиятли бўлган. Масалан, археологларнинг ҳисоблашларига кўра, Пржед-мостда (Чехословакия) 1000 га яқин мамонт суяклари, Амвросиевкада (Украина) 1000 тача бизон (ёввойи ҳўкиз) суяклари, Солютреда қарийб 10 минг от суяклари топилган. Ялпи, уюш-қоқлик билан ҳайдаб келиб қилинган бу ов мустьедагига нисбатан анча унумли бўлган. Ҳайвонларни ҳайдаб келиб қилинган овни манзиллар топографияси тасдиқлайди. Улар жарликларга яқин ўрнашган. Ҳайдаб келиш усуллари такомиллаштирилган. Ҳайвонларни фақат жарликларга ва ботқоқларгагина эмас, балки олдиндан қазиб қўйилган чуқурларга олов ёрдамида ҳайдаб келишган. Музликлар ёнидаги зонадан олисда (Ўрта денгиз-Африка области, Ўрта Осиё) одамлар қоплонлар, тоғ эчкилари, косуля—буғулар, оҳулар ва йиртқич ҳайвонларни овлашган. Уларнинг ҳаётида териб-термачлаб овқат топиш музлик яқинидаги Европа аҳолисиникига қараганда анча катта ўрин тутган. Балиқ тутишнинг бошланиши ориньякка оид деб ҳисобланади. Мадленда унинг роли оша борган. Балиқларни, эҳтимол, қирғоқдан туриб суяк гарпунлар ва чапаклар билан овлашган бўлса керак, чунки ўша замонда қайиқлар ҳам, қармоқлар ҳам, турлар ҳам ҳали бўлмаган.

Кейинги палеолит одамлари ғорлардан турар жой тарихасида фойдаланишган ва табиий шароитларга қараб ўзлари турар жойлар: бостирмалар, чайла-капалар, иситиладиган ертўлалар (ўртасида битта ўчоғи бўлган кичик-кичик чўзинчоқ ва бир неча ўчоқли узун ертўлалар) қуришган. Музлик яқинидаги зонада доимий қишки турар жойлар (ертўлалар) нинг ва манзилгоҳларда маданий ётқизиқлар қалин қатламининг мавжуд бўлиши айниқса ориньяк-солютре замонида узоқ давом этган ўтроқликдан далолат беради. Одамлар ҳайвонларни қириб битиргунгача бир жойда яшаганлар, кейин эса турар жойларини янги ерларга кўчириб олиб борганлар. Мадленда одамларнинг анча ҳаракатчан ҳаёт кечирганлари кўрилади, бу нарса кўчиб юрадиган шимол буғуларини овлаш билан боғлиқдир (улар қишда жанубда яшаб, ёзда шимолдаги тундра яйловларига кўчиб кетишади). Шу сабабдан мадлен манзилгоҳларида маданий қатлам юпқароқдир. Музликлардан узоқдаги жанубий областларда доимий турар жойлар бўлмаган, чунки одамлар кўчманчи бўлганлар.



Меҳнат унумдорлигининг оша бориши ва турмуш шароитларининг анча яхшиланиши туфайли аҳолининг зичлиги орта борган, шу билан бирга ҳайвонларни кўплаб ҳайдаб келиб овлаш кучайган. Ҳайвонларнинг қирғин қилиб битирилиши сабабли одамларнинг овчилик учун янги районларни ўзлаштиришларига тўғри келган. Шу туфайли улар шимол томонга силжиб боришга мажбур бўлишган. Европада одам Балтика бўйигача кириб борган, СССР территориясида одамлар Ока, Чусовая, Енисей, Лена ва Ангара дарёлари ҳавзаларига ўрнашганлар. Маълум бўлган кейинги палеолит манзилгоҳларидан энг шимолийси Печорададир (Медвежье гори). Кейинги палеолитда одам Осиедан Беринг бўғози орқали Америкага кириб борган (ҳозирги вақтда Беринг бўғозининг кенглиги 85—86 км, илгари, эҳтимол, бўғоз торроқ бўлгандир ёки материклар қуруқлик билан туташган бўлса керак), у Австралияга ҳам кириб бора бошлаган.

**2. Ҳозирги типдаги одамнинг ва дастлабки ирқий фарқларнинг пайдо бўлиши.** Кейинги палеолит даврида ҳозирги жисмоний типдаги одамлар шаклланадилар, одамнинг вояга етиш процесси тугайди. Одамнинг вужудга келиши тикка юриш, ўнг қўл билан иш-ҳаракат қилиш ва тафаккурнинг ривожланишига, аниқ нутқнинг ўсишига имкон берган меҳнат фаолиятининг тўхтовсиз мураккаблашуви билан, гуштли овқат салмоғининг (дастлабки одамларнинг пайдо бўлишидан бошлаб) тобора ошuvi билан, гала аъзолари ўртасидаги жинсий муносабатларнинг аввал бошда чекланиши, кейинроқ эса ман қилиниши, яқин қариндош билан жинсий алоқада бўлиш зарарининг бартараф этилиши, яъни никоҳда экзогамия (грекча ехо — «ташқари», gamos — «никоҳ») тартибининг жорий қилиниши билан боғлиқдир. Экзогамияда бир гуруҳ одамлар коллективининг эркаклари билан бошқа одамлар коллективининг аёллари никоҳланган.

Кейинги палеолит одами асосан Европада, Осие ва Африкада шаклланган-етилган европеоид, монголоид ва негроид ирқлар орқали гавдалантирилган.

Европеоид ирқи кроманьонликлар орқали гавдалантирилган. Монголоидларнинг белгилари 1937 йили Красноярск яқинидаги Афонтов II тоғи манзилгоҳида топилган бош суяги парчасида, шунингдек Чжоукоудянь юқори ғоридан топилган бош суякларида аён бўлди. Гримальдиликлар негроид ирқининг вакиллари-дир. Ана шу қазилма одамлар ўртасидаги ирқий фарқлар ҳозирги замон ирқларига мансуб бўлган одамлар ўртасидаги фарқларга қараганда унча яққол кўринмайди.

Ирқий айирмалар минг йиллар давомида маҳаллий шароитларнинг одамнинг ташқи қиёфасига таъсири остида шакллана борган. Бу процессда температура ва ҳавонинг намлиги, шамоллар, қуёш ёруғлиги каби омиллар роль ўйнаган. Марказий Осиеда унинг чул-дашт ландшафтида, чарақлаган қуёш ёруғлиги билан алмашилиб турадиган кучли ва узоқ давом этадиган

шамоллар, қум бўронлари шароитларида, шунингдек, Осиёнинг Арктика районларида, акс этган ёруғ кўзга кучли таъсир қиладиган шароитда яшаган одамларда монголоид ирқ хусусиятлари таркиб топган. Монголоидни қум ва чангдан, ёрқин нур ва музлаб қолнидан ҳимоя қилувчи воситалар сифатида унинг юзида бўртган қовоқлар (кўзларнинг доимо қисилиши ва қовоқларнинг зўр бериб ишлаши орқасида мускул тўқимаси ҳажмининг катталашishi сабабли), кўзнинг ички бурчаги билан ёшли бўртмасини бекитадиган тери бурмаси (эпикантус), кўзнинг тор оралиги, юзида каттагина ёғ қатлами пайдо бўлган. Ясси қаншар бурун бўшлиғида совуқ ҳавонинг бемалол айланиб юришини қийинлаштирган.

Баланд температурали ва сернам тропик иқлимда таркиб топган негроид ирқи одамни офтобда куйишдан сақлайдиган жуда қора тан (алоҳида пигмент — меланина) мавжуд бўлиши, бошни ортиқча исишдан сақлаш учун жингалак соч, организмдан иссиқлик чиқаришни кучайтирадиган япалоқ бурун қалин лаблар билан характерланади.

Географик муҳитга мосланувчанлик одамнинг биологик хусусиятларига (миянинг тузилиши, оёқ юзи, қўл панжалари ва шу кабиларга) дахл қилмаган. Одамларнинг ташқи жисмоний хусусиятлари наслдан-наслга мерос бўлиб қолар ва яккаланиш (изоляция) расогенезнинг иккинчи омили натижасида мустаҳкамлана борар эди. Уша замонда аҳолининг зичлик даражаси паст бўлган. Одамлар нисбий географик ва маданий яккаликда яшаганлар, шу туфайли дастлаб мана шу уч континент (материк) территориясида бир хил ташқи жисмоний белгилар қарорлашган. Кейинроқ географик яккаланиш камайиши билан ҳаёт шароитларига пассив биологик мосланиш ўзининг илгариги аҳамиятини йўқотган ва янги (кичик) ирқлар метисизация, яъни дастлабки учта катта ирқнинг аралашиб кетиши натижасида таркиб топа бошлаганлар. Ҳозирги даврда метисизация тобора ривожланиб ирқларнинг пайдо бўлиш сабабидан ирқий фарқларни бартараф қилувчи кучга айланмоқда.

Ирқлар — одамларнинг тарихан таркиб топган турларидир. Улар ирсий жиҳатдан тикланадиган жисмоний белгиларга эга бўлиб, худди бир типдаги одамларга мансубдирлар. Француз Ф. Бернье 1675 йилда «ирқ» тушунчасини одамга нисбатан биричи марта қўлланди. 1735 йили швед табиатшуноси К. Линней одамнинг ташқи жисмоний фарқлари асосида инсон ирқларини классификация қилди.

Ирқий масала сиёсий ва илмий аҳамиятга эга. Реакцион буржуа олимлари ирқларнинг азалчилиги ҳақида, ирқлар ўртасидаги физиологик айирмалар тўғрисида мукаммал (сара) ирқлар («олий», «истеъдодли» ирқлар) ва мукаммал бўлмаган («тубан») — ирқлар хусусида фанга хилоф (ғайри илмий) назариялар яратдилар. Улар ҳар хил инсоний ирқларнинг мавжуд бўлишини одамларнинг турли одамсимон маймунлардан тар-

қалганлигини исботлашга уриндилар (полигенизм назарияси — грекча *polus* — «кўп», *genesis* — «вужудга келиш»). «Олий» ирқлар гўё мукамал уюшган маймунлардан, «тубан» ирқлар камроқ ривожланган маймунлардан пайдо бўлган эмиш. Биринчи ирқлар гўё ҳукмронлик қилиш учун, иккинчи ирқлар — бўйсунуш учун яратилган эмиш.

Ҳозирги вақтда англосаксларнинг устунлиги ҳақида (Англияда, АҚШда), сариқ ирқнинг устунлиги тўғрисида (Хитойда, Японияда) жуда кўп назариялар яратилмоқда.

Ирқий назарияларнинг асосизлиги марксист олимлар ва илғор буржуа олимларнинг хулосаларида рад қилиб бўлмайдиган даражада исбот қилинмоқда. Ирқларни бир-бирларидан ажратадиган жисмоний хусусиятларнинг жамиятда инсон ҳаёти учун ҳеч қандай аҳамиятга эга эмаслиги аниқланган. Ҳар бир киши мияси умумий вазнининг тахминан 44 проценти ташкил этадиган пешана қисми ирқларнинг бирлигидан далолат беради. Инсоннинг ақлий қобилиятлари бошнинг шаклига ҳам, миянинг ҳажми ва оғирлигига ҳам, айниқса бошқа антропологик белгиларга (одам терисининг ранги ва шу кабиларга ҳам) боғлиқ эмас.

Ирқчилик—эксплуататор синфлар идеологияси—қадимги замонлардаёқ қуллар билан қулдорлар ўртасидаги социал тафовутларни маъқуллаш учун яратилган. Феодализм даврида ирқчилик дворянларнинг имтиёзларини асослаш учун хизмат қилган. Буржуа жамиятида ирқий назариялар айниқса дабдабали раванак топган. Ирқчилик ҳозирги вақтда ҳам ўзи хизмат қиладиган сиёсий мақсадларга қараб турли шаклларда намоён бўлмоқда.

Ирқчилик мустамлакачиларнинг мустамлака халқларини эксплуатация қилишларини оқлайдиган қуролдир. Империалистлар ҳозирги замон пролетариатининг онгини ирқчилик оғуси билан заҳарлаб, уни синфий курашдан чалғитадилар. Ирқчилик фашистлар Германиясида, иккинчи жаҳон урушидан кейин эса — АҚШ ва Жанубий Африка Республикасида жуда авжга чиқди. Фашистик Германияда бутун европалик ирқнинг биологик устунлиги ҳақидаги эски назария ўрнига немисларнинг психологик устунлиги тўғрисидаги назария илгары сурилди. Ирқчилик жаҳонда ҳукмрон бўлишини даъво қилган фашистлар идеологияси эди. АҚШда ирқчилик синфий ва миллий зулм қуролидир.

**3. Уруғнинг вужудга келиши.** Уруғнинг келиб чиқиши проблемаси—ибтидий жамият ҳақидаги фанда энг қийин проблемалардан биридир. Ибтидий галанинг уруққа, яъни одамларнинг анча юқори ижтимоий ташкилотига айланиш процесси назарий жиҳатдангина реконструкция қилинади.

Галанинг уруғ жамоасига айланиши, ҳеч шак-шубҳасиз, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва шу билан боғланган ишлаб чиқариш муносабатларининг ўзгариши, шунингдек, яқин қарин-

дош билан жинсий алоқада бўлишни бартараф қилган экзогамиянинг пайдо бўлганлиги (уруғнинг ўзига хос ва муҳим белгиси<sup>1</sup>) билан боғлиқдир.

Кейинги палеолитдаги мустаҳкам ўтроқлик, овчилик ва турар жойлар характери ўша даврда ишлаб чиқариш бирлашмаларидан иборат бўлган катта иноқ-ҳамжиҳат коллективлар мавжуд бўлганлигини кўрсатади. Юқори палеолит уюшмаларидаги одамлар сони узоқ вақтларгача этнографик маълумотлар асосида аниқланиб келарди. К. Кунов (немис социологи ва тарихчиси) австралияликлар, аэтлар (Филиппин ороллари) ва бушменлар (Жанубий Африка) тўғрисидаги маълумотларни ҳисобга олиб, уюшмада 50—60 одам бўлган, деб таъкидлаб ўтди. Аммо бу янги замон одамларидир.

Совет археологлари манзилгоҳларда турган одамлар сони ҳақида улар ўрнашган майдон ва турар жойларнинг катта-кичиклигига қарғб фикр юритадилар. Уларнинг аниқлашларига кўра, ҳар қайси турар жойда камида 50 одам яшаган, манзилгоҳларда икки ёки уч турар жой бўлган. Демак, манзилгоҳларда 100—150 одам яшаган. Ҳайвонларни ўраб олиб овлаш, катта турар жойлар қуриш катта одамлар группасининг кўп куч-ғайрат сарфлашини талаб этган. Биргаликдаги меҳнат фаолияти, умумий турар жой, нисбий ўтроқлик коллектив аъзоларининг жипслашувига ва қариндошлик алоқасини англашга олиб келган. Англашган қариндошлик кейинги палеолитда фақат биологик омил сифатида мавжуд бўлибгина қолмай, балки бутун уруғчилик жамияти давомида катта роль ўйнаган социал ҳодисага ҳам айланган. Ўша даврда қариндошлик ҳақидаги тушунча фақат одамлар ўртасидаги жисмоний қариндошликнинг эмас, балки коллектив иқтисодий ва социал бирлигининг ҳам ифодаси бўлган. Қариндошлик группа қариндошлиги сифатида англаб олинган; бундай англаш ўша замон одамларининг идеологияси—тотемизмда (ҳиндча «тотем»—«унинг уруғи» сўзидан олинган) — одамлар группасининг ўз номи билан боғлиқ бўлган ҳайвонлар, ўсимликлар ва балиқларнинг бирон тури билан ғайри табиий қариндошлик боғланишига эътиқодида акс этган.

Кейинги палеолитда аёлларнинг ҳайкал шаклидаги тасвирларининг тарқалиши, олимларнинг фикрича, оила-уруғ муносабатларида, қариндошликни ҳисоблашда оналик даври бошланишининг бадний гавдаланишидир. Ўша даврда мавжуд бўлган группа ҳолидаги никоҳда оталик маълум бўлмаган ва у ҳали ижтимоий маънода тан олинмаган. Аёл-она уруғнинг бош онаси ҳисобланган, болалар унинг теварагида тўплана борган.

Ўша даврда муваффақиятли овчилик ва нисбий ўтроқлик

<sup>1</sup> Шу муносабат билан кўпгина тадқиқотчилар уруғнинг келиб чиқиши ҳақидаги проблемани экзогамиянинг вужудга келиши тўғрисидаги масала билан кўпроқ даражада чеklang қўйдилар.

туфайли турар жойлар илгаригидек фақат ноқулай ташқи шароитлардан сақланиш учунгина хизмат қилмай, балки хўжалик базаси, маҳсулотларни сақлаш жойи ҳам бўлиб қолган. Улдирилган ҳайвонларнинг нимталанган бутун таналари манзил жойига келтириб қўйилган. Аёл овчилик маҳсулотларидан фойдаланиш иши билан шуғулланган. Утроқлик билан боғлиқ бўлган ҳамма ишлар: турар жойга, учоққа қараш, болаларни парвариш қилиш, маҳсулотларни сақлаш, овқат пишириш, кийим-бош тайёрлаш ва шу кабилар аёл зиммасига тушган. Аёллар уруғнинг асосий қисмини ташкил қилган ва умумий турар жойларнинг эгалари бўлган. Бундай шароитда дастлабки уруғ фақат она томон қариндошлигига асосланиши мумкин эди.

Экзогамия никоҳ тартибининг пайдо бўлишини изоҳлайдиган илмий фаразлар кўп бўлса ҳам, унинг юзага келиш проблемаси ҳали тамомила ойдинлаштирилган эмас.

Буржуа тадқиқотчилари ё болалик чоғларидан бошлаб бирга яшайдиган одамлар ўртасида жинсий майлнинг йўқлиги сабабли (Дарвин), ёки яқин қариндош билан жинсий алоқада бўлишдан сақланишга интилиш сабабли экзогамия тартиби ўрнатилгандир, деб ҳисоблайдилар. Шу мақсадда, Морганнинг фикрича, дастлаб ота-оналар билан болалар ўртасида бўладиган никоҳлар, ундан кейин қариндошлар билан ака-укалар ва опа-сингиллар ўртасида бўладиган никоҳлар ман қилинган. Кўпгина совет олимлари, узоқ ўтмишдаги ота-боболаримиз туғишган қариндошлар ўртасидаги никоҳларнинг зарарли биологик оқибатларини сеза олмас эдилар, деб ҳисоблаб, ана шу илмий фаразга шубҳа билан қарайдилар. Гала ичида меҳнат фаолиятини тартибга солиш зарурлиги сабабли экология вужудга келганлиги ҳақидаги назария совет олимлари орасида тобора кўпроқ эътироф қилинмоқда. Шундай қилиб, экология бир коллектив аъзолари ўртасида аёллар туфайли юз берадиган тўқнашувларнинг олдини олиш воситаси бўлган, чунки тартибга солилмаган жинсий муносабатлар жинсий инстинкт заминида доимий жанжал ва тўқнашувларга олиб борар эди, бу эса коллективнинг нормал хўжалик фаолиятини бузар эди.

Аёл томоннинг қон-қариндошлари ўртасида никоҳларнинг тақиқланиши билан у *homo Sapiens*—экзогамия вужудга келган. Экзогамия пайдо бўлиши билан гала ўрнини уруғ ва дуаль-уруғ (латинча *duo*—«икки») эндогамия (грекча *endon*—«ички», *gamos*—«никоҳ») тузилиши эгаллади, шу билан бирга, айрим олимларнинг фикрича, галанинг иккита тенг экзогамияга бўлиниши натижасида ана шу эндогамия тузилиши вужудга келган, бошқаларнинг даъвосига кўра, икки қўшни галанинг бирлашуви рўй берган. Бу—ҳануз мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Экзогамия тартибидаги никоҳ мавжуд бўлганида жинсий муносабатлар дуаль-уруғ тузилиши ичида, яъни икки муайян уруғ аъзолари ўртасида амалга оширилган. Бундай никоҳ тартиби эндогамия деб аталади.


Австралияликларнинг аёл томон қариндошларидан ташкил топган икки никоҳ синфи (секцияси<sup>1</sup>) системаси экзогамиянинг энг архаик шакли ҳисобланади. Синфлар ўртасида никоҳ аҳдлари тузилган. Бир синф эркаклари бошқа синф аёллари билан жинсий алоқа қилишган. Никоҳ группа ҳолида бўлган, хотинлар билан эрларнинг ўзаро умумийлиги мавжуд бўлган. Ҳар қайси қаллиқ ўз синфи ичида яшаган. Эркаклар баъзи-баъзида хотинларини бориб кўришган. Қаллиқларнинг бундай жойлашуви дислокаль жойлашув деб аталади (латинча *dis*—«айрилиш» ни билдирувчи олд қўшимча, *lokus*—«жой»). Шундай никоҳлар тартиби шароитида бир синфнинг барча аёллари бошқа синф эркакларининг реал (чинакам) ёки потенциал (яширин) хотинлари ҳисобланган.

Австралияликларнинг икки синфли никоҳ системасида болалар она синфида қолдирилган ва демак, қизлар ўз оталарининг хотинлари бўлиб қолиш эҳтимоли мавжуд бўлган. Шунинг учун ҳам яқин қариндош билан жинсий алоқада бўлиш тамомила бартараф этилмаган. Бундай жинсий алоқада бўлиш тўрт синфли никоҳ системасида истисно қилинган. Баъзи бир австралиялик қабилаларда тўрт никоҳ синфи ташкил топган. Тўрт синфли никоҳ системасида болалар ота-оналар синфига кирмас эдилар, уларни бувилар билан боболар синфига қўшиб қўйилар эди.

Шундай қилиб, австралияликларга хос икки синфли никоҳ системасига кўра, илк экзогамия никоҳ муносабатларини синф доирасидан ташқарига чиқарган ва она томонидан турли авлодлар ўртасидаги (она билан ўғил, амаки-тоғалар билан жиянлар ўртасидаги) никоҳларни ҳам, бир авлод одамлари (қариндошлар, амакивачча, холавачча, тоғаваччалар) ўртасидаги никоҳларни ҳам истисно қилиб, фақат синф доирасидагина яқин қариндош билан жинсий алоқада бўлишни бартараф этган. Австралияликлар синфида группа ҳолдаги қариндошлик мавжуд бўлган, болалар фақат туққан онасинигина эмас, балки она никоҳ синфи аёлларининг ҳаммасини ҳам ўз онаси деб ҳисоблашган. Ҳар қайси аёл ўз никоҳ синфидаги барча хотинларнинг болаларини ўз болалари деб ҳисоблаган.

Лекин икки синфли никоҳ системаси ота томондан амакивачча, холавачча ва тоғаваччалар, қариндош-уруғларнинг учинчи поғонасидаги амакиваччалар билан тоғаваччалар ўртасида, шунингдек турли авлодларнинг одамлари ўртасида бўлиши мумкин бўлган никоҳларни (ҳатто ота билан қиз ўртасида бўлиши мумкин бўлган никоҳни ҳам) илгариги ҳолида қолдирган, чунки Австралия қариндошлик системаси бўйича аёл фақат ўзининг ҳақиқий эринигина эмас, балки ўз никоҳ синфининг ҳамма эркакларини ҳам ўз эри деб атаган, эркак эса ўз хотини синфининг барча аёлларини ўз хотинлари деб ҳисоблаган, асли-

<sup>1</sup> Никоҳ синфлари (ёки секциялари) группа ҳолидаги никоҳ шаклидан иборат.



Мезолитга оид чақмоқтош  
икладишли суяк қуроллар



Бу меранглар (ўроқсимон қуроллар)

ни олганда, унинг уз қизлари ҳам шу синф таркибига кирар эди. Тўрт синфли никоҳ системаси пайдо бўлгач, ота-оналар билан болалар ўртасидаги никоҳлар (ота билан қиз ўртасидаги никоҳ), шунингдек ота томонидан амаки ва жиян ўртасидаги никоҳ бартараф қилинган. Бу эса, чамаси, группа ҳолдаги никоҳни тартибга солишда иккинчи қадам бўлгандир. Аммо никоҳ илгаригидек группавий никоҳ бўлиб қолаверган, ота томондан амакиваччалар ҳам шу группага кирар эдилар. Бундай никоҳ шакли кросс-амакивачча, тогавачча, холавачча никоҳи деб аталади. Никоҳ муносабатларига алоқадор шахслар доирасининг тораёишидаги кейинги қадам, эҳтимол, ота томондан амакиваччалар ва холаваччалар ўртасидаги жинсий муносабатларнинг манқилинишидан иборат бўлса керак, бундай тақиқлаш саккиз синфли никоҳ системасига эга бўлган австралияликларда кўрилади.

Бирлашган ишлаб чиқарини коллективдан иборат бўлган уруғ фақат экзогамия хусусияти билангина характерланиб қолмайди, унинг бошқа белгилари ҳам бор. Уруғда коллектив меҳнат ҳукмронлик қилади. Манзилгоҳларнинг ов қилинадиган жойлар яқинида бўлиши, бу ерда яшаган одамларда ишлаб чиқариш фаолияти (овчилик, териб-термачлаб овқат топиш) учун муайян уруғ территорияси мавжуд бўлган, ишлаб чиқариш

воситалари умумий мулк ҳисобланган экан деб фараз қилишга асос бўлади. Турар жойлар ва уларнинг атрофидаги хўжалик хусусиятларига қараб умумий меҳнат самаралари бутун коллективники бўлганлиги ва улардан биргаликда фойдаланилганлиги аниқланган.

Шундай қилиб, уруғ қон-қариндошлардан иборат хўжалик коллективи бўлиб, унда биргаликда ишлаб чиқариш мавжуд бўлган, у ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол маҳсулотларининг умумий мулклигига эга бўлган; уруғ — бу экзогамия никоҳ тартиби ва қариндошликнинг бир томонлама (она томон) дан ёки (ота томондан) ҳисобланиши билан, территориянинг умумийлиги, номи ва эътиқоднинг бирлиги билан, ижтимоий ҳаётдаги демократик тартиблари билан таърифланади.

Уруғ жамияти юқори палеолитда (ориньякда) кроманьонликларда—ҳозирги жисмоний типдаги одамларда пайдо бўлган.

**4. Мезолит ва неолитда она уруғи даври одамларининг муваффақиятлари.** Музлик даврининг тугаши билан инсоният тарихидаги энг узоқ давр—палеолит тамом бўлди, мезолитга ўтиш бошланди. Мезолитда (14—7 минг йил илгари) иқлим, флора ва фауна аста-секин ҳозирги характерга кирган. Музликнинг чекиниши билан мамонт, сержун каркидон каби йирик пода ҳайвонлари кейинги палеолитда қирғин қилиб ҳайдаб келиб овланиш натижасида ва ўзгарган иқлим таъсири остида бутунлай йўқ бўлиб кетган, бошқа ҳайвонлар, масалан, шимол буғулари музлик орқасидан шимол томонга кетиб қолганлар. Музликлардан секин-аста тозаланиб борган ерлар жанубдан очиқ даштларга яқинлашган ўрмон (қарағайлар, эманлар, қайинлар, каштанлар, арча ва шу кабилар) билан аста-секин қопланган. Шунга мувофиқ равишда ҳайвонот олами ҳам ўзгарган. Ўрмонларда беозор буғулар, шунингдек лось, ёввойи чўчқа, косуля, айиқ ва бошқа ҳайвонлар урчий бошлаган. Ўрмон ҳайвонлари майдароқ, чопқир ва улардан кўплари пода бўлиб яшайдиган ҳайвонлар бўлган. Илгариги усуллар ва қуроллар бундай ҳайвонларни овлаш учун яроқсиз, эскирган бўлган. Янги ов шароитлари ирғитиладиган (отиладиган) қурол ва юқори даражада такомиллаштирилган вкладишли техникани ривожлантиришга, камон ва ўқ-ёй ихтиро қилишга олиб келган. Микролитлар (грекча *micro*—«кичкина», *litos*—«тош») 1—2 см узунликдаги, призматик, пичоқсимон ёки ўткир учли шаклдаги чақмоқтош буюмлари кенг ёйилган. Кесадиган, рандалайдиган ёки санчиб тешадиган қуроллар ясашда ана шу буюмлар асосан ёғоч ва суяк сопларга вкладиш сифатида, шунингдек мезолитда ихтиро қилинган янги ов қуроли—камон ва ўқ учун қўлланилган. Микролитлар қурол-асбоблар ва қурол-яроғнинг иш бажарадиган, асосий қисмини ташкил этган. Микролитлар техникаси прогрессив техника бўлган. Микролитлар билан ускуналаниш составли қурол енгилроқ бўлган ва ўз сифати жиҳатидан бутунлай чақмоқтошдан ясалган қуролдан қолишмаган;



чақмоқтошдан қурол ясаш эса сермеҳнат иш бўлиб, кўп миқдорда материал сарфлашни талаб этган. Силиб қолган вкладишни алмаштириш осон бўлган, нуқул чақмоқтош қурол синганида эса уни тузатиб бўлмаган.

Камон билан ўқларнинг ихтиро қилиниши одамнинг ғоят катта муваффақиятли бўлган. Одамларда тезотар, узоққа отадиган қурол вужудга келган, бу қурол мерганлиги ва нишонга ўқ теккизиш кучи билан найзадан фарқ қилган.

Бумеранг мезолит қабилаларининг ўзига хос (оригинал) ихтироси бўлган; бумеранг — эгилган ясси ёғоч парчаси шаклидаги, ўроқсимон, иргитма гурзи (чўқмор); унинг кўзга аранг ташланадиган эгилган бурама сирти бор бўлиб, учиб бориш хусусияти шунга боғлиқ. Эпчил қўл билан иргитилган бумеранг учиб бораётганда ёйлар, ҳалқалар, саккизликлар ва бошқа эгри чизиқлар чиқади. У 150 м гача бўлган масофага учеди. Нишонга бориб тегишда ўзининг ўткир чети ёки учи билан оғир ярадор қилади. Бумеранг ер шараридаги кўпгина қабилаларга маълум бўлган, аммо у Австралия маҳаллий аҳолисининг ўзига хос қуролдир.

Техниканинг ривожланиб бориш даражаси мезолит даври одамларининг табиий шароитларга қараб турли-туман хўжалик фаолияти билан шуғулланишларига имконият берган.

Фаунанинг ўзгарганлиги сабабли ҳайвонларни ўраб олиб овлаш иккинчи даражали машғулот бўлиб қолган. Овчилик маълум даражада якка-якка ҳайвонларни қидириш тусига кира борган. Камон ва ўқлар пода ҳолида яшамайдиган чопқир ҳайвонларни овлашни осонлаштирган, шунингдек илгари одам овлай олмаган алвасини (ёввойи қушларни) овлашга имкон берган. Қўлай шароитлар бўлганида овчилар кўп ўлжаларга эга бўлишган. Ўлжанинг ҳаммаси бир йўла ейилмаган, унинг бир қисми яраланган ҳайвонлар ёки уларнинг янги туғилган болалари шаклида қолиши мумкин бўлган, бу нарса ҳайвонларни қўлга ўргатиш мумкинлиги ҳақида фикр туғдирган. Ит дастлабки уй ҳайвони бўлган. Итни қўлга ўргатиш осон бўлган, чунки одам нима билан овқатланса, у ҳам шу билан, шунингдек овқат ташландиқлари билан овқатланган. Эҳтимол, ит одамларнинг овқат қолдиқларини териб еб, ўзи уларга эргашиб юргандир. Дастлаб итлардан гўшт учун, кейин ов учун, жойдан-жойга кўчиш ва манзилгўшларни қуриқлаш учун фойдаланилган. Шу тариқа, мезолитда ҳайвонларни қўлга ўргатиш учун биринчи қадам қўйилган.

Флоранинг ўзгариши териб-термачлаб овқат топишнинг ролини аста-секин кучайтирган. Бир қатор мезолитик турар жойларда топилган кўпгина балиқ суяклари балиқ овлашнинг жадаллик билан ривожланиб борганлигини кўрсатади.

Мезолит даври археологик ва этнографик маълумотлар асосида қайта тикланади. Европанинг кўпроқ қисмида мезолит азиль (илк азиль) ва тарденуаз (кейинги азиль) археологик

маданиятлари билан кўрсатилган. Бу даврлаштириш СССР Қора денгиз бўйи мезолитини ўрганиш учун мувофиқ келади. СССР Европа қисмининг ўрмон минтақасидаги мезолит манзилгоҳларининг ўзига хос хусусияти алоҳида даврлаштиришни талаб этади.

Музликининг чекиниши ва одамларнинг жойлашиши кейинроқ юз берган Балтика бўйи мезолити лингби маданиятига (Даниядаги манзилгоҳга қараб номланган) тўғри келади. Польша территориясида Свидра маданияти (Варшава яқинидаги Свидра Великий ёнида) маълум. Африкада, Урта Осиёда, Ҳиндистон ва Австралияда ҳам микролитик техника бўлганлиги кўрилади.

Палеолитга хос бўлган археологик маданиятларнинг аниқ изчиллиги мезолитда йўқ. Унинг маданиятлари территориал жиҳатдан чекланган хусусиятга эгадир.

Азиль маданияти илк мезолит учун характерли маданиятдир. Азилда кўпгина қуроллар мадлен типларини сақлаб қолган. Лекин суяк қуроллар кам учрайдиган бўлиб қолган. Камон ўқи учлари ва микролитларнинг пайдо бўлиши чақмоқтошдан ясалган буюмлар учун характерлидир; тарденуаз маданияти манзилгоҳларига қараганда камон ўқи учлари, микролитлар кейинги мезолитда айниқса кенг тарқалган. Азель қатламларида уй итининг суяклари топилди.

Балтика бўйи ва Польша маданиятлари Ғарбий Европа маданиятларига ўхшашдир.

Бушменлар (Жанубий Африка), урабунна (Австралия), видлар (Цейлон), гуаяклар (Парагвай), оловли ерликлар ва бошқа қабилалар — мезолитнинг реликт вакиллари дир. Бушменларнинг асосий машғулоти — итлардан фойдаланиб, ҳайвонлар ва илвасинни овлаш бўлган. Териб - термачлаб овқат топиш ва балиқ овлаш бушменлар хўжалигида иккинчи даражали роль ўйнаган.

Мезолитдаги бошқа реликт жамиятларнинг ҳам хўжалик ривожланиши даражаси худди шундай бўлган. Табиий шароитларга қараб хўжалик фаолиятининг йўналишидагина фарқлар бўлган. Масалан, шимоли-шарқий оловли ерликлар қуруқликдаги ҳайвонларни овлашган ва ейимли ўсимликларни йиғишган, ғарбий ва жануби-ғарбий олов ерликлар эса денгиз ҳайвонини, қушларни овлашган, моллюскаларни йиғишган ва балиқ тутишган.

Мезолитик манзилгоҳларда турар жой қолдиқлари камдан-кам кўрилади, чунки улар жуда енгил ва кичик-кичик жойлар бўлган. Мезолит манзилгоҳи ўз майдони жиҳатидан палеолит манзилгоҳлариникидан кичикроқ бўлиб, улар дарё бўйлаб, кўпинча қумлоқ дюналарга жойлашган.

Бу чайла-капа шаклидаги вақтинча турар жойлари бўлган манзилгоҳлар эди. Байкал бўйидаги бир қанча мезолитик манзилгоҳларда чайлалар хилидаги турар жойларнинг излари

уларнинг тошлар билан ишлаб чиқилган пойдеворларига қараб аниқланди. Бушменлар, олов ерликлар ва бошқа мезолитик реликт қабилалар шох-шаббалардан чайлалар қуриб, устияи барглар, ўт-ўлан, пўстлоқ ва ҳайвон терилари билан ёпишган. Мезолитда чайлалар билан бир қаторда кичик-кичик ертўлалар мавжуд бўлган. Азия маданияти аҳолиси кўпинча горлардан, тарденуаз маданияти аҳолиси — баъзан кичик-кичик сунъий горлардан ҳам фойдаланган.

Овчиларнинг вақт-вақти билан манзилгоҳга қайтиб келишини акс эттирадиган кўп қатламлилиқ (7—10 маданий қатлам) мезолит учун характерли хусусиятдир.

Мезолит манзилгоҳларидаги жамоага қарашли кўп ўчоқли уйларнинг йўқ бўлиб кетиши ва кўп қатламлилиқнинг сабаби шуки, ўша замон одамларининг ҳаёт шароитлари ўзгарган. Янги ов қуроли ва ўрмон ҳайвонларини овлашда янги усулнинг пайдо бўлиши сабабли бир жойда узоқ яшаш имконияти ва катта бирлашмаларга эҳтиёж қолмаган. Ўлжа қидириб кезишга мажбур бўлган одамларнинг кичик-кичик группалари янги ҳайвон турларини овлайдиган бўлишган.

Одамлар овқат қидириб кезишар экан, муздан тозаланган ерларга кенг жойлаша борар эдилар. Улар нисбатан қисқа вақт ичида Балтика бўйини, Шотландияни, Скандинавияни, Шимолӣ Муз денгизи соҳилининг бир қисмини, Американи, Австралияни ўзлаштирдилар.

Мезолит — палеолитдан неолитга ўтиш даври — тош асрининг юқори ва сўнгги босқичидир. Неолитнинг умумий хронологик доираларини кўрсатиш имкони йўқ, чунки бу давр турли вақтларда бошланган ва тугай борган. Европа ва Осиё илк неолит ёлгорликларининг кўпроқ қисми эрампздан аввалги V минг йилликка оид деб кўрсатилади.

Неолитдаги иқлим шароитлари, флора ва фауна ҳозирги замондагига яқин бўлган. Неолит керамиканинг (грекча *keramos* — «гил») пайдо бўлиши ва тошга ишлов беришнинг янги, анча юксак техникаси билан, ўзлаштирувчи хўжалиқ формаларидан ишлаб чиқарувчи формаларига ўтилиши билан характерланади. Неолитда тошга ишлов беришнинг илгариги усуллари тошни чақиб йўниш, сийдириш, отжим техникаси такомиллашиб бориши билан бир қаторда, одамлар тошни силлиқлашга, арралашга ва пармалашга ўрганишган. Шунинг учун XIX аср археологлари неолитни силлиқланган тош даври деб аташган. Шунингдек суякка ва мўғиз (шоҳ) га ишлов бериш техникаси олдинга силжиган. Буларнинг ҳаммаси анча такомиллаштирилган махсус тош ва суяк қуроллар яратишга имконият берган. Неолитда болталар, йўнғич-тарашлагичлар, исканалар, ўроқлар, дон янчигичлар, ўғирлар, ўғир дасталари, тош ва суяк мотигалари кенг тарқалган. Камон ўқлари ва найзаларнинг учлари янада такомиллаштиради. Неолитга оид қуроллардан айниқса болта, аввал бошда бутунлигича йўнилган ва фақат дами силлиқланган болта, ке-

йшироқ эса батамом силлиқланган болта муҳим аҳамиятга эга бўлган. Болта билан дарахтлар кесилган; болта хода ишлашда, турар жойлар, овлаш учун ҳайвонларни ҳайдаб келиб қамаш нишоотлари қуришда, янги кўчма воситалар (соллар, қайиқлар, чағилар, чаналар ва шу кабиларни) ясашда қўлланган.

Неолитда қуроллар ясаш учун янги материал турларидан (диорит, нефрит ва яшмадан) фойдаланила бошланган, шунингдек ер ости чуқурлигидан чақмоқтош қидиришга киришилган, чунки купгина районларда чақмоқтош етарли бўлмаган ёки ўша замонга келиб унинг ер устидаги запаслари тугаб қолган. Чақмоқтошни конлардан қазиб чиқаришган, масалан, бундай конлар Англияда, Францияда, Бельгияда, СССРда (Гродно областининг Волковиск шаҳри районида) текшириб чиқилган. Чақмоқтош шахталарида буғу шохидан ясалган поналар, кирка (чўкич)лар, курак суякларидан белкураклар, қорачироқлар топилган.

Неолит даври тошга ишлов бериш янги техникасининг эгалланиши билан бир қаторда, яна битта муҳим техника ютуғи — лойдан пишириб сопол идишлар ясалиши, керамика билан характерланади. Керамика синиқлари — илк ва кейинги неолит манзилгоҳларида тез-тез учрайдиган топилдиқлардир.

Сопол идишлар ихтиро қилиш йўллари, чамаси, хилма-хил бўлса керак. Кулолчилик тўқима идишларнинг ҳамма томонига лой чаплашдан, лой парчасини чуқурча қилиб ўйиш ва шу сингарилардан пайдо бўлиши мумкин. Дастлаб тасма ёки чирмов техникаси кенг ёйилган. Лойдан чирмовлар ясалган ва уларни қолипга спираль шаклида жойлаб, бостириб қўйилган. Бу ишларнинг ҳаммаси кулоллик чархи ёрдамсиз қўл билан бажарилган. Илк неолитда қўл билан ясалган идишлар қўпол, ёмон пиширилган, махсус чуқурчага ўрнатиш учун идиш таги юмалоқ шаклда ишланган.

Сопол идишни аёллар ихтиро этишган. Сопол идишларнинг ишлатилиши озиқ-овқат маҳсулотларининг таркибини кенгайтиришга, овқат пишириш ва уни сақлаш усулларини яхшилашга, суюқликни ғамлаб қўйишга имкон берган.

Утроқлик сопол идишларни турмушда кенг қўламда ишлатиш учун замин бўлган, чунки бошқа жойга кўчиб бориш вақтида идишлар ташиш оғир бўлар эди. Ривожланган кулоллик ўз навбатида утроқликни мустаҳкамлашга ёрдам берган ва манзилгоҳлардан қишлоқ-қишлоқ бўлиб яшашга ўтиш имкониятини туғдирган.

Неолитда оддий (примитив) йигириш ва тўқувчиликни билишган. Тўқини-ўриш билан тўқувчиликка асос солинган. Этнографияда энг хилма-хил тўқима буюмлар: саватлар, бўйралар, арқонлар, тўрлар, тўрва халталар, камарлар, оёқ кийимлари, бош кийимлари, идишлар ва ҳоказолар маълумдир. Ҳриш-тўқиш учун хивич-новдалари, соч, тери тилимлари, ёғоч толаси ишлатилган. Толаларни ўриш-йигиришни бошлаб берган.

Дастлаб қўл билан, сўнгра чархли урчуқ ёрдамида йигиришган. Кейинроқ прялкалар (йигирадиган оёқ чархлари)дан фойдаланилган.

Йигириш ривожлана бориши билан тўқувчилик ва оддий тўқув дастгоҳлари пайдо бўлган. Қичитқи ўт толаси, ёввойи наша ўсимлиги ва дарахт пўстлоғи толалари, юнг, ёввойи зигирпоя йигириш учун материал бўлган. Неолитдаги свая (қозиқ оёқ устига қурилган) турар жойларда зигирпоя ва юнгдан ишланган буюмлар топилди.

Неолитдаги турар жойлар: ертўлалар, ходалардан тикланган бостирмали ярим ертўлалар, шунингдек, ҳайвон териларидан қилинган уйлар, лой-тупроқ полли, новдалардан ўриб тикланган ва лой билан сувалган деворли жойлар, ёғоч уйлар, свая (қозиқ оёқ) иморатлардан ва намат ўтовлардан иборат бўлган. Свая иморатлари — қўллар қирғоқларида, дарё қайирларида, денгиз қўлтиқларида сваялар (қозиқ оёқлар) устига қурилган айрим турар жойлар ва бутун бошли қишлоқлардир. Шунга ўхшаш одам турадиган иморатлар яқин ўтмишда мавжуд бўлган ва ҳозирги замонда ҳам баъзи халқларда бор. Ибтидий свая турар жойлари биринчи марта Швейцариядаги Цюрих қўлининг саёзланиб қолган тагида, кейинроқ эса Шимолий Италияда, Жанубий Германияда, Югославияда, Австрияда, Ирландияда, Англияда, Швецияда, СССРда топилди. Свая иморатларида инсоният тарихида биринчи ёғоч мебель: скамейкалар, столлар, сандиқлар пайдо бўлди.

Неолит маданиятлари даражасига қараб ва ҳўжалик ривожланишининг йўналишига қараб бир-биридан фарқ қилинади. Улар маҳаллий маданий-тарихий бирликлардан иборат. Неолитда овчилик, балиқ овлаш ва териб-термачлаб овқат топиш такомиллаша боради ва янада уюшқоқроқ машғулотлар бўлиб қолади. Баъзи бир районларда балиқ овининг юқори даражада ривожланиши туфайли унинг аҳамияти овчилик ролидан устунлик қила бошлайди, ўз ҳолича ўсадиган бошоқли ўсимликларни териб-термачлаб овқат топишдан оддий (ибтидий) деҳқончиликка ўтилади, ҳайвонларни тсбора кўпроқ қўлга ўргатила боради.

Анча юқори ҳўжалик формалари бўлган чорвачилик ва деҳқончиликка ўтиш имконияти меҳнат қуроллариининг ривожланишидаги ютуқлар ва ишлаб чиқариш тажрибасининг орттирилиши билан боғлиқир. Бу ҳўжалик тармоқлари илгариги ўзлаштирувчи ҳўжалик тармоқларидан фарқ қилиб, ишлаб чиқарувчи тармоқлардир.

Ҳайвонларни қўлга ўргатиш, кейинроқ эса кўп минг йиллар давомида одамлар овлаб келган худди ўша ҳайвонларнинг урчини натижасида овчиликдан чорвачилик вужудга келган. Ҳайвонларни қўлга ўргатиш ва хонакилаштириш ер шарининг кўп областларида турли замонларда ва ҳар хил шароитларда содир бўла борган. Хонакилаштирилган ҳайвонлар тутқунликда урчиб, янги ҳайвон зотларини яратишади. Ҳайвонларни хонакилашти-

риш узоққа чўзилган ва қийин процесс бўлган. Маълумки, ер юзиди 140 миңга яқин ҳар хил ҳайвон турлари яшайди, аммо улардан фақат 47 тури хонакилаштирилган, холос.

Ҳайвонларни қўлга ўргатиш мезолитда бошланган. Игдан кейини чўчқа, қўй, эчки қўлга ўргатилган. Эчки ва қўйлардан сўнг қорамоллар хонакилаштирилган. От кейинги хонакилаштирилган ҳайвонлар қаторига киради.

Хонакилаштирилган ҳайвонлардан тортув кучлари сифатида фойдаланилган, улар одамларга гўшт, суяк, ёғ, тери, юнг, сут берган. Дастлаб одам ҳайвонларни гўшт учун боқиб кўпайтирган, кейин эса уларнинг юнгидан фойдаланишга ўрганган, кейинроқ судан фойдаланадиган бўлган.

Деҳқончилик мукамал уюшган териб-термачлаб овқат топишдан вужудга келган. Одамлар териб-термачлаб овқат топиш процессида ўсимликларнинг ўсиш ва етилиш шароитларини кузатиб бориб, бошоқли ўсимликларни ва ейимли туғунакларни махсус экиш ёки юмшатишга ерга ўтқазиб йўли билан ўстириштириш мумкинлиги ҳақида хулосага келишган.

Деҳқончиликни аёллар ихтиро қилишган, баъзи бир тадқиқотчилар натуф маданиятида (топилдиқ жойи — Вади-ан-Натуф номига қараб шундай аталган; Қуддусдан 30 км шимоли-ғарбда жойлашган бўлиб, эрамыздан аввал IX—VIII асрлардаги маданият) деҳқончилик элементларини топишиб, деҳқончиликнинг бошланишини кейинги мезолитга мансуб деб ҳисоблашади. Эҳтимол, бу ерда ва бошқа районларда топилган тош вкладишли суяк соплар, кичкина мотигалар, тош ўғир ва ўғир дасталари, Шимолий Американинг кўл бўйи индеецларидаги каби ёввойи бошоқли ўсимликларни йиғиб олиш ва ишлаш учун хизмат қилган бўлса керак. Натуфликлар овчилик, балиқ ови ва териб-термачлаб овқат топиш билан шуғулланишган, мана шу кейинги машғулот, афтидан, кучли ривожланганга ўхшайди.

Ибтидоий (примитив) деҳқончилик ҳақидаги эътироз қилиб бўлмайдиган маълумотлар бир хил районларда илк неолитга, бошқа районларда ривож топган неолитга тааллуқлидир.

Дастлабки деҳқончилик чекланган характерга эга бўлган. Бир ёки икки хил экинни ўстириш учун кичик-кичик ер майдонлари ишланган. Қуроллар ҳали оддий шаклда бўлган, шунинг учун деҳқончилик фақат шу машғулот учун анча яроқли областлардагина вужудга келиши мумкин эди. Дажла, Фрот, Нил, Ҳинд ва Хуанхе дарёлари водийлари шундай районлар бўлган; бу жойларда вақт-вақти билан юз берадиган тошқинлар фақат ерларни суғорибгина қолмай, балки лойқа билан тупроқни ҳам ўғитлаган. Кейинроқ экинлар ва тупроқни шамол ва нурашдан ҳимоя қилган ўрмонзор районларида деҳқончилик ривожлана бошлаган. Кичкина дарахтлар ва буталарни тош болталар билан кесиб ташлашган, ундан кейин эса уларни куйдириб юборишган, кул ўғитлаш учун ишлатилган. Одамлар ернинг ориқланиши ва унинг бегона ўтлар билан ифлосланишига қараб, эски участка-

ларни қолдириб кетишган ва янги ерларни ўзлаштиришган. Урмондан ер очиб қилинган бундай деҳқончилик подсечный огневой деҳқончилик системаси деб аталади.

» Тозаланган ва экилган ер участкаларини ёввойи ҳайвонлардан ҳимоя қилиш учун уларнинг атрофи ғов билан ўраб олинган. Энг қадимги деҳқончилик қуроли ўткир учли таёқ-қазигич бўлган, бу қурол илгари териб-термачлаб овқат топишда ишлатилган. Кейинроқ ясси учли таёқлар (курак шундан келиб чиққан) ва мотига пайдо бўлган. Мотига анча такомиллашган ва кенг тарқалган қуролдир. Шу муносабат билан илк деҳқончилик мотига деҳқончилиги деб аталади. Даставвал мотига қисқа бутоқли шохдан иборат эди. Ундан кейин шу бутоқ ўрнига дастага ўткирлаштирилган тош, ҳайвон шохидан ёки суякдан ясалган учтик бириктириб қўйилган. Неолитда қуритилган донни махсус янги ғичда майдалаб ун қилинадиган бўлган!

Дастлаб одамлар ўзлари яшаётган жойларда ёввойи шаклда ўсиб-унадиган фойдали ўсимликларни экиб ўстиришган. Масалан, шолининг ватани Ҳиндихитой, маккажўхори (маис), картошка, кунгабоқар, тамаки ва қовоқники — Америка, арпаники — Олд Осиё ва Арабистон, буғдойники — Осиё, Шимолий Африка ва Европа, карамники — Жанубий ва Ғарбий Европа, чойники — Хитой, кофеники Абиссиния (Ҳабашистон), какаонинг ватани Марказий Америкадир ва ҳоказо. Тариқ, арпа, буғдой, шоли энг қадимги бошоқли экинлардир. Жавдар ва сули кейинги бошоқли экинлар қаторига киради. Жавдар Кавказ ва Қаспий денгизидан жануб томондаги мамлакатда пайдо бўлган. Тариқ билан сули ватани аниқланмаган. Тариқ қолдиқлари Швейцариянинг неолитик свая манзилларида топилган. Одам фойдаланадиган деярли барча маданий ўсимликлар ибтидоий одамлар томонидан жуда кўп ёввойи ўсимликлар орасидан танлаб олинган. Археологик маълумотларга кўра, бошоқли экинларидан кўпчилиги неолит даврида маълум бўлган. Маданий экинлар алмашиш орқали бутун Ер юзиде тарқала борган.

Чорвачилик ва деҳқончиликнинг вужудга келиши одамнинг биринчи энг катта ишлаб чиқариш ғалабасини кўрсатади. Агар одам териб-термачлаб овқат топиш ва ов қилиш замонларида табиатнинг тайёр маҳсулотларининггина ўзлаштириб келган бўлса, чорвачилик ва деҳқончиликка ўтиш билан у ўзини анча хилма-хил, энг муҳими, мунтазам озиқ-овқат билан таъминлаб, маҳсулотлар етиштира борган. Гўшт, дон, сабзавот (этилдиз) шаклида доимий овқат запаслари пайдо бўлади. Деҳқонлар ўтроқ ҳолда яшаганлар. Кўпгина халқларда деҳқончилик билан чорвачилик айна бир замонда ривожланган. Аммо чорвадорлар учун деҳқончилик ва деҳқонлар учун, аксинча, чорвачилик қўшимча (ёрдамчи) машғулот ҳисобланган.

Неолитда халқларнинг кўпчилигида деҳқончилик ва чорвачилик етакчи ҳўжалик тармоқлари бўлмаган, улар ёрдамчи аҳамиятга эга бўлган. Овчилик, балиқ тутиш ва териб-термачлаб овқат топиш тириклик воситаларини қидириб топишнинг асосий манба-

лари бўлиб қола берган, шу билан бирга, улар ўртасидаги нисбат турли жойларда турлича бўлган.

Аввал бошда бутун уруғ аъзолари хўжаликни биргаликда бошқаришган, кейинги неолит даврида эса уш уруғнинг она оилалари ёки хонадон (уй) жамоалари бошқарадиган бўлган, чунки ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва меҳнат умумдорлигининг оша бориши орқасида хўжаликни бутун уруғнинг биргалашиб идора қилишига зарурат қолмаган. Оналик катта оилалари она томондан айрим уйда яшайдиган, аммо уруғ ҳаётидаги умумий қонун-қоидаларга бўйсунадиган 4—5 авлоднинг қариндошларини (қизлари, қиз набиралари, эваралари ва уларнинг наслини) бирлаштирган. Энг кекса аёллар уй хўжаликларига бошчилик қилишган. Улар уй жамоасига раҳбарлик қилишган, уларни бошқариш ижтимоий хусусиятга эга бўлган ва ўша даврда зарур, муҳим иш ҳисобланган.

Оилада ва жамиятда асосий нарса меҳнатнинг жинс ва ёшга қараб табиий тақсимланиши эди. Эракк ов қилган, балиқ тутган, ҳайвонларни қўлга ўргатган, керакли қуроллар, қурол-яроғ ясаган. Аёл териб-термачлаб овқат топиш, мотиға деҳқончилиги билан шуғулланган, уй-рузғор ишларини бажарган (овқат пиширган, кийим-бош тиккан, тўқиган, болалар ва кексаларни парвариш қилган).

Эракклар участкаларни дарахт ва буталардан тозалашган, уларнинг атрофини тўсиб олишган, қозиқлар билан чопиб қуриқ очган. Ундан кейин аёллар ва болалар ерни юмшатишган. Аёллар сабзавотлар экишган, полизни парвариш қилишган, ҳосилни йиғиб-териб олишган ва сақлашган. Ер қабиланинг мулки бўлган. У бошқа қабила территориясидан ҳолис ўрмонзор билан ажратилган. Қабила ерлари уруғлар ўртасида, уруғ ерлари эса хонадон жамоалари ўртасида бўлинган.

Неолитда яшаш территориялари тобора кенгайиб, ҳозирги одамлар ўрнашган чегараларгача етиб борган.

5. Уруғчилик тузумининг равнақ топиши. Она уруғи ташкил топгандан бери ўтган вақт мобайнида ибтидоий одамлар ижтимоий тузумида катта ўзгаришлар содир бўлди. Кейинги палеолитда вужудга келган она уруғи ўз ривожланишининг янги, анча юқори босқичига ўтди. Археологик материал мезолит ва неолит давридаги ижтимоий тузумнинг характери тўғрисида етарли маълумотлар бермайди. Шунинг учун тарихчилар этнографик материалга таяниб иш кўрадилар.

Этнографик маибалар шуни кўрсатадики, кейинги мезолитда уруғ-қабила ташкилоти ривожлана боради, неолитда эса у энг юқори даражада равнақ топади. Мезолит даврида қабила энди бир неча уруғдан иборат бўлиб, улар ўртасидаги алоқалар мураккаблашади. Меҳнатнинг табиий тақсимоли анки ифодаланади: эракклар овчилик билан, аёллар териб-термачлаб овқат топиш билан шуғулланадилар. Уларнинг ижтимоий маъқаси тенг ҳуқуқли бўлган. Жамият аъзоларининг аҳолидаги муайян фарқлар енг



қараб бўлиниш билангина боғлиқ бўлган. Бундай бўлиниш иб-тидой одамлар ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Жамият ёшга қараб уч группага: кекса одамлар, катта ёшли одамлар ва болалар группаларига бўлинган. Ҳар бир группанинг ўз ҳуқуқлари ва бурчлари (меҳнат бурчлари, овқат олиш ҳуқуқи, уруғ йиғилишида иштирок этиш, эр-хотинлик муносабатларига аралашиб ҳуқуқлари ва ҳоказо) бўлган. Масалан, болалар урушларда қатнашмас, йиғилишларда овоз бера олмас эдилар, кекса одамлар эса урф-одатларни сақловчи (қўриқловчи) лар бўлиб, кўпинча уларнинг шахсига сўғинишган, улар билим ва тажрибага эга бўлганликлари сабабли жамиятда катта таъсир кўрсатишган.

Катта ёшли одамлар группасига ўтишда инициация (латинча *initiatio* — «бағишлаш») одатига риоя қилинган; бу одат австралияликлар тимсолида яхшироқ ўрганилган. Бағишлов урф-одатлари шакл жиҳатидан турли халқларда ҳар хил бўлган ва бир неча босқичларга бўлинган.

Инициация — йигит ва қизлар ўрганадиган ўзига хос таълим бўлган. Бу таълим ёшларга меҳнат малакалари ва бошланғич илмий билимлар беришдан, уруғчилик урф-одатлари, ривоятлар, сирлар, эътиқодлар, қўшиқлар ва рақсларни билиб олишдан иборат бўлган. Инициация чидамлиликини синаб кўриш билан тугаган. Кўпинча йигитлар шундай синовдан ўтказилган. Улар ярадор қилинган, бир неча олд тиши уриб синдирилган, тирноги кўчирилган, хатна қилинган, янги тутунданиб ёниб турган шохлар гулхани устига ётқизилган. Инициациядан ўтганлар уруғ аъзоларининг меҳнат ҳаётига тайёрланган деб ҳисобланган. Уларнинг уйланишига руҳсат этилган.

Неолитда уруғлар фратрияга (грекча *fratria* — «биродарлик») ва қабилаларга бирлашганлар. Қабилаларнинг дастлабки иттифоқлари пайдо бўлган. Фратрия — она уруғларининг бўлинишидан пайдо бўлган биродар уруғлар бирлашмаси бўлган. Қўлай шароитларда ва экзогамия тартибидаги никоҳ аҳдлари туфайли уруғлар тез ўсиб кўпая борган. Бир уруғ территориясида тиркичилик утказиб туриш қийинроқ бўла борган. Шу сабабли дастлабки она уруғларидан яқин қариндошлар группалари ажралиб чиқиб, янги уруғларга асос солишган. Ажралиб чиққан группа янги озиқ-овқат зоналарини эгаллаган, лекин умумий номни, урф-одатларни ва тилни сақлаб қолиб, она уруғи билан иқтисодий алоқани давом эттира берган. Она ва қизлар уруғлари дастлабки фратрияни ташкил этишган, бу фратрия ўсиб, катталлашиб, тўрт уруғ ва ундан ортиқ уруғларни ўз ичига олган. Илк фратриялар экзогамия тартибидаги никоҳли, кейингилари — эндогамия фратриялари бўлган. Бошланғич қабила икки уруғдан, ўсиб катталлашган қабила тўрт, саккиз уруғдан иборат бўлган. Кейинги қабилада тоқ сонли уруғлар бўлиши мумкин эди. Морган «никоҳ синфлари» деб атаган, она томон ва ота томонга бўлинган қабиланинг австралияликлар қабилавий ташкилоти энг ибтидой

ташкилот ҳисобланади. Шунингдек экзогамия фратриялари ҳам қабиланинг икки томонлама никоҳ қисмлари бўлган. Қабиланинг икки қисмга бўлиниши дуаль ташкилот деб аталади. Бундан кейин мазкур ибтидоий дуаль ва фратриал бўлиниш барҳам топади ҳамда қабилла жуфт ва тоқ сонли уруғларни бирлаштиради. Қабилла муайян территорияни эгалларди, унинг ўз диалектик ва маданий-маиший турмуш бирлиги мавжуд эди. Фратриал жиҳатдан бўлинган қабилавий ташкилотнинг ривож топган шакли Шимолий Америка индеецларида (ирокезларда, тлинкитларда, цимшиянларда, хайдаларда) уларнинг фратриялари уруғлар каби қушлар, балиқлар, ҳайвонлар номида юради. Масалан, цимшиянлар тўрт фратрияга: қузғун, треска, бургут, айиқ фратриясига бўлинади. Ҳар бир фратрия учта тотем уруғни бирлаштиради. Фратриялар ўзаро ёрдам алоқалари билан боғланган. Экзогамия барча қабилаларнинг номдош фратрияларига тарқалади. Масалан, тлинкитлар қабиласи қузғун фратриясининг эркаги хайда қабиласининг номдош фратрияси аёлига уйланиши мумкин бўлмаган. Ҳарбий босқинлар вақтида номдош фратрияларнинг аъзолари қул қилиб олинмаган.

Америка индеецлари ижтимоий ташкилотининг ривожланишида қабилавий бирлашмалардан нари кета олишмаган. 20 минг кишигача ҳисобланган қабилаларнинг маълум ирокез федерацияси бундан мустаснодир.

Жамиятни идора қилиш формаси демократик бўлган. Қонқариндошлик алоқалари билан боғланган биродарлик, бошқариш органлари томонидан қўриқланадиган ҳуқуқлар тенглиги, иқтисодий тенглик ҳукмронлик қилган. Уруғнинг барча аъзолари: тенг овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган эркаклар ва аёллар йиғилиши олий бошқарув органи ҳисобланган. Йиғилишда уруғларнинг йўлбошчилари, лашкарбошчилари сайланган. Йўлбошчилар уруғнинг энг тажрибали, кекса аъзоларидан, аммо уруғ бошлиғи бўлган аёлнинг ака-укалари ёки унинг ўғиллари орасидан сайланган. Йўлбошчи мансаби мерос бўлиб қолмаган. Йўлбошчилар унча катта ҳокимиятга эга бўлишмаган, мулкий жиҳатдан уруғдошлар оммасидан ажралиб туришмаган ва ўлжани улар билан бирга бўлиб олишлари шарт бўлган. Лекин йўлбошчиларнинг маслаҳатларига қулоқ солишган, чунки улар уруғдошқариндошларнинг розилигисиз ҳеч қандай ишни бошлашмаган ва уларнинг маънаатларини кўзлаб, урф-одатларга амал қилиб иш кўришган. Йўлбошчилар тинчлик замонида амал қилишган. Одатда баъзи бир уруғларнинг бошлиқлари фратриялар ва қабилаларнинг йўлбошчилари қилиб сайланадиган бўлган.

Йўлбошчилар кенгашларда баён қилинган фикрларни эътиборга олишган. Уруғ кенгаши уруғнинг энг кекса аъзоларидан ташкил топган, унга уй хўжаликларининг раҳбар аёллари кирган. Фратриялар ва қабилалар кенгашларига уруғларнинг йўлбошчилари ва лашкарбошилар кирган. Кенгашларда ҳамжиҳатлик асосида қарорлар қабул қилишган. Улар хун олиш маса-

лаларини тартибга солишган, бегона одамларни қабилага қабул қилиш ишини олиб боришган, умумқабилавий тантанали байрамларга, ўйинларга, мусобақаларга тайёрланишда иштирок этишган. Қабила кенгаши уруш ва сулҳ масалалари, қабилалар ўртасидаги ўзаро муносабатларга доир ишлар билан шуғулланган. Қабила кенгаши музокараларда қатнашишга ҳақли бўлган қабила аъзоларининг иштирокида мажлис ўтказган. Қарорни кенгаш чиқарган.

Ирокезлар ижтимоий тузуми тараққий этган уруғ-қабила тузумининг классик (намуна бўладиган) мисолидир; уларда ҳатто қабила иттифоқи пайдо бўлган, бу иттифоқнинг 50 уруғ бошлиғи ҳамда тенг ваколатга ва ҳокимлик ҳуқуқига эга бўлган икки лашкарбошидан иборат кенгаши бўлган. Баъзида қабилалар орасида зарурат туғилишига қараб вақтинча иттифоқлар вужудга келган, аммо хавф бартараф этилиши билан улар тарқалиб кетган.

Бу органлар уруғ, фратрия, қабила аъзоларига тааллуқли масалаларни асрлар давомида мавжуд бўлган одамга қараб ҳал қилишган. Улар халқ иродасининг қуроли бўлган. Шу ижтимоий ячейкалар чегарасидан ташқари чиқадиган ҳамма нарса уларнинг назар доирасидан четда қолган. Шундай қилиб, уруғчилик демократияси қариндошлик, урф-одатлар доиралари билан, уруғ, қабила чегаралари билан чекланиб қолган. Масалан, ибтидоий жамиятда ўлжани бўлиш вақтида одатга амал қилмайдиган ёки эр-хотинлик қоидаларини бузадиган одамлар қаттиқ жазоланган. Уруғчилик урф-одатлари шахс манфаатларидан устун турган, улар шахсни анъаналар билан сиқиб қўйган. Бу ҳол ишлаб чиқарувчи кучлар ривожига ва меҳнат унумдорлигининг паст даражада бўлганлиги сабабли табиатга қарши курашнинг қийинлиги билан боғлиқ эди.

Уруғ ва қабила бир доирада ўралашиб қолган (маҳдуд) ташкилотлардан иборат бўлган. Уруғ ичидаги жанжаллар уруғдошларнинг умумий йиғилишида тартибга солинган бўлса, бошқа уруғ аъзоларидан озор топиш хафаликлар хун олишга сабаб бўлган. Қабила янада кўпроқ маҳдуд ташкилот бўлган. Қабила ўртасидаги урушлар бунинг яққол далилидир.

Урушлар азалий эмас. Уруғчилик тузуми тонгида урушлар бўлмаган, чунки инсониятнинг яшаш шароитлари ишлаб чиқариш ривожланишининг жуда паст даражаси билан боғлиқ бўлган. Яшаш воситаларини қидириб топиш асосан табиатнинг тайёр маҳсулотларини ўзлаштириш билан чекланган. Ҳеч қандай запаслар бўлмаган. Ишлаб чиқаришнинг паст даражаси билан бирга аҳоли яшамайдиган катта ер майдонлари, айрим қабилаларни бир-бирдан ажратувчи холис территориялар мавжудлиги туфайли ниҳоятда маҳдуд, яккаланган хўжаликлар вужудга келган ва аҳолининг айрим группалари алоҳида-алоҳида ажралиб яшайдиган бўлган. Бу сабаблар қабилаларнинг ўзаро тез-тез алоқа қилишларига имкон бермаган, демак, қуроли тўқиниш-

лар учун замин бўлмаган. Аҳолининг ўсиб кўпая бориши орқасида икки бегона қабиланинг бир-бирига яқин келиш жойларидагина қуролли тўқнашувлар юз бериши мумкин бўлган. Шундан тўқнашишлар рўй берган ҳолларда, манбаларнинг далолат беришича, озор топганлик учун қасос олиш бунга баҳона бўлган, етарли бўлмай қолган территорияни кенгайтириш учун аҳён-аҳёнда кураш воқе бўлган.

Қабилалараро урушлар давомида кўпинча манзилгоҳлар йўқ қилиб юборилган, аҳоли қирилган ва асир қилиб олинган. Ҳарбий асирларни баъзан еб қўйишган, аммо кўпинча ўлдириб юборишган ёки ўз уруғларининг камайган қисмини тўлдириш учун бола қилиб олишган. Ўғил қилиб олиш урф-одати энг кекса аёлнинг синасига лабларини текизиб олишдан иборат бўлиб, бу она томондан тутинган қариндош бўлиб қолиш рамзи ҳисобланган. Ҳарбий асирлар қул қилинмаган. Бу ҳақда Энгельс бундай деган эди: уруғчилик тузумида қуллик учун ўрин йўқлиги «бу тузумнинг афзаллигини ва шу билан бирга унинг чекланганлигини кўрсатади»<sup>1</sup>.

Уруш вақтига мўлжаллаб махсус сайланган уруғ, фратрия ва қабилалашкарбошилари уруш ҳаракатларига раҳбарлик қилганлар. Шу ишга яроқли одамлар лашкарбоши қилиб сайланган.

Шимолий Америка индеецларида қабилалараро урушлар вақтида ҳар бир уруғ ўз фратрияси составида жангга отланиб чиққан, фратрия ўз лашкарбошиси раҳбарлиги остида алоҳида сафга тизилган.

Уруғ тузуми энг юқори даражада равнақ топган даврда оила жуфт никоҳга асосланган, лекин группа ҳолидаги эр-хотинлик сарқитлари уйланишдан олдинги ва никоҳдан ташқари жинсий алоқалар эркинлиги, қабилавий байрамлар пайтидаги (австралияликларда, Калифорния индеецларида, Мадагаскарда, Ғарбий Африкада) жинсий муносабатлар эркинлиги шаклида узоқ вақтгача давом этган.

Никоҳ оналарнинг истагига қараб қилинган. Экзогамия никоҳи туфайли қаллиқлар турли уруғларга маъсуб бўлган. Эр ва хотиннинг ҳар қайсисининг ўзи тайёрлаган ва ишлатадиган шахсий мулк бўлган. Эр яроғ-аслаҳа, қуроллар, овчилик ва балиқ тутиш асбобларига эгалик қилган. Уй-рўзғор анжомлари хотинга қарашли бўлган. Ҳар қайси томоннинг истаги билан никоҳ бекор қилинган. Болалар она уруғига қарашли бўлиб, онанинг мулкени унинг қон-қариндошлари билан бирга мерос қилиб олишган. Ота мулкени унинг уруғдош-қариндошлари мерос қилиб олишган. Эр ва хотиннинг жойлашуви матрилокаль шаклда бўлган (латинча *mater* — «она», *lokus* — «жой»), яъни эр хотиннинг оиласига кўчиб ўтган. Жуфт оила мустақил хўжалик юритмаган. У катта

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Уздавнашр, 1956, 180-бет.

она оиласи таркибига кирган, унинг уй хўжалигига энг кекса аёл раҳбарлик қилган. Бегона уруғдан бўлган эрлар хотин уруғининг ички тартибида катта роль ўйнамаган. Она уруғининг равнақ топган даврида уларнинг мавқеи эркаклар билан аёллар мавқеи тенг бўлган илк уруғ давридагидан фарқ қилиб, бирмунча пасайтирилган. Жамиятда аёлларнинг юқори мавқеи уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги катта роли ва уй хўжалигидаги етакчи роли билан боғлиқ бўлган. Шу сабабдан матриархат ҳокимияти (грекча arche — «ҳокимият») ўрнатилган.

**6. Энеолит. Бронза асри. Ривожланган деҳқончилик ва чорвачилик. Биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти.** Энеолитда (латинча—*aeneus*—«мис», грекча *litos*—«тош») меҳнат қуроллари ясаш учун одам томонидан қўлланган биринчи металл мис бўлган. Эҳтимол, одам тошни қидиришда соф ҳолдаги мисни кўриб қолгандир, бундай мис ер устида бошқа металлларга қараганда кўпроқ учраган. Одамлар одатдагидан бошқа «тош» ни ишлашга урнишларида унинг юмшоқлигини пайқашган бўлса керак. Болганинг кучли зарбаларидан мис яссиланган. Унинг четлари тошникидан кўра ўткирроқ бўлиб қолган. Бундай ишлов бериш усули чўкичлаш деб аталади. Бу металлга ишлов беришнинг дастлабки усули бўлган. Кейинроқ миснинг кучли оловда эриб кетиши маълум бўлган. Одамлар мисдан қуйиб қурооллар ясашни ўрганишган. Эритилган мисни олдиндан тайёрлаб қўйилган қолипларга қуйиб қўйилган. Мис ишлашнинг иккинчи усули шу тариқа ихтиро қилинган. Олд Осиеда ва Нил водийсида мис эритиш ва мисни қиздириб ишлаш эрамиздан аввалги IV минг йилликда, Европада эса III минг йилликда бошланган.

3. Мис — юмшоқ ва баланд температурада эрийдиган металл. Шунинг учун у қурооллар ясаш учун материал сифатида кенг тарқалган. Мис безаклар, кичкина ханжарлар, пичоқ ва бигизчалар ясаш учун ишлатилган. Анча оғир ва кучли қурооллар ясаш учун яроқсиз бўлган. Шу сабабдан у ибтидоий техниканинг негизи бўлган тошнинг ўрнини эгаллай олмаган. Соф шаклдаги мис асри бўлмаган. Одамлар мисни қалай билан, рух билан, қўрғошин ва шу кабилар билан ёки сурьма билан бирга эритиб қотиштириш ва бронза ҳосил қилишни ўрганиб олган вақтларида металл тошни сезиларлироқ равишда сиқиб чиқара бошлаган. Бронза анча қаттиқлик ва нисбатан паст температура — 700—1000° да (қандай металлларнинг бирга эритилиб қотиштирилиши ва қандай нисбатда бўлишига қараб) эриш хоссасига эга. Бронза тошни тамомила суриб чиқармаган. Бу нарса фақат темир кашф этилгандан кейин рўй берган. Лекин бронза қурооллар, яроғ-аслаҳа, зеб-зийнатлар ясаш учун аста-секин асосий материал бўла борган.

Бронза асрининг бошланиши эрамиздан аввалги III минг йиллиكنинг ўрталарига оид деб ҳисобланади (Жанубий Эрон, Месопотамия). Бронза эрамиздан аввалги III минг йиллик билан II минг йиллик чегарасида (бўсағасида) Кичик Осиеда, Сурияда,

Фаластнида, Кипрда, Критда, эрамиздан аввалги II миңг йилликда Мисрда, Ҳиндистонда, Хитойда, Европада, эрамизнинг I миңг йиллигида эса Америкада тарқалган.

СССР территориясида энг чекка жанубдан то узоқ шимолгача бўлган жуда хилма-хил жойларда бронза асри ёдгорликлари топилиб келмоқда. Шу билан бирга, Кавказда эрамиздан аввалги II миңг йилликда маҳалий руда ашёсидан сурьмали бронза ҳосил қилинган: у ерда сурьмали штольнялари ва руда эритиш печлари топилди.

Бронзага ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг янги юксалишни кўрсатади. Бронзадан ясалган қуроллар тош ва мис қуролларга қараганда анча такомиллашган. Одамлар бу қуролларни эгаллаб, фаолият соҳасини анча кенгайтиришган, уларнинг меҳнати унумлироқ бўла борган. Металл қуроллардан фойдаланиш барча ҳўжалик тармоқларининг ривожланишида, аммо, айниқса деҳқончилик ва чорвачиликнинг тараққий этишида катта роль ўйнаган. Бронза болталар экин майдонини кенгайтиришга имкон берган. Осиё ва Европанинг кўпгина мамлакатларида бронза даврида ер ҳайдайдиган ёғоч қуроллар ишлатила бошлаган. Ҳайдаш қуролларининг шакллари тупроқнинг, экиладиган экинлар ва шу кабиларнинг хусусиятларига боғлиқ булар эди. Уларнинг ҳаммаси «плуг» деган умумий ном билан маълум. Плугнинг энг қадимги турини омоч бўлиб, яқин вақтларга қадар ундан ўрмонзор ерларида фойдаланиб келинган.

✓ Ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши натижасида омочга кўшила бошланган. Бир хил областларда эшаклар, бошқа областларда ҳўкизлар, кейинроқ отлар тортув кучлари бўлган. Деҳқончиликда ҳайвонларнинг ишлатилиши туфайли мола (сихмола) қўллана бошлаган. Шу муносабат билан кўпгина халқлар мотиға полизчилигидан ҳайдаб экиладиган деҳқончиликка ўтишган. Полиз экинлари бошоқли экинларга нисбатан иккинчи даражага тушиб қолган. Хўйла унумлироқ бўлган ғалла деҳқончилиги одамларни доимий озиқ-овқат билан таъминлабгина қолмасдан, балки ортиқча маҳсулотлар ҳам вужудга келтирадиган бўлган. Плуг деҳқончилиги тортув кучларига эҳтиёж туғдириб ва ҳосилнинг бир қисмидан ҳайвонларга ем-хашак учун фойдаланиш имкониятини яратиб, чорвачиликни янада ривожлантиришни рағбатлантирган. Лекин деҳқончилик ем-хашак ресурслари подалар кўпайганидек тез кўпаймаганлиги сабабли пода эгаларининг яйловлардан янада кенгроқ фойдаланишларига, ярим кўчманчилик ёки кўчманчиликка, яъни йил буйи молларни яйлов-ўтлоқда боқишга ўтишларига тўғри келган. Чорводорлар деҳқонлардан ажрала бошлаганлар. Улар Европа, Осиё, Шимолий-Шарқий Африка даштларига кўчиб ўрнашганлар.

✓ Кўп халқларда деҳқончилик ва чорвачилик табиий шароитларга қараб ҳўжалик фаолиятининг негизи бўлиб қолган.

✓ **V** Энгельс чорвадорларнинг деҳқонлардан ажралиб чиқишларини биринчи йирик ижтимоий меҳнат тақсимоти деб атади.<sup>1</sup>

Тарихда меҳнат тақсимотининг бошқа вариантлари ҳам маълумдир. Масалан, чорвадорлар, балиқ овловчилар ва овчилар ўртасидаги меҳнат тақсимоти. Қирғоқ ва буғу чуқчалари бунга мисол бўла олади. Қирғоқ чуқчаларида чўпончилик билан шуғулланувчи қабилалар ажралиб чиққанидан кейин, балиқ овлаш ва денгиз ҳайвонларини овлашнинг касб-корлик машғулотига айланиши мумкин бўлиб қолган. Эвенклар ҳақида ҳам худди шуни айтиш мумкин, уларнинг бир қисмида чорвачилик мавжуд бўлган, бошқа қисми касб-корлик ови ва балиқ тутиш билан шуғулланган. Полинезияда деҳқонлар, балиқ овловчилар, овчилар ва териб-термачлаб овқат топувчилар ўртасида меҳнат тақсимоти юз берган.

✓ **I** Биринчи буюк меҳнат тақсимоти ишлаб чиқаришни ихтисослаштиришга ва мол айирбошлашни тартибга солишга асос солган, доимий ортиқча маҳсулотлар етиштиришга, хусусий мулк ва қулликнинг пайдо бўлишига олиб келган. **2**

Баъзи бир буржуа олимлари мол айирбошлашнинг азалдан мавжуд бўлганини ҳақида гапирадилар, лекин бу даъво тарихий фактларга зид келади. Маркс кўрсатиб ўтадики, айирбошлаш ишлаб чиқариш усули билан белгиланади. У ишлаб чиқаришда унинг элементларидан бири сифатида мавжуддир. Айирбошлаш меҳнат тақсимотисиз мавжуд бўлмайди. Айирбошлашнинг интенсивлиги, тарқалиши, шакли ишлаб чиқаришнинг ривожланиши ва тузилиши (структураси) билан белгиланади. Муайян ишлаб чиқариш усули муайян айирбошлаш шаклини вужудга келтиради. Биринчи ижтимоий меҳнат тақсимотигача ҳам айирбошлаш бўлган, лекин у онда-сонда учрайдиган ҳодиса бўлган, чунки доимий ортиқча маҳсулотлар бўлмаган. Ортиб қолган маҳсулотлар тасодифий равишда айирбошланган. Биринчи ижтимоий меҳнат тақсимоти муносабати билан ҳар бир қабила муайян машғулот учун ўзида энг қулай шароитлар мавжуд бўлганидан у бутун кучни ана шунга қарата оладиган вақтда мунтазам айирбошлаш пайдо бўлади. Шунга кўра меҳнат унумлироқ бўлиб қолган. Ихтисослаштирилган чорвачилик, деҳқончилик хўжаликлари ва бошқа хўжаликлар ўз истеъмолидан бирмунча ортиқча маҳсулотлар яратишган ва шу ортиқча маҳсулот айирбош қилинган. Энди ҳар бир одамнинг хўжалик учун зарур бўлган ҳамма нарсани ўзи тайёрлаши шарт бўлмай қолган. У етишмайдиган ҳамма нарсани ўз меҳнатининг ортиқча маҳсулотларига айирбошлаб олиши мумкин бўлган. Биргаликдаги меҳнат ва умумий мулкнинг мавжудлиги шароитида коллективлар ортиқча маҳсулотларни уруғ оқсоқолларининг воситачилигида айирбошлаганлар. Алоҳида ишлаб чиқариш пайдо бўлиши ва хусусий мулк вужудга келиши билан индивидуал айирбошлаш юзга келган. ✓

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Уздав-нашр, 1956, 182-бет.

Лениннинг фикрича, жамоада меҳнат тақсимоти бошланиб, ҳар ким якка ўзи ишлаб чиқариш ва маҳсулотларни сотиш билан шугулланадиган бўлган вақтда хусусий мулк вужудга келган. Хусусий мулк товар ишлаб чиқарувчилар моддий алоҳидалигининг ифодасидир. У жамоа томонидан назорат қилинмайди.

Марксистик адабиётда хусусий мулк деганда бир кишининг бошқа кишини эксплуатация қилишига имкон берадиган ва бегоналашиб кетадиган мулк хусусий мулк деб тушунилади. Маркснинг таъкидлаб ўтишига кўра, «ижтимоий, коллектив мулкнинг қарама-қаршиси бўлган хусусий мулк—меҳнат воситалари ва меҳнатнинг ташқи шароитлари хусусий кишиларга қарашли бўлган жойдагина мавжуд бўлади». Шундай қилиб, ишлаб чиқариш ва айирбошлашнинг индивидуаллашуви натижасида айрим оилалар қўлида ортиқча маҳсулотлар жамғарила борган, бундай маҳсулотлар хусусий мулкка асос солган. Дастлаб кўчадиган мулк (меҳнат қуроллари, маҳсулотлар, уй-жойлар, ҳайвонлар, қимматбаҳо ашёлар, кейинроқ қуллар ва шу кабилар) хусусий мулкка айлантирилган. Ер эса ҳали узоқ вақтгача умумий мулкликгича қола берган. Кўчадиган мулкнинг хусусий мулклиги ернинг коллектив мулклигига зид келган. Шу сабабдан ернинг коллектив мулклиги мавжуд экан, хусусий мулк мукаммал ривожлана олмас эди.

Ихтисослаштирилган хўжаликларда меҳнат унумдорлиги оша борган, одам ўз истеъмоли учун керак бўлганига қараганда ортиқча маҳсулотлар етиштира бошлаган. Ривожлана борган ишлаб чиқариш кўпроқ иш кучи бўлишини талаб этган. Маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ортиши «уруғ, уй жамоаси ёки айрим оиланинг ҳар бир аъзоси ҳиссасига тушадиган кундалик меҳнат миқдорини ҳам кўпайтира борди. Янги иш кучларини жалб этиш керак бўлиб қолди»<sup>2</sup>. Ҳарбий асирлар ана шу мақсад учун яроқли бўлиб қолган, илгари эса улар ўлдирилган ёки уруғларда камайган қисми тўлдириш учун ўғил қилиб олинган. Эндиликда уларни қулга айлантира бошлаганлар. Қуллар яратган барча эҳтиёждан ортиқ маҳсулотларни уларнинг эгалари ўзлаштира боришган. Ижтимоий синфларга бўлинишдан илгариги жамиятда қуллик шу тариқа вужудга келган. Ўз характериға кўра у патриархал қуллик бўлган. Қуллар асосий ишлаб чиқарувчи синф бўлмаган. Жамоа аъзолари қуллар билан оила таркибига кирадиган оддий ёрдамчилар билан биргаликда меҳнат қилишган. Қуллар етиштирадиган маҳсулот асосан хўжайин уйида истеъмол қилинган ва унинг фақат озгина қисми товарга айланиб, айирбошланган. К. Маркс патриархал қулликни «кўпроқ ўз истеъмолиға»<sup>3</sup> мўлжалланган система сифатида таърифлади.

<sup>1</sup> К. Маркс. Капитал, I том, Ўздавнашр, 1955, 840-бет.

<sup>2</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Ўздавнашр, 1956, 183—184-бетлар.

<sup>3</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 25, ч. II, стр. 368.



Сўнгги вақтларда кўпгина тадқиқотчиларнинг асарларида ибтидоий халқлар тўғрисида тўпланган ғоят катта фактик материал шуни кўрсатадики, патриархал қуллик бутун дунёга ёйилган ҳодиса бўлган ҳамда тасодифий ва умрбод қулликдан то ўз тараққиётидан юқори босқич бўлган ирсий (наслдан-наслга ўтадиган) қулликкача бир қатор даврларни ўтган. Патриархал қуллик Европа, Осиё, Жанубий ва Шимолий Америка, Африка, Океания, Австралия халқларида рўй берган. Этнографик текширишларга қараганда, қуллик ҳар қандай хўжалик асосида: чорвачилик, деҳқончилик, юқори даражада ривожланган овчилик ва балиқ овлаш хўжаликлари заминида вужудга келади. Этнографлар овчилар ва балиқ овловчиларда қуллик мавжуд бўлганлигини кўрсатадиган фактларни келтиришади. Балиқ овлаш ва денгиз ҳайвонларини овлаш билан шуғулланган қирғоқ бўйи чукчалари қулларга эга бўлишган. Шимолий Америка шимолигарбий соҳилларининг балиқ овловчиларида ҳам қуллар бўлган. Аммо балиқ овлаш, айниқса овчилик қулликнинг ривожланиши учун чорвачиликка ва хусусан деҳқончиликка қараганда унча қулай замин бўлмаган; деҳқончиликда эса қуллар меҳнатидан жуда кўп фойдаланилган ва уларни назорат қилиш ўнгайроқ бўлган. Демак, қулликнинг пайдо бўлиши учун муайян хўжалик тармоғи эмас, балки унинг маълум ривожланиш даражаси керак бўлган. Дастлаб асосан аёллар, болалар қул қилинган. Аввал бошда ҳурилардан ўйнаш сифатида ва уй-рўзғор ишларида фойдаланилган. Олдин қуллар жамоага қарашли бўлган, кейинроқ хусусий қуллик вужудга келган.

**7. Матриархатдан патриархатга ўтилиши.** Ота уруғининг она уруғи ўрнини олиши жамиятнинг иқтисодий ривожланиши билан боғлиқ бўлган. Аёл ишлаб чиқаришда муҳим мавқени эгаллаб турганига қадар оила-уруғ муносабатларининг матриархал характери сақланиб турган. Плуг деҳқончилиги, чорвачилик, касбкорлик овчилиги, ихтисослаштирилган балиқ овлаш эркаклар машғулоти ҳисобланган. Уларнинг ривожлана бориши билан эркак доимий запасларни вужудга келтирадиган ва ортиқча маҳсулот ишлаб чиқарадиган бўлиб қолган, булар унинг ўз мулки бўлган. Қосибчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши сабабли аёл кишининг илгариги уй хўжалиги фаолиятидаги кўпгина соҳалар ҳам эркаклар — ҳунарманд-қосиблар машғулотига айланган. Бунинг устига, уй хўжалигида қуллар меҳнатидан фойдаланила бошлаши натижасида бу хўжалик иши шарафли фаолиятдан қуллик ишига айланиб, аёлларни қулликка яқин даражага туширишга имкон берган. Эркак бошқариш ишини қўлга олган, уй хўжалигида аёлнинг фақат анчайин вазифаларни сақланиб қолган. Қарор топган иқтисодий муносабатларга мувофиқ равишда эркак мавқеи билан аёл мавқеи ҳам ўзгарган. Аёл ижтимоий ишлаб чиқаришдаги етакчи ролини йўқотиб, жамиятда ва оилада биринчи ўринни эркак кишига берган. Аёлнинг ижтимоий таъсири пасайиб кетган: уни қишлоқ кенгаши

йиғилишлари ва мажлисларида иштирок этишдан четлаштирилган. Аёл эрга чиқишда эрининг жамоасига кучиб ўтадиган бўлиб қолган. Эр-хотиннинг патрилокал (латинча *pater*—«ота», *locus*—«жой») жойлашув тартиби қарор топган. Энди эркаклар уруғининг доимий ядросини (асосий қисмини) ташкил этишган. Уларнинг она-сингиллари ва қизлари эрга чиққанларидан кейин ўз уруғини ташлаб кетиб, эрининг уруғ группаси ва оиласига кўчиб бориб жойлашадиган бўлган. Уруғ аёлни узатар экан, унинг учун ҳақ—иш кучи бирлигини йўқотиш эвазига товон (компенсация) тўлашни талаб қилган. Шу тариқа хотинларни сотиб олиш вужудга келган. Эркин никоҳ аҳди никоҳ-сотиб олишга айланган, бунда хотин эрининг иродасига тамомила бўйсунадиган бўлиб қолган. Аёлларни эр жамоасига маҳкам биркитиш учун левират ва сорорат урф-одатидан фойдаланилган. Левират (латинча *levir*—«қайнаға, эрининг акаси ёки укаси») — шундай бир одатдирки, шунга кўра ака ёки ука ўлган акаси ёки укасининг хотинига уйланишга ҳақли бўлган. Сорорат (латинча *sorog*—«сингил») ҳам бир одат бўлиб, шунга кўра эркак, агар ўлган хотини учун тўланган ҳақни қайтиб бериш талаб қилинмаган бўлса, унинг синглисига уйланишга ҳақли бўлган.

Қариндошлик ҳисоби ота насабидан юритиладиган бўлиб қолган. Энди оиланинг мол-мулкани болалар мерос қилиб олишган. Янги ворислик ҳуқуқи оила отасининг мулкка ҳуқуқининг бевосита ифодаси эди. Хотин эрининг мулкани мерос қилиб ололмаган. Хотиннинг ўзи эрининг сотиб олган мулки ҳисобланган. Эркак — оила бошлиғи — болалар ва хотин устидан катта шахсий ҳукмронлик қилган. Хотин учун бир никоҳлилик белгилаб қўйилган, ваҳоланки эр хотинига бевафолик қилиш ҳуқуқини, чурилардан уйнашларга эга бўлиш ҳуқуқини сақлаб қолган. Аёл эрининг оқсочига ва «унинг орзу-ҳаваслари қулига, бола туғишнинг оддий воситасига»<sup>1</sup> айланган. Чорвачилик қабилаларига хос бўлган хусусиятлардан бири эркаклар билан аёлларнинг айна бир вақтда кўмилиши билан боғлиқ бўлган жуфт мозорлари эрни дафн қилиш маросими пайтида хотинини ўлдириб, унинг билан бирга гўрга қўйилганидан далолат беради.

Матриархат замонида жинсларнинг алоҳида яшашлари муносабати билан вужудга келган эркаклар уйлари эркакларнинг жамоада устунлик қилувчи таъсирга эга бўлиш учун курашда таянч марказлар бўлган. Балоғатга етган бўдоқлар ва инициациядан ўтган ёшлар ана шу эркаклар уйларида турганлар. Эркаклар уйлари уруғ жамоаси эркакларининг йиғилиш жойлари бўлиб, улар бўш вақтларини шу ерда ўтказишган.

Матриархатдан патриархатга ўтиш даврида эркаклар уйларида сифат жиҳатидан янги социал аҳамиятга эга бўлган эркаклар иттифоқлари юзага келиб, кенг ёйилган. Бу иттифоқлар аёллар

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 21, стр. 60.

таъсирини тугатишга қаратилган бўлиб, улар хотин-қизларни террор қилишган. Эркаклар иттифоқлари ўз аъзоларини ва уларнинг мол-мулкларини қуриқлашар, уларнинг жамоада таъсирли (нуфузли) мавқеини таъминлашар эди. Уларнинг вазифаларида (функцияларида) жамоат ҳокимияти элементлари аниқ кўринарди. Оқибатда эркаклар иттифоқлари патриархатнинг ташкил топишига ёрдам берадиган органдан бой уруғ юқори табақаси ҳокимиятини қарор топтириш органига айланган. Иттифоққа аъзо бўлиш бойлик билан белгиланадиган бўлиб қолган. Иттифоқлар ичида даражали бўлиниш пайдо бўлган. Иттифоққа кириш ва даражалар (ранглар) босқичлари бўйлаб юқори амалга (мартбага) эришиш бойлик миқдорлари билан белгиланган. Иттифоқ кенгашига энг бой, демак, энг нуфузли одамлар кирган. Камбағаллар иттифоққа кира олмаганлар. Иттифоқда оғалик (катталик) ўрнини бойлик эгаллайди ва мулкий жамғарма орқали ҳокимият сари йўл очилади. Меланезияда яхши сақланиб қолган яширин эркаклар иттифоқлари бу жиҳатдан ибратлидир.

Шунингдек, патриархал муносабатлар таркиб топиши билан бирга эркак авлодлари (ўғиллари, набиралари, эваралари ва уларнинг болалари) дан иборат патриархал оила пайдо бўлган. Қуллар шу оилалар таркибига кирган. Тарихий адабиётда патриархал оила оилавий жамоа ёки уй жамоаси деб аталади.

Оила жамоаси жамиятнинг иқтисодий ячейкаси бўлган, у уруғ ерида хўжаликни биргаликда бошқарган. Энг кекса эркак бутун оила ҳаётига раҳбарлик қилган. У ўз фаолиятида оила жамоасининг барча катта ёшли аъзолари билан маслаҳатлашиб турган. Уй жамоасининг аъзолари умумий турар жойда яшаганлар, бир қозондан овқатланганлар, биргалашиб меҳнат қилганлар ва мол-мулкка биргаликда эгалик қилганлар.

Усиб борган катта оилада ягона уй хўжалигини бошқариш қийинлашиб қолган вақтда оила жамоаси қисмларга бўлинган. Ҳар бир қисм вақтнинг ўтиши билан янги патриархал оилага айлана борган, у айрим ҳолда яшаган ва уй хўжалигини мустақил идора қилган. Бир оилавий жамоанинг бўлиниб кетиши натижасида ташкил топган қариндош патриархал оилалар группаси тарихда патронимия номини олган. Патриархал оилалар ва патронимияларнинг жами патриархал уруғ жамоасини ташкил қилган; унинг иқтисодий моҳияти ўз аъзоларини ишлаб чиқариш воситалари билан, хўжаликда ўзаро ёрдам ва ижтимоий бирдамликни таъминлашдан иборат бўлган. Уруғ патронимиялар ва оилалар ўртасида тақсимланган ернинг олий мулкдори сифатида иш кўрган. Патриархал уруғ жамоаси хўжалик ячейкаси бўлмаган.

Уруғнинг негизи келиб чиқиш (бир генеалогик насл-насабдан пайдо бўлиш) умумийлиги билан, бир жойда яшаш ва диний эътиқод билан сақланган. Умум уруғ ишларини ҳал қилиш учун баъзи-баъзида патриархал оилалар бошлиқлари йиғилиш чакрилиб турган. Уруғ жамоасида диний эътиқод бошлиғи ва

уруғ ривоятларици, анъаналарини билувчи (сақловчи) одам бўлган.

Патриархат матриархат сингари универсал босқичдир. Айрим буржуа тарихчилари тарихий ривожланишнинг қонуниятли йўлини нотўғри талқин қилиб, бир хил халқлар ўз йўлини матриархат тараққиётидан, бошқа халқлар патриархатдан бошлаганлар, деб даъво қиладилар. Матриархатдан ривожлана бошлаган халқлар, уларнинг фикрича, ўз тараққиётида орқада қолишган. Патриархатдан ривожлана бошлаган халқлар эса ижтимоий тараққиётнинг юқори босқичларигача кўтарилган эмиш. Бундай даъволарнинг асоси йўқ. Ҳамма халқлар матриархатдан ривожлана бошлаганлар. Қабилаларнинг ривожланиш суръати ички ва ташқи характердаги турли хил сабабларга боғлиқ бўлган. Матриархатдан патриархатга ўтиш ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсишига асосланади; бу ўсиш илгарироқ ривожланган хўжалик формаларининг янада такомиллашишига олиб келган. Этнографик материал шуни кўрсатадики, муайян тараққиёт даражасига етган ҳар қандай хўжалик асосида, масалан, ихтисослаштирилган овчилик-балиқ тутиш кўжалиги негизида (Шимолий Американинг шимоли-ғарбий соҳили қабилаларида) ҳам ота уруғининг вужудга келиш жараёни содир бўлади. Деҳқончилик ва чорвачилик асосида ота уруғига ўтиш энг қулай ва кенг тарқалган ўтишдир.

Денгиз ҳайвонини овлаш билан шуғулланган қирғоқ бўйи чукчалари ва буғу овловчи чукчалар патриархатнинг реликт вакиллари дидир. Чукчаларнинг ҳарбий асирлардан қуллари ва сотиб олинган қуллари бўлган, уларда мулкый тенгсизлик рўй берган. Шунингдек, Янги Гвинейанинг Хаген тоғи папуаслари патриархат босқичида яшаганлар; уларда суғориладиган бошланғич полизчилик, чўчқа подалари, дастлаб қуллар бўлганлиги, эркин одамларнинг камбағаллар ва бойларга бўлинганлиги аниқланган. Бойларнинг 40 тагача чўчқаси бўлган, бир неча хотин сотиб олишган.

#### IV БОБ

### УРУҒЧИЛИК ТУЗУМИНИНГ БУЗИЛИШИ ВА ДАВЛАТНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ

1. Темир асрининг бошланиши. Иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимооти. Ибтидоий жамият техникаси айниқса темир даврида илгарилаб кетган. Темир ўздан илгариги мис ва бронзага нисбатан улкан устунликка эга бўлган. Янги материал бронзадан қаттиқроқ, болғалаб ясаладиган, табиатда энг кўп учрайдиган металл дидир. Темир рудалар, айниқса тўқай рудалари ҳамма ерда бор бўлган. Одамлар темирдан фойдаланишни кейинроқ ўрганишган, чунки у баланд температурада — 1530°да эрийди. Шунинг учун дастлаб ибтидоий темирчилик ўчоғи ёрдамида, яъни унга темир рудаси ва писта кўмирни тўлдириб солиб, 1100° ва ун-

дан баланд температурада шлак билан аралашган хамирсимон масса — крицани ҳосил қилишган. Кумирнинг ёниши ва температура ни ошириш учун қўл босқони ёрдамида дам бериш билан қулай шароит яратилган. Темирга бундай ишлов бериш рудадан бевосита темир ажратиб олиш усули деб аталади.

Олд Осиёда топилган темир ишлаш ва эритишнинг дастлабки излари эрамыздан аввалги XIV асрга тааллуқлидир. Темир асри эрамыздан 1000 йил аввал бошланган.

Энгельс, темирни «тарихда революцион роль ўйнаган хом ашё турларининг ҳаммаси ичида»<sup>1</sup> энг муҳими деб атади. Темир буюмлар кенг тарқала бошлаган ва ҳатто бронза қуроолларни сиқиб чиқарган. Меҳнат қурооллари яшаш учун темирдан фойдаланилиши даставвал қишлоқ хўжалик техникасига таъсир этди. Металл сошникли (тишли) плуглар, темир болталар ва кураклар пайдо бўлган. Бу қурооллар катта-катта майдонларда деҳқончилик қилишга, урмонзорларни тозалаб экин майдонига айлан-тиришга имкон берган. Плуг-қўш кучидан фойдаланиб қилинадиган деҳқончилик тез ривожлана бошлаган. Қўпчилик халқларда етакчи хўжалик тармоғига айлана борган. Деҳқончилик ютуқлари чорвачиликнинг ривожланишига муқаррар суратда таъсир қилган. Деҳқончилик маҳсулотларини чорвачилик маҳсулотларига кенг равишда айирбошлаш имконияти чорвадор қабилалар ажралиб чиқиш процессининг тугалланишига олиб келган, улар деҳқончилик хўжалигининг қолдиқлари билан алоқани тамомила узганлар.

Темир касибчиликнинг ривожланишида ҳам муҳим роль ўйнаган. Эндиликда касиб ихтиёрида қурооллар бор бўлиб, улар суякка, ёғочга ишлов бериш, тери, рангли металл ва шу кабиларни ишлашни тубдан яхшилашга имконият берган. Темир ишлаш мутахассислари — темирчилар пайдо бўлган. Одамлар кулолчилик чархини яратганлар. Кулоллар пайдо бўлган. Оддий дастгоҳ ихтиро қилиниши билан бирга тўқувчилар вужудга келган, тўқимачилик алоҳида ажралиб чиққан. Темир даврида касблар янада тобора хилма-хил бўлиб, ихтисослашган ва такомиллашган касбларга айлана борган. Касбларни унумдор фаолиятнинг бошқа турлари билан бирга қўшиб олиб бориш мумкин бўлмай қолган. Агар илгари меҳнат қуроолларини қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи одамлар ишлаб чиқарган бўлсалар, эндиликда касиблар ажралиб чиқишган. Касблар мустақил хўжалик тармоғига айланган. Натижада касибчилик қишлоқ хўжалигидан ажралиб чиққан, яъни иккинчи ижтимоий меҳнат тақсимо-ти рўй берган. Касибчиликнинг хўжалик тармоғи сифатида пайдо бўлиши билан бирга бошланғич товар ишлаб чиқариши вужудга келган. Табиий (натурал) хўжалик аввалгидек устун хўжалик бўлиб қолаверган.

<sup>1</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши, Ўздав-нашр, 1956, 185-бет.

Косиблар энди кезиб юришмай, муайян жойларга ўрнашиб олганлар. Уларнинг қишлоқларида бойликлар тўплана борган. Хужумлардан ҳимоя қилиш мақсадида қишлоқлар атрофи деворлар билан ўраб олинган. Кейинчалик улар шаҳарларга — касб-ҳунар ва савдо марказларига айлана борган.

Товар ишлаб чиқаришнинг вужудга келиши билан маҳсулотларнинг бир қисми айирбошлаш учун ишлаб чиқарила бошлаган, айирбошлаш кенгайган ва ҳаётий зарурат бўлиб қолган. Косиблар энди айирбошловсиз тирикчилик қила олмас эдилар. Улар ўз буюмларини қишлоқ хўжалик маҳсулотларига айирбошлаганлар. Ҳамиша юз берадиган айирбошлаш умумий қиймат ўлчовини ишлаб чиқишга ва ишлаб чиқарувчилар уртасида воситачиларнинг пайдо бўлишига олиб келган. Уй ҳайвонлари кенг ёйилган эквивалент бўлиб қолган. Пулнинг латинча номи ресипиа (ресис— «ҳайвон»), Ҳиндистоннинг ҳозирги замон пул бирлиги — рупия (қадимги ҳиндча гира — «ҳайвон») бунинг далилидир. Баъзи бир халқларда нодир чиғаноқлар, фил суяги, қушларнинг патлари, какао дуккати, қуйма металллар ва буюмлар ҳамда шу сингарилар эквивалент ҳисобланган. Савдо-сотик воситачилари кейинчалик савдогарлар синфига айланишган. Бу — учинчи ижтимоий меҳнат тақсимои эди. У ижтимоий синфларга бўлинишдан илгариги жамиятдан синфий жамиятга ўтиш даврида юзага келган ва бора-бора мустаҳкамланган. Савдогарлар пайдо бўлиши билан бирга чет мамлакатлар билан савдо қилиш бошланган.

**2. Патриархал жамоанинг бузилиши. Моногам оила. Қўшни жамоа.** Ибтидоий тузумнинг асосий негизи—коллектив меҳнатни бунёдга келтирган ишлаб чиқарувчи кучларнинг ниҳоят даражада қолоқлиги, меҳнат унумдорлигининг пастлиги, истеъмол воситаларнинг текис-баравар тақсимланиши мавжуд бўлса-да, бу тузум мустаҳкам бўлган. Темир қуроллар кенг тарқалиши туфайли деҳқончиликда, коғибчиликда, чорвачиликда меҳнат унумдорлиги оша бориб, ана шу негизни тубдан ўзгартирди ва ўша вазиятда анча прогрессив бўлган индивидуал ишлаб чиқаришга—хусусий ўзлаштириш манбаига ўтиш учун шарт-шароитлар яратди. Илгари фақат катта коллективнинг қўлидан келадиган ишни эндиликда айрим оиланинг бажара олиши мумкин бўлиб қолди. Коллектив меҳнатга ҳожат қолмади.

Хусусий хўжалик ва хусусий мулкнинг вужудга келиши прогрессив тарихий процессдан иборат бўлиб, у шахсий ташаббусни кучайтиришга, меҳнатнинг тобора тақсимланишига ва унумдорлигининг оша боришига имкон берган. Меҳнатнинг кучая борган индивидуаллашуви шароитида иқтисодий жиҳатдан мустаҳкам оилалар алоҳида ҳолда яшаб, уруғдошларидан ажралиб чиқар эдилар. Уша замонга келиб патриархал уй жамоалари кучли равишда ўсиб кенгайиб кетган. Шундай ишлаб чиқариш шароитларида умумий хўжаликни бошқариш мумкин бўлмай қолган. Патриархал жамоалар кичик оилаларга бўлиниб кетган; бундай оилалар жамиятнинг иқтисодий ячейкасига айланиб, хўжаликни

мустақил бошқарганлар. Бундай оила моногам оила (грекча *topos* — «бир, *gamos* — «никоҳ») деб аталади. Жуфт никоҳ мустақам никоҳ бўлиб қолган, фақат эр томонидан бекор қилиниши мумкин бўлган. Бутун мол-мулкнинг ишончли меросхурига эга бўлиш мақсадида аёл учун бир никоҳлилиқ эркак томонидан белгилаб қўйилган. Эркак хотинига бевафолик ҳуқуқини сақлаб қолган. Кичик оилалар ўз жамоасидан ажралиб чиқишар экан, кўпинча бошқа жойга кўчиб бориб, баъзан ҳатто ўзга жамоаларнинг аъзолари билан ёнма-ён ўрнашганлар. Натижада қон-қариндошлар коллективининг бутунлиги, уларнинг территориал бирлиги бузилган. Қуллик, камбағаллар ва бойлар мавжуд бўлган шароитда қариндошлиқ оилаларни бир-бири билан боғлай олмай қолган, чунки оилалар ўртасида ҳам зиддиятлар пайдо бўлган. Қариндошлиқ алоқалари территория, қўшни алоқалари билан алмашинган. Бир жойда яшаган оилалар баъзи бир биргаликда қилинадиган ишлар учун бирлашганлар. Масалан, қадимги Шарқда улар биргаликда суғориш иншоотларини қурганлар. Шу тариқа қўшни жамоа — одамларнинг янги бирлашиш формаси вужудга келган. Тарихий адабиётда у территориал жамоа ёки қишлоқ жамоаси деб ҳам аталади. Барча халқларда у ёки бу формадаги қишлоқ жамоаси мавжуд бўлган. Маркснинг фикрича, территориал жамоага хос хусусият дуализм бўлиб, у бир томондан, экиладиган ер, ўтзорлар, ўтлоқ-яйловлар, бўш ерлар, ўрмонзор ва сувларнинг умумий мулк бўлишидан, иккинчи томондан, ерни якка-якка ишлаш ва унинг самараларини хусусий ўзлаштиришдан, ҳайвонлар, қишлоқ хўжалик инвентари, қуллар, «уй ва унинг қўшимча қисми — ҳовли»<sup>1</sup> нинг хусусий мулк бўлишидан иборат эди. Экиладиган ер оилалар ўртасида тақсимланган ва вақт-вақти билан қайтадан бўлинган. Ерни қайта тақсимлаш тугагандан сўнг чек ерлар хусусий мулкка айланган. Бошқа ер-сув, ўрмонлар ва шу кабилар узоқ вақтгача умумий фойдаланиладиган мулк бўлиб қолаверган. Қишлоқ жамоасидаги дуализм унинг умумий мулкдан хусусий мулкка ўтиш формаси билан изоҳланади.<sup>2</sup> Қўшни жамоанинг бузилиши аввал бошда экиладиган ерларда, кейинчалик эса бутун ерда кичик оилалар бошлиқларининг хусусий мулкка ўтишларида намоён бўлди. Бир хил халқларда (масалан, қадимги грекларда) бу процесс давлат ташкил топиши билан тугалланган, бошқа халқларда — қўшни жамоалар синфий жамиятларда сарқит сифатида яшаганлар; бу жамоалар тарихий тараққиёт давомида иқтисодий ривожланиш суръатларига қараб, ишлаб чиқариш муносабатларининг ҳукмронлик характерига қараб ўзгара борган.

Шарқда суғориладиган ерлардаги деҳқончилик билан боғлиқ бўлган қишлоқ жамралари жуда барқарор бўлиб, узоқ яшаган-

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 19, стр. 403.

<sup>2</sup> Қаралсин: Уша том, 404-бет.

лар, чунки ирригация тармоги қурилиши ва уни тартибли сақлаш ишлари донмо биргаликда зўр беришни талаб қилган. Қўшни жамоа универсал босқич бўлиб, дунёда синфий жамиятлар яратган барча халқлар шу босқични босиб утишган. Қўшни жамоа биричи формация охирги даврининг бошланишини кўрсатади.

**3. Ҳарбий демократия.** Уруғчилик тузумининг бузилиш давридаги сиёсий устқурмаси ҳарбий демократия деб аталади. Уруғчилик тузumi раvнақ топган замонда мавжуд бўлган бошқариш органлари: халқ йиғилиши, оқсоқоллар кенгаши, йўлбошчи, лашкарбоши ҳарбий демократия даврида ҳам зоҳиран (шаклан) сақланиб қолган, аммо улар ўз моҳияти жиҳатидан ўзгарган. Халқ йиғилишида фақат 16 ёшдан 60 ёшгача бўлган эркаклар, яъни ҳарбий ёшдаги кишиларгина иштирок қилишган. Йиғилишда зодагонлар бошчилик қилиб, халқни ўз иродасига мажбуран бўйсундирганлар. Йиғилишнинг қарори уларга боғлиқ бўлган халқ зодагонларнинг фикрига ўз муносабатини қичқиритиқ ёки қурол-яроғини тақиллатиш билангина билдирганлар. Буларнинг ҳаммаси зодагонлар ва бой одамлардан ташкил топган оқсоқоллар кенгашининг компетенциясини кенгайтириш ҳисобига халқ йиғилишининг жамият ҳаётидаги аҳамияти пасая борганини кўрсатади. Йўлбошчи барча масалаларда кенгаш билан маслаҳатлашиб турган. У кенгаш аъзоларининг розилигисиз биронта муҳим масалани ҳам ҳал қилмаган. Оқсоқоллар кенгаши ва йўлбошчи суд вазифаларини бажарганлар. Суд халқ иштирокида бўлган. Йўлбошчи диний этиқодни назорат қилган. Йўлбошчи мансабига энг бой патриархал оила бошлиғи дастлаб муайян бир муддатга кейинчалик умрбод сайлаб қўйилган. Ишлаб чиқариш қўлами кенгая борган сари унинг ташкил этилиши ва ижтимоий тартиблар мураккаблаша борган, янги одатлар ва ижтимоий функциялар пайдо бўлган, буларни ижро этиш учун тобора кўпроқ билимга ва тажрибага эга бўлиш талаб этилган. Йўлбошчида ана шундай керакли тажрибалар туплана борган. Ижтимоий бурчларни бажариш иқтисодий фойда келтира бошлагач, жамоа раҳбариде ўз билими ва тажрибасини бошқалардан яшириб, уларни ўғлига ўргатишдан манфаатдорлик пайдо бўлган. Ота ўлгандан сўнг жамоа йўлбошчининг вазифаларини ижро этишни унинг бу ишда энг билимли бўлган ўғлига топширган. Шу тариқа ижтимоий мансаблар бир оила доирасида мерос бўлиб қола бошлаган.

✕ Моргандан кейин Маркс ва Энгельс уруғчилик тузумининг емирилиш давридаги жамиятни бошқариш ташкилотини ҳарбий демократия деб аташди, чунки демократик муассасалар (халқ йиғилиши, оқсоқоллар кенгаши, йўлбошчини сайлаб қўйиш тартиби) сақланиб қолган эди: халқ йиғилиши фақат ҳарбийлар йиғилиши ҳисобланарди, лашкарбоши ҳукмронлиги кучая борарди, урушлар ва одамларни уруш олиб боришга



уюштириш халқ ҳаётининг мунтазам функцияси (вазифаси) бўлиб қолган эди.

Уша замонда урушлар тез-тез бўлиб турган. Қўшнилариинг бойликларини талон қилиш учун, осонлик билан ва тез ўлжалар олиш мақсадида урушлар олиб борилган. Улар муайян одамлар туркумининг (категориясининг) доимий касб-кориға айланган. Тез-тез бўладиган урушлар вазиятида эркин жамоа аъзоларининг ҳарбий ташкилоти табиий ҳодиса ҳисобланган, ҳарбий бошлиқларнинг роли ошган, бу касб жамият ичида фахрий раҳбарлик мавқеини ва бойлик орттиришни таъминлаган. Қабилаларнинг тинчлик-хотиржамлиги уларнинг ҳарбий маҳоратиға боғлиқ бўлган. Уруш вақтида улар лашкарга раҳбарлик қилишган; лашкар анъанавий уруғ-қабиллага мансублик белгисига қараб тузилган. Лашкарбошининг кучли, ботир, садоқатли жангчилардан тузилган доимий дружинаси бўлган: у ана шу жангчилар ёрдамида тобора кўпроқ обрўға эға бўлган. Бошлиқ дружина билан бирға талончилик мақсадида босқинлар қилган, бундай юришлар ҳарбий техникани ривожлантиришға, қабиланинги ҳарбий ташкилот сифатидаги ролини оширишға, қариндош қабилаларнинг иттифоқларини тузишға, қишлоқларни ҳужумлардан ҳимоя қилиш мақсадида уларнинг атрофини тупроқ ғовлар, хандақлар билан мустаҳкамлашға имкон берган. Урушлар уруғчилик тузумининг бузилишини, синфлар ва давлатнинг ташкил топиш процессини тезлаштирган. Уруғчилик тузумининг бузилиш даврини кечирган барча халқларда ҳарбий демократия бўлган. Гомер жамиятида, подшолик давридаги Рим тарихида, скифларда, кельтларда, германлар ва нормандларда ҳарбий демократия классик шаклда мавжуд бўлган.

**4. Синфларнинг, давлатнинг вужудға келиши.** Синфлар ва давлатнинг ташкил топиши ҳақида, яъни қулликнинг азалчилиги тўғрисида, синфий мансубликка қарамай барча халқларнинг тинчлик-бардамлигини сақлаш учун давлат барпо қилинганлиги хусусида турли назариялар бор. «Зўрлик назарияси» айниқса кенг тарқалган, бу назария намоёндалари, синфлар ва давлат истилолар натижасида вужудға келган, деб ҳисоблайдилар. Истилочилар гўё ҳукмрон синфни ташкил этган ва қул қилинган кишиларни ўз ҳокимияти остида сақлаб қолиш учун давлат барпо қилган эмиш. Бу назария ҳам, юқорида кўрсатилган назариялар каби нотўғридир. Истило (ташқи омил) ички социал-иқтисодий ривожланиш процессини тезлаштиради ёки секинлаштиради, лекин синфлар ва давлатнинг ташкил топшиши учун асос бўлмайди. Зўрлик қулликдан қадимийроқдир.

**12** Марксизм-ленинизм асосчилари синфларнинг вужудға келишини ишлаб чиқариш воситаларига бўлган хусусий мулкчиликиннинг пайдо бўлиши билан боғлайдилар. В. И. Ленин бундай деб кўрсатиб ўтган эди: «Синфлар ўртасидаги фарқнинг асосий белгиси — уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришдаги тутган ўрнида, бинобарин, уларнинг ишлаб чиқариш воситаларига

булган муносабатларидадир»<sup>1</sup>. Бир синфнинг бошқа синфни эксплуатация қилиши ишлаб чиқариш воситаларига булган хусусий мулк билан боғлиқдир.

Биринчи жуда катта ижтимоий меҳнат тақсимоти оқибати сифатида вужудга келган қуллик косибчиликнинг деҳқончиликдан ажралиб чиқиши билан, савдогарлар синфининг пайдо бўлиши билан мустаҳкамлана борган. Аста-секин қуллар ишлаб чиқариш воситаларидан маҳрум бўлган ҳуқуқсиз синфни ташкил қилишган.

Ишлаб чиқариш ва истеъмол воситалари, шунингдек қуллар эгаларидан иборат қулдорлар синфи вужудга келган. Уруғ ва қабила бошлиқлари, лашкарбошилар, қоҳинлар, савдогарлар қулдорлар бўлиб қолишган. Улар қўлида бойликлар тўплана борган сайин халқдан ажралиб, уруғ-қабила зодагонларини ташкил этишган. Уруғ-қабила зодагонлари энг яхши ва катта-катта ер участкаларини эгаллаб олиш ҳисобига, шунингдек, жамоа аъзоларининг, қулларнинг қўшимча маҳсулотларини ўзлаштириш, буйсундирилган қабилалардан ўлпон ва хирож тўлатиш ҳисобига бойишган. Қўшимча маҳсул жамоа аъзоларининг совғалари, қурбонликлари шаклида ва тўғридан-тўғри босиб олиш йўли билан зодагонлар қўлига тушган. Бу иш улар учун осон бўлган, чунки улар ижтимоий мулкнинг қўриқчилари ҳисобланган. Лашкарбошилар ҳарбий ўлжаларнинг жуда кўп қисмини тортиб олиб, ўз мулк-бойликларини кўпайтира боришган.

Жамоада зодагонлар бойликларининг ошиб бориши билан бир қаторда, мулкий табақаланиш кучайган, камбағаллар оммаси тобора кўпайган, улар бой одамларга қарам бўлиб қола бошлаганлар. Шу тариқа ишлаб чиқаришда турлича ўрин тутадиган ва жамиятда ҳар хил манфаатлар булган, мулкий жиҳатдан фарқ қиладиган одамлар группалари ташкил топган.

Бундай шароитларда эски бошқариш органлари ишлай олмаган. Улар қуллар ва қулдорларнинг, бойлар ва камбағалларнинг манфаатларини келиштира олишмаган. Янги органлар бўлиши талаб қилинган, улар уруғчилик ташкилотидан ташқарида вужудга кела бошлаган, шу органлар билан бирга давлат пайдо бўлган.

Шундай қилиб, «давлат асло жамиятга ташқаридан зўрлаб киритилган эмас»<sup>2</sup>. Давлат жамият группаларининг қарама-қарши манфаатларини келиштирмаган. Давлат иқтисодий жиҳатдан энг қудратли ва сиёсий жиҳатдан ҳукмрон синфнинг аппарати сифатида камбағаллар билан қулларнинг манфаатларини тийиб қисиб қўйган. «Тарих, — дейди В. И. Ленин, — жамиятнинг синфларга бўлиниши — демак, бир қисми бошқаларнинг меҳна-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Социалист-революционерлар қайта тирилтираётган вульгар социализм ва народниклик. Асарлар, 6-том. Ўздавнашр, 278-бет. Қаралсин: В. И. Ленин. Буюк почин. Асарлар, 29-том, Ўздавнашр, 435—436-бетлар.

<sup>2</sup> Ф. Энгельс. Оила, хусусий мулк ва давлатнинг келиб чиқиши. Ўздавнашр, 1936, 194-бет.

тини доимо қамраб келадиган кишилар группасига бўлиниши, бировни биров эксплуатация қиладиган группаларга бўлиниши пайдо бўлган жойларда ва ана шу вақтдагина одамларни мажбур қилувчи алоҳида аппарат тариқасида давлат пайдо бўлган»<sup>1</sup> Қарама-қарши синфларга эга бўлган давлатнинг асосий вазифаси—функцияси ана шундан иборатдир. Давлатнинг иккинчи вазифаси (функцияси)—чегараларни қўриқлаш ва кенгайтиришдир. Давлатнинг муҳим белгиси халқдан ажралган ошқора ҳокимиятдан, шунингдек кишиларни территориал аломатга қараб бирлаштиришдан иборат. Қабила аристократиясининг ёрдамига (мададига) ва шахсий дружиналарнинг кучига таянувчи олий лашкарбошилар давлатларга бошлиқ бўлиб олишган. Бир қатор жойларда эркакларнинг яширин иттифоқлари бошлиқлар ҳокимиятини мустақамлашга ёрдам беришган; бу иттифоқлар шаклланаётган давлатчилик шароитида суд-полиция вазифаларини бажарганлар. Ғарбий Африкадаги яширин иттифоқлар бу жиҳатдан айниқса яққол мисол бўла олади; улар фақат патриархатни қарор топтириш дастагигина эмас, балки жамият юқори табақаси қўлида ҳукмронлик қуроли ҳам бўлишган. Яширин иттифоқлар ҳар қандай норозилик уринишларини куч билан бостириш мақсадида аҳолини диний-сеҳргарлик маросимлари йўли билан қўрқитиб, шунингдек тўғридан-тўғри қирғин қилиб, уларнинг бошлиқлари учун давлат ҳокимиятига йўл очиб беришган.

Тарихий тараққиёт процессининг нотекислиги сабабли уруғчилик тузумининг емирилиши ва давлатнинг вужудга келиши қадимги замонда ҳам, ўрта асрларда ва янги замонда ҳам рўй берган. Баъзи бир реликт қабилалар ҳозирга қадар уруғчилик тузумининг турли босқичларида ҳозирги вақтгача мавжуддир. Дастлабки синфий жамиятлар эрамиздан аввалги IV минг йиллик охирида энеолит даврида қадимги Шарқдаги Нил, Дажла ва Фрот дарёлари водийларида деҳқончилик билан шуғулланган халқларда пайдо бўлган. Эрамиздан аввалги III минг йиллик урталарида Ҳинд водийсида, II минг йилликда—Эгей денгизи ҳавзасида, Кичик Осиёда, Фиикия, Жанубий Арабистонда, Хуанхэ дарёси водийсида давлатлар вужудга келган; эрамиздан аввалги I минг йилликда ва эрамизнинг I минг йиллигида Эски дунё ва Марказий Америка территориясининг катта қисмида давлатлар пайдо бўлган.

## УБОБ

### ИБТИДОИЙ МАДАНИЯТ

1. **Амалий билимлар.** Одамнинг табиат билан жуда оғир курашида меҳнат қуроллари мураккаблаша ва такомиллаша борган; бунда сўйилтаёқлар ва қўпол тарашланган тош парча-

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 29- том, Уздавнашр, 494- бет.

ларидан камон ва ўқлар, силлиқланган тош болталар ва суяк буюмлар, металллардан фойдаланиш, жуда оддий дастгоҳлар ихтиро қилиш сари ривожланиш йўли босиб ўтилган.

Энг содда механик мосламалар: ер ковлайдиган таёқ ва қўл чопқич асосида юзага келган ричаг-дастак ва пона бўлмағи туриб ҳозирги техника мавжуд бўла олмас эди. Одамлар табиий ғорлардан фойдаланиш ишларидан турли-туман сунъий уй-жойлар қуришга аста-секин ўта боришган. Новдалар, ходалар, пўстлоқ, терилар, намат, кенг барглар, похол, қамиш, турли ҳайвон суяклари, чим, дарахт, лой, тош, кейинроқ ғишт, аввал бошда қурилган ғишт, сунгра пиширилган ғишт уй-жойлар қуриш учун материал сифатида хизмат қилган.

Дастлабки турар жойлар парда деворсиз, эшиксиз ва деразасиз бўлган. Археологлар доимий турар жойларнинг гулханлар ёрдамида иситила бошланишини ориньяк-солютре босқичига оид деб ҳисоблайдилар. Турар жойнинг тепасидан очилган туйнукдан ёруғ ҳам тушиб турган. Археологик маълумотларга кура, мадлен даврида сунъий ёритиш пайдо бўлган. Уй-жойни ёритиш учун пиликли тош косаларга ёғ солиб ишлатилган, шунингдек, қорачироқдан фойдаланилган. Дастлаб ҳеч қандай мебель бўлмаган, ерга бўйра, терилар солиб, бош остига ёстиқ ўрнига ёғоч таглик қўйиб ухлашган. Сўри ва мебель кейинроқ пайдо бўлган. Америка индеевлари гамакларда (осма тур беланчакларда) ухлаганлар.

Уй-рўзғор буюмлари новдалардан, қайин пўстлогидан, бамбук, кокос ёнғоғи пўчоғи, қовоқ ёғоч, лой ва теридан ясалган. Даставвал маҳсулотлар тўқима, усти лой билан сувалган идишларда сақланган, овқат эса қизитилган тошлар ёрдамида ёғоч тоғораларда пиширилган. Фақат керамика ихтиро қилингандан кейингина чинакам овқат пишириш мумкин бўлган. Овқат ейиш вақтида коса, товоқ, қошиқ, пичоқ ва чўплар ишлатилган. Дон майдалаш — толқон қилиш учун тошдан ясалган дон янчигичлар, ёғоч ўғирлар мавжуд бўлган.

Ибтидий кийим-бошнинг турлари жуда хилма-хилдир. Унинг юзага келиши ва ривожланиши иқлим шароитларига боғлиқ бўлган. Ҳаммадан аввал совуқ ўлкаларда кийим-бош пайдо бўлган. Фартук, камар (белбоғ), плаш, юбка эркак ва аёллар кийим-бошининг энг қадимги элементлари деб ҳисобланади. Енгил кийим ва иштон кейинроқ пайдо бўлган. Табиий шароитларга қараб барглардан, тери, ўсимлик толаси ва юнган кийимлар тикилган. Кийим-бошни суяк ниналар билан тикишган.

Ёғочдан, пўстлоқ-чиптадан, теридан, намат ва лонгдан қилинган оёқ кийимлари кийим-бошга нисбатан кейинроқ вужудга келган ва ҳамма жойда бирдай пайдо бўлавермаган.

Уй-жойлар қурилиши, кийим-бош, оёқ кийими, уй-рўзғор анжомлари ишлаб чиқариш хона касбларининг ёғоч, дарахт

пўстлоғи ва тери ишлаш, терилар тайёрлаш ва туқиш шаклида ривожлана бориши билан бевосита боғлиқдир. Аввал бошда қайиқлар, чана, чанғи, кейинроқ бронза асрида ихтиро этилган ғилдиракли аравалар транспорт воситаси бўлиб хизмат қилган.

Инсон фаолиятининг барча соҳаларидаги тажрибалар сақланмай туриб прогрессив тарихий тараққиёт мумкин бўлмаган бўлур эди. Уруғнинг, қабиланинг зўр беришлари туфайли орттирилган билимларни кекса авлод ижтимоий характерга эга бўлган таълим воситаси билан ёш авлодга бериб келган. Илк ёшидаги болалар катталарнинг ишлаб чиқариш фаолиятига жалб этилган. Лекин инициация вақтида йигит ва қизларга чинакам таълим берилган.

Одамларнинг амалий билимлари мақоллар ва маталларда акс этган. Инсоннинг табиат билан кураши акс садоларини халқ оғзаки ижодида (фольклорда) учратамиз. Афсоналарда, мифларда, эртакларда қаҳрамонларнинг мардонавор иш-ҳаракатлари акс этирилади, кўпинча уруғларнинг, қабилаларнинг келиб чиқишлари ҳақида, дунёнинг пайдо бўлиши туғрисида ҳикоя қилинади. Ибтидоий жамиятда ёзув бўлмаган, шунинг учун афсоналар авлоддан-авлодга оғзаки кўчиб юрган.

2. **Тафаккур ва нутқнинг ўсиши.** Тафаккур ва нутқ тараққий қилмай туриб маданиятнинг вужудга келиши мумкин эмас. Буржуа фанида архантроплар ва палеантроплар тафаккури хусусида иккита ғайри илмий концепция тарқалган. Бу концепциялардан бирининг (эволюционист Э. Тэйлор ва Г. Спенсер илгари сурган концепция) намояндалари энг қадимги одамлар тафаккури билан ҳозирги жисмоний типдаги инсон тафаккури ўртасидаги фарқларни эътироф қилишмайди. Иккинчи (Л. Леви-Брюлем таъриф қилган) концепциянинг издошлари ҳамма ибтидоий одамлар тафаккурини «мантиқий тафаккурдан олдинги», яъни мантиқ қонунларига бўйсунмайдиган тафаккур деб ҳисоблашади.

Марксизм классиклари меҳнат процессида айни бир вақтда ривожлана борган тафаккур билан нутқнинг чамбарчас боғланганлигини кўрсатиб ўтадилар. Энг қадимги одамларнинг савияси ўз меҳнатининг ривожланиш даражасига мувофиқ келган. Энгельс «Табиат диалектикаси»да ибтидоий одамлар тафаккурининг хусусиятларини бир неча марта кўрсатиб, ўша одамлар тафаккурининг ўз амалий ҳаёт фаолияти шароитларига тамомила боғлиқ бўлганлигини таъкидлаб ўтди. Демак, одамнинг ақл-идроки унинг табиатни ўзгартишга қандай ўргана боришига мутаносиб (пропорционал) равишда тараққий қила борган. «Кўлнинг ривожланиши билан бирга, меҳнат билан бирга табиат устидан бошланган ҳукмронлик одамнинг тушунча ва билимлар доирасини илгарига қараб босилган ҳар бир янги қадам сайин кенгайтира борди. У табиат буюмларида доимий равишда

янги шу вақтгача маълум бўлмаган хусусиятларни оча борди»<sup>1</sup>. Энг қадимги одам қуроллар ясаш учун ишлатган материаллар (тошлар, ёғочлар) нинг хусусиятларини билиб олган, ҳайвонларнинг одатларини ўрганган ва уларни овлай билган, ейиладиган ва ейилмайдиган меваларни, этилдизли гиёҳлар ва шу кабиларни бир-биридан фарқ қила олган. Лекин ўша даврда одамлар табиат устидан ҳали катта ғалаба қила олмаганлар, бинобарин, уларнинг тафаккури ҳам унча яхши ўсмаган.

Совет тадқиқотчилари ибтидоий одамлар тафаккури ва нутқининг тараққий этишидаги икки босқични ажратиб кўрсатадилар. Улар биринчи босқични архантроплар ва палеантроплар билан, иккинчи босқични (*homo sapiens*) билан боғлайдилар. Барча совет олимлари биринчи босқичда ҳиссий-кўргазмали (образлар) тафаккур, ноаниқ нутқ устун бўлганлигини ҳамда иккинчи босқичда абстракт тафаккур ва аниқ нутқ мавжуд бўлганлигини эътироф қиладилар. Бироқ абстракт тафаккур ва аниқ нутқнинг пайдо бўлиш вақти хусусида совет адабиётида ягона фикр йўқ. Бир хил олимлар (Л. О. Резников, А. Г. Спиркин) абстракт тафаккур ва аниқ нутқ куртаклари мустъе даврида, неандерталларда вужудга келган, деб фараз қиладилар. Бошқа олимлар (В. В. Бунак, В. З. Панфилов) питекантропларда, синантропларда абстракт тафаккур элементлари пайдо бўлган, деб ҳисоблайдилар. Кейинги палеолитга қадар нутқ ноаниқ бўлган, аммо палеантроплар нутқи архантроплар нутқига қараганда анча тараққий этган. Неандерталларда кўп маъноли ва яхлит мазмунли янги сўз-жумлалар пайдо бўлган. Энг қадимги одамларда эса бир бўғинли, турланмайдиган ва бир-бири билан боғланмаган сўзлар мавжуд бўлган.

Нутқ тафаккур билан чамбарчас боғланиб ўса борган. Ер юзида гапиришни билмайдиган биронта ҳам халқ йўқ, шунинг учун ҳам олимлар одам ғоят катта инсоний муваффақиятлардан бири бўлган нутқнинг шу даражада ўсишига қандай йўл билан эришганлигини фаҳмлаб, билиб олишларигагина тўғри келади. Тилнинг пайдо бўлиш имкониятини англаш учун озиқ-овқат қидириб топиш йўлида чексиз ташвиш тортган ибтидоий одамларнинг яшаган шароитларини унутмаслигимиз керак. Маймун одамлар озиқ-овқат қидириб топишган, ўзларини душманлардан биргаликда (коллектив бўлиб) ҳимоя қилишган. Ана шу вазиятда нутқ ўса борган, чунки меҳнат процессида одамларнинг биргаликдаги иш-ҳаракатлари тўғрисида сўзлашиб қўйиш, тажриба алмашиш зарур бўлган. Шунингдек, одамнинг тикка юришига ўрганиши ва меҳнат процессида бутун организмнинг шаклланиши билан бирга баъзи бир органлар (ҳиқилдоқ, ўпка, тил ва бошқалар) нинг алоҳида жисмоний тузилиши нутқ ўсишининг зарурий шартидир. Хилма-хил товушлар чиқара оладиган органларга эга бўлган одам ҳар ҳолда нутқ яратиш даражасига

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс. Соч., т. 20, стр. 489.

тезда ета олмаган. Нутқ аввал бошданоқ товуш нутқи, ноаниқ нутқ бўлган. Дастлаб одам, бошқа ҳайвонлар каби, узук-узук қичқириқдан фойдаланган. Деярли ҳар бир ҳайвон мутлақо ихтиёрий равишда қандайдир товушлар чиқара олади. Биз ҳатто ҳайвонларни товушларига қараб ажрата оламиз ва уларни товуш чиқаришга мажбур этадиган сабабларни фарқ қиламиз. Хурсандлик, оғриқ ёки қурқиш билан боғлиқ бўлган шу каби қичқириқлар одам кўкрагидан беихтиёр чиқиб, атрофдаги одамларга ўз шеригининг қандай аҳволга тушиб қолганини билдирган. Бир хилдаги яшаш шароитлари бошқа кишиларнинг эшитиб қолган қичқириқ сабабини деярли хатосиз аниқлашларига имкон берган. Чунончи, маълум товушларга муайян маъно берилган. Одам товуш сигналларини берар экан, улар орқали маълум фикр-ни билдирган. Имо-ишора товуш нутқида ёрдамчи элемент бўлган.

Одам нутқи энг бошданоқ ҳайвонлар товушларидан шу билан фарқ қилганки, киши юмшоқ нутқ органлари ёрдамида кўпгина хилма-хил товуш бирикмаларини талаффуз эта олган ва уларни товушларнинг яхлит группаларига қўша олган, буларни биз сўзлар деб атаймиз.

Тил секин тараққий қилган. У доим кишиларнинг алоқа ва тажриба олишиш қуроли бўлиб келган. Тилда одам ҳамиша муносабатда бўлиб турган буюмларнинг белгилари ифодаланган. Вазият хилма-хиллаша борган сайин тил янада бойиган. Ибтидий тилда номлар буюмларнинг ўзига қараганда кўпроқ бўлган, чунки ҳар бир одамда ўз товушлар бирикмаси ассоциация қилинган. Номлар келишиш асосида берилмаган. Шунинг орқасида нутқ ўсишининг илк босқичларида синонимлар кўп бўлган. Ибтидий сўзлар турдош номлардан кура кўпроқ атоқли отлар бўлган. Ҳисларни, муносабатларни, иш-ҳаракатларни ифодалаш учун сўзлар бўлмаган. Буларнинг ҳаммаси эмоционал қичқириқлар ва ҳаракатлар билан ифодаланган. Кейинроқ одам ўз ҳислари ва фикрларини ифодалаш учун тилдан фойдаланиш имкониятини топган. Тил том маъноси билан фикр қуроли бўлиб қолган. Тил бўлмай туриб одамлар ҳозирги вақтда инсоният эга бўлган нарсаларга эриша олмаган бўлур эдилар. Кекса авлод ўз ота-боболаридан ўрганиб олган ҳамма нарсаларини тил ёрдамида кичик авлодга ўргатган ва бу билан ҳаёт шароитларини яхшилаш йўлида бундан буён олиб бориладиган ишни энгиллаштирган.

Тафаккур билан маҳкам боғланган тил ноаниқ товуш тилидан бошлаб то уруғларнинг, кейинчалик қабилаларнинг аниқ тилларига қадар узоқ тараққиёт йўлини ўтди. Қабилавий тиллар ўрнини синфий жамиятларда халқларнинг тиллари эгаллади. Капиталистик муносабатларнинг ривожланиши билан миллий тиллар пайдо бўлди.

Неолит охири ва металллар асрининг бошларига келиб асосий қардош тиллар оилалари таркиб топган: 1) ҳинд-европа тиллари оиласи (ҳинд тили, эроний тил, славян, герман, роман,

кельт тиллари); 2) турк-монгол тиллари оиласи (Марказий Осиё қабилалари ва халқларининг тиллари, турк тиллари ва монголлар тили); 3) хитой-тибет тиллари оиласи (Шарқий Осиё, Хитой, Тибет, Вьетнам, Бирма халқларининг тиллари); 4) сомий-хамит тиллари оиласи (Шимолий ва Марказий Африка, Арабистон тиллари); 5) фин-угор тиллари оиласи (венгрлар, финлар, эстонлар, кареллар ва бошқаларнинг тиллари).

3. Санъат. Ижтимоий онг шаклларида бири бўлган санъат ибтидоий жамиятда пайдо бўлган. У социал эҳтиёжлардан ушиб чиққан ва одамнинг ишлаб чиқариш билан алоқасини акс эттирган. Одам тасвирий фаолиятининг дастлабки кўринишлари мустье даврига оид деб ҳисобланади: Ла Ферраси манзилгоҳида (Франция) тош тахта устига бир неча жуфт-жуфт қилиб жойланган косасимон чуқурчалар топилган; Жручула ғорида (Грузияда) ёндош бурама кертikli суяк топилган; бошқа манзилгоҳларда минерал бўёқ (охра) бўлаклари ва йўл-йўл чизиқ туширилган тош парчаси топилган.

Чинакам санъат ёдгорликлари кейинги палеолитда пайдо бўлган, шу билан бирга тасвирий санъат мадден даврида равнақ топган. Кейинги палеолит тасвирий санъати асосан ғор рассомлик санъати ва ҳайкалтарошлиги шаклида гавдалантирилган. Ҳаваскорлар кўп ҳолларда аёлларни тасвирлаб, уларга хос белгиларни жуда бўрттириб кўрсатишган, бу эса она уруғининг мавжуд бўлганлиги билан боғлиқдир, ҳайвонлардан мамонт, от ва буғу расмлари ишланган, бу тасвирлар одамларнинг ҳужалик фаолиятини акс эттирган. Ҳайвонлар ғорларнинг деворларида, кўп ҳолларда, табиий катталиқда минерал бўёқ (қора, оқ, сариқ бўёқлар) билан, суякка ўйма нақш билан ва онда-сонда ҳайкалчалар шаклида тасвирилган. Одамлар асосан мамонт суягидан, баъзида юмшоқ тош жинсларидан ишланган ҳайкалчалар ва ора-сира расмлар шаклида (Францияда Уч оғайни ғорида) тасвирилган. Ғор рассомлик санъати ёдгорликлари дастлаб Ғарбий Европада: Испанияда (Альтамир ғори), Францияда (Фон, Ласко ғори), кейинроқ СССР да (Ўралда Капова ғори, 1959 й.) топилди. Ҳайкалчалар Пиренеядан то Байкалгача бўлган ерларда, масалан, Францияда (Брасседепун сунъий ғори), Австрияда (Виллендорф манзилгоҳи), Италияда (Гримальди сунъий ғори), СССР да (Гагарино, Костёнки манзилгоҳлари ва бошқалар) топилди. Топилган ҳайкалчалар (50 га яқин ҳайкалча) қаторида Дондаги (Воронеж ёнида) Костёнки I Европада биринчи ўринни эгаллайди.

Палеолит санъати дин билан боғлиқ бўлган. Кейинги палеолитдан бизнинг давргача анча кўп сонли санъат ёдгорликлари келиб етган, уларнинг диний маросимлар характердалиги шубҳасиздир. Найзалар билан шикастлантирилган ҳайвонларнинг ғорлар деворларидаги тасвиirlари (Испания, Франция) маросим рақсларини ижро қилаётган ҳайвонлар қиёфасида ниқобланган одамларнинг суратлари, ҳайвонлар (от, айиқ ва бошқалар) нинг



хайкал шаклидаги тасвирлари ана шундай ёдгорликлар жумласидандир; хайкал шаклидаги хайвонлар гавдасида найзалар зарбаларининг излари сақланиб қолган, уларнинг атрофида кўпданкўп одам оёқларининг излари кўрсатилган. Тасвирланган хайвонлар мўлжалланган ов объектдан иборат бўлган. Қурол билан «сапчилган» хайвонлар ва одамлар изларининг шундай тасвирланганлиги ёрларда содир бўлган магия (грекча *mageia* — «сеҳр-гарлик») маросимларини кўрсатади; бунда булиши мумкин бўлган ўлжани ҳақиқий ўлжага айлантириш мақсади кўзланган. Ёрлардан бирининг номида 10—16 яшар ўғил болалар ва катга ёшди одам товонлари изларининг мавжудлигини у ерда рўй берган инициация билан боғлайдилар.

Кейинги палеолит санъати мезолит давридаги шартли тасвирга нисбатан жуда реаллиги билан ажралиб туради; мезолит давридан одамлар ва хайвонларнинг қоя тошлардаги тасвирлари етиб келган, лекин булар кичикроқ ўлчамлардаги ва умумий манзаралар шаклидаги тасвирлардирки, палеолитда улар бўлмаган. Ҳаваскор рассом буғулар подасини тасвир этиш учун суратнинг олдинги қисмида буғунинг расмини, нарироқда фақат шохларинигина чизган.

Неолитда илгариги санъат шакллари билан бир қаторда янги, декоратив йўналиш ривожланган. Одамлар керамикани, қурол-ярбўқни нақшлар билан безашган, лойдан хайкалчалар ясай бошлашган. Неолитга оид қоя-тошлардаги тасвирлар СССР да (Онега қулининг шарқий соҳилида ва Оқ денгизда) топилди.

Қўшиқлар ва рақслар ибтидоий санъатнинг муҳим тури бўлган. Ибтидоий рақслар, кўпинча тақлидий рақс-ўйинлар меҳнат фаолияти ритмини ифодалаган. Одатда овга жўнаш ва ҳарбий юриш бошлаш олдидан ижро этиладиган овчиликка оид ва ҳарбий рақсларда дин билан боғланиш кўрилади. Рақснинг вужудга келиши мадлен даврига оид деб ҳисобланади. Рақс меҳнат процесслари ритмларидан пайдо бўлган қўшиқ музикаси ва инструментал (чолғу асбоблари билан ижро этиладиган) музика билан бевосита боғланган. Ана шу ибтидоий санъат икки турининг чамбарчас боғланганлиги шу билан исботланадики, кўпгина қабилалар қўшиқ билан рақсни бир сўз билан ифодалайдилар. Ибтидоий қўшиқ ритмли нутқдан ташкил топган. Сўзлаб кўйлаш (речитатив) қўшиқнинг биринчи шаклидир, куй кейинроқ юзага келган.

Ибтидоий одамлар музика асбобларининг ҳамма турларини: урма музика асбоблари, духовой чолғу асбоблари, торли чолғу асбобларини яратганлар. Уларнинг вужудга келишини камон билан (торли асбоблар), шох, бамбук билан (духовой ва урма чолғу асбоблари) боғлайдилар. Трешчоткалар (ўзи жарангайдиган урма музика асбоблари ва барабан-дўмбиралар) айниқса кенг тарқалган. Жасур овчиларни, ботир жангчилар ва шу қабиларнинг қахрамонона ишларини ифодаловчи рақсларга музика жўр бўлган.

4. **Ибтидоий дин.** Дин — ижтимоий онг шаклларидаан бири бўлиб, у одамларнинг ғайри табиий кучлар мавжудлигига ишонишлари билан боғлиқ бўлган муносабатларини, уларнинг иш-ҳаракатлари ва қарашлар системасини акс эттиради. Марксизм-ленинизм классиклари диннинг илдиэлари ва моҳиятини биринчи марта ниҳоятда равшанлик билан кўрсатиб бердилар. Уларнинг таълимотига кўра, дин — кишилар устидан ҳукмронлик қилувчи табиий ва ижтимоий кучларнинг одамлар онгида хаёлий-фантастик акс этишидир. Дин жуда қадимги замонда одамларнинг ўз табиати ва ташқи табиат ҳақидаги ноаниқ-муҳмал, содда тасаввурларидан, табиат билан курашда уларнинг иқтисодий ривожланиш даражасининг пастлиги билан боғлиқ бўлган заифлиги-кучсизлигидан келиб чиққан. Моддий ҳаёт шароитлари, яъни диннинг социал илдиэлари таъсири остидагина инсон онгида нотўғри дунёқараш вужудга келиши мумкин бўлган. Шунингдек, диннинг пайдо бўлиши учун одамларнинг табиат ташқи кучлари олдидаги ожизлиги уларнинг онгида акс этиши ёки ўз тушунчасича ўзгартиши зарур бўлган. Демак, инебн онги ўсиб; энди унда ўз кундалик ҳаётида учрайдиган табиат ҳодисаларининг сабабларини изоҳлашга уринишлар пайдо бўлган вақтдагина диннинг юзага келиши мумкин бўлган. Абстракт тафаккур пайдо бўлиши натижасидагина ана шу даражага эришиш имконияти турилган.

Абстракциялаш қобилиятини — инсон миясининг мана шу хоссаси ва онгининг шу хусусиятини, шунингдек, фикрнинг воқедадан ажралишини — В. И. Ленин диннинг гносеологик (грекча *gnosis* — «билиш», *logos* — «таълимот»), яъни билиш илдиэлари деб атади. Абстракт фикрлашнинг тараққий этиши фақат ҳозирги замон жисмоний типидаги инсонга хос хусусиятдир. Бинобарин, энг қадимги одамларда диний тасаввурлар бўлиши мумкин бўлмаган. Археологлар инсониятнинг ана шу тараққиёт босқичида диний эътиқодлар ва маросимлар мавжудлигининг ҳеч қандай изларини топишмаган.

В. И. Ленин диннинг психологик илдиэларига: кўрқиш ҳисси, қарамлик ҳисси, салбий эмоциялар ва ҳоказоларга диққатни жалб этади. Аммо у, буларнинг ҳам социал асоси бор, деб таъкидлайди. Ленин диннинг социал, гносеологик ва психологик илдиэларини диалектик бирликда, бир-бири билан боғлиқ ҳолда ёритди.

Реакцион буржуа олимлари ибтидоий жамият тарихини бузиб кўрсатиб, диннинг ва бир худоликнинг (монотеизмнинг, грекча *monos* — «бир», *theos* — «худо») азалгилигини исботлашга уринмоқдалар. Худди шу мақсадда ҳозирги Ватикан миссионерлари эндиликда мавжуд бўлган қолоқ қабилаларнинг диний эътиқодларида бир худоликни топишга уринишмоқда.

Совет атеистлари ибтидоий дин тарихини ана шундай ва шунга ўхшаш бузиб кўрсатишларга қарши кураш олиб бормоқдалар.

Неандерталларда диний тасаввурлар мавжуд бўлганми?

Диний тасаввурларнинг пайдо бўлиш вақти ҳақида одамларнинг кўмилишига қараб фикр юритилади. Неандерталларда энди ўликларни кўмиш одати бўлган. Маълумки, неандерталларда ўликлар бутун бошлиқ одамлар группаси учун турар жой бўлиб хизмат қилган ғорларга кўмилган. Ўлган одамлар ноаниқ шаклдаги кичик-кичик чуқурларга тиззалари сал бўкилган ҳолда, ён томони билан ухлаб ётган киши ҳолатида ётқизилган. Арҳумнинг жасади тупроқ ва тошлар билан кўмилган. Айрим қабрларда қуроллар ва ҳайвон суяклари топилган. Лекин археологларнинг кўрсатишларича, улар қўшни маданий қатламдан келиб қолишган.

Бир хил совет олимлари қабрларнинг мавжуд бўлганлиги асосида, неандерталларда диний тасаввурларнинг куртаклари пайдо бўлган, деб тахмин қилишади; бошқа олимлар диний тасаввур куртакларини дин вужудга келишдан илгариги даврга тааллуқли деб ҳисоблашади. Бу масала мунозарали масала бўлиб қолмоқда. Диний эътиқодлар ҳақидаги шак-шубҳасиз маълумотлар кейинги палеолитга оиддир.

Дин — социал-иқтисодий муносабатлар юзага келтирган идеологик устқурма бўлиб, у тасаввурлар ва урф-одатлар (ибодатлар) дан иборат. Тасаввурлар (дастлаб мифология — афсоналар, кейин ақидалар) ва урф-одатлар (диний серҳргарлик амаллари) диний системани ташкил қилади. Лекин ҳар қандай афсона ва фантазия диний бўлавермайди. Диний афсоналар ва фантазияда ғайри табиий мўъжизавий кучларнинг реал мавжудлигига ишонч бор. Динда ғайри табиий мўъжизавий парсалар ҳақидаги тасаввурлар ибодат-эътиқод билан боғлиқдир.

Ибтидоий дин шаклларида бири тотемизм — одамлар группаларининг бирор ҳайвон, балиқ ёки ўсимлик тури билан, яъни муайян бир группанинг «тотеми» ҳисобланадиган ва шу ном билан юритиладиган группанинг ўз тотеми билан ғайри табиий қариндошлик алоқасига ишонишдир. Тотемизм хўжалик ривожланишининг овчилик-териб-термачлаб овқат топиш босқичида вужудга келган. Овчилик ўша даврдаги одамларнинг машғулотидир бўлган, шу сабабли уруғлар кўпинча ҳайвонларнинг номлари билан аталади. Тотем ҳайвонни танлаш маълум жойда у ёки бу хилдаги ёввойи ҳайвоннинг сероблиги каби моддий сабабларга асосланган. Масалан, Австралияда ўз территориясида кенгуру кўп бўлган группалари кенгуру одамлари деб аталган, ваҳоланки уларнинг қўшпилари территориясида бу ҳайвон бўлмаган. Тотем ҳайвон ҳурмат қилинган (қадрланган). Тотемизмнинг илк босқичида тотемни ўлдириш ва унинг гўштини еиш ман этилган. Муқаддас ҳайвон фақат урф-одат маросимлари вақтидагина ўлдирилган ва гўшти ейилган. Шу тариқа тақиқ вужудга келиб, диний қатағонлар системасига айлана борган, бундай қатағонлар ҳозирги замон динларида ҳанузгача

сақланиб қолган. Масалан, христианларда руза кунлари гушт-сутли овқат ейиш мумкин эмас. Кейинчалик тотем-ҳайвоннинг айрим органлари — юраги, жигари ва шу кабиларни ейишгина тақиқланадиган бўлади. Тақиқ уруғ жамоасининг хўжалик, социал ва маданий ҳаётини регламентга солган (муайян тартиб ва қонун-қоидаларга бўйсундирган). Тақиқ бурч ва ҳуқуқни ифодаловчи бир форма бўлган. Тотем группалари тотем-ҳайвонларни кўплаб қиришни тақиқлаб, уларнинг кўпайиши учун ғам-хўрлик қилишган. Уларнинг шарафига байрамлар ўтказилиб, бунда одамлар тотемга тақлид қилишган, тотем-ҳайвон терисини ёпиниб юришган.

Тотемизм сарқитлари кўпгина халқларда яқин вақтларгача сақланиб қолган. Австралияликларнинг дини классик тотемизм намунасидир. Шимолий Америка индеецларининг тотемистик эътиқодлари тулиқ тасвирланган.

Ибтидоий жамиятда тотемизм билан бир қаторда, инглиз олими Э. Тэйлор томонидан фанга киритилган анимизм (латинча *animus* — «руҳ», «жон») термини билан аталган бошқа дин формаси бўлган, анимизм — дунёда руҳлар жонлар шаклидаги ғайри табиий кучларнинг мавжудлигига ишонишдир.

Анимизмнинг илк босқичида танадан ажраладиган ва мустақил яшайдиган жон ҳақида алоҳида тасаввур бўлмаган. Бошланғич ҳолатдаги анимизмнинг ўзига хос хусусияти — табиатнинг руҳланганлиги ҳақидаги даражаларга ажралмаган (дифференциация қилинмаган) тасаввурдир. Энг олдин жон нафас олиш билан тенглаштирилган ва ҳаётнинг гавдаланиши деб ҳисобланган. Нафас олиш тўхталиши, яъни жоннинг кетиши билан ҳаёт жисман ва руҳан тўхтаган. Сўнгра жонларнинг мустақил тарзда яшаши тўғрисида, уларнинг кучиши ҳақида тасаввур ҳосил бўлиб, ривожлана борган. Улим фақат одамнинг жисмоний яшашининг тўхталиши деб ҳисобланган. Жон эса гўё яшашини давом эттирган. Жонлар табиатни эгаллайдиган танасиз руҳларга айланади. Улар учун тўпланадиган жойлар — фетишлар (португалча *fetico* — «ясалган») яратила бошланган. Табиий ҳолатдаги нарсалар (тошлар) ҳам фетишлар бўлган.

Ибтидоий диннинг шакли бўлган «фетишизм» тушуничасини француз олими Ш. де Бросс XVIII асрда илмий адабиётга киритган. Фетишизм — жонсиз моддий нарсаларга топинишдир, улар ғайрий табиий мўъжизавий хусусиятга эга деб билишган. Шунинг учун ҳам одамлар, айрим предметларни ўзларини бало ва офатлардан сақлайди деб, ёнларида олиб юришган.

Одам тушунилмайдиган ҳодисаларга доимо дуч келиб, уларни руҳларнинг иш-амалларига нисбат берар экан, улар билан тотув яшашга, уларни ўз томонига оғдириб олишга ва ўзига мойил қилишга нитилган. Одамлар овқатланишга киришар эканлар, ўзларининг тасаввурига кўра, гўё худди кишилардагидек хоҳиш-истакларга эга бўлган руҳларга овқат беришган. Овқат

тайин бир жойга ташлаб кетилган, кейинроқ эса муайян ўриндаги косага ёки тарелкага солиб қўйиладиган бўлган. Қолдирилган овқат назр-ниёз қурбон деб, уни руҳларга инъом қилиш — қурбонлик қилиш, деб аталган. Даставвал одам ўзи нима ейдиган бўлса, ушанинг бир қисмини руҳларга қурбон қилиб келган. Ибтидоий одам ҳамма руҳларга бирдек муносабатда бўлмаган: бир хил руҳлардан қўрққан, бошқаларидан ҳайиқмаган.

Қадимги одамнинг ҳатто баъзан ўзини қувонтирадиган, баъзида даҳшатга соладиган сўзининг кучи ҳам ўзига сирли бўлиб кўринган. Шунинг учун у руҳларга мурожаат қилар экан, сўз воситасида уларни ҳамма ишда ўзига ёрдам кўрсатишга мажбур этишга уринган. Руҳларга қарата мурожаатлар ўтиниш-ёлворишлар деб аталади. Кейинроқ ёлворишлардан дуо — худога илтимос билан мурожаат қилиш пайдо бўлган. Ҳаёт ва касалликнинг ҳар турли ҳолларига доир ёлворишлар учун зарур бўлган барча тафсилотларни билиш осон бўлмаган, шу сабабдан бу иш-ни яхши биладиган махсус одамлар — дуохонлар, жодугар-сеҳргарлар, азайимхонлар, шомонлар пайдо бўлган. Сибирь халқларида ва Америка индеецларида шомонлик-азайимхонлик кенг ёйилган.

Охиратга (нариги дунёдаги ҳаётга) ишониш ва ота-боболар руҳига сизиниш анимизм билан боғлиқдир. Мозорларда топилаётган, ибтидоий одамларнинг тасаввурларига кўра, нариги дунёда марҳумга зарур бўладиган меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳа, зеб-зийнатлар, овқат қолдиқлари ана шу боғланишдан далолат беради. Мурдаларни қон ва олов рамзи бўлган қизил рангга бўяшган. Дастлаб уликлардан қўрқишган; мурдаларнинг тирик одамларга зарар етказишларига имкон бермаслик учун уларни боғлаб қўйишган. Кейинроқ марҳумларни уруғ-аймоқларининг аждодлари деб ҳисоблана бошлаган.

Матриархат ҳукмронлиги даврида аёл-уруғнинг бош онаси биринчи ўринга кўтарилади. Патриархат даврида, уруғ бошлиғи ўз фармонларида марҳум аждодларининг хоҳиш-иродасини далил қилиб келтирадиган замонда ота-боболар гуруҳига сиғиниш равнақ топади.

Деҳқончилик ва чорвачилик ривожлана бориши билан табиатга сиғиниш эътиқодлари вужудга келган. Одамларнинг даҳшатли табиатдан қўрқиши уни қандайдир раҳмдил қилиш истagini туғдирган. Одамлар қуёшга, ерга, сувга, ўтга топина бошлаганлар.

Ибтидоий одамларда тотемизм ва анимизмдан ташқари, сеҳргарлик — одамнинг ўзини ғайри табиий кучларга таъсир кўрсата олиш қобилиятига ишонишига асосланган иш-амаллари бўлган. Сеҳргарлик ибтидоий одамлар ҳаётининг ҳамма томонларига катта таъсир кўрсатган. У ҳатто тасвирий санъатни ҳам ўзига хизмат қилдирган. Кейинги палеолит даврига оид бўлган найзалар, гардунлар санчиб яраланган ҳайвонларнинг тасвири бунинг далилидир. Юқори палеолит одамларининг эътиқо-

дига кўра, бундай тасвирлар овнинг муваффақиятли бўлишига ёрдам бериши керак эди. Сеҳргарлик сарқитлари ўз тараққиётида орқада қолган қабила ва халқларнинг динларида ҳапузгача сақланиб қолган. Энг қадимги сеҳргарлик амаллари коллектив тусда бўлган ва ишлаб чиқариш процессини гавдалантирган. Кейинчалик сеҳргарлик амаллари шомон, коҳинлар томонидан монополия қилиб олинган ва ғайри табиий оламга таъсир этишининг нозикроқ воситасига айлана борган, уларнинг ишлаб чиқариш билан алоқаси тобора туманлашган. Сеҳргарлик амаллари фойда топиш учун ҳам, зарар ётказиш учун ҳам қўлланилган. Хавф-хатарлардан сақланиш учун ва фойда кўриш (овда муваффақиятга эришиш) учун сеҳргарликдан айниқса кўп фойдаланилган. Уруғчилик тузумининг емирилиш даврида йўлбошчиларга сиғиниш-эътиқодлари кучайган. Оқибатда йўлбошчиларга ва табиатнинг турли кучларига эътиқодлар ҳар бир халқда худоларга эътиқодларга айланган.

Худоларга бўлган эътиқодларни махсус кишилар — коҳинлар адо этганлар. Ибтидоий диний эътиқодларнинг барча формалари ўз урф-одатлари ва маросимлари, эътиқодга хос тақиқлашлари билан одамнинг ташқи табиат томонидан сиқилганлигини мустаҳкамлаб борган, одамларнинг табиат кучларига қарши курашдан чалғитган, шу билан илмий билимларнинг ўсишини кечиктирган, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишига тўсқинлик қилган. Одамлар диний урф-одатларни бажаришга кўп вақт сарфлашган, реал, дунёвий талаб-эҳтиёжлардан чалғиб қолишган. Диний хурофотлар одамларнинг ташаббусини сиқиб-бўғиб қўйган, уларни ақл-идрок овозига кўпинча эътибор бермайдиган қилиб, гангитиб қўйган. Маркснинг динни халқ учун афюн деб таърифлагани бежиз эмас. В. И. Ленин Маркснинг бу ҳикматли сўзини дин ҳақидаги марксистик таълимининг негизи деб ҳисоблади. Дин — тарихий, муваққат категориядир. Маркснинг фикрича, «кишиларнинг кундалик амалий ҳаётидаги муносабатлари уларнинг бири-бири билан ва табиат билан очиқ-ойдин ва оқилона алоқаларида ифодаланган тақдирдагина»<sup>1</sup> дин йўқ бўлиб кетади.

**5. Илмий билимлар ва ёзувнинг куртаклари.** Одам меҳнат процессида атрофдаги табиатни кузатишлар натижасида билимлар орттириб борган. Биз ибтидоий одамлар билимларининг даражаси ҳақида фақат этнографик маълумотлар асосидагина фикр юрита оламиз.

Ўз жойини билган, қабила ва ҳатто қўшни қабила территориясининг рельеф карталарини қумга, ёғочга, пўстлоққа, терига чиза олган ибтидоий одамларнинг географик билимлари яхши аёндир; баъзида саёҳатчилар шу карталардан фойдаланишган.

Овчилик, ҳайвонларнинг қўлга ўргатилиши, ейиладиган ўсимликларни, меваларни йиғиб-териш олиш ботаника ва зооло-

<sup>1</sup> К. Маркс. Капитал, I том, Ўздавнашр, 94-бет.

гия соҳасидаги бошланғич билимлардан дарак беради; одамлар шу ўсимлик ва меваларнинг таъм-маза сифатлари ва даволаш хоссаларини билиб олишни жуда барвақт ўрганишган.

Ўсимликларга хос даволаш хусусиятларининг кашф этилишидан ибтидий медицинада порошок (кукуи) лар, заҳарлар, малҳам ва бошқалар тайёрлаш учун фойдаланилган. Мезолит давридан эътиборан шикастланган қўл ва оёқларни хирургия йўли билан кесиб ташлаш (ампутация қилини) усули қўлланила бошлаган. Даволашнинг жисмоний воситалари: массаж—силаш уқалаш, қон олиш, совуқ ва иссиқ компресс қўлланилган. Фақат ўсимлик дорилардангина эмас, балки ҳайвонот маҳсулотларидан тайёрланадиган ва минерал дорн-дармондан ҳам фойдаланилган. Оддий медицина фақат тажрибага асосланган. Ибтидий одамлар касалликларнинг сабабларини, киши организмнинг тузилиши ва фаолиятини билишмаган. Даволаш сеҳргарлик билан чирмашиб кетган.

Ибтидий одамларда санаш энг бошланғич ҳолатда бўлган. Одатда учгача, баъзан бешгача санашган:  $2+2+1=5$ . Қўнғиша халқларда беш рақами «қўл» ни билдиради (русча «пять» номи «запястье») сўзи билан ҳамоҳанг, римча V қўл панжасининг соддалаштирилган тасвирини эслатади.

Ўзунинг энг дастлабки шакли уруғчилик тузумининг охирида пайдо бўлган. У пиктография (латинча pictis — «расми солинган», грекча γραφο — «ёзаман») деб аталган ва терига, нўстлоққа, ёғочга, суяк ва тошга солинган шартли расмлардан иборат булган. Пиктография Шимолий Америка индеецларида айниқса кенг тарқалган. Кейинчалик мана шу ёзув туридан иероглиф ёзуви пайдо бўлиб, ривожлана борган. Пиктографиядан илгари товуш сигналлари ва товушсиз сигналлар тили мавжуд бўлган. Дўмбира зарбалари товуш сигналларига тааллуқлидир. Тугунили боғичлар, дарахтлар ва бошқа буюмлардаги аломатлар, дарахтларнинг маълум бир томонга эгилган новдалари товушсиз сигналлар ҳисобланган.

Ихтиро этилган ёзув билан буюм-нарсалар, иш-ҳаракатлар, воқеалар тўғрисида гапирилган. Ёзув фикрларни ифодалаш ва оғзаки тил воситаси бўлган. Ёзув тиллари ёзувсиз тилларга қараганда камроқдир.



Ибтидий жамият дунёдаги барча халқлар учун умумий бўлган тарихий ривожланиш процессларини қамраб олади. Юз мингларча йиллар давомида одамлар гала-гала бўлиб, яъни умумий биргаликда яшаганлар, бундай ҳаётда социал муносабатлар борган сайин мустақамлана борган. Гала, гарчи ҳайвонот олами билан ҳали тамомила алоқани узмаган бўлса ҳам, инсоният жамияти ташкилотининг биринчи формаси бўлган. Бу—одамлар коллективи бўлиб, унда социал алоқалар етакчи роль ўйнаган.

Одамлар табиат кучлари билан шиддатли курашда тараққиёт йўлидан аста-секин силжиб боришган. Ибтидоий одамлар меҳнат учун керакли тош ва суяк қуролларни тобора такомиллаштириб, атрофдаги муҳитни қадам-бақадам бўйсундирганлар, айна замонда уларнинг ўз табиати ҳам ўзгара борган. Қарийб 40 минг йил илгари инсоният жамиятида катта сифат ўзариши юз берган: ҳозирги замон жисмоний типидagi одам пайдо бўлган, одамларнинг ҳайвонот дунёсидан ажралиб чиқиш процесси тугалланган, уч асосий ирқ таркиб топган, санъат ва дин вужудга келган. Га-ла негизидан уруғ жамоаси ташкил топган. Жинсий муносабатлар ўзгаришларга учраган: промискунтетдан группавий никоҳнинг турли формаларига ўта борилган, сўнгра бу формалар жуфт оилага ўрин бўшатиб берган. Ишлаб чиқарувчи хўжалик бу формалари ва уруғчилик демократиясининг ривожланиши уруғчилик тузумининг равнақ топган даврига оиддир.

Меҳнат учун керакли металл қуролларнинг кенг ёйилиши билан, плугдан фойдаланиб қилинадиган деҳқончиликнинг, чорвачилик ва ихтисослаштирилган маҳсулдор балиқ овлашнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқарувчи кучларнинг тобора ўса бориши натижасида матриархат ўрнини патриархат эгаллаган. Патриархатнинг ташкил топиши уруғчилик тузуми бузилишининг бошланиши бўлган. Уша замонга келиб хусусий мулк, дастлаб фақат бошқа қабилаларга мансуб бўлган одамларни қул қилиш (ҳарбий асирлар) шаклидаги, кейинроқ эса қабиладош одамларни қул қилиш (қарзини тўлай олмай-диган қарздорлар) шаклидаги қуллик пайдо бўлган. Патриархат қарор топиши билан патриархал оила юзага келган (қуллар унинг таркибий бир қисми бўлган), уруғчилик тузумининг емирилиш даврида бу оила ўрнини моногам оила эгаллаган. Якка хўжалик ривожланиши билан территориал алоқалари қон-қариндошлик алоқаларини сиқиб чиқарган қўшни жамоа вужудга келади, янги ташкил топган ижтимоий синфларнинг тўқнашуви натижаси сифатида давлат вужудга келади. Ишлаб чиқарувчи кучлар ва ишлаб чиқариш муносабатлари нотекис ривожланганлиги сабабли, Ер юзининг ҳар хил областларида турли вақтда, ибтидоий жамият ўрнини синфий жамият олади.



## ҚАДИМГИ ШАРҚ

### VI Б О Б

### КИРИШ

Қадимги замонда грек-римликлар дунёсидан шарқда ва жануби-шарқда жойлашган мамлакатларнинг жамини қадимги Шарқ деб атаймиз. Бу тахминий ва шартли терминдир. Шарқ билан антик дунё уртасидаги чегара доимий чегара бўлмаган. Бир томондан, шарқ халқлари баъзан ғарб томондаги анча узоқ жойларгача кириб борганлар. Масалан, финикияликлар Шарқий Урта денгиздан жўнаб кетиб, эрамиздан аввалги II ва I минг йилликлар чегарасида Шимолий Африканинг каттагина қисмини, Ғарбий Урта денгиз ороллариини колонизация қилишган ва Қарфаген давлатини барпо этишган, бу давлат Атлантика океани қирғоқларигача чўзилган.

Иккинчи томондан, греклар Кичик Осиё соҳилларининг каттагина қисмини, Кипр ороллариини, Милет, Трапезунд ва Саламин шаҳри (Кипрда) каби муҳим марказларни колонизация қилишган; биз буларни қадимги Шарқ бўлимида эмас, балки қадимги Греция бўлимида таърифлаймиз.

Кейинчалик Александр Македонскийнинг ҳарбий юришлари натижасида греклар таъсир доираси Шарққа то Ҳинд дарёси қирғоқларигача бўлган узоқ мамлакатларни қамраб олган. Осиё ва Африкада ташкил топган элли давлатларини Грециядан ажралган ҳолда урганиш мумкин эмас. Янада кейинроқ каттагина шарқий территориялар Рим давлати доирасига таркибий қисм бўлиб кирган.

Шундай қилиб, қадимги Шарқ дунёсига ва антик дунёга қарашли ерлар қисман галма-гал бир-бирига ўтиб турган, шу сабабдан уларнинг географик чегараланишини ҳар бир даври учун турлича кўрсатишга тўғри келади.

Шарқ тўғрисида гапирар эканмиз, Европа (айниқса анча кейинги даврларда) билан боғлиқ бўлган жанубий Осиё ҳамда қисман Шимолий Африка мамлакатлари ва халқларини, шунингдек Ҳиндистон ва Хитойни назарда тутамиз; Ҳиндистон ва Хитой Ғарб билан анча кейин алоқа қила бошлашган, қадимги замонда эса улар маълум даражада мустақил равишда ривожланишган. Бу ерда грек-римликлар дунёсининг таъсири суст ва тасодифий шаклда бўлган.

Бутун дунё тарихида Шарқнинг тутган ўрнига етарли баҳо бермаслик асло мумкин эмас. Худди Шарқда ибтидоий/жамоа тузуми биринчи марта бузила бошлаган ҳамда хусусий мулк, синфий антагонизм ва давлат ҳокимияти пайдо булган. Энг қадимги ёзув системалари ҳам Шарқда вужудга келган.

Антик дунё, гарчи энг қадимги замонда (тараққиётнинг ноте-кислиги сабабли) кўп жиҳатдан Шақдан ўзиб кетган бўлса ҳам, Шарқ антик дунёга катта таъсир кўрсатган. Шунинг учун ҳам бутун дунё тарихини ўрганишда синфларга бўлинишдан илгариги ибтидоий жамиятдан қадимги Шарқ тарихига бевосита ўтишимизга ажабланмаслик лозим.

Буржуа фанида кўпинча шарқ халқларига ва уларнинг тарихий ролига етарли баҳо бермаслик, ҳатто уларга такаббурилик ва илтифотсизлик билан қарши кўрилади.

Марксизм-ленинизм асосчилари ҳар бир мамлакат ва ҳар қайси халқнинг ўрни ва тарихий родини белгилашда принципиал янги қоидаларни илгари сурдилар.

Улар Ер қуррасидаги барча ирқлар ва халқларнинг тараққиётига бўлган қобилиятини эътироф қилишиб, у ёки бу халқнинг муайян бир даврда ўз қўшниларида ўзиб кетишига, бошқа бир даврда эса улардан орқада қолишига сабаб бўладиган ўрин ва замон шароитларини ҳисобга олишади.

Этник группаларнинг табиий сифатлари эмас, балки у ёки бу халқ ишлаб чиқарувчи кучларининг эришган ривожланиш даражаси ҳал қилувчи роль ўйнаган.

Совет тарих фани ва қардош социалистик мамлакатларнинг тарихчилари жамият тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотнинг ана шу принципларига асосланадилар. Шу нуқтаи назардан Шарқ ва Европа халқлари ўртасидаги ҳамма фарқлар ҳам очик-равшан бўлиб қолади.

Шубҳасизки, истисносиз барча халқлар хусусий мулк ҳам, синфий кураш ҳам, давлат ҳам бўлмаган ибтидоий жамоа тузуми тараққиётининг узоқ йўлини босиб ўтганлар.

Даставвал Шарқда — территориясининг асосий қисми катта-катта серсув дарёлар водийлари ва фақат узоқ чеккадагина тоғ тизмалари ва яси тоғликлар ташкил қилган мамлакатларда синфий жамиятга ўтиш рўй берган. Бу ерда табиий шароитлар социал-иқтисодий силжишларни ҳам, оқибат натижада сиёсий формалар ва маданиятни ҳам белгилаб берадиган ишлаб чиқарувчи кучлар тараққиётининг умумий боришини тезлаштиришга имконият берган.

Ҳозирги вақтда жуда қадрли бўлган табиий бойликларнинг кўпгина турлари (тошкўмир, нефть ва бошқалар) қадимги замонда хўжалиқнинг ривожланиши учун роль ўйнамаган. Лекин ернинг унумдорлиги ва уни суғориш имкониятлари, экиб ўстириш учун яроқли бўлган фойдали ўсимликларнинг ва қўлга ўргатиш, кейинроқ эса хопаклаштириш мумкин бўлган ҳайвонларнинг мавжудлиги гоёт катта аҳамиятга эга бўлган. Металл қурооллар-

дан фойдаланишга ўтила борган сари рудаларнинг мавжудлиги зўр аҳамият касб этган.

Шарқдаги асосий мамлакатлар (Икки дарё оролиги, Миср, Хивдистон, Хитой), кейинчалик эса бошқа мамлакатлар ҳам ўзларининг географик вазиятларидан жуда барвақт фойдалана бошлаганлар. Европа (Крит-Микен дунёси бундан мустасно) Шарқдан анча орқада қолган. Аммо кейин Греция-Рим дунёси ривожланишининг нотекислиги сабабли ва қисман қадимги Шарқ халқларининг ютуқларидан фойдаланиб, жуда илгарилаб кетган. К. Маркс ва Ф. Энгельс тўла ҳужжатларга асосланиб туриб Греция-Рим маданиятининг гоят катта ролини таъкидлаб ўтишди, бу маданият ҳозирги замон Европа цивилизациясининг негизи бўлди.

Хуш, дунёда энг қадимги синфий жамиятнинг характери қандай бўлган? Буржуа фани, одатда, жамиятнинг икки формасини, яъни бирининг ўрнини иккинчиси оладиган феодализм ва капитализмни эътироф қилади. Циклизм, яъни берк доирадаги ривожланиш номини олган бундай концепция немис тарихчилари Эдуар Мейер ва Макс Вебер асарларида айниқса аниқ намоён бўлди.

Бу йўналиш тарафдорларининг фикрларидаги барча ҳар хилликка қарамасдан, уларнинг Шарқда ҳам, Грецияда ҳам ё феодализмни, ёки капитализмни ахтариш масаласидаги фикрлари бир хилдир. Улар натурал хўжаликнинг мавжуд бўлишини феодализм учун асосий белги деб, пул хўжалигининг мавжудлигини капитализм учун асосий белги, деб ҳисоблайдилар. Қулларнинг эксплуатация қилиниши, уларнинг фикрича, ёлланма ишчиларнинг эксплуатация қилинишидан, гўё асосан фарқ қилмайди ва гўё, ёлланма ишчилар меҳнати берганидек қуллар меҳнати ҳам иқтисодий самаралар беради.

К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин турли синфий жамият типларининг бирин-кетин бир-бирининг ўрнини ола бориши тўғрисида буржуа фанидагига тамомила қарама-қарши тушунча беришади. Улар қулдорлик формациясини биринчи синфий социал-иқтисодий формация деб ҳисоблашади.

Тўғри, Маркс билан Энгельс Осиё ва антик дунё ишлаб чиқариш усулларини бир-биридан фарқ қилишади, лекин бу усулларни жамиятнинг қуллар меҳнати устушлик қиладиган икки маҳаллий варианты деб ҳисоблашади. Бу ҳақда Энгельс «Англияда ишчилар синфининг аҳволи» номли асарининг Америка нашрига сўз бошида гапиради.

Биз бу асарда бундай деб ўқиймиз: «Қадимги Осиё ва классик қадимги замонда синфий эзишнинг устушлик қилувчи формаси қуллик, яъни оммадан ерларни зўрлик билан тортиб олишдан кўра уларнинг шахсларини эгаллаб олиш кўпроқ бўлган»<sup>1</sup>.

<sup>1</sup> К. Маркс и Ф. Энгельс, Соч., т. 21, стр. 348—349.

В. И. Ленин қуйидаги таърифда бу концепцияни қатъий ифодалаб берди: «Ҳеч бир истисносиз ҳамма мамлакатларда кишилик жамиятларининг минг йиллар давомида ривожланиши, бизга бу ривожланишнинг шундай бир умумий қонуният, тўғрилиқ, изчиллик билан борганини кўрсатадики, энг аввал синфсиз жамият—дастлабки патриархал, ибтидоий жамият бўлган, бу жамиятда аристократлар бўлмаган; сўнгра қуллик асосига қурилган жамият, қулдорлик жамияти бўлган»<sup>1</sup>.

Бу таърифлардан кўриб турибмизки, гарчи К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин биринчи синфий формацияни анализ қилишмаган бўлса ҳам, айниқса утган асрда ва ҳатто XX аср бошларида ҳам Шарқдаги социал муносабатларни ўрганиш учун манбалар ҳам етарли эмас эди,—марксизм-ленинизм асосчилари фақат Европадагина эмас, балки Шарқда ҳам қулдорлик биринчи синфий формация бўлганлигига шубҳа қилишмаган. Маркс, Энгельс ва Ленин қуллар ҳақида гапирар эканлар, асосан Грекия ва Рим тарихидан мисоллар келтиришлари бежиз эмасдир.

Аmmo ҳозирги вақтда қадимги Шарқ социал тарихидан жуда кўп ҳар хил материаллар тўпланган. Хўш, мазкур материаллар илмий социализм гениал асосчиларининг умумий қоидаларини тасдиқлайдими?

Совет олимларининг социал-иқтисодий формациялар проблемаларига бағишланган мунозараларида бу масала кўп марта муҳокамага қўйилди.

Бунда утган асрда номаълум бўлган, қадимги Шарққа оид бир қанча ҳужжатлар Шарқда қулларни эксплуатация қилиш мавжуд бўлганлигини тасдиқлаб берди; ваҳоланки қадимги Шарққа хос ҳақиқий ёдгорликларнинг кашф этилиши ва ўрганилишига қадар ўзларининг кўпгина маълумотлари фанда катта роль ўйнаган авторлар (муаллифлар) ана шу қулларнинг эксплуатация қилинганлигига етарли баҳо беришмаган эди, баъзан эса очикдан-очик инкор этишган эди<sup>2</sup>.

Бобил подшоши Хаммурапининг XX аср бошларида кашф этилган қонунлар тўпламида ва янада кейинроқ топилган хеттлар қонуниларида аҳоли биринчи навбатда эркин одамларга ва қулларга бўлинадик, бу ҳужжатлар Маркс ва Энгельснинг ўтган асрда ана шу қонун ёдгорликлари номаълум бўлган бир замонда баён қилган фикрларининг тўғрилигини тасдиқлайди.

30—40-йилларда совет шарқшуноси В. В. Струве томонидан ўтказилган тадқиқотлар туфайли, Шумердаги подшолар ва ибодатхоналарнинг ер-мулкларида (эрамиздан аввалги III минг йилликнинг охирилари) қуллар меҳнати устунлик қилганлиги маълум бўлди.

<sup>1</sup> В. И. Ленин. Асарлар, 29-том, Уздавнашр, 494-бет.

<sup>2</sup> Масалан, Ҳиндистонда қуллар мавжудлиги ўтмишда инкор қилинган эди, кейинроқ эса ҳинд маҳаллий манбалари у ерда қуллар мавжуд бўлганлигини тасдиқлади.

Совет тарихчилари И. М. Дьяконов, В. А. Белявский, Ю. Б. Юсуфов ва бошқалар ўз асарларида Олд Осиёнинг қадимги турли мамлакатларида бўлган қулдорликнинг катта роль уйнаганлигини яққол кўрсатиб бердилар.

Ю. Я. Перепёлкин асл манбалардан қадимги Мисрдаги қуллар меҳнатини характерлайдиган кўпгина далилларни олди. Илғор ҳинд тарихчилари Д. Р. Чанана, Ш. А. Данге қадимги Ҳиндистондаги қуллар меҳнати ҳақида кўп маълумотлар туپлашган. Одатда эса, қадимги Ҳиндистондаги қулдорликка етарли баҳо берилмас эди. Қадимги Хитойда қулларни эксплуатация қилишнинг катта кўлами совет хитойшунослари (Т. В. Степугина ва бошқалар) нинг асарларида аниқланган.

Буларнинг ҳаммаси социал-иқтисодий формацияларнинг изчил ва қонуний алмашилиб бориши тўғрисидаги марксча-ленинча таълимотни мустаҳкамлайди, аммо уларни конкретлаштириш зарурлигини истисно қилмайди, албатта. Бу таълимотни асло юзаки қўлланмаслик керак.

Агар қандай бўлмасин муайян бир ҳолда камчиликлар ёки умумий қонидан четга чиқишлар учрайдиган бўлса, бундай истиснолар вақтинча регресс ҳодисаларини сира инкор этишмаган марксизм-ленинизм классикларининг умумий қондаларини тасдиқлайди, холос. Қадимги Шарқнинг ва ҳатто Жанубий Европанинг асосий мамлакатларида мавжуд бўлган қулдорлик тузумини инкор қилиш учун (баъзи бир совет тарихчилари томонидан шундай уринишлар ҳам учрайди) асослар йўқ.

Фақат англашилмовчиликларга йўл қўймаслик учун бир қанча томонларни аниқлаб чиқиш керак.

Биринчидан, қулларнинг эркин одамлардан сон жиҳатидан устунлигини қулдорликнинг асосий белгиси деб ҳисоблаш асло мумкин эмас.

Қадимги Шарқ жамиятининг характери тўғрисидаги мунозараларда кўпинча у ёки бу мамлакатда қуллар сонининг озлиги кўрсатиб ўтилган эди. Дуруст, уларнинг сонини тахминан белгилашга тўғри келарди. Бир қанча ҳолларда тегишли статистика маълумотлари топилмаган, бошқа ёқдан келтирилган қўшимча далиллар эса қуллар меҳнатининг салмоғини кутилгандан камроқ кўрсатар эди. Шу билан бирга, Маркс ҳам, Энгельс ҳам, Ленин ҳам қулдорлик жамиятида қулларнинг мутлақ кўпчиликини ташкил қилиши шарт эканлиги ҳақида ҳеч қачон гапирмаганликлари унутиб қўйилган эди. Аксинча, Энгельс ҳатто далаларда ва устахоналарда ўнлаб (юзлаб эмас, минглаб эмас, балки ўнлаб) қулларнинг пайдо бўлиши ҳам қуллик «ижтимоий системанинг муҳим таркибий қисми» бўлиб қола бошлаганлигини таъкидлаб ўтган эди. Бунинг устига, биронта социал-иқтисодий формация ҳам энг бошданоқ ўзига хос хусусиятларнинг ҳаммасига бирданига эга бўла олмаслиги кўпинча эсдан чиқариб қўйилади. Модимики ҳатто илк капитализм феодализмнинг кўп элементларини сақлаб қолган экан, у ҳолда айниқса анча секин

ривожлана борган биринчи синфий формация кўлгина эскилик сарфитларини сақлаб қолиши керак эди.

Бутун қадимги дунё тарихи давомида кўл билан бир қаторда майда ишлаб чиқарувчи меҳнат қилган. Шунингдек, кўлликдан ташқари, эксплуатациянинг турли формалари (масалан, ижара, вақтинча асорат, ёлланма меҳнат) кўрилади.

Бироқ ана шу эксплуатация турларининг ҳаммаси етакчи бўлмаган. Манбаларда бундай эксплуатация турлари ҳақида дам-бадам эслатиб ўтилиши кўлдорлик тараққиётининг умумий истиқболини хиралаштирмаслиги лозим.

Қадимги Шарқ подшоларининг, шунингдек ибодатхоналар ва акобир-аъёнларнинг ер-мулклари (вамлоки) да кўллардан фойдаланиш ҳамма вақт эксплуатациянинг устунлик қилувчи тури бўлган. Аммо бутун бошли мамлакат миқёсида қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчилик маҳсулотларининг энг кўп қисми эркин майда ишлаб чиқарувчилар томонидан етиштирилган. Давлат кемасининг ролини бошқарган кўлдорлар ҳукмрон синфи фуқаролар кўли билан ишлаб чиқарилган моддий бойликларни ўзлаштириш учун барча имкониятлардан кенг фойдаланган. Бу қўшимча даромадлар кўллар меҳнати маҳсулини миқдорий жиҳатдан ошириб юбориши мумкин эди. Мана шуларнинг ҳаммаси ҳали етарли даражада аниқ ташқи хусусиятлар касб этмаган кўлдорлик формацияси тараққиёти илк босқичларнинг ўзига хос хусусияти эди. Шу билан бирга, унутмаслик керакки, ҳар минг йилликда, баъзида эса ҳар юз йилликда, баъзи вақтинча тўхталишларга қарамадан, ишлаб чиқаришда кўллар меҳнатининг салмоғи оша борган, ва, оқибат натижада, эрамыздан аввалги II минг йилликда, хусусан I минг йилликда кўллар сони эрамыздан аввалги III минг йилликдагига қараганда анча кўпроқ бўлган.

Бу ҳол шунини асло истисно қилмайдики, тарихий тараққиёт процессининг нотекислиги туфайли у ёки бу мамлакатлар (Осиёда, масалан, Япония, Индонезия ва бошқалар) ривож топган кўлдорлик тузуми даражасига етишга улгуришолмаган ва илк ўрта асрларида феодаллашиш умумий процессига қўшилишган, шу тариқа, улар кўлдорлик формациясини четлаб ўтишган. Бу истиснолар умумий тараққиёт йўлининг қонуниятини тасдиқлайди, холос. Агар ана шу изоҳларнинг ҳаммаси эътиборга олинса, Шарқдаги кўлдорлик ва унинг ўзига хос хусусияти туғрисидаги масалани ҳал қилиш, бир қарашда қийин бўлиб кўринишига нисбатан, осонроқ бўлади.

Шарқда кўлдорлик тузуми Европадагига қараганда олдинроқ вужудга келгани сабабли, у ерда бу тузум ўзига хос шакл касб этган, худди шу хусусият марксизм классикларининг Осиё ишлаб чиқариш усули ҳақида гапиришларига асос бўлган; мазкур ишлаб чиқариш усулининг ўзига хос хусусияти жамоа ер эгалигидан иборатдир. Лекин К. Маркс бу масалада жуда эҳтиёткорлик билан иш кўрган ва Шарқдаги ерга нисбатан хусусий мулкчилик бўлмаганлиги ҳақидаги тезисни (асо-

дани) илгари сурган; кейинроқ у маҳаллий фарқ-  
сий қонун ва умумий қониданинг бузилишларини қайд этиб, бу мз-  
ларни Юзасидан бир қанча аниқликлар ва изоҳлар киритган.  
саламат думан жамоа ер эгаллиги Шарқдаги асосий мамлакатларда  
умумий қонундагига қараганда узоқроқ сақланиб қолган ҳамда ерга  
Фарқсиз баътан хусусий мулкчилик секинроқ ва кейинроқ қарор  
ни олиб берган.

Шарқда қулдорлик тузумининг секинлик билан шакллана  
борганлиги унинг бўлмаганлигини билдирмайди.

Марксча-ленинча концепцияда белгиланган умумий тарақ-  
қиёт йўли рад қилиб бўлмайдиган шак-шубҳасиз йўл бўлиб  
қолаверади. Бу йўл ибтидоий жамиятдан қулдорлик сари, сунгра  
феодализмга сари, капитализм сари давом этган, ундан кейин  
социализмга ва коммунизмга олиб келади.

Утмишнинг айрим истиснолари, эгри-бугри йўллари ва му-  
ваққат рецидивлари, яъни баъзи бир ҳодисаларнинг такрорла-  
нишлари (масалан, XIX асрнинг 60-йилларигача АҚШ жанубий  
штатларида негр қулларнинг эксплуатация қилинганлиги) прин-  
цип жиҳатидан жамият тараққиётининг юқорилаб боришига  
шубҳаланишга асос бўла олмайди.

Шубҳасиз, Осиё ишлаб чиқариш усули ҳақидаги масала му-  
раккаб ва жанжалли масаладир, бу темадаги мунозарани ҳали  
тугаган деб ҳисоблаб бўлмайди. Лекин махсус Осиё формацияси  
(баъзан уни ҳатто маҳаллий эмас, балки универсал формация  
деб эътироф қиладилар) бўлмаганлиги борган сари кўпроқ  
маълум бўлиб қолмоқда. Барча маълумотларга кўра, Осиё иш-  
лаб чиқариш усулини қулдорлик жамиятнинг маҳаллий укла-  
ди деб тушунмоқ керак, бунда қулдорлик секин суръат билан  
ривожлана борган.

Қадимги Шарқни мамлакатлар бўйича ўрганиб бориш қу-  
лайроқ бўлади. Бундай ўрганиш умумий тараққиёт йўлини ҳам,  
маҳаллий айирмаларни ҳам аниқлашга ёрдам беради; бу  
айирмалар ўзининг жуда хилма-хиллигига қарамасдан тарихий  
процесс қонуниятини ўзгартирмайди. Асосий эътибор йирик дарё-  
лар водийларида вужудга келган, Шарқ (Миср, Икки дарё  
оралиги, Ҳиндистон, Хитой, кейинроқ Хоразм) учун типик бўл-  
ган истибод деспотияларга қаратилади.

Тоғли мамлакатлар (Кичик Осиё, Сурия, Фаластин, Эрон)  
учун бошқа шароитлар характерлидир, бу жойларда синфий  
жамият ва давлат анча кейин вужудга келган. Дашт ерларда ўзи-  
га хос шароитлар таркиб топган, уларда кўчманчи чорвачилик  
устушлик қилган.

Воқеалар ва ҳодисалар, гарчи афсуски, ҳамма вақт хроноло-  
гик аниқлик билан кўрсатиш мумкин бўлавермаса ҳам, имкон  
борича изчил тартибда баён этилади.

Қадимги Шарқда (то эллин даврига қадар<sup>1</sup> хронологик сис-

<sup>1</sup> Шарқда Салавка давридан (эрамыздан аввалги 312 йилдан) бошлаб  
ҳисоблаш тартиби греклар томонидан жорий қилинган.

тема) антик дунёда олимпиадаларга қараб ёки Римни, йилла-  
га келишидан бошлаб ҳисоблаш каби система бўлмаган. (қараб)

Воқеаларнинг саналари подшоларнинг идора қилиш вақтлар-  
рига қараб кўрсатилган, ёки ҳар бир йил (асосий воқеага қара-  
маҳус ном билан аталган. Ана шуларнинг ҳаммаси воқеа-  
нинг ягона хронологик кanvasини тиклашда фоят катта қий-  
чиликлар туғдиради. Шунинг учун турли олимларнинг ҳисоб-  
лашлари бир-бирига тўғри келмай қолади (баъзан эса ҳозирги  
вақтда ҳам ҳамон ҳар хил бўлиб чиқмоқда). Шу сабабдан  
айни бир хил воқеаларнинг саналарини белгилашда турли нашр-  
ларда таассуфли ҳар хиллик рўй бермоқда. Воқеаларнинг сана-  
ларини онгли равишда бузиб кўрсатишлар ҳақида гапириш у  
ёқда турсин, агар асл манбалардаги камчиликлар ва қадимги  
нусха кучирувчилар (котиблар) нинг хатолари назарда тутилади-  
ган бўлса, саналарни белгилашдаги бундай тафовутларга ажаб-  
ланишга тўғри келмайди. Аксинча, сўнги ўн йилликлар мобайни-  
да қадимги Шарқ хронологиясини аниқлашда асримизнинг би-  
ринчи ярмидагига нисбатан анча муваффақиятларга эришилган-  
лигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Мунозарали саналар тобора камайиб бормоқда ва айирмалар  
энди юзлаб йиллар билан эмас, балки анча қисқа даврлар (қа-  
димги замонга хос кулам ва оддий даврлар) билан ҳисоблан-  
моқда.

## VII БОБ

### ҚАДИМГИ ИККИ ДАРЕ ОРАЛИҒИ (МЕСОПОТАМИЯ) МАНБАЛАРИ ВА ИСТОРИОГРАФИЯСИ<sup>1</sup>

Ўтган асрнинг ўрталаригача тарихчилар қадимги замонда  
Дажла ва Фрот хавзасида (Месопотамияда) яшаган халқлар  
туғрисида ундан-бундан олинган, бир-бирига қарама-қарши  
ва кўпинча бузиб кўрсатилган маълумотларга эга бўлганлар,  
холос.

Деярли фақат Библияда ва антик дунё (грек ва латин) автор-  
ларининг асарларида мавжуд бўлган маълумотлардангина фой-  
даланишга тўғри келган.

Таврот (Ветхий завет) деб аталмиш турли китобларда Бибил  
ва Осурия бир неча марта тилга олинади, аммо уларга қизиқиш  
бир тарафлама хусусиятга эга. Бу давлатларнинг Исроил ва

<sup>1</sup> Баъзида бутун Месопотамияни, бошқа холларда — фақат Куйи Месопо-  
тамияни (ҳозирги Бағдоддан жануб томонда) Икки даре оралиги деб атайди-  
лар; миҳхат ёзуви манбаларида Шумер ва Аккад деб, Библияда эса — Сеннаар  
деб аталади (сўнги ном ҳозирги замон олимлари томонидан жуда кам қўлла-  
нилади).



Яҳудия билан урўшлари ва ўзаро дўстона муносабатлари тас-  
вирланади.

Эрамиздан аввалги V асрда Шарқдаги бир қанча мамлакат-  
ларни бориб кўрган машҳур юнон (грек) тарихчиси Геродот  
Бобил ва Осуриянинг ўтмиши тўғрисида баъзи маълумотларни  
сақлаб қолган.

Афсуски, «тарихнинг отаси» (бу муаллифни қадимги замон-  
даёқ ана шундай деб атаганлар) қадимги Шарқ халқларининг  
тилларини билмаган ва таржимонларнинг хизматидан фойда-  
ланган; улар ҳамма нарсани билишга қизиққан шу чет эллик  
кишига турли-туман ривоятларни ва қизиқ-мароқли латифалар-  
ни ҳикоя қилиб бериб, ўтмиш воқеаларини чалкаштиришган,  
баъзан эса атайлаб бузиб кўрсатишган.

Улар Шумер, Аккад ва Кўҳна Бобил подшолиги ҳақида уму-  
ман ҳеч нарсани эсда тутишмаган. Янги Бобил подшолигидан  
фақат энг сўнггиси—Набонидни<sup>1</sup> ёдда сақлашган. Навуходонор-  
дан (Геродот саёҳатидан 100 йил олдин мамлакатни идора қил-  
ган подшодан) қолган иншоотларни эса малика Нитокридага  
нисбат беришган; грек тарихчисининг ҳикоясида бу аёл машҳур  
эрининг ўрнини эгаллаган.

Геродот аллақандай номаълум Ниини (мутлақо афсонавий  
шахси) Осурия подшолигининг асосчиси деб ҳисоблаган. Ле-  
кин, бунинг эвазига, «тарих отаси» кўрсатиб ўтган осур малика-  
си Семирамида тамомила реал шахс бўлиб чиқди. Ҳақиқий  
осур ҳужжатлари кашф этилиб, ўқиб чиқилганида эрамиздан  
аввалги IX асрда Осурияда малика Шаммурама<sup>2</sup> ўз ўглининг  
ёшлигида мамлакатни идора қилганини аниқлади. Греклар  
унинг номини бошқача қилиб Семирамида деб аташган.

Геродот Дажла ва Фрот водийсининг экономикасини (ирри-  
гациянинг роли, дарё кемаларидан Армаистон билан савдо  
учун фойдаланилиши ва шу кабиларни), шунингдек, аҳолининг  
маиший турмушини анча яхши тасвирлайди. Тўғри, бу ўринда  
ҳам баъзи нарсалар нотўғри талқин этилади. Мамлакатнинг  
унумдорлиги бўрттириб (экилган уруққа нисбатан гўё 300 бара-  
вар ошиқ ҳосил олади деб) кўрсатилади. Тарихий аҳамиятга  
эга бўлмаган бир қанча қизиқарли маиший латифалар келтири-  
лади. Албатта, Геродот айбли бўлмаган, чунки у қадимги Шарқ  
мамлакатларининг архивлари ва кутубхоналарига кира олма-  
ган, у тасодифий ва баъзан поинсоф суҳбатдошлар айтиб бер-  
ган оғзаки анъана—урф-одатлар билан чекланиб қолишга маж-  
бур бўлган.

Шунингдек, антик замоннинг бошқа тарихчи ва географлари<sup>2</sup>  
Бибил ва Осуриянинг ўтмиши ҳақидаги узоқ хотираларни келти-

<sup>1</sup> Грекча талаффузда Лабинет.

<sup>2</sup> Грек тарихчилари Ктесий (эрамиздан аввалги V—IV асрлар) ва Диодор  
(эрамиздан аввалги I аср), географ Страбон (эрамиздан аввалги I аср—эрамиз-  
нинг I асри). Рим муаллифларидан Помпей Трогни ва Катта Плинийни кўр-  
сатиб ўтиш лозим.

ришган; булар гуё Ҳиндистонга ҳарбий юриш қилган ҳудди ўша Семирамида ҳақидаги ёки тантиқ ва бузуқ (фосиқ) Сарданапал ва унинг замонида Осурия давлатининг ҳалок бўлганлиги тўғрисидаги афсоналар ва ахлоқий ҳикоялар билан аралашиб кетган хотиралардир. Эрамиздан аввалги III асрда, Бобил грек-македонияликлар ҳукмронлиги остида бўлган бир замонда яшаган ва ёзган бобиллик қоҳин Берос анча кўп маълумотларга эга бўлган. У чет эллик истилочилар учун грек тилида уч китобдан иборат «Бобил тарихи»ни ёзган.

Берос афсоналардаги «тўфон» замонларидан бошлаб (I-китоб), реал воқеаларга ўтган ва ўз баёнини Александр Македонскийнинг Бобилни истило қилганига қадар етказган.

Берос билимдон бобиллик бўлгани сабабли у Бобил ибодатхоналарида сақланадиган асл ёзма манбалардан фойдалана олган.

Берос тарихий воқеаларини изоҳлашда ёрқин ифодаланган диний тенденция (майл)ни намоён қилди. Бунинг устига Берос асарининг парчаларигина бизнинг замонгача етиб келган, бу ҳам унинг аҳамиятини анча пасайтиради.

Ниҳоят, шуни айтиш мумкинки, яҳудий, грек ва латин тилларида баён этилган ана шу маълумотларнинг ҳаммаси қадимги Месопотамия тарихини тиклаш учун мутлақо етарли эмас эди. Ана шу барча маълумотлар асосан эрамиздан аввалги I минг йиллик воқеаларини, шунда ҳам катта сукут ва бузилишлар билан таърифлайди, холос.

Дажла ва Фрот водийсида қадимги замонларда яшаган одамлар гаплашган, аммо унутилган тилларнинг тикланиши туфайлигина<sup>1</sup> уларнинг тарихини чуқур ўрганишга имконият туғилиши мумкин эди. Бунинг учун даставвал миҳсимон хат деб аталган, деярли икки минг йил илгари (эрамизнинг I асрида) мутлақо истеъмолдан чиқиб қолган ёзувни ўқиб чиқариш зарур эди. Миҳхат ёзувларининг кўпчилиги чуқур ер остига кўмилиб кетган, аммо улардан баъзи бирлари қоятошлар сиртида ёки ярим вайрона биноларнинг деворларида сақланиб қолган.

Эрамизнинг XVII—XVIII асрларидаёқ Персеполь саройи (жануби-ғарбий Эронда) вайронларидаги тош тахталар устида қоплаган ғалати белгилар ҳақидаги маълумотлар Европага ёйила бошлаган. Бу белгилар гоҳ мувозий, гоҳ кесишиб ўтадиган, гоҳ қийшайиб борадиган понасимон группалар эди. Буларни нақшлар деб ҳисоблаган сайёҳлар ҳам бўлган. Бошқа сайёҳлар эса уз кўз унгида тошга битилган ёзувлар турганлигини пайқаб қолган, лекин уларни ўқиша олмаган («Бу қандай қадимий қайси тилдаги ёзувлар эканлигини ҳеч ким айта олмайди»,— дегизибди сайёҳлардан бири).

Мазкур қадимги ёзувларнинг бир қанча кўчирма нусхала

<sup>1</sup> Ҳозирги Ироқда араб тили ҳукмронлик қилмоқда. Аҳолининг бир қисми курд тилида сўзлашади.

Европага олиб келинган ва уларни ўрганишга ҳаракат қилина бошлаган. Даставвал бу нусхаларнинг уч тилда ёзилганлиги аниқланган. Бу тахмин кейинчалик тасдиқланган. Қадимги форс подшолари ўз пойтахти (туғрироғи, пойтахтларидан бири) бўлган Персеполда ўз номларини форс, элам ва бобилликлар тилларида тошга ўйиб ёзишга буюрганлар.

Немис ўқитувчиси Гротефенд ана шу миҳхат системаларидан бири (энг осон — форс системаси)нинг белгиларини ўқиб чиқишга биринчи бўлиб қадам қўйган. У ёзувлардаги «подшо» сўзини билдирадиган белгилар группасини аниқлашга, сўнгра эса Доро ва Қсеркс деган шохларнинг номларини ўқиб чиқишга муваффақ бўлган. Гротефенд жами тўққизта алфавит белгисини билиб олишга муяссар бўлган.

Форс шоҳи ҳукуматига вақтинча командировка қилинган инглиз офицери Г. Роулинсон бу борадаги ишни анча илгари силжитган. У ўзининг ҳарбий, дипломатик ва агентлик вазифаларини бажарар экан, Эрон бўйлаб тез-тез саёҳатлар қилган ва ҳақиқий ёдгорликлар билан танишиш имкониятига эга бўлган.

У 100 метрга яқин баландликдаги Бехистун қоясининг тикка ён бағрига (Эроннинг гарбий чегараси яқинида) ўйиб ёзилган ғоят катта миҳхат ёзувининг нусхасини жуда қийинлик билан кўчириб олишга муваффақ бўлган. Бу ёзувни синчиклаб ўрганиш учун 12 йил вақт кетган (1835—1847 йиллар), аммо шунинг эвазига натижалар кутилганидан зиёд бўлиб чиққан. Бу — Гротефенд номини ўқиб чиқарган ўша Доронинг ёзуви ва худди ўша уч тилдаги ёзув бўлган.

Бу гал 9 та эмас, балки бир неча юз белгиларни билиб олишга ва форсча ёзувни бир-бирига ўхшаш ёзувлар (бобил ва элам ёзувлари) билан солиштириб чиқишга муваффақ бўлинган. Бобил сўзлари илдизларининг тегишли яҳудий ва араб сўзлари илдизларига жуда яқин бўлиб чиққанлиги бу ишга ёрдам берган.

Шубҳасиз, Роулинсон бу ишларнинг ҳаммасини ёлғиз ўзигина бажармагандир. Бир қанча тадқиқотчилар (инглиз, француз, немис текширувчилари) унинг издошлари бўлишган.

Айниқса талантили рус осуршуноси М. В. Никольскийнинг (1848—1917 йиллар) исли кўрилмаган муваффақиятларини кўрсатиб ўтиш лозим; у миҳхат белгиларининг энг дастлабки расм-сурат ёзуви, (пиктограммалардан келиб чиққанлигини кузатиб боришга муваффақ бўлган.

Дастлаб понасимон белгиларининг ажойиб, жимжимадор бирикмалари қандайдир ҳамоҳанглик ва тушунчалар бера олишига ишонмайдиган скептиклар ҳам чиқиб қолган. Миҳхат текстларининг дастлабки осуршунослар<sup>1</sup> томонидан қилинган

<sup>1</sup> Даставвал ҳар қандай миҳхатни ўрганиш осуршунослик деб аталган, чунки миҳхат текстларининг кўпчилиги Осурия шаҳарларининг харобаларидан тошлаган эди. Сўнгра шумерология, хеттология ва бошқалар махсус фанлар сифатида ажралиб чиқди.

биринчи таржималари фантазия самараси деб ҳисобланган. Бироқ, бир ёзувда Дажла дарёси бошидаги қояда икки осур подшосининг ўйиб ишланган суратлари борлиги ҳақидаги кўрсатма топилгач, ўша кўрсатилган жойга шайлаб юборилган экспедиция ҳақиқатан шу ёдгорликларни топганидан кейин, ҳар қандай шубҳалар йўқолган.

Филологик қидиришлар билан айни бир замонда археологик қазилар ўтказилган, бунда фақат моддий маданият ёдгорликларига эмас, балки ўн мингларча янги текстлар ҳам топилган. Дажла ва Фрот водийсидаги текис юзада ажралиб турадиган сон-саноқсиз тепаликлар остида аллақачон йўқ бўлиб кетган шаҳарларнинг яширин харобалари борлиги маълум бўлган.

Ўтган асрнинг 40-йилларида инглиз археологи Лэйрд Осурия пойтахти Ниневия харобаларини ковлаб, у ердаги саройнинг қолдиқларини текширишда подшо Ашшурбанипалнинг (эрамиздан аввалги VII аср) 20 000 сопол китоблар (миххат белгилари билан қопланган сопол лавҳалар)дан иборат ғоят катта кутубхонасини топган.

Бобил-Осур ёзувлари билан бир қаторда<sup>1</sup> семитик ёзув текстларидан ҳам, Эрон ёзувларидан ҳам фарқ қиладиган мутлақо алоҳида тилдаги кўпгина текстлар топилган.

Орадан кўп ўтмай, бу тилда Таврот муаллифлари ҳам, антик замон муаллифлари ҳам билмаган бир халқ сўзлашиб келганлиги аниқланган, чунки у халқ бобилликлар ва осурлар билан бирга қўшилиб, эрамиздан аввалги II минг йилликдаёқ йўқ бўлиб кетган. Аммо ана шу юксак маданиятли халқнинг адабий мероси сақланиб қолган ва осур подшоларининг мирзалари томонидан пухта ўрганилган. Олимлар уларнинг тузгунлиги, саводхонлиги, справочниклари ва сатрма-сатр таржималари ёрдами билан шумер тилини тиклай олганлар; аслида, бу тил деярли тўрт минг йил илгари сўзлашув тили бўлмаб қолган эди. Мазкур тилнинг кашф этилиши шунчалик қўтилмаган бир воқеа бўлганки, кўпгина филологлар ҳатто шумер халқининг мавжуд бўлганига ҳам шубҳа қилишган ҳамда сирли ёзувлар, махфий маълумотлар ва диний сирларни ёзиб қўйиш учун атайлаб ихтиро этилган сунъий тилда тузилган ёзувлар, деб ҳисоблашган. Шумер ёзуви криптография (махфий белгилар билан битилдиган ёзув) деб аталган. Кейинчалик бу шубҳалар тасдиқланмади. Ўтган асрнинг 70-йилларида француз археологик экспедицияси Шумер шаҳри Лагашнинг харобаларини ковлаган; бу ерда ўзларига хос ташқи хусусиятларга эга бўлган шумерлар тасвирлари ва ҳеч қандай таржимасиз уларнинг ўз тилидаги кўпгина ёзувлар топилди. Улар орасида шартномалар, маҳсулотларнинг рўйхатлари ва хизматга тегишли бошқа ҳужжатлар бор бўлиб, уларни махфийлаштиришдан ҳеч қандай маъно йўқ эди.

<sup>1</sup> Аниқроғи, аккад тилининг Бобил ва осур диалектларида.

Эр. ав. IV миңг жыл ликда	Эр. ав. II миңг йилликда	Эр. ав. II—I миңг йилликдаги тез ёзувлар		Нима таsvирлан- гам	Сўздаги маъноси			Бўгиндаги маъноси
		Бобил	Осур		Нима дегани	Шумер тилида	Аккад тилида	
				Оёқ	«Юриш» «босиб туриш» «Олиб келиш»	Ду, Гин, Ара, Губ, Тум	Алаку Узуку Вабаку	Ду, Гин Губ, Гуп Ра, Тум
				Чап қул	«Чап»	Каб, Куб, Губ	Шумелу	Каб, Кап Губ, Гуп Хуб, Хуп
				Буйрони махкам лайдингач қозқича	«Қозқича» «Қурмиқ»	Гал Ду	Сайкагу Бану	Гал, Как Ду
				Бир боғ пиез	«Пиез, саримсоқ» «бермоқ»	Сум, Сум, Си (М)	Карашу Надану	Сум, Шум Се
				Юлдуз	«Осмон» «Худо»	Ан Дингир	Шаму Илу	Ан
				Балиқ	«Балиқ»	Куа, Ха Ха	Нуну	Ха
				Тоғлар	«Тоғ» «Мамлакат»	Кур, Гин Кур	Шаду Мау	Кур, Гин Шад, Маг Над, Наг Яад, Яаг
				1. Еввойи хўкиз 2. Хонаки хўкиз тоғлар аломати	«Еввойи хўкиз»	Хам	Рему	Ҳам
				Ориқ	«Ориқ»	Э	Йку	Э
				Бошок	«Арпа»	Ше	Шёу	Ше
				Плуг	«Плуг» «Дехқон» «Ер ҳайдаш»	Апин Энгар Уру	Эпйну Йккару Эрёшу	Пин

Пиктограммалардан бошлаб миххат белгиларининг  
ривожланиб бориш жадвали.

ХІХ асрнинг охирида Иккидарё оралиғининг асосий маркази—қуш девор билан уралган ва каналлар тармоғи билан утилган Бобил (Вавилон) ковлаб очилган. Истеҳкомлар билан мустаҳкамланган сарой ёнидан шерлар ва бошқа ҳайвонларнинг юксак бадий, ранг-баранг шакллари ураб олган кенг, катта ва чиройли куча («Муқаддас йўл») утган. Бу куча етти қаватли, поғона-поғона минорали (зиккуратли) ибодатхонага олиб борган.

Ана шу иморатларнинг ҳаммаси шаҳар мавжудлигининг кейинги даврига (эрамиздан аввалги VII—VI асрларга) тааллуқлидирлар. Анча илгариги иншоотлар бир неча марта тор-мор қилиниш ва ёнғинлар натижасида йўқолиб кетган. Аммо, шундай бўлса ҳам, Кўҳна Бобил подшолигидан энг қимматли ёдгорлик мамлакат чегараларидан ташқарида, қўшни Элам давлатининг пойтахти Сузах шаҳрида топилган (у ерга бу ёдгорлик ҳарбий ўлжа тариқасида ўтиб қолган). Бу қора базальт устун бўлиб, унга Бобил подшоси Хаммурапининг қонунлари ёзилган эди. Уни XX асрнинг энг бошида Элам пойтахтининг харобаларини қазиб очган француз археологлари топишган. Анча кейинги қазिशмалардан Шумер шаҳри Урда мақбараларнинг ва сомиий (семит) лар шаҳри Марида (Бобилдан шимоли ғарброқда) улкан саройнинг кашф этилганлигини кўрсатиб ўтиш лозим.

Археологлар ва филологларнинг қидиришлари қадимги Месопотамия халқларининг тарихини ўрганиш учун негиз яратди. Асосан мамлакатнинг сиёсий ва маданий тарихи ўрганилди. Урушлар ва подшоларнинг бинокорлик фаолияти, шунингдек, худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар ва афсоналар олимларнинг диққат марказида бўлди. Инглиз осуршуноси Ж. Смит (оддий ҳарф терувчи, зўр бериб ишлаш ва ғайрат-шижоати уфайли катта олим бўлиб қолган) тўфон ҳақида Бобил афсонаси текстини кашф этган; бу ёзув Тавротда шунга мос келадиган афсонавий ҳикоянинг тимсоли бўлиб хизмат қилган. Немис семитшуноси ва осуршуноси Ф. Делич Таврот китобининг деярли бутун мазмуни Бобилдан олиб ўзлаштирилган деб, кўрсатишга уринган, лекин бу, шубҳасиз, муболағадир.

Панбобилчилар мактабига бошчилик қилган бошқа бир немис шарқшуноси — Г. Винклер янада нарироққа кетган. Бу мактаб Бобил халқи ўз табиати жиҳатидан ниҳоятда истеъдодли бўлиб, ўз таъсирини ҳаттоки Хитойга ва Жағубий Америкагача ёйган, деб баҳо берган. Ана шу бир ёқламаликларнинг ҳаммаси бошқа тадқиқотчилар (шу жумладан йирик рус шарқшуноси Б. А. Тураев) томонидан қаттиқ танқид қилинди. Шундай бўлса ҳам, Бобилнинг экономика ва маънавий маданиятнинг турли соҳаларида эришган катта мувоффақиятларини ва унинг бошқа бир қанча мамлакатларга (гарчи панбобилчилар даъво қилишганидек шундай хаёлий кўламларда бўлмаса-да) кўрсатган таъсирини инкор этиш мумкин эмас.

Шуни ҳам назарга олиш керакки, бобилликлар кўпгина адабий сюжетлар ва илмий кашфиётларни шумерийлардан олиб ўз-

лаштиришган (америкалик шумершунос С. Н. Крамер буни шакшубҳасиз исбот қилди).

Қадимги Месопотамия халқларининг социал-иқтисодий тарихига қизиқиш бирданига пайдо бўлган эмас. Ўтган аср охиридагина М. В. Никольский Шумер ва Аккаднинг хўжалик ҳисоботи ҳужжатларига эътибор бериб, уларни ўрганди. Бошқа бир рус олими — И. М. Волков қадимги Иккидарё оралигининг ҳуқуқий (юридик) ҳужжатларини ўрганишида кўпгина иш қилди.

Шумер ва Бобил-Осурия жамиятининг социал тузилиши (структураси) ҳақидаги масала чет эл фанида ҳам, рус фанида ҳам кўп мунозараларга сабаб бўлди. Аличагина тарихчилар қадимги Месопотамиядан ўрта асрларга ва ҳатто янги замонга хос бўлган ҳодисаларни (крепостной ҳуқуқ ва унинг бекор қилиниши, лен системасини, капиталистик корхоналар, баикларнинг пайдо бўлиши ва ҳоказоларни) қидирдилар. Айниқса немис циклистлари Эд Мейер ва М. Вебер шу ишга берилиб кетишган. Вебер ҳатто, Бобил «энг бошданок» капиталистик мамлакат бўлган, деб даъво қилган.

Совет тарихчиси В. В. Струве бошқача тадқиқот йўлини танлади; у эрамиздан аввалги III минг йиллик охиридаги Шумер подшолари—ибодатхоналарининг поместьелари (ер-мулклари) ни ўрганди ва уларда қуллар меҳнатини эксплуатация қилиш устун бўлганлигини аниқлади. Шунингдек, унинг қадимги Иккидарё оралиғида тула ҳуқуқли аҳоли доираларининг кенгайиб бориши ҳақидаги, қуллик-қарздорликни чеклаш учун олиб борилган кураш тўғрисидаги ва шу каби муҳим тадқиқотлари бор.

И. М. Дьяконовнинг капитал (катта) асарлари, жумладан унинг Шумер, Бобил (Вавилония) ва Осурия ер муносабатлари, патриархал оила ва қишлоқ жамоасининг, сиёсий тузумининг ривожланиши ва бузилиши проблемасини ишлаб чиқиши катта аҳамиятга эгадир.

Бошқа совет осурушунослари ва шумершуносларидан В. К. Шулейко, А. П. Рифтин, Л. А. Липин, Н. Б. Янковская, В. А. Якобсон, А. Г. Кифишин, Р. А. Грибов, В. А. Белявский ва С. С. Соловьеваларни кўрсатиб ўтиш лозим.

## VIII БОБ

### ШУМЕР ВА АККАД ДАВЛАТЛАРИ

**1. Табиий шароитлари.** Месопотамиянинг жанубий қисми (Иккидарё оралиғи — шу сўзни тор маъносида олган) Форс қўлигининг Дажла ва Фрог дарёлари оқизиқлари билан тулиши натижасида пайдо бўлган. Денгиз сувлари жанубга тобора кўпроқ чекиниб, ботқоқли текисликка жой берган.

Қадимги тош асри (палеолит) замонларида мамлакат нуқул ботқоқдан иборат бўлиб, унинг устида чивин ва искабтопарлар

учиб юрган. Бу ерда одамларнинг ҳаёт кечириши мумкин бўлмаган. Археологларнинг шу вақтгача бу жойлардан битта ҳам палеолитик қурол топишмаганлиги бежиз эмасдир.

Фақат янги тош (неолит) даврида, шунда ҳам туғрироғи унинг охирига келиб, теварак-атрофдаги қирларнинг (оз сонли) аҳолиси, эҳтимол, зур эҳтиёж (озиқ-овқат запасларининг туғаб қолиши ва душманларнинг сиқуви) сабабли, қувғинга учраш орқасида бўлса керак, Иккидарё оралиғига кира бошлаган.

Иккидарё оралиғининг асосий бойлиги Форс қўлтиғи у ёқда турсин, дарё ва кўлларда тулиб ётган жуда кўп балиқлар, шунингдек, қамишзорларга уя солган сузувчи қушлардан иборат бўлган. Қўшни даштлардан ёввойи ҳўкизлар, ғазоллар, ёввойи эшаклар, туяқушлар ва майда илвасинлар келиб қолардилар. Арслонлар энг хавфли йиртқичлар бўлган.

Энг қадимги одамларнинг асосий машғулоти овчилик ва айниқса балиқ овлash бўлган. Шунингдек, мотигадан фойдаланиб қилинадиган деҳқончилик ҳам кичик кўламларда ривожлана борган; бунинг ихтирочилари (афсонавий ҳўкояларга қараганда) аёллар бўлган. Ботқоқлар билан кўллар ўртасидаги кичик-кичик ер парчалари чопилиб бошоқли ўсимликлар (арпа, икки донли бугдой<sup>1</sup> ва бошқалар), шунингдек сабзавот (саримсоқ, пиёз, бодринг) экилган. Хурмо дарахти жуда эрта ўстирила бошлаган ва Иккидарё оралиғининг асосий мевали дарахти бўлиб қолган. Сезам (кунжут) ҳам катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг донидан мўй сиқиб чиқарилган. Айни замонда чорвачилик ривожланган (майда мол ва қорамол, чўчқалар, эшаклар урчитилган). Уй ҳайвонларидан фақат гушт ва сут олиш учун фойдаланиш билан чекланиб қолинмаган. Эшакларни, кейинчалик



Иккидарё оралиғида ер ҳайдаш.

<sup>1</sup> Бошқача айтганда, Эммер(полба) бугдойнинг бир тури. Чинакам бугдойдан фарқ қилиб, янчишда унинг пўсти дондан ажралмас эди.



ҳукизларни плугга (суқага) қушишни урганишган, шунингдек, улардан янчиш учун фойдаланишган. Мотига билан деҳқончилик қилишдан плуг билан деҳқончилик қилишга ўтилиши ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланишида анча катта силжиш бўлган. Купроқ экин майдонларини ўзлаштиришга имконият туғилган. Аммо бундай майдонни табиатдан зўрлаб олиш керак эди. Ботқоқларни қуритишга, далаларни Дажла ва Фрот тошқинларидан ҳимоя қилишга, сунъий ҳовузларда сув запасларини (қурғоқчилик вақти учун) сақлашга тўғри келган. Бунинг учун каналлар қазилди, тўғонлар қурилди, қуёш ҳарорати қуритган баланд участкаларда эса қудуқлар қазилди зарур бўлган. Кейинчалик далаларни суғориш усуллари тобора такомиллашади (чунки Иккидарё оралиғида асосий қишда ёмғир ёғади).

Дажла ва Фрот дарёлари водийси қўпгина авлодларнинг меҳнати туфайли мисли қурилмаган (50 барабар ва ундан ҳам кўп бошоқ) ҳосил берадиган серҳосил мамлакатга айланган.

Қурилиш ва ҳунармандлик учун керакли хом ашё билан боғлиқ бўлган иш анча оғир бўлган. Мамлакатда катта ўрмон массивлари бўлмаган. Хурмо дарахти таналари ва ингичка толлардан (шу билан бирга жуда тежаб-тергаб) фойдаланишга, узоқ тоғлардан йўғон кедр ва сарв (кипарис) дарахти гулаларини жуда қийинлик билан етказиб келишга тўғри келган.

Жойларда лойтупроқ ва қамишгина сероб булиб, улардан жуда хилма-хил усуллар билан фойдаланилган. Турар жойлар қамишдан тўқиб чиқилиб, ичи-тоши лой билан сувалган, кейинроқ эса хом ёғишдан қуриладиган бўлган.

Қўпгина қишлоқ хўжалик қуроолларини (ҳатто ўроқ ва дон янчигични ҳам) лойдан ясаш йўлини топишган. Худди Иккидарё оралиғида биринчи марта сопол китоблар (устига белгилар ўйилган сопол тахтачалар) ва ҳатто сопол конвертлар пайдо бўлган.

Қурилган қамиш ҳар турли буюмлар ясаш учун ҳамда ёқилғи ўрнида ишлатилган. Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликнинг ривожлана бориши аҳолининг тез ўсишига олиб келган. Катта қишлоқлар пайдо бўлган, улардан баъзилари катталашиб, деворлар билан ўралган шаҳарларга айланган.

2. Аҳолиси. Иккидарё оралиғининг аҳолиси этник жиҳатидан бир хил бўлмаган. Гап шундаки, мамлакат икки томондан эгаллаб олинган. Шумерийлар Дажла ва Фрот қирғоқларига шарқдан тушиб келишган. Улар сўзлашган тилни бирор бир тил оиласига киритиш қийин<sup>1</sup>.

Шумерийларни ташқи қиёфаси жиҳатдан бошқа халқлар билан аралаштириш қийин. Гирдиғум (паст бўйли), калтаба-

<sup>1</sup> Шумер тилини туркий тиллар билан, энг қадимги Ҳиндистон (мунд) тиллари билан (грамматика жиҳатидан ҳам, лексика таркиби жиҳатидан ҳам) таққилоқлашга уринишлар бўлган. Бироқ буларнинг ҳаммаси дастлабки гипотеза (фаразия)дир, ҳолоёс.

қай жуссалар, кулча юзлар, тан-қайған бурунлар, соқол ва мүйловиниң йўқлиги—ана шуларнинг ҳаммаси уларни қушниларидак яққол ажратиб туради.

Ғарбдан ва шимоли-ғарбдан семит (сомий) қобилалари (шумерийлар билан айнаи бир замонда булса керак) Иккидарё оралиғига кириб келишган. Ҳамма маълумотларга қараганда, уларнинг ватани Арабистон ярим ороли ва Шимолий Африка булган, улар Фаластин ва Сурия орқали утишган. Қучиб келувчи семитларнинг биринчи тўлқини бундан буён аккадликлар (Аккад шаҳрига кўра) номини олган, уларнинг қадимги яҳудий ва араб тилларига қариндош булган тили эса аккад тили деб атала бошлаган.

Аккадлар ташқи кўриниши жиҳатдан жуссаларининг анча келишганлиги ва юзларининг чўзиқлиги билан соқолларининг одатдан ташқари гажакдорлиги ва чекка соқоллари (бакенбардлари) билан шумерийлардан ажралиб туришган. ]



Аккадлик сурати.



Шумер сурати.

**3. Ижтимоий тузуми.** Иккидарё оралиғида истиқомат қилган энг қадимги сдамлар ҳали уруғчилик тузумида яшаганлар. Ишлаб чиқаришда (хусусан мотига билан деҳқончилик қилишда) муҳим роль ўйнаган аёллар катта иззат-ҳурматга сазовор булганлар. Улар уруғ ва қабила йиғилишларида иштирок этишган. Бу ҳақда афсоналарда узоқ хотиралар сақланиб қолган, бунда худолар билан бир қаторда маъбудаларнинг самовий кенгашда ишларини муҳокама қилишайтганлиги курсатилган.

Бироқ матриархатга хос бўлган ана шу ҳодисалар янги муносабатларга жуда барвақт ўз ўрнини берган. Патриархал оила жамиятининг асосий ячейкасига айланган, бунда ота хотини ва болалари устидан ҳокимликни эгаллаган ва оилавий мулкни бошқарувчи бўлиб қолган. Эрамиздан аввалги III минг йилликда халқ йиғилишида фақат эркаклар (ҳарбийлар) иштирок қилишган. Айрим катта оилалар ирригация ишлари тобора ривожланиб, деҳқончилик техникаси мураккаблашган сари ерларни ўзлаштириш ва дарё сувларини жиловлаб олиш учун зарур бўлган мураккаб ишларни энди уddалай олмай қолишган. Оилалар қариндошлик алоқаларига қарамасдан бирлашадилар. Ер чекларга тақсимланади ва умумий мажбурий ишлар (туғонлар қуриш, каналлар қозиш, кейинроқ шлюзлар қуриш, тупроқнинг шўрланишига қарши чоралар ва шу каби ишлар) биргаликда олиб борилади.

4. Қулликнинг вужудга келиши. Ибтидоий жамоа (уруғ жамоаси)дан қишлоқ (қўшни) жамоасига ўтишнинг ана шу босқичида энди одамнинг одами эксплуатация қилиши пайдо бўлади; илгари, ишлаб чиқарувчи кучлар анча паст даражада бўлган замонда бундай эксплуатациянинг бўлиши мумкин эмас эди. Модомики, ҳарбий асирларнинг мажбурий меҳнатидан фойдаланишнинг ибтидоий овчилар учун фойдаси бўлмаган экан (чунки бундай меҳнат жуда кам фойда келтирар эди), деҳқонлар ва чорвадорлар энди бошқа одамлар яратган қўшимча маҳсулотни ўзлаштириш имкониятига эга бўлганлар. Қабилалар ўртасидаги туқнашишлар вақтида қўлга туширилган асирлар қулларга айлантирила бошланган. Улар асосан аёллар ва болалардан иборат бўлган. Бироқ, кейинчалик, қулликка солинган аёллар тахминан бир хил сонда ўғил ва қиз болалар туғишган ҳамда қуллар билан чўриларнинг сон жиҳатидан нисбати бараварлашган. Энг оғир ишларда қуллар меҳнатидан фойдаланилган. Қулларни каналлар қозишга, ғиштдан иморатлар қуришга мажбур этилган, чўрилар эса қўл тегирмон тошлари билан дон янчишлари керак бўлган.

Энг қадимги Шумер ҳужжатларида (эрамиздан аввалги қарийб уч минг йил олдин) қуллар тилга олинади. Аммо улар ҳали жуда оз бўлган, эркин одамлар эса ишлаб чиқарувчиларнинг асосий кўпчилигини ташкил қилган. Қулларнинг кўпинча худоларга атаб қурбон қилинганлиги уларнинг меҳнатига қандай кам аҳамият берилганлигини кўрсатади. Кейинчалик бу одатга амал қилинмаган, чунки энди иш кучини бундай ўринсиз сарф қилишга йўл қўйилмайдиган бўлиб қолган.

Жамоага ёки хусусий хўжайинларга ишлаб берадиган қуллар энг бошдаёқ ҳуқуқсиз бўлишган. Шумерийлар уларни хўжайинлар олдида бош эгувчилар деб аташган.

Лекин қишлоқ жамоаларининг эркин аъзолари орасида ҳам (илгариги уруғ жамоаларидан фарқ қилиб) тенглик бўлмаган. Қишлоқ хўжалиги ва хунармандчилик маҳсулотларининг кўпая

борганлиги уларнинг ортиқча қисмини сотишга имкон берган. Айирбошлаш ривожланган, дағлаб натурал айирбошлаш (дон қиймат уловчи бўлган), кейинчалик эса пул билан айирбошлаш тараққий этган. (Эрамиздан аввалги III минг йилликда баъзан муайян оғирликдаги кумуш қуймалари ишлатилган).

Қишлоқ жамоаси ичида энг яхши чек ерларни босиб олувчи, қулларга эгаллик қилувчи ва кучадиган мулк тупловчи қудратли оилалар ажралиб чиқишади. Урушда улар эшаклар қўшилган жанг араваларида майдонга чиқадилар (йилқичилик кейинроқ эрамиздан аввалги II минг йилликдагина ривожланади) ва улжанинг катта қисмини босиб оладилар.

**5. Давлатларнинг вужудга келиши.** Ҳокимиятни қўлга олган ва бойликларни босиб олган қабила аъёнлари ана шу тариқа ажралиб чиқишган, ваҳоланки, оддий жамоа аъзолари камбағаллаша бориб, мулкдорлар ҳокимиятига бўйсунушлари керак бўлган. Мулккий тенгсизликнинг ва қулларни (ҳали оз сонли қулларни), кейинчалик эса камбағаллашган эркин одамларни ҳам эксплуатация қилишнинг кучайиши пайдо бўлаётган қулдорлар синфининг ҳукмронлигини таъминлайдиган давлат ҳокимиятининг ташкил топишига муқаррар равишда олиб келган. Давлатқа давлат тузилишлари ҳали уруф-қабила анъаналарини сақлаб қолишган. Подшо ҳали илгариги қабила бошлигини кўп жиҳатдан эслатар эди. У муҳим ишларни ҳал этиш учун оқсоқоллар кенгашини, кейинроқ эса халқ йиғилишини чақириб турар эди, қурол-яроғ кўтаришга қурби етадиган барча одамларнинг бу йиғилишга келиши мумкин эди. Қабила демократияси ёки К. Маркс ва Ф. Энгельснинг термини билан айтганда «ҳарбий демократия» ана шундан иборат эди.

Мамлакатнинг бирлашиши тезда содир бўлмаган. Эрамиздан аввалги III минг йиллик бошларида бу ерда бир неча ўнлаб шаҳар, давлатларни учратамиз. Уша замонда шаҳар бир қанча қишлоқ жамоаларининг бирга қўшилишидан иборат бўлиб, бунда ўзларини-ўзи идора қилувчи маҳалла (квартал)лар вужудга келтирилган. Ҳар қайси маҳалланинг марказида маҳаллий худо ибодатхонаси бўлган. Теварак-атрофдаги кичик қишлоқлар ҳоким (патеси) бош бўлган марказга бўйсунушган; ҳоким айни замонда лашкар боши ва олий қоҳин ҳисобланган.

Бирор шаҳар кучая бориб, бошқа шаҳарларни ўзига бўйсундирган вақтда унинг ҳокими подшо унвонини (шумерча «лугаль») олган. Давлат ҳокимияти аста-секин кучая борган, подшолар аъёнларга ва олий қоҳинларга суяниб, оддий фуқароларни писанд қилмай қўйишган ва уларни ҳар турли мажбурий ишларга тинмай торта беришган. Уруғдан патриархал оилага ва қишлоқ жамоасига, қабиладан (ёки қабилалар иттифоқидан) давлатга ўтишининг ана шу бутун процесси узоқ ва аста-секин давом этган процесс бўлиб, тахминан эрамиздан аввалги V минг йиллик охиридан III минг йиллик ўрталаригача, археологик терминологияга кўра энеолит (мис-тош асри) гача бўлган даврни қамраб олади.



Ур шаҳридаги подшо мақбарасидан топилган арфа (чилтор)

Қазилмаларнинг маълумотлари ишлаб чиқарувчи кучларнинг тўхтовсиз ўса бэрганлиги манзарасини тасаввур этишимизга имконият беради; икки минг йил давомида рўй берган ўша силжишлар ана шу ўсиш билан боғлиқдир.

Ушбу узоқ даврдаги асосий босқичлар: Ал-Убайд босқичи, Урук босқичи ва Жомдит-Наср босқичи деган шартли номларни (қазилмаларнинг асосий жойларига қараб) олган.

Ал-Убайд маданиятининг характерли хусусияти тош қуроллар, қисман эса ҳатто сопол қуроллар (ўроқлар, ип йигириш чархлари)нинг ҳали кўп бўлишидир. Мисдан чўкичлаб ясалган болталар ва шу металлдан ишланган бошқа буюмлар ҳали кам учрайди. Энди овчилик ва балиқ овлашдан оддий деҳқончиликка ва чорвачиликка ўтиш кўринади. Ранг-баранг гуллар ва расмлар (баъзан юсак бадий шакллар) солинган сопол идишлар кўп миқдорда ишлатилади. Ундан кейинги (урук) даврда (эр. ав. IV минг йилликнинг иккинчи ярми) дунё тарихида биринчи марта ғилдиракли транспорт пайдо бўлади (эшаклар араваларга қўшилади). Шунингдек, дарё кемаларидан фойдаланилади.

Идишлар энди кулолчилик чархида, демак, айирбошлашга мўлжалланган кўп миқдорда<sup>1</sup> ясалади. Катта ғиштин иморатлар, биринчи зинали минора (зиккурат) пайдо бўлади. Содда пиктограммалар шаклида ёзув (расмли хат)нинг вужудга келиши ҳам худди ўша даврга оиддир.

Жомдит-Наср босқичида (эр. ав. III минг йиллик бошлари) ишлаб чиқаришда ва маданиятда янада каттароқ ютуқлар кўринади.

Ўша замон ёдгорликларининг ўзига хос хусусияти мисдан кенгроқ кўламда фойдаланиш (гарчи тош қуроллар ҳамон ишлатилаверган бўлса ҳам), шаҳарлар қурилиши, қўшни мамлакат-



Ур шаҳридан топилган қайиқнинг кумуш модели.

<sup>1</sup> Туғри: сифат зарарига (идишларга ранг-баранг гуллар солиш вақтинча тўхтатилади).

лар (Элам, Арабистон, Сурия) билан алоқаларнинг кучайиши, ёзув ва тасвирий санъатнинг такомиллашуvidан иборат.

Ур шаҳри подшоларининг мақбаралари тагин ҳам анча кейинги замонга (эр. ав. XXVI асрга) тааллуқлидир; буларда подшолар ва маликаларнинг жасадлари ёнига қўйилган заргарлик буюмлари жуда кўп бўлган. Жуда катта ёгоч арфа (чилтор) ни безаган, ҳўкизнинг кўк соқолли (ложувардан ясалган) олтин боши айниқса ажойиб бир намунадир. Зеб-зийнат буюмларининг кўплиги мулкый тенгсизликнинг анча ошганлигидан ва подшо ҳокимиятининг кучайганлигидан далолат беради. Иккидарё оралигининг энг кучли шаҳарлари ўртасида бутун мамлакат (ёки лоақал унинг катта қисми) устидан сиёсий ҳукмронлик қилиш учун қайта-қайта урушлар бўлган.

**6. Шаҳар-давлатларнинг кураши.** Ур ва Урук шаҳарларидан (Иккидарё оралигининг энг жанубида) бирмунча шимолда жойлашган Лагаш, улардан янада кўпроқ шимолий томондаги семит марказлари — Киш ва Мари шаҳарлари Ур ва Урук шаҳарларининг айниқса кучли рақиблари бўлган.

Дастлаб Киш жуда қудратли бўлишга эришган. Бироқ Урук ҳокими Гильгамиш (кейин афсонавий қаҳрамонга айланган) унга қарши (эр. ав. XXVII асрда) бош кўтарган у Киш армияси устидан порлоқ ғалаба қозонган, ўз шаҳрини озод қилган ва унга мамлакатда вақтинча ҳукмронлик мавқеини таъминлаб берган. Кейинроқ Ур қисқа вақт, эрамиздан аввалги XXV асрда эса Лагаш кучайган.

Бу шаҳарнинг ҳокими Эаннатум Иккидарё оралигининг жанубий чеккасини (Ур, Урук ва бошқа шаҳарларни) бўйсундиради ва қўшни Умма шаҳри билан кураш бошлайди. Киш унга мадад беради.

Эаннатум найзабардорлардан ва уларни ҳимоя қилувчи қалқондорлардан тузилган оғир яроғлар билан қуролли фалангани қўлланиб, душманни енгган ҳамда ўз ғалабасини ва йиртқич қўшлар душманлар мурдаларини тилка-пора қилаётган жанг майдонини ажойиб (калхатлар лавҳаси деб аталган) ёдгорликда тасвирлаб кўрсатишни буюрган.

**7. Лагашдаги социал кураш.** Бундан кейинги замонда Лагашда социал зиддиятлар жуда ҳам кескинлашиб кетади. Оддий жамоачиларга ишлаш учун берилиб келган ибодатхона ерларининг каттагина қисми патеси (ҳоким)нинг хусусий мулкига айланган. Айни бир вақтда ана шу ерларда бажариладиган иш учун деҳқонларга улашиладиган озиқ-овқатлар миқдори камайиб кетган. Жамоадан ажралиб чиққан ва қўриқ ерларни (сунъий суғоришга муҳтож бўлган баланд далаларни) ишлаган деҳқонлардан махсус йиғимлар олиш белгилаб қўйилган.

Кенг аҳоли оммасининг норозилиги тўнтаришга олиб келган, бунинг натижасида Урукагина номли аркон ҳокимиятни қўлга олган ва ўзини ҳоким деб, кейин эса подшо деб эълон қилган. У ағдариб ташланган династия тарафдорларига қарши ҳокими-

ят учун курашда оддий эркин жомоачилардан олинган, енгил яроғлар билан қуролланган жангчиларга таянишга интилган. Оғир яроғлар билан қуролланган (аҳолининг бадавлат табақаларидан тузилган) жангчилар сони уч барабар камайтирилган.

Энг оғир ўлпон ва мажбуриятлар тугатилиб, ибодатхона ерларини ишлаб бераётган деҳқонларнинг улушлари кўпайтирилган, Лагашнинг тула ҳуқуқли граждандари сони 36 минг (илгаригига қараганда 10 барабар кўпроқ) кишига етказилган.



Эаннатум қўшини. Калхатлар лавҳасидаги тасвир

Бироқ ана шу барча ислохотларда социал тузумни тубдан ўзгартиш мақсади кўзланмасдан, балки улар аъёнлар ва бойлар зўравонлигидан азоб-уқубат тортган майда мулкдорларга маълум даражада ён беришдан иборат бўлган, холос. Қулларнинг аҳволи ўзгармаган ва улар аввалгидек ҳуқуқсиз бўлиб қолаве-



ришган. Аёнлар ўз даромадлари бир қисмининг баҳридан ўтишга мажбур бўлганлар, аммо ўзларининг асосий бойликларини сақлаб қолишган.

Бунинг устига Урукагина ҳокимияти барқарор бўлмаган. У подшолик қилган даврининг еттинчи йилида қўшни Умманинг Лугальзагисси исмли подшосидан қаттиқ мағлубиятга учраган ва Гирсу қалъасидан ташқари ўз ер-мулкларининг кўп қисмидан ажралиб қолган.

Бироқ Лугальзагиссининг тантанаси ҳам унча узоқ давом этмаган. Гарчи у (башарти унинг баёнотида ишонилса) Қуйк денгиз (Форс қўлиги) дан Юқори денгиз (Ўрта денгиз) гача йўл босиб ўтган бўлса-да, аммо унинг барпо қилган давлати ўткинчи бўлиб чиққан.

Иккидарё оралиғининг самит қабилалари ўрнашган шимолий қисмини ишғол қилиш учун кураш унинг учун жуда оғир бўлган. Тўғри, у Кишни тор-мор қилишга муваффақ бўлган, лекин сўнгги Киш подшосининг катта амалдор (ақобир)ларидан бири Саргон ўзининг енгилган ҳукмдоридан ҳокимиятини мерос қилиб олган (эр. ав. XXIV аср охирида) ва шумер истилочиларига қарши курашга бошчилик қилган. У янги пойтахт — Аккадни бунёдга келтирган ва давлат шу ном билан аталган. Саргон армиясининг асосий қисмини сараланган камонкашлар ташкил қилган; бу армия шумер армиясига қараганда анча ҳаракатчан ва манёвр қилишда моҳирроқ бўлиб чиққан. Шумер кенг халқ оммасининг ислоҳотчи-подшо Урукагина мағлубиятидан кейин бош кўтариб чиққан аёнлар зўравонлигидан норозилиги янада кўпроқ роль ўйнаган.

50 та тобе ҳокимнинг терма армиясига бошчилик қилган Лугальзагисси натижада батамом мағлубиятга учраган. Шумер Аккад подшолиги ҳокимияти қўл остига тушиб қолган.

**8. Шимолий ва Жанубий Иккидарё оралиғи—Аккад ва Шумернинг бирлаштирилиши.** Шимолий ва Жанубий Иккидарё оралиғининг Саргон ҳокимияти қўл остида бирлаштирилиши мамлакатнинг ҳар иккала қисмидаги қулдор аёнларга фойдали бўлган. Катта ҳарбий кучга эга бўлган марказлаштирилган истибдоднинг халқ оммасини тийиб туришни ташкил этиши осонроқ бўлган. Иккинчи томондан, бепоён давлат доирасида экономикада катта силжишлар рўй берган, ваҳоланки кичик давлатларда бундай силжишлар бўлиши қийин эди. Азим дарёларнинг тошқинларини тартибга солувчи ирригация ишлари бутун мамлакат кўламида олиб бориладиган бўлиб қолган, бу тадбир ҳосилнинг оша боришига имкон берган. Ягона ўлчовлар ва тоштарози системаси яратилган, бунинг натижасида давлат ичида савдо-сотиқ алоқалари кучайган. Бир ҳужжатдан бизга маълум бўлишича, чорва моллари Лагашдан Аккадга етказиб берилган, у ердан эса жанубга матолар ва ғалла олиб кетилган.

Саргоннинг ўзи ва унинг ворислари актив ташқи сиёсат олиб

боришган, ҳар турли хом ашёлар (металлар, тош, бинобоп ёғоч) га бой бўлган қушни тоғли мамлакатларга юришлар қилишган.

Саргон Урта Фротдаги Мари шаҳрини бўйсундирган, у ердан Сурияга бостириб кирган ва ундан нари «Кумуш тоғлари»га (Кичик Осиёнинг шарқий қисмидаги Тавр тоғ тизмасига) кириб борган.

Эламга (Иккидарё оралиғидан шарққа), шунингдек, Загрос тоғ қабилалари луллумбейларга қарши муваффақиятли юришлар қилиб, Арман тоғлиғигача бориб етган Нарамсан замонидан Аккад давлати юксак даражада равнақ топган.

Жанубга Аккад подшолари Арабистон ярим оролидаги Маган ва Мелуххага юришлар қилишган ва, эҳтимол, Миср билан билвосита алоқалар ўрнатишган бўлса керак (ҳар ҳолда Маган орқали Аккадга Миср алебастр вазалари келтириб турилган).

Узоқ жойларга юришлар уюштириш ҳарбий ишни қайта ташкил этишни талаб қилган. Илгариги лашкар энди етарли бўлмай қолган, шу сабабдан 5400 профессионал жангчидан доимий армия тузилган. Ундан фақат ташқи душманларга қарши эмас, балки халқ қўзғолонларини бостириш учун ҳам фойдаланиш мумкин бўлган.

Аккад подшолигида социал зиддиятлар тобора кескинлашган. Қишлоқ жамоаси жадаллик билан бузила борган. Давлатманд оилалар бошлиқлари энг яхши ерларни тортиб олишади ва кўпинча уларни сотиб юборишади. Кўп жамоачилар (айниқса деҳқонлар оилаларидаги кичик ўғиллар) ўз чек ерларидан ажралиб қолишган ва батракликка ёлланиб тирикчилик қилишга (нонини топиб ейишга) мажбур бўлишган. Иккинчи томондан, истило қилинган мамлакатлардан ҳайдаб келтириладиган қуллар сони кўпая борган.

Шундай қилиб, иқтисодий тараққиёт билан бирга бир хил одамлар бойиб кетишган, бошқалар камбағаллаша боришган.

Аккад подшоларининг ёзувларида ҳосилсиз йиллардаги очарчилик сабабли кўтарилган қатга қўзғолонлар ҳақида қисқа, ammo жуда яққол ахборотларнинг мавжуд бўлиши бежиз эмасдир.

Гарчи халқ оммасининг бу ҳаракати бостирилган бўлса-да, лекин у қулдорлик жамияти негизининг тагини кемирар ва унинг беқарорлигини аниқ кўрсатар эди.

**9. Гутийлар истилоси.** Аккад давлати қарийб 120 йил яшаган ва эрамиздан аввалги тахминан 2200 йилда шарқ томондан келган тоғлиқ урушқоқ гутийлар ҳужуми натижасида тор-мор қилинган.

Истилочилар кам сонли бўлган ва ҳали уруғ-қабилла ташкилотини маълум даражада сақлаб қолишган. Улар социал-иқтисодий жиҳатдан анча ривож топган мамлакатларни ўз ҳокимияти остида сақлаб туриш учун унинг баъзи бир шаҳарлари билан келишиш йўлини ахтаришлари керак бўлган.

Шумернинг Лагаш шаҳри гутийларнинг асосий таянчи бўлиб қолган; бу шаҳар Урукагина тор-мор қилингандан кейин қайтадан тикланиб, жанубий Иккидарё оралиғида устунликка эришган.

10. Лагашнинг иккинчи юксалиши. Эрамиздан аввалги XXII асрнинг иккинчи ярмида Лагашда Гудеа номли патеси гутийлар олий ҳокимияти остида ҳокимлик қилган; у фаол бинокорлик сиёсатини юргизган. Гудеа ва улкан ибодатхона қуришда чет эл қурилиш материалларидан, айниқса Маган ва Мелуххадан келтирилган ёғочдан кенг фойдаланган. Гудеага 216 минг тўла ҳуқуқли граждaнларнинг бўйсунганлиги (афтидан, қўшни қарам шаҳарлар аҳолиси ҳам қўшиб ҳисобланган бўлса керак) ҳақидаги маълумотлар унинг қудратидан далолат беради.

Айни замонда, гутийлардан ёрдам ва енгилликлар олиб турган Лагаш ҳокимлари уларга содиқ бўлиб қолган бўлсалар ҳам, бошқа тобе шаҳарлар истилочиларга қаршилик кўрсатишган. Эрамиздан аввалги XXII аср охирида гутийларга қарши кўтарилган қўзғолонга Ур ва Урук шаҳарлари бошчилик қилган.

11. Урнинг III династияси. Эрамиздан аввалги 2108 йилда гутийлар узил-кесил мағлубиятга учраганлар ва улар ҳайдаб чиқарилган. Иккидарё оралиғи яна, бу сафар Урнинг III династияси ҳокимияти қўл остида бирлаштирилган, бу династия эрамиздан аввалги III минг йиллик охирига қадар мамлакатни идора қилган.

Бу династия вакиллари<sup>1</sup> ўзларини Шумер ва Аккад подшолари деб — ҳатто «дунёнинг тўрт иқлим подшолари» деб аташганки, бу нарса бутун дунёда ҳукмронлик қилишга даъвогар бўлишдан далолат беради. Баъзида улар ҳатто худолар деб аталдилар (бунда Аккад подшоси Нарамсин уларга ибрат бўлган). Унинг III династияси подшолари ғарб томонда (Сурияда) ва Шарқда (Эламда) бир қанча улкаларни истило қилганлар, шимол томондан эса Ашшурни ўз таъсирига бўйсундирганлар. Ички ва ташқи савдо ривожланади, бунда подшо агентлари — тамкорлар асосий роль ўйнаган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг янада ўсиши курилади, бу ўсиш, жумладан, илгариги тош ва мис қурооллар ўрнига бронза қуроолларнинг тарқалишида акс этади.

Социал табақаланиш Аккад династияси замонидагига қараганда анча кўпроқ теранлашиб, тобора жадаллаша боради. Хонавайрон бўлган жамоачилар эндиликда кўпинча озодликдан маҳрум бўладилар.

Ота-оналар ўз болаларини сотишади ёки қарз тўлаш ҳисобида топширишади; ўз аҳволи жиҳатидан улар қўлга айлантирилган ҳарбий асирлар ва сотиб олинган чет элликлардан деярли фарқ қилмас эдилар.

<sup>1</sup> Улардан энг машхурлари Урнамму ва Шувльги бўлган.

Урнинг III династияси замонида йирик ибодатхоналарда ва подшо хўжаликларидида ишлаган ҳисобчилар тузган юз минглаб иш ҳужжатлари сақланиб қолган. Булар асосан хизматкорлар ва хизматкор аёлларнинг рўйхатлари, шунингдек, бажарилган ишлар ҳақидаги ҳисоботлардир; шу билан бирга, дунё тарихида биринчи марта меҳнат кунларини ҳисоблашга уришиб кўрилган.

Ғоят катта ер-мулкларда ва устахоналарда асосий хизматкорлар оммаси қуллар ва чўрилардан иборат бўлган. Уларга ёрдамга ёлланма хизматкор (одатда доимий хизматкорлар етишмайдиган ёзги дала ишларининг энг қизғин пайтларида) тортилган. Улар қуллар овқати қийматидан икки-уч марта ортиқ миқдорда натурал маҳсулот билан иш ҳақи олишган.

Урнинг III династияси давлати ҳам, худди Аккад давлати каби, узоқ давом этмаган. Эрамиздан аввалги XXI асрнинг энг охирида, деярли айни бир вақтда бостириб кирган душманлар — Ғарбдан аморий семит қабилалари<sup>1</sup> ва Шарқдан эламликларнинг сиқуви остида мазкур давлат бўлиниб кетган.

## IX БОБ

### ҚАДИМГИ БОБИЛ

**1. Иккидарё оралиғи шаҳарларининг кураши ва Бобилнинг юксалиши.** Иккидарё оралиғида Урнинг III династияси қулагандан кейин икки юз йилдан ортиқ вақт давомида марказдан қочуви кучларнинг кучайиши, сиёсий тарқоқлик ва ўзаро урушлар юз бериб турган.

Истилочи-аморийлар бир неча давлат барпо қилганлар, улардан иккитаси анча кучли бўлиб чиққан ҳамда уларнинг ҳукмдорлари ўзларини Шумер ва Аккад подшолари деб аташган, яъни бутун мамлакат устидан ҳукмронлик қилишга даъвогар бўлишган. Ана шу давлатлар Исин ва Ларса эди. Бироқ улар бир-бирини заифлаштира бориши сабабли ўз даъволарини амалга оширишга куч-қуввати етмаган. Бунинг устига, Ларса кўшни Эламнинг кучли таъсири остида бўлган; унинг подшолари бу шаҳар-давлат тахтига ўз одамларини ўтқазиб қўйишган. Аморий подшоликлари аслида Иккидарё оралиғидан ташқари мустақил роль ўйнаганлар<sup>2</sup>.

Бундан ташқари, семитлар Ашшур шаҳар-давлати (ўрта Дажлада, бўлажак Осурия давлатининг ўзаги) Иккидарё ора-

<sup>1</sup> Аморийлар эрамиздан аввалги III минг йиллик охирида Арабистон ярим ородининг дашт ва чўлларида бостириб, ёпирилиб келган ҳамда Фаластинга, Сурия (Сурия чўли ҳам қўшилган ҳолда) ва Иккидарё оралиғига жойлашган семит қабилаларининг иккинчи тўлқини бўлган. Улар насл-насаби ва тили жиҳатидан аккадликларга жуда яқин бўлиб, улар билан тез қўшилиб, аралашиб кетишган.

<sup>2</sup> Мари ўрта Фротда ва Эшиунна Дажладан шарқ томонда.



Эр. ав. III—II минг йилликларда Иккидариё оралиги.

лиғи ишларига аралашшига уринади. Ниҳоят, шундай бир шаҳар юксаладики, бундан буён кўп асрлар давомида Дажла ва Фрот водийсида асосий марказ бўлиб қолиш ва узининг гузаллиги, қашамати билан анча қадимийроқ шаҳарлар ўртасида яққол ажралиб туришга сазовор бўлган.

Бу—Бобил (аниқроғи Бобили—«худо дарвозаси») эди. Фротнинг сўл қирғоғига (ҳозирги Бағдоддан жануброқда) жойлашган бу шаҳар эрамыздан аввалги XIX асргача мустақил сиёсий роль ўйнамаган ва катта кўлам билан асло ажралиб турмаган эди.

Аммо бундан кейин Бобил энг яқин қўшнилари—Киш ва Аккаднинг тушқунлиги ҳамда вайроналигидан фойдаланиб, иқ-

тисодий ва сийсий жиҳатдан кучая боради. Дарё ва қарвон йўллари туташган ерда қулай жойлашганлиги унинг йирик савдо-сотиқ марказига айланишига имкон берган. Аҳоли Сурия чўлидан кўлаб кўчиб келувчи аморийлар ҳисобига кўпая борган.

2. Кўҳна Бобил подшолигининг ташкил топиши. Эрамиздан аввалги 1894 йилдан 1595 йилгача бу ерда энди мустақил династия ҳукмронлик қилади; бу династия актив ташқи сийсат юритади ва бутун Дажла билан Фрот ҳавзасини ўз қўл остида бирлаштиришга интилади.

Подшо Хаммурапи замонида (э. ав. 1792—1750 йиллар) Бобил энг катта қудратга эришади; у қўшнилариининг низолари ва тўқнашувларидан фойдаланувчи тажрибали ва моҳир дипломат эканлигини кўрсатади. Хаммурапи Урта денгиз соҳилига олиб борадиган савдо йўлини ўз қўлида ушлаб турган бой Мари давлати билан маҳкам иттифоқ тузади.

Хаммурапи шу тариқа, ўзининг шимолий чегарасининг тинчлигини таъминлагач, асосий зарбани Элам билан боғланган Ларсага қарши қаратади.



Мари шаҳри саройидан топилган ванналар.

Хаммурапи мана шу энг хавfli рақибни тор-мор келтириб, Мари билан дўстона алоқаларни узади, бу шаҳарни босиб олади ва унинг саройини вайрон қилади (бу сарой ўша замондаги энг яхши меъморчилик, архитектура иншоотларидан бири бўлиб, бу ҳақда француз археологлари томонидан очилган унинг вай-

ронларига қараб баҳо беришимиз мумкин). Ашшур ҳам унинг ҳокимияти остига тушиб қолади ва, шундай қилиб, Месопотамиянинг катта қисмини ўз ичига олган кенг Кўҳна Бобил подшолиги вужудга келади.

3. Подшо Хаммурапи қонунлари тўплами. Хаммурапининг ички сиёсати тўғрисида унинг аъёнлар ва катта амалдорлар билан ёзишмаларидан ва хусусан у чиқарган қонунлар тўла-мидан билиб оламиз.

Бу қонунлар базальт устунга ўйиб ёзилган<sup>1</sup>; устун қуёш, ҳақиқат ва адолат худоси Шамаш тахти олдида турган ҳамда унинг қулидан олий суд ҳокимлиги белгиси чуқмор ва чамбар олаётган подшонинг ўзини тасвирлайдиган бўртма шакллар билан безалган.

Хаммурапи қонунлари аҳоли ҳаёти ва фаолиятининг жуда хилма-хил соҳаларини қамраб олади. Қишлоқ хўжалигига алоҳида эътибор берилади. Ҳар бир деҳқон ўз участкасига ёндашган туғоннинг яхши сақланишига тўла жавобгар бўлади, бинобарин, агар унинг айби билан тошқин рўй берадиган бўлса, у ҳолда қўшниларга етган зарарлар бадалига тоvon тўлаш учун унинг ўзи ва ҳамма мол-мулки сотилади.

Дала / ва боғни ижарага олиш шартлари жуда тафсиллий равишда тартибга солинади. Ялқовлик оқибатида ҳосил олмаган бепарво ижарачи-чоракор қўшни участкада олинган ҳосил нормасига қараб ҳисоблаб чиқилган миқдорда натурал ижара ҳақини тўлайди. Шунингдек, чорва молларини ижарага олиш ҳам тартибга солинади. Қонунларнинг кўп моддалари буюр-тирма (муайян такса бўйича) ҳунармандлик буюмлари ишлаб чиқаришга, савдо-сотиқ ва судхўрлик муомалаларига бағишланган.

Натурал хўжаликнинг ҳали сақланиб қолган элементлари билан бир қаторда (баъзан молларга ғалла билан ҳақ тўланади ва зарарлар бадалига натура билан тоvon берилади) пул муносабатлари борган сари кучаяди, шу билан бирга, кумуш қуймалари (сиқль—8 грамм, мина—500 грамм, талант—30 килограмм) қиймат ўлчови ҳисобланади.

Қишлоқ жамоаси энди тамомила бузилиш ҳолатида бўлган. Ер участкаларини (подшо фондидан ташқари) сотиб олиш ва сотиб юбориш мумкин бўлган. Ернинг ўтмишдаги қайта бўлинишлари тилга олинмайди. Бироқ қишлоқ жамоаси маъмурий бирлик (қишлоқ, шаҳарда эса маҳалла) сақланиб қолади.

Урнинг III династияси замонида подшо ибодатхоналарига қарашли бўлган йирик хўжаликлар уша даврга келиб бўлиниб кетган. Бевосита саройга қарашли ерлар ҳарбийларга ёки деҳ-

<sup>1</sup> Асл нусха Парижда (Луврда), Москвада жуда чиройли аслидан тушириб олинган нусха бор. (А. С. Пушкин номли Тасвирий санъат музейида сақланади).

қонларга шартли эгалик қилиш учун тақсимлаб берилган, бу ерлар учун улар натура билан бадаллар тўлаб боришлари шарт бўлган.

Мамлакатнинг бутун аҳолиси қонун билан қўриқланадиган эркин кишиларга ҳамда молдек ва мулк деб ҳисобланган, тамомила хўжайин ихтиёрида бўлган қулларга кескин суратда бўлинган.

Бировнинг қулини ўлдирганлик учун унинг хўжайинига бошқа қулни топшириш (ёки унинг қийматини тўлаш) лозим бўлган. Бировнинг қулини майиб қилганлик (кўзини чиқарганлик, суягини сиидирганлик) учун қул қийматининг ярми миқдорида товон тўлаш керак бўлган. Агар қул эркин одамни урса, бунинг учун шу қулнинг қулоғини кесишган.



Подшо Хаммурапи қуёш худоси  
Шамаш олдида.

Аммо унинг III династияси давридагидан фарқ қилиб эркин бобилликнинг қулликка түшиб қолмаслиги учун чоралар қўрилади (фақат оғир жиноятларгина озодликдан маҳрум қилинишга сабаб бўлган).

Қарздорлик асорати гражданданлар оммасини қулга айлантиришнинг асосий усули бўлган, шу сабабдан Хаммурапи қонунлари худди шу қарздорлик асоратини чеклашга интилади. Бунга ажабланмаса ҳам бўлади. Судхўрларнинг шафқатсиз хатти-ҳаракатларидан фақат камбағалларгина эмас, балки кўпгина мулкдорлар ҳам азоб тортганлар, бу ҳол ялпи норозиликка сабаб бўлган ва подшога зиён етказган, чунки подшо фуқаролардан тобора маҳрум бўла борган (негаки қул бутунлай хўжайинга тегишли бўлган). Қонун хусусий мулкни ҳимоя қилиб, қарзни ва

унинг процентларини ундиришга йўл қўйган, лекин бу ундиришни муайян доирага солиб олиб очкўз қарз берувчиларнинг ҳаддан ташқари иштаҳасини тийиб қўйган. Қарздорнинг ўзи эмас, балки унинг хотини ёки болалари фақат уч йил давомида қарз бадалига ишлаб бериши лозим бўлган, бунинг устига, мазкур қарам кишилар қуллардан фарқ қилиб қонун йўли билан қўриқланган ва қарздор отасининг қарзи бадалига ишлаб бераётган ўгли судхўрнинг калтаги дастидан ўлиб қолгундай бўлса, у ҳолда, қарз берганнинг ўгли ҳам ўлдирилиши лозим бўлган.



Хаммурапи қонунларида қуллар туғрисида жуда кўп гапирилса-да, аммо улар бевосита ишлаб чиқарувчиларнинг фақат бир қисмини (гарчи анча катта қисмини бўлса ҳам) ташкил этган, холос.

Улар билан бир қаторда эркин кишиларнинг турли категориялари эксплуатация қилинган. Ҳосилнинг 1/3 қисмидан 2/3 қисмигача хўжайинга топширадиган мазкур ижарачилардан ва оила бошлиғининг қарзи бадалига ишлаб берувчи қарам одамлардан ташқари, яна ўз хусусий хўжалиги бўлмаган ва ўз меҳнати бадалига натура билан ёки пул билан иш ҳақи олувчи кўп сонли батраклар тилга олинади.

Эркин аҳоли умумий кўпчилигида ҳар турли иқтисодий градациялар билан бир қаторда, яна соф юридик категориялар ажралиб туради. Бир томондан, тўла ҳуқуқли «эрнинг ўғиллари» (Мар-авелим), иккинчи томондан эса, фуқаролар (мушкену) тилга олинади.

Ана шу кейинги кўрсатилган кишилар мулкдорлар ва қисман ҳатто қулдорлар бўлган (эҳтимол, сарой билан боғланган кишилардир), аммо уларнинг юридик ҳуқуқлари (насл-насаб билан боғлаб тахмин қилинганидек) чеклаб қўйилган.

Мушкенуни майиб қилганлик учун айбдор киши жарима тўлаган, ваҳоланки «эр ўғли»нинг бирор аъзосини синдирганлик учун жиноятчи талион принципига кўра жазоланган.

Хаммурапи замонида подшо ҳокимияти истибдод (деспотия) хусусиятига эга бўлган ва фуқаролар ўртасидаги ҳамма ўзаро муносабатларга аралашаверган. Қонунлар тўпламига доир муқаддимада худоларнинг ўзлари подшоларга чекланмаган ваколатлар берганликлари ҳақида гапирилади.

Бироқ подшо амалда патриархал оиланинг анъанавий қонунларини эътиборга олган. Эр бевафо хотинини ва уни йўлдан оздирувчини жиноят устида ўлдириш ҳуқуқига эга бўлган. Эрни ўлдиришда хайрихоҳ бўлганлик учун жиноятчи хотин қозиққа ўтқазиб ўлдирилган, ёмон юриш-туриш ва исрофгарлик учун хотин уйдан ҳайдаб юборилган ёки ҳатто чўрига айлантирилган. Отасини урган ўғил қўл панжасини кесиб ташлаш билан жазоланган, ваҳоланки, ўғилни уриш жиноят ҳисобланмаган.

Баъзида болалар ҳатто отанинг жинояти учун жавобгар бўлган. Масалан, агар бепарво ота томонидан қурилган уй қулаб кетиб, уй ва уй эгасининг ўғли унинг харобаси остида қолиб ҳалок бўлса, у ҳолда уй қурган устанинг ўғлига ўлим жазоси берилган («ўғил учун ўғил» — талион принципи).

Лекин давлат ҳокимияти шафқатсиз оилавий ҳуқуқни ҳар ҳолда бирмунча чеклаб қўйган. Айбсиз хотинга туҳмат қилган эр ўзаро ҳурмат асосида (унинг бадалига қўшимча пул тўлаб) уни қўйиши керак бўлган. Ота ўғлини ўзбошимчалик билан меросдан маҳрум қила олмаган. У мазкур ишни фақат суд ор-

қали ҳал этиши мумкин бўлган. Шундай қилиб, давлат ҳокимияти органлари фуқароларнинг шахсий ҳаётига аралашганлар, ирригация иншоотлари эса подшонинг назорати остида бунёдга келтирилган, улардан фойдаланиш олий ҳокимият ва унинг жойлардаги вакиллари измида бўлган.

Хаммурапи қонунларида подшони иш-ҳаракатларида ҳеч қандай чеклашлар кўзда тутилмаган.

«Хўжайиннинг қул билан суҳбати» деган шеърӣ асарда (тўғри, анча кейинги замонга тааллуқли бўлган асарда) очиқдан-очиқ, подшога қарши бош кўтарган киши ё ўлдирилади, ёки кўр қилинади, ё худ зиндонга қамалади, дейилади. Афтидан, буларнинг ҳаммаси суднинг рухсатисиз қилинган бўлса керак, чунки қонунларда бу ҳақда ҳеч нима дейилмайди.

4. Касситларнинг бостириб кириши. Хаммурапи ворислари замонида Бобилда марказий ҳокимият яна заифлашган. Жанубий областлар ажралиб чиққан, Шимоли-ғарбдан эса Кичик Осиё халқлари хеттлар ва касситлар бостириб кирганлар<sup>1</sup>.

Агар эрамиздан аввалги 1595 йилга яқин Бобилни талон-торож қилиб кетган хеттлар ҳужуми фақат қақшатқич босқин бўлган бўлса, касситлар аста-секин ва мустаҳкам ўрнаша борганлар. II минг йиллик ўрталарида Бобилда касситлар династияси қарор топган (эр. ав. 1518—1204 йиллар).

Истилочилар маҳаллий аскарларни кейинги ўринга суриб чиқариб, ҳарбий аъёнларнинг ҳукмрон табақасини вужудга келтирганлар.

Юксак деҳқончилик маданиятига эга бўлган мамлакатни босиб олган уришқоқ тоғликларнинг ҳукмронлиги маълум даражадаги таназзулга олиб келган. Чунончи, қишлоқ жамоаси бир қадар қайта тикланган. Лекин айни замонда илгари унчалик маълум бўлмаган отлар ва хачирлар (ҳарбий ишда ва транспортда қўшиладиган ҳайвонлар сифатида) кенг суратда ишлатила бошлаган. Деҳқончилик техникаси такомиллаша боради (плуг-сеялка пайдо бўлади). Миср билан мунтазам (эндиликда шубҳасиз тўппа-тўғри ва бевосита) алоқалар ўриштирилган.

Шундай қилиб, қисқа муваққат тўхталишдан кейин илгарилаб борадиган ҳаракат янги куч билан қайтадан бошланган.

Бобилнинг бундан кейинги тақдири энди Осурия тарихи билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, шу мамлакат билан боғлаб кўриб чиқилади.

<sup>1</sup> Илгари касситларнинг шарқ тарафдан, Эламдан шимолроқдаги тоғлик жойлардан Иккидарё оралиғига келганликлари ҳақидаги фикр ёйилган эди. Энг янги тадқиқотларга кўра, касситлар ўз тили ва моддий маданияти жиҳатидан Кичик Осиё халқлари билан боғлангандир. Улар Эроннинг тоғлик районларига (греклар уларни учратган жойларга) кейинроқ келганлар.

## ШУМЕР-БОБИЛ МАДАНИЯТИ

1. Иккидарё оралиғи маданиятини яратишда ундаги турли халқларнинг роли. Дажла ва Фрот ҳавзасида яратилган маданият бир қанча халқлар ижодий фаолиятларининг натижаси бўлиб, улар адабиёт, фан, қурилиш иши ва санъат соҳаларидаги ютуқлари билан ўзаро бир-бирларини бойита борганлар.

Бир қанча ҳолларда биринчилик шумерликларга тегишли бўлган. Аммо семит халқлари—аккадлар ва ўзларининг шимолӣ авлодлари бўлган осурлар, шунингдек, аморийлар ҳам катта ҳисса қўшганлар.

Бобил юксалган замонда бу комплексли маданият Бобил маданияти деган умумий ном олган. Юқорида кўриб ўтганимиздек, шумерлар бошқа халқларга қўшилиб, аралашиб кетишган, лекин уларнинг мероси семит халқларига шунчалик кучли таъсир кўрсатганки, Бобил маданияти ҳақида эмас, балки Шумер-Бобил маданияти ҳақида гапириш тўғрироқ бўлади.

Ҳарбий тўқнашувлар шумерликлар билан аккадликларнинг (шунингдек, бошқа халқларнинг) ўзаро ижодий таъсир кўрсатишларига халақит бера олмаган. Эрамиздан аввалги II минг йилликда семит марказлари сиёсий устуликка эга бўлган ва бошқа халқлар аста-секин қўшила боришган. Аккад тили шумер тили ўрнини эгаллайди<sup>1</sup>.

Бироқ шуни назар-эътиборга олиш керакки, шумер халқи бошқа халқларга аралашиб кетиши билан бирга, энди ўлик тилга айланган шумерликлар тилининг турли элементлари (айниқса географик номлар, диний маросимларга доир терминлар ва ёзу кабилар) ўзлаштириб борилган. Сузлашув тили сифатида ишлатилмайдиган бўлиб қолган шумер тили бобиллик ва осуриялик мирзалар томонидан (ўрта асрларда латин тили зўр бериб ўрганилгани каби) пухта ўрганилган. Шумер тилини ўзлаштирмай туриб билимли бўлиш ҳақида фикр юритиб бўлмас эди.

2. **Езув.** Аккад ёзув системаси шумер ёзув системасига асосланганлиги сабабли у бошқа семит ёзувларига (масалан, финикия-яхудий ёзувига) ёт бўлган огласовка (ҳарфлар устига ва остига белгилар қўйиш) принципини шумер ёзуvidан қабул қилди, бошқа семит ёзувларида фақат ундош товушларгина график шаклда ифодаланар, унли товушлар эса китобхон томонидан ихтиёрий равишда (маҳаллий диалектга қараб ва баъзида нотўғри) қўшилар эди.

Езувда асосий унлилар (а, и, е, у) ни қатъий белгилар қўйиш жонли нутқни ниҳоятда аниқ ифодалашга имкон ~~б~~радиган катта афзаллик бўлиб, аккадликлар бу муваффақият учун

<sup>1</sup> Шунингдек Месопотамия шимолида аккад тилининг осур диалекти хуррит тилини тобора сиқиб чиқариб, ўрнини эгаллай боради.

ўз устозлари — шумерликлардан миннатдор эдилар. Дажла ва Фрот ҳавзасида яшаган халқлар ишлатган ва кейинчалик ундан ташқарида ёйилган ёзув системаси миҳхат деб аталган. Бу ёзув баъзан бетартиб қалашиб ётган поналар ёки миҳхларни эслатадиган ёзма белгиларнинг ўзига хос тахлитига (шаклига) қараб шартли суратда миҳхат (хатти миҳий) деб аталган.

Бироқ мисрликлар ёзуви ёки хитой иероглиф ёзувидан (ва бошқа ёзув турларидан) кескин суратда фарқ қиладиган ана шу ўзига хос график система азалдан бери мавжуд бўлмаган.

Иккидарё оралиғидаги энг қадимги ёзув, ҳамма жойда бўлгани каби, сурат ёзувдир. Шу билан бирга айни бир хил сурат (логограмма ёки илгари айтилганидек, идеограмма<sup>1</sup>) кўпинча бир қанча турли-туман маъноларга эга бўлган.

Масалан, кўз расми фақат шу органни эмас, балки ҳосила тушунчаларни ҳам («юз», «олд», «олдинги», «илгариги») билдирган. Тизиллаб оқаётган сувни ифодаловчи иккита тик ингичка чизиқ (кейинчалик учта тик пона—битта катта, иккитаси эса кичкина пона) фақат «сув» нигина эмас, балки «ўғил»ни ҳам билдирган. Иш шу билангина тўхтаб қолмаган. «Сув» сўзи шумерча «а» шаклида эшитилгани сабабли, мазкур белги сувга ҳеч қандай алоқаси бўлмаган сўзларда шу унли товушни ифодалаб бера бошлаган ва оддий ҳарфга айланган<sup>2</sup>.

Аммо айни бир текстда ана шу энг оддий белги гоҳ «а» ҳарфи сингари, гоҳ «сув» (аккадча «му») сўзи каби, гоҳ «ўғил» сўзи каби қўлланади. Ахир, бу энг жўн белгилардан бири-ку. Шундай ҳоллар бўлганки, айни бир хил белги унтагача ва ундан кўпроқ маънога эга бўлган.

Бундай кўп маънолилиқ гоҳ катта қийинчиликлар туғдирган. Текстни ўқиш баъзи вақтда бамисоли ребусларни роставкам ечишга айланиб кетган, шу сабабдан фақат тажрибалар ва ўқувли (зийрак) мирзагина кўп йиллик ўрганишдан кейин хатосиз ўқий ва ёза олган<sup>3</sup>.

Белгиларнинг ташқи кўриниши борган сари соддалашган ва эрамиздан аввалги III минг йиллик охирига келиб энди улардан илгариги суратларни билиш қийин бўлган. Тахта, призма, шар ва шу каби шаклларга солинган юмшоқ гил ёзув учун асосий материал бўлиб хизмат қилгани сабабли, мирза қўл босишини беихтиёр пасайтириши орқасида тўғри чизиқ пона шаклига (горизонтал, вертикал ёки қиялама пона шаклига) айлана бор-

<sup>1</sup> Иккала термин ҳам грек тилидан олинган. *Логограмма*—сўзни ифода қилувчи белги, *идеограмма*—тушунчани ифодаловчи белги.

<sup>2</sup> Аниқроғи, бир нафас товушини ҳосил қиладиган бўғинли белгига айланади. Кўп белгилар икки (ундош ва унли) ёки уч ҳарфдан иборат бўғинларга айланган.

<sup>3</sup> Бизнинг олдимизда «О» ҳарфидан кейин крестча бир-бирини кесишган икки чизиқ, ундан сўнг «ност» деб битилган ёзув турибди деб фараз қилайлик. Биз «Окрестност» деб ўқиймиз, худди шу ўринда икки рақам ўртасида эса крестчани кесишган икки чизиқни қўшув белгиси деб ўқиймиз. Хўш, агар минглаб сўзлар шу усулда ёзилган бўлса, у ҳолда нима бўлади?

ган. Юмалоқ чизиқлар тез ёзишда беихтиёр туғрилана борган ва, масалан, қуёшни билдирувчи доира ромбга ўхшаб кетган, кейинчалик эса уч пона шаклига (битта вертикал ва унинг қиясига ёндошадиган иккита кичик пона шаклига) айланган.

Иккидарё оралиғидаги саводлилик, қадимги Шарқнинг бошқа мамлакатларидаги каби, жуда озчиликнинг имтиёзи бўлган. Қиз болалар умуман мактабга қатнамаганлар<sup>1</sup>. Бу ерда ўғил болаларгина ўқишган. Улар қоҳинларнинг, бошқарувчилар, амалдорлар, кема капитанлари ва бошқа юқори мансабли кишиларнинг болалари эди. Мактаблар ибодатхона ва саройлар қошида бўлган, чунки ибодатхона хужалиги ва давлат муассасалари учун саводли кишилар бўлиши талаб этилар эди. Ўқиш учун ҳақ туланар эди, қўшимча совғалар эса бундан мустасно. Етарли қобилиятли ва тиришқоқ бўлмаган ўқувчилар жазога тортилган, бунинг учун мактабда «хивич билаң саваловчи» махсус назоратчи бўлган. Шунинг бадалига ўқувчилар жисмоний меҳнатдан озод қилинар ва мактабни муваффақиятли битирган тақдирда сердаромад мансабларни эгаллар эдилар.

Ўз мингларча миҳхат ёзувлари, асосан сопол тахталарга ёзилган, қисман сопол тахталарга ва металл буюмларга ўйиб ёзилган текстлар бизнинг замонгача етиб келган. Шу туфайли биз Иккидарё оралиғи халқларининг адабий ва илмий ижоди билан етарли даражада аниқ ва муфассал танишиш имкониятига эгамиз. Бошқа қадимги мамлакатларда бўлгани сингари, бу ижодда ҳам диний-мифологик тафаккурнинг таъсири кўриниб турибди; бу тафаккур секин ва бора-бора баргараф қилина борган, аммо, шу билан бирга, узил-кесил йўқотилмаган.

3. Дин. Диний идеологиянинг характерли хусусияти бўлган консерватизмга ҳамда эскирган тасаввур ва қарашларнинг барқарорлигига қарамасдан, шумерлик ва аккадликларнинг эътиқодлари иқтисодий ўзгаришлар ва социал силжишларнинг таъсири остида ўзгармай қола олмас эди.

Ибтидий жамоа замонларида одам атрофдаги табиатдан устунликни ҳали сезмаган, ўзини унинг эгаси деб ҳисобламаган ва, жумладан, ҳайвонот дунёсидан ҳали ажралиб чиқмаган эди. Ҳар бир уруғ (кейинчалик ҳар қайси қабила) ўзининг наслнасабини қандай бўлмасин бир ҳайвон, қуш, балиқ ва ҳатто бирон ҳашарот билан боғлаган.

Энг қадимги подшоҳларнинг Қўзичоқ, Чиён ва шу каби ўзига хос номларда юрганликлари бежиз эмасдир. Ҳатто анча кейинги даврларда, уруғ-қабила тузуми узоқ ўтмишда қолиб кетган вақтларда ҳам, баъзи бир худолар ҳайвонлар ёки қушлар шаклида гавдаланган.

<sup>1</sup> Подшоҳлар, катта амалдор ва қоҳинларнинг қизларига уйда савод ўргатилганлиги ҳақида бевосита далиллар бўлмаса-да, бу нарса эҳтимолдан холи эмасдир.

Бироқ буларнинг ҳаммаси истисно бўлган. Қулдорлик давлати шароитида худоларнинг купчилиги антропоморфик (одамсимон) қиёфага кирган.

Иккинчи томондан, матриархатнинг патриархат билан алмашилиши диний идеологияда ўз аксини топган.

Энг қадимги замонларда аёл худолар, афтидан, устунлик ролини ўйнаган бўлсалар керак. Ибтидоий сув офати маъбуда Тиамат<sup>1</sup> шаклида тасаввур этилганлиги бежиз эмасдир. Кейинчалик, қоҳинлар диний тасаввурларни системага солган ва пантеон вужудга келтирилган (ҳамма худоларга атаб ибодатхона қурилган) бир вақтда ундаги худоларнинг купчилиги эркаклар эканлиги маълум бўлади, маъбудалар гарчи самовий кенгашда иштирок этсалар ҳам, аммо бунда иккинчи даражали роль ўйнайдилар.

Шундай қилиб, патриархат принциплари реал ижтимоий муносабатларда ғалаба қилгани каби, диний соҳада ҳам, гарчи бирмунча кечикиб бўлса ҳам ғалаба қозонади.

Иккидарё оралиғида қадрланган худолар сони жуда кўп бўлган. Ҳар бир шаҳар, ҳар қайси шаҳар маҳалласи, ҳар бир каттароқ қишлоқ ўзининг илоҳий ҳомийсига эга бўлган. Бир хил худолар бутун мамлакатда иззат қилинган, бошқалари маҳаллий худолар ҳисобланган. Табиатдаги қонуниятлар (кун билан туннинг алмашилиб туриши, йил фасллари ва ҳоказолар), худди ҳўжалик ҳаётидаги асосий ўзгаришлар (деҳқончилик ва чорвачиликнинг пайдо бўлиши, техникавий ихтиролар) каби, худолар ҳаётидаги воқеалар билан изоҳланади.

Қадимги, шумерликлар космогониянинг мураккаб системасини — оламнинг пайдо бўлиши ҳақидаги таълимотни ишлаб чиққанлар. Шу мифологик концепцияга биноан, улкан аёл қиёфасидаги бирламчи океан<sup>2</sup> сув тўфони (хаоси) нинг бирламчи стихияси бўлган. Океан тагида ғоят катта тоғ шаклида қаттиқлик пайдо бўлган, осмон худоси Ан<sup>3</sup> унинг чуққиси ҳисобланган, гардишсимон ясси таги эса ер маъбудаси Ки деб тасаввур этилган. Ҳар иккала худо бир-бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, ана шу илоҳий жуфтдан ҳаво худоси Энлиль туғилган. У ўсиб улғайгач, бу жой унга тор бўлиб қолган ва бирламчи тоғни пичоқ билан кесиб, осмон отасини онаси—ердан абадий ажратиб қуйган. Уша вақтдан бошлаб Энлиль Ерни идора қиладиган бўлган ва худолар авлодини вужудга келтирган.

Ой худоси<sup>4</sup> нинг катта ўғли, Қуёш<sup>5</sup> ва Венера планетасининг маъбудаси Инанна эса (аккадликлар уни ўз маъбудаси Иштар билан таққослашган) ой худосининг болалари бўлган. Шунинг

<sup>1</sup> Шумерликларда—Намму.

<sup>2</sup> Маъбуда Намму.

<sup>3</sup> Шумерча ном (аккадликларда—Ану).

<sup>4</sup> Шумерликларда—Наниар, аккадликлар уни Сии деб атаганлар.

<sup>5</sup> Шумерликларда Уту, аккадликлар уни Шамаш деб атаганлар.



Мордукнинг Тиамат билан яккама-якка олишиши. Сопол тахтадаги муҳр нусхаси.

дек, Инанна ердаги ҳосилдорлик ва муҳаббат маъбудаси деб ҳисобланган.

Шундай қилиб, шумерликлар, Ой Қуёшдан (бошқа планеталардан ҳам) қадимгироқ, деб ҳисоблашган, шунинг учун улар тунни қоронғиликдан бошланадиган сутканинг (кечаю кундузнинг) биринчи ярми деб эълон қилишган.

Бобил Иккидарё оралиғининг бош марказига айлангач, олам ҳақидаги афсона қайтадан ишланган. Янги пойтахт ҳомийси ҳисобланган худо—Мардук оламнинг марказида турганлиги маълум бўлган. Тўғри, Бобил коҳинлари Мардукнинг Анудан, Энлиль ва бошқа худолардан анча ёш бўлганлигини инкор қилиша олмаган, чунки Бобил бошқа шаҳарлардан кейинроқ пайдо булган эди.

Аммо коҳинлар ҳийлагарлик йўлини топишиб, ўз худосининг кўрсатган алоҳида хизматлари туфайли бошқа худолардан устунлиги ҳуқуқини асослаб беришга қарор қилишган. Ибтидоий океан маъбудаси Тиамат Бобил ривоятда ёвуз ва йиртқич баҳайбат рўдапо (махлуқ) қилиб тасвирланган. У ўз заминиди юзага келган барча худолар ва маъбудаларни йўқ қилишга уринади. Уша кезде улар қутулиш йўлини қидириб топиш учун кенгашга йиғиладилар. Мардук айниқса жасур ва дов юрак бўлиб чиққан. У Тиамат билан яккама-якка олишишга киришишни таклиф қилган, лекин бунинг эвазига худолар унинг олий ҳоқимлигини эътироф этишлари кераклигини талаб этган.

Худолар зиёфат берганлар, шароб ичиб, вақти чоғ бўлиб, ўзларининг кичик ҳамкасабасининг шартларини ҳеч сўзсиз қабул қилганлар. Мардук қуролланиб, даҳшатли душмани билан жангга кирган.

Тиамат рақибини кўриб, катта оғзини очган, лекин Мардук унинг ичига етти шамолни киргизган, бу шамоллар маъбуданинг ичак-чавоғини дабдала қилган. Шундан кейин ёш худо кучдан тойган рўдапони осонгина мағлубиятга учратган ва унинг танасини чиганоқнинг икки тавақаси каби ёриб ташлаган. Устки қисмидан у осмонни, пастки қисмидан эса ерни яратган. Сўнгра ҳамма вужудларни бунёдга келтирган.

Шумерликлар ва аккадликлар табиат билан курашда эришилган барча ютуқларни, ўсимликлар ўстириш, ҳайвонларни қўлга ўргатиш, ҳунарнинг пайдо бўлиши ва шу каби жуда катта хўжалик ўзгаришларини осмоннинг иродасига боғлаганлар, одамларни эса осмоннинг олдиндан белгилаб қўйилган буйруқларини фақат кўр-кўрона ижро этувчилар деб ҳисоблаганлар.

Шумер мифларига кўра олам яратилгандан кейин худоларнинг ҳаёт тарзи камчил ва кўримсиз бўлган. Улар ўт чайнаганлар, ариқдан сув ичганлар, уларнинг кийимлари бўлмаган. Ниҳоят, Энлиль ва Энкининг амри билан худо Лахар қўй ва эчкилар яратган, унинг сингиси Ашнан эса биринчи донларни ерга туширган. Сўнгра кийимлар тўқила бошлаган.

Бироқ осмонда яшовчиларнинг кўп сонли оилаларини сут, нон ва кийим-бош билан таъминлаш қийин бўлган. Осмондаги эркак ва аёл меҳнатчиларнинг куч ва вақтлари етарли бўлмаган. Оддий ходимлар бўлиши талаб этилган, фақат шундан кейин донишмандлик худоси Энки лойдан дастлабки одамларни яратган, улар ерни ишлашлари, қўйхоналарга қараб туришлари ва ўзларининг осмондаги ҳомийларини барча зарур нарсалар билан таъминлашлари керак бўлган.

Шумерликлар ва аккадликлар космогония ва одамларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ҳикоялар билан бир қаторда мифларнинг бошқа циклини ишлаб чиққанлар; бунда табиатдаги ўзгаришларни изоҳлаб бериш лозим бўлган. Бу циклда ҳосилдорлик маъбудасининг ўлиши ва тирилиши ҳақидаги мўъжизали воқеа марказий ўринни эгаллаган.

Иштар ўз эри Таммузни қутқариш учун қоронғи ер ости дунёсига тушади. Иштар у ерда даҳшатли синовлардан ўтар экан, ер устида одамлар ва ҳайвонларнинг кўпайиши тўхтаб қолади. Қаттиқ қўрққан худолар меҳрибон маъбуданинг озод қилинишига эришадилар ва ер устида одатдаги ҳаёт тикланади.

Ҳосилдорлик худосининг ер устига қайтиши қишдан кейин баҳор келишини, ўроқ билан қирқиб олинган (яъни «ўлдирилган») бошоқнинг ерга кўмилган донларининг униб чиқишини кўрсатадики, бу нарса ҳаётнинг ўлим устидан тантанасини билдиради.

Бу афсона (бошқа халқларнинг шунга ўхшаш афсоналари билан бир қаторда) ҳалок бўлган ва кейин тирилган Исонинг шон-шарафи ҳақидаги христиан таълимотининг тимсоли бўлиб хизмат қилган.



Азоб чеккан худолар ибрати сабр-тоқат ва ювошлик тавозенинг бўлиши муқаррарлиги ва зарурлигини тарғиб қилиш учун фойдаланилган ва бундан ҳукмрон синфларнинг манфаатлари учун бемалол фойдаланиш мумкин бўлган.

Шунингдек, табиий офатларни одамларнинг итотсизлиги учун худолар томонидан юбориладиган жазо деб тушунтириб беришга интилишда ҳам ювошлик (мўминлик)ни тарғиб қилиш кўринар эди. Тўфон ҳақидаги Бобил афсонасида бу нарса айниқса ёрқин акс этган.

Иккидарё оралигида дарёнинг тошқинлари натижасида кўпинча ерларни сув босиб турган. Бу тошқинлар катта майдонларни қамраб олган ва ўша замон одамларига дунё тўфонидай бўлиб кўринган.

Афсонада тўфон худоларнинг газаби деб тушунтирилади. Одамларнинг итот қилмаслигидан норози бўлган худолар Энилилнинг таклифига биноан, ерга даҳшатли сел юбордилар ва диёнатли (художўй) ўтналиштимдан бошқа бутун одамзод ҳалок бўлади; у худо Эанинг<sup>1</sup> маслаҳатига мувофиқ герметик жипслаб бекитилган қути қуради; ҳамда ўз оиласи ва хизматкорлари билан бирга қутулиб қолади.

Шуни ҳам эътиборга олиш керакки, осмонда яшовчиларнинг фантастик афсонаси одамлар онгида ҳамisha бир хилда сақланиб қолавермаган. Жамиятдаги ўзгаришлар худолар ўртасидаги ўзаро муносабатларни янгича идрок этишга мажбур қилган. Улар даражаларга қараб бўлиниб кетишган. Еттита олий худо оламнинг тақдирини ҳал қилувчилар деб ҳисобланган. Улардан сўнг 50 та буюк худо ва ундан кейин жуда кўп қўйи худолар бўлган.

Шумер ва Аккадда ҳарбий демократия ҳали сақланиб турган экан, осмонда ҳам худди ўша тартиблар мавжуд деб фараз қилинган (масалан, Эниль одамларни жазолаш ҳақида ўзи ўйлаб қўйган чораларга бошқа олий худоларнинг розилик беришларига эришиши керак бўлган).



Ҳоснадорлик маъбудаси Иштар

<sup>1</sup> У шумерларда Энки деб аталган.

Аммо қулдорлар билан қуллар ўртасидаги, аёнлар билан оддий жамоачилар ўртасидаги социал зиддиятлар аста-секин кескинлашган ва уруғ-қабила урф-одатлари ўз кучини йўқота борган. Янги тартиблар муқаррар равишда нариги дунёга (охиратга) кўчирилган. Олий худо энди қабила бошлиғи деб эмас, балки чексиз ҳокимиятга эга бўлган мустабид деб тасаввур қилинган. Худди шу ўринда Энлиль даҳшатли ҳукмдор деб аталади ва, биронта худо ҳам унга тикилиб қарашга журъат эта олмайди, деб таъкидлаб ўтилади.

Худолар шарафига қурбонликлар (айниқса байрам кунларида жуда катта қурбонликлар) берилган. Диндорларнинг қурбонликлари ибодатхона ҳовлиси ичида бўлган қурбонгоҳга қўйилган, ундан кейин қурбонлик гўшт, нонлар ва бошқа маҳсулотларнинг бир қисмини коҳинлар ва қавмлар еганлар. Эрамиздан аввалги III минг йилликда энди одамларни қурбон қилиш ўрнига қўзилар қурбон қилинадиган бўлган. Байрамлар вақтида бут (санам)лар ибодатхоналардан ташқарига олиб чиқилган. Уларни тантанали маросимда кўтариб юрилган ёки ҳашамдор қилиб безатилган қайиқларда каналлар бўйлаб олиб борилган. Дуолар ўқилганда ва жоду-афсунлар қилинганда найлар, чилтор (арфа)лар ва бошқа музика асбоблари чалиниб жўр қилинган.

4. Адабиёт. Қадимги Икки дарё оралиғи халқларидан худолар ҳақидаги афсоналар билан бир қаторда эпик асарлар ҳам замонамизгача етиб келган; бу асарларда гоаят катта куч ва донишмандликка эга бўлган, аммо худолардан фарқ қилиб, охир бир кун, барча одамларга хос қисматга дучор бўлиб, дунёдан ўтишлари керак бўлган қаҳрамонларнинг мардонавор ишлари ва ботирликлари мадҳия қилинади. Бу эпик асарларда турли элементлар чатишиб кетади. Халқ оғзаки ижодини қайтадан ишлаган, сарой ва коҳинлар доиралари билан боғланган ҳамда изчил синфий тенденцияни (ғояни) ўтказишга интиладиган мирзаларнинг қўшимчалари ва изоҳлари туфайли мазкур ижод муррақаблашиб (чигаллашиб) кетади. Иккинчи томондан, реал тарихий воқеалар ва тафсилотлар ҳақидаги хотиралар очиқдан-очиқ муболағалар билан қайта ишланади ва афсонавий тафсилотлар билан тўлдирилади.

Қадимги Иккидарё оралиғининг буюк қаҳрамони Гильгамешга бағишланган эпик асарларни энг характерли цикл деб ҳисоблаш лозим. Бу циклнинг айрим-айрим парчалари шумер тилида сақланиб қолган. Бу парчаларни аккадликлар ўзлаштириб олгандан сўнг, улар тамомила системалаштирилган ва қайтадан ишланган; аккадликлар ўз тилида Гильгамеш ҳақида 12 қисмдан иборат яхлит дoston яратганлар.

Ҳозирги вақтда Гильгамешнинг тарихий шахс бўлганлиги аниқланган. Худди шу Гильгамеш идора қилган Урук шаҳри ўша замонда Иккидарё оралиғининг бош маркази бўлиб қолган. Қадимги қаҳрамонлик қиссасидан халқ йигинининг розилиғи

билан Гильгамеш ўз жонажон шаҳрининг Киш ҳукмронлигига қарши озодлик учун курашини қандай ташкил этганлиги батафсил тасвирлаб берилади.

Аккад достонида Гильгамеш эркакларни шаҳар деворлари қуришга мажбур этадиган, қизларни эса ўз ҳарамига зўрлаб олиб кетадиган қайсар ва ўжар ҳукмдор қиёфасида гавдаланади. У ўз дўсти Энкиду билан биргаликда бир қанча қаҳрамонликлар кўрсатади (масалан, кедр ўрмонида яшовчи паҳлавон Хумбабони ўлдиради). Гильгамешнинг кучи ва донолигига қўйил қолган маъбуда Иштарнинг ўзи унга севги изҳор этади, аммо эҳтиёткор қаҳрамон унинг интилишини рад қилади ва илгариги ошиқларининг ҳаммасини маккорлик билан ҳалок этганлигини маъбуданинг ёдига солади.

Гильгамешнинг қўпол рад жавобини ўзига ҳақорат билган маъбуданинг илтимосига кўра унинг отаси Ану Урукка осмоний бир ҳўкизни юборадики, у Фрот дарёсининг сувини ичиб тамом қилади ва ўз дами билан ерни ёради. Бироқ Гильгамеш билан Энкида мудҳиш махлуқни ўлдиришади.

Оқибатда Гильгамешнинг худоларга қарши курашишга кучи етмаслиги ўзига маълум бўлиб қолади, шу сабабдан у ўлмаслик (боқийлик) инг сирини билиб олиш мақсади билан узоқ сафарга жўнайди. Гильгамеш океандан кемада сузиб ўтади ва бобоси, бутун дунёни сув босиб тўфон бўлганида омон сақлаиб қолган ва худоларнинг амрига биноан, ўзи ва хотини биргаликда оби ҳаёт ичган ўша ўлмас Утнапиштим яшаётган оролга етиб боради. Уларнинг маслаҳатига кўра Гильгамеш денгиз тубига тушади ва у ердан чол одамни ёш қиладиган сеҳрли оби ҳаёт ўтини олиб чиқади, лекин илон пайдо бўлиб, унинг ана шу ўсимлигини олиб қочади.

Достоннинг асосий фикри, ҳатто энг буюк қаҳрамон ҳам абадий ҳаётга эриша олмади ва худоларга итоат қилиши керак, деган фикрдан иборат.

Бошқа бир дoston ҳам одамзод имкониятларининг чекланганлиги ҳақидаги ўша фикр билан суғорилган; бу асарнинг қаҳрамони Этанадир.

У ҳам, Гильгамеш каби, мўъжизали «ҳаёт ўти»ни қидиради ва бунинг учун бургут бўйнига миниб, осмону фалакнинг ўн тўртинчи қаватига кўтарилади. Қаҳрамон настга қараб, ернинг кўздан ғойиб бўлганлигини кўриб, қўрқиб кетади, бургут бўйнини қўйиб юборади, ағдарилиб ерга келиб тушади ва ҳалок бўлади.

Юқорида ёрқин образлари кўрсатиб ўтилган эпик асарлар билан бир қаторда Шумер ва Аккад лирикаси бизгача етиб келган. Худолар шаънига гимнлар яратилган. Улардан бирида жиноятчиларни жазоловчи ва уйдан ташқарида бўлган ҳамма одамларни қўриқловчи қуёш худоси Шамаш куйланади.

Шунингдек, диалогнинг ўзига хос адабий шаклидан фойдаланилади; бу адабий шакл (кейинчалик антик дунёда бўлгани ка-

би) ҳаётнинг мазмуни ҳақидаги чуқур ўйларни ифодолаш учун хизмат қилади.

«Хўжайиннинг қул билан суҳбати» типик бир асардир. Қандайдир бир мансабдор подшонинг ғазабига учраган ва у нима қилмоғи кераклиги тўғрисида ўз қули билан маслаҳатлашади. Ҳаётдаги мушкул аҳволдан қутулишнинг барча имкониятлари беҳуда бўлиб чиқади. Подшонинг марҳаматига умид боғлаб бўлмайди, унга қарши бош кутариш эса бефойда. Вақт ганиматига, ҳаёт қувончларига берилиб кетиб, ғам-ташвишларни унутиб юбориш мумкин, базм қуриш, аёлни яхши кўриб қолиш мумкин, албатта, лекин бунда маъно йўқ. Мириқиш одамни қийнайди, аёл эса айёр-маккора («аёл — ўр-чуқур, у — одамнинг бўғзини кесиб ташлайдиган ўткир темир ханжар»). Қулнинг ишонтиришига кўра, худонинг мададига ҳам умид боғлаш керак эмас, чунки худонинг одам ва унинг кулфатлари, азоб-уқубатлари билан иши йўқ ҳамда у илтижо-ёлворишлар ва сеҳрли афсунларга ҳам ҳеч қулоқ солмайди.

Бу фикрларда энди диний идеологиянинг негизига путур етказувчи диний скиптицизмга дуч келамиз. Гарчи худоларнинг мавжудлиги тўғридан-тўғри инкор этилмаса-да, аммо бу йўлда энди диний эътиқод-топинишнинг бефойдалигини эътироф қилишдан иборат бўлган дастлабки қадам қўйилган эди.

Диалог охирида жаҳли чиқиб кетган мансабдор ўзига тасалли беришни истамаётган айёр қулини ўлдирмоқчи бўлиб пўписа қилади, лекин у, хўжайиним мендан кейин фақат уч кун умр кўрадилар, деб хотиржамлик билан жавоб беради. Бу ўринда, қул мансабдор олдида ожиз бўлгани каби, мансабдор ҳам подшо олдида ожиздир, деган фикр равшан ифодаланган.

Масал—халқ ижоди хусусиятларини кўпроқ сақлаб қолган ўзига хос бир жанрдир. Ҳайвонлар ҳаётига доир ҳикоялар (бургут билан илон ҳақида, қўрқоқ ва мақтанчоқ тулки тўғрисида, мурувватли арслон ҳақида ва ҳоказо) замонамизгача етиб келган.

Шунингдек, кундалик турмуш икир-чикирларини моҳирона акс эттирадиган, баъзан эса ахлоқнинг асосий масалаларини қўядиган маталларни ҳам кўрсатиб ўтиш лозим. Бир мақолда исрофгарлик қораланади ва тегишли воситаларни тежашга даъват этиш сезилиб туради; «Кимки хўжайин каби қурса, қул сингари яшайди; кимки қул каби қурса, хўжайин сингари яшайди». Урушларни қоралашда чинакам халқ донолиги акс этади: «Сен бориб ўз душманинг ерини босиб олсанг, худди шу вақтда душманинг келиб сенинг ерингни ҳам босиб олади» («Бировга чоҳ қазисанг, ўзинг йиқиласан»).

**Б. Фан.** Қадимги Иккидарё оралиғидаги илмий фаолият, худди бадий адабиёт каби, айниқса бу иш билан асосан қоҳимлар шугулланишгадигани учун у диний-афсонавий дунёқарашнинг кучли таъсири остида ривожланган.

Кузатиш ва тажрибалар ўтказишда кўпинча атроф муҳитни чинакам ўрганиб билишдан ва чиқарилган хулосаларни амалий ҳаётга татбиқ қилишдан узоқ бўлган мақсадлар қўйилган.

Ҳар бир нарсанинг ва ҳар бир ҳодисанинг реал хусусиятлари билан бир қаторда, уларга ҳаёлий хусусиятлар нисбат берилган. Табиатда кўрилган ва сезилган ҳодисалар афсонавий схемаларга қўшилган.

Органик дунё билан анорганик дунё ўртасига ҳали чегара қўйилмаган ва ер, сув, ҳаво, ёриткичлар жонли мавжудотлар ҳисобланган. Фетишистик ва тотемистик назарлар барча нарсалар ва жонли мавжудотларнинг одамзод учун фойдали ёки зарарли бўлган реал хусусиятларига қарамасдан, уларни ижобий ва салбий нарсаларга бўлишга мажбур қилган. Масалан, Шумерда қора тошларга баракали-роҳатбахш хусусиятлар, оқ тошларга эса салбий хусусиятлар нисбат берилган. Бобил сеҳр-жодусида, аксинча, қора сувараклар сариқ малла сувараклардан фарқ қилиб, балодан дарак берувчи деб ҳисобланган. Илонлар гоҳ хавфли деб, гоҳ ақлли ва шарофатли деб ҳисобланган. Ҳатто сонлар орасида ҳам омадли ва омадсиз сонлар фарқ қилинган, бу ҳол календарга ва метрологияга таъсир кўрсатган.

Шубҳасиз, амалий эҳтиёжлар диний-сеҳрий тақиқларни бузишга ёки уларни четлаб ўтишга мажбур этган. Баъзида сеҳрли ҳокимликка эришиш мақсадида олиб борилган кузатишлар йўл-йўлакай қимматли илмий кашфиётларга олиб келган. Дунёни билиш диний дунёқараш кишанларидан секин-аста, аммо тўхтовсиз қутула борган, лекин шарқ қулдорлик истибодиди ша-роитларида мазкур процесс тугалланмай қолган.

Математика ва астрономия соҳасида анча катта муваффақи-ятларга эришилган.

Шумердаги ибодатхоналарга ва подшога қарашли йирик хўжаликларда ўнлаб ҳисобчилар ишлаб, улар маҳсулотлар ва иш кучини касрларгача (масалан, меҳнат кунларини аниқлаш учун) жуда аниқлик билан ҳисоблаб чиққанлар.

Бинология қурилиши ва ирригация иншоотларида арифметика ва геометрияни билиш талаб этилган. Олти ўнлик (олтмишлик) системаси (6 рақами омадли ҳисобланган)<sup>1</sup> сеҳрли тасаввурларнинг қолдиғи бўлган. Бу системанинг ҳамма ноқулайликларига қарамай, ундан тамомила қутулиб бўлмаган.

Кейинчалик анча рационал ўнли система ва компромисс система пайдо бўлган, бунда 60 (6·10), 360 ва шу кабилар асосий сонлар ҳисобланган. Бир кеча-кундузни 24 соатга, соатни 60 минутга, доирани 360 даражага бўлиш ва ҳоказо ана шу системадан келиб чиққан.

Позицион системанинг яратилиши Шумер-Аккад математи-касининг катта ютуғи бўлган; бу системада рақам кўп қийматли сонда тугган ўрнинга қараб ўз қийматини ўзгартиради.

<sup>1</sup> Шунингдек, бу рақамнинг ҳосилалари (12, 36 ва ҳ. к.) каби.

Вертикал уч қирра нарса одатда бир рақамини билдирган, аммо ўнлик белгиси (рақами) олдида одатда 60 каби идрок этилган, бошқа комбинацияларда эса 3600 қийматига эга бўлган. Ноль учун белгининг йўқлиги катта камчилик бўлган.

Яна алгебра куртакларини (квадрат тенгламалар ечилган) ва геометрия куртакларини (айлана, доира юзи узунлигини ҳисоблаш ва ҳ. к.) кўрсатиб ўтиш лозим.

Астрономия сохта фан астрология билан чамбарчас боғли бўлган. Осмоний ёритгичларнинг айрим одамлар ва бутун бошли халқлар тақдирига таъсир этишига кўр-кўрона ишониш юлдузли осмонни ўрганишга рағбатлантирган. Шунинг бараварида осмоний ҳодисаларнинг Ерда содир бўлаётган воқеаларга тасодифан тўғри келганлигига асосланган фантазияларни қалаштириб юбориш билан бир қаторда, илмий қимматга эга бўлган тамомила ишончли хулосалар чиқарилган. Масалан, ҳар 2000 йилда алмашинадиган баҳорги кеча-кундуз баравар бўлган кунда (Эгиз эраси, Савр эраси ва ҳ. к.) Қуёш билан 12 бурж ўртасидаги ўзаро алоқалар аниқланган. Қуёш ва Ой тутилишлари, Ойнинг Ерга энг яқин келиш вақти олдиндан айтиб бериладиган бўлган.

Иккидарё оралиғида қуёш-ой календары ишлаб чиқилган, бу календарь бутун Олд Осиё бўйлаб тарқалган. Қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари календарь ҳисобларининг жуда аниқ бўлиши кераклигини, чунончи, қуёш йили билан ой йилини бараварлаш учун ҳар уч йилда кабиса йили (тула йил)га бир кун қўшиш лозимлигини тақозо қилган.

Шумер-Бобил мирзалари, улардан кейин эса Осурия мирзалари ўқув мақсадини кўзда тутиб ўсимликлар, ҳайвонлар ва минераллар рўйхатини тузганлар ва ҳатто уларни система-лаштиришга, баъзан эса жуда содда равишда тартибга солишга уринганлар. Масалан, эшак, от ва туя бир гурпулага киритилган (от-тоғлар эшаги, туя-денгиз эшаги) арслон катта ит деб аталган ва ҳ. к.

Қурбон қилинган ҳайвонларнинг тана тузилишини синчиклаб ўрганилган. Жигарнинг лойдан ясалган жуда яхши моделлари шу вақтгача етиб келган. Улар фол боқишда ишлатилган, аммо ҳақиқатда анатомия билан танишиш учун кўрсатмали қурол бўлиб қолган.

Эраимиздан аввалги III минг йилликда (Картондан 2000 йил илгари) шумер тилида агрономиядан илмий асар тузилган, бунда тупроқ хусусиятлари, маданий ўсимликлар ва шу кабилар кўзда тутилади.

Шунингдек, сунъий тошлар (масалан, синтетик ложувард) тайёрлаш ҳақидаги миҳхат рецептлар бизга маълум.

Шундай қилиб, табиатшуносликнинг сеҳр-жоду билан алоқаси аста-секин сусая борган ва хўжалик мақсадларига хизмат қила бошлаган.

Медицинада ҳам сеҳр-жодунинг ана шундай бартараф қилиниш процессини кўраимиз. Шубҳасиз, ички касалликларнинг

сабабларини аниқлаш анча қийин бўлган, шунинг учун ҳам одатда бундай сабаблар жодугарларнинг ёвуз ниятлари, ялмоғиз (ажина) кампирларнинг фитна-фасодлари, ҳийла-найранглари туфайли ажинанинг бемор танасига суқилиб кириши билан изоҳлаб берилган.

Жоду қилиш, дуо ўқиш ялмоғизларнинг суратларини куйдириб юбориш даволашнинг энг яхши воситалари ҳисобланган, дори-дармон эса кўшимча роль ўйнаган.

Жарроҳлик (хирургия) сохта илмий назариялардан анча холи бўлган. Чунки бу борадаги иш яққол ва аниқ ҳодисалар билан боғлиқ бўлган. Бобил врачлари Хаммурапи замонидаёқ (эр. ав. XVIII аср) иш ўнгмай қолган тақдирда қаттиқ жазога тортилиши (қўл панажасининг кесиб ташланиши) хавфи остида бўлишларига қарамай, мураккаб кўз операциялари қилишга (катарактани) кўз гавҳарининг хира тортишини (бронза пичоқ билан олиб ташлашга) журъат этганлар.

Шумерликлар ва бобилликларда ер абадий океан вужудга келтирган худо (маъбудаки, кейинчалик тангри Бел) деб ҳисоблангани сабабли қуруқликнинг ҳамма томондан сув билан қопланганлиги ҳақида тасаввур пайдо бўлган. Ер юзидаги барча денгизлар дўнг ер гардишини ўраб олган ана шу ташқи сув айланасининг қўлтиқлари деб ҳисобланган (Бобил дунё картасида кўрсатилган).

Сеҳр-жоду нормаларига кўра дунё мамлакатлари бўшлиқлар деб ўйланган. Шумерда Фрот дарёси гўё ўқ каби бирлаштирган Юқори денгиз (Ўрта денгиз ва Қора денгиз) ва Қуйи денгиз (Форс қўлтиғи) мамлакатларини (қарама-қаршилик принципига кўра) бир-биридан жуда аниқ фарқ қилинган.

Шумер давлати ана шу территориялар комплексларидан ҳар бирини кўриб чиқар экан, ўнг томонда бахтли ва дўст мамлакатлар, сўл томонда эса ёвуз ва душман мамлакатлар жойлашган, деб ҳисоблаган. Аммо реал сиёсат потенциал (яширин) душман деб ҳисобланган территорияда яшовчи халқлар билан ҳам алоқалар ўрнатишга мажбур этган.

Географик объектлар одатда муайян планга мувофиқ (айланма доира бўйича, ўнгдан сўлга ёки таққослаш принципи бўйича) санаб чизилган.

Иккидарё оралиғи халқларида биз англайдиган маънодаги тарих фани бўлмаган. Энг муҳим воқеаларнинг йиллик рўйхати тузилиб, урушлар ва подшоларнинг бинокорлик фаолияти ёзиб борилган. Тарихий ўзгаришларнинг сабаблари гуноҳлар учун жазоловчи худоларнинг иродаси ёки у, ёки бу подшонинг фаолияти (фойдали еки жуда зарарли ишлари) билан боғлаб изоҳлаш билан чекланилган.

6. Санъат. Ўтган асрда ва ҳозирги асрда ўтказилган қазишлар туфайли қадимги Иккидарё оралиғи архитекторлари, ҳайкалтарошлари ва расом-наққошларнинг кўп сонли асарлари

маълум бўлиб қолди; бу асарларда қадимги шарқ истибодлари (деспотиялари)нинг типик хусусиятлари билан бир қаторда, маҳаллий шароитлар билан белгиланадиган ўзига хос хусусиятлар кўрсатилади.

Шумерлар ва аккадларнинг архитектура иншоотлари асосан хом гиштдан қурилган. Тош ва ёғоч кам миқдорда, шу билан бирга, айрим майда қисмлар (тош қоплама, ёғоч эшиклар ва шу кабилар) учун ишлатилган.

Архитектура формалари шарқ деспотияларига хос бўлган соддалик, ҳашамадлилик ва геометриклиги билан характерланади.

Ибодатхоналар кўпчилик қисмининг ўзига хос хусусиятлари шуки, уларда беш ёки етти қават баландлигида кўп зинапояли минора (зиккурат) бўлган; бу ерни осмон билан, ердаги ҳокимларни осмон ҳокимлари билан боғлайдиган зинапоя ҳисобланган. Айни замонда у осмоний ёриткичларни кузатиш учун обсерватория (расадхона) бўлиб хизмат қилган.

Иккидарё оралиғига хос мақбаралар гишт билан ишлаб чиқилган оддий шахталардан иборат бўлган.

Уч ўлчовли ҳайкалтарошликда, бўртма расмлар ва рассомлик санъатида ҳам, архитектурадаги сингари соддалик, симметриялилик ва бир турлилик устун бўлган.

Тексликдаги оммавий кўринишларда сурат-шакллар (фигуралар) пояслар бўйича жойлаштирилган ва одатда бир хил, симметрияли шакллар бўлиб гавдаланган. Худолар ва подшолар катталаштирилган ўлчамлари билан ажратиб кўрсатилади; бу орқали уларнинг оддий одамлардан устунлиги таъкидланган.

Айниқса эҳтироссиз юзларнинг бир хилда ифодаланган бир қолипдаги совуқ илжайиш ҳамда кескин ўзгаришлар билан тилдам ҳаракатларни тасвирлаб беришни истамаслик бизни кайиридан қолдиради.

Бироқ, шуни изоҳлаб ўтиш керакки, баъзи тарихий пайтларда одатланиб қолинган қонун-қоидаларни бузиш ва анъанавий шартлиликдан (расм-таомилдан) қутулиш йўлида уринишлар бўлган.

Турли халқларни бирлаштирган Аккад давлатини барпо қилиш даврида, социал ларзалар ва ташқи дунё билан алоқалар кенгайиб борган вазиятда бадиий усулларда чуқур ўзгаришлар кўрилади. Стел Нораамсиннинг ажойиб ҳайкали бундан яққол далолат беради. Бу ёдгорликда одатдагича, фигураларни пояслар бўйича горизонтал жойлаштириш билан бирга, ягона композиция яратишга ҳаракат қилинади. Тоғ ландшафти фонда қояларнинг чиққ жойлари бўйлаб бир маромда қадам ташлаб чиқаётган аскарлар тасвирланган. Юқорида подшонинг ўзи найзани шитоб билан силтаб, душман жангчисини енгмоқда, бошқа жангчи эса мушкул аҳволда қолиб қочиб кетмоқда.



Имо-ишораларнинг турли-туманлиги, голибнинг хотиржам дидиллиги ва енгилганлар ваҳимасининг тасвишлаб берилиши кучли таассурот қолдиради.

\* \*  
\*

Шумер-Бобил маданияти Яқин Шарқ ва Европа халқларига катта таъсир курсатган. Олти унли (олтмишлик) системаси вақтни (соатлар, минутлар ва секундларни) ҳамда фазони (кенглик ва узунлик даражаларини) бўлишда акс этган ва у универсал бўлиниш бўлиб қолган. Сакрал (муқаддас) 12, 60, 180 ва 360 рақамлари учратиладиган ҳамма жойда қадимги Иккидарё оралиғи халқларини эсга олишимиз керак. Ҳозирги замон астрономлари планеталар ва юлдузлар туркуми (бурж) нинг шумерлар ва аккадлар (бобилликлар) га мансуб бўлган номларини, баъзан антик дунёда қайта ишланган вариантдаги номларини ишлатадилар (Юпитер планетаси Мардукка, Венера эса маъбуда Иштарга тўғри келади). Қадимги Иккидарё оралиғининг поэтик образларидан янги замон ёзувчилари фойдаланадилар. Шумер-Аккад қоронғилик аёл ҳукмдори Лилит Таврот, Талмуд ва Апокрифа орқали эраизининг XIX—XX асрларигача етиб келган ҳамда бу образ И. В. Гёте ва А. Франс асарларида учраб туради. И. Бунин шеърларида Бобил сюжетлари дам-бадам учрайди.

## XI БОБ

### ҚАДИМГИ МИСРНИНГ МАНБАЛАРИ ВА ИСТОРИОГРАФИЯСИ

Қадимги Иккидарё оралиғининг тарихи сингари, Мисрнинг узоқ ўтмишини мунтазам суратда ва чуқур ўрганишга фақат XIX асрдагина имкон тўғилди.

Унғача библия (таврот) даги айрим маълумотлардан, грек ва латин авторларининг асарларидангина фойдаланишга тўғри келган, аммо бу авторлар Мисрнинг ёзма ҳужжатларидан фойдалана олмаганлар, фақат ўзга халқнинг оғиздан-оғизга ўтиб келган ҳикояларинигина баён қилганлар.

Геродотнинг бизга маълум «Тарих»ида Мисрнинг ўтмиши у қадар мунтазам бўлмаса-да, Бобил-Осур тарихидан кўра хийла муфассал баён этилган.

«Тарих отаси» Нил бўйлаб мамлакатнинг шимолий чегараларидан жанубий чегараларигача бориб етган, қадимги ёдгорликларни кўздан кечирган, жанг майдонларини кўрган, грек тилини билган мисрликлардан ўша халқнинг урф-одатлари ва ўтмишини суриштирган. Суҳбатдошлар унга бир-бирига боғланмаган, айрим маълумотларнигина айтиб берганлар, кўпинча у

маълумотлар нотўғри бўлган, аммо уларнинг қанчалик тўғри-нотўғри экинчилигини Геродот текшира олмаган.

Баъзида мисрлик суҳбатдошлар ўз ота-боболарининг ҳарбий қаҳрамонликларини кўпиртириб гапириб, грек сайёҳини атайлаб чалғитганлар. Масалан, улар Сесострис деб атовчи фиръавн Қора денгизнинг шимолий қирғоқларига чиқиб бориб, скифларни ўзига бўйсундирган деб Геродотни ишонтирганлар. Аслида эса Миср фиръавларининг қўшинлари ҳеч қачон Қора денгизгача етиб келган эмас. Шу билан бирга Геродотда кўпгина тўғри маълумотлар ҳам бор, айниқса унинг ўз кўзи билан кўрган нарсалари (деҳқончиликка доир ишлар, ҳайвонларга сиғиниш, мумиёлаштириш усуллари ва шу кабилар) ана шундай маълумотлардир. Анча кейинроқ (эрамизнинг I—II асрларида) грек ёзувчиси Плутарх мисрликлар динига бағишлаб («Исида ва Осирис тўғрисида») махсус асар яратган.

Миср антик дунёнинг бошқа ёзувчиларини ҳам қизиқтирган, лекин улар ҳам, Геродот ва Плутарх сингари ўз асарларини мисрликлар билан қилинган суҳбатларга асосланиб ёзганлар, гарчи улар миср ёзувларини кўрган бўлсалар-да, аммо уларни ўқий олмаганлар.

Эрамизнинг 332 йилида Миср Александр Македонский (Искандар Зулқарнайн) томонидан истило қилиниб, бу ерга жуда кўп греклар кўчиб келгач, мамлакатнинг ўтмиши билан янада кўпроқ қизиқа бошлаганлар ва Манефон деган коҳин грек тилида «Миср тарихи»ни ёзган. У Миср тарихининг хронологик жадвалини (асосан тўғри) тузган ва унда Миср тарихида юз берган бир қатор воқеаларни тасвир этган, бунда ҳақиқий фактларни афсонавий хикоялар билан қўшиб баён этган.

**1. Миср ёзувларининг ўқиб чиқарилиши.** Янги замон тарихчилари мана шу хилдаги манбалардан фойдаланиб иш кўришга мажбур бўлганлар. Тўғри, Мисрнинг ер бетида ҳам кўпгина ёдгорликлари (пирамидалар, ибодатхоналар, ҳайкаллар, устунлар) сақланиб қолган, уларнинг анчаси ёзувлар билан қопланган, лекин у ёзувларни ўқиб чиқариш ва мазмунини англаб олиш йўлидаги уринишлар узоқ вақтларгача натижа бермаган. Фақат 1822 йилда Ф. Шампольон деган француз олими Миср иероглифларини ўқиш йўлини топган.

1799 йилда генерал Бонапарт (булажак император Наполеон) Мисрга қилган юриши вақтида топилган Розет тошидаги икки тилда грек-миср тилида<sup>1</sup> ёзилган ёзув миср ёзувларини ўқиб чиқариш учун биринчи асос бўлган. Бу ёзувда Македониядан чиққан Птолемей деган подшо тилга олинган; Птолемей фармонларини ўз фуқаролари (мисрликлар билан македониялик греклар) учун икки тилда чиқарган.

<sup>1</sup> Миср қисми икки хил шрифт билан: иероглиф ва ёзув (демотика) шрифтлари билан ёзилган.

Птолемейнинг номи нақшли овал ичига олинган ва уни ҳарфларга ажратиш мумкин бўлган. Лекин бу ҳали ўқиб чиқаришга қўйилган биринчи қадам бўлган. Ёзувдаги бошқа сўзлар ундощ ҳарфлар билан (унли товушлар ёзувда берилмаган, берилса ҳам камдан-кам ҳоллардагина берилган) бугин аломатлари ва лагограммалар («ўғил», «ҳаёт», «яхшилиқ» ва шулар каби бутун-бутун сўзларни англлатувчи белгилар) аралаштириб ёзилган.

Ф. Шампольон мураккаб солиштиришлар воситаси билан бир қанча аломатларни аниқлашга муваффақ бўлган. Унинг шоғирлари ва издошлари у бошлаган ишни давом эттириб, охирига етказганлар. Дастлаб бу иш тошлардаги ёзувларни ўқиб чиқариш билангина чекланган. Кейинчалик алоҳида қўға толасидан ишланган папирусга қора ва қизил сиёҳ билан ёзилган текстларни ўқиб чиқаришга киришилган.

Бу текстларнинг кўпи тез ёзув (иератика) усулида ёзилиб, кейинчалик бориб демотика усулида ёзилган; демотика ёзувлари ҳозирги замон стенографиясига ўхшаб кетади. Папируслардан: 334-сонли (халқ қўзғолонини тасвирловчи) Лейден папирусини, Турин папирусини (машҳур «Улиқлар китоби»нинг биринчи нусхаси) ва Эрмитаж (Ленинград) да ҳамда А. С. Пушкин номидаги Тасвирий санъат музейи (Москва) да сақланаётган бир қанча қўдёмаларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

2. **Археология ёдгорликлари.** Юқорида айтиб ўтганимиздек, Мисрда кўпгина ёдгорликлар (пирамидаларнинг кўпчилиги, деворлари ёзувлар билан қопланган муҳташам Фива ибодатхоналари ва бошқалар) ер бетида сақланиб қолган.

Лекин бу ёдгорликларнинг кўпчилигини қум босиб кетган, уларни очиш учун эса қазилар ўтказишга тўғри келган.

Қазилар натижасида бутун-бутун шаҳарлар ва қояларга ўйилган мақбаралар очилди. Гап шундаки, эрамиздан олдинги II минг йиллик ўрталарида Миср фиръавнларининг жасадларини ҳаммага кўрииб турадиган ва талон-тарож қилиш осон бўлган пирамидаларга кўммасдан, балки ҳеч ким билмайдиган қилиб қояларга ўйиб ишланган ер ости мақбараларига кўмгаилар. Бари бир бу дахмаларнинг ҳам кўпчилиги таланган. Улардан фақат биттаси таланмай сақланган. У ҳам бўлса, Фива шаҳрининг ғарб томонида, подшолар водийсидан топилган машҳур Тутанхамон (эрамиздан аввалги XIV аср) мақбарасидир. Уни 1922 йилда инглиз археологи Т. Картер топган. Бу дахманинг тўртта ҳужрасидан бирида подшонинг мўмиёси қўйилган. Ун тўққиз ёшлиқ касалманд йигит — Тутанхамон жасади ажойиб нафис қилиб ишланган ғоят гузал олтин тобутга солинган. Кишини ҳайратда қолдирадиган (унинг портретини аниқлаш имконини берувчи олтин маска кишини ҳайратда қолдиради) бу олтин тобут яна олтин, тош ва ёғочдан ишланган еттита тобутга солинган. Саккиз қават тобут ёнига бениҳоя

қиммат буюмлар (нафис нақш солиб ганчдан ишланган ваза, кумуш трубалар ва бошқалар) қўйилган. Дахмага ҳаво кирмаганлигидан ҳаттоки бутакуз ва нилуфардан ишланган гумчамбао ва гулдасталар ҳам 3300 йил давомида жуда яхши сақланган. Ҳозир мана шу қимматбаҳо ёдгорликлар Бирлашган Миср Республикасининг пойтахти Қоҳира музейида сақланади.

Сўнги вақтларда Бирлашган Миср Республикасидаги археологик қидириш ишларига ўз ватанининг узоқ ўтмиши билан қизиққан маҳаллий тадқиқотчилар ҳам киришди. 1954 йили М. З. Хонайим III сулоланинг (эрамыздан аввалги XXVIII аср) унча машҳур бўлмаган фиръавни Сехемхет кўмилган пирамидани қазиб топди.

Бу фиръавннинг олтиннома сарғиш нафис ганчдан ишланган нақшинкор тобути (гарчи таланганлигини кўрсатадиган бирон-бир аломат бўлмаса ҳам), афсуски, бўш чиқди. Фиръавннинг мўмиёсини бошқа бир панароқ жойга бекитган бўлсалар керак.

Асвон тўғони районида Б. Б. Пиотровский бошлиқ совет тадқиқотчилари бир қанча муваффақиятли археологик қидиришлар ўтказдилар (қояга ўйиб солинган расмлар ва ёзувлар, сулолалардан олдинги даврдаги чорвачилик фермалари ва бошқалар топилди). Бирлашган Миср Республикаси ҳукумати Асвон жанубида сув бостириладиган райондаги қимматли ёдгорликларни сақлаб қолиш юзасидан бир қанча тадбирларни белгилади. Хавфсиз жойга кўчиришнинг иложи бўлмаган ёдгорликларни сувнинг ҳалокати таъсиридан сақлаш чоралари кўрилди.

**3. Илм-фан тарихи.** XIX ва XX асрда топилган жуда кўп ёдгорликлар (биз бунда улардан баъзи бир энг муҳим намуналарини айтиб ўтдик, холос) қадимги Мисрнинг ўтмишини ўрганиш учун асос яратди. Дастлабки вақтларда асосий эътибор дин, адабиёт, санъат ҳамда сиёсий тарихга қаратилган эди. Ижтимоий проблемаларга кам эътибор бериларди. Қадимги Бобилда капитализмга хос хусусиятлар қидирилган бўлса, Мисрда крепостнойлик ҳуқуқи ва феодал тарқоқлик (айниқса америкалик мисршунос Д. Г. Брэмед асарларида) постулат қилиб олинар эди.

Революциядан олдинги рус мисршуносларидан В. С. Голенищев билан Б. А. Тураевни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. В. С. Голенищев бир қанча ёдгорликларни шарҳлаб берган ва нашр қилган эди (ҳалокатга учраган кема ҳақидаги эртақ, сеҳргарлик текстлари, насиҳатлар ва ҳоказо). Б. А. Тураев эса жуда кўп тадқиқотлардан ташқари дин ва адабиётга доир жуда катта асарлар («Худо Тот», «Миср адабиёти») ёзиб қолдирди.

Совет мисршунослиги қадимий Мисрдаги ижтимоий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари ва синфий кураш тўғрисидаги масалани майдонга қўйди. Бу жиҳатдан В. В. Струве айтиқса кўп иш қилди. Қадимги Миср хронологиясини ҳам В. В. Струве тузган эди. Ю. Ю. Перепёлкин асарларини (айниқ-

са унинг «Аменхотеп IV нинг тўнтариши» номли монографиясини) Мисрнинг ҳарбий тарихи юзасидан В. И. Авдиевнинг асарини, М. А. Коростовцевнинг Миср адабий ёдгорликларига изоҳларини, «Қадимги Мисрнинг хаттотлари» ҳақида монографиясини, Т. Н. Савельева, Р. И. Рубинштейн, Е. В. Черезов, Н. С. Петровский, О. Д. Берлѐв, И. С. Кацнельсон, И. А. Стучевскийларнинг асарларини кўрсатиб ўтиш лозим.

## ХII БОБ

### ЭНГ ҚАДИМГИ МИСР ВА ҚАДИМГИ ПОДШОЛИК ДАВРИДАГИ МИСР

1. Табиий шароитлари. Миср давлати Африканинг шимоли-шарқида вужудга келган. Нил дарёсининг бошидаги шаршаралардан то Урта денгизгача бўлган водий бу давлатнинг асосий қисмини ташкил қилиб, шарқ томондаги (Нил дарёси билан Қизил денгиз ўртасидаги) Араб қирлари ва ғарб томондаги Ливия ясси тоғликларининг бир қисми ҳам шу давлат чегарасига кирган.

Мисрликлар ўзларининг мамлакатини «Қора тупроқ»<sup>1</sup> деб атаганлар, бу билан улар «Қизил тупроқ», яъни чўлга нисбатан унумдор ер эканлигини уқтирганлар. Греklar Мисрни «Египет» деб атаганлар. Бу эса мамлакатнинг қадимги пойтахти—Мемфисга—Хэкау-Птах деб, яъни «Птах (худо) руҳининг қалъаси» деб берилган шеърий номнинг бузиб айтилганидир.

Иккидарё оралиғидан фарқ қилиб, Мисрда қадимги тош (палеолит) давридаёқ одамлар яшаган. Тўғри, у чоғдаги аҳоли саёқ овчи қабилалардан иборат бўлган, улар асосан Нил дарёсининг тор ботқоқлик воҳасини ўраб турган тепаликларда ҳаёт кечирганлар. Улар азим дарё қирғоқларига камдан-кам тушганлар. У пайтда Европанинг кўп қисми ғоят катта музликлар билан қопланган бўлган, Урта денгизнинг шимолий соҳилида эса тундралар ясланиб ётган. Уша вақтда Шимолий Африканинг иқлими ҳозиргидек иссиқ ва қуруқ бўлмаганлиги табиийдир. Тез-тез ёмғирлар бўлиб турган. Африка қитъасининг бепоен кенгликларида ям-яшил ўтлар ва буталар билан қопланган даштлар чўзилиб ётган. Бу ерларда ёввойи ҳайвонлар, жумладан, фил, жирафа сингари йирик ҳайвонлар (кейинчалик бу ҳайвонлар Мисрда кўринмай кетди) ва турли-туман қушлар (туя қуш ва майда паррандалар) жуда кўп бўлган.

Кейинроқ Европа музликлари батамом эриб бўлганидан кейин (бундан тахминан 12—15 минг йил илгари) Шимолий Африканинг иқлими ўзгара бошлаган, аввалги майсазорлар чўлга айлана бошлаган.

<sup>1</sup> Баъзан «Ҳар икки тупроқ» ёки «Жонажон тупроқ» деб атаганлар.

Ибтидоий овчиларга ов билан тирикчилик қилиш камлик қилиб қолгандан кейин, улар тепаликлардан Нил водийсига тушиб, кичикроқ территорияларга жойлашиб хужаликнинг прогрессив формаларига: деҳқончилик ва чорвачиликка ўта бошлаганлар. Топ Нил водийси (кенглиги 4 километрдан 20 километргача) фақат шимол томонда, дарё Ўрта денгизга оқиб тушадиган беҳисоб тармоқларга бўлиниб дельта (учбурчак шаклидаги ботқоқлик) ҳосил қиладиган жойдагина кенгайиб борган. Миср икки томондан чул билан сиқиб келинган катта бир воҳага айланган.

Ёмғирлар (айниқса жанубда) тобора камайган ва ёмғирларнинг хужалик учун ҳеч қандай аҳамияти қолмаган. Киши бу ерда фақат дарё сувидан фойдаланибгина ҳаёт кечирishi мумкин бўлиб қолган, шунинг учун ҳам грекларнинг Миср — Нил дарёсининг туҳфаси дейишлари бежиз эмас, албатта.

Тропик жала тинмай қуйиб туриши натижасида бу ғоят катта (узунлиги жиҳатидан ер юзида иккинчи ўринда турган) дарёнинг боши сувга лим-лим тўлиб, ҳар йили (июль ойида) унинг сувлари тошиб кетарди. Деярли бутун мамлакатни сув босарди, табиий тепаликлар билан сунъий кўтармаларгина омон қолар эди, шаҳар ва қишлоқлар вақтинчалик ороларни ҳосил қилган ана шу тепалик ва кўтармаларга жойлашар эди.

Ноябрь ойида Нил суви пасайиб, далаларда семиз, серунум лойқаларини қолдириб кетар эди. Тошқиндан кейин иккинчи тўрт ойлик мавсум—экиш мавсуми бошланади ва унинг кетидан эса сўнгги учинчи тўрт ойлик (март—июнь) — йиғим-терим мавсуми келади. Жазирама иссиқ энг сўнгги нуқтасига етиб, мавсум охиридагина — жанубдан келадиган гармсел ўрнига (Миср шоирлари куйлаган) шимолдан салқин шамол эса бошлагандан кейингина — кун иссиғи қайтади ва Нил суви тобора кўтарилиб, тошқин яқинлашаётганидан дарак беради.

**2. Аҳоли.** Нил водийсининг унумдор ерлари Иккидарё оралиғидаги ерлар каби яхши ҳосил берган. Лекин бир нарсани эсдан чиқармаслик керакки, Мисрни қадимги дунёнинг ғалла конига айлантиргунча (ерларни суғориб экадиган бошқа мамлакатлардаги каби) деҳқон аҳлининг кўпдан-кўп авлодлари ғоят зўр меҳнат сарф қилганлар (ботқоқларни қуритганлар, тўғонлар қуриб, каналлар қазиб, дарё сувларини текис тақсимлашга эришганлар, ерни шўр босиб кетишдан сақлаш чоралари ва бошқа тадбирларни кўрганлар).

Қадимги мисрликлар «Иккидарё оралиғидаги кўп қабилали аҳолидан фарқ қилиб» бир тилда гапирадиган<sup>1</sup>, самит-ҳамит гуруҳига (унинг ҳамит пуштига) мансуб ягона халқ бўлган.

<sup>1</sup> Фонетик жиҳатдан бир-бирдан фарқ қиладиган бир неча шевага бўлинган бўлса-да ҳар ҳолда битта тил бўлган.



Қадимги Мисрда маҳсулот айирбошлаш

Улар қорачадан келган, буй-басти хушқад кишилар бўлган. Миср рассомлари аёлларнинг юзини оқроқ қилиб тасвирлаганлар (улар юзларини офтобдан сақлаган бўлсалар керак). Мисрликлар осиелик самитларга ўхшаб серсоқол бўлмаган. Миср подшоларининг узун ва қуюқ соқолларини яқиндан синчиклаб қаралганда сунъийлиги билиниб туради. Рассомлар мисрлик эркак-аёлларнинг ҳаммасини қорасоч ва қоракўз қилиб тасвирлаганлар. Мирснинг асосий этник массивига бегона халқлар ҳам келиб қўшилган. Жанубдан кушитлар ёки нубийлар келиб жойлашган (греклар нубийларни эфиоплар деб атаган-

лар<sup>1</sup>). Улар мисрликларга қардош халқ бўлиб, қисман ҳабашлар билан аралашган ва шу сабабдан уларнинг юз бичими ҳабашларникига ўхшаб кетган. Мисрда Марказий Африкалик пакана (карлик) қабилаларнинг вакиллари ҳам онда-сонда учратиши мумкин эди.

Ғарбдан Мисрга ливияликлар (самит-ҳамит гуруҳига мансуб барбарлар пуштининг вакиллари) келиб жойлашган. Ливияликлар оқ баданли ва кўк кўзли халқдир. Шимоли-шарқ томондан Нил водийсига бир неча марта Осиё халқлари ҳам (асосан самитлар) бостириб кирган.

Аммо кўчиб келган бу халқлар туб аҳоли мисрликлар билан жуда тез аралашиб кетган, уларнинг тилини, урф-одатларини қабул қилган ва юз бичимларига айтарли таъсир кўрсата олмаган.

Мисрликлар ботқоқ Нил водийсини (дельтасини ҳам) янги тош (неолит) давридан бошлаб, асосан эрамыздан олдинги V минг йилликда ўзлаштирганлар ва мис-тош (энеолит) даврида эрамыздан аввалги IV минг йилликда ҳам ўзлаштириш давом эттирилган.

Бир неча махаллаларга бўлинган энг катта (тахминан 250 кв. м келадиган) неолит қишлоғи ҳозирги Меримд — Банисаломда, дельтанинг ғарбий чеккасида жойлашган бўлган. Баллиқчилик ва сув ҳайвонларини (асосан гипопотамларни) овлаш бу қишлоқ аҳолисининг хўжалигида, табиий, анча муҳим ўрин тутган. Аммо уларнинг ҳеч шубҳасиз ўтроқлиги мотиға билан деҳқончилик қилишларига имкон туғдирган. Чорвачилик (айниқса чўчқачилик) ҳам ривожланиб борган. Тош қурооллар жуда камол топган (тиғи силлиқланган болталар, ўроқ ўрнида ишлатилган чақмоқтош арралар ва ҳоказо).

Дастлабки мис буюмлар (жуда оз миқдорда) кейинги даврда Юқори Мисрда (ҳозирги Бадарияда) топилган. Бу жойнинг аҳолиси овчилик ва териб-термачлаб овқат топишдан (эрамыздан аввалги IV минг йилликда) деҳқончилик ва чорвачиликка (дастлабки майда мол боқиш, кейин эса қорамол боқишга) ўтган.

Сулоладан олдинги биринчи ва иккинчи даврга бўлинадиган навбатдаги босқичда (тахминан эрамыздан аввалги IV минг йилликнинг иккинчи ярмида мис қурооллар) гарпунлар, қармоқлар, ниналар, кейинроқ ҳатто қўйма болта ва ханжарлар тобора кўпроқ ишлатилган. Аммо ўшанда ҳам техника жиҳатдан (ғоят мукаммаллаштирилган тош қурооллардан кўпроқ фойдаланилган. Қўшни чўлларни кесиб ўтган сойларнинг суви тинмай камайиб борган ва улар вақт-вақти билан бутунлай қуриб қоладиган ўзанларга (водийларга) айланган. Бу ҳол Нил во-

<sup>1</sup> Ҳозирги Эфиопия (Абиссиния) аҳолиси билан адаштирилмасин. Антик Эфиопия асосан ҳозирги Суданга ўхшаб кетади.





Миср қайиғининг модели

дийсини мунтазам суратда ўзлаштириш йўлини тутишга, сунъий суғориб экиш усулини қўллана бошлашга сабаб бўлган.

Эрамиздан аввалги IV минг йиллик охирларига келиб овчилик иккинчи ўринга ўтган, бора-бора хўжалик фаолияти формаси-лигидан чиқиб, асосан кўнгил очадиган эрмак бўлиб қолган.

Ҳунармандчилик соҳасида муҳим ютуқларга эришилган. Ҳунармандчилик маҳсулотларидан айниқса жуда нафис ишланган нақшли сопол буюмлар ва тошдан ясалган ажойиб идишларни айтиб ўтиш керак. Шиша бўтқаси билан аралаштирилган оқтош қумидан ишланган ва энг биринчи бўлиб айни Мисрда пайдо бўлган чиннининг ихтиро қилиниши олға қараб ташланган катта қадам бўлган.

Кичик Осиё ва Эгей денгизи ҳавзасидан чиқариладиган обсидиан, бир қанча мамлакатлар орқали Памирдан келтирилган лажувард, Қушдан келтирилган қора ёғоч ва бошқа мамлакатлардан келтириладиган бир қанча хом ашёларнинг бошқа хиллари Нил водийсида пайдо бўлганлиги Мисрнинг бошқа мамлакатлар билан алоқа қилганлигидан гувоҳлик беради. Йўл алоқалари воситаси соҳасида ҳам анчагина муваффақиятларга эришилган.

Сопол идишларга солинган бир неча каютали ва саккиз эшкакли кемаларнинг суратлари Мисрда асосий транспорт воситаси<sup>1</sup> бўлган дарё транспортининг хийла тараққий қилганлигидан далолат беради.

<sup>1</sup> Мисрда гилдиракли транспорт Иккидарё оралигидан анча кейин (эрамиздан аввалги II минг йилликда) пайдо бўлган. Юклар юк ҳайвони (эшаклар) воситаси билан ташилган харсанг тошларни эса қумдан сирпантириб каналарда ташиганлар.



Ерма қилаётган аёл

**3. Уруғдошлик тузумининг бузилиши.** Шу фактларнинг ҳаммаси (уларни янада кўпроқ келтириш мумкин эди) ишлаб чиқарувчи кучларнинг қатъий ривожланиб борганлигидан дарак берадики, натижада Мисрда ибтидоий жамоа тузumi емирилиб, қулдорлик жамиятининг илк босқичига ўтиши учун зарур шароит вужудга келган. Бу вақтда

матриархат ҳуқуқининг қолдиқлари Иккидарё оралиғидагидан кўра Мисрда ҳаётда ва одатларда кўпроқ сақланиб қолган бўлса-да, у энди ўз ўрнини патриархатга бўшатиб берган (бу эса ривожланиш секинроқ бораётганини кўрсатади). Хийла кейинги тараққиёт босқичида қулдорлик давлати узил-кесил ташкил топган шароитда ҳам, кишининг отига ота исми эмас, балки она исми қўшиб айтилган, айрим ҳолларда мерос она томонга берилган бувадан—қизининг ўғлига берилган.

Лекин бу ходисаларнинг тарихий аҳамиятини ҳаддан ошириб юбориш ярамайди (ҳолбуки, кўп вақт шундай қилинади). Булар кўпинча оғиздагина шундай бўлган. Аслида эса эр оила бошлиғи бўлиб, бевафолик қилган хотинини гулханга ташлаб куйдиришга ҳақли бўлган (фиръавн Хуфу ва жодугарлар тўғрисидаги эртақда эрига вафосизлик қилган хотиннинг гулханга ташланганлиги ҳикоя қилинади). Хотинига вафосизлик қилган бирон эрнинг жазоланганлиги тўғрисида ҳеч нима эшитган эмас-миз.

Мисрда уруғ-қабила тузumi дастлабки ёзма ҳужжатлар пайдо бўлишдан олдиноқ йўқолган. Муҳим масалаларни ҳал қилиш учун йиғиладиган қабила мажлисларида эркаклар билан баравар аёлларнинг ҳам иштирок этганлиги тўғрисида маълумотларни биз худо ва маъбудалар ҳақидаги афсоналардан биламиз, холос; шуниси ҳам борки, маъбудалар (қабила бошлиғи ролида иш кўрадиган) бош худо Ранинг иродаси билан унчалик ҳисоблашмаганлар, у билан айтишишганлар, баъзан ярамас хатти-ҳаракатлар билан ҳақорат қилганлар.

Мана шу барча афсоналар уруғ-қабила тузумининг маиший ҳаёти ва урф-одатларини акс эттиради, албатта.

**4. Қулдорлик тузумининг вужудга келиши.** Бошқа мамлакатларда бўлгани каби Мисрда ҳам уруғдошлик алоқалари сусая бориши билан қишлоқ (қўшничилик) жамоаси таркиб топади; афсуски, бу тўғрида маълумотлар жуда кам. Аммо қатъий қилиб шуни айтиш мумкинки, сулоалар давридан олдиноқ юқорида айтиб ўтганимиз ишлаб чиқариш соҳасидаги силжишлар ва айирбошлашнинг тараққий қилиши натижаси ўлароқ мулкый табақаланиш вужудга кела бошлаган.

Хусусий мулк эгаларининг идишлардаги тамгалари содир бўлаётган ижтимоий ўзгаришларнинг ташқи аломатларидир. Иккинчи томондан, қазилар вақтида қўллари боғланган кишилар ва бирон иш қилаётган (масалаи, сув ташиётган) хизматкорлар тасвир этилган ҳайкалчалар топилмоқда. Мана шуларнинг ҳаммаси қўлларга айлантирилган асирларни эксплуатация қилиш учун дастлабки (ҳали камдан-кам, тасодифий) уринишлар бўлганлигини кўрсатади.

Ижтимоий муносабатлардаги мана шу силжишлар муқаррар равишда қабилачилик тузумидан давлат тузумига ўтишга олиб келган. Табиий, бу ўтиш бирданига бўлган эмас, секин-аста юз берган. Дастлаб бир неча, ўнлаб ном<sup>1</sup> ташкил топган. Бу номларнинг ҳар бири атрофида қишлоқлари, далалари ва махсус маҳаллий ҳомий худоси (ёки кўпинча худолар оиласи) бор шаҳардан иборат бўлган. Бундай ўлка бошида турган, секин-аста қабила (ёки қабилалар иттифоқи) оқсоқолидан чинакам бийга айланиб бораётган ҳоким (грекча «номарх») деҳқончилик ишларини (айниқса суғориш ишларини) ҳамда ҳарбий ва диний ишларини бошқарган.




Ҳарбий асир—қўллар

Нил тошқинини жиловлаш ва унинг сувини бутун Миср миқёсида тақсимлаш зарурати бу майда давлатларнинг бирлашишига ёрдам берган. Табиий, бу бирлашиш ўзаро урушлар жараёнида юзага келган, негаки, ҳар бир ном бу бирлашмага боти бўлишга уринган.

Кучайиб бораётган зодагонлар қўлларга ва оддий жамоачиларга тазйиқ кўрсатиб туриш учун мустаҳкам давлат аппаратини вужудга келтиришга ҳаракат қилганлар. Дастлаб иккита улкан давлат: жанубда Нилнинг тор водийсида Юқори Миср ва шимолда дельтада Қуйи Миср ташкил топган. Аммо

<sup>1</sup> Грекча термин. Мисрликлар бундай майда давлатларни «сепат» деб атаганлар. Уларнинг энг биринчи маълум миқдори (42 та) хийла сўнгги даврга мансубдир.

Мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши умумдавлат миқёсида ривожланиб бораётган суғориш тармоқларининг кенгайишига ва такомиллашишига ёрдам берган. Нил сувининг кўпайиб ёки камайиб боришини муттасил текшириб туриш, қапаллар, ариқлар ва тўғонларнинг аҳволини назорат қилиш махсус подшо амалдорларига тошширилган, жамоат ишлариши ҳам ўша амалдорлар назорат қилиб турган.



Мато тўқиш

Сулолалардан олдинги даврдаёқ мамлакат экономикасининг негизини ташкил этган қишлоқ хўжалиги, мамлакат бирлаштирилгандан кейин яна юксак даражада ривож топган. Ғаллакорлик (арпа ва камроқ буғдой етиштириш) билан бирга боғдорчилик тараққий қилган. Мамлакатнинг шимолий қисмида тоқчилик ва виночилик, жанубида эса хурмочилик ривожланган. Ҳамма жойда анжир етиштирилган. Техника экинларидан зирпоя ғоят муҳим ўрин тутган. Кўпроқ жун газлама ишлатган Иккидарё оралиғидан фарқ қилиб, мисрликлар деярли фақат полатно кийган. Полизларда пиёз, саримсоқ, туруп, бодринг ва сабзавотнинг бошқа хиллари етиштирилган. Чорвачиликда қорамол алоҳида ўрин тутган. Қорамолдан фақат сут, ёғ ва гўшти учунгина эмас, балки (эшаклар сингари) деҳқончилик ишлари ва юк ташиш учун ҳам фойдаланилган. Эчки, қўй ва чўчқа боққанлар. Паррандалардан ғоз ва ўрдак боққанлар, товуқ эса кейинроқ пайдо бўлган.

Биринчи сулола даврида мис конларига бой бўлган қўшни Синай ярим оролига қайта-қайта экспедиция юборилган, бу эса мис қурооллар (болта, арра, пичоқ) нинг кўпроқ ишлатишига сабаб бўлган. Аммо металл қуроолларнинг тула ҳукмронлиги ҳали анча кейин пайдо бўлган. Бундан кейинги даврларда ҳам омовотиши ва мотигалар ёғочдан қилинган, уроқ тиши чақмоқтошдан ясалган.

Шу нарсани назарда тутиш керакки, Нил водийсининг маҳаллий шароитлари ана шундай содда қурооллар билан мўл ҳосил имконини берган. Унда ер сазё ҳайдалган, чуқур ҳайдалган тақдирда ерни шўр босган.

## 6. Қадимги подшолик. Мустабид давлат. Илк подшолик фанда

<sup>1</sup> Сунги пайтларда баъзан «Қадимги подшолик» термини ҳам ишлатилмоқда. Англашиловчилик туғилмаслиги учун огоҳлантираимизки, бу термин «Кўхна подшолик» терминга тула мувофиқдир.



Душманни ураётган подшо Нармер.  
Шифер лавҳадаги расм.

шоси Менес (Мина) анъанага биноан мамлакатни мустақкамроқ қилиб бирлаштирган. У эрамиздан аввалги тахминан 3000-йилда Қўйи Мисрни ўзига бўйсундириб, бирлашган давлатнинг биринчи сулоласини таъсис этган. Абидос — бирлашган мамлакатнинг пойтахти қилинган. Ана шундан эътиборан йилномачилар подшолар идора қилган йилларга қараб вақт ҳисобини юргиза бошлаганлар.<sup>1</sup> Менес мамлакатни бирлаштирганидан кейин ҳам дельтада қўзғолонлар бўлиб турган, аммо улар Мисрнинг икки қисми, битта бўлиб яшашига халақит беролмаган. Бунда бири иккинчисининг ичига солиб қўйиладиган оқ ва қизил тож кийилганлиги (оқи Юқори Мисрники, қизили эса Қўйи Мисрники), шунингдек ёнма-ён икки муассаса — Оқ уй билан Қизил уй идора қилиб турганлиги бир замонлар бошқа-бошқа икки давлат яшаганлигидан далолат беради.

Биринчи икки сулола идора қилган давр шартли равишда Илк подшолик деб аталади ва бу давр икки юз йилдан зиёдроқ вақтни ўз ичига олади.


<sup>1</sup> Палермо тошнинг (тош сақланаётган жойнинг номи билан шундай деб аталган) икки томони тўртбурчак катакларга бўлинган. Бир катак бир йил ҳисобиди юрган. Бу бизга маълум бўлган энг қадимги йилномадир (афсуски унинг айрим бўлакларигина бизгача етиб келган).

иш бу билан тугамаган. Юқори Миср хийла кучли ва мустақкам бирлашма бўлган ва унинг подшолари ўзларига яйлов етишмаганлигидан шимолдаги яйловларни, бевосита Урта денгизга чиқиш йўлини ҳамда Осиёга чиқадиган карвон йўллари эгаллаш мақсадида шимолий вилоятларни ўзларига бўйсундириш пайида бўлганлар.

Жанубий давлат подшоси Нармернинг шифер парракчадаги сурати ва содда пиктографик ёзувлари дельтани эгаллаш йўлидаги уринишлардан далолат беради, бу парракчада Нармернинг шимолликлар устидан ғалаба қозонгани ва 6000 душман асир олинганлиги тасвир этилган.

**5. Ягона давлат барпо қилиниши.** Юқори Миср под-

Мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан бирлашиши умумдавлат миқёсида ривожланиб бораётган суғориш тармоқларининг кенгайишига ва такомиллашишига ёрдам берган. Нил сувининг кўпайиб ёки камайиб боришини муттасил текшириб туриш, қапаллар, ариқлар ва тўғонларнинг аҳволини назорат қилиш махсус подшо амалдорларига тошширилган, жамоат ишлариши ҳам ўша амалдорлар назорат қилиб турган.



Мато тўқиш

Сулолалардан олдинги даврдаёқ мамлакат экономикасининг негизини ташкил этган қишлоқ хўжалиги, мамлакат бирлаштирилгандан кейин яна юксак даражада ривож топган. Ғаллакорлик (арпа ва камроқ буғдой етиштириш) билан бирга боғдорчилик тараққий қилган. Мамлакатнинг шимолий қисмида тоқчилик ва виночилик, жанубида эса хурмочилик ривожланган. Ҳамма жойда анжир етиштирилган. Техника экинларидан зирпоя ғоят муҳим ўрин тутган. Кўпроқ жун газлама ишлатган Иккидарё оралиғидан фарқ қилиб, мисрликлар деярли фақат полатно кийган. Полизларда пиёз, саримсоқ, туруп, бодринг ва сабзавотнинг бошқа хиллари етиштирилган. Чорвачиликда қорамол алоҳида ўрин тутган. Қорамолдан фақат сут, ёғ ва гўшти учунгина эмас, балки (эшаклар сингари) деҳқончилик ишлари ва юк ташиш учун ҳам фойдаланилган. Эчки, қўй ва чўчқа боққанлар. Паррандалардан ғоз ва ўрдак боққанлар, товуқ эса кейинроқ пайдо бўлган.

Биринчи сулола даврида мис конларига бой бўлган қўшни Синай ярим оролига қайта-қайта экспедиция юборилган, бу эса мис қурооллар (болта, арра, пичоқ) нинг кўпроқ ишлатишига сабаб бўлган. Аммо металл қуроолларнинг тула ҳукмронлиги ҳали анча кейин пайдо бўлган. Бундан кейинги даврларда ҳам омовотиши ва мотигалар ёғочдан қилинган, уроқ тиши чақмоқтошдан ясалган.

Шу нарсани назарда тутиш керакки, Нил водийсининг маҳаллий шароитлари ана шундай содда қурооллар билан мўл ҳосил имконини берган. Унда ер сазё ҳайдалган, чуқур ҳайдалган тақдирда ерни шўр босган.

## 6. Қадимги подшолик. Мустабид давлат. Илк подшолик фанда

<sup>1</sup> Сунги пайтларда баъзан «Қадимги подшолик» термини ҳам ишлатилмоқда. Англашиловчилик туғилмаслиги учун огоҳлантираимизки, бу термин «Кўхна подшолик» терминга тула мувофиқдир.

шартли равишда Қадимги подшолик<sup>1</sup> деб ном олган узоқ (III—IV сулолалар идора қилган эрамиздан аввалги 2800—2250 йилларни ичига олган) даврга муқаддима бўлган. Қадимги подшолик мамлакатни Илк подшоликдан кўра хийла мустақкамроқ қилиб жипслаштирган ва кўпроқ марказлаштирган. Қуйи Миср (дельта)нинг ажралиб чиқиш йулидаги уринишлари бу даврда батамом тўхтаган.

III сулолани (эрамиздан аввалги XXVIII аср бошларида) бошлаб берган Жосер подшолигидан эътиборан Мемфис мамлакатнинг пойтахти бўлиб қолган. Қуйи Миср билан Юқори Миср чегарасидаги (ҳозирги Қоҳиранинг жануби-ғарбидаги) шу зур қалъани Менес қурдирган.

Подшо ҳокимияти кучая бориб мустабид тус олган. «Подшо» сўзининг ўзи шу қадар муқаддас номга айланганки, у номни овоз чиқариб айтишга ҳеч кимга ҳуқуқ берилмаган, ҳукмдорни тилга олиш жуда зарур бўлиб қолган тақдирдагина мажозий «Фиръавн» («Улуғ уй» дегани, шу уйда турадиган шахсни назарда тутиб айтилган) иборасини ишлатганлар. Хужжатларда эса фиръавнни расмий равишда «Раҳмдил худо», Тоғ, «Ра фарзанди» (яъни Қуёш ўғли) ва бошқа шу каби номлар билан атаганлар.

Фуқаролар подшо олдида пайдо бўлганларида «қоринлари билан» йиқилишга ва ўз ҳукмдорининг оёғи тагидаги тупроқни ўпишга мажбур бўлганлар, аммо нуфузли баъзи шахсларгина подшонинг оёғини ўпишга ҳақли бўлганлар.

Фиръавннинг бунчалик чексиз қудрати унинг қўлида бўлган ғоят катта маблағларга асосланган. Мамлакатдаги экиладиган барча ерлар Фиръавн мулки ҳисобланган. Аслида эса у экиладиган ерларнинг бир қисмигагина эгалик қилган ва бу ерлардан ўз амлоқини ташкил этиш ёки ўзининг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига ва катта амалдорларга бўлиб бериш учун фойдаланган.

Қонлар ва тошқонлари тамомила подшо тасарруфида бўлган. Аҳolidан тўпланадиган солиқлар давлат эҳтиёжларига сарфланмасдан, кўпинча, фиръавннинг шахсий эҳтиёжларига сарф қилинган. Мамлакат фаровонлигини таъмин этадиган жамоат ишлари (каналлар қозиш, тўғонлар қуриш) билан фақат фиръавннинг ўз нафи учун бажариладиган мажбуриятларни (қасрлар, айниқса подшо мақбаралари қуришни) бир-биридан ажратиш қийин.

Фиръавн мамлакатни олий мансабдор (кейинроқ бориб араб тилида вазир деб аталган шахс) бошчилик қиладиган хийла мураккаб бюрократик аппарат воситаси билан идора қилган.

Давлат муассасалари ва ибодатхоналарни вазир назорат қилган, лашкар тўплашни ўша бошқарган ва бош қозийликни ҳам ўша қилган. Кичик ва катта амалдорларнинг ҳаммаси унга бўйсунган. Бирон вазифага эга бўлиш учун хат-саводли бўлиш

ни асосий шарт қилиб қўйилган. Табиий, савод ҳаммага ҳам на-  
сиб бўлавермаган.

Ҳар қандай хаттот ҳам (айниқса у бошлиқларга нисбатан  
лаганбардорликни жойига қўя билса) амалдор бўлиб олишни  
мўлжаллаши мумкин бўлган.

Фиръави ўзининг гоят зўр ҳокимиятидан фойдаланиб ҳукм-  
рон табақалар—зодагонлар ва коҳинлар фойдасига иш кўрган.  
У ўз ихтиёридаги ер-мулкнинг хийла қисмини сарой аҳллари-  
га, аввалги мустақилликларидан маҳрум бўлган номархларга  
бўлиб берган. Ишлаб чиқариш қуролиларидан маҳрум бўлган  
кўп минглаб деҳқонлар, подачилар, балиқчилар ва ҳунарманд-  
лар уларнинг амлокларида хизмат қилган, улар қилган ишлари  
баробарига фақат таъминот («сабоқ») олган.

Асир қилиб ҳайдаб келтирилган кушитлар, ливияликлар ва  
осиёликлардан қулларга айлантирилган кишиларнинг кучидан  
ҳам фойдаланганлар (ўз ватандошларини қул қилиш ҳали у  
вақтда бўлмаган, бўлса ҳам камдан-кам бўлган). Қулдорлик  
жамиятининг дастлабки босқичида қуллар сони, табиий, ҳали оз  
бўлган. Бунинг аниқ рақами йўқ, лекин барча мавжуд маълумот-  
ларга кўра қуллардан кўра эркин кишилар кўп бўлган. Зотан,  
камбағаллар ҳуқуқ жиҳатидан қуллардан фарқ қилсалар-да,  
ўзларининг иқтисодий аҳволига кўра қулларга яқинлашиб  
келганлар. Мустақил равишда майда хўжалигини тебратган  
оддий деҳқонларнинг сони доим камайиб борган. Ўзларининг чек  
ерларини сотиш ҳоллари учрайди. Текстларда давлатмандлар  
(амалдорлар, коҳинлар ва ш. к.) марҳаматига қараб қолган  
«оч ва яланғочлар» тилга олинган. Фиръавнига, номархлар, ко-  
ҳинлар ва амалдорларга моддий бойлики оддий деҳқонлар ва  
ҳунармандлар яратиб берган. Ўша ҳукмрон табақалар улардан  
бу бойликини хилма-хил йўллар билан сиқиб олганлар. Фиръав-  
нинггина эмас, бутун ҳукмрон қулдорлар синфининг бойлигини  
орттириб турган доимий солиқлар ва мажбуриятлардан таш-  
қари яна бошқа қўшимча ҳар хил тўловлар жорий қилинган.  
Масалан, номархлар ўз ёзувларида ҳосил бўлмай қолган йили  
ўз фуқароларини очидан ўлиб кетишдан сақлаб қолганликлари-  
ни пеш қилиб мақтанадилар ва бунинг эвазига очларнинг чор-  
васи қўлимизга кирди деб қўшиб қўядилар.

Шу тариқа қуллар меҳнати билан яратиладиган қўшимча  
маҳсулот қулдорлик давлати ва у билан боғлиқ имтиёзли таба-  
қалар томонидан ўз фуқароларини талаш ҳисобига тинмай ошиб  
борган.

7. Пирамидалар. Қадимги подшолик фиръавлари муҳташам  
тош мақбаралар қуриб, ўзларидан кейин асосан ўша ёдгорлик-  
ларни қолдирганлар. Бу мақбаралар тўрт минг йилдан ортиқ-  
роқ вақтдан бери деярли ўзгармасдан сақланиб келмоқда.

Ҳукмдорларнинг амри билан қурилган бу гоят улкан ившо-  
отлар уларнинг қудратини аниқ кўрсатиб туради. Мисрликлар  
жасадни мўмиёлаб, оёқ етмас ва кўз кўрмас «абадият ётоғи»да





Жосернинг поғонали пирамидаси

сақланишини таъминлаб, бу билан унинг руҳининг мангу яшашига эришиш мумкин деб қатъий ишонганлар.

Шунинг учун ҳам Миср подшолари ва олий мансабдорлар ҳашаматли дафиларга гоят катта маблағлар сарфлаганлар, бунга тайёргарликни эса ҳаётликларидаёқ бошлаганлар. Подшолар қурган тош мақбараларнинг ташқи кўринишиёқ кишини ҳайратга солган, бу билан улар фуқароларда подшо ҳокимиятининг мустаҳкамлигига ишонч туғдирмоқчи бўлганлар.

Жосер қурдирган биринчи пирамида зинали иншоотдир. Кейинчалик мақбаралар аниқ геометрик тўғри пирамидал шакл олган. Пирамидалар ичида энг ҳашаматлиси IV сулола фиръавни Хуфу (греклар уни Хеопс деб атайдилар) қурдирган пирамидадир. Унинг баландлиги 146 метр. Бу пирамидани қуриш учун қурилиш жойига (ҳозирги Гизага) икки миллиондан ортиқроқ оҳақтош бўлақлари олиб келтирилган. Бу бўлақлар жуда пухта силлиқланиб, бир-бирига ёпиштириб ниҳоятда текис терилган. Грек тарихчиси Геродотнинг гапи тўғри бўлса, Хеопс пирамидаси 30 йил мобайнида қурилган ва уни қуриш учун подшо амалдорлари 100.000 кишини ҳайдаб келтирганлар. Чет эллардан келтирилган қуллар ҳисобига қисман тўлдирилиб туриладиган доимий ишчи отрядларидан ташқари, меҳнат мажбуриятини ўтайдиган фуқароларни ҳам кўплаб олиб келиб қора ишчи сифатида ишлатганлар. IV сулоланинг бошқа бир фиръавни Хафра (греклар уни Хефрен деб атайдилар) пира-



Харфа пирамидаси ва сфинкс

мидаси бир оз настроқ бўлса-да, сирти бошдан оёқ қизил гранит билан қопланган.

8. Қадимги подшоликнинг емирилиши. Кейинчалик қудратли Миср мустабид подшоларнинг маблағлари тугаган, бунинг устига подшоларнинг мақбараларига ҳаддан ташқари кўп куч ва маблағ сарф қилинавериши умумий норозилик туғдирган. Шунинг учун фиръавларнинг кейинги пирамидалари ҳажм жиҳатидан оддийроқ қилиб қуриладиган бўлган.

Қадимги подшолик фиръавларининг ташқи сиёсатига келганда шуни айтиш керакки, улар жуда катта территорияларни босиб олиш ва уларни қатъий ўзиники қилиб олишни мақсад қилиб қўймаганлар. Улар ўлжа (хусусан кишиларни асир қилиб) олиш мақсадида қўшни давлатларга (Ливия, Эфиопия, Фаластинга) ҳар замонда ҳужум қилиб турганлар. Масалан, IV сулоланинг асосчиси Снофру Эфиопиядан 7000 асир ва 200.000 бош чорва ҳайдаб келган. Шу мамлакат Мисрни қора ёғоч ва фил суяги билан таъминлаб турган. Финикия қирғоқларига экспедиция юбориб, ундан қимматли қурилиш ёғочлари (кедр ва қарағай) келтирганлар.

Қадимги подшоликнинг охирларида марказий ҳокимият заифлашиб, турли номларда ажралиш кайфияти кучайган. Зодагонлар ва улар билан боғлиқ қоҳинлар фиръавларнинг шахсий мустабид ҳокимиятидан, уларнинг иш кучи ва маблағларни подшонинг ишлари учун пойтахтга муттасил йиғиб қелишларидан норозилиги кучайиб борган бўлса керак.

VI сулола фиръавилари айрим ибодатхоналарни ва бутун-бутун шаҳарларни солиқлар ва мажбуриятлардан озод қилиб, уларга ён бера бошлаганлар. Подшоларнинг бизгача етиб келган имтиёз ёрлиқлари ана шулардан гувоҳлик беради.

Децентрализация (парчаланиш) процесси тобора кучайиб эрамиздан аввалги XXIII асрда Миср бир-бирлари билан ўзаро урушиб турадиган бир нечта майда мустақил давлатларга ажралиб кетган.

### ХIII БОБ УРТА ПОДШОЛИК

1. **Ўтиш даври.** Мисрнинг тамомила сиёсий тарқоқлик даври сал кам икки асрга (тахминан эрамиздан аввалги XXIII аср ўрталаридан XXI аср ўрталаригача) чўзилган. Муттасил назорат талаб қиладиган суғориш тармоқлари ишдан чиққан. Каналларни ўт, лой босиб кетган, унумдор ерлар яна ботқоқликка айланган. Натижада деҳқонларнинг баъзилари (бадавлатроқлари) «баланд далалар»га (Нил тошган пайтларда суви етиб бормайдиган баланд тепаликка) кўчиб кетганлар, бу ерда эса ерларни қудуқ суви билан суғоришга тўғри келган. Қишлоқ жамоаси ихтиёрида бўлмаган қуриқ ерларнинг ўзлаштирилиши шахсий ер эгаллигининг ўсишига ёрдам берган.

Мамлакатнинг бўлиниб кетиши натижасида жиддий қийинчиликлар юз берган. Қўшни мамлакатлар билан алоқа узилган, осийлик бадавийларнинг ҳужумлари тўғрисида шикоятлар эшитила бошлаган.

Яна бирлашиш зарурлиги ҳар қадамда сезилиб турган. Қадимги подшоликнинг асосий маркази бўлган Мемфис инқирозга учраган ва унда ҳукмронлик қиляётган VIII сулоланинг янгидан бирлашиши учун курашга бошчилик қилишга қурби етмаган. Аммо бошқа марказлар Юқори Мисрнинг шимолий қисмидаги Гераклеополь билан мамлакат жанубидаги Фива кучайиб кетган.

Гераклеополда IX ваX сулолалар ҳукмронлик қилган даврда уни Мисрнинг кўпчилик қисми тан олган. Гераклеополь подшоши Ахтой III нинг ўғли ва меросхўрига<sup>1</sup> ёзган насиҳатномаси бизгача етиб келган. Кекса подшо шаҳзодага зодагонлар билан иноқ бўлишни, катта амалдорларга ўлим жазоси бермасликни, аммо оддий халқнинг қўзеолонини шафқатсизлик билан бостиришни маслаҳат қилган.

Бу насиҳатномадан бизга яна шу нарса маълумки, Гераклеополь сулоласи дельтада маҳкам жойлашиб олишга муваффақ бўлган, аммо энди мамлакатнинг жанубий қисми қатъий ажра-

<sup>1</sup> Унинг оти Мерикарадир. Папирусга ёзилган насиҳат тексти Левинград Эрмитажида сақланади. Уни дастлаб рус мисршуноси В. С. Голенищев ўрганиб чиққан.

иб кетган. Бунда энди саккизта номни кичикроқ мустақил давлат қилиб бирлаштирган XI сулола ҳукмронлик қилган. Фиванинг пойтахти бўлган. Шу пайтдан бошлаб Фива мамлакатда нг муҳим ўринни эгаллаб келган.

2. Мисрнинг янгидан бирлашиши. Бир-бирига рақиб иккита— ва XI сулола ўртасида бир неча ҳарбий тўқнашувлар бўлиб ўтган, бу тўқнашувларда Фива ғолиб чиққан, у бирлашган Мисрнинг пойтахти бўлиб қолган. Ана шу пайтдан эътиборан (тахминан эрамиздан аввалги 2050 йилдан 1700 йилгача чўзилган XI—XIII сулолаларнинг) Урта подшолик даври бошланган.

Бу даврда Миср экономикасида хийла жиддий силжишлар оғоз берган. Тобланган мисдан ясалган қуроллар билан бирга гарчи озроқ миқдорда бўлса-да) бронзадан қуюлган қуроллар шлатила бошланган. Кўпгина ишлаб чиқариш қуроллари плуг, қўл тегирмон ва бошқалар) такомиллаштирилган. Шиша буюмлар яшаш ривожланган.

Низолар ва тарқоқлик даврида ишдан чиққан суғориш тармоқлари тикланибгина қолмасдан, балки янада кенгайтирилган. Фаюм воҳасида айниқса муваффақиятли ишлар қилинган. Ердаги қўл янада чуқурлаштирилган ва сунъий сув омборига йлангитрилган. Қилинган ана шу ишлар натижасида экин майлони кенгайган.

Ички ва ташқи савдо ривож топган. Қрим ороли билан вваллари бўлган тасодифий алоқалар ўрнига мунтазам алоқарнатилган, у ердан Мисрға нақшинкор сопол буюмлар келтирилган.

Бунгача дон асосий қиммат ўлчовчи бўлиб келган бўлса, эндининг ўрнини олтин эгаллаган. (91 грамм оғирликдаги дебон удеб аталадиган меъёр асосий қиймат ўлчовчи бўлган). Оснә амлакатларидан тобора кўпроқ кумуш келтирилган. (Мисрнинг ўзида эса кумуш камдан-кам учраган). Урта подшолик аврининг охирига келганда кумуш олтиндан икки баравар дронлашган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ўсиши ва айирбошлашнинг кенгайиши натижасида мулкый табақаланиш кучайиб борган. Крдагонлар билан бир қаторда аҳолининг ўрта табақалари— Зкучли нажислар», яъни оддий фуқаро пайдо бўлган (Миср тидида «нажис» сўзи «кичкина» деганидир.) Улар мустақил хўдвалик юритувчи, баъзан эса қуллар ҳам сотиб оладиган бой хўхкон ва ҳунармандлар бўлганлар.

Урта подшолик давридаги катта тўралар ва амалдорларнинггина эмас, балки заргарлар ҳамда пойабзал тикувчи ҳунарманд ва бошқаларнинг ҳам ўйиб ёзган лавҳалари бизгача етиб келган.

Урта подшолик даврининг фиръавнлари жуда кучайиб кетган зодагонларга қарама-қарши ўлароқ ана шу янги бой табақга таяниб иш кўра бошлаганлар. Улар аждодларида юқори қансаб эгалари бўлмаган кишиларни ҳам баъзан давлат идо-

раларидаги мансабларга жалб қилганлар. Шу тариқа янги мансабдор табақа вужудга келган.

Иккинчи томондан, хонавайрон бўлиб, тамоман қашшоқлашиб қолган деҳқонларнинг ҳам сони кўпайиб борган. Хему — несуг («подшо қуллари») деб аталувчи қуллар ўша хонавайрон бўлган деҳқонлардан ташкил топиб борган бўлса керак, улар бошқа қуллардан меҳнатлари қатъий тартибга солинганлиги билан фарқ қилган. Улар хазинадан бериладиган ишлаб чиқариш воситалари билан иш қилганлар, меҳнатлари эвазига озиқ-овқат билан таъмин этилганлар ва қисман қўшин сафига ҳам жалб қилинганлар. Подшо қулларидан баъзиларини подшо айрим шахсларга подшо тортиғи сифатида ҳадя қилган.

Шу билан бирга урушда асир қилиб ёки сотиб олинган қуллар ҳисобига ҳақиқий қулларнинг сони ошиб борган. Баъзи ҳужжатларда қўлдан-қўлга ўтган 20—30 тадан иборат қуллар гуруҳлари тилга олинади. Энг оғир ва сермашаққат ишлар қулларга юкланган. Масалан, ун қилувчи чўрилар тизчўккан ҳолда қўл тегириғида донни майдалаб ун қилганлар.

**3. XII сулола.** Ўрта подшоликнинг иқтисодий жиҳатдан гуллаб яшнаши ва сиёсий қудрати авжига чиққан давр XII сулола ҳукмронлик қилган даврдир (эрамиздан аввалги 2000—1888 йиллар). XII сулолага асос солган Аменемхет I мамлакат бирлигини мустаҳкамлаш юзасидан бир қанча чоралар кўрган. Чунончи, Аменемхет I ўзидан олдин низолар туфайли номлар ўртасида тузилган чегараларни тиклаган ва шимолий вилоятлар устидан муваффақиятли назорат қилиб туриш учун ўзининг расмий пойтахти Фива билан бир қаторда Юқори Миср билан Қуйи Миср чегарасида ўзи қурдирган Иттауи («икки ерни эгалловчи») қалъасини ўзига резиденция қилиб олган.

Ўрта подшолик фиръавнларининг ташқи сиёсати кучайган. Аменемхет I нинг ўзи асирлар ва чорва ҳайдаб келиш мақсадида Ливияга талончилик юриши уюштирган. Сенусерт III подшолик қилган даврда Нилнинг биринчи остонаси билан иккинчи остонаси ўртасидаги ерлар узил-кесил ўзлаштирилган ва янги чегарани қўриқлаш учун дарёнинг икки қирғоғига ғоят мустаҳкам қалъалар қурилган. Ўша фиръавн даврида Фаластинга ғалабали юриш қилиниб, бу мамлакатда Мисрнинг таъсири кучайган.

Эришилган муваффақиятларига қарамай, XII сулола фиръавнлари Қадимги подшоликнинг мустабид ҳукмдорлари каби қудратга молик бўлолмаганлар. Улар давлат маблағларининг кўп қисмини ўзларининг шахсий эҳтиёжлари учун сарф қилишга ботинолмаганлар. Улар пирамидаларни тарашланган тошдан эмас, балки хийла арзон материал — ғиштдан қурдирганлар ва у пирамидалар бизнинг давримизгача шаклини йўқотиб оддий тепалик бўлиб сақланган, холос.

Ўрта подшолик фиръавнлари мамлакат янгидан бирлашгандан кейин ҳам ўз бойликларининг анча қисмини ва нуфузларини

сақлаб қолган вилоятлардаги зодагонлар билан иноқ бўлишга уринганлар.

Номархлар ўз ёзувларида фиръавига содиқликларини таъкид-ласалар-да, ўзларини хийла мустақил ҳис қилганлар, ҳатто йил ҳисобини ҳам фиръавилар подшолиги ҳисоби билан эмас, балки ўз ҳисоблари билан юргизганлар. Уларнинг ҳар қайсисининг шахсий кўраси ва ҳарамни, шунингдек, ўз қўшини бўлган, у вилоятда фиръавининг ноибни бўлишдан кўра, фиръавига тобе кичикроқ подшо бўлган. Олий ҳокимиятнинг бунга тоқат қилишидан бошқа чораси бўлмаган. Фиръавилар ўз қасрларида ўзларини хавфдан холи деб ҳис қилолмаганлар. Урта подшолик давридаги фитна ва қўзғолонлар тўғрисида бир қанча маълумотлар сақланган.

XII сулола ҳукмронлигининг охирларида, Аменемхет III даврида (эрамиздан аввалги XIX асрнинг иккинчи ярмида) гина ҳокимиятнинг марказлашиши кучайиб, номархларнинг имтиёзлари хийла қирқилган. Худди ўша фиръавн замонида Фаюм водийсида ирригация қурилишлари кенгайтирилган, бунда барча худдаларга сигиниш учун ғоят катта ибодатхона қурилган. Греклар бу ибодатхонани Лабиринт деб атаганлар. Афсуски, бу ибодатхонанинг қолдиқларигина сақланган.

**4. Камбағаллар ва қуллар қўзғолони.** Навбатдаги XIII сулола даврида яна тушкунлик ва ўзаро урушлар бошланган. Кенг қурилиш ишлари таққа тўхтаган. Унлаб подшо алмашиган, бири тахтдан тушиб ўрнига иккинчиси ўтирган. Улардан баъзилари бир йил ва ҳатто бир неча ойгина подшолик қилган, биз кўпинча уларнинг номларини биламиз, холос, чунки улар кўзга кўринарли иш қилишга улгуролмаганлар.

Мамлакатни ларага келтирган ижтимоий ихтилофларнинг нақадар чуқур бўлганлигини биз бадий адабиёт ёдгорлиги бўлмиш «Ипусер сўзлари»<sup>1</sup> дан биламиз. Бу асарнинг автори халқ оммасига нафрат билан қараган катта мансабдордир.

Ипусер мамлакат бошига тушган кулфатларни очикдан-очик ачиниб баён қилади. Унинг гапига кўра, камбағал ва қуллар зодагон ва баёнларга қарши бош кўтарган. Насл-насаби бўлмаган кишилар энди зодагонлардан фарқ қилмайди. Князларнинг болалари қўзғолончилар қўлига тушган. Уларни савалаганлар ва ҳатто бошларини деворга уриб мажақлаганлар.

Мол-мулклар тамоман тақсимланиб кетган. Ер ҳайдашга қўши бўлмаган деҳқон эндиликда бутун бир подага эга бўлган. Бошпанаси ҳам бўлмаган киши турар жойлар эгаси бўлиб олган. Битта қайиғи бўлмаган киши бутун бир кемалар флотилиясига эга бўлган, аммо бу кемаларнинг собиқ эгалари уларга қанча тикилиб боқмасин, бари бир энди кемалар уники эмас. Бир вақтлар башанг кийиниб юрган кишилар эндиликда жулдур

<sup>1</sup> Аввал бу номни Ипувер деб нотўғри ўқишган. Бу асар тексти ёзилган папирус Нидерландиядаги Лейден музейида сақланади.

кийимда юрадиган бўлган. Авваллари афтини куриш учун сувга қараб юрган қиз эндиликда ойнага эга бўлиб олган. Чурилар бўйинларига олтин, кумуш ва асл тошлардан ишланган зебзийнат буюмлари тақиб олган, зодагон аёллар эса оч юрганлар.

Мол-мулкларнинг бу хилда қайтадан тақсимланиб кетганлиги тўғрисидаги мисоллар жуда кўп келтирилган. Давлат аппаратининг барбод қилинганлигини Ипусер даҳшатланиб гапирди. Қўзғолончилар суд идорасига ва архивларга бостириб кирганлар. Унда сақланаётган ҳужжатларни, жумладан солиқлар рўйхатларини кўчаларга улоқтириб ташлаганлар, майда-майда қилиб йиртганлар, оёқлари билан тепкилаганлар, ниҳоят подшо саройига ҳужум қилганлар,

Бу воқеаларнинг баёнида ҳеч қандай тартиб йўқ, қўзғолоннинг жойи ва қачон бўлганлиги кўрсатилмаган, ҳатто тахтидан ағдарилиб, қўзғолончилар қўлига тушган фиръавнинг номи ҳам айтилмаган.

Аmmo расмий ҳужжатларда бу воқеалар тўғрисида ҳеч нима дейилмаганидан, гарчи баёнда йилномаларга хос изчиллик ва мунтазамлик бўлмаса-да Ипусернинг ёрқин образли гапларидан фойдаланишга тўғри келади.

Бундан қулдорлик давлати таг-туғи билан ларзага келтирилган экан деган таассурот туғилади. Лекин қўзғолон стихияли қўзғолон бўлиб, хусусий мулк ва қулдорликни йўқотишни сира ҳам мақсад қилиб қўймаган. Аксинча, Ипусер аввалги қулларнинг ҳозир ўз қуллари бор деб нолийди.

**5. Гиксосларнинг бостириб кириши.** Баъзи ишоралардан маълумки, халқ қўзағолони кетидан Мисрга осиеликлар бостириб кирганлар. Бунда эрамиздан аввалги тахминан 1700 йилларда Сурия ва Фаластиндан келган гиксослар истилоси ва уларнинг хийла осонлик билан Мисрни бўйсундирганлиги назарда тутилса керак, албатта. Истилочилар Мисрда юз берган қўзғолон натижасида ҳарбий-маъмурий аппаратнинг барбод бўлганлигидан фойдаланганлар. Бундан ташқари улар ҳарбий техникада ҳам устун турганлар, уларнинг шу пайтгача Нил водийсида кўрилмаган, отлар қўшиладиган жанг аравалари бўлган.

Аmmo гиксослар ҳар хил қабилалардан ташкил топган тўда бўлган (улар ичида семитлар, хурритлар ҳам бўлган ва эҳтимол касситлар ҳам бўлган). Шу билан бирга уларнинг сони бўйсундирилган Миср аҳолисига нисбатан жуда кам бўлганлигидан тез вақт ичида мағлубиятга учраганларнинг тили ва маданиятини ўзлаштирганлар. Гиксосларнинг подшолари Миср фиръавларининг унвоцларини ўзлаштирганлар ва кўпинча ҳатто Миср номларини ҳам қабул қилганлар.

Айни замонда мисрликлар ҳам осиелик истилочилардан кўп нарсани, биринчи навбатда ғилдиракли транспортни (хусусан, жанг араваларини ишлатишни) ўзлаштирганлар.

Гиксосларнинг ўзлари кўпчилик бўлиб Дельтанинг шарқий

қисмига жойлашиб, унда ўзларининг пойтахти Аварис шаҳрини қурганлар ва ундан туриб Осиёдаги ер-мулкларини ва Мисрни қўлларида сақлаганлар. Мисрнинг қолган қисмидан хирож олганлар.

#### XIV БОБ

### ЯНГИ ПОДШОЛИК ЛИВИЯ—САИС МИСРИ

1. Гиксосларнинг ҳайдаб чиқарилиши. Мисрнинг шимолида гиксослар жойлашиб олган чоғда жанубдаги пойтахт Фива маълум даражада мустақиллигини сақлаб қолган. Бундаги ҳукмдорлар гиксос подшоларининг олий ҳокимиятини тан олган бўлсалар-да, ўз ҳокимиятларини ушлаб турганлар ва ўзларини фиръавн деб атаганлар.

Чет истилочиларнинг ҳукмронлиги 100 йилдан ошиқроқ давом этган. Эрамиздан аввалги XVI аср бошларида гиксосларга қарши озодлик кураши бошланган. Фива подшолари (XVII сулола вакиллари<sup>1</sup>) бошчилигидаги бу кураш муваффақиятли давом этган. Улар кенг халқ оммасининг беғоналар жабр-зулмидан қўзғалган порозилигидан фойдаланганлар. Шу нарса характерлидирки, зодагонларнинг анчагина қисми мустақиллик учун бошланган курашга қаршилиқ кўрсатган, улар гиксос подшолари билан муроса қилишга шайланиб турган.

Фива подшоларининг қўшинлари ва дарё флоти гиксосларни шимол томонга сиқиб борган. Бу кураш XVIII сулоланинг биринчи подшоси Яхмос даврида (эрамиздан аввалги 1584—1559 йиллар) тугаган. Яхмос истилочиларнинг пойтахти Аварисни ишғол қилишга муваффақ бўлган. Гиксосларнинг анча қисми Осиёга чекинган, қолганлари асир тушиб, қул қилинган.

2. Янги подшоликнинг ташкил топиши. Гиксослар устидан қилинган ғалабадан кейин тикланган Миср давлати Янги подшолик<sup>2</sup> деб аталади. У беш асрдан ортиқроқ (эрамиздан аввалги 1584—1071 йиллар) яшаган. Бу вақт ичида XVIII, XIX ва XX сулолалар ҳукмронлик қилганлар. Янги подшолик даврида хўжаликнинг ҳамма соҳаларида ғоят катта ўзгаришлар рўй берган. Бу ўзгаришлар шу билан боғлиқ эдики, Янги подшолик яқин қўшнилари билангина эмас, балки Осиё, Африка ва қисман Европадаги (Крит—Микен дунёси) узоқ мамлакатлар билан ҳам алоқаларни кенг миқёсда ривожлантирган эди.

<sup>1</sup> Дастлаб гиксосларга қарши курашни фиръавн Секененра бошлаб берган, лекин ўзи жанглардан бирида ҳалок бўлган (унинг ҳозиргача сақланиб келган мумёси беҳисоб яралар билан қопланган). Бир оз вақтдан кейин фиръавн Камос озодлик урушини янгидан бошлаб юборган.

<sup>2</sup> Илк подшолик, Қадимги подшолик ва Урта подшолик шартли равишда шундай деб аталганидек, Янги подшолик ҳам шартли равишда шундай ном олган. Қадим вақтларда улар бундай деб аталмаган, албатта.



3. Экономика. Бронза тайёрлаш энди кенг тус олган, бу эса чет элдан мис (бу вақт Синай рудаси эҳтиёжни қопламаганлигидан Кипр оролидан) келтиришни, (Кичик Осиё ва Эгей дегизи ҳавзасидан) қўроғошин ва қалай келтиришни кучайтиришни талаб қилган. Жуда оз миқдорда бўлса-да, темирдан ҳам фойдаланилган, темир асосан зеб-зийнат буюмларига ишлатилган. Қамбағаллар ҳали тош қурооллар ишлатган.

Қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда бир қанча янги қурооллар пайдо бўлган ва эскилари такомиллаштирилган, чунинчи, ернинг тупроғини майдалайдиган махсус болғалар, юқорига сув чиқариб берадиган иншоотлар, босқонли қуралар авваллари кишилар олов олдириш учун ингичка трубалардан пуфлаганлар), тик (вертикал) ишлайдиган туқимачилик дастгоҳлари вужудга келган.

Экин майдони кенгайтирилган ва баъзи ерлар йилига икки марта экиладиган бўлган. Боғларда авваллари ҳеч бўлмаган мева дарахтлари (масалан, Осиёдан келтирилган олма дарахтлари) пайдо бўлган.

Аввалги қисқа жунли қўйлар жунларини қирқиб олиш мумкин бўлган узун жунли янги наслдор қўйлар билан узил-кесил алмаштирилган ва энди полотно билан бирга жун газлама ишлатиладиган бўлган.

Транспорт воситалари такомиллаштирилган, каналар билан бир қаторда ғилдиракли транспорт — аравалар пайдо бўлган.

Ички ва ташқи савдода айирбошлаш анча кучайган, пул хўжалигининг салмоғи натурал хўжаликка нисбатан ўсиб борган. Осиёдан келтириладиган кумуш асосий қиймат ўлчовини ташкил этган. Баъзан эскича, олтин ва мис ёмби (одатда ҳалқа шаклидаги ёмби) ҳам қиймат ўлчови вазифасини бажарган. Олтин Эфиопиядан келтирилган ва қисман Осиё мамлакатларига ташиб кетилган.

Иқтисодий юксалиш йирик хусусий мулкчилик ва қулдорликнинг ўсишига ёрдам берган, бу эса кенг аҳоли оммасининг албатта қашшоқланиши билан боғлиқдир. Қулларга бўлган талаб кучайган, бу талаб кўпинча ўн минглаб ва ҳатто юз минглаб ҳайдаб келтириладиган асирлар ҳисобига таъмин этилган. Тўғри, асирларнинг бир қисмидан хизматкорлар (хўжайини келаётган арава олдига тушиб югуриб юрувчи югурдаклар, шахсий соқчи ва ҳатто жангчи ва миршаб) сифатида фойдаланган бўлсалар-да, анчагина қисми қуллар сафини тўлдириб турган, улар далаларда, устахоналарда, тош конлари ва бошқа конларда ишлаганлар, хуллас ҳамма оғир ва машаққатли ишларни қилганлар.

4. Мулкий табақаланиш. Йирик қулдорлар (фиръавнлар, катта мансабдорлар, хоҳинлар, лашкарбошлари билан бир қаторда уч-тўртта қулга эга бўлган майда қулдорлар ҳам (боғбонлар, подачилар, ҳунармандлар) учрайди. Кўпчилик деҳқонларнинг аҳволи оғирлашган. Уларнинг кўплари ишлаб чиқариш қуроолларидан маҳрум бўлиб, иш ҳайвонлари ва уруғлиқни

газнадан қарзга олишга мажбур бўлганлар. Насиҳатномалардан бирида ҳосил бўлмай қолиб, хужалиги вайрон бўлган деҳқоннинг мушкул аҳволи баён қилинган. Амалдор ундан дон талаб қилгану бечоранинг эса ҳеч нимаси бўлмаган. Уни ерга ётқизиб, калтак билан савалаганлар. Умумий кафиллик билан боғланган қушнилари қочиб кетиб, боқимада учун бутун жамоани жавобгарликдан сақлаб қолганлар.

Хукмрон синф қуллари ва қисман оддий жамоачиларни эксплуатация қилиш ҳисобига кучайган ва бойлик орттирган, аммо бу синфнинг ўзи ҳам турли тоифалардан ташкил топган. Қоҳинлар билан маҳкам боғланган ва ибодатхоналар даромадини шуда жуда катта қисмига шерик бўлган эски, наслий зодагонлар билан бир қаторда, янги тоифа—ҳарбий хизматчи зодагонлар пайдо бўлган. Жангчи Яхмос (машҳур фиръавнинг адаши ва сафдоши)нинг мансабда кўтарилиб бориши бунга ёрқин мисол бўла олади. Гиксослар билан бўлган урушлардан чикариб, «эшкакчилар бошлиғи»,—яъни дарё флоти командири бўлиб кўтарилгандан кейин подшунга олтиндан ташқари (асирга тушган гиксослардан) йигирматача қул ва чўри ҳамда чек ер инъом қилган.



Янги подшолик давридаги Миср

Давлатманд табақалардан чиққан жанг арава эгалари ҳам (камбағаллар жанг арава сотиб ололмаган албатта) муҳим урин эгаллаган.

Миср жамиятида бир-бирига қарама-қарши иккита ижтимоий синф ана шу тариқа кучайиб борган.

**5. Ташқи сиёсат.** Истилочилик юришлари ва бу юришлар билан боғлиқ бўлган савдо-сотиқ ишлари мазкур мулкий табақаланиш процессида катта роль уйнаган. Яхмос I нинг ўзиёқ чекиниб кетаётган гиксослар изидан қувиб, Фаластинга босиб кирган ва Шарухен қалъасини ишғол қилган. Лекин бу ҳали ишнинг ибтидоси бўлган, холос. Тутмос I ўзининг ғолибона юришларида Фрот дарёсигача, жанубда эса Нилнинг учинчи остонасигача етиб борган.

Тутмос I вафотидан кейин (эрамиздан аввалги 1525 й.) агресив ташқи сиёсатда вақтинча жимлик пайдо бўлган. Тутмос I нинг ўғли Тутмос II фақат бир неча ойгина подшолик қилиб, унинг ўғли Тутмос III нинг болалик чоғида бутун ҳокимиятни унинг ўғай онаси (шу билан бирга аммаси ҳам<sup>1</sup>) Хатшепсут ўз қўлига олган.



Малика Хатшепсут

У мамлакатни идора қилишда Фива худоси Амон коҳинларига таяниб иш кўрган. Ҳарбий зодагонлар билан муросалари чиқишмайдиган коҳинлар эса тинчлик сиёсатини афзал кўрганлар. Хатшепсутдан олдин ўтган подшоларнинг истилочилик сиёсати мамлакатнинг иқтисодига жиддий путур етказган бўлса керак, маликанинг маслаҳатгўйлари халқ ўртасидаги норозилик билан ҳисоблашишга мажбур бўлган.

Малика ҳарбий юришлар уринига Пунт мамлакатига (ҳозирги Эритрея ва Сомалига) денгиз экспедицияси юбориб, ундан маликанинг кемалари олтин, фил суяги, хушбуй мирра шираси ва махсус катта ёғоч бочкаларга утқазилган мирра дарахтлари, маймун ва итлар ортиб қайтиб келган.

<sup>1</sup> Мисрда ўзларининг ўғай сингилларига уйланиш кенг урин олган. Подшолар оиласида бу одат тусига кирган, бош маликанинг қизини подшонинг ўйнашдан туғилган ўғлига хотин қилиб беришган.

Хатшепсут фиръавн увонини олиб (Мисрда аёл кишининг бундай увон олиши ғайри табиий ҳол бўлган, албатта), расомларга ўзини эркакларга ўхшатиб сунъий сокол қуйиб тасвирлашни буюрган.

Хатшепсут вафотидан кейин (эрамиздан аввалги 1503 йил) ягона ҳукмдор бўлиб қолган Тутмос III ташқи сиёсатни кескин суратда ўзгартириб, зўр бериб истилочилик юришлари бошлаган. У ўз армиясига бош бўлиб, угай опаси ҳукмронлик қилган даврда Мисрнинг сиёсий ҳукмронлигига путур етган Осиёга йўл олган. Сурия ва Фаластиндаги кўндан-кўн подшоҳлар (бу мамлакатларда сиёсий тарқоқлик ҳукм сурган) ўзларининг тарқоқ отрядларини бирлаштириб, истилочи фиръавининг унумдор воқидийнинг ўртасида жойлашган гоят мустаҳкам Мегиддо қалъаси ёнида кутиб олишган.

Қалъага борадиган тўғри йўл тор дара орқали ўтган. Жанг аравалар дарадан бирма-бир тизилиб ўтишигина мумкин бўлган. Эҳтиёткор лашкарбошилари фиръавига дарадан ўтмасликни, айлалиб ўтишни маслаҳат қилишган. Аммо дадил ва жасур Тутмос III маслаҳатдошларига жаҳл билан бақириб берган ва агар улар қўрқоқлик қиладиган бўлса, уларсиз унинг ўзи дара орқали жўнашини билдирган.

Фиръавининг зардасидан қўти учган лашкарбошилар унинг фикрига рози бўлганлар, ниҳоят Миср армияси дарадан беҳавфхатар ўтиб, текисликка чиқиб олган ва душман билан жангга киришган.

Миср йилномачиси ёрқин таъриф қилган бу воқеа Миср фиръавни ҳокимиятининг мустабиллигидан гувоҳлик беради.

Ҳар ҳолда Тутмос III нинг таваккал қилиб хавфли йўлдан ўтиб келиши муваффақиятли бўлиб чиққан. Ўгона қўмондонлиги бўлмаган, қўққисдан ҳужум бўлишини кутмаган қўрама Осиё қўшини тум-тарақай қочиб, Мегиддо деворлари орқасига бекиниб олган. Уларнинг бахтига Миср жангчилари дарҳол уларнинг изидан қувлаб бормаган, душман лашкаргоҳини талаш билан овора бўлиб, чекиниб кетаётган душман кетидан изма-из юриб, қалъага бостириб кириш имкониятини қўлдан бой берган. Мисрликлар Мегиддо қалъасини ярим йил давомидаги қамал натижасидагина ишғол қилганлар.

Тутмос III бундан кейинги юришларида Финикия қирғоқларини, Сурияни ва унинг муҳим марказий шаҳри Кадешни қўлга киритган ва Фрот дарёсини кечиб ўтиб, қудратли Митанни мамлакатини вайрон қилган.

Тутмос III нинг Осиёдаги ажойиб ҳарбий муваффақиятлари Мисрнинг ҳарбий ташкилоти ва ҳарбий техникаси афзаллигидан далолат беради. Бунинг устига истилочи фиръавн марказлашган Мисрнинг акси бўлган Олд Осиёда ҳукм сурган сиёсий тарқоқликдан фойдаланган.

Тутмос III нинг истилолари Осиё ерлари билангина чеклан-

маган, у жанубга қараб ҳам юрган, унда Кушнинг (Нил Эфиопиясининг) кўпгина қисми мисрликларга бўйсунган.

Бўйсундирилган мамлакатларнинг қарамлик даражаси ҳар хил бўлган. Эфиопияда ўзларининг маъмурий аппаратлари билан подшо поиблари идора қилган. Фаластин билан Сурияда (Финикия қирғоқларида ҳам) унлаб маҳаллий майда подшолар қолган ва улар фиръавнга ёзган мактубларида ялтоқилик қилиб унга ўзларининг садоқатларини билдирганлар («мен етти марта ва яна етти марта ўз тақсиримнинг оёғига йиқиламан»). Бундай подшоларнинг ўз фарзандларини Мисрга гаров қилиб юбориш ҳоллари ҳам кам бўлмаган. Каттароқ давлатлар (Митанини, Осур, Бобил, Хетт подшоликлари) нинг подшолари ўз мустақилликларини сақлаб қолганлар ва ўзларини Миср подшосининг «биродарларимиз» деб атаганлар. Шундай бўлса-да, фиръавнлар улар юборган совғаларга хирож деб қараган, зотан, ҳақиқий бўйсунуш туғрисида ҳеч қандай гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Маълум тенгсизлик шундан иборат бўлганки, Осиё мамлакатларининг маликалари фиръавнларнинг ҳарамхоналарига юборилган ҳолда фиръавнлар ўз қизлари ва сингилларини чет эл подшоларига хотин қилиб беришни мутлақо истамаганлар.

Бир қанча истилочилик юришларидан кейин тинч давр бошланган. Аменхотеп III нинг узоқ подшолик қилган даврида (эрамиздан аввалги 1455—1424 йиллар) уруш ҳаракатлари бўлмаган дейиш мумкин. Аммо Мисрнинг дипломатик ва савдо алоқалари хийла жонланган. Осиё мамлакатларининг қарам ҳокимлари ва мустақил подшолари билан бўладиган ёзишмалар у замонда халқаро тил ҳисобланган аккад тилида миҳхат билан олиб борилган.

Аменхотеп III подшолигининг охирларида Мисрнинг таъсири бўшашган. Сурия ва Фаластиннинг қарам подшолари фиръавннинг буйруқлари билан ҳисоблашмасдан ўзаро урушганлар ва уларнинг кўпи Мисрнинг Осиёдаги мулкларини тортиб олиш пайида бўлган Хетт подшоси билан битишган.

Шарқи-жанубда Сурия чўлларидан кўчманчи урушқоқ хабиру (яҳудийлар уруғи) қабиласи бостириб кириб Миср мулкларини вайрон қилган. Аменхотеп III нинг ўғли ва вориси Аменхотеп IV даврида (эрамиздан аввалги 1424—1400 йиллар<sup>1</sup>) аҳвол жуда ҳам оғирлашиб кетган. У кўпроқ ички ишларга чалғиб Мисрнинг Осиёдаги мулкларига кам эътибор берган. У подшолик қилган даврда ҳукмрон қулдорлар синфи ичида низо чиққан. Фиръавннинг ўзи аслзода бўлмаган («немху», яъни кўчма маънода «етимлар» деб аталган амалдорларга таяниб Фива ҳомийси бўлмиш бош худо Амон ибодатхоналари билан боғланган эски зодагонларни бостиришга уринган.

<sup>1</sup> Дастлабки беш йил давомида у отаси билан биргаликда мамлакатни идора қилган.



Эхнатон қуёш худоси Атонга ибодат қилмоқда

**6. Эхнатоннинг ислоҳотлари.** Кураш ғоявий тўқнашувларга, турли динларнинг ўзаро рақобатига айланиб кетган.

Аменхотеп IV диний ислоҳотлар ўтказган. У Фива ибодатхоналарининг мулкларини мусодара қилган, Амонга сифинишни таъкиб қилиб, урнига Атон (қуёш гардиши) га сифинишни жорий қилган. Марказий Мисрда янги пойтахт Ахетатон барпо этилган (Ахетатон — «Атон уфқи» демакдир, бу ҳозирги Телал-Амарнадир, бундаги дипломатик архив ҳам ўша ном билан Телал-Амарна архиви деб аталган).

Янги худо нур сочиб турган қуёш шаклида тасвирланган бўлиб, нурларнинг учларида ҳаёт иероглифларини ушлаб турган киши қўли сурати солинган, бу билан унинг оламни жонлантирадиган нажотбахш сеҳрли кучи кўрсатилган.

Подшо янги худонинг бош қоҳини бўлиб олган. У Атон шарафига шеърӣ гимн тўқиган, унда меҳрибон қуёш худоси уфқдан ғойиб бўлиб қоронғи тушганда кечаси билан кишиларнинг чеккан азоб-уқубати баён қилинган. Жаҳонда йиртқичлар ҳукмронлик қилади, шерлар ва илонлар қутуриб қаҳр-заҳрини сочади. Мана шарқ томондан яна бутун ер юзига нур сочувчи Атон кўтарилиб чиқиб келади. Унинг чиқишидан инсонлару ҳайвонлар хурсанд, ҳатто унинг нурларидан баҳраманд бўлган

сувдаги балиқлар ҳам қувонишиб тантана қилади. Мамлакатда тарқалган бошқа куп динлар (пойтахтдаги ва ислоҳотчи подшо учун айниқса хавфли бўлган бошқа динлар бундан мустасно) таъқиб қилинмаса ҳам фиръавннинг ўзи ёлғиз Атонга сизинган, бу эса якка худоликка (монотеизмга) қўйилган биринчи қадам бўлган. Лекин бундай кескин бурилиш учун Мисрда мувофиқ шароит бўлмаган. Ислоҳотчи подшонинг бу борадаги ҳаракати мамлакатда кенг қўллаб-қувватланмаган, эски анъана ва хурофот асрлар бўйи қон-қонига сингиб кетган паслий зодагонларни ўз йўлларида қайтаришга муваффақ бўлинмаган.



Эхнатоннинг хотини, малика

Нефертити

деб ўзига янги ном олган Аменхотеп IV қаршиликларни бостириб, қатъиятлик билан ўз мақсади сари борган. Лекин у ўлганидан кейиноқ унинг энг яқин қариндошлари муттасиб қоҳинлар доираси билан муроса қилиш йўлига тушган.

Эхнатоннинг ёш куёви Тутанхамон тахтга ўтириши биланок эски тартибларни тиклай бошлаган. У Фива ибодатхоналарига мусодара қилинган бойликларни, тортиб олинган имтиёзларни қайтариб берган ва ўзи ҳам Фивага қайтиб келган. У 19 ёшда ўлган. Тутанхамондан миннатдор қоҳинлар уни гоят катта дабдаба билан ер остидаги даҳмага қумишган. Биз буни юқорида айтиб ўтган эдик.

Тутанхамон ўлгандан кейин унинг бева хотини ўз фойдасини кузлаб (Эхнатоннинг қизи<sup>1</sup>) хетг шаҳзодасига тегишга ва бу билан узининг таъсир кучини сақлаб қолишга ҳамда Осиёдаги Миср-Хетт зиддиятларини бартараф қилишга уринган. Аммо Мисрнинг олий мансабдорлари ўз мамлакатининг тахтига бегонанинг келиб ўтиришига йўл қўймаганлар, бахтсиз куёв ўз пиятини амалга оширишга улгуролмаган, уни ўлдиришган. Бу ҳодиса Хетт подшолиги билан очиқдан-очиқ низо чиқишига сабаб бўлган.

**7. XIX ва XX сулолалар.** Кейинги фиръавнлар мамлакатда аввалги тартибларни батамом тиклаганлар, кейин улар олдида

<sup>1</sup> Унинг номи Анхесенамон.

Мисрнинг Олд Осиёдаги таъсирини тиклашдек ғоят оғир вазифа кундаланг бўлиб турган. Мисрнинг Осиёдаги мулкларининг кўпи Эхнатон ва энг яқин ворислари даврида хеттлар ҳукмронлигига ўтиб қолган.

Эрамиздан аввалги 1340 йилларда Мисрда қарор топган XIX сулола Мисрнинг путуридан кетган қудратини тиклашга уринган. Бу сулоланинг асосий намояндалари бўлган Сети I ва айниқса унинг ўғли Рамсес II (эрамиздан аввалги 1317—1251 йиллар) хеттлар билан қаттиқ урушлар олиб борган. Рамсес II нинг эрамиздан аввалги 1312 йилдаги юриши айниқса шиддатли бўлган. Лекин бу фиръавн стратегияда жиддий хатоларга йўл қўйган ва душманининг ҳарбий кучига тегишли баҳо бермай, ўз қўшинларини жуда кенг территорияга тарқатиб қўйган. Иккита олдинги отряди (ҳар бирида қарийб 5000 та жангчиси бўлган Амон отряди билан Ра отряди) Оронта дарёси бўйидаги Кадеш шаҳрига яқин келиб қолганида хеттлар уларга бехосдан ҳужум қилиб, қуршаб олганлар ва Рамсес II отрядлари ғоят катта талафот кўрган. «Кадеш достони»ни ёзган сарой шоирларининг гапларига ишониш мумкин бўлса, Рамсес II якка ўзи душман лагерига кириб бориб, уларнинг сиқувига (худо Амон ёрдами билан деган иловаси ҳам бор, албатта) бардош берган. Аслида эса бу унинг шахсий гвардиясининг кўрсатган хизмати натижаси бўлган. Денгиз қирғоғидан мадад келиб, кетидан кейинги асосий Миср армиясининг қисмлари ҳам етиб келгач, энди бу гал хеттлар жуда кўп талафот бериб Оронт орқасига чекинганлар.

Шундан кейин кучларнинг маълум мувозанати ўрнатилиб, уруш чўзилиб кетган.

Эрамиздан аввалги 1296 йилда сулҳ битими тузилган, бизгача икки нусхада етиб келган бу битим Миср ва аккад тилларида ёзилган.

Фиръавн Рамсес II билан хеттлар подшоси Хаттусили II! тинч ва дўст бўлиб яшашга ва қўзғолон чиққан тақдирда бир-бирини ёрдам беришга қасам ичишган. Икки томон ҳам бир-бирларига қочиб ўтган кишиларни қайтариш ва уларга амнистия бериш тўғрисида мажбурият олган. Мингта хетт худоси ва маъбудаси ҳамда мингта Миср худоси ва маъбудаси шартномага гаров қилиб қўйилган. Давлат чегараларини белгилаш тўғрисида шартномаларда ҳеч нима дейилмаган, аммо бошқа ҳужжатлардан маълумки, Фаластин, Финикия соҳилининг кўп қисми ва Жанубий Сурия Миср қўлида қолган, Шимолий Сурия эса хеттларга ўтган.

Кейинчалик XIX сулоланинг сўнги подшолари ва XX сулола даврида Миср мудофиа урушлари олиб боришга мажбур бўлган. Рамсес II вафотидан кейин ғарбий чўллардан Нил водийсига ливияликлар бостириб кириб, қадимги Мемфис шаҳрини қамал қилганлар. Шимол томондан ўз кемаларида «денгиз халқлари» жангчилари (улар орасида грекларнинг ахей қаби-



ласи ҳам) сузиб келиб, дельта қирғоқларига тушганлар. Рамсес II нинг ворислари бу ҳужумларни муваффақият билан қайтарган бўлсалар-да, Мисрнинг ташқи қудрати тобора тушқунликка дучор бўлган.

Финикия шаҳарларининг подшолари фиръавнларнинг олий ҳокимиятини писанд қилмай қўйганлар. Эрамиздан аввалги XI асрда Миср элчилари<sup>1</sup> катта Финикия порти Библга келиб кедр ёғочи юборишни илтимос қилганларида маҳаллий подшоча кеккайиб, «мен Мисрга бўйсунмайман», деб элчилардан кедр тўллари учун (Миср моллари билан) катта ҳақ тўлашни талаб қилган.

Мисрнинг ўзи ҳам нотинч бўлган. Эрамиздан аввалги XIII асрнинг энг охирларида афтидан, қулларга ва осиелик ёлланма жангчиларга таяниб иш кўрган қандайдир суриялик Ирсу қўзғолон кўтарган. У ибодатхоналарнинг мулкларини талаган ва кўп қийинлик билангина уни тинчитиб қўйишга муваффақ бўлинган.



Фиръавн Рамсес II

Подшолар водийсида (Фивадан ғарб томонда) подшо некрополидаги ҳунармандлар орасида бир неча бор ғалаёнлар бўлган. Уларга етарли озиқ-овқат берилмаганлигидан оч қолган оилаларига озиқ-овқат талаб қилиб қўзғолонлар уюштирганлар. Подшо хазинаси борган сари қуриб, бойлиги камайган, аммо қоҳинлар (айниқса Амон ибодатхоналари) бойиб борган. Подшо ихтиёридаги ерларнинг, шунингдек, қуллар, чорва ва бошқа хил мулкларнинг хийла қисми қоҳинлар қўлига ўтган, буни эса Рамсес IV нинг (эрамиздан аввалги XII аср) инъом ёрлиғи тасдиқлайди.

8. Қоҳинлар ва ливияликлар ҳукмронлиги. Янги подшоликдан кейинги давр Сўнгги ёки Ливия-Саис даври (эрамиздан аввалги XI—VI асрлар) деб аталади.

<sup>1</sup> Элчиларга бош бўлиб келган Унамуннинг бошидан кечирган можаролар таъриф қилинган ҳисоботини рус мисршуноси В. С. Голенищчев топиб олган ва биринчи марта унинг томонидан ўқиб чиқилган эди (бу ҳужжат Москвада А. С. Пушкин номидаги Тасвирий санъат музейида сақланади).

Бу давр бошида яна тарқоқликка интилиш тенденцияси кучайган, бунинг аломатлари Янги подшоликнинг охирларидаёқ сезилган.

Жанубда (Фиваидада) қоҳинлик ҳукм сурган, у ўзини аҳолининг бошқа қисмига қарама-қарши қўйиб, улардаң тобора ажралиб, алоҳида тоифага айланиб борган. Фиваида ибодатхоналарининг кўпдан-кўп руҳонийлари тепасида Амоннинг олий қоҳинлари<sup>1</sup> турган. Кейинроқ олий қоҳинлар вазифасига фиръавннинг қизлари ёки сингиллари тайинланган, бу эса руҳонийлар ҳокимияти билан подшо ҳокимиятининг муросага келишга уринганлигидан далолат беради.

Ўрта Мисрда, айниқса шимолий Мисрда, аксинча, ёлланма ажнабий аскарлар — ливияликлар ўз таъсирларини мустаҳкамлаб борган. Улар ерли мисрликларни армия хизматидан четлаштирганлар ва ҳарбий хизмат билан боғлиқ имтиёз ва инъомлардан маҳрум қилганлар. Ана шу тариқа қоҳинлар билан рақобат қилувчи ҳарбийлар тоифаси ташкил топган.

Эрамиздан аввалги X аср ўрталарида ёлланма ливиялик командирлардан бири — Шешонк ўз отрядига таяниб ҳокимиятни қўлга олган. У XXII сулолани (ливияликлар сулоласини) таъсис қилган.

Шешонк Мисрнинг Олд Осиёдаги таъсирини тиклашга уришиб Фаластинга (Яҳудия ва Исроил подшолигига) қарши муваффақиятли юриш қилган. Аммо янги ҳарбий ўлжалар ва хирож олиш билан боғланган бу ғалабалар вақтинча ғалабалар бўлган.

XXII сулоланининг сўнги фиръавнлари, шунингдек бундан кейинги XXIII ва XXIV сулолалар<sup>2</sup> замонида мамлакат тамомила майда бўлақларга бўлиниб кетган. Деярли ҳар бир номда ўз қўшнисини билан доим жанжаллашиб турган ўзининг мустақил подшосини ўтирган. Қоҳинлар ва ҳарбий зодагонлар (ливиялик ҳарбийлар) жамоачиларни қаттиқ эксплуатация қилган. Кўп чек ерлар сотилиб, хусусий мулкка айланган.

Ташқи сиёсий вазият ёмонлашганлиги туфайли, ҳарбий асирлар мамлакатга деярли бутунлай келмай қўйганлигидан қўллар қаторини ўз ватандошлари ҳисобидан тўлғазиб туришга интилганлар. Хонавайрон бўлган жамоачилар қарзларини тўлай олмаганидан кейин қўлларга айлантирилган.

Эрамиздан аввалги VIII асрдаги фиръавнлардан бири Бокхорис (XXIV сулола фиръавни) бир замонлари Хаммурапи ва Осиё мамлакатларининг бошқа подшолари каби) қарздорларни қўлга айлантирилишига қарши курашмоқчи бўлган. У қарздорларни озодликдан маҳрум қилишни тақиқлаб, мол-мулкнинг мусодара қилишгагина йўл қўйган. Аммо бу ислоҳот муваффа-

<sup>1</sup> Бош қоҳин Амон билан подшо ҳокимиятини бирлаштириш мақсадида Херихоннинг ҳаракати узоққа бормаган.

<sup>2</sup> Бу ҳар икки сулола ливияликлар сулоласидир.

қият қозона олмаган. Бокхориснинг ўзи озгина вақт подшолик қилган, уни Қуйи Мисрдагина тап олишган, шунинг учун ҳам унинг грек анъаналарида баён қилинган қонуларни ижтимоий табақаланиш процессини узоқ вақт тўхтатиб туролмаган.

**9. Эфиопларнинг бостириб кириши.** Эрамиздан аввалги VIII ва VII асрларда Куш (Эфиопия) подшолари бир неча марта Мисрга бостириб кирганлар. Улар бу вақтда мустақилликка эришиш билангина чекланиб қолмай, Нил водийсига ҳукмронликни ҳам даъво қила бошлаганлар, Дастлаб Напати деган (туртинчи остона ёнидаги пойтахт номи билан аталган) Эфиопия давлатининг Пианхи номли подшоси шимолга қақшатқич юриш қилган (эрамиздан аввалги тахминан 740 йилда) ва айрим номлардаги подшоларни тор-мор келтириб, ўзига буйсундирган. Бир қанча вақтдан кейин (эрамиздан аввалги тахминан 720 йил) Пианхининг вориси Шабака мамлакатни тамомила ўзига буйсундириб, XXV сулолни (Эфиопия сулоласини) таъсис қилган.

Бу вақтда эфиопияликлар ўзларининг урф-одатлари ва диний эътиқодлари билан мисрликлардан унча кўп фарқ қилмаган, уларнинг подшолари ҳам ўз ёзувларини Эфиопияда давлат тили ҳисобланган мисрликлар тилида ёзганлар<sup>1</sup>. Эфиопия подшолари ҳар сафар ўзларини ажнабий эмасмиз, деб таъкидлаганлар. Улар мисрликларнинг худоларини (айниқса Амонни) азиз кўрганлар. Фива шаҳри эса уларнинг Мисрдаги таянчи бўлган. Мамлакатнинг шимолида уларнинг мавқеи унча маҳкам бўлмаган.

Миср учун осур подшоларининг ҳукмронлиги анча оғир бўлган. Эрамиздан аввалги VII асрнинг биринчи ярмида улар Нил водийсига уч марта бостириб кирганлар<sup>2</sup> ва ҳар сафар қирғин қилганлар, талаганлар ва аҳолини кўплаб ҳайдаб кетганлар. Дуруст, осур ҳукмдорлари ҳам Эфиопия подшоларига ўхшаб маҳаллий подшоларни олиб ташламаганлар, фақат буйсуниш ва хирож тулашнигина талаб қилганлар.

Эфиопия ва осур подшолари бир-бирларини заифлаштирганлар. Шимолий Мисрнинг энг катта маркази бўлган Саиснинг ҳукмдорлари бундан усталик билан фойдаланганлар.

**10. Саиснинг юксалиши.** Бу шаҳар дельтанинг ғарбий қисмига жойлашган бўлган. Уни ботқоқликлар қўршаб турганлигидан унга истилочиларнинг қўли етмаган.

Ўзларига подшо унвони олган Саис ҳукмдорлари гоҳ эфиопиялик ҳукмдорлар билан, гоҳ осур ҳукмдорлари билан битишиб, фурсат келганда унисига ё бунисига хиёнат қилиб келганлар. Урта денгизга яқин бўлишлари уларга денгиз орқасидаги

<sup>1</sup> Фақат кейинчаликки мустақил эфиоп (мероит) ёзуви тузиб чиқилган.

<sup>2</sup> Эрамиздан аввалги 671, 667 ва 673 йилларда Асархаддон ва Ашшурбанипал подшолик қилган замонда.

мамлакатларнинг иқтисодий ва ҳарбий ресурсларидан фойдаланишига имкон берган.

Саис ҳукмдорлари ичида Псамметихнинг толеи баланд бўлган. Эрамиздан аввалги VII аср ўрталарида Осуриянинг Осиёда қийин аҳволга дуч келганидан фойдаланиб, Псамметих Кичик Осиёдаги Лидия билан жуда қалин иттифоқ бўлиб олиб, ўзини мустақил деб эълон қилган. У аввало Жанубий Мисрда ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаб олган, сўнгра эфиопияликларни Фивадан суриб чиқарган ва маҳаллий подшо сулолаларини тугатиб, бутун мамлакатни ўз қўл остида бирлаштирган. Псамметих XXVI (Саис) сулоласини (эрамиздан аввалги тахминан 663<sup>1</sup>—525 йиллар) бошлаб берган.

XXVI сулола даврида Миср иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан яна равнақ топган ва яна марказлашган давлатга айланган. Мисрда худди ана шу сулола замонида (Ғарбий Осиё ва Жанубий Европадан бир оз кейинроқ) темир асри бошланган. Темир рудаси Осиё мамлакатларидан келтирилган ва Мисрнинг ўзида эритилиб ишланган. Финикия ва Грециядаги савдо шаҳарлари билан алоқа кучайтирилган. Дельтада грекларнинг савдо факториялари майдонга келган. Факторияларнинг энг каттаси Навкратис порти бўлган.

Псамметих мамлакатни бирлаштириш учун курашда ёлланма грек ва карий аскарларига таянган. Ажнабийларга берилган имтиёзлар орқасида миср-ливиялик ҳарбийлар ичида норозилик туғилиб, аҳвол мураккаблашган.

Псамметихнинг ўғли ва тахт вориси Нехао Мисрнинг Осиёда аллақачонлар қўлдан кетган мавқеини тиклашга уринган. У Фаластинга ўтиш йўлини тўсиб турган яҳудийлар қўшинини тор-мор келтириб, Фрот дарёсигача етиб борган ва бунда эрамиздан аввалги 605 йилда Қархемиш ёнида Бобил армиясига тўқнаш келган. Аммо Олд Осиёда ҳукмронликни даъво қилувчи янги мухолифга бардош беришга Мисрнинг қурби етмаган, Нехао тамомила мағлубиятга учраган.

Аммо Миср денгиз йўлларида мутлақо устун бўлиб қолаверган. Худди ўша Нехао ташаббуси билан Финикия денгизчилари эрамиздан аввалги тахминан 600 йилда Африкани айланиб сузиб чиққан.

Саис Мисри ички ғалаёнлардан холи бўлмаган, бу ғалаёнларда армия қатъий роль ўйнаган. Эрамиздан аввалги 569 йилда саркардалардан бири Яхмос II (греклар уни Амасис деб атайдилар) ҳокимиятни қўлига олган. Гарчи у ўзини XXVI сулоласига мансубман деб ва шу сулола подшоларининг рўйхатига киритилган бўлса-да, бу сохтадир. Амасис подшо зотига мансуб бўлган эмас, шунинг учун ҳам сарой аҳли унинг бу қалбакилигини кечира олмаган. Унинг тўғрисидаги овозаларига қура, у оддий

<sup>1</sup> Псамметих 663 йилда тахтга ўтириб, фақат 655 йилдагина бутун Мисрни эгаллаган.

оиладан чиққан ва ёшлигида қийналиб яшаган ҳамда ўгрилик қилган. Уни ичкиликбозликда, юриш-туришни ва одоб сақлашни билмасликда ҳам айблаганлар.

Бу традициядаги кўп нарсалар ҳаддан ташқари бўрттириб юборилган, аммо янги ҳарбий подшога тахтдан туширилган Псамметих уруғи билан қаттиқ боғланган зодагонларнинг ҳаддан ташқари хурофий одатлари ва талабларига қараб иш қилиш осон бўлмаганлиги аниқ кўриниб турибди.

Амасис ўзининг хийла вақт (эрамиздан аввалги 569-525 йиллар) подшолик қилганида ташқи сиёсатга ғоят катта куч ва ғайрат сарф қилган. Дуруст, у Осиё қитъасида истилочилик сиёсатини олиб бормаган, аммо унинг даврида денгиздаги қудрати кучайган. У Кипр оролини ўзига буйсундирган. Кирена ва Самос ороли билан иттифоқ тузган. Грек оламида Миср таъсири кучайган.

Осиёда янги даҳшатли куч — Эрон давлатининг пайдо бўлиши Амасисни хавотирга солган. У Эроннинг Осиёдаги мухолифларини унга қарши бирлаштиришга уринган бўлса-да, муваффақият қозона олмаган.

Амасиснинг ўзи эронликлар Мисрга бостириб кириши олди-дан вафот этган. Унинг вафотидан бир неча ой кейин эронликлар Пелусия ёнида (эрамиздан аввалги 525 йилгача) миср армиясини тор-мор қилиб; Эрон шоҳи Қумбиз Мисрни истило қилган.

## XV БОБ

### ҚАДИМГИ МИСР МАДАНИЯТИ

Миср иқлимининг ниҳоятда қуруқлиги туфайли бунда ҳатто жуда мўрт материаллардан ишланган қадимги ёдгорликлар ҳам ғоят яхши сақланган. Чунончи, бунда қоғоздан олдин кашф этилган (ҳақиқий қоғозни қадимги хитойлар ихтиро қилган) папирусга, ёғочга ва полотнога ёзилган ёзувлар топилди. Тош тахталардаги ёзувлар айниқса яхши сақланган, аммо бу ёзма ёдгорликларнинг кўпи бир томонлама диний-сеҳрий мазмундаги ёзувлардир.

1. Дин. Диний анъаналар Нил водийсида айниқса мустаҳкам ва турғун бўлган. Қоҳинлар ғоят катта кучга эга бўлиб, улар билан подшо ҳокимияти ўртасида баъзан ихтилофлар бўлиб турса-да, фиръавнларнинг илоҳийлиги туғрисида таълимотлар ва аҳоли оммасини «Қуёш фарзанди»га (Миср ҳукмдорларини шундай деб атаганлар) итоат қилишга ундаганлар.

Хуллас, Мисрдаги ҳар хил диний эътиқодлар эски урф-одатларни қўллаб-қувватлаганлар ва мулкдорлар ҳокимиятига итоат қилишга чақирганлар. Шубҳасизки, Мисрнинг дини йиллар давомида ўзгариб, ижтимоий силжишларга ва сиёсий ўзгаришларга мослашиб турган. Аммо тугаб бораётган уруғ-қабилачилик урф-

одатлари билан ҳали боғлиқ бўлган қадимги кўп диний эътиқодлар Нил водийсида бошқа қадимги мамлакатлардагидан кўра узоқроқ ва қаттиқ сақланган. Мисрда ниҳоят даражада кўп тарқалган йиртқич ва уй ҳайвонларига сиғиниш, шунингдек, ҳар хил қушларга, балиқ ва ҳашаротларга сиғиниш грек сайёҳларини ҳайратда қолдирган.

Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Миср фаунасининг ҳар қанақаси бироқ вилоятда (баъзилари бутун мамлакатда) муқаддас ҳисобланган. Кўп жойларда (айниқса Фаюм воҳасида) ҳатто тимсоҳ ҳам илоҳий ва дарё сувларининг дахлсиз ҳукмдори ҳисобланиб, уларни овлаш ман қилинган. Тимсоҳларнинг майда болаларини ибодатхоналарнинг ҳовузларига солганлар, уларни асалли сомсалар билан боққанлар ва бевақт ўлган тимсоҳларни мумиёлаганлар, кафанга ўраб, шараф билан кўмганлар.

Мисрда мушукка озор бериш жиноят ҳисобланган, мушукни ўлдирган киши ўз ҳаётини таҳлика остига қўйган. Қушлардан ибис (лайлакка ўхшаган қуш), қирғий ва калхат, ҳашаротлардан айниқса гўнг қўнғиз ғоят муқаддас ҳисобланган.

Баъзан ҳайвонларнинг беҳисоб турларидан биттасини танлаб олиб, уни худо деб эълон қилганлар. Масалан, Мисрда юзлаб, минглаб ҳўкизларни аяб-нетиб ўтирмаганлар. Уларни калтак билан подага ҳайдаганлар, омочга қўшганлар ва ҳоказо. Аммо алоҳида белгилари бўлган бирдан-бир ҳўкизни олиб, худо қилганлар. Худо бўладиган ҳўкиз албатта қора ранг бўлиши, манглайда тўгарак оқ қашқаси, думидаги жуни ҳам ўзгача бўлиши ва бошқа шундай аломатларга эга бўлиши шарт экан. Кўп қидиришлардан кейин ана шундай ноёб ҳўкизни топишиб, Мемфисдаги махсус ибодатхонага олиб келганлар ҳамда муқаддас ва дахлсиз деб эълон қилганлар. Бахтиёр ҳаёти тугагандан кейин уни махсус сағананага жойлаштириб кўмганлар (археология қазишларида бундай сағана топилган эди) ва бутун шаҳар мотам тугган. Кейин яна Аписнинг (илоҳий ҳўкизнинг номи) янгисини қидириш бошланган, янгиси топилгач мотам тугаб, тантана бошланган.

Бундай тасаввурлар фақат Мисрдагина хос бўлмаган. Биз уларни бошқа халқларда ҳам учратамиз, аммо уларда бу тасаввурлар иккинчи ўринда бўлган, кў-



Мумиёланган жасад боши

пинча ақлли ҳайвонлар ва қушларни сирли қилиб тасвирлаш ва улар тўғрисида афсоналар туқиш кенг расм бўлган, Мисрда эса тотемизм (кишиларнинг ҳайвон ёки қушлардан пайдо бўлганлигига ишониш) хийла кенг кўламда сақланиб келган. Баъзан одамсимон худо қўй бошли, маъбуда эса сигир бошли хотин қилиб тасвир этилган.

Мисрликлар антропоморфизмга, яъни худоларни (оддий кишилардан кўра ғайри табиий, ажойиб хусусиятларга эга бўлган) инсонларга ўхшатишга бошқа қадимги мамлакатлардан кўра хийла секинроқ ўтган. Миср динининг яна бир ўзига хос хусусияти нариги дунёга жуда катта аҳамият берилганлигидир. Шумер билан Бобилда нариги дунёни кўнгилсиз ва мудҳиш деб, ўлганларни бу дунёни қўмсайдиган бахтсиз банда, деб тасаввур қилган бўлсалар, бу ҳақда Мисрдаги таълимот бошқача бўлган. Масалан, улар бу дунёдаги уй-жой мусофирхона бўлиб, унда узоқ яшаб бўлмагани учун уларни мустаҳкам қилиб қуришнинг ҳам ҳожати йўқ, ундан кўра ўзингга «абადий ётоқ жой»ни, мақбарани олдиндан тайёрлаб қўйишинг керак, деган қоидага амал қилганлар.

Мумиёлашга алоҳида эътибор берилган. Жасадларни мумиёлашнинг қиммат ва арзон усуллари бўлган. Фиръавн ва катта мансабдорларнинг мумиёлари айниқса яхши сақланган. Ичак-чавоқлари олиниб алоҳида идишларда (канопларда) сақланган, ичак-чавоқдан тозаланган гавда 70 кунча намақобда турган, кейин хушбўй қатрон (смола) қуюлиб устидан полотно ўртикка ўралган.

Миср коҳинларининг таълимотига кўра охиратнинг ҳузур-ҳаловатига эришмоқ учун кўпгина сеҳрий дуоларни билиш керак бўлган. Биринчи навбатда бундай дуоларни фиръавнлар учун ёзганлар. Улар мақбара деворларига (ҳаёт ранги) яшил бўёқ билан чизилган. «Пирамида текстлари» деб аталадиган ана шу дуоларда «худолар даргоҳига кираётган», «Иалу майдони» (мисрча жаннат)га қадам босаётган ҳукмдорнинг бахтиёр ҳаёти таъриф қилинган ва ҳоказо.

Фиръавнларга тақлид қилиб имтиёзли ва бой табақаларга ҳам шундай текстларни («сағана текстлари» ни) ишлата бошлаганлар.

Ниҳоят, Янги подшолик даврига келиб «Мурдалар китоби» пайдо бўлган, унда охиратда бўладиган саргузаштлар ва охират суди — маҳшар муфассал баён қилинган.

Уликнинг руҳи нариги дунё подшоши Осириснинг қўшиқига келгач абადий фароғатли ҳаётга эга бўлиш учун Осирис олдида ўзини оқлаши лозим экан. «Мурдалар китоби»нинг 125- бобида ўзини оқлаш нутқининг тўла тексти бор. Уликнинг руҳи бундай дейиши керак: «Мен бирон кишини ўлдирмадим, таламадим, бузуқлик йўлига юрмадим, гудакнинг оғзидан сутини тортиб олмадим, бировнинг ерида оқиб турган сувини тўсиб ўз даламга қўймадим» ҳоказо ва ҳоказо. Бунда ўликдан ҳалоллик талаб

қилинмаган. Бунда фақат дадиллик ва ишонч талаб қилинган. «Мурдалар китоби» да ўз қалбига махсус мурожаат тексти бор. «Э, танимдаги қалбим, Осирис олдидаги судда менга қарши гувоҳлик қилмагин!» дейилган у текстда.

Шундай қилиб, тириклигида ўзига муносиб даҳма тайёрлаш ва зарур сеҳрий текстлар буюриш учун маблағи бор ҳар бир киши ўзининг эзгу мангулик фароғатли ҳаётга эришувига умид қилиши мумкин бўлган. Аммо оддий фуқароларнинг бунга эришишга ишончи бўлмаган дейиш мумкин.

« Фақат анча кейинги (римликлар ҳукмронлиги) даврдагина бойнинг ўлгандан кейин даҳшатли азоб-уқубатга дучор бўлиши ва камбағалнинг бу дунёда чеккан азоб ва машаққатлари эвазига нариги дунёда абадий ҳузур-қаловатли ҳаётга эришажаги тўғрисидаги ривоятлар пайдо бўлган. Энди бунда диннинг ову-тувчилик хислатлари, меҳнаткашларга тасалли бериш ва ҳаётдаги кескин зиддиятларни юмшатишга интилиш рўй бера бошлаган.

Миср қоҳинлари халқ анъаналарини қолипга солиб, қайтадан ишлаб худолар тўғрисида афсонавий қиссалар туқигаилар. Кўпинча қўёш худои Рани бош худо ҳисоблаганлар. Ра ибтидий тўфонлар замонида вужудга келган эмиш у нилуфар гулидан чиқиб келиб, бутун мавжудотни яратган. Раннинг оғзидан худолар, кўзидан одамзод келиб чиққан. Осмон кенгашини Ра бошқарган, ёзувни ихтиро қилган донишмандлик худоси Тот унинг котиби бўлган. Ра образи ердаги фиръавн хислатларини ола бошлаган, фиръавн олдида ҳамма фуқаро ерга йиқилиб таъзим қилишга мажбур бўлган. Фива юксалгандан кейин ерли худо Амон худо Ра билан тенглаштирилган ва Амон — Ра деб атала бошлаган.

Ўладиган ва тириладиган табиат худоси Осирис эътиқоди ҳам умум Мисрга ёйилган.

Афсоналардан бирида Осирис бир замонлар ерда идора қилган ва лекин ҳокимиятидан маҳрум қилиниб, ўзининг ёвуз укаси (чўллар, гармсел ва шўр сувлар ҳокими) Сет томонидан ўлдирилган деб ҳикоя қилинади.

Ҳалок бўлганнинг вафодор хотини Исида эрининг жасадини топиб олиб кўнган, кейин эса қандайдир мўъжиза билан ҳомиладор бўлиб, ўлган эри Осирисдан Гор исмли фарзанд кўрган. Гудак Гор ўсиб катта бўлгач, амакиси қўлидан ҳокимиятни тортиб олиб, дадасини тирилтирган.

Иштар ва Таммуз ҳақидаги афсоналар сингари мисрликларнинг Осирис тўғрисидаги қатор афсоналари ҳам йил фасллари-нинг ўзгаришларини изоҳлаб бериши лозим бўлган. Аммо Осирис ҳақидаги афсонавий ўлган худо нариги дунёнинг ҳукмдори бўлиб, ўгли Гор эса ерда унинг вориси бўлиб қолган.

**2. Адабиёт.** Қадимги мисрликлардан бизга халқ эртакла-ри ва ҳақиқий воқеалар тасвиридан иборат жуда кўп бадиий адабиёт асарлари етиб келган; табиий, улар кейинчалик сарой





Матьбуда Исиды на худо Гор

за ибодатхоналарнинг мирзалари томонидан озми-кўпми ишланган.

Синухет тўғрисидаги қисса айниқса машҳур бўлган. У тахт учун юз берган фитналар вақтида Мисрдан қочиб кетган катта мансабдордир. Синухет Синай чўлларига келиб қолиб, очлик ва ташналикдан ўлишига сал қолган. Уни бадавийлар қутқазган. Кейин у Фаластинга борган. Унда бир қабила бошлиғи билан дўстлашиб, унинг қизига уйланган. Маҳаллий полвонлардан бири билан яккама-якка курашга тушиб, унинг устидан қолиб чиққан ва у полвоннинг бутун мол-мулкини эгаллаган. У гарчи бойиб кетган бўлса-да, ватанини қўмсаб азоб чеккан. Сўнгра, элидан қочиб кетгани учун фиръавндан кечирим сўраб, Мисрга қайтиб келган. Қиссада Миср саройидаги маданий ҳаёт осиеликларнинг қолоқ ҳаётига жуда ёрқинлик билан қарама-қарши қўйилган. Шундай бўлса ҳам қиссада ажнабийларни ёқтирмаслик руҳи йўқ. Мисрлик қочоқни улар меҳмондўстлик билан кутиб олганлар ва унга мурувват курсатганлар.

Бошқа бир эртак тарзидаги қисса бор (ҳалокатга учраган кема тўғрисида эртак). Битта мисрлик амалдор денгиз саёҳатига жўнаб, довулда ҳалок бўлишдан аранг қутулиб қолган. Кемадан ва ҳамроҳларидан маҳрум бўлиб, ҳалок бўлган кеманинг синиқ парчасида олижаноб илон яшайдиган оролга етиб келган, фиръавн юборган денгизчилар етиб келгунча мусофир илон инида меҳмон бўлиб турган.


Шунингдек, «Гапга чечан қишлоқи қиссаси», «Ҳалокатга маҳкум шаҳзода ҳақида эртак», «Тўғри билан эгри ҳақида эртак» ва ҳоказоларни айтиб ўтиш керак.

Мисрлик дон янчувчилар, балиқчилар, ҳаммоллар ва бошқалар айтадиган кўпгина ҳар хил халқ қўшиқлари, шунингдек, йигит билан қиз бир-бирларига кўнгил берганликларини соддадиллик билан ифода қилган муҳаббат шеърлари сақланган.

Подшоларнинг ақлга сиғмайдиган қаҳрамонликлари тўғрисидаги тмтароқ ва дабдабали сарой поэзияси тамомилан бошқа тусдадир.



Худо Бэс, ой-куни яқинлашган хотинлар ҳомийси



Математик ёзув битилган папирус

«Ҳаётдан кўнгли совиган одамнинг ўз руҳи билан суҳбати» деган асар ҳаётнинг маъноси ва мақсади тўғрисидаги фалсафий асарнинг гузал намунасидир. Бу шеъринг диалогнинг иштирокчиларидан бири (ҳаётдан кўнгли совигани) кишиларнинг шафқатсизлиги ва макрлилигидан нолийди ва адолат қидириб нариги дунёга кетмоқчи бўлади.

Бошқа суҳбатдош (кўнгли совиганнинг руҳи) унга скептик қарашларни баён қилади. У дунёдан ҳеч ким қайтиб келган эмас, унинг бу дунёдагидан кўра яхшими ёки ёмонми эканини ҳеч ким билмайди. Яхшиси, бахтни бу дунёдан қидириш керак. Лекин кўнгли совиган киши бунинг тасалли бермоқчи бўлиб айтган гапларини эшитишни хоҳламайди. Пировард натижада у бу дунёдаги ҳаётдан кўра нариги дунёнинг устунлигига скептик руҳини ишонтиришга муваффақ бўлади.

**3. Фан.** Бадий адабиётдан ташқари бизга илмий мазмундаги асарлар ҳам етиб келган.

Мисрда айниқса математика равнақ топган. Тўғри, мисрлик математикларнинг рақам системаси хийла катта, бесунақай бўлган. Рақамларга позиция маъно беришга бирон уриниш бўлганлиги мутлақо сезилмайди.

Чизиқ доим бир рақамини (единицани) билдирган, ярим доира доим ўн рақамини, ўрилган арқон юз рақамини, нилуфар гули минг рақамини билдирган. Масалан, тўққиз минг рақамини билдириш лозим бўлса, тўққизта нилуфар расми солинган.

Ана шундай қийинчиликлар ва камчиликларга қарамай, мисрлик мирзалар мураккаб-мураккаб масалаларни ечганлар. Геометрияда кесик пирамида юзасини ва айлананинг диаметрга нисбатини (фақат 0,02 хато билан) ҳисоблаб чиқарганлар.

Миср астрономияси ҳам катта муваффақиятларга эришган. Мисрликлар Нилнинг тошқинидан дарак берувчи Сириуснинг осмонда пайдо бўлишини кузатганлар (уларнинг бир вақтга тўғри келиши тасодифий ҳол бўлган, албатта). Миср календари қуёш календари бўлган. Йил 12 ойга бўлинган, ҳар ой 30 кундан

иборат бўлиб, 3 та ўн кунликка бўлинган. Бу ҳисобда ошиқ бўлиб қолган беш кун байрам ҳисобланиб, ҳеч қайси ойга киририлмаган.

Мисрликларнинг табиий папируслари ҳам бизга етиб келган. Уларнинг рецептларидаги кўп нарса ҳозирги замон китобхониға жуда содда ва галати бўлиб кўринади, албатта. Масалан, эшак туёғининг талқони ёки ўғил кўрган аёлнинг сути дори тариқасида истеъмол қилинган. Аммо бир қанча текширишлар натижасида айрим гиёҳларнинг шифо бериши (ёки зарари)ни аниқ белгиллаганлар. Назарий хулосалар ҳам қилинган. Қон ҳаракатининг қонуни тўғрисидаги тасаввурга эга бўлганлар. Хирургияга келганда Мисрнинг кўз табиблари айниқса машҳур бўлган. Эраמידан аввалги VI асрда уларни ҳатто Эрон подшолирининг саройларига чақириб келтирганлар.

Мисрда география фанининг дастлабки куртаклари бунёда келган, шу билан бирга бу фанни маълум бир системаға солишга уринганликлари ҳам сезилиб турибди. Ерни четлари (тоғлар билан) кутарилиб турадиган тўртбурчак шаклида. атрофи эса ҳамма томондан оқиб турадиган океан («улкан доира») билан ўралган деб тасаввур қилганлар. Ернинг Нил оқиб келадиган олдинги томонини Жануб деб, орқа томонини (Урта денгиз ва Эгей денгизи ороллари) Шимол деб, ўнг томонини (ўлганларнинг руҳлари яшайдиган жой деб фараз қилган томонни) Ғарб деб, сўл томонини («Худо мамлакати», яъни Ра мамлакати деб фараз қилган томонни) Шарқ деб ҳисоблаганлар.

Халқлар баданларининг рангига, тилларига қараб ва ҳаётлари валийнёмат дарёга боғлиқ, Нил водийсида яшовчиларга ҳамда осмондан тушадиган сувдан (ёмғирдан) фойдаланувчи бошқа барча халқларга бўлинган.

Қадимги Миср карталари (жумладан, масалан, Арабистон чўлларидаги олтин конлари жойлашган районнинг муфассал картаси) сақланиб қолган. Беш асрдан кўпроқ вақтни ўз ичига олган, дунёда энг қадимги йилнома Миср йилномаси эканлигини юқорида айтиб ўтган эдик. (Шумер йилномаси анча қисқа вақтни ичига олган.) Лекин жуда кенг кўламда тарихий воқеаларни ва фактларни умумийлаштириш бўлмаган; давлатлар ҳаётида юз берган ўзгаришларни худонинг тақдири ва кишиларнинг феъл-атворидан келиб чиққан деб баён қилганлар.


**4. Санъат.** Қадимги Мисрнинг саройлари, қасрлари кам сақланган (одатда улар нишиқ материалдан қурилмаган). Аммо пирамида ва мастаблар<sup>1</sup> ҳамда қоялардаги мақбаралар яхши сақланган.

Энг муҳташам ибодатхоналар Янги подшолик даврида қурила бошлаган. Фивадаги ғоят катта устунли заллар, очиқ устунли ҳовлилари бўлган Луксор ва Карнак ибодатхоналари ажойиб

<sup>1</sup> Мисрлик катта мансабдорлар подшо мақбаралари (пирамидалар) дан фарқ қилиб, ўзларига трапеция шаклида мақбаралар қурдирганлар.



Луксор ибодатхонасидаги устунлар



Карнак ибодатхонасидаги устунлар



Созандалар

иншоотлардир. Ибодатхоналарга кираверишда мустақкам минор (пилон)лар тикланган, у минорлар рўпарасига сфинкслар (фиръавиларнинг донишмандлиги ва қудратининг разми бўлган одам бошли асрлонлар) аллеяси солинган. Ибодатхоналарнинг деворлари рангдор суратлар (турли рангга бўялган бўртма суратлар) ва иероглиф ёзувлар билан қопланган.

Ҳайкалтарошлик ва рассомликда (Иккидарё оролигидаги сингари) шартлилик сезилади. Қадимги мисрликларга бу табиий бўлиб кўринган. Фиръави ва катта мансабдорларни маҳобатли, ҳаракатсиз, улуғвор, вазмин, салобатли, тишининг оқини зўрба-зўр кўрсатадиган кишилар қилиб тасвирлаганлар. Баъзан жуда эҳтиётлик билан ҳар кимнинг ўзига хос хислатларини кўрсатганлар, аммо шунда ҳам бирон бир нуқсонини кўрсатмаганлар.

Оддий кишиларни (деҳқонлар, подачилар ва айниқса ажнабийлар, масалан: занжилар ва осиеликларни хийла табиий тасвирлаганлар. Уларни тасвирлашда ҳатто карикатурага ҳам йўл қўйилган (семиз ва ориқ подачи ва бошқалар).

Текислик юзасига солинган расмларда кўпинча кишининг юзини ён томондан, кўзини, тўғрига қаратиб, икки елкасини тўла кўрсатиб, қорнининг тўртдан уч қисмини, оёқларини яна ён томондан ва албатта бош бармоқларини олдинга чиқариб, жимжилоқ бармоқларини кўрсатмай чизганлар.

Аммо ҳайвонлар ва қушлар (ёввойи мушук, қушлар, маймунлар ва бошқалар) нинг суратларини ниҳоят даражада аниқ қилиб, жуда ўхшатиб чизганлар.

Телала-Амарна санъатида, яъни ислоҳчи фиръавн Аменхотеп IV (Эхнатон) подшолик қилган замонда санъат соҳасидаги анъаналар хийла ўзгарган. Унинг ўзи, хотини ва қизлари натуралистик тарзда, ҳатто улардаги нуқсонлар ҳам аниқ қилиб чизилган.

Мисрда музика ва рақс жуда тараққий топган. Пуфлаб чалинадиган музика асбоблари (най), уриб чалинадиган асбоблар



Қадимги Миср раққосалари

(систра, қайроқ), торли асбоблар (арфа, уд ва бошқалар) бўлган. Раққосалар баъзан бутун мураккаб ҳаракатлар билан фиръавни енгилган душманни ёки шамол эсишидан эгиладиган гиёҳни акс эттирганлар. Ибодатхоналарда диний драмалар (мистерия) қўйганлар, унда Осириснинг ўлими ва қайта тирилиши кўрсатилган. Бу театр куртаги бўлиб, антик дунёда театр тўла равнақ топган.

Мисрнинг маданият соҳасида эришган муваффақиятлари ташқи дунёга таъсир кўрсатиб (кўпинча греклар орқали) бизга етиб келган. Геродот мисрликларни ҳақли равишда геометрия устозлари деб атаган. Жуда кўп бадиий сюжетлар бошқа халқларга (ўзгартирилган ҳолда, албатта) мисрликлардан ўтган. Сфинкс образи Европа санъатида классик образ бўлиб қолган. Мисрнинг обелискларининг ҳақиқий нусхаси (ҳайкаллари) Рим ва Парижда қад кўтариб турибди. Қизил гранитдан ясалган ва Мисрдан келтирилган (эрамиздан аввалги XV асрга мансуб) сфинкслар Ленинградда Нева қирғоғига ҳусн бериб турибди.

## XVI БОБ ХЕТЛАР

1. **Кичик Осиёнинг табиати.** Икки дарё оралиғи ва Миср вақт-вақти билан заифлашиб, унда тушкунлик даврлари рўй беришига қарамай, бурун минг йилликлар давомида яшаб келган марказлашган кудратли давлатлар барпо қилинган бўлса, Кичик Осиё (Анатоли)да бутунлай бошқа ҳолат содир бўлган.

Уч томондан (Қора денгиз, Мармар, Эгей ва Урта) денгизлар билан қўрашаб олинган ҳамда тизма тоғлар кесиб ўтган хийла кенг бу ярим оролнинг табиий шароити бунда яшовчи қабиалар ва халқларнинг бирлашиш ва қўшилиш процессига ёрдам бермаган. Бунда катта дарё водийлари ҳам бўлмаган. Қора денгизга қўйиладиган энг катта ҳисобланган Галис (ҳозирги Қизил ирмоқ) дарёсини Нил ёки Фрот дарёси билан ҳеч бир жиҳатдан таққослаб бўлмайди.

Жойнинг рельефи (қир-тепалик ва тизма тоғлар), гарчи асосан бог ва полизларни сугориш учун кичикроқ каналлар қазилган бўлса-да, ягона сугориш системасини барпо қилишга имкон бермаган.

Хўжаликда чорвачилик (айниқса йилқичилик) асосий ўрин тутган, бунга яйлов учун яроқли бепоён чуллар ёрдам берган. Асаларичилик ҳам катта ўрин олган. Тоғлар қалин ўрмонлар билан қопланган, тоғларнинг таги (айниқса Қумуш тоғи деб نامунали ном олган Тавр тизма тоғи (ҳар хил металлларга) қумуш, мис, қўрғошин, темирга) бой бўлган.

2. Аҳоли. Кичик Осиёнинг асосий халқи хеттлар турли тилларда гапирадиган қабилаларнинг қурамасидан иборат бўлган. Эрамиздан аввалги II минг йилликда ташкил топган подшолик гарчи бир нечагина аср яшаган бўлса-да, шу қисқа муддат ичида катта қудратга эришган.

Эрамиздан аввалги I минг йилликда хетт халқининг ҳатто номи ҳам ёддан кўтарила бошлаган. Тавротда Хеттлар ҳақида анча-мунча гапирилади (Фаластинга кучиб келган хеттлар<sup>1</sup>), аммо греклар бу халқни тамоман унутиб қўйганлар. «Одиссея»нинг фақат бир жойида Троянга ёрдамга келган «кетейлар<sup>2</sup>» йўлбошчиси шунчаки тилга олинади, холос. Кичик Осиёлик Геродотнинг ўзи ҳам хетт халқи ва Хетт давлати тўғрисида ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаган. Эрамиздан аввалги V асрда хеттлар бошқа халқларга (асосан фригияликларга) қўшилиб, сингиб кетган ва шундай қилиб мустақилликларини, ҳатто номларини ҳам йўқотган.

3. Манбалар ва историография. Хеттларнинг тарихини ўрганишга анча кеч киришилган. Дуруст, ўтган асрда кашф этилган ва ўрганиб чиқилган Миср ва Аккад текстларида Миср, Бобил ва Осурия билан уруш қилган ва дипломатик алоқалар ўрнатган. Улуғ Хетт подшолиги тўғрисидаги эслатмалар қайта-қайта учраса-да, улар узук-юлуқ маълумотлардан иборатдир. Кичик Осиё ва Сурияда сочилиб ётган хетт ёдгорликларини ўрганиш ҳам хомаки тусда бўлиб, моддий маданиятни ўрганиш билангина чегараланилган.

Фақат 1906 йилда немис шарқшуноси Г. Винклер Бўғозқоя тепалигини (ҳозирги Анқаранинг шарқ томонида) мунтазам суратда қазिशга киришди. Бу тепалик тагида хеттлар пойтахти Хаттуса шахрининг харобалари бекилиб ётганлиги маълум бўлди. Хетт подшоларининг саройи қазиб олинди ва ундан текстлари турли қадимги шарқ тилларида миххат билан ёзилган сопол парчалари топилди.

<sup>1</sup> Исроил-Яҳудия подшоши Довуднинг хотинларидан бири Вирсалия (унинг образини Рубенс ўз асарларидан бирида абадийлаштирган) аввало Урия деган хеттга теккан бўлган. Довуд подшо бу хеттни айёрлик билан ўлдириб, кейин унинг бева хотинига уйланган.

<sup>2</sup> Телеш — Эрицианинг ўғли (дадасининг оти хеттларга хос отдир)





Хаттуса шаҳрининг дарвозаси

Улар ичидан чиққан кўпгина аккад ёзувлари осонгина ўқиб қирилган бўлса-да (чунки бу вақтда аккад тили анча дуруст ўрганилган эди), хеттларнинг ўз тилида (туғриси тилларида)ги ёзувларни дарровгина ўқиб чиқариб бўлмади. Уларни ўқиб чиқаришда асосан чех олими Б. Грознийнинг хизмати каттадир, уларни ўқиб, тушуниш калитини 1915 йилда шу олим топган.

Шу ҳужжатлар ичида кўпчилиқни ташкил этган миҳхат ёзувларидан ташқари хеттларнинг бир қанча иероглиф ёзувлари ҳам топилган. Юзаки қарашда улар миср иероглифларини эслатса-да, синчиклаб кўрилганда хеттларнинг ўзларига хослиги маълум бўлган. Хетт иероглифлари камдан-кам ишлатилган, уларни марказда эмас, кўпроқ хеттлар тупроғининг шарқидаги ўлкаларда ишлатганлар. Хетт ёзувлари ва тарихини ўрганишда совет олимлари ҳам иштирок этишди. Хусусан, В. В. Струве хеттлар ҳаётида муҳим ўрин тутган қулдорликка эътибор берди. Шундай қилиб, хеттшунослик шарқшуносликнинг алоҳида соҳаси таъриқасида фақат бизнинг асримиздагина пайдо бўлди.

Хетт ёзувларини ўрганиш натижасида хетт халқининг хилма-хил элатларнинг беқарор бирлашиши билан ташкил топганлиги маълум бўлди. Бу бирлашишнинг қадимий этник субстрати абхаз-адегей гуруҳи тилида гапирган ва мавжуд барча маълумотларга кўра Кавказ билан зич боғланган хеттлар ёки хеттларнинг аجدодлари бўлган. Кейинчалик уларга ҳинд-европа оиласига мансуб тилларда гапирувчи қабилалар қўшилиб борган. Уларнинг тилларида славян тилига (масалан, «вода» — сувни «вадар» деганлар), грек тилига (олмани «мала» деганлар), латин ва бошқа тилларга ўхшаб кетган жойлари ҳам бор. Давлат тили бўлиб кетган бу тил қадимда Неса шаҳрининг номи билан несит тили деб аталган. Хеттларнинг қонунлари, фармон-

лари, йилномалари ва бошқа расмий ҳужжатлари ўша несит тилида ёзилган. Несит тилида гапирган қабилалар Каспий денгизи қирғоқларидан келган бўлиши керак<sup>1</sup>.

Шу асосий аҳолига ўз тиллари ва анъаналарини сақлаб қолган бошқа қабилалар ҳам келиб қўшилган<sup>2</sup>. Аммо қабилалар Мисрдаги сингари бири бири билан чамбарчас қўшилиб кетмаган.

**4. Хетт подшолиги.** Хеттларнинг уруғ-қабилла тузуми эрамиздан аввалги III минг йиллик билан II минг йиллик чегарасидагина бузила бошлаган.

Семиқ колонистларнинг бу ерларга келиши бу процессни хийла тезлаштирган. Аккад (ва кейинчалик осур) савдогарлари эрамиздан аввалги XXIII-XX асрларда Галис дарёси ҳавзасида ўзларининг савдо колонияларини барпо қилганлар. Улар қабилла зодагонлари билан битишиб, маҳаллий чорвадор ва деҳқон аҳолини (хусусан қарз сиртмоғи воситаси билан) шафқатсиз эксплуатация қилганлар.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик бошларида Кичик Осиё ярим оролининг шарқий қисмини бирлаштиришга дастлабки уринишлар бўлган. Хеттларнинг биринчи машҳур подшоси Анитта Несани узига пойтахт қилган, бу пойтахтнинг номи давлат номи қилиб олинган. Хетт давлати фақат эрамиздан аввалги тахминан 1660—1650 йилларда подшо Табарне (Лабарне) замонидагина узил-кесил таркиб топган. Галис дарёси ҳавзаси (Каппадокия) бу давлатнинг асосий ўзагини ташкил этган. Эрамиздан аввалги XVI асрдан бошлаб Хаттуса шаҳри мамлакатнинг пойтахти бўлган.

Хетт давлатининг тарихи Қадимги подшолик замони билан Янги подшолик замонидан иборат иккита асосий даврга бўлинади.

**5. Қадимги подшолик (эрамиздан аввалги XVII—XVI асрлар).** Табарна сулоласининг энг машҳур намояндаси истилочи подшо Мурсили бўлган. У талончилик мақсадида бир қанча юришлар қилган. Хеттларнинг ҳарбий зодагонлари, қисман оддий жангчилари ҳам кўпроқ ажнабий қулларни қўлга туширишга уринганлар ва уларни ўзларининг далаларида ишлашга мажбур этганлар.

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотчилар бу қабилалар Болқон ярим сरोлидан келган дейдилар. Аммо бу унча тўғри бўлмаса керак.

<sup>2</sup> Жанубда лувияликлар, шимоли-шарқда палайлар бўлгани маълум. Хурритлар ва бошқалар ҳам муҳим роль уйнаган.



Текстлари виххат ва нероглифлар билан ёзилган хетт муҳри

Мурсили шимолий Суриянинг муҳим стратегик ва иқтисодий маркази бўлган Халпа (ҳозирги Халаб) шахрини босиб олган. Бундан у Фрогга келиб, дарё бўйлаб Бобилгача борган ва бу гоят катта шаҳарни босиб олиб вайрон қилган.

Лекин Мурсилининг бу муваффақиятлари мустаҳкам бўлмаган. Хетт подшолигида тез-тез ғалаёнлар бўлиб турган. Қуллар қўзғолони тўғрисида ҳам ғира-шира маълумотлар бор. Иккинчи томондан, хетт зодагонлари (асосан подшонинг кўпдан-кўп қариндош-уруғлари ва қуда-андалари) марказий ҳокимият билан унчалик ҳисоблашмаган.

Хетт подшолари Миср фиръавлари каби қудратли бўлмаган. Улар энг муҳим масалалар тўғрисида тулия (оқсоқоллар кенгаши) билан маслаҳатлашишлари лозим бўлган, баъзан ҳатто панкусга (ҳарбийлар мажлисига) ҳам мурожаат қилганлар.

Узоқ давом этган ўзаро урушлар ва тез-тез бўлиб турадиган сарой тўнтаришларидан кейин, эрамиздан аввалги XVI аср охирларида ҳукмрон доирада бир қадар муросага келинганликдан далолат берувчи баъзи ислоҳотлар ўтказилган.

Подшо Телепин фармон чиқариб тахт ворислигининг қаттиқ тартибини тасдиқлаган. Бу фармонга кўра, подшо ўлгандан кейин ҳокимият унинг тўнғич ўғлига, агар у бевақт вафот қилса, ундан кейинги ўғлига утиши лозим бўлган. Подшонинг ўғиллари бўлмаган тақдирда, ҳокимият тўнғич куёвга ўтган ва ҳоказо. Шу билан бирга подшо тулия ва панкус билан маслаҳат қилмасдан ҳеч кимни ўз хоҳишича қатл қилмаслик ва қатл қилинганларнинг мол-мулкларини мусодара қилмаслик тўғрисида ўз устига мажбурият олган. Бундан кўриниб турибдики, хетт монархияси мустабид монархия бўлмаган ва хетт подшолари ҳеч қачон Миср фиръавлари ёки Шумер, Аккад ва Бобил подшолари каби чекланмаган ҳокимият эгаси бўлмаганлар.

**6. Янги подшолик.** Янги подшолик даврида (эрамиздан аввалги XV—XIII асрлар) марказий ҳокимият бирмунча кучайган. Мамлакатнинг турли қисмларига тарқалган подшо доменлари кўпайган. Доменларни махсус идоралар («Ғиштин уйлар») бошқарган ва бир қанча қишлоқ жамоаларини ўз қомларига тортган. Оддий жамоачилар ўзларининг чек ерларини ўзлари бошқариш ҳуқуқидан маҳрум бўлган ва ҳатто уларни ўз фарзандларига мерос қилиб ҳам қолдирмаганлар.

Кўпгина жамоа ерлари шахсий мулкдорлар, атоқли ҳарбийлар ёки қочинлар қўлига ҳам ўтган. Оддий жамоачилар хонавайрон қилинган, аввалги ҳуқуқларидан маҳрум этилган ва қисман қарзини тўлай олмай қулликка тушиб қолган. Масалан, очарчилик йиллари камбағални «тирилтирган» (ўз қарамонига олган) бой ҳақ тўлаб қутулишга қурби етмаган камбағални ўз ихтиёрида сақлашга ҳақли бўлган. Шундай қилиб, хетт жамиятида мулкий табақаланиш хийла чуқур томир ёйган. Янги подшолик даврига мансуб қонунлар ижтимоий тенгсизликни юридик жиҳатдан мустаҳкамлаб берган.

Буржуа тарихчилари кўп вақт хетт қонуншунослари ниқоятда инсонпарвар бўлган деб мақтайдилар. Улар, деярли ҳар қандай жинойт учун айбдор нарса билан ёки пул билан жарима тўлаган, дейдилар.

Хетт подшолигида қотил ўлдирилган кишини ўз ҳисобига кўмиб, унинг қариндошларига тўрт киши (қул ёки ўз оила аъзоларини) бериб қутула олган. Уғри, ўт қўювчи, муштлашиб бирон кишини майиб қилган урушқоқ ҳам жарима билан қутулган. Қонунларнинг бундай «юмшоқлиги», ўлим жазосининг деярли қўлланмаслиги гўё семит-бобилликлардан фарқ қилиб, хетт халқининг<sup>1</sup> олий ирққа мансуб олижаноблик ҳислатини кўрсатар эмиш. Лекин у қонунларга жиддийроқ қараладиган бўлса, бундай «инсонпарварлик»нинг синфий негизи дарҳол маълум бўлиб қолади. Айтайлик, бой чорвадор бирон кимсанинг зотли отига қизиқиб ўғирласаю, ўғрилиги сезилиб қолса, у ўзининг уюридан ўғирланган от эгасига 15 та от бериб қутулиши мумкин бўлган. Агар ўғирлаган киши камбағал бўлсачи? У камбағал қарздор бўлиб, унинг ўн беш барабар жарима тўлаш учун қул бўлиб кетишдан бошқа чораси бўлмаган. Қулларнинг аҳволи бундан бешбаттар бўлган. Агар қул бировнинг уйига ўт қўйса, унинг бурни ва қулоқларини кесганлар, агар у бирон кишининг бошига бало келтириш ниятида сеҳргарлик қилса, унга ўлим жазоси берганлар.

**7. Хетт давлатининг равнақи ва тушкунлиги.** Хетт давлати ичдан заиф бўлган. Негаки, унинг ягона иқтисодий базаси бўлмаган ва, демак, ўзининг муваққат қудратини сақлаб туриш учун янгидан-янги юришлар қилиши лозим бўлган.

Ислоҳотчи фиръавн Эхнатон замондоши Суппилулиум подшолик қилган давр (эрамиздан аввалги XV аср охири ва XIV аср бошлари) Хетт давлатининг энг гуллаб яшнаган давридир. Суппилулиума ўз қўшинларининг заифлигидан фойдаланиб Митаннини тор-мор келтириб, ўзига бўйсундирган ва кейин унга ўз куёвини подшо қилиб қўйган. Сўнгра у Мисрнинг Осиёдаги мулкларидан анчасини тортиб олган ва ҳатто ўз ўғилларидан бирини сулола никоҳи воситаси билан фиръавн қилмоқчи ҳам бўлган.

Аммо унинг бу ҳарбий-дипломатик тадбирлари субутсиз ва омонат бўлиб чиққан. Мисрга қарши бошланган уруш чўзилиб кетган, шарқдан эса янги янада даҳшатли душман — Осурия хавф туғдириб турган.

Хаттусили III (юқорида айтганимиздек) Миср фиръавни Рамсес II билан шошилиқ равишда сулҳ тузишга мажбур бўлган, чунки осур қўшинларининг орқадан келиб зарба беришидан қўрққан. Айни замонда у Бобилни Осурияга қарши отлантириш-

<sup>1</sup> Буржуа тарихчилари несит тили ҳинд-европа (ёки уни баъзан атаганларидек ҳинд-герман) тилига мансублигини асос қилиб, хеттларни олий арний ирқининг намояндалари деб ёллон қиладилар.



Хеттларда кишиларнинг қурбон қилиниши

га уриниб қурган (чунки у Бобил билан ҳам сулҳ тузган бўлган). Лекин бу тadbирларнинг ҳеч қайсиси қор қилмаган.

Осурликлар хеттларга кетма-кет зарба берган, ғарбдан «денгиз халқлари» бостириб кела бошлаган. Улар ичида грек қабилалари (ахийлар ва этруск (турша)лар бўлган. Эрамиздан аввалги 1200 йилларда улар Хаттусини тор-мор келтирган ва бундай зарбадан кейин янги Хаттуси тиклана олмайдиган бўлиб қолган.

Катта давлатнинг қолган-қутган майда-чуйда князликлари яна бир неча йил яшаган, кейинчалик Осурия уларни ҳам забт қилган, шу билан хетт балки бошқа халқлар (фригитлар, арамейлар ва бошқалар) билан чатишиб, деярли ному нишонсиз йуқ бўлиб кетган.

**8. Хетт маданияти.** Хетт маданияти Бобил ва Миср маданиятининг кучли таъсири остида бўлган. Хетт мирзалари Бобил: дostonларини (чунончи, Гильгамеш эпоси) ва бошқа текстларни (масалан, илми нужум текстларини) иштиёқ билан кўчириб ёзганлар ва қайта ишлаганлар. Хетт пойтахтининг архивидан йилқичилик ва жанг араваларини бошқариш тўғрисида митанийлар тузган қўлланма топилган<sup>1</sup>. Зотан, оригинал дostonлар ҳам яратилган. Бундай дostonлардан бири кўклам худоси Телепинга бағишлаб ёзилган. Дostonда айтилишича, Телепин бегона юртга кетиб қолар, худоларнинг амри билан яна қайтиб келар экан, у қайтиб келгач табиатда тирилиш рўй берар экан.

Хеттлар ажойиб тасвирий санъат асарларини яратганлар. Қояларга ўйиб солинган худолар ва муқаддас ҳайвонларнинг суратлари айниқса муҳимдир.

Бунда Месопотамия сюжетлари ўзига хос тарзда ишланган.

<sup>1</sup> Қўлланманинг аuctори Киккулидир. Бу асар хуррит тилида ёзилган бўлиб унда ҳиндча баъзи атамалар ишлатилган.

Греklar шарқий сюжетларни хеттлардан олганлар, бу жиҳатдан хеттларнинг роли каттадир. Хеттларнинг (мисрликлар-никидан фарқ қилиб) аёл бошли сфинкслари греklarнинг сфинкслари (ярим хотин, ярим шер) образига таъсир кўрсатган. Шундай қилиб, хеттлар тарих майдонидан кетаётиб ҳам ўзларини шарқ олами билан греklar олами ўртасидаги воситачи қилиб кўрсата билганлар.

## XVII БОБ

### ФИНИКИЯ. ФАЛАСТИН ВА СУРИЯ

Месопотамия билан Миср ўртасидаги территория қадим замонда Сурия ва Фаластин номини олган. Бу жойнинг шимолий қисми ҳамда унга ёнидош кейинчалик Сурия саҳроси бўлиб кетган Сурия чўли Сурия деб аталган, бу жойнинг Йордан дарёсининг бошидан тортиб Синай ярим ороли билан Нил дельтасигача бўлган жануб қисми эса Фаластин деб аталган. Сурия билан Фаластиннинг Ўрта денгиз қирғоғидаги ерларга (ҳозирги Ливан давлатининг ерларига ва ундан яна шимол ва жанубгача чўзилиб кетган ерларга тўғри келади) греklar бошқача — Фракия деб ном берганлар. Шарқ халқлари эса Финикия, Фаластин ва Суриянинг ҳаммасини бирга кўшиб (библия ва Миср ҳужжатларидагича) Ханаам деб ёки (миххат ҳужжатларида аталганидек) Амурру деб аташни маъқул кўрганлар.

**1. Манбалар.** Таврот (Библия) ни танқид. Дажла ва Фрот ҳавзасидан Ўрта денгиз қирғоқлари ва Миср чегараларигача чўзилган ерларга жойлашган барча мамлакатларнинг тарихи асосан диний китоблардан — тавротдан маълум.

Яҳудий ва христиан руҳонийлари «муқаддас тарих» деб атаган бу катта тўплам қадимги яҳудий тилида ёзилган. Бу тил йўқотилмаганлиги билан шумер, аккад, қадимги Миср ва хетт тилларидан фарқ қилади, у ҳатто сўзлашув тили бўлмай қолгандан кейин<sup>1</sup> ҳам (илмий мақсадни кўзлаб эмас, албатта) диний мақсадда синчиклаб ўрганилади.

Ҳали яқин вақтларда ҳам таврот ўрта асрдаги қўл ёзмалар асосида нашр қилиниб келарди.

Асримизнинг 40—60-йилларида (ўлик денгиз ёнида) Қумрон ғорларидан ажойиб археологик топилмалар чиқди. Улар ичидаги тавротнинг хийла қадимги қўл ёзмалари фан учун қимматли топилмадир.

Муқаддас ва дахлсиз деб ҳисобланган библия китобларини кўп вақтлар давомида танқид қилиш мумкин бўлмай келган эди.

<sup>1</sup> Исроил давлатида ишлатиладиган иврит тили ҳам грамматика, ҳам лексика жиҳатидан қадимги яҳудий тилига, хийла ўхшайди, аммо ҳар ҳолда ёндиликда бу тил анча янгиланган ва тўлдирилгандир.

Библиянинг асосий қисмини ташкил этган Беш китобнинг жуда мураккаб ва зиддиятли эканини дадиллик билан биринчи бўлиб очиб берган тадқиқотчи француз олими Жан Астриюкдир. У Библия таъқидининг асосчиси деб ҳисобланади.

У аънаа асосида Мусонинг якка ўзи ёзган деб даъво қилиниб келган Беш китобни аслида икки автор ёзганлиги ва икки таркибий қисмга ажратиш мумкинлигини аниқлаган. Авторларнинг бири ўз қўл ёзмасида худони Яҳва деб, иккинчиси эса Илоҳим деб атаганлари учун шартли равишда бирини яҳвачи, иккинчисини илоҳичи деб атайдилар. Кейинчалик Беш китобнинг яна бир қанча (майда-чуйда иловаларини ҳисобламаганда асосий тўртта) таркибий қисмини аниқлашга муваффақ бўлинди. Бу жиҳатдан немис олими Ю. Вельгаузен олдинга қараб катта қадам қўйди.

Библияни текширувчи совет тадқиқотчилари асосий эътиборни ижтимоий-иқтисодий томонларга бериб, Библия китобларидан экономикага ва синфий кураш тарихига доир ғоят муҳим материаллар топиб олдилар. Қадимги Фаластин ва Суриядаги феодал тузуми билан қулдорлик тузуми тарафдорлари ўртасида тортишувлар ҳам бўлиб ўтди. Бунда Н. М. Никольский А. Б. Ранович, И. Д. Амусинларнинг тадқиқотларини алоҳида қайд қилиб ўтиш керак.

Фаластин, Финикия ва Сурия тарихига доир Библиядан бошқа ёзма манбалардан бизгача етиб келгани озгинадир. Антик дунё авторлари (грек Геродот, римлик Катта Плиний ва бошқалар) диққатга сазовор маълумотлар беради. Баъзи финикияликлар асарлари бизга грекча таржималар орқали ёки мазмунлари ҳикоя қилиб берилган асарлар орқали келиб етган (Тир шаҳри йилномаларидан парчалар, қадимги финикиялик донишманд Санхуниатон тўплаган афсоналар шулар жумласидандир). Эрамизнинг I асрида яшаган яҳудий тарихчиси Юсуф Флавий грек тилида «Яҳудийларнинг қадимги ёдгорликлари»ни ва Фаластиннинг ўтмишига бағишланган бошқа асарлар ёзган.

Фаластинда, шунингдек, Сурия билан Финикияда қадимги ёзувлар Миср ва Иккидарё оралиғидагидан кўра хийла кам топилган. Шу билан бирга топилганлари ҳам биргина нусхада ва қисқа ёзувлардир. Улар ойлارнинг номи ёзилган рўйхат, Қуддусда водопровод қурилиши (эрамиздан аввалги VIII аср), подшоларнинг тантана ёзувлари ва ҳоказолардир.

Асримизнинг 20 йилларида Оронт дарёси этагидан жанубда Угарит харобаларидан архив топилди, бу шаҳар эрамиздан аввалги III минг йилликда барпо қилиниб, II минг йилликнинг биринчи ярмида равақ топгандир.

Археологлар бундан бошқа яна кўпгина шаҳарларнинг харобаларини топдилар. Фиръавн Тутмос III жуда кўп куч сарфлаб ишғол қилган ғоят зўр Магиддо қалъасини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Фаластиннинг яна бир катта маркази Иерихонни қазिश натижасида эраמידан аввалги VII аср (илк неолит) дан бошлаб турли даврларга мансуб қатламлар очилган.

Финикия шаҳарларидан айниқса пухта ўрганилгани Библ шаҳридир. У Угаритдан Миср билан маҳкам алоқада бўлганлиги билан фарқ қилади.

**2. Табиий шароитлари.** Сурия билан Фаластин тоғли мамлакатлардир. Уларда катта дарёлар йўқ. Фақат Фротнинг ўрта оқимигина Суриянинг шарқ томонидаги бир оз еридан оқиб ўтади.

Ўрта денгизга кичикроқ Оронт дарёси ва бир неча майда сой ва йилғалар қуйилади. Фаластинни шимолдан жанубгача кесиб ўтган ва Тавротда, айниқса Иижилдаги қиссаларда мақталган Иордан дарёси сугориш ва кемачилик учун унчалик аҳамияти йўқдир. Ёзда бу дарёнинг суви жуда камайиб, баъзи жойларидан бемалол кечиб ўтиш мумкин бўлади, қишки ёмғирлар давридагина унинг суви айтарли кўпаяди.

Иордан Улик денгизга қуйилади. Аслида бу денгиз ҳам эмас, суви оқмайдиган ниҳоятда шўр кўлки, унга тушган балиқ ҳам яшамай ўлади. Сурия билан Фаластиннинг анча қисмини тоғ тизмалари (Ливан, Антиливан, Қармол ва бошқалар) кесиб ўтади. Тоғлар орасидаги водийларда деҳқончиликка боп унумдор ер майдонлари бор. Богдорчилик (узум, анжир, зайтун, олма ва бошқа шу каби мевалар етиштириш) учун бу ерларнинг шароити айниқса қулайдир. Унда ғаллачилик ҳам (арпа, буғдой) тараққий қилган. Катта-катта ўрмонлар ҳам бўлган (ҳозир улар тамомила деярли кесиб ташланган).

Қургўқчилик бу ерларга кўп фалокатлар келтирган. Гарчи кўп жойларда ерларни сугориб экишга ҳаракат қилинган бўлсада, дарёлар кичик ва кам сув бўлганлигидан бу уринишлар натижа бермаган. Миср ва Икки дарё оралиғидаги каби ягона сугориш системаси тўғрисида сўз ҳам бўлиши мумкин эмас. Ёғин кам бўлган йиллари очарчилик бўлган.

Иқлимнинг қуруқлиги кучайиб бориши Сурия чўлида (ҳозирги вақтда бу чўл қақраган саҳрога айланган), шунингдек, Фаластиннинг жанубида ва Фаластинга ёндош Синай ярим оролида айниқса қаттиқ сезилган. Бундаги аҳоли асосан майда чорвачилик (қўй, эчки боқиб), кейинчалик туячилик билан шуғулланган.

**3. Аҳоли.** Сурия билан Фаластин Дажла ва Фрот ҳавзасидан Нил водийсига борадиган ҳамда Арабистон чўли, саҳроларидан Ўрта денгиз гаванларига ва Кичик Осиёнинг тизма тоғларига борадиган йўллар устида жойлашганлигидан, шубҳасиз маълумки, бунда карвон йўллари кесишган ва, демак, хилма-хил халқлар, қабилалар бир-бирлари билан учрашган ва аралашгандир.

Шунинг учун ҳам Сурия ва Фаластин аҳолисининг этник состави жуда ҳам турли-туман бўлишига таажжубланишга ўрин

йўқ. Эрамиздан аввалги III минг йилликдаёқ, агар ундан ҳам олдинроқ булмаса, бунда ханаанийлар<sup>1</sup> деб умумий ном олган ғарбий семит қабилалари кўпчиликни ташкил этган ва Миср чегараларидан тортиб Оронт ҳавзасигача бўлган бутун мамлакат уша қабилалар номи билан ханаанлар мамлакати деб аталган.

Лекин бу аҳолини азалдан шу жойда ўтириб қолган дейишга ҳеч қандай асос йўқ. Библияда кейинчалик йўқ бўлиб кетган ибтидоий қабилалар туғрисида бир қанча хира маълумотлар бор. Бу баёнларда эртақларга хос тафсилотлар кўп. Бу ерларда истиқомат қилган энг қадимги одамлар гоҳ баҳайбат полвонлар қилиб, гоҳ «жавроқилар», гоҳ ҳатто мурдалар руҳи (рефаим) қилиб тасвир этилган. Баъзан уларни ҳақиқатга яқин «ғорда яшовчи одамлар» деб аталган. Уларнинг ҳаммаси яҳудийларга ва ханаанийларга, яъни кейингироқ семит аҳолисига тамомила қарама-қарши қўйилган. Бу тафовут археология топилмаклари билан ҳам тасдиқланади. Қазиб топилган гавда суякларини ўрганиш жараёнида уларда ўзларига хос антропологик хислатлар борлиги кўзга ташланади, бундан ташқари семитларга мутлақо ўхшамайдиган неолит даври кишиларининг суяклари ҳам сақланган. Семит қабилалари Фаластин билан Сурияга Арабистон ярим оролидан келиб, бундан шарққа қараб Месопотамияга силжиб борганлар. Шимолдан уларга хуррит қабилалари, кейинчалик хеттлар келиб қўшилганлар. Баъзи маълумотларга кўра хеттлар гиксослар истилоси вақтида жанубий Фаластиндаги Хеброн шаҳригача етиб келган, библия эса уларни бу ерга маҳкам жойлашиб, ўтроқ бўлиб олган аҳоли деб таърифлайди.

Эрамиздан аввалги XIII—XII асрларда Кичик Осиёдан анча кейинроқ ёпирилиб келганлар «денгиз халқлари»дир<sup>2</sup>. Бу этник қураманинг пуштаридан бири фаластинликлар Ўрта денгизнинг шарқий соҳилидаги қирғоқ бўйидаги жойларга, финикияликлардан жануброқда ўрнашиб қолган ва улар ўз тили, маданиятини узоқ вақтларгача сақлаб келган.

Археологлар Фаластин билан Сурияда асбоб, қурул-яроғ ва рўзгор буюмлари ҳар даврда ҳар хил ўзгариб борганлигига қараб, иқтисодий тараққиётнинг жуда хилма-хил босқичга эга бўлганлигини аниқламоқдалар. Шимолий Фаластинда палеолит манзиллари ва неандерталнинг суяклари топилган. Жанубий Фаластинда палеолит билан неолит ўртасидаги оралиқ — мезолит босқичи (ўрта тош даври) бўлганлиги кузатилмоқда. Бу босқичнинг ўзига хос хусусияти шуки, унда ўткир тош парчалари қадамага (хусусан ўроқ қадамасига) ишлатилган. Энди овчиликдан

<sup>1</sup> Эрамиздан аввалги III ва II минг йилликларда Фаластин ва Сурия чўллари орқали Икки дарё оралиғига бостириб кирган аморийлар, маъбуд фарчи маълумотларга кўра, ханаанийларнинг бир пушти бўлган.

<sup>2</sup> Уларга мисрликлар шундай ном берган, чунки улар Фаластин ва Мисрда денгиз йўли билан келганлар. Зотан мисрликлар Кичик Осиёнинг ғарбий чеккасини орол деб билган бўлишлари ҳам мумкин.



деҳқончиликка ўтилаётганлиги сезилади (ҳар ҳолда донлар мунтазам суратда ўрилади, аввал бошда ёввойи ўсадиган донли экинларни, кейинроқ, эҳтимол экилган донларни ўрганлар).

Эрамиздан аввалги VII минг йилликдан IV минг йилликкача бўлган Сурия, Фаластин ва Финикия ерларининг ҳамма жойида неолит манзиллари топилди. Бу — деҳқончилик анчагина тараққий қилган давр бўлган.

Энеолитнинг сўнгги даврида (мис-тош даврида) деворлар билан қуршаб олинган шаҳарлар пайдо бўлган. Тасвирий санъат жуда юксалган. Запорданъеда деворга чизилган расмлар айниқса ажойибдир. (Бу расмлар у ерда аҳолининг қуёшга сиғинганлигидан гувоҳлик беради), бунда қуёш саккизта нур чизиги билан тасвирланган.

**4. Шаҳар-давлатлар.** Сурия билан Фаластиннинг муҳим бир хислати шундаки, унда катта давлатлар бўлмаган. Бунда жуда кўп ва тамоман мустақил шаҳар — давлатлар ташкил топган. Уларнинг кўпини подшолар идора қилган, аммо улар Миср фиръавилари ёки Шумер ва Аккад подшолари сингари мустабид ҳокимиятга эришишни ҳаёларига ҳам келтира олмаганлар.

Ундаги подшоларнинг ҳокимиятини қўлдор зодагонлар чеклаб қўйганлар. Ҳар бир давлатнинг территорияси шаҳар ва унинг атрофидаги қишлоқлар билан чегараланган. Камдан-кам ҳоллардагина бир неча шаҳар бирлашиб етакчи роль ўйнашни даъво қилувчи давлат барпо қилган, аммо бирини биридан тоғлар ажратиб турган, ягона суви йўли бўлмаган ва шу билан Миср ҳамда Икки дарё оралиғидан фарқ қилиб бу мамлакатда давлатларнинг бирлашишини амалга ошириш мумкин бўлмаган.

Эрамиздан аввалги II минг йилликда Угарит айниқса юксалган. У Урта денгиз қирғоқларида кичикроқ бўлса-да унумдор текисликка жойлашган бўлган. Угарит архивидаги ҳужжатларда қишлоқ ҳўжалиги тўғрисида кўп гапирилганлиги бежиз эмас. Угаритдаги иқтисодий тараққиёт муҳим ижтимоий силжишларга олиб келган. Қишлоқ жамоаси хийла бузилган. Чек ерлар сотилавериш шахсий мулкдорлар қўлида тупланган.

Ижтимоий табақаланиш процесси ташқи савдонинг ривожига анча ёрдам қилган.

Угарит Олд Осиёнинг бошқа марказларидан олдин мисга бой Кипр билан доимий алоқа ўрнатган. Кейинчалик эса Крит — Микен дунёси билан ҳам алоқа боғлаган. Бунда ҳат-



Фаластинлик

то Микеннинг савдо факторияси топилган. Эгей денгизи ва Кичик Осиё моллари (хусусан металл буюмлар) Мари ва Бобилга Угарит орқали олиб борилган, Мари, Бобилдан эса Икки дарё оралигининг моллари келтирилган. Угаритда миҳхат алифбесининг барпо қилинганлиги тасодифий ҳол эмас. Унга асос қилиб Бобил алифбоси олинган, аммо у хийла ўзгартирилган ва соддалаштирилган. Юзлаб миҳхат аломатлари (ҳарфлари)дан 29 таси танлаб олинган. Аксинча, жануброқдаги Финикия маркази Библда Миср таъсири кучли бўлган, эрамиздан аввалги II минг йилликда эса вақт-вақти билан Мисрнинг ҳатто сиёсий ҳукмронлиги ҳам ўрнатилган. Бунда мисрликларнинг иероглиф ёзувлари ва Миср рассомларининг асарлари топилган.

Шу нарса қизиқки, Финикия шимолидаги Угарит билан унинг жанубидаги Библ ўртасида сиёсий бирлик бўлганлиги кўринмайди. Яна қизиқроғи шундан иборатки, униси ҳам, буниси ҳам мамлакат ичкарасига қараб ўз мулкларини кенгайтирмаганлар.

Суриянинг қуруқ қисмида (Оронт дарёсининг шарқида) эрамиздан аввалги II минг йиллик бошида Халпа шаҳри кучли бўлган. Эрамиздан аввалги II минг йиллик ўрталарига келиб Халпа заифлашиб, хеттлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган. Сунгра Қадеш шаҳри (Оронтнинг юқорисида) Суриянинг сиёсий марказига айланган. У бир замонлар гиксосларнинг бепоён федерациясининг пойтахти бўлган бўлиши мумкин. Гиксослар Мисрдан ҳайдаб юборилгандан кейин Сурия ва Фаластиннинг тарқоқ подшоларини XVIII сулола фиръавнларига қарши курашга худди ўша Қадеш бирлаштиргану, лекин натижа чиқмаган.

Шундай қилиб, Сурияни қисман бўлса-да бирлаштириш йўлидаги уринишлар пуч бўлиб чиққан. Эрамиздан аввалги XIV асрда Угарит ҳам, Халпа ҳам, Қадеш ҳам хеттлар ҳукмронлиги остига тушиб қолган (эрамиздан аввалги тахминан 1400 йилларда Угарит ҳатто вайрон қилинган).

Аммо II минг йилликнинг иккинчи ярмида жанубий Финикия шаҳарлари юксалиб борган. Миср билан Хетт подшолиги ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланиб мустақил бўлиб олган. Жанубий Финикияда Библ билан бирга Сидон ва Тирнинг ҳам роли ошиб борган. Тушқунликка дучор бўлган Угаритнинг Эгей денгизига борадиган савдо йўллари ана шу шаҳарлар қўлига ўтган.

Авалло Сидон олдинга чиқиб олган. Гомер дostonларида финикияликларнинг сидонликлар деб аталиши бежиз эмас. Лекин Сидон эрамиздан аввалги 1200 йиллар атрофида «денгиз халқлари»нинг истилосидан қаттиқ зарар кўрган, шундан кейин асосий мавқе Тир шаҳрига ўтиб, бир неча аср давомида у устун бўлиб келган.

Ўрта денгиз қирғоғида жойлашган Финикия шаҳарлари бир гомондан Осиё мамлакатлари ва иккинчи томондан Жанубий Европа ва Африка мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқни секин-аста ўз қўлларига олганлар. Улар савдо йўлларининг ғарб ва жанубга кўчганлигидан фойдаланганлар. Улар дастлабки

вақтларда Мисрни қурилиш ёғочи, қуритилган балиқ, вино ва зайтун мойи билан таъмин этган бўлсалар, кейин бориб ҳунаркасб буюмлари асосий савдо молларини ташкил этган.

Кипрдан мис, Кичик Осиёдан кумуш ва қўрғошин (кейинчалик темир), Мисрдан олтин олиб келтирган Финикия усталари шу металллардан буюмлар ишлашда катта муваффақиятларга эришганлар. Финикияликларнинг заргарлик буюмларига греклар, яҳудийлар ва мисрликлар юксак баҳо берганлар.

Финикия усталари ишлаган шиша буюмлар ҳам жуда чаққон сотилган. Тўғри, улар дастлаб бу ҳунарни мисрликлар ва бобилликлардан ўрганган, ammo ҳунарнинг бу соҳаси айни Финикияда ажойиб раванқ топган. Антик дунё авторлари шишани финикияликлар ихтиро қилган деб қатъий ишонганлар. Шунинг ўзи ҳам бу ҳунарнинг Финикияда нақадар юксак камол топганлигини кўрсатади.

Буёқчилик иши ҳам Финикияда мисли кўрилмаган даражада ривожланган, айниқса газмолларни қирмизи рангга бўяшда финикияликларга бас келадигани бўлмаган. Тажрибакор гаввослар денгиз тагидан қимматбаҳо қирмизи чиғаноқлар олиб чиқиш учун жон тикиб таваккал денгизга шўнғиганлар. Чиғаноқдаги ҳар бир моллюскадан бир томчи қимматбаҳо суюқлик сиқиб олинган, шу билан кийимларни қирмизи рангнинг ҳар хил тусига бўяганлар. Моллюска бўёғи билан бўялган кийимларнинг ранги ювилганда ҳам ўчмаган.

Библ, Сидон ва Тир верфларида эшкакли катта-катта кемалар қурилган. Эшкакчилар одатда қуллардан бўлган, улар курсиларга кишанлаб қўйилган. Кема ҳалокатга учраганда аввало ўша қуллар тўлқинга ем бўлган.

Финикия савдогарлари ва устахона эгалари қадим замонда умуман шафқатсиз, ниҳоятда золим қулдорлар сифатида ёмон ном чиқарганлар. Қулларни қора ишчи, юк ташувчи, эшкакчи қилиб фойдаланиш билангина чекланмай, қисман уларни чет мамлакатларга олиб бориб сотганлар. Библия авторлари ва Гомер финикиялик қулфурушларнинг йиртқичликларидан шикоят қиладилар. «Одиссея»да улар қўлига тушган Эвмейнинг азоб-уқубатли тарихи баён қилинган. Финикия савдо кемаси грекларнинг Сиру оролига келиб тўхтагач, маҳаллий бошлиқ (басилево)нинг хотини чет эл савдогарлари келтирган қимматбаҳо буюмлар сотиб олишга шу қадар берилиб кетганки, ҳатто ўғли Эвмейнинг йўқ бўлиб қолганлигини сезмайди. Финикияликлар Эвмейни алдаб ўз кемаларига олиб кирадилар, кейин уни бошқа орол (Итака) га юбориб қул қилиб сотадилар. Шундай қилиб, бахтсиз Эвмей олий мансабдор оиладан чиққан бўлса-да, финикиялик қулфурушларнинг разиллиги туфайли чўчкабоқар бўлиб кетади.

Ливан тоғ тизмалари денгиз томон сиқиб қўйган тор Финикия соҳилида деҳқонларга боп жойлар кам бўлган. Поғона-поғона бўлиб денгиз бўйига тушган террасаларда боғлар, тоқзор-

лар бунёд қилинган, баъзи жойларга дон экилган. Лекин ўзла-рининг ғаллалари ўзларини таъмин этмаган, уни чет мамлакат-лардан олиб келганлар.

Финикияда сиёсий бирлик бўлмаган. Финикия халқининг ўз номи бўлмаганлиги ҳам характерлидир. Ҳар бир шаҳар аҳоли-си ўзларини шу шаҳар номи билан атаганлар. «Финикиялик» сўзи мисрликларнинг этник термини<sup>1</sup> бўлиб, уни греклар қайта ишлаганлар. Ҳар бир шаҳарнинг ўз подшоси бўлган, у зодагон-лар кенгаши ва халқ мажлисига қарам бўлган. Библ подшола-ридан бири ўз халқимдан қўрқаман, деб очиқдан-очиқ ши-коят қилган<sup>2</sup>.

Аммо кейинчалик оддий финикиялик граждaнларнинг роли пасайиб борган. Хонавайрон бўлган ҳамшаҳарларининг ғалаён қилишларидан қўрқиб, уларни денгиз орқасидаги колониялари-га жунатганлар, шу билан бирга қуллардан ҳам қўрққанлар (қуллар кутарган катта қўзғолон туғрисида жуда ноаниқ ривоят сақланиб қолган, аммо бу ривоятда қўзғолоннинг қачон бўлган-лиги кўрсатилмаган). Ҳар ҳолда майда-чуйда Финикия шаҳар-давлатлари ичида вазият тинч бўлмаган. Бу давлатлардан бит-тасининг ҳам бутун мамлакатни бирлаштиришга қурби етмаган, (гарчи бунга баъзилари уриниб кўрган бўлсалар-да.)

Эрамиздан аввалги II минг йиллик охириларида Тир шаҳри кучайган. Ташқи душманлар шу шаҳарга яқин келолмаган, шу жиҳатдан у бошқалардан кўра устун турган. Шаҳарнинг асосий



Финикия колонналари

<sup>1</sup> Қандайдир англашилмовчилик билан греклар «Фенеху» сўзини «қивил» («фойнекс») деб талқин қилганлар.

<sup>2</sup> Телал—Амарна (подшо Рибадди) архивидаги хатлардан бири.

қисми (Янги Тир) қояли оролчада жойлашган бўлиб, хавф туғилган тақдирда шаҳарнинг қуруқлик қисмида (Эски Тирда) яшовчи аҳоли ўзининг бисоти билан ўша оролга кучиб бекиниши мумкин бўлган.

Эрамиздан аввалги X—IX асарларда Тир айниқса равнақ топган. Бу вақтда бутун жанубий Финикия (Сидон билан Библ ҳам) Тирга бўйсунган. Тир подшоларидан энг машҳури подшо Хиром (эрамиздан аввалги 969—936 йиллар) Кипр ороли ва шимолий Африкага ҳарбий денгиз экспедицияси уюштириб юборган. Яна у Исроил — яҳудий подшоси Сулаймон билан бирликда унга қарашли Акаб қўлтиғидаги гавандан фойдаланиб олис Офир мамлакатига (жанубий Арабистон бўлса керак) олтин, фил суяги, сандал дарахти ва бошқа шу каби қимматбаҳо моллар олиб келиш учун экспедиция тузиб юборган. Лекин кейинчалик Сидон билан Тир ўртасида яна рақобат бошланган, демак, жанубий Финикия бирлиги мустаҳкам бўлмаган.

Финикия шаҳарлари гоҳ Осурия, гоҳ Миср, гоҳ Бобил ва гоҳ Эрон ҳукмронлиги остига турган, кейинчалик эса эллин давлатлари, сўнгра Рим давлатлари составига кирган. Лекин бу шаҳарлар ўзларининг ички автономияларини сақлаб қолган ва уларни ўзларининг подшолари идора қилган.

Эрамиздан аввалги I минг йилликдан олдин бошланган Финикия колонизацияси ўша минг йилликда кенг ривож топган. Аввало Финикия савдо факториялари Кипрда ва Эгей денгиз ҳавзасида пайдо бўлган, кейин эса асосан Ўрта денгиз ғарбида тузиладиган бўлган. Сицилия, Сардиния, Мальта, Балкар оролларида, ва ниҳоят, Галлия, Шимолий Африка ва Испания соҳилларида анча муҳим Финикия шаҳарлари вужудга келган. Испаниядан Финикияга гоҳат кўп миқдорда кумуш, шунингдек, транзит йўли билан Британиянинг қалайи, Балтика денгизи қирғоқларидаги қаҳрабо жўнатилган.

Финикияликлар жанубнинг энг ичкарисигача кириб борганлар. Миср фиръавни Нехао (эрамиздан аввалги 600 йиллар атрофида) Африка атрофини айланиб чиқиш учун сайёҳлар танишда Мисрдан Қизил денгиз бўйлаб сузиб, уч йилдан кейин Ўрта денгизнинг ғарбидан қайтиб келган финикияликларга мурожаат қилган.

Аmmo шуни эслатиб ўтиш керакки, денгиз орқасидаги олис ерлар ўзлаштирилган бўлса-да, ҳар сафар ва ҳамма жойда Финикия ҳукмронлигини ўрнатиш насиб бўлмаган. Финикия шаҳарларининг колониялари Финикия билан дўстона муносабатда бўлсалар-да, метрополияда мустақил яшаганлар.

Тирнинг энг катта колонияси бўлмиш Карфаген Ўрта денгиз ғарбининг анча қисмини бирлаштирган давлатнинг марказига айланган ва қудрати метрополия қудратидан жуда ошиб кетган.

**5. Финикия дини.** Финикияликлар динининг ўзига хос хислатлари бўлган. Бунда Миср ёки Икки дарё оралиғидаги каби муҳташам мақбаралар, даҳмалар бўлмаган. Ҳар бир шаҳарнинг

маҳаллий самовий худоси бўлган. Одатда унга берилган белги-ном хусусий номга айланган: Ваал («ҳукмдор»), Мелькарт («шаҳар подшоси»), Эл («худо»). Бундай худонинг хотини одатда Астарта (аккадларнинг Иштарига монанд) деб атаганлар ва ой маъбудаси ҳисоблаб унга сиғинганлар.

Финикияликлар яратган афсоналардан Ваал ёки Адонис (иккиси ҳам «ҳукмдор» дегани) деб белги-ном билан аталган ёш ва гўзал худо тўғрисидаги афсонани алоҳида айтиб ўтиш керак. Угаритдаги энг муфассал ривоятга кўра Ваални ўлим худоси Мот ўлдирди. Ваалнинг илоҳий умр ўртоғи Анат эри учун Мотдан шафқатсиз ўч олади. Сўнгра ёш худо мисрликларнинг Осириси ва бобилликларнинг Таммузига ўхшаб тирилади.

Қаҳрамонларнинг жасурликлари тўғрисида дostonлар ҳам тўқилган (масалан, Керетнинг юришлари тўғрисида угаритлар достони).

Финикияликлар дини кишиларни қурбон қилишдек мудҳиш хусусиятга эга. Кишиларни қурбон қилиш бошқа мамлакатларда аллақачонлар йўқ қилинган бўлса-да, Финикияда ва у билан боғлиқ Карфагенда жуда узоқ вақтлар сақланиб келган. Эрамиздан аввалги III асрда ҳам Карфагенда худо Молох санами олдида болаларни гулханга ташлаб куйдирилгани қайд қилинган.

**6. Финикия маданияти.** Географик кашфиётлар ва айниқса алифбонинг ихтиро қилиниши Финикия халқининг жаҳон маданияти хазинасига қўшган ижобий ҳиссасидир. Алифбо тузиш юзасидан Угаритда қилинган биринчи уринишга эътибор бўлмаганлигидан бу иш натижасиз қолиб кетган, ammo эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охирида тузилган янги алифбо бутун дунёга тарқалиб кетган. Бу алифбога асос қилиб шакли ўзгартирилган Миср иероглифлари олинган деб фараз қилинади<sup>1</sup>.

Финикия алифбосини тузувчилар атиги 22 та ҳарф (бунинг устига ҳаммасини ҳам ундош ҳарф) тузиш билан чегараланганлар Бошқа семит халқлари — яҳудийлар, сўнгра эса арамейлар ўз алифболарини финикияликлардан кўчирма қилиб олганлар. Улар тузган алифболарини (бир қадар ўзгартириб) шарқдаги олис мамлакатларга, Ҳиндистон ва Марказий Осиёгача тарқатганлар. Ғарбда Финикия алифбосини греклар қабул қилиб, баъзи аломатларни унли қилганлар, хатнинг йўналишини ўзгартирганлар (ўнгдан чапга қараб ёзган финикияликлардан-яҳудийлардан фарқ қилиб, чапдан ўнгга қараб ёзадиган бўлганлар). Греклар олган ҳарфларнинг кўпида финикияликлар берган номлар (масалан, грекларнинг «альфа»си финикияликларнинг «алиф»ига, «бик», «бета»си финикияликларнинг «бет», «дом»ига тўғри келади ва ҳоказо. Бу алифбо греклардан (яна ўзгартирилиб), Европанинг бошқа халқларига ўтган.

Тасвирий санъат соҳасида финикияликлар ниҳоятда уста тақлидчи бўлганлар, улар Миср, Бобил, Хетт ва кейинроқ грек

<sup>1</sup> Финикияликлар алифбоси критларнинг чизиқли ёзувларидан келиб чиққан деган тахмин ҳам бор. Бу масала ҳали баҳслидир.

расмларининг сюжет ва услублари асосида ўз асарларини яратганлар.

**7. Фаластин.** Фишикия иқтисодий ва маданий жиҳатидан қўшниси Фаластин билан маҳкам боғланган бўлган. Фаластин Фишикияни қишлоқ хўжалик маҳсулотлари (бугдой, зайтуни мойи ва бошқалар) билан таъмин қилган, Фаластин эса бунинг эвазига Фишикиядан ҳунармандлар ишлаб чиқарган буюмлар ва синкрет санъат асарларини олганлар.

Юқорида айтилганидек, Фаластинда яшовчи аҳолининг асосий оммаси энеолит давридан бошлаб ғарбий семит гуруҳига — ханаанларга мансуб бўлганлар, аморитлар эса ўшаларнинг пуштидир.

Эраמידан аввалги II минг йилликда халқларнинг янги кучиши содир бўлган. Жануби-шарқдан хабиру қабиласи ёпирилиб келган. Бу қабил аъзининг келиб чиқиши ва тили билан ханаанларга яқин бўлса-да, кўчманчи бўлиб ҳаёт кечиришлари билан улардан фарқ қилган. Утроқ аҳоли бу урушқоқ қабилаларга ишонмай, уларни душман кўрган, «пай кесарлар» деб атаган. Мисрнинг ислохотчи фиръавни Эхнатон замонида мансуб Телал-Амарна архивидан топилган бир қанча хатларда Миср давлатининг Осиёдаги мулкларига хавф туғдирган хабиру қабиласининг бостириб келаётганидан хатарли дарак берилган.

Эраמידан аввалги XIII асрда хабирулар ичидан иккита қабилалар иттифоқи — бани исроиллар ва яҳудийлар иттифоқи ажралиб чиққан ва кейинчалик улар Фаластин тарихида муҳим роль ўйнай бошлаган. Библия аънаналарига қараганда (ундаги афсонавий тафсиллардан тозалаганда асосан тўғри аънаналар) исроил ва яҳудий қабилалари авваллари ўзларининг подалари билан Синай саҳроларида кўчманчилик қилганлар. Баъзан улар Мисрда ҳам келиб кирганлар. Бани исроилнинг мўъжизакор Мусо пайғамбар бошчилигида Мисрдан ажойиб бир тарзда чиқиб кетганликлари тўғрисидаги афсона исроил-яҳудий қабилаларининг вақтинча Мисрда кўчиб келганликлари фактини инкор қилмайди, уларнинг бу ерга келиши у даврнинг тарихий вазиятига жуда мос келади.

Мусонинг қонулар тўплами тузиб уни худо Яҳва номидан ўз халқига гўё тортиқ қилгани тўғрисидаги аънана ҳозирги замон



Худо Молох

## ҲАРФЛАР НАМУНАСИ ҒАРБ АЛФАВИТЛАРИ

Қадимги фин ҳарфлари		Қадимги грек ҳарфлари		Латин ҳарфлари	
	Талаффузи «а»		Талаффузи «а»	A	Талаффузи «а»
	«б»		«б»	B	«б»
	«г»		«г»	C	«к», «г»
	«д»		«д»	D	«д»
	Нафас ҳарф		Қисқа «э»	E	«э»
	«в»		«в» «у»	F	«ф»
	«з»		«з» «з»	Z	«з»
	«х»		Уzun «э»	H	Нафас ҳарф

Финикия, грек ва латин алфавитларининг солиштирма жадвали

фанида катта шубҳа туғдиради. Беш китобга киритилган бу қонунлар кейинроқ пайдо бўлган ва уларнинг кучманчи қабила-лар ичида бунёд бўлиши сира ақлга сиғмайди. У қонунларда шаҳарлар ва шаҳар ҳаёти, ривож топган савдо, судхўрлик, асир-ларни қул қилиш ва ҳатто қарздорларни қул қилиш, ниҳоят, подшо ҳокимияти тилга олинган, аммо аниқ маълумки, яҳудий-ларнинг подшо ҳокимияти эрамиздан аввалги II минг йиллик билан I минг йиллик чегараларидагина ташкил топган. Шунинг учун ҳам библия танқидчилари бу қонунлар эрамиздан аввалги IX—VI асрлар давомида секин-аста ишлаб чиқилган, деган ху-лосага келди. Бу қонунларнинг обрўсини баланд қилиш мақса-дида, ҳар қандай эҳтимолликларга қарамасдан, уларнинг тузи-лишини узоқ афсонавий замонларга кўчирганлар.

Ҳар қолда бани исроил ва яҳудийлар бир қанча вақт Синай саҳроларида яшаганлар, кейин улар Фаластинга келганлар ва эрамиздан аввалги XII асрда мамлакатнинг хийла қисмини



эгаллаганлар, ammo мустаҳкамланган шаҳарларни (масалан, Қуддус и), Кичик Осиёдан келган, сони оз бўлсада, урушқоқ филистимлар қўлларида маҳкам сақлаб турган Урта денгиз қирғоқларидаги тор минтақани эгаллай олмаганлар. Филистимлар айниқса хавфли қўшни бўлганлар. Улар ўз қўшниларидадан олдин темирни, хусусан темирдан ясалган қуроолларни кенг қўламда ишлата бошлаганлар. Буни библиядаги баёнлар ва археология қазилмалари ҳам тасдиқлайди. Афсуски, биз бу кичик халқнинг маданияти тўғрисида оз нарса биламиз, чунки ҳозиргача уларнинг ёзма ёдгорликлари топилган эмас, уларнинг семит тилларидан, шубҳасиз, фарқ қилган тили ҳам номаълум бўлиб келмоқда.

Бани исроиллар Фаластиннинг кўпчилик қисмини истило қилганларидан кейин, мамлакатнинг деҳқончилик ва боғдорчилик асосий ўрин эгаллаган шимолий томонини ишғол қилганлар, яҳудийлар эса ўтроқ чорвачилик (айниқса қўйчилик) муҳим ўрин тутган жанубда мустаҳкамланиб олганлар. Маҳаллий ханаан аҳолиси қисман (масалан, Иерихон қалъасидаги аҳолининг кўп қисми) қириб ташланган. Лекин кўп жойларда истилочилар бўйсундирилган аҳоли билан ёнма-ён жойлашганлар, улар билан аралашиб кетганлар ва ўтроқ бўлиб қолганлар.

8. Уруғдошлик тузумининг бузилиши. Эрамиздан аввалги XI асргача бани исроил ва яҳудийлар уруғ-қабилла тузумида яшаб келганлар. Сайлаб қўйилган йўлбошчилар (қозилар) уруш вақтида қабилла лашкарларига бош бўлганлар, тинч даврда эса баланд дарахт тагида (ёки шаҳар дарвозаси олдида, ҳар қалай, адбатта очиқ ҳавода) қабиладошларини суд қилганлар, жазо берганлар, улар шикоят ва даъволарини текшириб оғиздан оғизга ўтиб келган одат қоидаларига амал қилиб жиноятчилар устидан ҳукм чиқарганлар.

Библиянинг таркибий қисмларидан бири бўлган «Дебора қўшиғи» бу даврни жуда яхши тасвирлайди. Бу қўшиқнинг қаҳрамони йўлбошчи аёл Дебора бир қанча исроил қабиласини ханаанлар саркардаси Сисарга қарши бирлаштириб, унга қақшатғич зарба беради. Шу нарса ибратлики, Дебора зўрлик ишлатмайди, ишонтириш йўли билан иш кўради. Бани исроил қабилаларининг баъзилари унинг чақириғига жавобан «хў!» деса, бошқалари «йўқ!» дейди, гарчи бош тортганларни қаттиқ койишса ҳам, ўша койиш билан чегараланиб қолишган, холос.

Филистимларга қарши курашни уюштирган исроил полвони Самсон тўғрисидаги эртақлар цикли ҳам ажойибдир. Уни ақл бовар қилмайдиган қаҳрамонликлар кўрсатган деб тасвирланган. Масалан, у қўлининг ўзи билан асрлонни бўғиб ўлдиради, бир тўда филистимни эшакнинг жағи билан калтаклайди, филистимларнинг Гази шаҳри дарвозасини елкасига кўтариб, ўзи билан олиб кетади ва ҳ. к. Пировард натижада Самсон гўзал Далиланинг макридан ҳалок бўлади, Далила унинг ажойиб кучининг сири сочида эканини пайқаб, Самсон ухлаб ётганида

сочини қирқиб олиб филистимларга топширади, филстимлар эса полвонни кўр қилишади ва қулларга хос оғир ишларни ба-жаришга (қўл тегирмонида ун қилишга) мажбур этишади. Ам-мо кейинчалик Самсоннинг сочи яна ўсиб, кучи тикланади. Байрам тантанаси пайтида Самсонни ибодатхонага олиб кели-шади, у қўш устунга суянганда устунлар қулаб тушади, ўшанда душманлар билан бирга вайрона тагида қолиб ҳалок бў-лади.

Эртакларга хос бу тафсилотлар, ақлга сиғмайдиган, қуёш афсонаси даражасигача кўтарилган<sup>1</sup> фантастик муболағалар филистимлар билан бўлган реал курашнинг эҳтимол экс этиши-дир, негаки, филистимларга қарши яҳудий қабилалари олиб бор-ган кураш улар учун ниҳоятда оғир бўлган. Эртақда Самсондай зур, ажойиб полвонни бу курашда ҳалок бўлган қилиб кўрсати-лиши тасодифий ҳол эмас. Филистимлар ҳарбий техникада ус-тун бўлганлар (улар жанг араваларини ишлатганлар, бани исроил билан яҳудийларга эса жанг аравалар шунгача ҳеч ҳам маълум бўлмаган, бундан ташқари филистимлар темир қурол-ларни ҳам кўп ишлатганлар).

**9. Давлатнинг вужудга келиши.** Мустақилликдан тамомила маҳрум бўлиш хавфи мамлакатни бирлаштириш процессини тезлаштирган. Бани исроил ва яҳудийларнинг тарқоқ қабилалари филистимларга қарши курашиш учун бирлаша бошла-ганлар ва эрамиздан аввалги XI аср охирида тажрибали лашкарбоши Саул Исроил-Яҳудий давлатининг подшоси қилиб сайланган. Лекин уруғ-қабилла анъаналари ҳали йўқолмаган ва биринчи подшо кўп жиҳатдан қабилалар иттифоқининг бошлиғини эслатган. Энг муҳим ишларни ҳал этиш учун у жангчилар маж-лисига мурожаат қилган.

Саул филистимлар билан бўлган урушлардан бирида ҳалок бўлгандан кейин подшолик унинг куёви Довудга ўтади. Исроил Яҳудий давлатини чинакам ўша Довуд тузган дейиш мумкин. Довуд Миср фиръавларидан намуна олиб, подшо ҳузурига кел-ган кишилар «юзи билан ерга йиқилиши» лозим бўлган одатни жорий қилган. Солиқ солиш мақсадида биринчи марта аҳоли рўйхатга олинган. Фуқароларнинг янги тартиблардан норози бўлиб қилган қўзғолонлари ажнабийлардан иборат ёлланма аскарлар кучи билан бостирилган.

Довуд бир неча муваффақиятли уруш қилган. У филистим-ларга қайта-қайта зарба берган ва ғарбий чегарани уларнинг ҳужумидан хавфсизлантирган. У шарқда, шимоли-шарқда ва жанубда истилочилик сиёсатини олиб бориб, бир неча қўшни подшоликни ўз ерларига қўшиб олган. Акаб қўлтиғига йўл очиб берадиган Эдомнинг босиб олинishi айниқса муҳим аҳа-миятга эга бўлган.

<sup>1</sup> Баъзи тадқиқотчилар «Самсон яҳудийча «қуёш» дегани бўлади, унинг ажойиб сочи эса қуёш нурларининг рамзидир» дейдилар.

Ханаанларнинг Қуддус қалъаси атрофидаги бутун территорияни бани исроил ва яҳудийлар аллақачонлар бўйсундирган бўлсалар-да, мазкур қалъа икки юз йил давомида мустақиллигини сақлаб турган. Бунга сабаб душман қўли етмайдиган тоғ орасидаги бу мустаҳкам қалъанинг жойлашган ўрни мудофаа учун гоят қулайлигидир. Қуддуснинг аҳолиси, бизнинг қалъа деворларини кўр ва чўлоқ жангчилар ҳам бемалол /қўриқлай олади, деб мақтанганлар. Довуд Қуддусга қўққисдан ҳужум қилиб босиб олган ва уни ўзига пойтахт қилган.

Довуднинг ўғли ва вориси Сулаймон даврида маъмурий аппарат мустаҳкамланган. Аввалги қабилага қараб бўлиниш ўрнига территориал бўлиниш жорий қилинган.

Миср билан Финикиянинг савдо шаҳарлари, Сурия давлатлари ва Жанубий Арабистон билан ташқи савдо ривожлантирилган.

Қурилиш ишлари авж олган. Бунда Финикиядан чақириб келтирилган энг миришкор усталар ва рассомлардан фойдаланилган. Қуддусда худо Яҳвага бағишлаб ажойиб ибодатхона ва бир нечта муҳташам қаср бино қилинган. Бошиқа шарқ мамлакатларининг подшоларидан намуна олиб гоят катта подшо ҳарамхонаси солинган. Миср фиръавнининг қизи бош хотини деб эълон қилинган.

Сарой дабдабалари ва қурилишларнинг харажатлари солиқ ва мажбуриятларни ошириш ҳисобига қопланган, бу эса кенг аҳоли оммасида норозилик туғдирган. Сулаймон фаолиятини баён қилган аънаналар зиддиятлидир. Бир томондан, уни доно қози ва ҳатто ёзувчи деб мақтайдилар (ҳеч бир асос бўлмагани ҳолда кўпгина адабий асарларни у ёган дейишади), иккинчи томондан, шафқатсиз солиқ зулми, подшо амалдорларининг жабр-жафоси ва тамагирлиги, итбатсизларни даррага ётқизганликлари ҳақидаги эсдаликлар сақланган.

Мамлакатнинг шимолий қисми (анча кенг ва унумдор қисми) айниқса кўп жабр-зулм тортган. Сулаймон ўлгандан кейин (эрамиздан аввалги тахминан 930 йиллар) бунда кўзғолон кўтарилиб, алоҳида Исроил подшолиги ташкил топган. Довуд асос солган сулола мамлакатнинг жануб томонинигина пойтахти Қуддус билан бирга ўз қўлида сақлаб қолган ва у Яҳудий подшолиги деб ном олган.

Шундан кейинги даврда икки мамлакатда ҳам синфий зиддиятлар кескинлашганлиги кўринади. Жамоага қарашли ерлар сотиладиган ва сотиб олинadиган бўлиб қолган. Хонавайрон бўлган деҳқонлар ён қўшни саҳроларга қочиб кетган ёки қарзга ботиб қулга айлантирилган.

Пайғамбар деб аталган кишиларнинг (фош қилувчи ва каромат қилувчиларнинг) чиқишлари янги тартибларга қарши норозиликнинг бир тури бўлган. Улар кўча ва майдонларда жуда ёрқин ва оташин нутқлар сўзлаганлар, улар ўз нутқларида мулкдорлар ҳокимиятини фош қилиб Исроил ва Яҳудия давлат-

лари бўлаётган адолатсизликлар учун жазо тариқасида ҳалок бўлади деб каромат қилганлар. Авваллари оддий подачи бўлган Амос деган пайғамбар камбағални арзимаган кумуш баробарига, ҳаққоний кишини икки жуфт пойабзалга сотиб юборилишдан ғазабланган. Исоёя деган бошқа бир пайғамбар уйига уй, ерига ер қўшадиган бойларни фош қилган.



Самариядаги исроил муҳри

Бу пайғамбарларни ҳеч бир вақт революционерлар ёки социалистлар деб бўлмади (баъзи буржуа тарихчилари шундай дейишга мойил). Амос, Исоёя ва уларнинг маслакдошлари ҳамда давомчилари хусусий мулкнинг марказлаштирилишига ва ватандошларининг асоратга солинишига қарши бўлсалар-да, бутун фикру зикри эски патриархал ҳаётни тиклашдан иборат бўлган. Уша ҳаёт қайтиб келса унда

ҳар бир деҳқон яна ўзининг озроқ экин ери, тоқзорига эга бўлар, бир-икки туп анжири соясида ўтириб бемалол кун кечирарди деб умид қилганлар.

Пайғамбарларнинг ваъз-насиҳатлари диний руҳда бўлган. Улар камбағалларни ва асоратга тушганларни очиқ қурашга чақирмаганлар, балки мулкдорлар ва ҳукмдорларни фақат фош қилиб, худонинг ғазаби билан кўрқитганлар.

Пайғамбарлар булажак ҳалокатдан кейин худо Яҳва эсон-омон қолган халқини қутқазади, у подшоликни қабул қилиб пешонасига муқаддас мой сурилган кишини ҳукмрон қилади ва у подшо ер юзида адолат ўрнатади деб каромат қилганлар. Шундай қилиб, бутун умид осмон кучлари — худонинг номи билан боғланган.

Лекин подшолар ва катта мансабдорлар, порахур қозилар, судхўрларнинг аёвсиз фош қилиниши Исроил ва Яҳудия қулдорларини даҳшатга солган.

Ижтимоий зиддиятлар кескинлигини юмшатиш мақсадида ислохотлар қилишга уринганлар. Эрамиздан аввалги тахминан 622 йилда Яҳудия подшоси Иосия янги қонунлар («Иккинчи қонунлар») чиқарган, унда қарз юзасидан қул қилиниш муддати олти йил белгиланган, шу билан бирга хўжайин қулни озод қилар экан, озодликка чиққандан кейин очидан ўлиб қолмаслиги учун йўлда еб кетишига озиқ-овқат билан таъминлаши лозим бўлган. Аммо бунда гап ўз халқи ичидан чиққан қуллар туғрисида бораётганлиги алоҳида уқтирилган. Ажнабийлардан бўлган қулларга бу имтиёзларнинг дахли бўлмаган. Шундай қилиб, қулдорлик тузумининг негизи мустаҳкам бўлиб қолаверган.

Яҳудий давлатлари мустақил бўлиб атиги бир неча юз йил яшаган. Эрамиздан аввалги 722 йилда Исроил подшолигини осурлар истило қилган. Унинг пойтахти Самария вайрон қилинган, аҳолиси асир қилиб ҳайдаб кетилган. Улар ўрнига бу ерга Осур мулкидан кучириб келтирилган аҳоли самарийлар<sup>1</sup> деб ном олган. Яҳудия подшолиги ҳали яшайверган. Аммо кейин у ҳам йўқ қилинган.

Эрамиздан аввалги 586 йилда Бобил подшоси Навуходоносор Қуддусни босиб олиб вайрон қилган, Сулаймон қурдирган Яҳва ибодатхонасини ер билан яксон қилган. Яҳудийларнинг кўп қисми Бобилга кўчирилган (бир қисми Мисрга қочиб кетган).

Кейинроқ (Эрамиздан аввалги 539 йилда) Эрон подшоси Кайхисров (Кир) Бобилни истило қилгандан кейин гарбда ўз мавқеини мустаҳкамлаш мақсадида яҳудийларга ўз ватанларига қайтиб Қуддусни тиклашга рухсат этган. Кўчиб келган яҳудийлар Эрон подшосининг ноиблари назорати остидаги қоҳинлар идора қиладиган диний жамоага бирлашган.

Эрамиздан аввалги V аср ўрталарида Ээрой бошлиқ яҳудий қоҳинлари афсонавий йўлбошчи Мусо пайғамбарники қилиб кўрсатишган ўтмиш даврлардаги қонунларни тўплаб тартибга келтирилган. Шу тариқа афсоналар, ривоят ва қиссалар, диний маросимларнинг қоидалари, гражданлик ва жиноят қонунилари ни ичига олган Беш китоб узил-кесил таркиб топган. Бу тўпلام соф диний руҳдаги китобдир. Диний насиҳатларни бузиш жиноят қилиш билан барабар гуноҳ ҳисобланган.

Бу қонунлар тўпламининг синфий негизи шундаг маълумки, унда қўллар хўжайиннинг туб мулки ҳисобланади ва улар хўкизга, эшакка, кумушга, яъни ҳаракатдаги мулкка тенглаштирилади. Тўғри, қонун қўлни ўлдиришга маслаҳат бермайди, лекин уни калтаклашга рухсат беради. Агар қўл ёки чўри калтаклаш вақтида ўлмасдан, бир-икки кун туриб ўлса, у қатл ҳисобланмайди ва бунинг учун ҳеч қандай жазо чораси кўрилмайдди.

**10. Дин.** Шундай қилиб, қадимги бошқа динлар сингари яҳудий дини ҳам қўлдорлик тузумини қонуний ҳисоблаган. Узил-кесил ташкил топган яҳудийчилик (иудаизм)нинг хусусияти худди монотеизмнинг яққол ўзгинасидир, у худонинг суратини ясашни ва бутга чўқинишни қатъий ман қилган. Аммо бу диний ақидалар абадий амал қилган эмас. Негаки, Сулаймон қурдирган Қуддус ибодатхоналарида муқаддас ҳайвонлар (масалан, қанотли хўкизлар («керуб»лар)нинг суратлари бўлган. «Олтин савр» ва «мис илон»га сиғиниш тўғрисида эсдаликлар сақланган. «Мис илон» сурати Эрамиздан аввалги VIII асрдагина, диний ислохотлардан бири вақтида йўқ қилинган.

Яҳвадан бошқа худоларга сиғиниш бирданига таъқиқ қилинган эмас ва бу таъқиқ тез-тез бузилиб турган. Исо ўтказ-

<sup>1</sup> Инжилда бу халқ вакиллариининг номи кўп учрайди (рахмдил самарий тўғрисида, Исо пайғамбарга сув ичкизган самарий аёл ва ҳ. к. тўғрисидаги масаллар). Самарийлардан бир озроғи ҳозир ҳам Йорданияда яшайди.

ган ислоҳот вақтидагина динлар марказлаштирилиши эълон қилинган ва маҳаллий ибодатхоналар бузиб ташланган. Фақат Қуддус ибодатхонасидагина қурбон қилишга рухсат этилган, бу ибодатхонанинг қоҳинлари жуда ҳам қудратли бўлиб кетган.

Бизгача етиб келган исроил-яхудий адабиёти қоҳинлар қайта ишлаган адабиётдир. Қоҳинлар Беш китобга пайғамбарларнинг нутқлари, йўлнома тўпламлари, нақллар тўплами, қиссалар, ҳамду санолар, қўшиқлар ва ҳ. к. дан иборат қўшимча қисмларни илова қилганлар.

У асарларнинг кўпи юксак бадий қимматга эгадир. «Қўшиқлар дурри» шулар жумласидан бўлиб, уни подшо Сулаймон ижоди дейишади, аслида эса у халқ дostonларининг гўзал намунаси дир. Бунда жуда чиройли қилиб табиат тасвирлари берилган, узум тераётган қиз ва уни яхши кўрган йигитнинг кечинмалари ниҳоятда жонли қилиб баён этилгандир.

«Айюб китоби» тамомила бошқа характерда дир. У қисса рамкасига солинган диалоглар шаклидаги фалсафий асар дир. Унинг кириш қисми бутун молу мулкидан, бола-чақасидан ажралган, шунинг устига бутун баданини яра босиб мохов касалига мубтадо бўлган тақводор ва саховатли кишининг чекаётган жафолари тўғрисида гапирилади. Сўнгра унинг учта дўсти билан бўлган диалоглари кетма-кет берилган. Бу диалогларда гап киши ҳаётида адолат йўқлиги устида боради. Ярамас, зўравон кишилар фаровонликда умр кечиради, аммо порсо кишиларнинг ҳаёти ҳақсиз азоб-уқубатда ўтади. Уларнинг баҳсини тўсатдан худо Яҳва бўлиб қўяди. У зуғум билан Айюбга ташланади ва унинг нолиқларини қонунсиз деб топади. Шўрлик инсон табиат ва ҳаёт сирларини билмайди, худонинг иши тўғрисида ҳукм юритишга ҳақи йўқ, чунки у худонинг ниятларидан беҳабар дир. Айюб худонинг бу даҳшатли гапларини эшитгач босилиб, мўмин бўлиб қолади. Кейин худо унга соғлигини ва бойлигини қайтаради, у ҳатто янгидан фарзандлар кўради.

Шундай қилиб, «Айюб китоби»нинг асосий ғояси илоҳиёт мақсадларига қаратилган соф агностицизмдан иборат. Бунда реакция диний ғоя жуда кескин ва аниқ ифодасини топган.

Библиядаги бошқа адабий асарлардан эри ўлгандан кейин ҳам қайнагани тўғрисида ғамхўрлик қилаётган марҳаматли келин тўғрисидаги ҳикояни («Руфи китоби»), «Имерия йиғиси»ни Қуддуснинг ваърон қилинишига бағишланган элегияни ва бошқаларни кўрсатиш керак. Бу сюжетларнинг кўпидан турли мамлакатларнинг шоир ва рассомлари (шу жумладан, рус адабиёти ва санъатидан ҳам) кенг фойдаланганлар. Бу асарларда эса бадий адабиёт ёдгорликларини Библияни тузган дин аҳли—муҳаррирлар ўраган қобиқдан қўтқазиш процесси кўринади.

Фаластин ва Сурия халқининг бизгача етиб келган тасвирий санъат ёдгорликлари кам. Қелиб етганлари ҳам синкрет характерда дир. Энг катта архитектура комплекси—Сулаймон еодирган ва жуда кўп ҳайкаллар билан безатилган ибодатхона ва са-

ройларни ўз навбатида Миср ва Бобил намуналарига эргашган Финикия усталари бино қилганлар. Кейинчалик диннинг жонли нарсалар суратини солиш бутпарастликка олиб келишидан қурқиб уларни тақиқ қилганлиги скульптура ва рассомлик санъатининг тараққийсига жиддий тўсқинлик қилган. Уларни тақиқ қилиш кейинчалик яҳудий дин аҳлларида мусулмонларга ҳам ўтган.

## XVIII БОБ

### ОСУРИЯ ВА УРАРТУ

Эрамиздан аввалги II миң йилликнинг охири ва I миң йилликнинг бошига келиб Яқин Шарқда янги Осурия давлатининг роли ниҳоят даражада ўсиб кетган. Осурия Олд Осиёдаги ва қисман Шимоли-Шарқий Африкадаги бир қанча мамлакатларни ўз таъсирига олган. Осуриянинг юксалишига қадимги Шумер, Аккад, Бобил, Миср давлатлари ва Хетт подшолигининг заифлашиши ва тушкунлиги анча ёрдам берган. Бу давлатлар тинимсиз урушларда бир-бирини заифлантирганлар, ўз ичларида мулкий тенгсизликнинг кучайиши ва асосий аҳоли оммасининг хонавайрон бўлиши ички низоларнинг туғилишига сабаб бўлиб, бундан ўзлари қаттиқ азоб чекканлар.

Маълум даражада кечикиб майдонга келтирилган янги ва мустақам қулдорлик давлати Осурия қулай вазиятдан фойдаланган ва қисқа вақтга бўлса-да, Яқин Шарқ дунёсининг анча қисмини бирлаштиришга муяссар бўлган.

**1. Табиий шароити.** Дажланинг ўрта оқими ва ирмоқлари бўлган Катта Заб билан Кичик Заб водийсидаги кичикроқ территория (ҳозирги Ироқнинг шимоли-шарқий қисми) Осур давлатининг асосий негизини ташкил этган.

Шимолда бу давлатнинг ерлари Арман тоғларига, шарқда ва шимоли-шарқда Загрос тоғ тизмасига келиб тақалган, жанубда Бобил билан чегарадош бўлиб, ундан ғарбда чул ва саҳролар чўзилиб кетган, улар орқали меридианга қараб жанубга Тарторнинг шўр селоби оқиб Фротга етмасдан ботқоқликлар ичида йўқолиб кетган. Мана шу унча катта бўлмаган паст-баланд текислик икки азим дарё этақларидагидан кўра бу ерда қишда кўпроқ ёғадиган қор ва ёмғир сувлари билан суғорилган. Ёғин сероб бўлганлигидан баҳорда сунъий сув омборларига кўпинча сув тупланган ва ёзнинг иссиқ ойларида суғориш учун ана шу сувлардан фойдаланилган.


Фрот ва Дажла ҳавзасининг жанубидагидан кўра бунда дарё сувлари унча муҳим ўрин тутмаган. Фрот ва Дажла ҳавзасининг жанубида эса сув сероб бўлганидан ягона суғориш системасини вужудга келтириш мумкин бўлган.

Осуриянинг тош, руда ва ўрмони кўп тоғли районларга бевосита туташ бўлганлиги, шунингдек, географик шароити қулай-



Эрампидан аввалги XVI-VII асрларда Олд Осиё






- - - - - Эр. ав. XVI асрда Митанни давлатининг чегаралари  
 Эр. ав. XV аср охири XIII аср бошларида Хетт подшолиги  
 Эр. ав. XIII асрда Осур давлатининг чегаралари  
 Эр. ав. VII аср ўрталарида Осур давлатининг чегаралари  
 Эр. ав. XI - VII асрларда Миср подшолигининг чегаралари  
 Мисрнинг суғориладиган ерлари

Эр. ав. X асрда Финикия  
 Эр. ав. VIII асрда Урарту подшолиги

Изоҳ  
 1. Чегаралар тахминан жўрилатилган  
 2. Миср эр. ав. 671-654 йилларда Осурия ҳукумронлиги астида бўлган



лиги — Эрон билан Икки дарё оралиғидан Арманистонга, Кичик Осиёга ва Урта денгиз мамлакатларига борадиган энг қисқа йуллар устида турганлиги мамлакат хўжалик тараққиётида ғоят муҳим ўрин тутган.

Осурия ўз номини Дажланинг ўнг қирғоғидаги қадимги Ашшур шаҳридан олган. Бу бир неча аср давомида ўзининг ҳарбий кучи бўлмаган, бир неча бор ўзидан кучли қўшнилариға тобе бўлган унча катта бўлмаган давлатнинг ўзига яраша пойтахти бўлиб келган. Унинг қачон бўлса ҳам бир кун ғоят катта йиртқич, агрессив давлатға айланиб кетишидан дарак берадиган ҳеч нимаси бўлмай, шу ҳолда узоқ замонлар яшаб келган.

Юқори Месопотамия (жумладан, Осуриянинг асосий территорияси) неолит ва энеолит даврида (эрамиздан аввалги V—IV минг йилликларда) экономикасини анча тараққий қилдиришға эришган ва ҳали ботқоқликлар билан қопланган Жанубий Месопотамиядан кўра бунда аҳоли зичроқ яшаган. Археологик қазिशмалар натижасида бунда ўша даврнинг зироатчи қишлоқлари топилган<sup>1</sup>.

Эрамиздан аввалги III минг йилликда аҳвол кескин равишда ўзгарган. Жанубий Месопотамияда ғоят катта суғориш иншоотлари қурилган. Кўп ботқоқликлар қуритилган, натижада деҳқончилик учун унумдор аллювиал тупроқдан фойдаланишға имкон туғилган. Тупроғи кам ҳосил ва қурғоқчиликдан кўпроқ қийналган шимолий вилоятлар жанубдан кўра орқада қола бошлаган. Бу эса Шумер билан Аккаднинг ва кейинчалик эса Бобилнинг сиёсий устунликлариға таъсир қилган.

2. **Аҳоли.** Шимолий Месопотамиянинг энг қадимги аҳолиси, мавжуд барча маълумотларға кўра хурритлар бўлган. Улар Арман тоғларида, Закавказьеда ва қисман Кичик Осиё билан Сурияда ҳам яшаганлар.

Аккад ҳужжатларида Осуриянинг азалги аҳолиси субарийлар деб аталган. Улар хуррит оиласидаги халқларнинг бир пушти бўлса керак. Ўша энг биринчи этник субстратға Аккаддан кўчиб келган семитлар қўшилиб борган бўлса керак, улар субарийларни секин-аста ўзларига тамомила сингдириб олган бўлиши мумкин. Аккад тилининг осур шеvasи расмий тил бўлиб қолган ва Ашшур ҳукмдорларининг энг қадимги қисқача ёзувлари ўша тилда ёзилган.

3. **Энг қадимги Осурия.** Ашшур шаҳар-давлатининг эрамиздан аввалги III минг йиллик охири ва II минг йиллик бошларида ўзига хос сиёсий ташкилоти бўлган. Подшолик мерос ўтган ҳукмдорлар — ишшакумларнинг (шумерларнинг патеслариға тўғри келади) ҳуқуқлари жуда чегараланган бўлган. Улар бутунлай деярли диний назорат ишларини ва у билан боғлиқ қурилишларни идора қилган.

<sup>1</sup> Айниқса Хабур дарёсининг (Фрот ирмоғи) юқори оқимидаги Тел—Халаф ва Осуриянинг энг кейинги пойтахти Ниневия районидаги Арпачий.

Муҳим давлат ишларини оқсоқоллар кенгаши ҳал қилган; кенгаш аъзолари ўзларини «лимму» деб атаганлар. Уларнинг ҳар бири навбат билан ва шерикларининг назорати остида бир йил муддатда бошқарувчилик вазифасини бажарган ва хазинага бош бўлган. Лимму бошқарувчилик қилган йил ўша лимму номи билан аталган<sup>1</sup>, кейинчалик ишшакум чиннакам монархга айлангандан кейин ҳам бу одат сақланиб қолган.

Баъзи тадқиқотчиларнинг энг қадимги Ашшурни олигархия республикаси деб аташлари бежиз эмас. Кейинроқ бориб босқинчи давлатга айланиб кетган Осуриянинг ҳам, кейинги текширишларга қараганда, ҳарбий куч-қудрати жуда буш бўлганлиги аниқ билиниб туради.

Асосан савдо-сотиқ мамлакати бўлган бу кичкина давлат айтарлик қаршилик кўрсатмасдан Жанубий Месопотамиянинг йирик марказлари ҳукмронлигига сиғинаверган. Ашшур эрамиздан аввалги III минг йилликда гоҳ Аккад подшоларининг ҳукмронлиги остида, гоҳ III Ур сулоласининг ҳукмдорлари қўл остида бўлган ва ўз ҳомийларининг кучли маданий таъсири остида қолган. Шумер ва Аккад мамлакатларига ўхшаб давлат аппарати билан алоқада бўлган Ашшур савдогарлари ва судхўрлари муҳим савдо йўлларига яқин турганликларидан фойдаланиб Кичик Осиёга бориб кирганлар ва унда ўзларининг савдо колонияларини таъсис этганлар. Икки одарё оралиғидаги ҳунармандларнинг буюмлари (айниқса жун газламалар)ни фойдасига кумуш тоғлар (Тавр) нинг хом ашёларига, айнақса металлга (кумуш, мис, қўрғошинга) айирбошлаганлар. Энди шу даврдаёқ Осур жамиятида мураккаб тенгсизлик ва қарз қўлчилик бўлган, дастлабки вақтларда фақат ажнабийларгина қарз учун қўлга айлан-тирилган.

Осурия эрамиздан аввалги XX-XVIII асрларда дастлаб мустақамроқ ҳарбий ташкилот тузиб истилочилик сиёсати юргизишга уринган. Бу вақтда Икки дарё оралиғининг бир қанча майда давлатларга бўлиниб кетиш процесси Ашшурнинг чанг солишига имконият туғдирган ва осур қўшинлари Дажла бўйлаб қуйига, Эрон қўлтиғига ва ҳатто ғарбга Ўрта денгизга томон биринчи юришларини қилганлар. Аммо уларнинг ҳарбий муваффақиятлари вақтинчалик ва тасодифий муваффақиятлар бўлган. Хаммурапи даврида Бобил юксалиб осурларнинг муваффақиятларига хотима берган. Ашшур ва шунингдек, кейинчалик Осурия пойтахти бўлган қўшни маркази Ниневия тахминан эрамиздан аввалги XVIII аср ўрталарида Бобил подшосининг олий ҳоқимияти қўл остига тушган. Лекин тезда Бобилнинг ўзи ҳам узоққа чўзилган тушкунликка юз тутган ва Осурия янги ташкил топган Митанни давлатининг қўл остига тушиб қолган.

Эрамиздан аввалги XVII асрда бирданига пайдо бўлиб, эра-

<sup>1</sup> Шунинг учун ҳам ҳозирги замон фанида лиммуни купинча греклар термини билан эпоним деб атайдилар.

миздан аввалги XV аср охирларида инқирозга учраб кейин бутунлай йўқолиб кетган бу давлат туғрисида биз жуда оз нарса биламиз. У Хабур дарёсининг юқори оқимида вужудга келган, асосий аҳолиси хурритлар бўлиб, кейин семитлашиб кетган, лекин бу процесс туб Осуриядагидан секин давом этиб, кейинроқ тамом бўлган. Кучиб келадиган аҳоли шу территория орқали ўтганлигидан бундаги аҳоли этник составининг ола-булалигини кучайтирган. Эрамиздан аввалги XVIII—XVII асрларда Бобилга ўтиб кетаётган касситлар, Миср томон бораётган гиксослар ҳам бу ерда йўл-йўлакай тўхтаб ўтган бўлсалар эҳтимол. Хетт қўшинлари жанубга ва шарқи-жанубга қилган юришлари вақтида бу ерларга бостириб кирган. Ҳинд (ёки туғрироғи ҳинд-эрон) этник элементларининг Митанни тупроғида пайдо бўлиши мутлақо кутилмаган ҳол бўлган. Хетт билан Митанни ўртасида тузилган бир шартномада ҳиндларгагина хос худоларнинг (жумладан, Индранинг) номлари борлиги аниқланган, бу эса ҳиндларнинг жуда ичкарига кириб борганликлари ва алоқа ўрнатганликларидан далолат беради; лекин уларнинг йўналиш томонлари ва хронологияси ҳозиргача аниқланган эмас. Қадимги халқаро йўлларнинг айрилишларида халқларнинг келиб чиқиш (этногенез) процесси нақадар мураккаб бўлганлигини фақат фараз қилиш мумкин.

Митанни эрамиздан аввалги XVI аср охирларида энг юксак қудратга эришган. Подшо Шаушшатар шарқда Кичик Забдан, ғарбда Оронггача бўлган ерларни ўз қўли остига бирлаштирган. У Ашшурни тор-мор келтириб, саройнинг олтин ва қумушдан ясалган дарвозаларини ўлжа қилиб олиб кетган (лекин юз йилдан кейин ўзига қайтариб берилган). Ашшурга Митанни ноиблари қўйилган. Бу шароитда Ашшурнинг Олд Осиёдаги савдо-сотикдаги етакчилиги пучга чиққан. Осурларнинг савдо колониялари (Кичик Осиёдаги Канес каби колониялар) ному нишонсиз йўқ бўлиб кетган. Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг биринчи ярмида Хетт ва Митаннидек иккита катта давлат пайдо бўлган жойда Осур савдогарлари учун аввалгидай тарқоқлик ҳукм сурган ва қабилалар ўртасида жанжаллар бўлиб турган вақтидагидек кенг майдон бўлмаган. Бунинг устига Эгей дунёси билан Миср халқаро савдога жалб қилинганлиги натижасида савдо йўллари ғарбга ва жануби-ғарбга қараб кетган. Савдо алоқаларининг янги муҳим пунктлари, бундан олдинги бобда айтилганидек, энди Финикия савдо шаҳарлари қўлига ўтган, осур савдогарлари эса улар билан рақобатлаша олмаганлар.

4. **Ўрта осур даври.** Шу мунособат билан ўрта осур даври (эрамиздан аввалги XV—XI асрлар) да жамиятда кўпгина жиддий силжишлар ва ўзгаришлар юз берган. Худди ана шу вақтда, чуқур иқтисодий ва сиёсий тушкунлик давридан кейин Осур давлати таркиб топган. Энди бу давлатда биринчи уринини савдогарлар эмас, балки ҳарбий зодагонлар эгаллаган ва оқсоқоллар кенгашига қарам бўлган аввалги буш ҳокимлар (иншакум-

лар) армия тепасида турган, ҳарбий экспедицияларга бошчилик қилувчи, давлат ичида эса қишлоқ жамоаларини назорат қилиб турувчи тўла ҳокимиятли мустабидларга айланганлар.

Бундай ўзгаришлар бирданига содир бўлмаган, албатта. Ашшурубалиг (ислоҳотчи фиръави Эхнатон ва хеттларнинг истилочи подшоҳи Суппилулиумнинг замондоши) подшоҳлик қилган йиллар бурилиш пайти бўлган. Эрамиздан аввалги XV аср бошларида Тутмос III нинг зарбасидан ва эрамиздан аввалги XV аср охирларида хеттларнинг бостириб киришидан қаттиқ зарар кўрган Митаннининг заифлашишидан фойдаланиб Ашшурубалиг эрамиздан аввалги тахминан 1400 йилларда мустақил ташқи сиёсат юргиза бошлаган ва ташаббуси ўз қўлига олган. Унинг муваффақиятларига Осур тарафдорлари билан хетт тарафдорлари ўртасида кураш бораётган Митаннидаги ички гала-говурлар ёрдам берган. Осурия Митанни подшосидан мустақил бўлиб олиш билангина чекланиб қолмай, балки у заифлашиб қолган ғарбий қўшниси ҳисобига территориясини ҳам кенгайтирган. Осуриянинг Миср билан мустақил дипломатик муносабатларни йўлга қўйганлиги алоҳида аҳамият касб этган, аммо бу Бобилнинг расмий норозилигига сабаб бўлган. Бобил подшосининг Осур устидан ҳукмронлик қириш даъвоси пуч бўлиб қолаверган, негаки, амалда бу ҳукмронлик аллақачонлар йўқолган бўлган, лекин Бобил дипломатлари юридик жиҳатдан бўлса-да уни сақлаб қолмоқчи бўлганлар. Бироқ аслида халқаро майдонда кучлар нисбати Бобил фойдасига бўлмаган.

Ашшурубалиг ворислари энди подшоҳлик унвонини олганлар (Ашшурубалигнинг узи бунга ботинмаган) ва шу билан ўзларининг Митанни ҳамда Бобилдан тўла мустақилликларини билдирганлар. Улар Миср билан Хетт подшоларининг орада бир оз тинчиб, эрамиздан аввалги XV асрда узоқ давом этган ва иккинчиси ҳам заифлаштирган қаттиқ курашларидан имкон борича фойдаланганлар. Эрамиздан аввалги XIV аср билан XIII аср чегараларида осур қўшинлари ғарбий қўшнеларини қаттиқ қиса бошлаган. Осуриянинг кучайиши Рамсес II нинг хетт подшоси Хаттусили билан сулҳ тузишини тезлаштирган ва Хаттусилининг умумий душманга қарши Бобил билан яқинлашишига сабаб бўлган. Лекин кечикиб қилинган бу тадбирлар энди фойда бермаган. Осур подшоси Салманасар I (эрамиздан аввалги XIII аср бошлари) Фрот дарёси бўйидаги катта Қархемиш шаҳрига (хеттларнинг истеҳкомларидан бирига) етиб олиб, Митанни қўшинларини ва уларга ёрдамга келган хеттларни тор-мор келтирган. Митанни бу мағлубиятдан ўзини қайтиб ўнглай олмай, Осур ҳукмронлиги остига тушиб қолиб, бир қанча майда давлатларга бўлиниб кетган.

Айни замонда осур подшоси Дажланинг нариги соҳилидаги жанжалли чегара районларида мустаҳкамланиб олиб, Бобилга қарши бир неча марта уруш ҳаракатлари қилган.

Осур қўшинлари эрамиздан аввалги XIII асрда Бобилнинг

марказий районларини талаган, аммо уларнинг бу мамлакатда муқим қолиб кетиш нияти бўлмаган.

Эрамиздан аввалги XII асрда Осур подшоси Тиглатпаласар I Қора денгиз соҳилига (Чорох дарёси ҳавзасига) ча келиб етган. Энди бу вақт улуғ Хетт подшолиги тугаб кетган, осур истилочиларининг йўлида турган заиф Наири қабилалари иттифоқи уларга жиддий қаршилик кўрсатмаган. Тиглатпаласар I Урта денгизга ча келиб қаршиликка учрамай, Шимолий Финикияни ўзига бўйсундирган. У финикияликларнинг кемаларига тушиб денгизда дельфин ови қилган.

Аммо эрамиздан аввалги XI асрда Олд Осиёда халқаро вази-ят яна ўзгарган, лекин энди бу сафар Осурия фойдасига бўлмаган. Халқларнинг янги даҳшатли кўчиши бошланган. Арабистон ичкарасидан Сурия чўли орқали кўчманчи семит қабилалари— арамейлар денгиз тўлқинидай оқиб кела бошлаган. Улар кела туриб шимолий Сурия ва Киликиядаги кичик-кичик хетт подшоликларини, Юқори Месопотамияда Митанни давлати парчала-ниб, тушкунликка юз тутгандан кейин сақланиб қолган майда-майда Митанни подшоликларини ўз чангалига олган ва қисман семитлаштирган.

Осурларнинг таянч пунктлари урушқоқ кўчманчилар қуршо-вида қолган ва қисман уларнинг қўлига тушган. Арамейлар ўт-роқ ҳаётга кўчиб, секин-аста ўз давлатларини барпо қилганлар. Бу давлатлардан эрамиздан аввалги X асрнинг иккинчи ярмида вужудга келган Дамашқ подшолигини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Унинг пойтахти Дамашқ Месопотамиядан Мисрга, Араб-истон чўлларидан Урта денгизга борадиган йўлларни ўз қўлига олган муҳим марказга айланган. Дамашқ Финикиянинг савдо шаҳарларини атрофдаги токзорлардан оладиган вино билан ҳам-да «оппоқ жун» билан таъминлаб турган. Бунда металлсозлик ҳам юқсак камолотга эришган кейинчалик ажойиб Дамашқ шамширлари гоят катта шуҳрат қозонган.

Арамейларнинг буюк кўчишларидан кейин Осурия тушкун-ликка юз тутган ва бу тушкунлик салкам икки аср (эрамиздан аввалги X аср охирларигача) давом этган. Кейинги давр йилно-мачилари кўп осур шаҳарларининг ва қишлоқларининг ҳувиллаб қолгани, аҳолисининг турли шаҳарларга келиб ишончли бошпана қидириб сарсон бўлиб юрганликлари тўғрисида жуда оз эсда-ликлар қолдирган. Урта осур даври Осуриясидаги ички муноса-батлар ҳақида биз осур қонунлар тўпламидан, унинг ҳам анча кейин кўчирилган, на боши ва на охири бор парчаларидан би-ламиниз, холос. Шу парчаларнинг тил ва услубига қараганда ав-валги II минг йилликда тузилгандир.

Бу тўплам Хаммурапи қонунларидан фарқ қилиб (гарчи у «Урта осур қонунлари»дан қадимийроқ бўлса-да) архаик хис-латларни ўзида (тарихий тараққиётнинг нотекислиги туфайли) кўпроқ сақлаган. Эрамиздан аввалги II минг йилликдаги Осу-рияда патриархал оила негизлари анча кучли ва қаттиқ сақлан-

ган. Осур қонуилари хотин-қизларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилмаган дейиш мумкин, осур аёли эридан берухсат рўзғордаги мулкни бошқара олмаган. Агар хотин бирон нарсани уйдан олиб чиқса, бу ўғри ҳисобланиб эри унинг қулоқларини кесишга ҳақли бўлган (Хаммурапи қонунарига мувофиқ бундай қаттиқ жазо фақат қулларга берилган).

Осур аёли эри улгандан кейин ҳам унинг оиласи ихтиёрида қолган ва эрининг қариндошларидан бирига тегишга мажбур бўлган. Оиласида 10 ёшдан катта эркак бўлмаган тақдирдагина хотин тула ҳуқуқли бева ҳисобланиб, келгуси тақдирини ўзи ҳал этиш ҳуқуқини олган. Мулкий табақаланиш кучайиб бораётган шароитда патриархал оиланинг бундай қаттиқ аъёналаридан ватандошларни асоратга солиш учун фойдаланилган. Судхур қарздор кишининг оиласидаги кичик ва тобе аъзоларни олиб асоратга солган, қарздор қарзини узолмаган тақдирда судхур уларни улгунча қул қилиб сақлайверган (аммо Хаммурапи қонунари бунга йўл қўймаган).

Ҳали қишлоқ жамоаси муҳим роль уйнаса-да, жамоа ичида табақаланиш процесси жадал давом этган. Бир қанча чеклашларга қарамай, жамоачилар чек ерларини сотишга йўл топган, шу тариқа катта амлоқлар пайдо бўлган, қашшоқланиб қолган жамоачилар батракларга ва қисман ҳатто қулларга айланганлар.

**5. Янги осур даври (эрамиздан аввалги X—VII асрлар).** Эрамиздан аввалги X аср охирларида Осурия яна кучая бошлаган. Бу вақт унга бас келадиган кучли рақиблари бўлмаганлиги унга катта қулайлик туғдирган. Урушқоқ арабий қабилалари Осуриянинг энг катта душмани бўлган, аммо арабийлар бирлашган давлат туза олмаганлар.



Осур жангчилари

Арабийлар жойлашган асосий территория бўлмиш Сурия маҳаллий географик шароитларга кўра тарқоқ бўлиб қолаверган. Бунда гоҳ бир-бирларига душманлик қилишиб, гоҳ вақтинча омонатгина иттифоқ тузишиб, яшаб келаётган кичик-кичик давлатлар бўлган.

Иккинчи томондан, умуман Осуриянинг яшашини таҳлика остига қўйган арабийлар истилоси хавфи бу мамлакатнинг қулдор зодагонларини қўшинни ташкил этиш ва техника жиҳатидан яхши қуроллантириш юзасидан бир қанча тадбир кўришга, қўшин сонини жуда кўп оширишга мажбур этган. Агар расмий осур статистикасига ишониш мумкин бўлса, қўшин сони эрамиздан аввалги IX асрда 120.000 кишига етган (Қадимги Шарқ учун бу мисли кўрилмаган рақам<sup>1</sup>).

Жанг аравалари билан бирга отлик аскарларни ҳам ишга сола бошлаганлар, улар тор-мор келтирилган душманни таъқиб қилиб боришда жуда катта иш берган. Осурлар қўшни мамлакатлардан кўра анча олдин, эрамиздан аввалги I минг йилликда темир қуроллар ишлата бошлаганлар. Махсус отрядлар ҳаво тўлдирилган мешлар устига ёғоч тушамалар солиб дарёларни кечиш учун вақтинча кўприклар қурганлар. Қалъалар қуриш техникаси ғоят юксак даражада бўлган. Осурлар душман истеҳкомларини қамал қилишда ҳам катта муваффақиятларга эришганлар. Қалъа деворлари ва минораларини махсус қалқонлар билан пана қилинган таранлар воситасида қулатганлар. Сўнг-ра осурлар жаҳон тарихида биринчи марта ўлароқ девор тешар отиш қуроллари ишлата бошлаганлар (греклар бу қуролларни баллист ва катапультга деб атаганлар). У вақтда портлайдиган моддалар маълум бўлмаганидан<sup>2</sup> тош ўқлар, ёниб турган қатрон тўлдирилган туваклар ишлатилган. Туваклар қаттиқ пишитилган ва тез ёзиладиган қайиш тасмалар билан ҳаракатга келтириладиган ричаглардан отилган. Осур қўшинларининг жанговар сафлари ғоят пухта ўйланиб тузилганлигини кўриб қадимги халқлар ниҳоятда ҳайрон қолган. Осур жангчиларида интизом жуда қаттиқ бўлган.

Шу билан бирга айтиш керакки, осур подшолари, саркардалари ва улар раҳбарлигидаги жангчиларнинг раҳмсизлиги ва қонхўрлиги, урушда ҳеч қачон инсонпарварлик кўрсатмаган бошқа Қадимги Шарқ қўшинларининг бизга маълум бўлган барча жабр-зулмлардан ошиб ўтиб кетган. Мағлуб бўлган душманларни энг ваҳшиёна усуллар билан жазолаш Осурияда энг оддий ва қонуний иш ҳисобланган. Ўз буюртмачиларининг дидини жуда

<sup>1</sup> Бу рақам жамлаб олинган тахминий рақам, албатта. Семитларда 120 рақами умуман муқаддас ҳисобланган (масалан, Утнапиштимнинг афсонавий кемасининг катталиги 120 қулоч квадрат бўлган). Ҳар ҳолда 120.000 рақами осурлар қўшинининг максимал планлаштирилган сонига мувофиқ бўлса керак.

<sup>2</sup> Дорини қадимги хитойлар билган холос, аммо уни ҳарбий эҳтиёжларга ишлатишни билмаганлар.



яхши билган йилномачилар ва рассомлар маглубларга нисбатан ишлатилган жабрзулм ва жазоларни бутун тафсилотлари билан айнан тасвир қилганлар. Тирлик кишиларнинг терисини шилиб олиш, кўзини ўйиш, лаб ва иягини тешиб арқон ўтказиш ва шу каби бошқа разил ихтиролар бўйсундирилган халқларни жазолаш ва қўрқитишнинг табиий усули ҳисобланган. Лекин разилликлар унча ёрдам бермаган, енгилган ва хонавайрон қилинган халқларнинг осур



Осурлар тарани

ҳукмронлигига қарши қўзғолонлари тинмаган. Қўшни мамлакатларнинг шафқатсиз таланиши қаттиқ қаршиликларига сабаб бўлган ва бир ўлканинг халқлари қайта-қайта бош кутариб чиққанлар. Янгидан-янги қаршилик ўчоқлари пайдо бўлган ҳамма жойга Осуриянинг асосий ҳарбий кучлари етиша олмаган. Шунинг учун ҳам осур қўшинлари гарчи яхши ташкил этилган ва мукаммал қуролланган бўлса-да, уларнинг муваффақиятлари мустаҳкам бўлмаган.

Эрамиздан аввалги IX аср давомида Осурия ундан олдинги асрларда йўқотган территорияларини анча ортиги билан қайтариб олган. Бутун Шимолий Месопотамия Осур давлатига қўшиб олинган.

Осур истилочилари Шимолий Месопотамияда мустаҳкамланиб олиб, ундан нари Сурияга, Финикияга ва уларга ёндош Кичик Осиё ўлкаларига бостириб кирганлар ва улардан ўлжа, хирож ва мажбурий тортиқлар тариқасида қимматбаҳо хом ашё, айниқса металл олиб кетганлар (биринчи навбатда уша даврда жуда зарур бўлган темирни олганлар).

Осур қўшнилари Шарқий Ўрта денгиз соҳилларига юрганларида ҳаммадан кўра, энг кучли арабий давлати бўлмиш Дамашқ подшолигининг қаттиқ қаршилигига дуч келган. Осур қўшинлари осур подшоси Салманасар III даврида (эрамиздан аввалги 859 — 824 йиллар) бу давлатга тўқнаш келган. Дамашқ жуда тезкор истилочига қарши II подшолик ва қабиладан иборат катта бир иттифоқ тузиб, осур қўшинларининг ғарби-жанубига борадиган йўлини тўсишга муяссар бўлган. Ҳал қилувчи тўқнашиш эрамиздан аввалги 853 йилда (Оронт дарёсининг бошида) Қарқара шаҳри ёнида юз берган. Бу жангда ниҳоят даражада кўп қон тўкилган. Гарчи Салманасар III, мен ғолиб келдим, 14000 душманни қириб ташладим, деб мақтанса ҳам, бу жангдан кейин изига қайтиб кетган, бу эса унинг нақадар кучли қар-



Ҳарбий асирларни қишанлайдиган бўғовлар

ши зарба олганлигидан далолат беради (Осур йилномачилари ўзларининг қанча жангчидан ажрагани тўғрисида лом-мим демайдилар).

Дамашқ подшоси бошчилик қилган иттифоқнинг бузилишигина Салманасар III нинг ишини ўнглаб олишига ёрдам берган. Осурларга қарши коалициянинг асосий иштирокчилари бўлган Дамашқ билан Исроил подшоликлари Иорданга шарқ томондаги ерлар устида жанжаллашиб, ўртада низо чиққан ва ўзаро узоқ урушганлар, бу албатта, Осурияга жуда қўл келган. Салманасар III Дамашққа қарши отланган, уни қамал қилган, атрофни вайрон қилган, шаҳар атрофидаги гуллаб-яшнаб турган боғларни кесиб, қийратиб ташлаган. Шаҳарнинг ўзини ишғол қилолмаган, аммо Ўрта денгиз қирғоқларига етиб борган, унда Тир, Сидон ва Исроил элчилари унга совғалар инъом қилишган. Шундай қилиб, Салманасар III ўзининг асосий душманини заифлаштиришга муяссар бўлган, лекин батамом тор-мор келтиришга қурби етмаган.

Салманасар III нинг ўзи ва ворислари (шу жумладан, невараси болалигида мамлакатни идора қилган машҳур Семирамида ҳам) жанубда, Бобилда осур тарафдорларидан фойдаланиб ўз таъсирларини дипломатия йўли билан мустаҳкамлашга уринганлар.

Осурия шарқда эрамиздан аввалги IX аср давомида Загрос тоғ тизмасининг этакларини (Осурияга зотли отлар юбориб турадиган Мидия йўлини) эгаллаш учун қаттиқ урушлар олиб борган.

Аммо Осурия шимолий чегараларида жуда катта қийинчиликларга дуч келган. Худди мана шу шимол томонда эрамиздан аввалги IX аср охирларида Осурия билан узоқ вақтлар рақобат қила оладиган хийла кучли давлат ўсиб келган. Бу—Биайн подшолигидир (Туркиядаги Ван кўлининг ҳозирги номи шундан келиб чиққан). Бу подшолик кўпинча осурлар атаганидек, Урарту деб юргизилади (библия тилида «Арарат мамлакати»<sup>1</sup>).

6. Урарту. Юқорида айтиб ўтилганидек, Осуриядан шимол томонда тоғли жойлар бошланган. Бу— Арман тоғлари бўлиб,

<sup>1</sup> СССР билан Туркия чегарасидаги Арарат тоғининг ҳозирги номи библиядаги ўша терминдан чиққан.



Жанг арава минган урарту жангчилари

ҳозир унинг анча қисми Туркия тупроғидадир. Унинг асосий тоғ тизмаси Арман Таври (Антитавр) дир.

Фротнинг икки боши ҳам шу жойдан бошланади, чап томонда эса тескари (шарқ) томон оқадиган Аракс дарёси бор. Бу мамлакатнинг энг муҳим кўллари Ван, Урмия ва шимолда Севан, (ҳозирги Арманистон ССР тупроғида) кўллари дир. Арман ясси тоғликлари деҳқончиликка боп ерларнинг камлиги билан Месопотамиядан фарқ қилади. Лекин бу ерларда ажойиб яйловлар бўлиб, мамлакат аҳолиси азалдан чорвачилик билан шуғулланиб келган. Фақат эрамиздан аввалги I минг йилликда ерни яхшироқ ишлашга имкон берган темир қуроллар ишлата бошлангандан кейингина деҳқончилик муҳим ўрин тутиб кетган. Бунда (айниқса Аракс водийсида) ҳатто суғориш ишлари ҳам олиб борилган.

Бу тоғлик жойларнинг аҳолиси этник жиҳатдан жуда хилма-хил бўлган, аммо аҳолининг асосий қисмини урартлар ташкил қилган. Урартлар тил жиҳатидан халқларнинг хуррит туруҳига мансуб бўлган. Шимоли-ғарбий вилоятда, Хайяс мамлакатида (Чорох ҳавзасида) ҳинд-европа аҳолиси кўпчиликни ташкил этган. Урартларни ўзларига сингдириб олган арман халқининг авлод-аждоди худди ўша жойдан келган деб фараз қилинади.

Урарт қабилаларининг иттифоқи бу ерларга юриш қилган осур подшоси Салманасар I замонида биринчи марта тилга олинган.



Одам бошли қанотли арслон  
(Урартудаги ҳайкалча)

Эрамиздан аввалги IX асрда Ван кўли бўйида Урарту подшолиги таркиб топа бошлаган ва у Осурияга қарши қаттиқ урушлар олиб борган, табиий, уртада тинч иқтисодий ва маданий алоқалар ҳам бўлган. Урартларнинг (хеттларники каби) ўз иероглиф ёзувлари бўлса-да, кенг ёйилмаган. Урарту подшолари аввал осур тилида, сунгра ўз тилларида миҳхат билан ёзишни афзал кўрганлар. Лекин осур миҳхатини урартлар жиддий равишда қайтадан ишлаб, уни хийла содда-лаштирганлар. Ортиқча кўп аломатлар олиб ташланган, миҳхат текстларини тушунишни қийинлаштирадиган жумбоқларини йўқотганлар.

Кўпинча тош тахталарга ўйиб ёзилган бу текстлар Урарту тарихини ўрганишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. Уларни ўрганишда мамлакатимиз олимлари — революциядан олдин М. В. Никольский, кейинчалик совет олимлари Г. А. Меликишвили, Г. А. Капанцян, Н. В. Арутюнянлар катта роль ўйнайди. Моддий маданият ёдгорликларини очиш ва текширишда И. А. Орбели, Б. Б. Пиотровский, А. А. Мартиросян ва бошқаларнинг хизмати каттадир. Урартуни текширган чет эл олимларидан А. Г. Сэйс, К. Ф. Леман-Хаупталарни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

Тушпа (Ван кўлининг шарқий қирғогидаги ҳозирги Ван шаҳри) Урартунинг пойтахти бўлган. Бу ҳамма томони тикка қоялар тепасидаги қўл етмайдиган истеҳком бўлган. Ван кўлининг сувини (жуда шўр бўлганлигидан) ичиб бўлмайди, шунинг учун ҳам эрамиздан аввалги тахминан 800 йилларда Урарту подшоиси Менуа қояларни йўниб водопровод ўтказишни буюрган, узок сойларнинг ширин суви ана шу водопровод орқали пойтахтга келган.

Эрамиздан аввалги IX асрда урартлар Осурияга қарши мудофаа урушлари олиб борган. Эрамиздан аввалги VIII асрда аҳвол ўзгарган. Урарту кучли давлат бўлиб бирлашган ва энди ўзи ҳам истилочилик сиёсатига ўтган. Шимолда у ўз чегараларини Аракс томон, шимоли-шарқда Қора денгизнинг жанубий қирғоқлари томон, шарқда эса Урмия кўли томон кенгайтирган.

Урарту Агишти I подшолик қилган замонда (эрамиздан аввалги тахминан 780 йиллар) айниқса кучайган. Унинг қўшнилари Кулха (грекча Колхида) мамлакатига бориб кирган. Араксининг чап қирғоғида унинг шарафига аталган Аргишти-хинили истеҳкомини қурдирган. Бу суви чучук Севан кўли қирғоқларига борадиган йўлни таъмин этган. Урартлар ғарбда Кичик Осиёга бостириб кирганлар, шарқи-жанубда Дажлага қуйиладиган Диала дарёсининг қирғоқларига етиб кирганлар. Шундай қилиб, янги давлат осур мулкларини икки томондан қуршаб қўйган.

Урарту истилочилари Осур истилочиларига ўхшаб ўн минглаб асирларини ҳайдаб кетганлар. Асирларининг бир қисми қулга айлантирилган, аммо тинмай кўйлаб келиб турган асирлар текин шкучига бўлган талабдан жуда оғиб кетганлигидан бир қисми қириб ташланган ва бир қисми тобе фуқаро сифатида аҳоли сийрак яшайдиган чекка ўлкаларга кўчирилган.

Қишлоқ хўжалигининг асосий ишлаб чиқарувчи кучлари жамоачилар бўлган. Қуллар меҳнати фақат боғдорчиликдагина муҳим ўрин тутган. Қуллар меҳнати кўпроқ устахоналарда ва Урарту подшолари ташкил қилган қурилиш ишларида фойдаланилган.

Урартуда ўша ижтимоий табақаланиш процесси қулдорлик тузуми ҳукм сурган бошқа қўшни мамлакатлар (Хетт подшолиги ва Осурия) дан кўра кеч бошланган. Подшонинг, зодагонларнинг (биринчи навбатда подшо оила аъзоларининг) ва ибодатхоналарнинг катта ер мулклари пайдо бўлган.

Урарту маданияти дастлаб қўшни осурлар маданияти таъсирида ривожланиб борган, аммо маҳаллий шароитга кўра Урарту маданияти ўзига хос тус олган ва баъзи ҳолларда шогирдлар домлаларидан ўтиб ҳам кетган.

Урартлар тараққиланган катта-катта тошлардан ажойиб бинолар қуриб, бу соҳада катта муваффақият қозonganлар.

Урартларнинг санъат асарларидан майда тошлар қадаб металлдан ясалган ҳайкалчаларни алоҳида кўрсатиб ўтиш керак. Бундай асарларининг подир намуналаридан бири бронзадан ишланган юзи киши сифат қилинган арслондир. Бронза ўқдон, дубулға ва қалқонга ўйиб ишланган ва жанг манзараларини ёки йиртқич ҳайвонлар (арслонлар, ёнғоқ ҳўкизлар) ҳаётини, баъзан эса муқаддас дарахтларни тасвирлаган сюжетлар ҳам муҳим асарлардир.

Заргарлик буюмларидан тахтага ўтирган маъбуда ва унинг олдида ибодат қилаётгандай турган аёл сурати солинган олтин медальонни ҳам айтиб ўтиш лозим.

Урарту адабиётининг биз жуда оз биламиз, чунки бизга подшолар қилган юришлар ва қурилиш ишларининг баёнларигина етиб келган, холос.

Эрамиздан аввалги VIII асрда Урартунинг қудрати чўққисига етган. Бу йилларда Аргуштининг иориси Сардури II Осурия-



Бурон худоси Тайшеба (Урартудиги хайкал)

га қақшатғич зарба берган. Урарту қушинлари Суриянинг ичкарасига кириб бориб, Осур давлатини Урта денгиз гаванларидан ажратиб қўйиш ҳамда уни ғарбдан келадиган хом ашё (қисман темир) дан маҳрум қилиш хавфини туғдирган.

Қулдор зодагонларга қарши кўтарилган халқ қўзғолонлари ларзага келтирган Осурия босиб олган ерларининг хийла қисмини қулдан бериб қўйган ва мамлакат ҳалокат ёқасида турган. Аммо бу сафар ҳам Осур қулдорлик жамияти чуқур ижтимоий ва сиёсий тангликни енгиб чиқишга муваффақ бўлган, у ўзининг илгариги қудратини тиклабгина қолмаган, балки ташқи ишларда мисли кўрилмаган муваффақиятларга эришиб, яна юз йилча гуллаб яшнаган.

7. Эрамиздан аввалги VIII-VII асрларда Осурия. Сулоланинг алмашилиши Осурия тақдирида бурилиш пайти бўлган. Давлат тўнтариши натижасида янги сулолани бошлаб берган Тиглатпаласар III ҳокимият тепасига келган. Тиглатпаласар III ўзидан олдинги подшоларнинг нобоп ички ва ташқи сиёсатидан кенг халқ оммасининг норозилигидан фойдаланиб бўлса керак, ҳарбий доираларга таяниб эски зодагонларга зарба берган. Ҳар ҳолда унинг ўзи ва ворис ўғли Салманасар V катта-катта ислохотлар ўтказган, у ислохотлар эса Осур давлатини вақтинча бўлса-да, мустаҳкамлаган.

Тиглатпаласар III (эрамиздан аввалги 745—727 йиллар) армияни тубдан қайта қурган, у давлат қарамоғидаги жангчилардан «подшо полки» тузган, уруш уларнинг ҳаёт манбаи бўлиб хизмат қилган. Хонавайрон бўлган жуда кўп киши енгил қуроолланган пиёда қушин сафига кирган. Енгил қуроолланган пиёдалар сони оғир қурооллар билан қуроолланган пиёдалардан икки баравар кўп бўлган. Кейингилар найзабардорлар бўлиб, улар металл совутлар кийган ва ғоят катта қалқонлар билан ўзларини ҳимоя қилган.

Зодагонлар ва аҳолининг бадавлат тоифаларидан тўлдирилиб турадиган имтиёзли

жанг арава ва сувори отрядлари ҳам ўз аҳамиятларини сақлаб қолган. Одатда ҳар бир жанг аравага иккита сувори, ҳар бир суворига иккита оғир қурооллар билан қуроолланган

пиеда аскар тўғри келган. Ҳар ҳолда қўшни тўплаганда ана шу нисбатни сақлашга ҳаракат қилганлар. Тиглатпаласар III маъмурий ислоҳот ҳам ўтказган, бу ислоҳот ўзи бек ноиблар қўл остидаги ҳаддан ташқари кенг ўлкалари бир қанча майда вилоятларга бўлишдан иборат бўлган.

Анча ихчамлашиб қолган ва сони хийла кўпайган янги вилоятларни подшонинг ишончли вакиллари идора қилган. Янги давлат аппарати ҳам жуда ихчамланган, ҳокимиятнинг марказлаштиришнинг кучайиши эски зодагонларнинг имтиёзларини чеклаш билан боғлангандир.

✓Салманасар V подшолик қилган даврда (эрамиздан аввалги 727—722 йиллар) қадимги пойтахт Ашшурнинг эски имтиёзларини бекор қилишга ҳам уринилган. Бу шаҳар азалданоқ солиқ ва мажбуриятлардан озод бўлган. Аммо подшо бу тadbирни амалга оширолмаган. Салманасар V катта мансабдорлар уюштирган фитна натижасида тахтдан туширилиб, ўрнига унинг қариндоши (бир жойда ўғай укаси деб кўрсатилган) Саргон II ни ўтқизганлар. У зодагонларга ён бериб, осур ибодатхона шаҳарларигагина эмас, балки Библ ибодатхона шаҳарларига ҳам имтиёзли иммунитет ёрлиғи берган. Тиглатпаласар III ва ворислари ғоят ғайратли, дадил ва фаол ташқи сиёсат олиб борганлар. Улар олдинги даврлардан мерос бўлиб қолган кўп қийинчиликларни енгишга муяссар бўлганлар. Асосий хавф шимол томонда бўлган. Шунинг учун ҳам Тиглатпаласар III тахтга ўтириши биланоқ асосий жанговар кучларини Урартуга қарши юборган. Урарту подшоси Сардури II Арпад ёнида тор-мор қилиниб, Суриядан суриб чиқарилган. Осуриянинг Ўрта денгиз билан алоқиси тикланган. Тиглатпаласар III ҳатто душманнинг пойтахти Түшпага зарба бермоқчи бўлган, лекин қудратли қалъани ишғол қилишга қурби етмаган. Лекин ҳар ҳолда осур чегараси шимолга қараб жилдирилган ва мустаҳкамланган. Шарқда Эрон тупроғида ҳам муваффақиятли юришлар қилинган. Осуриянинг қозонган муваффақиятлари айниқса порлоқдир. Бунда Осуриянинг азалги душмани Дамашқ подшолигини тор-мор келтиришга муваффақ бўлинган. Дамашқ ишғол қилиниб, аҳолиси янги ерларга кўчирилган. Исроил подшолиги территориясининг кўп қисмидан ажраган, устига хирож солинган. Финикия савдо шаҳарларидан энг бой Тир шаҳри осур подшосига жуда кўп олтин бериб, қутулиб қолган.

Жанубда Тиглатпаласар Бобилни ўз ҳукмронлиги остига олмақчи бўлган. Тўғридан-тўғри босиб олишга журъат этмай, бошқа ном (Пулу номи) билан ўзини Бобил подшоси деб эълон қилган.

Саргон II истилочилик сиёсатини давом эттирган. Подшолик қилишнинг аввал бошидаёқ (эрамиздан аввалги 722 йилда) Исроил подшолигининг пойтахти Самарияни ишғол қилиб, харобазорга айлантирган. Сурия ва Фаластиннинг кўп қисми Осурияга қарайдиган кичик-кичик вилоятларга бўлинган.

Эрамиздан аввалги 714 йилда Саргон II Урартуга яна зарба берган. У урартлар душман зарбасини кутмаган жойдан, Урмия кулини айланиб ўтиб, шарқ томондан мамлакат ичига кирган. Тугри, Саргон II урартларнинг пойтахти Тушпага зарар етказмаган, лекин урартларнинг муқаддас шаҳри Мусасирни ишғол қилиб, ундаги асрлар буйи подшоларнинг қимматбаҳо нарсалари тупланиб келган худо Халда ибодатхонасини шипшийдам қилиб талаган. Урарту подшоси Русо I мағлуб бўлгач, ўз-ўзини ўлдирган, унинг ворислари ўз мустақилликларини сақлаб қолган бўлсалар-да, Осурия билан тинч яшашга тиришганлар. Тез барта-раф қилинган чегара туқнашишларини ҳисобга олмаганда, икки давлат ўртасида давом этган қаттиқ кураш тугаган. Энди ҳар икки мамлакатнинг ҳам кучларини бошқа томонга йўналтиришга мажбур қилган хавfli душманлар пайдо бўлган.

Урарт подшоси Кавказ орқали Азов денгизи қирғоқларидан бостириб келаётган киммерийлар ҳужумини қайтариб туришга мажбур бўлган. Киммерийлар урарт ерларини босиб ўтиб, мамлакатнинг ғарбий чегараларида мустақамланиб қолганлар, кейинроқ эса (эрамиздан аввалги VII асрда) Кичик Осиёни вайрон қилиб, Эгей денгизи қирғоқларига чиқиб олганлар.



Тайшебаинидаги омбор (Б. Б. Пиотровский қазилмалари)

Урарту подшолари киммерийлар зарбасидан кейин тикланиб олиб, шимол ва ғарби-шимолга ҳужум сиёсатини яна бошлаганлар. Улар Севан кули ёнида айниқса маҳкам жойлашиб олганлар. Бундаги катта Тайшебаини шаҳри (ҳозирги Ереван яқинида) уларнинг таянч пункти бўлган. Бу шаҳар совет тадқиқотчиси Б. Б. Пиотровский ўтказган қазилмалардан бизга аниқ маълумдир. Бунда қудратли истеҳкомнинг деворларигина эмас, балки металл буюмлар омбори (бронза билан бир қаторда темир ҳам кенг ишлатилган), усимлик мойи олинадиган ва бошқа рўзгор буюмлари ишланадиган устахона ҳам текширилган. Бундан топилган нарсалар Тайшебаинининг фақат қалъагина бўлмасдан, балки ҳунармандчилик маркази бўлганидан ҳам гувоҳлик беради.

Шу тариқа Урарту жанубда Осурияга қарши актив курашишдан қайтиб, шимолдаги мулкларини сақлаб қолишгагина муваффақ бўлмасдан, балки у мулкларини (айниқса Севан кулининг унумдор зонасида) янада кенгайтиришга муваффақ бўлган.

Осурия ўз навбатида Бобилда ва Шарқий Урта денгизда устунлик қилиш учун олиб борган қаттиқ кураш билан банд бўлган. Бобилга келганда у маҳаллий кучларга қарши курашдан кўра ҳукмронликни даъво қилувчи бошқа душманлар билан кўпроқ курашишга мажбур бўлган. Эрон қўлтиғи қирғоғида халдей князликлари кучайиб қолган<sup>1</sup>. Ботқоқликлар билан ҳимон қилинган халдей князликлари Икки дарё оралиғига бостириб кириб, унда ўз ҳукмронликларини ўрнатиш учун қулай фурсат пойлаб юрганлар. Бобилга шарқ томондан авваллари бўлгани каби Элам таҳдид солиб турган. Бобилда бир томондан Осуриянинг, иккинчи томондан халдейлар билан Эламнинг тарафдорлари бўлган. Улар таъсирида бунда тўнтаришлар бўлиб турган. Олиб борилган урушларда гоҳ у томон, гоҳ бу томон ғолиб келган. Саргон II нинг ўзи ва унинг тахт вориси бўлган ўғли Синахериб (эрамиздан аввалги 705—681 йиллар) жанубий қўшнларига қарши бир неча марта юриш қилган. Синахериб Осурияга қарши гуруҳнинг қаттиқ қаршилигидан ғазабланиб, эрамиздан аввалги 689 йилда Бобилни ер билан яксон қилиб ташлаган. Аммо Осурия билан маҳкам боғланган эски маданий марказнинг вайрон қилиниши подшонинг ўз доирасида ҳам қаттиқ норозилик туғдирган. Унинг тахт ворислари бўлмиш ўғли Асархаддон (эрамиздан аввалги 680—669 йиллар) буни назарга олиб, Бобилни тиклаш тадбирларини кўрган ва Бобил билан тинч муносабатларни йўлга қўйишга ҳаракат қилган.

Ғарбда Синахериб ҳам, Асархаддон ҳам Мисрга қарши қаттиқ кураш олиб борган, у Осурияга қарши кўтарилган ҳар қандай қўзғолонни қўллаб-қувватлаб келган. Синахериб Финикия

<sup>1</sup> Халдейлар бобилликларга қариндош семит халқи бўлиб, кейинчалик бобилликларга қўшилиб кетган. Бобилга келиб кирган халдей жангчилари осур ҳукмрончилигига қарши олиб борилган курашда раҳбарлик роль ўйнаган.



қиргоқларида мустаҳкамланиб олиб яҳудий подшолигини вайрон қилган, лекин жуда яхши мустаҳкамланган Қуддусни ишғол қилолмаган. Ундан хирож тўлатиш билангина чегараланишга мажбур бўлган.

Асархаддон шимолда, шарқда ва жанубда ўзининг хавфсизлигини (ҳарбий ҳаракатлардан кўра дипломатик йўл билан) мустаҳкамлаб олиб, асосий кучларини ғарбга йўналтирган. Қўзғолон кутарган Сидонни тор-мор қилиб, бевосита Мисрга қарши отланган ва эрамиздан аввалги 671 йилда уни эгаллаб олган. У бунда ўзларини подшо деб атаган маҳаллий ҳукмдорлар ҳокимиятини сақлаб қолдирган ва анча кучли ва хавfli душмани бўлмиш Эфиопия сулоласига қарши курашда уларга таяниб иш кўришга уринган.

Осур давлати ўз қудратининг чуққисига чиққан. Унинг ерлари Загрос тоғларидан Урта денгиз ва Нил водийсигача чузилган, аммо осурлар шу кенг территорияни жипслаштиришга муяссар бўлолмаганлар. Қийратиш ва вайрон қилишлар, бутун-бутун халқларни мамлакатнинг бир бурчагидан иккинчи бурчагига ҳайдаб кўчиришлар айтарлик натижа бермаган. Мамлакатнинг айрим қисмлари ўртасида доимий ва маҳкам иқтисодий алоқалар бўлмаган. Осур ҳукмдорларининг ҳокимияти остида бирлашган халқларнинг тили, маданияти ва иқтисодий тараққиёти жиҳатидан бир-бирдан тафовути катта бўлган. Уларда бирлашиш учун зарур имкониятлар бўлмаган, улар ғоят катта империя таркибида асосан зўрлик билан сақланиб турганлар. Осур қўшинлари ғалаба қилар экан, кўпдан-кўп мамлакатлар, ва халқлар бирлашмасини сақлай олганлар, аммо биринчи муваффақиятсизлик рўй бериши билан бу мўрт қурама ларзага келиб, қулай бошлаган. Мана шу заиф томонларнинг бари энг сўнгги ва атоқли осур ҳукмдори Ашшурбанипал даврида (эрамиздан аввалги 669—630 йиллар)<sup>1</sup> яққол намоён бўлган.

Ашшурбанипал Осур подшолари ичида энг билимдони бўлган. У болалигидан бошлаб камондан ўқ отиш, жанг аравага қушилган отларни ҳайдаш санъатини ўрганиш билангина чекланмай, балки анча қийин миҳхатни ўрганишга ҳам кўп вақт сарф қилган, шу билан бирга у осур-бобил фани ва адабиётида эришилган ютуқлардан ҳам хабардор бўлган. Унинг билимдонлиги жойи келганда бошқа осур подшолари кўрсатгани каби шафқатсизлик кўрсатишига ҳеч халақит бермаган. Бўртма суратлардан бирида унинг дилбар хотини билан базм қилиб, арфа ва тимпан овозлари билангина эмас, балки қонхўрлик манзарасидан ҳам (душманлардан бирининг кесиби олинган боши ёғочда осилиб турибди) лаззатланиб ўтиргани тасвирланган.

Ашшурбанипал ташқи сиёсатда ғоят жиддий ғайрат кўрсатган. Ҳаммадан кўра уни Миср билан Бобил безовта қилган. У

<sup>1</sup> Ашшурбанипалнинг ўлган йили аниқланмаган. Уни гоҳ 633, гоҳ 626 ва ҳоказо дейдилар.

сонин озлик қилган ҳарбий кучларига ишонмасдан мураккаб дипломатик комбинациялар ишлатган, табиий унинг бу комбинациялари ҳадеб муваффақиятли бўлавермаган. У подшолик қила бошлаган вақтлардаёқ Мисрга икки марта қушин юборган, бундаги эфиопияликлар унинг энг ашаддий душмани бўлган. Иккинчи марта қилган юришида Фивани тор-мор келтирган, бундан кейин у ўзини тиклаш олмаган, етакчилик родини тамомила йўқотган, фақат муқаддас марказлик аҳамиятини сақлаб қолиб, аввалгидай зиёратгоҳ бўлиб қолаверган.

Мисрнинг жанубида мустаҳкам маъқега эга бўлган эфиоп подшоларига қарама-қарши ўлароқ Ашшурбанипал шимолий Миср подшоларига таяниб иш куришга уринган, у Урта денгиз олами билан иқтисодий ва маданий жиҳатдан боғланган Саис шаҳрини айниқса қўллаб-қувватлаган.

Лекин унинг бу қилган дипломатик мўлжаллари пуч бўлиб чиққан. Ашшурбанипалнинг иттифоқдошлари унинг қўлида ўйинчоқ бўлишни хоҳламаганлар ва бир неча марта хиёнат қилганлар. Осур подшоси баъзан хиёнаткорларни кечириб сабр ва матонат кўрсатган, зарур бўлган тақдирда таъқибдан қўра кўнгил овлаш, сотиб олиш йўлини ҳам тутган, аммо уларнинг ҳеч қайсиси ёрдам бермаган.

Саис ҳукмдори Псамметих Осуриянинг ёрдамидан фойдаланган, лекин қатъий пайт келганда унга қарши чиққан ва осурларга ҳам, эфиопларга ҳам бош эгишни хоҳламасдан, ўз мамлакатининг мустақиллигига эришган. Шундай қилиб, Ашшурбанипалнинг Нил водийсида мустаҳкамланиб олиш йўлидаги уринишлари тамомила барбод бўлган.

Жануби-шарқда актив сиёсат юргизиш билан бирга шимолий чегарада кучайиб келаётган хавф билан ҳисоблашмай илож бўлмаган. Тўғри, Урарту энди хавф туғдирмаган ва у Осурия билан тинч яшашга интилган, аммо Кавказ томондан қўзғалиб келаётган урушқоқ қабилалар тулқини урартлар учун ҳам, осурлар учун ҳам барабар хавф туғдирган.

Қичик Осиё ярим оролининг кенг далаларида ҳукмронлик қилаётган киммерийлар Эгей ва Урта денгизларга чиқишга уринган. Уларнинг ҳаракатини тўсиш ниятида ярим оролнинг ғарбий чеккасидаги Лидия давлати билан иттифоқ тузган, у билан бўладиган муносабатлар ва алоқа денгиз орқали бўлган. Лидия подшоси Гигес осур подшосининг олий ҳокимиятини ўз ҳоҳиши билан тан олган, бу албатта, ғоят катта дипломатик муваффақият бўлган, аммо Мисрнинг иттифоқдан чиқиб кетиши ишни тамомила бузиб қўйган. Псамметих Гигес билан яқинлашган. Уларнинг иккиси ҳам Осуриянинг кучайишидан қўрққан ва Осуриянинг ҳарбий ёрдамига эҳтиёж қолмаганидан кейин унга бўйсунини истамай қўйганлар. Ашшурбанипалнинг бахтига киммерийларнинг ғарбдаги янги тазйиқи Лидияни заифлаштирган ва ғарбда юз берган танглик бир қадар бўшашган.

Аммо жанубда аҳвол яна оғирлашган. Ашшурбанипал Бобил

билан муносабатни яхшилашга уринган. У дадасининг маслаҳатини қабул қилиб, ҳатто Бобил тахтини укаси Шамашшумукинга топширган. Аввал бошда ака-ука тотув яшаган лекин кейинчалик (эрамиздан аввалги 652 йил) Бобил подшоси тула мустақилликка эришиб, Осурия назоратини йўқотиш ниятида Элам билан яқинлашган ва акасига қарши очиқдан-очиқ қўзғолон кўтарган. Осурияга қарши даҳшатли иттифоқ юзага келган, бу иттифоққа Мидия (ғарбий Эронда) билан Сурия чўлларидаги кўчманчи араб қабилалари жалб қилинган. Руй берган бахтсизликка яна бахтсизлик қўшилган: энг катта Финикия шаҳри Тир қўлдан кетган ва шундай қилиб, Урта денгизга чиқадиған йўл таҳлика остида қолган. Ашшурбанипал ғоят кўп куч ва ғайрат сарф қилиб, ўша юз берган тангликдан эсон-омон чиқиб олган. Бобил ишғол қилинган ва жуда қаттиқ тор-мор келтирилган. Ашшурбанипалнинг исёнчи укаси ёнғин ичида қолган саройида куйиб ўлган. Жуда кўп бобилликлар очликдан ҳалок бўлган, кўчаларда ётган ўликлар итларга, чўчқаларга ва йиртқич қушларга ем бўлган. Аммо Бобилнинг асосий иттифоқдоши Элам ҳали ҳам хавф туғдириб турган.

Ашшурбанипал подшолик қила бошлаган биринчи кунларда-ноқ ҳар қанақа ён беришлар, ҳатто тўғридан-тўғри сотиб олиш йўли билан ҳам бу мамлакатнинг бетарафлигини таъминлашга уринган. Эламда экин ҳосилсизлиги юз берганда унга Осуриядан жуда кўп дон юборган. Иккинчи томондан, осур подшоси эламларнинг подшо уруғи ичида низо туғдиришга ҳаракат қилган, бу мамлакатдан келган қочоқларни дўстона қабул қилган, унда осур тарафдорлари гуруҳини тузишга уринган.

Лекин барча ҳаракати беҳуда кетган. Мисрдаги каби Осур подшосининг ҳеч қандай ваъдалари ва ҳеч қандай совға-тортиқлари ёрдам бермаган. Бобилнинг тор-мор келтирилишидан элабийликлар қўрқувга тушмаган. Улар билан бошланган уруш 10 йилга чўзилган ва ниҳоят (эрамиздан аввалги 640 йилда) Эламнинг пойтахти Суза ишғол қилиниб, вайрон қилиниши билан тамом бўлган. Душман мамлакати обдон хонавайрон қилинган, кули кўкка совурилган.

Аммо бу кураш осур давлатини тамомила кучдан тойдирган. Ашшурбанипал ғарбга қилган юришида фақат Тир билан Аккагача келиб ва шу шаҳарларни тинчитиб, изига қайтиб кетган (лекин Тирнинг орол томони ҳар вақтдагидек бутун қолган). Мисрни қайтариб олиш ва Кичик Осиёга кириб боришни хаёл қилиш ҳам мумкин бўлмаган. Ашшурбанипал подшолигининг сўнгги йиллари тўғрисида деярли ҳеч қандай маълумот йўқ, аммо унинг ворисларига мамлакатни ҳалокатдан қутқазиб туғрисида бош қотиришга тўғри келган. Шимолдан киммерийлар кетидан янги урушқоқ гала—скифлар бостириб кела бошлаган. Улар Кура ва Аракс этакларида жойлашиб олган ва ундан ҳар томонга юришлар қилиб турган. Ана шундай юришлардан бирида улар Сурия билан Фаластинни тор-мор келтириб бунда осур ҳукмронлигига

тамомила путур етказган ва Миср чегараларига келиб етган. Бундан қути учган Псамметих скифларга жуда кўп совғалар бериб қутулган ва скифлар изига қайтиб кетган. Шундай қилиб, скифларнинг босқини ҳаммадан кўп Осурияга зарар етказган.

Бироқ Мидия энг хавfli асосий душман бўлиб чиққан. У эрамиздан аввалги VII асрда тарқоқ эрон қабилаларини бирлаштириб ва Эламнинг ҳалок бўлишидан фойдаланиб, Месопотамиядан шарқда энг қудратли давлат бўлиб олган. Тўғри, скифлар босқинидан Мидия ҳам бир қадар зарар кўрган бўлса-да, Геродотнинг айтишига қараганда, мидияликлар урушқоқ кўчманчиларнинг ҳовурини пасайтиришга ва ҳатто скифларнинг ҳарбий тактикаси билан бутун мамлакатга донги кетган отлиқ ўқчи отрядларини ўз томонларига тортишга муваффақ бўлганлар.

Эрамиздан аввалги 626 йили халдей ҳокими Набуналасар Бобилда ҳокимиятни қўлга олиб, Бобил Осурия таъсиридан яна чиқиб кетган, бу эса Осурияга қатъий зарба бўлиб тушган. Набуналасар амални Осурия хизматида ноиблик вазифасидан бошлаган ва қулай фурсат пойлаб Бобилни мустақил деб эълон қилган, у халдей аскарларига таяниб Янги бобил (халдейлар) подшолигига асос солган. Набуналасар Мидия подшоси Киаксар билан иттифоқ тузиб, эрамиздан аввалги 615 йилда иккиси икки томондан Осурияга ҳужум бошлаган. Улар Ашшурни ишғол қилиб, Синахериб замонидан бошлаб осур давлатининг пойтахти бўлиб келган Ниневияга томон йўл олганлар. Эрамиздан аввалги 612 йилда Ниневияни ишғол қилиб, осур подшоларининг саройига ўт кўйганлар. Аммо Ашшурбанипалнинг кутубхонаси вайроналар остида қолиб кетиб, сақланиб қолган. «Сопол китоблар»нинг кўпи токчалардан ағдарилиб парча-парча бўлиб кетган бўлса-да, ёнғинда куйиб зарарланмаган. Эрамизнинг XIX аср ўрталарида уларни инглиз археологлари топиб олгунча бу китоблар икки ярим минг йил ер тагида ётган.

Осур армиясининг қолдиқлари ғарб томонга Харрапга, сўнгра эса Фрот бўйидаги Қархемишга қараб чекинган. Қутилмаганда уларга иттифоқдош чиқиб қолган, у ҳам бўлса Миср фиръавни Нехао бўлган. Янги ташкил топаётган катта давлатларни кўриб туғилган даҳшат собиқ рақибларни — ҳалок бўлиб бораётган Осурия билан истилочилик сиёсатини тиклашга уринаётган Мисрни бирлаштирган.

Эрамиздан аввалги 605 йилда Бобил шахзодаси Навуходносор (Набуналасарнинг ўғли ва келгусида катта шўҳрат қозондиган подшо) мидияликларнинг ёрдами билан Миср-Осур бирлашган қўшинларини Қархемиш ёнида бўлган жангда тор-мор келтирган. Шу зарбадан кейин осурликлар қаршилик қилолмай қўйган. Сиёсий ва маданий марказларидан маҳрум бўлган осурликлар мустақилликларини тиклай олмаганлар ва бошқа қабилалар асосан арамейлар билан аралашиб сингиб кетганлар, уларнинг (осур-бобил тилига яқин) тилини ҳам қабул қилганлар.

Тахминан шу вақтнинг ўзида Урарту давлати ҳам қулаган. Мидияликлар унинг пойтахти Тушпани ишғол қилган, улар кетидан скифлар келиб, мамлакатнинг шимолий районларини қийратиб ташлаганлар ва Тайшебаини (ҳозирги Арманистон ССР даги Кармир — Блурни) босиб олганлар. Унинг харобалари то Б. Б. Пиотровский бошлиқ археологлар келиб қазигунга қадар кўмилиб ётган.

Урарту давлати қулаб кетгандан кейин урарт тили ўрнини ғарби-шимол томондан (Хатасдан) кўчиб келган қабилалар тарқатган арман тили эгаллаган. Мамлакатнинг ўзи ҳам эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб Арманистон деб аталган, аввалги Урарту номи эса бориб-бориб эсдан чиқиб кетган.

8. **Осурия маданияти.** Осурия маданияти тўғрисида озгина гапириш мумкин. У асосан Бобил аъналарига эргашган. Осуриянинг сарой ва ибодатхоналаридаги кутубхоналари ҳамда мактабларида бобил адабиёти ва ундан қадимийроқ шумер адабиёти асарлари кўчириб ёзилган ва шу асарлар ўрганилган. Табиий, бунга кўпинча мустақил хусусиятлар ҳам киритилган. Осур йилномалари айниқса ўзига хос йилномалардир. Уларнинг баъзилари тарихий романларга ўхшаб кетади. У йилномаларда табиат тасвирлари ва адабий портретлар усули ҳам қўлланилган. Ханжартиги сингари осмонни ёриб кирган тоғ чўққилари, подшонинг жанг аравасини қўлда олиб текис жойга чиқаргунча подшонинг ўзи сакраб-сакраб ўтишга мажбур бўлган тоғнинг қия поғоналари ва селоблар ва ш. к. ғоят бадиий тасвир этилган. Душманларнинг макр-ҳийласи, уларнинг қўрқоқлиги, мағлуб бўлганларнинг қаттиқ ваҳимага тушиши, қамалнинг даҳшати ва бошқалар ғоят кўпиртириб, муболаға билан тасвирланган. Шунга ўхшаш сюжетларни олиб рассомлар расм чизганлар. Улар ўз қахрамонларининг жисмоний кучини соф натуралистик тарзда, мускулларини бўрттириб тасвирлаганлар, унинг пинагини бузмай хотиржам ҳолатига зид ўлароқ бетартиб душманлар гудаси эсанкираган, саросимага тушган қилиб кўрсатилган.

Осурларнинг дини бобилликлар динининг тушунча ва ақидаларини такрорлаган. Аммо пантеон бошида осурликларнинг ўз худоси Ашшур турган.

Осур давлати яшаган сўнгги асрларда арамейлар таъсири кучайган. Асархаддон подшонинг сафдоши донишманд Ахикар тўғрисидаги қисса ўша даврда пайдо бўлган. Қиссага киритилган халқ мақоллари тўплами ҳам шу донишманд қаламига мансуб деб ҳисобланган. Осур давлати қулагандан кейин арамей тили ва маданияти Олд Осиёда кенг тарқалган ва маълум даражада уларнинг таъсири Ўрта Осиё билан Ҳиндистонда ҳам сезилади.

Туркия, Эрон, Ироқ ва қисман СССРда яшовчи осурлар (айсорлар) ўзларининг аввалги тилини йўқотиб, арамейларга аралашиб кетган осур авлодларидир деган тахмин ҳам бор.

## ЯНГИ БОБИЛ (ХАЛДЕЙЛАР) ПОДШОЛИГИ

1. Халдейлар Бобилининг юксалиши. Осур давлати тор-мор келтирилгандан кейин Яқин Шарқда бир қанча вақт кучларнинг маълум мувозанати пайдо бўлган. Мидия билан Бобил Осурия меросини ўзаро тинч-тотув бўлишиб олган. Бобилга бутун Қуйи Месопотамия ва шу билан бирга Юқори Месопотамиянинг Фрот ўрта оқимига ёндош қисми ҳам теккан. Шу туфайли Бобилга Сурия орқали Урта денгиз қирғоқларига борадиган йўл очилган. Бобил Кичик Осиёни даъво қилмаган, бу ярим оролда ҳукмронликни бўлишган икки давлат билан: (ғарбда) Лидия ва (жанубда) Киликия билан дўстона муносабат боғлаган.

Шундай қилиб, Бобилнинг шарқий, шимолий ва ғарби-шимолий чегараларида тинчлик ҳукм суриб, унинг экспансияси ғарбга ва ғарби-жанубга йўналтирилган. Халдейлар сулоласи ҳукмрон бўлган Бобил яна иқтисодий ва маданий равнақ топган. Шаҳарнинг икки марта (Синахериб ва Ашшурбанипал вақтида) тор-мор қилиниши натижасида юз берган қаттиқ ларзалар уни барбод қилиб юборолмаган. У ҳар гал ўзини тез тиклаб олган ва янгидан-янги кўчкинчиларни ўзига жалб қилган. Осурия билан Урартунинг энг муҳим шаҳарларининг қулаши Бобилнинг Олд Осиёда асосий халқро марказ бўлиб тикланишига ёрдам берган.

Набуपालасар тузган давлат Янги Бобил ёки Халдейлар подшолиги деган ном олган. Бунда шуни назарда тутиш керакки, халдейлар келиб чиқишлари ва тили жиҳатидан бобилликларга яқин халқ бўлган ва маҳаллий аҳоли билан жуда тез сингишиб кетган. Кейинчалик «бобиллик» ва «халдей» сўзлари синоним бўлиб қолган.

2. Экономикаси. Янги Бобил подшолиги экономикасида анча силжишлар рўй берган. Ҳунар-касб ва савдо-сотиқ аввалги даврларда мисли кўрилмаган даражада равнақ топган, бунга эса осур рақибларининг йўқ қилинганлиги сабаб бўлган.

Бобил шаҳри ва авваллари кўпроқ қишлоқ хўжалиги билан боғлиқ бўлган бошқа катта-катта шаҳарлар энди чинакам савдо-ҳунармандлик марказларига айланган. Уларнинг кўпи автоном шаҳарлар бўлиб, подшо ҳокимияти улар билан ҳисоблашишга мажбур бўлган. Ундаги энг муҳим ишларни бутун-бутун компанияларга (қариндошлик алоқалари билан боғланган компаниялар бўлса керак) — «хонадонлар»га бирлашган корчалонлар бажарган. Савдо-судхўрлик билан шуғулланувчи «Эгиби хонадони»нинг таъсири айниқса баланд бўлган. Авваллари подшо мулки ҳисобланган ирригация системалари ҳам секин-аста хусусий мулкдорлар қўлига ўтган.

Савдо-сотиқ ишларида қўчинлар муҳим ўрн тутган. Бой ва қудратли қўчинлар билан рақобат қилишга қурби етмаган халдей

ҳарбий зодагонлари уларга нисбатан анча заиф бўлган. Янги Бобил давлатининг Осуриядан энг муҳим фарқи ана шудир.

Бобилдаги қишлоқ аҳолисининг аҳволи жуда оғирлашган. Солиқ ва мажбуриятларнинг оғирлиги қишлоқ аҳолиси зиммасига тушган, чунки катта шаҳарлар солиқ ва мажбуриятлардан озод қилинган. Қуллар сони ва меҳнатда уларнинг ҳиссаси (шаҳарларда айниқса) кўпайган.

**3. Кулчиликнинг характери.** Янги Бобил подшолигининг расмий ҳужжатларида юзлаб қуллар тилга олинган.

Шу нарса муҳимдирки, қуллар меҳнатидан фойдаланиш йўллари жуда ҳам ўзгарган. Эски Бобил подшолиги вақтида қулга пул ишлаб келиши учун баъзан рухсат берилган ва унинг (албатта хўжайиннинг назорати остида) ўзи ҳам ўз хўжалигини юргиза бошлаган бўлса, энди Янги подшолик даврида Рим пекулийсига<sup>1</sup> ўхшаган тартиб жуда кенг қўлланилган. Ўзининг хусусий устахонаси ёки дўкони бўлган қул хўжайинига хўжалигидан олган соф фойданинг маълум улушини бериб туришдан ташқари, ўз нархининг 1/5 миқдорида пул тўлаб туриши лозим бўлган. Агар қулнинг омади келиб қолса, бойиб ҳам кетган, ўзига қул сотиб олган ва ҳатто баъзи ҳуқуқларга ҳам эга бўлган. Унинг суд билан мустақил алоқа қилиши ва озод кишилар билан шартномалар тузиши мумкин бўлган, аммо барибир тўла равишда хўжайини ихтиёрида қолаверган, хўжайини уни истаган вақтда сотиб юбориши ёки унга жазо бериши мумкин бўлган.

**4. Ташқи сиёсат.** Янги Бобил подшолигининг энг гуллаб яшнаган даври Навуходонсор II подшолик қилган даврдир (эрамаздан аввалги 604—562 йиллар). У дадаси Набупаласар подшолик қилган вақтдаёқ армияга бош бўлган, дадаси ўлгандан кейин эса унинг актив истилочилик сиёсатини давом эттирган.

Сурия билан Фаластинга азалги даъвосидан қайтмаётган Миср Навуходонсорнинг энг ашаддий душмани бўлган. Айни замонда халқаро савдо-сотиқда фаолияти кучайиб Ўрта денгиздаги таянч пунктларига эҳтиёжи ортиб бораётган Янги Бобил подшолиги у таянч пунктларини Мисрга беришни истамаган.

Мидия, Лидия ва Киликия билан иттифоқ тузиб, орқа томонини мустаҳкамлаб олганидан кейин Навуходонсор осур подшоларидан фарқ қилиб, жанговар кучларининг кўп қисмини Мисрга қарши отлантириши мумкин бўлган. Миср фиръавнлари бу курашда жуда катта дипломатик усталик ишлатган, улар ҳарбий кучларгагина ишониб иш қилмасдан, майда давлатларни, айниқса Яҳудия подшолиги билан Тирни Бобилга қарши қилиб қўйганлар. Яҳудияда Мисрга тарафдор гуруҳ бўлган, сарой зодагонлари айниқса Мисрга мойил бўлиб, Яҳудиянинг кейинги подшолигига кучли тазйиқ курсатганлар.

<sup>1</sup> Латинча «пекулий» сўзи — ҳақиқий мулкдорнинг ижозати билан мулкка (қулга ҳам) шартли эгаллик деганидир.

Иеремия пайғамбари Мисрға мойил ҳукмрон гуруҳга қарши чиққан. У ўзининг оташин нутқларида Бобилга қарши курашмасликка чақирган, бу курашин у фойласиз ва ҳалокатга олиб борадиган иш деб ҳисоблаган. Иеремия бундай чиқишлари учун бир неча марта таъқибга учраган. Бир марта яҳудий мансабдорлари уни чала қурган эски қудуққа ташлаганлар, у лойга ботиб улишига сал қолган.

Иеремиянинг барча норозиликлари, панд-насиҳатлари ва даҳшатли башиоратларига қарамай, Яҳудия подшолиги узил-кесил Миср томонига ўтган ва Навуходоносор Мисрға қарши узоқ вақт курашишига мажбур бўлган.

Навуходоносор биринчи гал Қуддусни эгаллаганида шаҳарни аяб аҳолининг бир қисmini асир қилиб ҳайдаш ва подшоли ал-маштириш билан кифояланган. Ўз кишиси Цидкияни тахтга ўтказган.

Аммо бу кор қилмаган. Янги подшо бир оз иккиланнишдан кейин Мисрға мойил зодагонларнинг тазйиқи билан Иеремиянинг насиҳатларига қулоқ осмай, Бобилга қарши кураш бошлаган. Ўз аҳолининг хавфли эканини тушуниб ва ички зиддиятларни бир қадар юмшатиш ниятида у қарз учун қул қилинган кишиларни озод қилишни буюрган, аммо унинг бу ислоҳоти муваффақият қозонмаган. Дастлаб имкон тугилиши биланоқ худо қаҳри билан қўрқитган Иеремиянинг ғазабли нутқларига қарамай, яҳудий қулдорлар ичган қасамларини бузганлар ва озод қилинган қулларни яна қайтиб асоратга солганлар. Бу орада Навуходоносор яна Қуддус деворлари ёнига ҳужум қилиб келган ва уни олдинги давомида қамал қилиб тургандан кейин, Бобил аскарлари шаҳар деворларини тешганлар (эрамиздан аввалги 586 йил), подшо Цидкия қочиб қутулмоқчи бўлганида асир тушган ва кўр қилинган. Унинг ўғиллари ўлдирилган, пойтахтнинг бутун аҳолиси асир қилиниб, Бобил ерларига ҳайдаб олиб кетилган. Фақат деҳқонларгина ўз жойларида қолган. Лекин уларнинг ҳам кўп қисми Мисрға ўтиб кетган ва мамлакат ярим аср давомида хувиллаб қолган.

Финикия билан курашиш Яҳудиядан кўра Навуходоносорга оғир кўчган. Урта денгизда Миср флоти Бобил душманларига кўмак бериб юрган, чунки кейингиларининг ўз денгиз кучлари бўлмаган. Тир шаҳри жудаям қаттиқ қаршилик кўрсатган. Унинг оролдаги қисмига умуман бобилликларнинг қули етмаган. Пировард натижада кураш ўзаро келишиш билан тугаган: Тир Навуходоносорнинг олий ҳокимиятини тан олган ҳолда ўзининг автономлигини тўла сақлаб қолган.

Навуходоносор Мисрға бостириб киришга уринган, аммо унинг бу юриши манбалардаги ғира-шира маълумотларга қараганда, айтарли натижа бермаган. Иккинчи томондан, Миср фиръавнлари ҳам бир замонлар Фаластин ва Финикия устидан бўлган ҳукмронликларини яна тиклаш тўғрисидаги амалга ошмайдиган даъволаридан кечишга мажбур бўлганлар.



Навуходоносор истилочилик урушларида ўлжа қилиб олинган жуда кўп маблағларни ва асир қилиб ҳайдаб келинган ишкучини (айниқса ҳунармандларни битта қўймай, ҳайдаб келганлар) қурилишларда ишлатган. Бобил уч қатор девор билан дуршаб олинган ҳамда янги қурилган муҳташам бинолар уни безатиб турган. Ибодатхонанинг ажойиб минораси (зиккурат) тикланган, махсус платформалар устида тоғ манзараларини эслатиб турадиган «осма боғлар» деб ном олган жуда ажойиб парк барпо этилган<sup>1</sup>.

Навуходоносор эришган катта муваффақиятларига ва қудратига қарамай, мураккаб халқаро аҳволга ҳушёрлик билан тўғри баҳо бериб, Шарқ томондан бўладиган хатардан хавфсираб турган. У Мидия билан сулҳ тўғрисидаги битишув вақтинчагина тинчлик беради деб билган ва мамлакатнинг шарқ-шимолий чегараларини мустаҳкамлашда катта ғамхўрлик кўрсатган. Унда ўзи соғ вақтидаёқ «Мидия девори» деб аталган бутун бир истехкомлар ва шлюзлар системасини қурдирган. Зарур бўлиб қолганида мамлакатнинг анча қисмини сув бостириб душман йўлини сув билан тўсиш мумкин бўлсин учун ўша иншоотлар қурилган. Яхши ҳамки, Навуходоносорнинг ўзига у иншоотлардан фойдаланишга тўғри келмаган, чунки у подшолик қилган даврда шарқий қўшниси билан тотувлиги бузилмаган.

**5. Бобилнинг қулаши.** Навуходоносор ўлиמידан кейин Бобил да коҳинлар билан ҳарбий зодагонлар ўртасидаги тўқнашишлар туфайли, ғалаёнлар бошланган. Атиги етти йил ичида учта подшо алмашинган, эрамиздан аввалги 555 йилда тахтни коҳинлар тарафдори Набонид эгаллаган ва у Янги Бобилнинг сўнгги подшоси бўлган<sup>2</sup>. Унинг подшолик даври фитна ва қўзғолонлар ичида ўтган. Бир вақт у ҳатто резиденциясини ўзи истило қилган Тейму ҳавзасига (Шимолий Арабистонга) кўчирган ва подшогининг охирларидагина Бобилга қайтиб келган.

Мидия билан бўлган иттифоқ Набонид вақтида бузилган, низо чегара шаҳри Харран (Месопотамиянинг шимолий-ғарбидаги шаҳар) устида бошланган.

Эрамиздан аввалги 550 йили эронликлар томонидан босиб олинган Мидиянинг қулашидан Набонид хурсанд бўлган, чунки бу унга Харранда мустаҳкамланиб олишга имкон берган. Лекин унинг тантанаси узоқ давом этмаган. Эрон Мидиядан кўра хавфлироқ душман бўлган.

Эрон шоҳи Қайхисров Бобил тупроғига бостириб кирган хавфли бир пайтда, Набонид диний ислоҳот ўтказишга киришган. У

<sup>1</sup> Навуходоносор бу боғни хотини учун барпо қилган, чунки унинг хотини тоғлик Мидияда туғилган ва Бобилда ўз ватанини кўз олдига келтирадиган манзара яратишни талаб қилган экан. Кейинчалик бу «осма боғлар»ни Осур маликәси Семирамид учун қурилган дейилган, аммо бу хатолар.

<sup>2</sup> Библия анъанасига кўра Бобилнинг сўнгги подшоси Валтасар бўлган. Валтасар ажойиб афсоналарда мақтаган ва Европа поэзиясида (масалан, Ж. Хейненинг балладасида) ҳам акс эттирилган. Аслида Валтасар подшо бўлмаган эмас, у Набониднинг фарзанди—шаҳзода бўлган.

вилоятлардаги ибодатхоналарда бўлган барча худоларнинг ҳайкалчаларини пойтахтга келтиришни буюрган. Унинг бу тадбири шаҳарларда айниқса даромаддан маҳрум бўладиган маҳаллий коҳинлар орасида қаттиқ норозилик туғдирган. Уруш ҳаракатлари натижасида савдо-сотиғига катта зарар етган Бобил савдогарлари Қайхисровга бўйсунишга тўғри келса ҳам кулфатли урушнинг тугашини истаганлар, улар бепоён Эрон давлати тупроғида савдо-сотиқни кенгайтиришдан умидвор бўлганлар. Ҳаммадан кўра Яҳудиядан кўчириб келтирилган аҳоли эронликларнинг келишини хоҳлаган, улар Эрон подшоси бизни «Бобил асирлигидан» озод қилиб ватанимизга қайтарар деб ишонганлар.

Бундай вазиятда Бобилни на шлюзларни очиб юбориб атрофни сув бостириш ва на мустаҳкам қалин деворлар сақлаб қолиши мумкин бўлган. Эронликлар ўз тарафдорларининг ёрдамида шаҳарга бостириб кирганлар ва озгина вақт кўча урушларидан кейин шаҳарни тамомила эгаллаганлар (эрамиздан аввалги 539 й.)<sup>1</sup> Шу тариқа Бобил Аҳманийлар давлатининг таркибий қисми бўлиб қолган.

## XX БОБ

### ҚАДИМГИ ЭРОН ВА УРТА ОСИЁ

1. **Табий шароити.** Месопотамиядан шарқ томонда атрофи тоғ тизмалари билан қуршаб олинган бепоён Эрон қирлари ёйилиб ётади. Тизма тоғлардан, юқорида биз неча марта тилга олинган, Эронни Дажла ва Фрот ҳавзасидан ажратиб турган Загрос тоғ тизмасини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Шимол томондаги Элбурс тизма тоғи Қаспий денгизининг жанубий қирғоғи бўйлаб ўтади, шимоли-ғарбда эса Копет-Доғ билан Помир тоғлари Эрон билан Урта Осийнинг чегарасини ташкил қилади.

Жанубда Эронни Эрон қўлтиғи ўраб олган. Эрамиздан аввалги III минг йилликда, балки ундан ҳам олдин Олд Осий Ҳиндистон билан ўша қўлтиқ орқали алоқа қилган. Ҳиндистоннинг энг қадимги бадий буюмлари, кейинроқ эса (эрамиздан аввалги I минг йилликда) «дарахтда ўсадиган жун» (яъни пахта) Икки дарё оралиғига худди ўша йўл билан келтирилган. Ҳиндистоннинг, шунингдек, Урта Осий ва бошқа олисроқ мамлакатларнинг Эрондан ўтадиган қуруқ йўллар орқали ўзаро алоқалари фақат эрамиздан аввалги I минг йилликнинг ўрталаридагина бошланган. Ундан олдин ҳам Осий қитъаси ичидаги баъзи материаллар (масалан, Помирнинг лажуварди, Забайкальенинг яшмаси) иккинчи ёки учинчи кўлдан Урта денгиз оламига бориб кирган. Лекин кўпдан-кўп тўсиқлар бундай айирбошлашнинг доимий ва бевосита бўлиб туришига халақит берган.

Шимолий зонада музлик даврининг тугаши билан иқлимнинг умумий ўзгариш процесси шарқнинг бошқа мамлакатларига

<sup>1</sup> Набонид асир тушган, ўғли машҳур Валтасар эса қаттиқ қаршилик кўрсатиб, кўча жанглирида ҳалок бўлган.

бўлгани каби Эронга ҳам ғоят кучли таъсир кўрсатган. Марказий Эроннинг анча қисми, шарқий Эроннинг кўп вилоятлари секин-аста чўлга ва баъзи жойлари сувсиз сахрога айланиб борган. Бунда кўчма чорвачилик устун бўлган, аммо икки ўрқачли туялар (Бақтрия туяси) етиштириш алоҳида ўрин тутган. Бу туялар эрамиздан аввалги I минг йилликда Осурияда ҳам жуда оз бўлса-да пайдо бўлган. Деҳқончилик ўчоқлари Эроннинг чекка ўлкаларида, ерни сой сувлари билан сугориш мумкин бўлган жойларда ташкил топган. Урта Осиёда, Эрондан фарқ қилиб наст текислик кенг жойни эгаллаган. Эроннинг дарёлари қадим замондаёқ кичик ва камсув бўлган, аммо Урта Осиёни Сирдарё ва Амударё каби азим дарёлар кесиб ўтган. Шу нарса муҳимки, Амударё эрамизнинг I мингинчи йилликнинг ўрталаригача ғоят серсув бўлиб, Каспий денгизининг ғарбий қирғоғигача бориб етган. Қуриб қолган Узбўй ўзани ҳозирги кунда ҳам бунга гувоҳлик бериб турибди, бу ўзан ҳозир Орол денгизига қуядиган азим дарёнинг Каспийга қуядиган этаги бўлган.

Лекин Дажла, Фрот ва Нил сувларини жиловлашдан кўра Амударё сувини ўзлаштириш анча қийин бўлган ва бунда ирригация ишлари анча кейин (эрамиздан аввалги I минг йилликдагина) бошланган. Деҳқончилик маданиятининг энг қадимги ўчоқлари Орол денгизи бўйларида эмас, балки анча жануброқда Эронга чегарадош районларда (ҳозирги Тожикистон билан Ўзбекистон территориясида) бўлганлиги аниқланди. Археологлар бунда эрамиздан аввалги V минг йилликдаёқ деҳқончилик бўлганидан далолат берувчи арпа, бугдой донлари ва уй ҳайвонларининг суякларини топдилар, аммо айна замонда Амударё ҳавзасида ҳали овчилик ва балиқчилик ҳукм сурган.

2. **Аҳоли.** Эрон билан Урта Осиёнинг қадим замондаги этник составини аниқлаш жуда қийин. Фақат бир нарсани комил ишонч билан айтиш мумкинки, эрамиздан аввалги II минг йилликкача бундаги тилларда на семит ва на ҳинд-европа тилларига ўхшашлик бўлган. Бундаги тиллардан бизга маълум бўлгани эламий тилидир, бу тил Эроннинг жануби-ғарбида устунлик қилган, аммо узоқ қадимда эламий тили анча нари, шарқ ва шарқи-шимолда ҳам тарқалган бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Фақат эрамиздан аввалги II минг йилликда, аynиқса I минг йилликда этногенез манзараси ойдинлашиб борган. Урта Осиё ва Эронда ҳинд-эрон қабилалари пайдо бўлган. Улар шимол томондан келган деб фараз қилинади. Улар ҳинд-европа қабилаларининг хийла кенг оиласидан ажралиб чиқиб, ўз навбатида ҳинд ва эрон (туғрироғи эрон тили) гуруҳларига бўлиниб кетган.

Эрамиздан аввалги I минг йиллик бошларига келиб ғарбий Эронда эрон тилида гапирувчи қабилалар яшаган, буни осур йилномачиларидан бизга етиб келган бир қанча районларнинг ономастика ва топонимикаси исботлайди.<sup>1</sup>

<sup>1</sup> Бу материалларни совет эроншуноси Э. А. Грантовский батафсил ўрганган.

**3. Манбалар.** Эрон ва Урта Осиёнинг хўжалиги ва ундаги ижтимоий муносабатлар тўғрисида биз асосан археология ёдгорликларидан биламиз. Узоқ ўтмишнинг акс садолари, шунингдек, тожик халқининг аجدодлари (зенд тилида) яратган ва кейинроқ Эронда кенг тарқалган ажойиб асар — Авестанинг илк қатламларида сақланган.

Хилма-хил ҳужжатлардан иборат бутун бир архив бизгача фақат Эламдан етиб келган. Эрамиздан аввалги VI асрдан бошлаб Аҳманийларнинг ёзувлари пайдо бўла бошлаган. Бизга маълум Бехистон ёзувини ўрганиш миҳхатни ўқиб чиқаришга асос бўлди. Кўп масалаларни ҳал этишда Геродот, қисман Ктесий ва бошқа антик дунё авторларининг асарлари ёрдам беради.

**4. Элам.** Эрон халқларидан юқорида бир неча марта тилга олинган элабийлар ҳаммадан олдин тарих саҳнасига чиққан. Элабийлар мамлакати Форс қўлтиғига қуядиган икки дарё — Керха билан Каруна дарёлари ҳавзасини ва шимол томонда унга туташган тоғлиқ Анчан улқасини ишғол қилган. Эламининг пойтахти Суза (Керхи бўйидаги) текисликда жойлашган бўлган. Археологлар бундан (эрамиздан аввалги IV—III асрлардаги) энеолит ёдгорликларини айниқса бадий жиҳатдан юксак, нақш солинган сопол буюмларни топганлар.

Шу нарса муҳимдирки, Элам бутун тарихи давомида Икки дарё оралиғи билан маҳкам алоқада бўлган ва бу алоқа унинг экономикаси ҳамда маданиятига таъсир кўрсатган. Шу нарса ҳам ибратлидирки, Эламда пайдо бўлган узига хос ёзув системасини маҳаллий пиктография асосидаги иероглификани ғарбий қўшнлардан ўзлаштириб олган миҳхат эрамиздан аввалги III минг йилликда сиқиб чиқарган. Дастлаб миҳхат текстлари аккад тилида ёзилган, эрамиздан аввалги II минг йилликда эса элабий тилида ёзила бошлаган. Эламининг Икки дарё оралиғидаги давлатлар билан бўлган сиёсий муносабатлари кўп ўзгариб турган. Вақт-вақти билан Элам Аккадга (эрамиздан аввалги XXIII аср) ва Шумерга (Урнинг III сулоласи вақтида — эрамиздан аввалги XXI асрда) қарам бўлиб қолган. Аммо бунинг акси юз берган ҳоллар ҳам бўлган, Элам подшолари ғарбий қўшнларининг кучсизланиб қолганликларидан фойдаланиб, уларга қарши ҳужумга ўтган. Масалан, эрамиздан аввалги XX—XVIII асрларда тарқоқлик ва ўзаро урушлар даврида Элам Дажла ва Фрот ҳавзасида ўз назоратини ўрнатган.

Эрамиздан аввалги II минг йилликда элабийлар яна кучайиб кетиб, Бобилга юришлар қилган.

Эламининг ижтимоий муносабатларида қўшни Икки дарё оралиғига ўхшаган жойлари кўп бўлган. Аммо, шу билан бирга, маҳаллий хусусиятлари ҳам бўлган, албатта. Бунда таркиб топган синфий жамият шароитида ҳар хил матриархат қолдиқлари Икки дарё оралиғидан кўра узоқроқ сақланган, бу қадимги Мисрда рўй берган шу сингари аҳволни ёслатади. Чунончи, ер участкалари тамомида аёллар ихтиёрида бўлган. Тахт мерослиги-

нинг ўзига хос тартиби ҳам ибратлидир: тахт отадан ўғилга ўтмаган, балки акадан укага ўтган (фратнархат)<sup>1</sup>.

Эрамиздан аввалги VIII—VII асрларда Элам билан Осурия ўртасида жуда қаттиқ ва кескин кураш борган ва бу кураш Ашшурбанипал қўшинларининг Сузни тор-мор келтириши билан тугаган. Шундан кейин Элам мустақил ўрин тутмаган, аммо эламий тили форс ва бобил тиллари билан бирга яшайверган. Беҳистун ёзувининг уч тилда бўлганлиги бунга далилдир.

Эламнинг қулаши янги халқларнинг, энди бу гал эрон тили гуруҳидаги мидий ва форсларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган.

**5. Мидия.** Тарқоқ мидий қабилалари ягона қабила иттифоқига бирлашганлар. Бу иттифоқ Мидиянинг ўзинигина эмас, балки Эроннинг бошқа районларини, жумладан, Персидни ҳам ўз ичига олган. Персид эса кейинчалик мамлакатда раҳбарлик роль ўйнаган.

Грек аънаналарига кўра, Мидия давлатини подшо қилиб сайланган Дейок деган киши барпо қилган ва якка ҳокимлик ўрнатган. Мидия пойтахти Экбатана (ҳозирги Ҳамадон) ни барпо қилган киши ҳам ўша дейдилар. Экбатана оддий бир қишлоқ бўлиб, Дейок уни бир неча девор билан қуршаб олинган мустаҳкам қалъага айлантирган.

Аммо Мидия аслида эрамиздан аввалги VII асрдагина қўтарилган. Тўғриси айтилганда, ҳали у вақтда Мидия чинакам давлат бўлмаган, балки шунчаки қабилалар иттифоқи бўлган, холос. Бу иттифоқда олий ҳукмдор билан бир қаторда унга тобе бўлган бошқа подшолар (аслида қабила бошлиқлари) ҳам бўлганлиги тилга олинган.

Мидия ҳукмдорларидан энг атоқлиси ва Мидия давлатининг айна ташкилотчиси Қияксар<sup>2</sup> бўлган (эрамиздан аввалги 625—585 йиллар). У Осуриянинг Бобил ва Эламга қарши кураши натижасида заифлашиб қолганлигидан, бутун Олд Осиёга скифларнинг босқинчилик ҳужумидан имкон борича фойдаланган. Урушқоқ шимолий қабилаларнинг бу ҳаракатидан гарчи қисман бўлса-да, Мидиянинг ўз территорияси ҳам зарар кўрган бўлишига қарамай, Қияксар скифларни тинчитган ва ҳатто ўз хизматига оғдиришга муваффақ бўлган.

Осурия Эламни тор-мор келтиргани билан уни ўзлаштиришга куч ва имконияти қолмаган, кейин Элам Мидиянинг таъсир доирасига кириб кетган. Қияксар ўзини тиклаб олган Бобил билан иноқлашган. Қадимги авторлар Қияксарнинг қабилалардан терилган лашқарлардан иборат аввалги терма қўшини ўрнига мунтазам армия барпо қилиши унинг энг катта муваффақияти деб ҳисоблайдилар.

<sup>1</sup> Элам тарихини ўрганишда совет мутахассислари М. А. Дандамаев ва Ю. Б. Юсифовларнинг тадқиқотларини алоҳида кўрсатиб ўтиш керак.

<sup>2</sup> Бу эронча Хуваштра деган номнинг грекча формаси.

Осурия билан кураш ажойиб ютуқ билан тамом бўлган. Кияксар эрамиздан аввалги 612 йилда Осуриянинг пойтахти Ниневияни эгаллаган ва осур меросини Бобил подшоси Набупаласар билан бўлишиб олган. Урарту территориясининг каттагина қисми ва Кичик Осиёнинг шарқий қисми — Каппадокия ҳам Мидия давлати таркибига кирган.

Мидия ер-мулкларининг ғарбга қараб кенгайиши шу билан тугаган. Лидия билан уруш Кияксар учун жуда оғир бўлган ва у (Бобилнинг воситалигида) шарқ билан грек олами ўртасидаги савдо-сотик ишларини ўз қўлида ушлаб турган қудратли ва бой давлат билан битишишни афзал кўрган. Кияксар билан Лидия подшоси Алиатт ўртасидаги битимга мувофиқ Галис дарёси икки давлатнинг чегараси бўлиб қолган.

Кияксарнинг ўғли, Мидиянинг охирги подшоси Астияг даврида Янги Бобил подшолиги билан бўлган дўстона муносабатлар бузилган. Уртада низо чиқишга ҳар икки томон даъво қилган чегарадаги Харран шаҳри сабаб бўлган. Мидия қўшинлари ғарбда Бобил подшоси Набонидга қарши жуда шиддатли жанглар билан банд бўлиб турганида Эроннинг жануб қисми — Мидия подшосининг олий ҳукмронлиги остидаги форс подшолиги Астиягга қарши қўзғолон кўтарган.

Қўзғолонга Аҳманийлар хонадонидан бўлган ва Мидия ҳукмронлиги остидаги бошқа ҳокимлар каби подшо унвони олган Кайхисров II<sup>1</sup> бошчилик қилган. Геродотнинг айтишича (у анча ишончли анъанадан фойдаланган бўлса керак) Кайхисров Астиягнинг (она томондан) невараси бўлган. Бунда шу нарсани ҳам назарда тутиш керакки, мидийлар билан форслар бир-бирига яқин қариндош халқлардир. Грек авторлари баъзан ҳатто форсларни мидийлар деб атайдилар, уларнинг бундай дейиши тасодифий нарса эмас, албатта. Эроннинг асосий халқини ташкил этган форслар билан мидийларнинг тиллари ва маданиятларида умумийлик кўп бўлган.

Кайхисровнинг қўзғолони эрамиздан аввалги 553 йилда бошланиб уч йил давом этган. Астияг бу курашда катта ғайрат кўрсатган, лекин армиянинг бир қисми ғарбда банд бўлганлиги ва ўз ичидан хоинлар чиққанлиги туфайли иш пачава бўлган. 550 йилда Астияг тахтидан ағдарилиб, бир қанча вақтдан кейин ўлдирилган (нақлларга кўра Кайхисров бундан беҳабар бўлган) ва Мидия форсларга тобе қилинган.

6. Аҳманийлар давлатининг ташкил топиши. Кайхисровнинг Астияг устидан қилган ғалабаси натижасида қадимий форс давлати вужудга келтирилган ва (Аҳман барпо қилган подшо хонадонининг номи билан) Аҳманийлар давлати деб юргизилади. Бу

<sup>1</sup> Ҳозирги замон тарихчилари унча машҳур бўлмаган буvasи Кайхисровдан фарқ қилиш учун уни Кайхисров II деб атайдилар. Антик дунё авторлари адаш бувани (эрамиздан аввалги V асрда яшаган) неварадан фарқ қилиш учун катта Хисров деб атаганлар.



Фергана жангчилари

давлат (эрамиздан аввалги 330 йилгача) икки асрдан зиёдроқ яшаган. Эронликларнинг жанубий авлоди бўлмиш форслар бу давлатда асосий ўрин тутганлар. Мидийлар иккинчи ўринда бўлганлар, уларнинг кўнчилиги Кайхисров томонига ўтиб, эвазига анчагина имтиёзларга эга бўлганлар.

Мидийларнинг мағлубиятидан Вобил подшоси Набонид хурсанд бўлган, негаки мидийлар таҳдид солиб турган ой худоси Синанинг муқаддас шаҳри Харранинг хавфсизлиги уларнинг мағлубияти билан таъмин этилган. Лекин янги давлатнинг барпо қилиниши Кайхисровнинг бундан кейинги истилочилик режаларидан хавф олган габрий қўшнилариини ташвишга солган.

Форслар подшосига қарши катта бир иттифоқ тузилиб, бунга Эроннинг бевосита қўшилари (Янги Вобил подшолиги, Лидия) гина эмас, балки янча олис Миср ҳам қўшилган. Шунингдек, Грециядан ҳам ёрдам келиши кутилган.

Турли давлатларнинг бундай кенг кўламдаги (Осурияга қарши иттифоқни эслатадиган) иттифоқнинг тузилиши қадимги дунёда халқаро алоқаларнинг мустақамланиб ва ривожланиб боришидан гувоҳлик берган.

Шундай жиддий тадбир кўрилишига қарамай ҳамма бир вақтда ҳаракат бошлашга муваффақ бўлинмаган. Лидия подшоси Крез иттифоқчиларига қараб ўтирмасдан, ҳаракатни вақтидан олдин бошлаб бутун ишни бузиб қўйган. Шу нарсани ҳисобга олиш керакки, бу даврда Лидия халқаро майдонда ғоят катта роль ўйнаган. Эрамиздан аввалги VII асргача Эгей денгизига қуядиган Герм ва Миандра дарёларининг унумдор водийсида жойлашган кичкина бир давлат бўлиб келган Лидия ўша асрдан эътиборан тезда кенгайиб ва кучайиб кетган ҳамда эрамиздан аввалги VI аср ўрталарида равнақининг чуққисига чиққан.

Лидия иқтисодий ва сиёсий вазиятнинг қулайлигидан фойдаланган. Бу давлатда хунармандчилик ғоят тараққий қилган, ундаги бўёқчилик устахоналари айниқса шуҳрат қозонган, улар жун газлама ва фил суякларини тўқ қизил рангга бўяшда Финикия устахоналари билан рақобатлашган.

Олтин қум қазиб чиқарилиши пул хўжалигига ўтишни тезлаштирган. Танга пуллар биринчи марта эрамиздан аввалги VIII асрда Мидияда пайдо бўлган ва бу пулларни дастлаб мидияликлар ихтиро қилган дейдилар. Танга пулларни табиий равишда кумуш аралашган олтин электронидан зарб қилишган.

Ҳар ҳолда Лидия савдогарлари пул хўжалигининг тараққий қилиб бораётганлигини кўрсатадиган, савдо-сотиқ муомалаларида қимматбаҳо металлларни тарозига солиб тортиб ўтиришдан халос қиладиган янги усулларни дастлаб кенг равишда қўлланлардан биридир.

Лидиянинг сўнги подшолари Алиятт ва Крез даврида мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти сиёсий қудратнинг кучайиши билан қўшилиб борган. Кичик Осиёнинг катта қисми, шу жумла-



дан, грекларнинг денгиз бўйидаги (Милетдан бошқа) колониялари ҳам Лидия ҳукмронлиги остига тушиб қолган.

Қайхисров Лидияга қарши отланиб, уларнинг танланган отлиқ қўшинини тор-мор келтирган. Қайхисров лидийларга қарши уларга маълум бўлмаган туя миниб жанг қиладиган аскарларни юборган. Шундан кейин форс подшоси жадал зарба билан Лидиянинг пойтахти Сардани ишғол қилган.

Лидиядан кейин Бобилга навбат келган. Бобил подшолигининг ички низолар туфайли кучсизланиб қолганлигини юқорида айтиб ўтган эдик; у энди ўзининг қудратли мудофаа иншоотларини Қайхисров қўшинига қарши ишлата олмаган. Қайхисровнинг ўзи (бизгача етиб келган ёзувларда) «Бобилга осойишталик билан кириб келдим» деган ва муқаддас шаҳарнинг барча имтиёзларини тасдиқлаб унинг худоларига ҳурматини изҳор қилган. Иккинчи томондан Қайхисров тоқатсизлик билан унинг келишини кутиб турган яҳудийларни ўз томонига оғдирган. Бир вақтлар бобилликлар ҳайдаб олиб келган бу яҳудий аҳолисининг умиди пуч бўлмаган. Қайхисров уларни «Бобил қуллиги» дан қутқазиб Фаластинга қайтиб кетишларига ва қайтиб Қуддусни тиклашларига рухсат берган. Мисрга мўлжалланаётган ҳужум учун зарур плацдарм ана шундай қилиб Қайхисров қўлига кириб қолган. Қайхисров худди шу мақсадини амалга ошириш ва Ўрта денгиз соҳилларида ўз ҳокимиятини мустаҳкамлаш учун Финикиянинг савдо-сотиқ шаҳарлари билан муроса қилишга ҳаракат қилган, чунки бу шаҳарларнинг флотидан фойдаланишни мўлжаллаган.

Ғарбда янада истилочиликни давом эттириш тўғрисидаги фикрларини амалга ошириш Қайхисровнинг ўзига насиб бўлмаган, негаки у шимоли-шарққа, Ўрта Осиёга чалғиб кетган.

Бу вақтга келиб, Қаспий денгизидан шарққа қараб чўзилган бепеён территориянинг экономикасида катта силжишлар юз берган. Гарчи бир қадар кечикиброқ бўлса-да темирнинг қўлланила бошлаши (эрамиздан аввалги VII—VI асрлар) деҳқончиликни хийла тараққий қилдиришга имкон берган. Амударё ҳавзасида Хоразм (ҳозирги Ўзбекистон ССР) асосий қишлоқ хўжалик райони бўлган, бунда жуда катта ирригация ишлари қилинган ва шу билан азим дарёнинг ўжар сувини жиловлаганлар. Мураккаб каналлар ва шлюзлар қурилган. Бундаги деҳқончилик маданиятининг равнақи бизга, асосан совет археологлари (С. П. Толстов ва бошқалар) ўтказган қазишлардан маълумдир.

Деҳқончилик маданиятининг иккинчи ўчоғи (ҳозирги Туркменистон ССР тупроғидаги Мурғоб водийси) Марғиёнада бўлган.

Ўша деҳқончилик зоналари атрофидаги бепеён чўлларда псдачи сак-массагет қабилалари кўчманчилик қилган. Қайхисров шимоли-шарқий ўлкаларни қатъий ўзиники қилиб ва унумдор Амударё водийсига олиб борадиган йўللарни қўлга кири-

тиш ниятида мана шу урушқоқ қабилалар устига ўзи учун фожияли юриш қилган. Шу бепоён чўлларда форслар қўшинини душман қуршаб олган ва ундаги жанглардан бирида Кайхисров ҳалок бўлган. Геродотнинг гапига кўра массагетлар маликаси истилочининг танасидан жудо қилинган калласини қон билан тўлдирилган мешга солган ва мана энди қонга тўй, деб хитоб қилган. Маҳаллий анъаналардан олиб чиққан бу афсонада Қора денгиз бўйларидаги ва Тоғли Олтой скифларига қариндош эркин сак қабилаларининг доим истилога интилган босқинчи форс подшоисига қарашлари ифода этилган.

Лекин Кайхисровнинг мағлубияти ва ҳалокати Аҳманийлар давлатининг кенгайиб боришига тўсиқ бўлмаган. Мисрға бостириб кириш ниятида Кайхисров тайёрлаган ишни унинг ўғли Қўмбиз (эрамыздан аввалги 529—523 йиллар) амалга оширган. У ҳам отасига ўхшаб ҳарбий тадбирлар билан бирга дипломатия усуллариини ҳам ишлатишга ҳаракат қилган. Қўмбиз ўзинини қўшинлариини Фаластинга тўплаб, Синай саҳроси орқали Миср чегараларига борадиган йўлларга эгалик қилувчи араблар билан битишишга киришган. Шу орқали у ўз қўшинини туяларларда ташиладиган сув билан таъмин қилган. Денгизда форсларнинг ўз флоти бўлмаган, аммо улар финикияликларнинг ва қисман грекларнинг кемаларидан тула фойдаланганлар<sup>1</sup>. Бунинг устига XXVI сулоланинг сўнгги фиръавнлари вақтида денгиз кучларига қўмондонлик қилган мансабдор<sup>2</sup> хоинлик қилган деган гап ҳам бор. Бундан ташқари Мисрдаги грек ёлланма аскарларининг командири Фанат очиқдан-очиқ Қўмбиз томонига қочиб ўтиб, унга ғоят катта хизматлар кўрсатган. Форс қўшинлари Миср чегараларига яқинлашиб қолган пайтда Мисрнинг бағайрат фиръавни Амасис тўсатдан ўлиб қолган.

Мана шу ҳамма шоқулай вазиятларга қарамай, Миср қўшинлари Пилусия ёнидаги чегара жангларида истилочиларга қаттиқ қаршилиқ кўрсатган. Шундан 70 йилдан кейин Геродот шу ерга келиб жанг майдонини томоша қилган ва унда ғоят кўп ўлдирилган кишиларнинг суякларини кўрган. Форслар бу жангда Миср аскарларининг мардлигини букишга муваффақ бўлганлар, кейин уларнинг муваффақиятига ҳеч нима тўсқин бўлмаган. Мимфис босиб олинган ва Амасиснинг ўғли фиръавн Псамметих III фақат бир неча ой подшолик қилиб асир тушган (кейинроқ қатл қилинган).

Қўмбизнинг Эфиопияни бўйсундиришга уриниши муваффақиятсиз бўлган. У табийи говлардан ўтолмаган ва ўз мустақиллигини ҳимоя қилаётган аҳолининг қаттиқ қаршилигини сиздира олмаган.

<sup>1</sup> Қўмбиз Самос оролининг тирани Поликрат билан иттифоқ тузган. Поликрат Ф. Шиллер ва В. А. Жуковскийнинг машҳур балладаларида куйлангандир.

<sup>2</sup> Унинг оти Ужагорресентдир. У ўз ёзувида форс подшоларининг ховатини ўзига кўрсатилган беҳад ҳурмат ва эъдирилган соғғалар билан мақтанади. Лекин бу гаплар шубҳалидир.

Форс давлатининг ўзида ҳам ишқаллик туғилган. Кайхисров вақтида рия қилинган эски патриархал одатлар билан Қўмбизнинг ҳисоблашмай қўйганлигидан ва унинг мустабидлик ҳатти ҳаракатларидан ҳарбий зодагонлар доирасида норозилик туғила бошлаган. Қўмбиз ўзининг укаси Бардияни хоинликда шубҳа қилиб, фитначилар унга таяниб иш куради, деб ўлдиришга маърифий буйруқ берган. Аммо бу ҳол воқеанинг тезлашишига сабаб бўлган, холос. Шаҳзоданинг ўлдирилганини деярли ҳеч ким билмаган ва афти-башараси Бардияга жуда ўхшаган Гаумата деган бир мидий қоҳини бундан фойдаланиб, қўзғолонга бошчилик қилган. Форс давлати, Мидия ва бошқа мамлакатлар унинг томонига ўтган.

Қўмбиз қўзғолонни тинчйтиш ниятида шоша-пиша Мисрдан ватанига жўнаган, лекин қайтишда жуда сирли ва шубҳали вазиятда ҳалок бўлган (овозаларга кўра, у тасодифан қоқилиб ўлган ханжарига ўзи қадалиб ўлган эмиш).

Лекин Бардия номини олган Гаумата мамлакатни узоқ вақт идора қилолмаган. У истило қилинган мамлакатлар аҳолисини таяниб иш кўрган, уларни бир неча йил олдин солиқларидан озод қилган. Бироқ Эроннинг ўзида қаршиликка дуч келган ва агар унга душман (Беҳистун ёзувларини ёзган) йилномачиларнинг гапига ишонадиган бўлсак, у бир қанча зўрликлар қилган: жамоа ерлари ва уйдаги кишиларни (қулларни бўлса керак) тортиб олган, қабила ибодатхоналарини ваён қилган.

Форс ҳарбий зодагонлари орасида янги подшонинг қаллоблиги тўғрисида овозалар тарқалиб кетган. Еттита мансабдор фитна уюштириб, натижада Гаумата ўлдирилган. Фитначилар тахтни Аҳманийлар хонадонининг уруғ-аймоғидан бўлган Гистаспнинг ўғли Дорога топширишган. Доронинг тахтга эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисида қаршиликлар ва баҳслар бўлган, аммо шу баҳс ва қаршиликларни бартараф қилиб, тахтга бўлган ҳуқуқини мустаҳкамлаш учун у Кайхисровнинг қизига уйланди.

**7. Доро I (эрамиздан аввалги 522—486 йиллар)** ва унинг ислоҳотлари. Доро I тахтга ўтириши биланоқ мамлакатнинг турли бурчакларида (Бобилда, Эламда, Лидия ва бошқа жойларда) бошланган қуролли қўзғолонларга қарши шиддатли кураш олиб боришга мажбур бўлган. Эрамиздан аввалги 522 йил бутунлай ўша қўзғолонларни бостириш билан ўтган.

Доро I тахтга мустаҳкам ўтириб олгач, кўп қабилали давлатининг бутун бошқариш системасини қайта қуришга киришган, маъмурий ва молиявий ишларга доир бир қанча ислоҳотлар ўтказган. У мамлакатни 20 та сатрапга бўлган. Ҳар бирининг тепасига ноиб (сатрап) қўйилган. Бу вилоятларда жойлаштирилган қўшин қисмларига алоҳида ҳарбий бошлиқлар қўмондонлик қилган. Шу билан бирга сатраплар билан ҳарбий бошлиқларнинг бир-бири устидан чақимчилик қилишлари рағбатлантирилган. Ҳар иккаласининг ҳам чақимчилиги, уларнинг ўз

вазифаларини виждонан ҳалол бажарганликларининг аломати ҳисобланган.

Бундан ташқари бутун мамлакатга «подшонинг кўзи ва қудоғи» деб галати ном олган назоратчилар юборилган. Истаган бир киши устида шубҳа туғилиши биланоқ ушлаб олиниб, гарчи у сатрап бўлса ҳам қатл қилиниши мумкин бўлган.

Жуда кенг давлатнинг турли қисмлари ўртасида алоқани осонлаштириш мақсадида тош терилган кенг йўллар қилинган. Бу йўлларнинг энг каттаси (Персеполь, Эқбатан ва Бобил билан бир қаторда Аҳманийларнинг резиденциясига айлантирилган) Суза (Эламининг собиқ пойтахти) дан Эгей денгизи қирғогидаги греклар колонияси Эфесга олиб борган. Бу йўлларда бир-бирига яқин от бекатлари қўйилган. Чопқир от минган чавандозлар подшонинг хатлари ёки посилкаларини (эстафета тартибида) бир бекатдан иккинчисига олиб борганлар.

Солиқлар системасига алоҳида эътибор берилган. Доро I ни «савдогар»<sup>1</sup> деб атаганлари бежиз эмас. Аввалги тасодифий ва тартибсиз йиғимлар («тортиқлар») ўрнида ҳам пул билан ва ҳам маҳсулот билан туланадиган бадалларнинг аниқ суммаси белгиланган. Мамлакатнинг форс қабилалари жойлашган асосий қисми Персидадан бошқа бутун территорияга хирож солинган. Хирожнинг умумий суммаси 1400 талант (400 тонна) кумушга етган. Унинг энг оғир қисми энг бой сатрапларга, яъни Бобил билан Миср ўлкаларига тушган.

Солиқларни тушлаш учун воситачилардан фойдаланлар. Бу олғир корчалонлар солиқларни сотиб олиб тегишли пулни олдиндан хазинага топширганлар, кейин аҳолидан ортиғи билан шилиб олганлар. Бобилдаги савдогар-судхўр «Мурашу хонадони» нинг йиртқичликлари тўғрисидаги ҳужжат сақланган. Бу корчалонлар компаниясининг вакиллари форс амалдорларига очикдан-очик пора берганлар, унинг эвазига амалдорлар таланган аҳолининг шикоятларини натижасиз қолдирганлар.

Ўз давлатининг турли қисмлари ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кучайтириш савдо-сотиқни ва пул ҳужалигини жонлантиришни кўзлаб, Доро I Лидия ва Грециядаги каби танга пул тартибини ўрнатган. Олтин дарик (8 грамм олтин) асосий танга пул бўлиб, уни фақат подшо зарб қилдирган (кумуш танга пулларни эса сатраплар ҳам зарб қилдириши мумкин бўлган).

Доро I ғайрат билан самарали ташқи сиёсат олиб борган. У бир замонлар Қайхисровни тор-мор қилган сак-массагетларни енгишга муваффақ бўлган ва Ўрта Осиёга чиқадиган йўлни очган.

Кейинчалик, Геродотнинг айтишича, форс подшолари Амударёдаги шлюзларни ўз қўлларига олганлар ва бу уларга деҳқон-

<sup>1</sup> Форслар «ота» деб атаган Қайхисров ва «мустабид» деб атаган Қўмбиздан фарқлаб Дорога шундай лақаб берганлар.

ларин сувдан маҳрум қилиш билан қўрқитиб, улардан «тортиқ» лар олиб туришга имкон берган.

Доро I шарқда Ҳиндистоннинг бир қисмини (Ҳинд ҳавзасидаги қисмини), гарбда эса, Киренаикани (Африкада), Эгей денгизидаги баъзи оролларни (жумладан, Самос оролини), шунингдек, Фракия билан Македонияни ўзига бўйсундирган. Аммо Қора денгиз бўйидаги скифларни ва Европадаги грекларни ҳам ўз ҳукмронлиги остига олиш йўлидаги интилишлари тамомила муваффақиятсизликка учраган ва бу Аҳманийлар давлатининг заифланиш томонига бурилиш пайти бўлган.

**8. Аҳманийлар давлатининг маданияти.** Аҳманийлар давлати таркибида хилма-хил маданий ютуқларга эга бўлган кўпдан-кўп халқлар бўлган. Форслар ҳукмрон халқ бўлиб олиб, бу маданий хазинадан кенг фойдаланганлар. Шу билан бирга улар бу маданиятларни ижодий равишда қайта ишлаб ўзлаштирганлар. Форслар миҳхатни лаштирганликлари ва такомиллаштирганликлари тўғрисида гапирган эдик, улар миҳхатдаги жуда кўп ортиқча аломатларни йўқотиб фақат 42 аломат қолдирганлар. Идоралардаги (кўнга, папирусга, сопол тахталарга ёзиладиган) ёзишмалар учун арабийларнинг алифбосини ишлатганлар.

Форс подшолари ўша даврда энг ўткир деб ҳисобланган Миср табибларини ўзларининг хизматига жалб қилганлар. Аммо Доро I подшолик қилган даврда Миср табиблари ўрнига грек табиблари келтирила бошлаган.


Форслар Бобил ва грекларнинг календарь ҳисоби билан таъриф бўлган, деган маълумот ҳам бор.

Юқорида айтиб ўтилган Авеста эрон тили гуруҳи халқларининг ажойиб бадий асаридир, у Ўрта Осиёда вужудга келиб, кейинчалик Мидия ва Персияга тарқалган, шу билан бирга дастлабки нусхасига (Гатига) кўп қўшимчалар қўшилиб борган.

Авестада тарғиб қилинган диний таълимот қадимги пайгамбар Заратуштра (ёки греклар атаганича Зороастра) га мансуб дейилган, аммо унинг тўғрисида бизга ҳеч нима маълум эмас. Бу таълимотнинг моҳияти икки илоҳий манбани: яхши худо Ахурамазда билан ёвуз худо Ариманни<sup>1</sup> бир-бирига қарама-қарши қўйишдан иборат.

Ахурамазда уй ҳайвонлари ва маданий ўсимликлар тўғрисида ғамхўрлик қиладиган тинч меҳнат ҳомийсидир. Уни азиз билганлар ерга ишлов бериши, чорва молларини кўпайтириши, овийи ҳайвонларни йўқ қилмоғи керак. Ариман инсон ижодий фаолиятининг душмани, йиртқич ҳайвонларнинг ҳомийи. Урушқоқ кучманчиларнинг тинч ҳаёт кечирувчи ўтроқ аҳолини таланишга кўмаклашувчи қилиб таърифланади.

<sup>1</sup> Тўғрироғи, Анхрамайину. Лекин кўпроқ эллинилаштирилган номи билан Ариман деб айтилади.



Эрампдан аввалгн VI—V асрларда Ахманийлар жавлатгн

Ахурамазда билан Ариманинг ихтиёрида уларнинг бир неча минг йилга яъниладиган ва ниҳоят яхши худонинг галабаси билан тугаладиган курашларига ёрдам бериб турадиган жинлар галабаси бор.

Зороастра динининг характерли аломати шуки, бу дин мурдадан орға кўмишни ҳам, куйдиришни ҳам тақиқлайди. «Мурда ерни ва ўтини харом қилади» деб ҳисобланган. Уликларни йирткич қушларга ем қилиб ташлаш лозим кўрилган. Ҳиндистонда, Бомбейнинг бир районидаги унча катта бўлмаган форс мазҳаби ҳозир ҳам шу одатни сақлайди. Авеста текстини ҳам худди ўша форслар сақлаганлар.

Шу нарса диққатга сазовори, Аҳманийлар Ахурамаздани азиз билганлари ҳолда Авестани тан олмаган бўлсалар керак. Қадимги Форс подшоларининг ҳеч бир ёзувида Заратуштра тилга олинмайди. Шунингдек, форс подшоларининг (Кайхисровдан бошлаб) мақбаралари сақланган, бу эса Авестанинг тақиқига ҳеч ҳам тўғри келмайди. Зороастризм фақат Парфия ва Сасонийлар подшолиги вақтидагина давлат дини бўлган.

Аҳманийлар дини<sup>1</sup> бошқа йўлдан ривожланиб борган. Аввал бошда самовий бош худо Ахурамазда билан биргаликда кўпдан-кўп қабилаларнинг худолари (девлар) га ибодат қилганлар аммо кейинчалик бу худолар ёвуз ажиналарга айлантирилган.

Доро I нинг ўғли ва тахт вориси Қсеркс вақтида диний ислохот қилишга уринилган. Девларга ибодат қилиш тақиқланган, Ахурамазда форсларнинг бирдан-бир самовий тангриси деб эълон қилинган.

Лекин бу монотеистлик (бир хидолик) ғояси қарор топмаган ва Қсеркс ворислари вақтида қуёш худоси Митра билан ҳосилдорлик маъбудаси Анахитга сиғиниш кенг ёйилган.

Аҳманийлар санъатининг ёдгорликлари синкретизм характеридадир. Доро I нинг Персеполдаги саройини қуришда Бобил, Миср, Лидия ва бошқа қарам мамлакатларнинг усталари ишлаган.

## XXI БОБ

### ҚАДИМГИ ҲИНДИСТОН

1. **Табий шароити.** Ҳиндистон территориясининг ҳажми ва аҳолисининг сони жиҳатидан узоқ ўтмишдаёқ ҳозиргидай каби Осиёнинг энг катта мамлакатларидан бири бўлган. Унинг табиат эртдан кескин чегаралари уни ташқи оламдан ажратиб қўйган, бошқа мамлакат ва халқлар билан алоқасини қийинлаштирган. Унинг жанубий, жануби-ғарбий ва жануби-шарқий чегаралари Ҳинд океани, Арабистон деңгизи ва Бенгал қўлтиғи билан ўралган. Шимолий чегараси эса ер юзининг энг баланд Ҳимолай тиз-

<sup>1</sup> У оғдат мавданим деб аталади.

ма тоғларига тақалган. Тоғли түсиқлар сира ўтиб бўлмайдиган даражада бўлмаса-да, жуда баҳайбатдир ва улар Ҳиндистонни ғарбда Эрондан ва шарқда Ҳинди-хитойдан ажратиб туради.

Ҳиндистоннинг <sup>1</sup> бепоеи ерларида гоят хилма-хил табиий шароитларини кўриш мумкин. Серсув дарёларининг водийлари чул ва саҳролар билан алмашиб туради. Шимолнинг қор-муз билан қопланган тоғлари аксига жанубда кенг тропик урмонларни кўрасиз. Асрлар давомида мамлакатнинг иқлими ўзгариб келган ва бу ҳол ундаги ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига, табиий, таъсир қилган. Кўп жойлари (айниқса шимолий-ғарбий томони) да қурғоқчилик кучайиб борган. Қадимда унинг урмонлари ҳозиргидан кўра анча кўп бўлган.

Ҳиндистон инсон ҳаёти учун зарур табиий бойликлар билан жуда яхши таъмин этилганлигидан, четдан маҳсулот олиб келишга эҳтиёж бўлмаган. Мамлакатнинг ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ниҳоят даражада бой бўлган. Бунда арпа билан буғдойдан ташқари қадим замонлардаёқ шולי етиштирганлар. Шולי дастлаб Ғарбий Осиёга, Африка ва Европага худди Ҳиндистондан тарқалган. Маданий ўсимликлардан шакар қамиши<sup>2</sup> ва пахта тани алоҳида айтиб ўтиш керак, ғарб томондаги мамлакатлар бу экинлар билан ва аиниқса зираворлар билан худди шу Ҳиндистон туфайли танишганлар.

Қадимги Ҳиндистонда ҳайвонларнинг маҳаллий турларини қўлга ўргатганлар (масалан, ўркачли хўкиз—зебу Икки дарё оралиғига ва Мисрга Ҳиндистондан олиб келинган). Филлар ҳам дастлаб Ҳиндистонда қўлга ўргатилган ва улар асосан ғарбий ишда фойдаланилган. Александр Македонский юришларидан эътиборан ғарбий халқлар кучли жанговар филларни жангда ишлатишни ҳиндлардан ургана бошлаганлар.

Ҳиндистон ҳар хил қимматли хом ашёнинг (тош, металл рудалари, ёғочнинг) битмас-туганмас манбаи бўлган. Мана шуларнинг ҳаммаси хўжаликни мустақил равишда тараққий қилдиришга имкон берган, лекин табиийдирки, бошқа қабила ва халқлар ҳам мамлакатга келиб кирган ва ташқи савдо ҳам (айниқса Эрон ва Урта Осиё орқали) тараққий топган.

Икки азим дарёнинг водийлари Ҳиндистоннинг энг қадимги деҳқончилик зоналаридир. Бири — бешта ирмоғи (Панжоб) бўлган Ҳинд дарёсининг водийси бўлса (ўша бешта ирмоқ оти билан водийга ҳам Панжоб деб ном берилган), иккинчиси, шунингдек, бир қанча ирмоғи бўлган Ганг дарёсининг водийсидир. Кейинчалик қишлоқ хўжалиги мамлакатнинг жанубида Деҳқон ярим оролида ҳам ривож топган.

<sup>1</sup> «Ҳиндистон» деган географик термин кенг маънода олинган бўлиб ҳозирги Покистон территориясини ҳам ўз ичига олади.

<sup>2</sup> Европа тилларида «сахар», ўзбек тилида «шакар» санскрит тилидаги «саххар» сўзидан олинган, бу шакар қамиш деганидир. Қадим замонда шакардан қанд қилиш маълум бўлмаган.



Ҳинд ва юқори Ганг водийларида ерни суғориб деҳқончилик қилиш эрта тарраққий қила бошлаган. Бошқа жойларда деҳқонлар ёғинга қарам бўлган. Гангнинг қуйи оқимида ёғин айниқса кўп бўлган. Ёзда жануби-ғарбдан эсадиган ва ўзи билан жуда кўп нам олиб келадиган муссон шамолининг мамлакат учун аҳамияти айниқса катта бўлган. Бу шамол эсмай тўхталиб қолганида ёки кучсиз ва секин эганида қурғоқчилик рўй берган.

2. **Аҳоли.** Энг қадимги ҳинд адабий ёдгорликлари, шунингдек, антик дунё авторларининг, увоҳликлари қадимги Ҳиндистон аҳолиси ниҳоят даражада зич бўлганлиги ҳақидаги хотиранларни сақлаб қолдирган. Шубҳа йўқки, бу маълумотлардаги рақамлар<sup>1</sup> ҳаддан ташқари кўпиртирилган, лекин ҳар ҳолда, Ҳиндистон аҳолисининг сони Миср ва Олд Осиё аҳолиси сонидан ўтиб кетган ва бу жиҳатдан фақат Хитойгина унга рақиб бўлиши мумкин.

Ҳиндистон аҳолисининг этник таркиби қадимда (ҳозиргидек) жуда хилма-хил бўлган. Жанубда қора баданли қабилалар<sup>2</sup> купчиликни ташкил этган. Мамлакатнинг энг қадимги аҳолиси дравид тилида, қисмани ундан ҳам бурунги, дравиддан олдин ўтган мунд тили ва бошқа тилларда гапирган бўлса керак. Ҳозирги кунда бу тил баъзи районлардагина сақланган. Эрамиздан аввалги II минг йилликда Ҳиндистонда ҳалқларнинг ҳинд-европа оиласи тилларида гапирадиган қабилалар тарқала бошлаган. Санскрит<sup>3</sup> деб ном олган адабий тил ана ўша тиллар асосида ташкил топган.

Совет ва чет эл тадқиқотчиларининг фикрича, шимоли-ғарбдан кўчиб келган мана шу ва улардан анча кейинги қабилалар ўзларини орийлар деб атаганлар. Бу этник ном кейинчалик «аслзода» деган маъно касб этган, чунки истилочилар бўйсундирилган маҳаллий аҳолига паст назар билан қараб, ўзларини баланд ва устун қўйганлар. Аммо у ёки бу этник гуруҳнинг «ирқий ёки тили жиҳатидан» устунлиги тўғрисида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас. Ҳамма нарса бирон бир тарихий пайтдаги тараққиётнинг аниқ шароитига боғлиқ бўлган.

3. **Манбалар.** Қадимги Ҳиндистон тарихига доир асл нусха манбаларнинг жуда кўп қисми йўқ бўлиб кетган. Қадимги ҳинд адабиётининг кўп асарлари қайин пўстлоғига<sup>4</sup> ёки пальма дарахти баргларига ёзилган бўлиб, улар Мисрдагидан кўра анча нам иқлим шароитига бардош бера олмаган (Мисрда папирусдан

<sup>1</sup> Машҳур Махабхарата достонида айтилишича, Курукшетра ёнидаги 18 кунлик жангда 1 миллиард 660 миллион 200 жангчи ҳалок бўлган. Бу рақам ҳар қандай муболагадан ҳам ошиб кетган албатта, аммо бундай фантастик тасаввур аҳолиси зич бўлмаган мамлакатда рўй бериши мумкин бўлмаса керак, чунки ушунг ҳақиқатдан узоқлиги кўзга яққол ташланар эди.

<sup>2</sup> Улар Австралия ҳабашлари ирқига мансуб бўлган.

<sup>3</sup> «Санскрит» дегани «тозаланган» деганидир. Ҳалқ гапирадиган тил ундан фарқ қилиб прокрит деб атаган.

<sup>4</sup> Қайин дарахти Ҳиндистоннинг шимолий районларида (Кашмирда) ўсади.

мўрт материал ҳам сақланган). Иккинчи томондан, ёнғинлар Олд Осиёнинг сопол китобларига зарар келтиролмаган бўлса, қадимги Ҳиндистон кутубхоналари ва архивларини обдан хароб қилган, Тошга ўйиб ёзилган текетларнинг асл нусхалари сақланган бўлса-да, улар нисбатан оздир.

Яхшики, санскрит кўп қадимги шарқ тилларидан фарқ қилиб, ҳеч эсдан чиқмаган ва адабий анъаналар минг йиллар давомида узилмай давом этиб келган. Қимматли ва ноёб деб ҳисобланган асарлар доимо (яхудийларнинг Библияси ва форсларнинг Авестасига ўхшаб) кучириб ёзиб келинган ва унинг кейинги нусхалари бизгача етиб келган, лекин бунда ҳам қўшимчалар қилинганда баъзи жойлари бузилган.

Қадимги Ҳиндистон йилномаларининг аҳволи улардан ҳам ёмон. Анча кейинги даврда, ўрта асрлардаги хроникаларга киритилган айрим парчалардан бошқа йилномалардан ҳеч нима қолган эмас, дейиш мумкин.

Ведалар, Махабхарата ва Рамаёна ҳажми анча катта ва мазмундор шеърий асарлардир.

Ведалар — гимнлар, қўшиқлар, афсункор ва диний дуолардан иборат катта тўпландир. Бундай тўпламлардан тўрттаси сақланган<sup>1</sup>. Энг қадимги қисмлари эрамиздан аввалги II минг йилликка мансубдир, кейин улар тахминан минг йилдан зиёдроқ давр давомида қайта ишланган ва унинг энг охириги нусхаси бизнинг эрамизга яқин даврда ёзилган.

Ҳинд халқининг оғзаки ижодларидан иккита катта дoston борки, уларни адабий қиммати ва тарихий аҳамияти жиҳатидан оламга машҳур Гомер дostonлари билан тенглаштириш мумкин. Бу дostonларнинг бири Махабхарата (Бхарата авлодларининг буюк уруши) деб, иккинчиси эса Рамаёна (Раманиннг фаолияти тўғрисида қиссалар) деб аталган. Гарчи анъанада бу дostonлар авторларининг номи (Ваяси ва Валмики) сақланган, ammo афсонавий Гомернинг тарихан ростлиги қанчалик гумон бўлса, у авторлар ҳам шундайдир.

У дostonларнинг иккиси ҳам эрамиздан аввалги I минг йилликнинг тахминан ўрталарида таркиб топа бошлаган ва эрамизнинг дастлабки асрларида қатъий шакл олган (вақтларни мутлақо аниқ белгилаб бўлмайди).

Махабхаратада Бхарата подшо уруғининг икки авлоди — Қауравлар ва Пандавларнинг тўқнашиши ҳикоя қилинади. Биринчи авлод Хастинапур шаҳрини идора қилган, иккинчиси эса ҳокимиятни унинг қўлидан тортиб олишга уринган ва бу уруш ғоят хунрезлик урушига олиб келиб, унда жанг қилганларнинг жуда кўпчилиги ҳалок бўлган.

Рамаёнада ўғай онасининг таъқибларига чидай олмай, туғилиб ўсган Аёдхия шаҳрини ташлаб кетган шаҳзода Раманиннг ғурбатда кезиб юргани ҳикоя қилинади. Раманиннг хотини Сита

<sup>1</sup> Бу тўпламлар—Ригведа, Самаведа, Яжурведа ва Атхарваведа деб аталган.

ни Ланка (Цейлон) оролидаги девлар ўғирлаб кетган бўлади. Шаҳзода хотинини қутқозиш учун айиқ ва маймунлардан иборат қўшинга бош бўлиб, оролга боради ва душманларини енгади. Пировард-натижада у ўз ватанига қайтиб, отасининг тахтига ўтиришга муяссар бўлади.

Афсонавий ва эпик асарлардан бошқа яна «Ману қонунлари» тўплами ҳам сақланган. Аммо бунинг ҳам қайси вақтга мансублигини аниқлаш жуда қийин.

Бу тўплам эрамиздан аввалги III асрдан то эрамизнинг III асригача тўплаб борилган деб фараз қилинади. Бу беш китоб қонунларга ўхшаган соф диний ҳуқуқлар ёдгорлиги бўлиб, ундаги гражданлик ва жиноят қонунлари диний қонунлар ва тақиқлар билан қоришиб кетган ва ижтимоий тенгсизлик ниҳоясига олиб келиниб, диннинг обрўси муқаддас ва дахлсиз қилинган.

Артхашастра ўзига хос ёзма ёдгорлик бўлиб, уни Александр Македонский замондоши машҳур манқабдор Каутилье тўплаган дейдилар. Давлатни идора қилиш тўғрисидаги бу ажойиб асарда мамлакат марказлаштирилган ва бюрократлаштирилган даврнинг шароитини акс эттирадиган бир қанча муҳим масалалар ва амрлар бор.

Типитаканинг эртақлар ва ҳикматли сўзлар тўплами илк буддизмни ўрганиш учун энг муҳим манбадир.

Подшо Ашокининг (эрамиздан аввалги III аср) қояларга ўйиб ёзилган фармонлари қайси вақтга мансублиги хийла аниқдир. Бу фармонлар подшо олиб борган урушлар ва унинг диний сиёсатидан гапиради.

Антик дунё авторларидан ўз давридаги (эрамиздан аввалги V асрни) Ғарбий Ҳиндистонни тасвирлаб берган бизга маълум Геродотдан бошқа айниқса эрамиздан аввалги II асрда яшаган Аррианни кўрсатиб ўтиш зарур. У ўзининг «Александр анабасиси» да бу подшонинг Ҳиндистонга қилган юришини ҳикоя қилади ва махсус «Ҳиндистон» деган асарида бу мамлакатнинг муфассал географик очеркини беради.

Моддий маданият ёдгорликлари қадимги Ҳиндистон тарихининг ҳар хил томонларини ёритиб беради. Масалан, асримизнинг 20-йилларида Ҳинд ҳавзасида бошланган археологик қазинилар натижасида мамлакатнинг арийлар кучиб келгунча ва санскрит тилидаги энг қадимги адабиёт яратилгунча бўлган даврни очиқ берадиган, эрамиздан аввалги III ва II минг йилликлардагиprotohind маданияти бизга маълум бўлиб қолди.

4. **Историографияси.** Мисрда ва Олд Осиёнинг бир қанча мамлакатларида тил ва маданият ўрта асрларда тамомилан ўтириб кетган. Ҳиндистон улардан фарқ қилиб, бунда утмишги бутунлай эсдан чиқариб юборадиган кескин бурилиш юз бермаган. Санскрит тилида ва халқнинг ўзи гапирадиган тилларда (праскритларда) ёзилган асарлар авлоддан авлодга ўтиб ўргана ва шарҳлана берган.

Лекин Европа минг йиллар давомида Ҳиндистонни яхши билмаган. Гоҳ-гоҳдагина бу ерга Венеция савдогари Марко Поло (эрамизнинг VIII асрида) ёки Тверь савдогари Афанасий Никитин (эрамизнинг XVI асрида) каби сайёҳлар келган. Уларнинг ёзмаларида бу мамлакатнинг табиати, маиший ҳаёти, маданияти ва аҳолиси тўғрисида муҳим маълумотлар бўлса-да, улар ҳали Ҳиндистонни мухтазам ўрганиш ва билишдан анча узоқ турган.

Эрамизнинг XVIII асрида Ҳиндистонни Европа мустамлакачилари босиб олган. Шу вақтдан эътиборан унинг ёдгорликлари ўрганила бошлаган. Инглиз тадқиқотчиси У. Жонс санскрит тилидаги қадимги ҳинд ёзув ёдгорликларини (жумладан, «Ману қонунлари» ни) инглиз тилига таржима қилган.

Эрамизнинг XIX асрида Ф. Бопп таъсис қилган ҳинд-европа тилшунослиги вужудга келганлиги муносабати билан тилшунослар Ҳиндистон тилларини (айниқса санскритни) зўр бериб ўрганишга киришганлар.

Қадимги ҳинд адабиётини илмий текшириш ишига рус филологлари И. П. Минаев, К. А. Коссович ва бошқалар хийла кўп ҳисса қўшдилар.


Санскрит тилидаги ёдгорликларнинг ўрганилиши, таржима қилиниши, нашр этилиши Ҳиндистоннинг узоқ ўтмишини ўрганиш ва билиб олиш учун асос бўлди.

Аmmo буржуазия фанига хос бичиб тўқилган бир қанча хато назарияларнинг пайдо бўлиши бу мамлакатнинг ўзига хос тарихини тўғри тушунишга халақит берган эди. Ҳинд-Эрон тилларининг (жумладан, санскритнинг ҳам) Европа тиллари билан ҳеч шубҳасиз алоқадорлигини асос қилиб, шу тилларда гапирадиган халқларни (арийларни) олий ирқ сифатида Ҳиндистоннинг азали туб аҳолисига (дравидларгача бўлган аҳолига ва дравидларга) кескин суратда қарама-қарши қилиб қўйилганди. Шундай қилиб, Ғарбий Европа ва АҚШнинг ирқчилари қадим замон ва ўрта асрлардаги ҳукмрон доираларда таркиб топган аъёналарни тўла-тўқис қабул қилганлар. Ирқчилар ҳатто улардан ҳам ўтиб кетиб, ҳинд-европа қабилаларига нисбатан ишлатилган «арийлар» («аслзодалар») деган «фахрий» номни Европа халқларига ҳам кўчирдилар.

«Арийлар ирқи» деган илм-фанга зид ва реакцион назария ана шу тариқа вужудга келтирилганди. Бу назарияни немис ирқчиларининг вакили (асли инглиз) С. Х. Чемберлен аниқса қаттиқ туриб тарғиб қилганди.

Бунда тилларнинг антропологик белгилари билан доимо мос келавермаслигини ва маданий савия у белгилар билан ўлчаб-маслигини тасдиқлайдиган аниқ фактларга эътибор берилмаган эди. Юқорида айтганимиз Панжоб ва Синдда ўтказилган қазинилар «арийлар назарияси» га қатъий зарба берди: шу районларда арийлар келгунча яшаган туб аҳоли улар ўрнига келган арийлар маданиятига қараганда анча юқори маданият яратган.


Ҳиндистоннинг ўтмишини ўрганишга зарарли таъсир кўрсатган бошқа бир оқим Ҳиндистон ўзининг тараққиётида бошқа барча мамлакатлардан тамомила фарқ қиладиган алоҳида йўлдан борган деб даъво қилган эди. Бунда мавжуд маҳаллий хусусиятлар ҳаддан ташқари бўрттирилган ва Ҳиндистоннинг ўтмиши бошқа бутун инсоният тарихига қарама-қарши қилиб қўйилганди. Шу йўлдан борган ҳинд буржуа тарихчилари жуда кўп хатоларга йўл қўйган эдилар, улар тарихий тараққиётнинг умумий қонунлари ўз мамлакатлари учун ҳам тўла татбиқ этилиши мумкинлигини тан олмаган эдилар.



Моҳенжо—Дародаги қудуқ

К. Маркс ҳинд жамиятини ўрганишга катта аҳамият берган эди. У ўзининг «Ҳиндистонда Британия ҳукмронлиги» деган асаарида ҳинд қишлоқ жамоаларига тўғри баҳо берган, бу жамоаларнинг мустаҳкам ва турғунлигининг сабабларини очган ва шу билан бирга уларнинг муқаррар бузилиб кетажанини айтганди. У «бу кичик-кичик жамоалар кастачилик тафовутлари ва қулчилик хислатларига мубтало бўлган» ва «гарчи биринчи қарашда хийла беозор бўлиб кўринса-да, ҳамма вақт шарқ деспотизмининг мустаҳкам негизи бўлиб келган...<sup>1</sup>» деган эди.

<sup>1</sup> К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар, I-том, Ўздавнашр, 1959 йил, 347—348-бетлар.



Моҳенжо—Дародаги арава модели

Қадимги Ҳиндистон тарихига доир совет адабиёти ижтимоий-иқтисодий формацияларнинг қонуний ўзгаришлари тўғрисида К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Ленин таълимотини асос қилиб олиб, янги ёзма ва археологик материаллардан фойдаланади. Бунда айниқса Г. Ф. Ильин, Г. М. Бонгард-Левин, А. М. Осипов, А. А. Бенедиктов, Д. А. Сулейкин ва бошқаларнинг тадқиқотларини кўрсатиб ўтиш керак.

Ҳиндистон маданияти тарихини ёритишда С. Ф. Ольденбург, Ф. И. Щербатский ва бошқаларнинг асарлари гоят муҳим ўрин тутади. Ҳиндистоннинг ҳозирги тараққийпарвар олимлари ўз ватанларининг тарихини ёритишда марксизм-ленинизм классикларининг фикрларига асосланадилар. Бу жойда Д. Р. Чанананинг «Қадимги Ҳиндистондаги қулчилик» деган монографиясини алоҳида айтиб ўтиш керак, бу асарда мамлакатдаги қулдорликнинг ролини инкор қилувчи назарияларга қаттиқ зарба берилган.

**5. Энг қадимги Ҳиндистон.** Археологик топилмаларга қараганда Ҳиндистонда одамлар қадимги тош давридаёқ яшаганлар. Мамлакатнинг бир қанча тоғлик жойларида палеолит манзиллари топилган. Ундан кейинги неолит босқичида авваллари кишилар яшамаган катта дарёларнинг водийлари ўзлаштирила бошлаган. Ҳиндистоннинг ғарбий районлари тобора олдинги ўринга чиқа бошлаганлар, бу ерларда энеолит даврига келиб ва айниқса бронза даврида ўзига хос протоҳинд маданияти таркиб топган, унинг гуллаган даври эрамыздан аввалги

Уларнинг асосий маркаллари ҳозирги Харапа ((Папжобда) ва Моҳенжа-Даро (Синдда) харобалари топилган шаҳарлар бўлган.

Бу шаҳарларнинг аҳолиси асосий қурул-яроғ ва асбобларни мисдан ва кейинчалик ҳатто бронзадан ясаганлар. Аммо темирни бунда мутлақо билмаганлар. Баъзи асбобларни, масалан, омоҳ тишларини чақмоқ тошдан ясаганлар.

Омоҳ билан ҳайдаб экиладиган деҳқончилик экономиканинг негизини ташкил этган. Ўркачли ҳўкиз зебу ва қўтослар иш ҳайвонлари бўлган. Донли экинлар (арпа, бугдой ва шоли) ва мева дарахтлари (хурмо дарахти ва бошқалар) дан ташқари энди пахта ҳам етиштирганлар. Ҳунармандчилик юксак даражада тараққий қилган.

Илк ҳинд маданиятини яратган халқ эҳтимол дравидлардир ёки дравидлардан олдин ўтган қабилалар бўлиши мумкин.

Энди бу даврда кўчалари кенг чинакам шаҳарлар вужудга келган. Куча ҳаракатига ҳалал бермаслик учун чорсилардаги уйларнинг бурчакларига юмалоқ шакл берилган. Ёишдан икки қаватли уйлар солинган. Сув таъминоти жуда яхши йўлга қўйилган, оқар сувларни тиндириш учун махсус ҳовузлар қилинган. Тасвирий санъат юксак даражада равнақ топган. Ниҳоят, ўзига хос маҳаллий ёзув (эҳтимол иероглиф ёзуви бўлса керак) пайдо бўлган. Афсуски, бу хатнинг муҳрлардаги ёзув парчаларигина сақланган, улар ҳам охиригача ўқиб чиқарилмаган ва улар тўғрисида ҳар хил фикрлар бўлиб, ҳозир баҳс кепяти. Аммо ёзувнинг бўлиш факти жуда ҳам ажойибдир.

Эрамининг аввалги II минг йиллик ўрталарида илк ҳинд давлати ва маданияти тушкунликка учраган. Бунда ҳинд-европа системасидаги тилларда гапирадиган янги этник гуруҳларнинг бостириб кириши ҳал қилувчи роль ўйнаган, деган тахмин бор. Тил ва маданиятнинг ўзгарганлигига ҳеч қандай шубҳа бўлмаса-да, янги халқларнинг (эҳтимол шимоли-шарқ томондан) кўчиб келганлиги тўғрисида ҳозирча қўлимизда аниқ маълумот йўқ<sup>1</sup>. Халқларнинг бу кўчиб келиши доимий ва секинлик билан юз берган бўлиши керак. Лекин ҳар қалай Хараппа ва Моҳенжа — Даро (ҳозирги номлари<sup>2</sup>) вайрон қилинганлиги аниқ.

Шу нарсани яна таъкидлаб ўтиш керакки, кўп буржуа тарихчилари олий ирқ вакиллари деб ҳисоблайдиган истилосчи арийларнинг иқтисодий ва маданий савиялари қадимий ҳинд-

<sup>1</sup> Бу кўчиб келиш тўғрисида манбаларда аниқ нарса йўқ. Шунинг учун ҳам баъзи тарихчилар (XIX асрда И. П. Минзев, ҳозирги иқтисодчи А. А. Шенников ва бошқалар) арийларнинг кўчиб келганлиги тўғрисидаги тахминларни афтоҳ дейдилар. Лекин агар арийларни Ҳиндистоннинг туб халқи дейиладиган йўқ санскритнинг бошқа ҳинд-европа тиллари билан жуда яқинлиги кўрсатиб қўлади қолдиради. Аввалги ёзув йўқолган, бир неча аср кейин пайдо бўлган вақт йўқ (санскрит) эса бутунлай бошқа ёзув бўлган.

<sup>2</sup> Бу маркаллarning қадимги номлари ҳозирча бизга маълум эмас.



Моҳенжо—Дародаги ҳайкалчалар

ларга нисбатан паст бўлган. Уларнинг ғалабаси ижтимоий-иқтисодий тараққиётини тўхтатиб қўйган, ҳаттоки вақтинча орқага сурган.

**6. Эрамиздан аввалги XV—VI асрдаги Ҳиндистон.** Ҳиндистоннинг арийлар истилосидан кейинги тарихини биз асосан шеърий асарлардан (Ведалар, Махабхарата ва Рамаёнадан) биламиз.

Илк ҳинд маданиятининг<sup>1</sup> Ҳинд ҳавзасидаги асосий марказлари вайрон қилингандан кейин анча вақтгача тушкунлик ва парчаланиш ҳукм сурган. Бу вақт Гангнинг юқори ва ўрта оқимидаги районлар муҳим ўрин тутган. Тўғри, бунда пайдо бўлган шаҳарлар катта қишлоқларга ўхшаган. Натурал ҳужалик устунлик қилган. Қиймат ўлчови сигир бўлган.

Шундай булса-да кечирилган қаттиқ ларзаларга қарамай, Ҳиндистоннинг шимолида янги иқтисодий юксалишнинг маълум белгилари сезила бошлаган. Юксалиш белгиси биринчи навбатда эрамиздан аввалги II минг йиллик билан I минг йиллик ўрталарида Хараппа ва Моҳенжо — Даро аҳолисига маълум бўлмаган темир қуроллар ишлатила бошлаганлигида кўринади. Илк ҳиндлар билмаган темир тишли оғир омоннинг ишлатилиши

<sup>1</sup> Илк ҳинд маданияти табиий шароит ўзгариб кетганлиги туфайли хароб бўлган, деган назария бор. Аммо ёзувнинг ва юксак даражада равнақ топган санъатнинг йўқ бўлиб кетишини иқлим ўзгариши ва дарё ўзанининг ўзгариши билан изоҳлаш амри маҳолдир.



тупроги қаттиқ ерларни ишлашга ҳам имкон туғдирган ва деҳқончилик дарё водийларидан ҳам нарига ёйилган. Ҳинд қишлоқ хўжалигига хос шол, пахта ва шакарқамиш етиштириш алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Ижтимоий табақаланиш кучайганлиги кўринади. Энг яхши чек ерлар зодагон оилалар қўлига ўта бошлаган. Адабий асарларда қуллар тез-тез тилга олина бошлаган. Аввало қуллар ҳарбий асирлардан бўлган. Улар «даса» деб аталган, бу сўз «душман» ва «ажнабий» маъносида ишлатилган. Замон ўтиши билан қарздор қуллар ҳам пайдо бўлган. Ўзини ёки қариндошларини сотиш ҳоллари кўпайган. Махабхарата қаҳрамонларидан бири подшо авлодидан бўлган киши қимор ўйнаб бутун боғлигини, ўзининг укаларини, ўзини ва, ниҳоят, энг мудҳиш ҳол — ўзининг ниҳоятда гўзал хотинини ютқизиб қўйган.

Бу фожиа жуда оддий бир ҳол тарзида тасвир этилган. Амалда ҳукмдор зодагонларнинг вакиллари эмас, балки кўпинча камбағаллар асоратга солинган, албатта.

Бундай вазиятда уруғ-қабила тузуми ўз ўрнини тобора кўпроқ давлат ташкилотига бўшатиб берган.

Кўриб ўтганимиздек, даврнинг бошида қабила бошлиқлари сифатида кўрсатилган рожалар ворис подшоларга айлантирилган.

Анъанада қадимги иккита сулола ҳақидаги эсдалик сақланган. Унинг биттаси Хастинапур шаҳрини идора қилган ва Луна деб аталган. Бу сулола Махабхаратада куйланган афсонавий Бхарата ажодидан бўлиб, Каурава ва Пандава авлодлари унга мансуб бўлган. Қуёшли деб аталган иккинчи сулола Гангинг ўрта оқимидаги Аёдхияни идора қилган. Дастлаб Цейлон (Ланка) оролигача бориб етган машҳур Рама ўша сулоланинг намояндаси бўлган. Раманинг Цейлонга бориб етганлиги ташқи алоқаларнинг кенгайганлигидан далолат беради.

Ўсиб бораётган ижтимоий табақаланиш тоифаларнинг кескин суратда бўлинишига ва биқик варналарнинг пайдо бўлишига олиб келган, варналарнинг мавжудлиги эса ҳинд жамиятининг ўзига хос хислати деб ҳисобланади. Ведаларда варналар фақат кейинги қўшимчалардагина тилга олинади. Кейинги манбаларда ўша биқик гуруҳларга бўлинишни энг юқоридан, яъни тангри белгилаган бўлиниш деб ҳисобланган. Аниқ ўша икки варна: брахманлар (қоҳинлар) билан каштриялар ҳукмрон мавқени эгаллаганлар. Ривоятга кўра, брахманлар олий худо Брахманнинг оғзидан чиққан, каштриялар эса унинг елкасидан чиққан эмиш.

<sup>2</sup> Ака-ука Ландавларнинг энг каттаси Юдхистхира отасининг вафотидан кейин укалари устидан патриархал ҳоким бўлиб қолган.

<sup>2</sup> Уларни кўпинча португалликлар термини билан «каста» деб атайдилар. Лекин бу ном кўпроқ ҳиндларнинг «жати» сига мувофиқ келади. «Жати» нияда кўпроқ парчаланган биқик гуруҳларни, ўзларига бирон касбни танадб олган қабилаларнинг шундай гуруҳларини билдиради.

Аҳолининг энг кўп қисми вайишлар деб аталган учинчи варнага кирган. Улар Брахманнинг қовурғасидан чиққан деб ҳисобланган. Вайишлар асосан жамоатчи деҳқонлардан иборат бўлиб, ҳунармандлар ва ҳатто савдогарлар ҳам шу варнага мансуб бўлган. Руҳонийлар ва зодагонлар савдогарларга наст назар билан қараганлар.

Тўртинчи варна, шудралар бўйсундирилган ажнабийлар ва шунингдек, ўз уруг ва қабилаларидан ажралиб кўчиб келганлар ҳисобига тўлдириб турилган. Улар Брахманнинг товонидан пайдо бўлган зоти наст кишилар бўлганлари учун чанг-тупроққа беланиб яшашга маҳкум этилган халқ деб ҳисобланган. Улар жамоаларга яқинлаштирилмаган ва бирон-бир хизмат, вазифага қўйилмаган. Ҳатто баъзи диний маросимлар, чунончи, фахрли маросим — «иккинчи бор туғилиш» маросими, улар учун ўтказилмаган.

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳатто ўша энг пастки варнага киритилмайдиган, варналардан ташқари кишилар ҳам бўлган. «Чандаллар» деб аталган бундай кишиларни тоза сувни ҳаром қилади деб қудуқларга ҳам яқинлаштирмаганлар.

Ҳар бир варнанинг ҳуқуқ ва вазифалари кейинчалик «Ману қонунлари» тўпламига киритилган. Бу қонунларда брахманлар биринчи ўринга қўйилган, Ҳарбий зодагонлар (каштриялар) брахманларни ҳурмат қилиши (юзга кирган каштрия ҳам ўн яшар брахманга эгилиб салом бериши) лозим дейилган. Лекин амалда бу варналарнинг иккиси ҳам ҳокимлик ва имтиёзларга тенг шерик бўлган, улар гарчи бир-бири билан рақобатлашса-да, халқ оммасини бостириш зарур бўлиб қолганида биргаликда ҳаракат қилганлар.

Бир хил жиноят учун турли варна вакиллари ҳар хил жазо олган. Шудрани ўлдирган брахман тавба-тазарру қилиш ва жарима тўлаш билан қутулиб кетган, у ҳайвонни ўлдиргани учун ҳам худди шундай жазога тортилган. Аммо шудра брахман билан фақат баҳслашгани учунгина оғзига қиздирилган темир тиққанлар.

Бироқ варналарга бўлиниш синфий бўлинишга доим мувофиқ келавермаган. Шудраларнинг фақат бир қисми қуллар ҳолатида бўлган. Иккинчи томондан, олий варнадан бўлган киши ҳам қимор ўйнаб (ўзини, укаларини ютқизиб қўйган шахзодага ўхшаб) қул бўлиб қолиши мумкин бўлган. Тўғри, олий варнадан бўлган кишининг пул тўлаб ёки бошқа бирон йўл билан қулликдан қутилиши осонроқ бўлган, албатта.

Варналарнинг бир-бирлари билан аралашшига йўл қўймайдиган қилиб бўлиниши абадий ўзгармас деб ҳисобланган дин эса уни муқаддас деб эълон қилган (турли варна вакилларининг бир-бирига қиз бериб қиз олишлари ман қилинган).

Бунда шу нарсани эслатиб ўтиш керакки, қадимги Ҳиндистонда диний эътиқодлар асрлар давомида ижтимоий силжмалар таъсири билан ўзгариб турган. Ведаларда табиатнинг бе-

ҳисоб худолари (осмон худоси Варуна, ўт худоси Агни, қуёш худоси Сурья ва ҳ. к.) тилга олинган.

Синфий ва тонфавий зиддиятларнинг кескинлашуви ва алоҳида варнага бўлинган қоҳинларнинг кучайиши билан диний эътиқодлар мунтазам тартибга келтирилган. Пантеонга Брахма бошлиқ қилинган, чунки у беқиёфа ва ҳамма нарсадан хабардор бўлган. Ҳинд қоҳинлари ўзларини ана шу худонинг номи билан брахманлар деб, асли қабила динидан чиқиб келган ва ҳар жиҳатдан қайта ишлаган давлат динини эса брахманизм деб атаганлар. Варналарнинг чиқиб келиши тўғрисидаги афсонада жуда аниқ ва равшан қилиб кўрсатилган ижтимоий тенгсизлик абадий ва ўзгармас деб эълон қилинган.

**7. Магадҳанинг юксалиши. Маурья давлатининг ташкил топиши.**

Эрамиздан аввалги VI асргача шимолий Ҳиндистон жуда кўп подшоликларга бўлинган бўлган. Битта Ганг ҳавзасининг ўзида ўн олтита майда давлат бўлган. Улардан бири Магадҳа давлати эрамиздан аввалги VI асрда тез кучайиб ва кенгайиб борган. Унинг Бимбисара деган подшоси (эрамиздан аввалги 543—491 йиллар) Ганг дарёсининг дельтасини эгаллаб Бенгал қўлтиғигача бориб етган, унинг ворислари эса бу «муқаддас» дарёнинг бутун ҳавзасини ва унга туташган тоғлиқ жойларни ўз мулкларига қўшиб олган.

Ғарбий Ҳиндистонда тарқоқлик узоқроқ сақланган. Бу тарқоқлик ҳолати Аҳманийларнинг, кейинроқ Александр Македонскийнинг ғарбий Ҳиндистонни босиб олишларини осонлаштирган, Александр Македонский икки йил ичида (эрамиздан аввалги 327—325 йилларда) Ҳинд дарёсининг этакларигача бутун Ғарбий Ҳиндистонни эгаллаган.

Ҳинд қирғоқларида грек-македон ҳукмронлиги узоққа чўзилмаган. Ғарб истилочиларига қарши кенг ҳалқ оммасининг ҳаракатига машҳур ҳинд арбоби Чандрагупта бошчилик қилган. Шунанга муҳимдирки, у подшо уруғидан бўлмаган, агар унинг душманлари тарқатган бир ривоятга ишониш мумкин бўлса, у ҳатто нафрат билан қараладиган шудра варнасидан бўлган. Чандрагупта Нандлар сулоласининг сунгги намояндаси бўлган Магадҳа подшоси Дхан Нанданинг хизматида ўзини кўрсатган. У подшонинг ғазабига йўлиқиб, Панжобга қочиб кетган, у ерда Александр Македонский билан учрашган.

Чандрагупта Магадҳага қайтиб келиб тахтни эгаллаган. У эрамиздан аввалги 321 йилдан 298 йилгача подшолик қилиб, қудратли Маурья давлатини барпо қилган. Паталипутра шаҳри унинг пойтахти бўлган.

Чандрагупта бутун шимолий Ҳиндистонни бирлаштиришга муваффақ бўлган. Грек-македон гарнизонлари Ҳинд водийсидан ҳайдаб чиқарилган. Александр Македонскийнинг ворислари унинг давлатини тинчлик билан ўзаро бўлиша олмасдан, ўрталарида низо чиққан, бундан Чандрагупта фойдаланиб,

Македонскийнинг ворисларидан бири Селевк билан келишган. Чандрагупта Селевкнинг қизига уйланиб, унга 500 та жанг фили берган, Ҳинд подшоси Ҳинд водийсига туташган тоғлиқ (ҳозирги Афғонистон ва Блужистон чегараларидаги) жойларни ўз мулкига қўшиб олиб, гарбий чегараларини хавфдан халос қилган.

Истилочилик сиёсати Чандрагуптанинг ворислари вақтида ҳам, айниқса унинг невараси Ашока вақтида (эрамиздан аввалги 273—236 йиллар), давом этган. Жанубий Ҳиндистондаги Калинг давлати Ашока подшолик қилган вақтда бўйсундирилган. Агар Ашока ёзувларига ишониш мумкин бўлса, шу давлатни истило қилиш учун бўлган жангларда 100000 киши ўлдирилган ва 150 000 киши асир қилиб ҳайдаб кетилган.

Мамлакатнинг энг жанубий ўлкаларини истисно қилганда бутун Ҳиндистонни ўз ичига олган ғоят катта Маурья давлатининг экономикаси хийла ривож топган. Бунда чиғириқлар воситаси билан сунъий суғориш кенг қўлланилган. Баъзи ерлардан йилга икки марта ҳосил олинган. Шаҳар ҳаёти тараққий топган.

Паталипутрада ва бошқа марказларда ҳунармандлар тупланган, улар подшо ва зодагонлар хизматида бўлиб, уларга зеб-зийнат буюмлари ишлаб берганлар. Баъзи буюмлар (айниқса ип газлама ва, шунингдек, металл буюмлар) элли мамлакатларига чиқарилган. Цейлон ва Жануби-шарқий Осиё мамлакатлари билан савдо-сотиқ муносабатлари йулга қўйилган. Танга пул зарб қилиш ривожлантирилган (Ҳиндистонда биринчи кумуш танга пуллар бир қадар олдин, эрамиздан аввалги V асрда пайдо бўлган).

Савдо-сотиқда подшонинг ўзи муҳим роль ўйнаган. У туз, маст қиладиган ичимликлар, марварид ва бошқа молларни сотишни ўз монополияси қилиб олган. Унинг қўллар ишлайдиган катта амлоклари ва ишхоналари бўлган.

Косибларнинг кўпчилигини қишлоқ жамоаларига бирлашган деҳқонлар ташкил этган. Бу жамоаларнинг турғунлигини К. Маркс қайта-қайта таъкидлаган эди.

Чандрагупта ва унинг ворислари ўзларининг ғоят катта давлатини идора қилиш учун мураккаб бюрократик система ташкил қилганлар, уларнинг харажатларини қоплаш учун ғоят кўп маблағ талаб қилинган. Хилма-хил ғайри қонуний йиғим ва поралардан ташқари деҳқонлар ва ҳунармандлар гарданига сон-саноқсиз солиқлар ва мажбуриятлар тушган. Уша пайтларда одамлар, балиқнинг сув ичишини аниқлаб бўлмагани сингари амалдорнинг қанча маблағ ўзлаштириб олишини ҳам билиб бўлмайдди, дер эканлар.

**8. Буддизм ва унинг тарихий роли.** Маурья сулоласи даврида ҳинд жамиятининг диний идеологиясида анчагина силжишлар юз берган. Ҳукмронлик қилаётган дин системаси—брахманизм — мамлакатни идора қилувчи сулолани тобора қониқтирмай борган. Унинг ақидалари қабила тарқоқлиги шароитида таркиб топганлигидан шаҳар ҳаёти тараққий қилиб бораётган дав-

ат марказлаштирилган вазиятга мос келмай қолган. Қоҳинлар бошчилик қилиб турган, савдогарлар учинчи варнага мансуб қилинб қўйилган шароитда варналарнинг бир-биридан кескин су- атда ажралган ҳолда яшашига савдо-сотик равнақ топиб бора- тган гоят катта давлатда қатъий риоя қилиш мумкин бўлмай олган. Подшолар ўзларига зарур кишиларни уларнинг насл-на- абларидан қатъий назар, хизматга олаверганлар. Кучайган под- ю ҳокимияти руҳонийларнинг зўравонлигига тоқат қилолмаган. Брахманизмнинг эски системаси билан давр руҳига мос кела- иган янги диний таълимот ўртасида рақобат тобора кучайиб борган.



Будда ҳайкалчаси

Янги динлардан буддизм айниқса муҳим ўрин олган. Бу дин этниқодчилар жамоасига кирадиган кишининг насл-наса- би билан мутлақо қизиқмаган<sup>1</sup>. Кишининг муайян қабила ва варнага мансублиги янги дин- га киришига тўсиқ бўлолмаган.

Ангъаналарда будда диний- фалсафий таълимотини эра- миздан аввалги VII—VI аср- ларда яшаган шаҳзода Сид- хартх яратган дейилади. Бу таълимот унга берилган Будда («маорифпарвар») лақаби билан аталган. Бу шаҳзода ки- шилар чекаётган азоб-уқубат- ларнинг сабаблари ҳақида ёш чоғидаёқ ўйлай бошлаган, дей- дилар. Ожиз гадонинг, бада- нини яра босган касал одам- нинг аянчли кўриниши, жано- за манзараси, мана шуларнинг ҳаммаси унда чуқур ғамгинлик туғдирган.

У ўзининг олий мартабаси- дан кечиб элма-эл кезгани жў- наган, сўнгра ваъзгўй бўлиб кетган. У ўзининг таълимоти- га ҳаётнинг ўзи ёвуз<sup>2</sup> деган фикрини асос қилиб олган. Ки- шининг ҳар қандай истаги ҳам азоб-уқубатга олиб келади. Бу-

<sup>1</sup> Буддизмдан бошқа яна жайнизм ҳам катта муваффақият қозонган, у ҳам дорларнинг насл-насабига эътибор бермаган.

<sup>2</sup> Жайнизм ана шу масалада буддизмдан фарқ қилган. Жайинчилар тарки- ни ҳузур билганлар, бундан бош тортиш керак эмас, деганлар.

нинг бирдан-бир чораси ҳар қандай эҳтирос ва ҳар қандай уришиш-истакни босишдир. Киши бунга эришар экан, у ўлгандан кейин янги азоб-уқубатларни бошидан кечириш учун бошқа бир қиёфада қайтиб тирилмайди. Мана шу узлуксиз ўзгариш процесснинг тўхташи нирвана, яъни юксак фароғатдир.

Мана шу ўзига хос таълимотдан гоёят катта амалий хулосалар чиққан. Нажот йўлини кишининг ўзи, истаklarини босиш иродаси билан топганлигидан диний эътиқод ва қоҳинлар ортиқ-на бир нарса бўлиб қолади. Кишининг ўзини-ўзи камолга етказиши, бойлик ва дунё фароғатидан воз кечиши насл-насабига ва жамиятда тутган ўринга боғлиқ эмас. Бу ташқи моментлар эътиқодчининг юксак фароғатга эришишига монелик қилмайди. Буддачилар тонфавий ва қабилавий тўсиқларни ёки мулкий тенгсизликни зўрлик йўли билан йўқотишга ҳеч қачон даъват қилмаганлар, уларнинг ҳаммасини аҳамиятсиз ҳисоблаганлар. Зотан, бир масалада улар тенглик принципига риоя қилишдан назарий жиҳатдан ҳам бош тортганлар. Озод кишиларгина нажот топа олади, деганлар улар. Сангхига (илк буддачилар жамоасига) қуллар қабул қилинмаган. Ўз тақдирига ўзи эга бўлмаган ва ўз иродаси билан ишни тарк қилолмайдиган қулга юксак фароғат йўли берк деб ҳисобланган.


Руҳий тенгликнинг тарғиб қилиниши камбағал ва (қуллардан бошқа) мазлумларни янги динга жазб қилган. Ўрнашиб кетган тартибларни зўрлик йўли билан ўзгартиришдан, ижтимоий кураш ва тўнтаришлардан воз кечиш руҳонийлар ва зодагонлар зўравонлигидан норози бўлган, аммо мулкий тенгсизликни ёқловчи бадавлат шаҳарликларга ҳам жуда маъқул тушган. Илк буддизм бойликка бепарволикни тарғиб қилган, бу эса бировларнинг мол-мулкига кўз олайтиришдан сақлаган. Буддачилар ўз тарғиботчилари бўлган эътиқодчиларни ўзига жазб қилган.


Маурья сулоласининг подшолари учун буддизмнинг брахманизмга нисбатан бир қанча устунлиги бўлган. У имтиёзларни емириб ўзгартиришга ёрдам берган. Аследалик ва этник ҳолатга асосланган бу имтиёзлар кенг мустабид давлатни идора қилиш ишига ғов бўлиб турган. Бу имтиёзлар мамлакатнинг айрим қисmlарини бирлаштиришга ва давлат тузумини ягона шаклга келтиришга халақит берган. Сусткашликка даъват қилиш қулдорларга жуда ҳам қўл келган, айниқса буддачилар қулларнинг ҳуқуқсизлигини эътироф қилганлар.

Янги дин Ашока даврида айниқса муваффақият қозонган. Ашоканинг ўзи буддизмни қабул қилиб, Паталипутрада унинг ақидаларини расмийлаштирган кенгаш чақрган.<sup>1</sup> Бир қанча будда монастирлари таъсис этилган.

Лекин шу билан брахманизм тугатилган эканда деб ўйлаш ярамайди. Ашока уни хаёлига ҳам келтира олмаган. Янги дин

<sup>1</sup> Бундан аввалги даврларда ҳам кенгаш бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар шубҳалидир.





Қадимги Ҳиндистон ва қадимги Хитой



асосан қабиладан ва қишлоқ жамоасидан ажралиб кетган аҳолининг аралашиб кетиш процесси кучли бўлган катта-катта шаҳарларда тарқалган, этник, тоифавий ва бошқа ижтимоий говлар хийла мустақкам бўлган қишлоқларда брахманизм ўз мавқени сақлаб қолган. Лекин ҳар ҳолда брахманизм қувғин қилинмаган.

Маълум биргина халқ билан боғланмаган янги дин бутун дунё дини бўлишга ҳамма асоси бўлган (бу жиҳатдан буддизмни христианлик ва ислом билан солиштириш мумкин). Ҳиндистоннинг ўзида ҳамма тан олмаган буддизм эрамиздан аввалги III асрда мамлакатдан ташқарида айниқса Марказий, Шарқий ва Жануби-Шарқий Осиё халқлари орасида тарқала бошлаган.

Буддизм асосан Маурья сулоласи подшоларининг ҳомийлиги туфайли Ҳиндистонда муваффақият қозонган. Лекин Ашокадан кейин унинг давлати заифлашган. Қўпдан-қўп ўлкаларни, турли тилларда гапирадиган ва иқтисодий ҳамда маданий савиялари хилма-хил бўлган халқларни мустақкам қилиб жипслаштириш осон иш бўлмаган.

Маурья сулоласи ўрнига келган Шунга сулоласи вақтида (эрамиздан аввалги 187—73 йиллар) Ҳинд давлатининг парчаланиш процесси айниқса кенг тус олган. Янги сулоланинг подшолари буддизмни қўлламаган. Брахманизм ва у билан боғлиқ биқиқ варна тузуми яна кучайган.

Марказлаштирилган давлатнинг заифлашувида ташқи ҳужумлар катта роль ўйнаган. Ҳиндистон эрамиздан аввалги II асрдан эътиборан ташқи ҳужумлардан азоб чека бошлаган. Аввало Ҳиндистоннинг ғарбида жойлашган Грек-Бақтрия подшолиги унинг энг ашаддий душмани бўлган. Эрамиздан аввалги I асрда шимоли-ғарбдан кушонлар бостириб кирганлар. Ҳиндистоннинг анча қисми кушанлар таъсис қилган подшолик таркибига кирган. Бу подшоликнинг марказий қисми ҳозирги Тожикистон ССР тупроғида бўлган. Кушонлар ўзларидан кўра юксак ҳинд маданиятини ўзлаштирганлар.

Эрамизнинг III асрида Ҳиндистон яна бир қанча майда давлатларга бўлиниб кетган. Эрамизнинг IV—V асрларида Магадха яна тиклана бошлайди. Магадха янги кучли гуфт давлатининг ўзагига айланган, лекин V аср охирига келиб бу давлат яна тушқунликка юз тутган, натижада мамлакат яна тамомила парчаланиб кетган.

9. Ҳиндистоннинг маданияти. Дастлабки вақтларда тилдан тилга ўтиб келган қадимги ҳинд лирикаси (ведалар) ва достони (Махабхарата билан Рамаёна) янги эра бошига келиб, тўлиқ шаклланган ва ёзиб олинганлигини биз юқорида айтиб ўтган эдик.

Шунингдек, халқ масаллари тўплами (Панчатантра, яъни Беш китоб) ҳам пайдо бўлган.

Эрамизнинг V асрида қадимги Ҳиндистоннинг ғоят зўр дра-

матурги Калидаса майдонга келади. Унинг драмалари ичида «Шакунтала» энг машҳурдир. Драма асарнинг бош қаҳрамони тарки дунё қилган ва подшо яхши кўриб қолган қаландар аёл номи билан аталган.

Қадимги Ҳиндистонда ҳар хил фалсафий оқимлар, шу жумладан, материалистик оқим таркиб топган. Масалан, чарвак таълимотига кўра, билишнинг бирдан-бир манбаи тажрибадир. Руҳнинг тандан ажраши тўғрисида Ҳиндистонда кенг тарқалган таълимот инкор қилинган. Руҳ тандан ажралмайди, деган фикр илгари сурилган.

Сугориб деҳқончилик қилинадиган бошқа мамлакатлардаги каби Ҳиндистонда ҳам астрономия ва математика анча равнақ топган. Бунда ўзига хос Қуёш календари барпо қилинган. Йил 360 кундан иборат бўлиб, астрономик йилга мослаш учун ҳар беш йилда бир марта кабиса ой қушилган.

Эрамининг V—VI асрларида Ҳиндистонда Ернинг шарсимон эканлигини ва ернинг ўзига тортиш қонунини, шунингдек, ернинг ўз ўқи атрофида айланишини жуда яхши билганлар. Бу илмий кашфиётларни ўрта асрларда араблар ҳиндлардан ўрганиб олганлар.

Илк ҳинд давридаёқ (эраминдан аввалги III—II минг йилликдаёқ) Ҳинд водийсида ҳисобнинг унвон системаси таркиб топган. Кейинчалик ҳиндлар математикада баъзи жиҳатдан бошқа шарқий давлатлардан ўзиб кетган. Масалан, нолни билдирадиган аломат фақат Ҳиндистонда ишлатилган. Биз рим рақамларидан фарқ қилиб арабча рақамлар деганимизни аслда қадимги ҳиндлар ихтиро қилган ва кейин бу рақамлар арабларга ўтган. Араб алгебрасида ҳам ҳиндлар алгебрасининг таъсири бор.

Қадимги ҳинд кимёгарлари сульфат, хлорат ва азот кислота ишлашни билганлар. Табиблар касалликларни муайян системага солишга уринганлар ва организмдаги асосий ширалар назариясини яратганлар. Ҳиндистонда жуда кўп тил ва шевалар бўлиши филология соҳасида тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилган. Брахман олим Панини (эраминдан аввалги V—IV асрларда яшаган) «тозаланган» тилнинг, яъни адабий (санскрит) тилининг грамматикасини тузган.

Гумбазли бинолар ва ўзига хос ғорлар ибодатхоналар қадимги ҳиндларнинг ажойиб архитектура ёдгорликларидир. Ажанта ғор-ибодатхоналарида сақланган хилма-хил рангдаги фрискалар (эраминдан аввалги I—III асрларда) ўзининг реализм билан кишини ҳайратда қолдиради.

Ҳинд маданияти Марказий ва Шарқий Осиё мамлакатларига (асосан буддизмнинг ёйилиши муносабати билан) катта таъсир кўрсатган. Ҳиндистон ғарб оламига араблар орқали таъсир кўрсатган.

## ҚАДИМГИ ХИТОЙ

1. **Табий шароити ва аҳолиси.** Биз Хитой<sup>1</sup> деб атайдиган мамлакатни хитойларнинг ўзлари гоҳ Чжуна Го (Ўрта подшолик), гоҳ Чжунхва (Ўрта Равнақ) деб ёки бирон сулола номи билан масалан, Цинь деб) атайдилар. Кейинги ном баъзи ўзгаришлар билан Ғарбий Европа ва Шарқнинг географик номлар рўйхатига ҳам киритилган<sup>2</sup>.

Хитой давлати аввал бошда Хуанхэ ҳавзасида ташкил топиб, кейинчалик ҳозирги чегараларигача секин-аста кенгайиб борган.

Хитой адабиётида Хуанхэ «Юракни эзадиган дарё» деб тилга олинган. Бу дарё ўзанини тез-тез ўзгартирган, қирғоқнинг юмшоқ тупроғини ёриб ўтиб, кенг майдонларни сув бостирган. Фақат кишиларнинг қаттиқ меҳнати билангина дарё жиловланган, тўғонлар қурилиб, унумдор водийни сув босиб кетиш хавфидан халос қилинган. Хитой халқ эртақларида Юй деган афсонавий подшо дарё қирғоқларини мустақамлаш ишларини ташкил қилгани учун кўкларга кўтариб мақталганлиги тасодифий ҳол эмас. Шимолий Хитойнинг (сарик тупроқ) ерлари жуда унумдордир.

Қадимги Хитойда қалъа ўрмонлар кўп бўлган (ҳозир кўп жойларда кесилиб йўқ бўлиб кетган, фақат чекка-чеккалардагина қолган). Қадимги Хитой авторларининг тасвирларига қараганда, бунда ёввойи ҳайвонот ва ўсимликлар жуда кўп бўлган, буни археологик қазилмалар ҳам тасдиқлайди.

Ҳозир одамлар зич яшаётган жойларда илгари вақтларда буғулар ўтлаб юрган. Қадимги Хитой қўшиқлари тўплами (Ши Цзин) да ҳар йили буладиган оммавий ов тасвир этилган, бунда тулки, ёнуг, ёввойи мушук овлаганлар: бу оммавий овлар ҳозирги вақтда ёввойи ҳайвонлар деярли қолмаган Хуанхэ ҳавзасида қилинган. Хитой тоғларида руда ва бошқа фойдали қазилмаларнинг кўплиги мамлакат экономикасининг тараққиётида муҳим роль ўйнаган.

Мавжуд маълумотларга қараганда Хитойнинг жуда қадим замондаги аҳолиси этник жиҳатдан жуда хилма-хил бўлган. Асл хитойларнинг ўзи ўз тарихлари тонгида Хуанхэ дарёсининг урта оқимидаги ҳавзада яшаганлар, холос, кейинчалик эса секин-аста дарёнинг бошига ва этагига жилиб борганлар. Эрампздан аввалги I минг йилликда ва янги эра бошларидагина уларнинг

<sup>1</sup> Бу ном Ўрта Осиё халқларидан қабул қилинган. Улар аввал бошда (бу ном билан X—XII асрларда Хитойнинг шимолий районларида ҳукмронлик қилган халқлардан бирини атаганлар. Кейинчалик бутун мамлакатга шу ном берилган. Хитойларнинг ўзлари ҳеч қачон бу номни ишлатган эмаслар.

<sup>2</sup> Немисларнинг Хина деб, французларнинг Шин деб, инглизларнинг Чина деб, на баъзи шарқ халқларининг Чин деб берган номлари ўша Цинь сўзидан келиб чиққан.

асосий территориядан ташқарига кўчиб бориб жойлашиши кенг тус олган. Бу кўчишлар вақтида хитойлар шимоли-шарқда манжур-тунгус қабилалари, шимоли-ғарб ва ғарбда турк ва мўғул, жануби-ғарбда эса синтибет қабилалари ва бошқалар билан гоҳ душманлик муносабатиде, гоҳ дўстона муносабатда бўлганлар. Хитойлар кўп асрлар давомида хорижий халқлардан сун-ну деган халқларга қарши кураш олиб борганлиги асл нусха манбаларда айниқса кўп эслатилади. Кейинчалик улар (эрамизнинг IV асрида) Европага ҳам етиб келишган ва буида уларнинг номини ўзгартириб гуниллар деб атаганлар.

Хитойлар билан қўшни яшаган этник гуруҳларнинг анчагина қисми хитойлар ичиде сингиб, уларнинг тили ва маданиятини ўзлаштирганлар. Лекин ҳозир ҳам жанубий Хитойнинг баъзи жойларида ва ғарбий Хитойнинг анча қисмида аҳоли хитой тилидан ўзга тилда гапиради, уларни зўрлик йули билан хитойлаштириш учун кўп марта уринилишига қарамай, ўзларининг маҳаллий маданий анъаналарини сақлаб қолганлар.

**2. Манбалар.** Қадимги Хитойни ўрганишни осонлаштирадиган нарсә шуки, бу мамлакатнинг эрамиздан аввалги II минг йилликда пайдо бўлган ёзуви ғарчи ҳар хил ўзгаришларга дуч келган ва бир неча бор ислоҳот қилинган бўлса-да, ўзининг асосий хусусиятларини сақлаб, ҳеч қачон унутилмасдан, авлоддан-авлодга кўчиб то бизнинг кунларимизгача етиб келган. Шундай қилиб, хитой ёзувидан фойдаланиш учун Яқин Шарқ ёзув системаларини ўқиб чиқариб тушуниш учун Раулинсон, Шампольон, Грознийлар сингари кашфиётлар қилишга тўғри келмаган. Асрлар ва минг йиллар давомида кўпгина хитой иероглифларининг шакл ва маънолари ўзгартирилган, аммо хитойларнинг ҳозирги ёзуви билан қадимги ёзуви ўртасидаги маълум генетик боғланиш сақланган, шунингдек, ҳозирги хитой тилининг лексика ва грамматикаси қадимги тилидан чиқиб ривожланиб келган. Яқин Шарқда эса кўпчилик тиллар тамомила араб тили ва туркий тил билан алмашинган.

Қадимги Хитой текстларининг баъзи асл нусхалари замонамизгача етиб келган. Тўғри, уларнинг ҳажми катта эмас, улар биринчи навбатда суяк парчаларига (ёки тошбақа косасига) ёзилган ёзувлар бўлиб, мазмуни оракулга берилган савол ва қўйилган талаблардан иборат (улар хэнан фил суяклари деб аталади). Улар эрамиздан аввалги II минг йилликка (Шан-Инь даврига) мансубдир. Бронза идишларидаги қисқа-қисқа ҳадяномалар кейинроқ даврга (эрамиздан аввалги II минг йилликнинг охирлари I минг йилликнинг бошларидаги Чжоу даврига) оиддир. Каттароқ ҳажмдаги ёзувлар мўрт материалларга, чунончи, тахтачаларга (бамбук воқеаномалари) ёки илакка ёзилган. Авлодлар улардан нусха кўчирганлар, баъзилари бизгача етиб келган.

Эрамизнинг I асрида Хитойда қоғоз ихтиро қилинган ва хилма-хил материалларга ёзилган ёзувлар кенгайтирилиб, қайтадан

таҳрир қилиниб қоғозга кўчирилган. Шундай қилиб, Библия, Авеста ва ҳинд асарларини ўргангандаги сингари бунда ҳам оингли равишда қилинган кўпдан-кўп ўзгаришлар (нусха кўчирилганда бештиёр йўл қўйилган хатолар бундан мустасно) ва қадимги ҳужжатларни янги даврга мослаб тузатишлар билан ҳисоблашишга тўғри келади. Шунга қарамай, жуда қадимги кўпдан-кўп эзувлар (хато ва бузишлар билан бўлса-да) сақланган.

Биз қадимги Хитойнинг йилномалар тўпламига эгамиз, ҳолбуки, бундай тўплам Ҳиндистонда бўлмаган. Аввало юқорида айтганимиз Бамбук воқеаномалари шундай ҳужжатлардир. Уларнинг хронологиясини аниқлаш учун таянч нуқта бор: унда қуёш куйганлиги тилга олинган, ҳозирги замон астронимларининг ҳисобича, бу воқеа эрамиздан аввалги 776 йилда юз берган.

Хитой ўлкаларидан бири Лу подшолигининг хроникасини ифодаловчи «Чун Цю» («Кўклам ва куз») анча кейинги асардир. Нақлга кўра унинг авторини машҳур хитой файласуфи Конфуций бўлган, эрамиздан аввалги VI аср).

Эрамиздан аввалги II асрда катта тарихий асар яратилган, унинг авторини давлат арбоби Сим Цянь бўлган.

Ундан кейинги замонни ўрганиш учун эрамизнинг I асрида бутун бир йилномачилар оиласи: Бань Бяо, унинг ўғли Бань Гу ва қизи Бань Чжао томонидан ёзилган «Биринчи (Катта) Хань сулоласи тарихи» айниқса муҳимдир. Бань Чжаснинг бу тарихни яратишда иштирок қилганлиги биз учун диққатга сазовор бир ҳолдир. Қадимги Шарқ тарихида йилномачи—аёлнинг, гарчи иккинчи ўринда бўлса-да, авторлик қилиши бирдан-бир воқеадир.

Бу оиланинг коллектив бўлиб ёзган асарида мамлакатнинг сиёсий тарихигина эмас, балки ижтимоий тарихи ҳам ёритилган. Унда эрамиздан аввалги I аср билан эрамизнинг I асри ўртасида Хитойни ларзага келтирган қудратли халқ ҳаракати ҳам баён этилган. Шу нарса муҳимки, бунда қулларнинг қўзғолонига эътибор берилган. Асарда бу қўзғолонга ҳукмрон синф нуқтаи назаридан келиб чиқиб, йўлтўсарлар ҳаракати деб баҳо берилган, албатта; авторлар бундан ҳеч қандай ижтимоий қонунларни қидиришмайди, лекин воқеаларнинг бир қанча тафсилотлар билан баён қилинганлиги биз учун ғоят қимматлидир. Шу нарса эсдан чиқармаслик керакки, бошқа шарқ йилномачилари бунақа фактларни эътиборга лойиқ эмас деб, ёзмаганлар, халқ қўзғолонларини тилга олганларида ҳам уларни бошга битган бало, эсламаган маъқул деб, бир оғиз гап билангина чеклаиб қўя қолганлар.

Йилномалардан бошқа халқ қўшиқлари ҳам қадимги Хитой тарихини ўрганиш учун муҳим манбадир. «Ши Цзин» («Қўшиқлар китоби») тўплами айниқса муҳимдир, бу тўпلامда оддий деҳқонларнинг маиший ҳаёти ва феъл-авторини ёрқин тасвир этилган. Шунингдек, «Ҳужжатлар китоби» («Шу Цзин») ни ҳам қўрсатиб ўтиш керак. Бунда эски қиссалар баён қилинган. Ҳарбий

санъат, экономика ва бошқалар тўғрисидаги трактатларда қадимги Хитойдаги ижтимоий ҳаётнинг турли томонларини кўрсатиб берган кўпгина маълумотлар бор.

**3. Историография.** Қадимги Хитойни, эътан урта асрлардаги Хитойни ҳам Европада узоқ вақтларгача билишмаган деса бўлади. Антик замон аъёналарида қадимги Хитой тўғрисидаги маълумотлар озгинадир. Тарих отаси Геродот Ҳинд водийсидан шарқ томонда жойлашган мамлакатлар тўғрисида ҳеч нарса билмаган. Ундан анча кейин ўтган Александр Македонский юришларидан кейин тарих ёзган авторлар эллен давлатлари ва Рим ипак олиб турадиган мамлакат тўғрисида ноаниқ ва узуқ-юлуқ маълумотларинигина берганлар.

Урта асрларда Хитой тўғрисидаги тасаввурлар сайёҳларнинг (масалан, венециялик Марко Поло) ахборотлари билангина чегараланилган, табиий, улар бу мамлакатнинг тарихий ўтмишини чуқур билш мақсадини ўз олдиларига қўймаганлар.

Фақат эрамининг XVI асрдан эътиборан европалик миссионерлар ва савдогарлар Шарқий Осиёнинг ҳозиргиси ва ўтмиши билан кўпроқ қизиқа бошлаганлар. 1585 йилда португалиялик Мендоза ёзган «Улуғ хитой халқининг тарихи» босилиб чиққан.

XIX асрда француз хитойшуноси Э. Шаванни Симма Цяннинг «Тарихий ёзмалар» ини таржима қилишга киришган.


Хитой тарихини ўрганишда ғоят катта роль ўйнаган рус сайёҳларидан айниқса Н. Я. Бичурин (монах Иакинф) ни айтиб ўтиш керак. У Хитойда руҳонийларнинг Пекин миссияси бошлиғи вазифасида 14 йил (1807 — 1821 йиллар) ишлаб, жуда кўп хитой ҳужжатларининг асл нусхалари билан танишган. Н. Я. Бичурин ва бошқа рус олимлари ўз асарларида хитой халқига хайрихоҳликларини билдирадilar ва хитой маданиятининг оламшумул аҳамиятига эга эканлигини эътироф этадилар.

Шу нарсани назарда тутиш керакки, дворянлар ва буржуа синологияси (хитойшунослиғи) ўзининг катта хизмати ва муваффақиятларига қарамай, Хитой тарихий тараққиётининг боришини тушунтириб, унинг умумий қонуниятларини ва шубҳасиз маҳаллий ўзига хос хусусиятларини аниқлаб беришни удалай олмади.

Хитойларга (ҳиндларга ҳам) гўё жуда суст ва тараққиётга қобилияти йўқ халқ деб қараш жуда кенг тарқалган бўлган. Иккинчи томондан, бунга қарама-қарши ўлароқ ҳаддан ошириб юборилган қарашлар ҳам бўлган. Баъзи хитой тарихчилари маълум шовинистик кайфиятларига мувофиқ ўз мамлакатларининг тарихий ролини жуда кўпиртириб юборишган, баъзан ҳозир ҳам шундай муболаға қилишади.

Хитойнинг ўтмишини ўрганишда ҳозирги совет фани анча тўғри йўл тутган, аммо бунда ҳам баҳслар бўлиб туради.

Совет тарихчиларининг кўпчилиги қадимги хитой жамиятининг қулдорлик характерда бўлганлигини эътироф этади ҳамда



Фол ёзилган суяк

Ғарб сингари Хитой ҳам феодал тузумига аста-секин (тахминан  
грамизнинг биринчи асрларида) ўта бошлаганлигини кўрсатади.  
Бу жиҳатдан Л. В. Симоновский, Т. В. Степугина ва бошқалар  
нинг асарларини кўрсатиб ўтиш керак.

Қадимги Хитой тарихидаги асосий даврлар сулолалар ва  
подшодликлар номи билан): Шан (Инь), Чжоу, Цинь ва Хань деб  
талади. Бу даврлардан қайси бирида Хитойнинг феодализмга  
бошлагани туғрисида ҳали ҳам ҳар хил фикрлар бор. Лекин би  
ринчи синфий формация (қулдорлик) ўрнига иккинчи синфий  
формация (феодализм) Хитойда тараққиётнинг қандайдир фа  
кат ўзига хос хусусиятларига кўра Европа ва Яқин Шарқдан  
анча олдин келган дейишга ҳеч қандай асос йўқ.

4. Энг қадимги Хитой. Шан (Инь) давлати. Археологик маъ  
лумотларга кўра Хитойда одамлар қадимги тош давридаёқ  
га  
Антропологик жиҳатдан бу суяклар энг қадимги маймун сини  
(питекантроп) суякларидан жуда фарқ қилади ва маймуслар  
кишига айланишидаги янги даврни билдиради. Палеолит даври  
га оид кўпгина қурол-асбоблар топилган. Хитойнинг кўп ерлари  
(айниқса Хэнанда) анча кейинги неолит даврига мансуб қурул  
лар бўлгани аниқланган.

Қадимги Хитой тарихчилари (айниқса Сима Цинь)нинг сўз  
ланган эсдаликларига қараганда (бошқа халқларда бўлган  
каби) энг қадимги Хитойда матриархат ҳукмрон бўлган. Уш  
ҳисоби она йўли билан олиб борилган. Қабила оқсөөлининг  
қимияти отадан ўнгилга эмас, балки отадан укага ўтган.

Эрамиздан аввалги II минг йиллик она ҳуқуқининг секин-аста ўтиш замони бўлган, лекин бу ўтиш турли қабилаларнинг ҳаммасида бир вақтдан бўлмаган, турли қабилалар олди-кетин ва матриархат қолдиқлари хийла узак вақт сақланиб келган.

Энг қадимги Хитой қабилаларидан эрамиздан аввалги II минг йиллик бошларида (шимолдан бўлса керак) Хуанхэ қирғоқларига кучиб келган Шан қабиласи айниқса кучайиб кетган. Бу қабила бошқа қабилаларни (шу жумладан, эрамизнинг XVIII асридан кўпчиликни ташкил қилиб келган Ся қабиласини ҳам) ўзини бўйсундириб, Хуанхэ дарёси ҳавзасининг кўп ерни эгаллаб олган.

Хитой анъанасига ишонадиган бўлсак, эрамиздан аввалги XVIII асрда Чэн Тан деган киши давлат тузиб, унга ҳукмдор қабилаининг номи билан Шан давлати деб атаган. Кейинроқ бу давлат тарихий ҳужжатларда Инь давлати деб юргизилган. Кўпчилик тадқиқотчилар ҳар икки номни—Шан ва Инь номларини ишлатишади. Шан (Инь) подшолигининг эрамиздан аввалги XVIII—XII асрлардаги экономикаси тўғрисида биз ўша давр моддий маданиятининг кўпдан-кўп ёдгорликларига ва хэнанларнинг фол очадиган суяклар деб аталадиган суяклардаги қисқача ёзувларини қараб фикр юритамиз.

Қурол-асбоб ва қурол-яроғлар ясаш учун асосан тош билан суяк ишлатилган. Лекин бу даврда мис ва кейин бронза қуроллар (пичоқлар, кураклар ва болталар, бигизлар ва ш.к.) ҳам учрайди.

Хужаликнинг содда формаларидан чорвачилик ва деҳқон-



Бронза ва суякдан ясалган Инь буюмлари



чилиққа ўта бошлаганлар, ирригация соҳасида ҳам дастлабки уринишлар бўлган. Муваффақиятли ов тўғрисидаги на эмас, балки ҳосилнинг тўғрисида ҳам фол очганлар. Бу даврга мансуб энг қадимги ёзув аломатлари орасида пайкалларга бўлинган дала схемаси ва ҳатто сугориш каналларининг суратлари ҳам бўлган. Тариқ, арпа, буғдой, гаолян экканлар. Тут дарахтлари устиришга алоҳида эътибор берилган. Бу дарахт (Олд Осиёда бўлгани каби) меваси учун эмас, балки ипак қуртларига озуқа бўладиган барглари учун қадрланган. Бу замонда ипак газлама Шимолий Хитойда кенг тарқалган бўлган.

Хўкиз (бошқа қадимги Шарқ мамлакатларидаги каби) асосини иш ҳайвони бўлган. От кам бўлган, уларни жанг араваларига ва рўзғордаги араваларга қўшганлар.

Чорвачилиқ у даврда ҳозирги Хитойдагидан кўра анча юксак ривож топган. Ҳозирги вақтда аҳоли жуда зич жойлашганлигидан яйлов етишмайди. Шан (Инь) замонининг ҳужжатларида неча юзлаб хўкиз ва қўйларнинг худо йулига қурбон қилинганлиги айтилган. Эчки ва чўчқа ҳам боқилган.

Шан (Инь) подшолигида касб-ҳунар юксак даражага етган. Бу подшолик пойтахтининг (бу ҳам Шан деб аталган ҳаробаларидан қуувчилик устахонасининг қолдиқлари топилган, устахонада бронза буюмлар қуйилган. Устахонада тайёр буюмлар ва тошқол (шлак)гина эмас, улар билан бирга қуйиш қолиплари ҳам сақланган.

Қулоччилик жуда такомиллаштирилган, оқ гил (каолина) ишлатиш айниқса ривож топган. Қўл чархи ишлатилган. Ёғоч материаллардан кенг фойдаланганлар, ёғочдан уйлар ва ҳатто қасрлар ҳам қурганлар.

Ҳунар-касбнинг деҳқончиликдан ажралиши айирбошланишнинг тараққий қилишига сабаб бўлган. Алоҳида чиғаноқлар (каурлар) қиймат ўлчови бўлиб хизмат қилган. Шарқий Осиёдаги турли мамлакатлар билан, хусусан Янцзи ҳавзаси билан савдо алоқалари бошланган (у вақтда Янцзи ҳавзаси ҳали Хитой таркибида бўлмаган) Янцзи ҳавзасидан мис ва қалайи келтирилган. Хуанхэ ҳавзасининг шимол ва ғарб томонидаги тоғлик жойлардан ва бепоён даштлардан чорва, тери, мўйна ва тош (яшма, нефрит ва бошқалар) олиб келинган. Улар эвазига бу жойларга келган хитой ҳунармандларининг буюмлари Енисей қирғоқларига гача етиб борган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши, ички ва ташқи айирбошнинг кучайиши муқаррар равишда мулкий тенгсизликка олиб келган. Қазинлар натижасида бойларнинг уйлари ва мақбаралари билан бир қаторда камбағалларнинг кулбалари ва қабрлари ҳам чиқяпти. Баъзи иероглифлар қулларни (қўлларни боғланган асирлар ва уй чўриларини) билдирган. Зотан, қулдорлик жуда илк ва ибтидий босқичда бўлган. Қулларни қурбон қилиш одати (фол очишда ёки ҳукмдорларни кўмишда) қуллар меҳнатига талаб ҳали оз бўлганлигидан далолат беради.

Экиладиган ерлар жамоа ихтиёрида бўлган. «Қудуқ тартиби» мавжуд бўлган. Бу тартиб шундан иборатки, қишлоққа қарашли территория тўққиз қисмга бўлинган (бу бўлиниш схемаси «қудуқни» билдирган пероглифга ўхшагани учун уни «қудуқ тартиби» деб атаганлар). Уша тўққизтанинг саккизтаси онларга чек ер қилиб бўлиб берилган, тўққизинчиси (марказий участка) ни ҳамма қўшилишиб ишлаган ва унинг ҳосили умумий эҳтиёжларга сарф қилиш учун оқсоқолга берилган) кейин уни подшолар ўз фойдаларига оладиган бўлган.

Секин-аста давлат аппарати таркиб топган ва ванлар (ҳукмдорлар) сайлаб қўйиладиган қабила бошлиқларидан мерос бўлиб ўтадиган подшога айланганлар.

Марказлаштирилган ҳокимиятнинг мустаҳкамланиши Шан шаҳрининг пойтахтга айлантирилганлиги (эрамыздан аввалги XV аср) билан боғлиқ бўлса керак. Подшолар аслда жамоалар ихтиёрида бўлган ерларнинг номинал эгасига айланганлар. Мунтазам армия, амалдорлар ва зиндонлар пайдо бўлган. Подшонинг қариндошлари ва яқин кишиларидан уруғ зодагонлари вужудга келган. Подшо ҳокимиятини муқаддаслаштирмоқ учун диндан фойдаланилган. Подшон «Худо фарзанди» деб атаганлар.

**8. Чжоу подшолиги ва мамлакатнинг парчаланиб кетиш (Чжан Го) даври.** Шан(Инь) подшолиги мустаҳкам бўлмаган. Тарихий ривоятларда бўйсундирилган қабилаларнинг қўзғоломлари тўғрисида бир қанча маълумотлар бор. Вей дарёси (Хуанхе ирмоғи) бўйларига жойлашган чжоу қабиласи айниқса хавфли душман бўлиб чиққан.

Шан (Инь) сулоласининг энг сўнгги намояндаси бўлмиш Шоу Сини чжоу қабиласининг бошлиғи У Ван жангда тор-мор келтирилган, Шоу Синь эса аламидан ўз-ўзини ўлдирган. Аввалги подшоликнинг харобалари устида янги подшолик вужудга келган ва бу подшолик ҳам (ҳукмдор қабила ва идора қилувчи сулола сифатида) Чжоу номини олган. Бу подшолик эрамыздан аввалги XII асрдан эрамыздан аввалги III аср ўрталаригача яшаган<sup>1</sup>.

Бу подшолик даври иккига: пойтахт Хоу шаҳрида эканда Фарбий Чжоу даврига ҳамда пойтахт шарққа Лои шаҳрига (ҳозирги Хэнандаги Лоянга) кўчирилгандан кейин Шарқий Чжоу даврига бўлинган.<sup>2</sup> Бунда шу нарсани назарда тутиш керакки, Чжоу сулоласи ўзи яшаган сўнгги асрларда фақат шаклан ҳокимиятга эга бўлган. Хитой йилномачилари эрамыздан аввалги

<sup>1</sup> Хитойдаги қадимги хронологияга биноан, эрамыздан аввалги 1122 йилдан 249 йилгача яшаган.

<sup>2</sup> Фарбий Чжоу даври эрамыздан аввалги 1122-771 йилларни, Шарқий Чжоу даври 770-249 йилларни ўз ичига олади.

<sup>3</sup> Икки ўртадаги давр эрамыздан аввалги 403-221 йилларни, демак, Шарқий Чжоу даврининг ҳам бир қисмини (энди бу сулола ҳақиқий ҳокимиятдан маҳрум бўлган йилларни) ва Цинь сулоласининг ҳам бошланғич даврини (узил-кесил мустаҳкамланиб олгунча ўтган даврини) ичига олган.

IV аср билан III асрнинг анча қисмини ичига олган ўтиш дарвиши Чжан Го («Адоватлашувчи подшоликлар») деб атайдилар.

Ғарбий Чжоу даври саройда ҳам, вилоятларда ҳам уруғ зодагонларининг анча кучайганлиги билан характерлидир. Подшолар ўз қариндошлари ва яқинларига жуда кўп нарса нисом қилганлар ва имтиёзлар берганлар. Бронза идишлардаги кўп буюмларда хизмат кўрсатган гоҳ у, гоҳ бу мансабдорга қишлоқ жамоаларидан тортиб олинган ерлар ва юзлаб, баъзан минглаб қуллар нисом қилингани айtilган. Қулдорлик кўлами истисно қилинган Шан (Инь) подшолигидаги аҳолининг бир қисмини асоратга солиш ҳисобига кенгайиб борган. У Ваннинг (Чжоу подшолигидаги аҳолининг бир қисмини) асоратга солиши ҳисобига кенгайиб борган. У Ваннинг (Чжоу подшолигини таъсис қилган киши) ўз жангчиларига мурожаат қилиб айтган гаплари тасодифий эмас. У бундай деган: «Шан ердарида биз томон қочиб ўтганларга ҳужум қилманглар—улар бизнинг ғарбий далаларимизда ишлайверсин». Шундай қилиб, ғолиблар қаршилик кўрсатган душманни ўлдириб, ўз ихтиёри бўлган буйсунганларни мажбурий суратда иш кучи сифатида фойдаланганлар.

Қўшни кўчманчи қабилалар, хусусан, сюнлар (гуннлар) билан бўлган урушларда ҳам асирларни ҳайдаб келиб қулга айлантирганлар. Кейинчалик қуллар сафи ҳукм қилинган жиңоятчилар ҳисобига тўлдириб борилган.

Жамоа ерларининг тортиб олиниши ва қуллар сонининг орттибориши зодагон оилаларга қарашли йирик хусусий хўжаликлар барпо қилинишига сабаб бўлган. Ер эгалигининг мерос бўлиб ўтиши хусусий мулчиликка (яъни ҳеч нима билан чегараланмаган ер эгалигига ва ерни бемалол тортиб олиш ҳуқуқига) яқин келиб қолган.

Чжоу сулоласининг биринчи подшолари катта ер эгалари бўлмиш зодагонларнинг иқтисодий жиҳатдан кучайишига ёрдам берган бўлсалар-да, уларни ўз қулларида маҳкам ушлаб туришга ҳаракат қилганлар ва марказий ҳамда маҳаллий бюрократик аппарат вужудга келтирилган.

Олий давлат органини барпо қилиш тўғрисидаги маълумот сақланган. Бу орган подшонинг учта маслаҳатчисидан (олий мураббий, олий муаллим, олий ҳомийдан) ва учта бошқарувчидан иборат бўлган. Бошқарувчиларнинг бири диний ишларни идора қилган, иккинчи бири ижтимоий ишларни (суғориш ишларини ҳам) бошқарган ва учинчиси ҳарбий ишларни бошқарган.

Аммо умум давлат миқёсида ишларни бошқарувни ташкил этиш юзасидан қилинган барча уринишлар муваффақиятсиз бўлган. Вилоятлардаги ходимлар подшо ноибларидан мустақил подшоларга айланиб борган. Хитой йилномаларининг фикрларига кўра, эрамиздан аввалги IX асрдаёқ<sup>1</sup> пойтахтга подшо ҳузурига соғна-салом билан келиш одати йўқ бўлган ва ҳатто ўлпон йиғим-

<sup>1</sup> Подшо Ли Вань замонида (эрамиздан аввалги 878—842-йиллар).

лари ҳам мунтазам суратда юборилмайдиган бўлган. Сўнгра марказий ҳокимиятга қарши тез-тез қўзғолонлар бўлиб турган Кучманчи қабилаларнинг тазйиқи билан аҳвол яна ҳам мушкуллашган. Хитойнинг шимолдаги ашаддий душмани сюн-нулар, ғарбда эса жуилар бўлган. Бу кучманчилар марказий ҳокимиятга қарши кўтарилган қўзғолонларга кўпинча кумак бериб турганлар.

Шарқий Чжоу даврида сепаратизм айниқса кучайган. Бир қанча вилоятларнинг ҳокимлари аслда пойтахт атрофидаги озгина территорияни қўлида сақлаб турган подшодан кўра қудратлироқ бўлиб қолганлар.

«Адоватлашувчи подшоликлар» (Чжан Го) даврида юксалган еттига энг кучли давлат<sup>1</sup> марказий ҳокимиятни мутлақо писанд қилмай қўйган. Биринчи қарашда қанчалик ҳайрон қоларли бўлмасин, худди шу даврда, яъни давлатнинг парчаланиши авж олиб бораётган бир пайтда Хитойнинг экономикаси хийла ривож топиб борган; экономика соҳасида ана шу ривожланиши кейинчалик мамлакатнинг яна қайтадан бирлашиб боришига сабаб бўлган.

Эрамиздан аввалги VII ва VI асрлардан эътиборан қишлоқ хўжалиги ва ҳунармандчиликда темир кўпроқ ишлатила бошланган. Темир мотигалар, плуг тишлари ва ўроқлар аввалги тош, мис ва бронзадан ишланган қуроолларни кўп жойларда (айниқса шимолда) сиқиб чиқарган. Шу туфайли қуриқ ерларни ўзлаштириш мумкин бўлиб қолган. Ернинг чуқурроқ ҳайдалиши натижасида ҳосилдорлик ошган, бунинг устига экиладиган ерлар ўғитлана бошлаган. Темир белкураклар ишлатилиши билан ариқларни чуқурроқ қазиш ва кенгайтиришга имкон туғилган. Ҳунар-қасб, айниқса ипак газлама тўқиш, лак сурилган буюмлар ишлаш ривож топган.

Ижтимоий меҳнат тақсимооти ва турли районларнинг хўжалик жиҳатидан ихтисослашуви авж олган. Улкалардан бирида тўқимачилик, бошқасида темир рудаси қазиш ва уни ишлаш хўжалигининг устун соҳаси бўлса, учинчиси ўзининг кўн, тери буюмлари билан донг чиқарган ва ҳоказо. Шу муносабат билан ички ва ташқи савдо тараққий қилиб кетган. Шимолда урушлар бўлиб туришига қарамай, кучманчи қабилалар билан буюм, мол айирбошлаш кучайиб борган. Жанубдан фил суяги, қимматбаҳо тошлар ва марварид келтирилган. Эрамиздан аввалги VI асрда чинганоқлар (каурлар) ўрнида металл пуллар пайдо бўлган. Улар маълум вазминликдаги олтин ёмбиларидан, пичоқ, белкурак, тўртбурчак пластинка ва баъзан ўйилган гардиш шаклидаги мис пуллардан иборат бўлган.

Кўп шаҳарлар князларнинг қароргоҳлигидан савдо-ҳунар марказларига айланган. Уларнинг баъзиларида 10 000 дан кўп-

<sup>1</sup> Улар ғарбда Цинь, жанубда Чу, шарқда Ци, шимолда Чжао, шимоли-ғарбда Янь, марказда Вэй билан Хань бўлган. Улардан ташқари яна бир қанча кичикроқ подшоликлар (Лу ва бошқалар) ҳам кучайган.

роқ аҳвали яшаган. У даврлардаги аҳолига нисбатан бу жуда катта сон бўлган.

Савдогарлар ва судхўрларнинг роли ошиб борган. Уларнинг кўпи давлат аппаратида ирсий аслзодаларни сиқиб чиқариб, улар банд қилиб келган муҳим вазифаларни ишғол қилган. Вазифаларни сотиб олиш тартибининг жорий қилиниши бунга имкон туғдирган. Пул ҳўжалиги ривожланиб борган шароитда жамоачиларнинг аҳвали ғоят мушкуллашган. Уларнинг кўплари қарзларини тўлашга қурби етмай, ер участкаларини (аввало долиз ва боғларини, кейин эса экин ерларини ҳам) судхўрларга беришга мажбур бўлганлар. Ердан маҳрум бўлган жамоачиларнинг бойларга қарол бўлишдан бошқа чораси бўлмаган. Аммо бу билан иш битмаган. Иш томомай қолган қашшоқлар уй-жойсиз дайдиларга айлангач улар тақиқ остига олинган, «дангасаликларни учун» қулларга айлантирилган. Давлат қулдорлиги билан бирга хусусий қулдорлик ҳам ривож топган. Бизга юзлаб, минглаб қуллари бўлган катта-катта ер эгалари ва савдогарларнинг номлари<sup>1</sup> маълум. Қулларнинг қўзғолонлари тўғрисида маълумотлар пайдо бўлган.

**6. Цинь империяси.** Эрамиздан аввалги IV асрда ва III аср бошларида Хитойнинг парчаланishi авжига чиқиб, мамлакатда ишлаб чиқарувчи кучларнинг ва айирбошланининг монесиз ривожланишига тўсиқ бўлган. Бутун мамлакатда ягона суғориш тармоқларини вужудга келтириш, дарё сувларини мунтазам суратда тақсимлаб туриш иши барча ўлкаларнинг бирлашган ҳаракатини талаб қилган, аммо парчаланish шароитида бу ишни қилиш, табиий, мулкин бўлмаган. Шундай ҳодисалар юз берганки, бир районда бошқа районлар билан маслаҳатлашмасдан тўғонлар қуришдаги келишмовчиликлар табиий офатларга олиб келган. Иккинчи томондан, бир-бирлари билан душманлик муносабатида бўлган подшоликларнинг чегараларидаги божхоналарда ўрнатилган ғовлар ҳўжалик соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг тараққий қилишига тўсқинлик қилган. Савдогарлар доирасининг манфаатлари мамлакатнинг турли қисмлари жипслашиб иш кўришини талаб қилган. Шунинг ҳам назарда тутиш керакки, синфий курашнинг кескинлашиб бориши ва кўчманчилар томонидан хавф туғилиб туриши ҳўкмдор табақаларда мамлакат бирлигини тиклашга интилиш туғдирган. Ички ва ташқи душманларни бостириш учун қулдорлар марказлаштирилган ҳўкимиятни мустаҳкамлашга муҳтож бўлганлар.

Мамлакатни янгидан бирлаштиришда Хитойнинг ғарбий районларини ўз ичига олган ва ҳўкмронлигини жанубда Янцзи қирғоқларигача ўрнатган Цинь подшолиги асосий роль ўйнаган.

Эрамиздан аввалги IV асрда Цинь подшолигида Шан Ян номли катта мансабдорнинг ташаббуси билан муҳим ислохотлар

<sup>1</sup> Мисалан, Люй Бу Вей, Дяо Цзянь ва ҳўказо.

ўтказилган. Бу ислоҳотчи давлат хизматидаги оқсуякларга ва савдогар-судхўрлар доирасига таяниб, патриархал оила ва қишлоқ жамоаларига қатъий зарба берган. Шан Ян катта оилаларнинг парчаланиб, мулклари бўлиниб кетишига хайрихоҳ бўлган шунингдек, жамоадаги чек ерларни очиқдан-очиқ монессиз сотишга ижозат берган. Солиқ зулми кучайтирилган. Солиқлар ҳосилга қараб олинмаган, ҳосил бўлмай қолган йилли кўп жамоачилар (экин ерининг ҳажмига қараб) белгиланган миқдор маҳсулотни давлатга беролмай хонавайрон бўлган, ерларидан ва ҳатто шахсий эркинликларидан ажраб қолган.

Цинь подшолари бундай йўллар билан гоёт катта маблағ тўплашлари мумкин бўлган. Бу маблағ уларга армияни қайтадан ташкил этишга ёрдам берган. Бронзадан ясалган қурол-яроғларнинг ҳаммаси деярли темир қуроллар билан алмаштирилган. Жанг араваларни ундан кўра ҳаракатчан ва маневрли суворийлар тобора кўпроқ сиқиб чиқара бошлаган. Суворийлардан фойдаланишни хитойлар қўшни кўчманчилардан ўрганган. Қўшни ичида янада қаттиқроқ интизом, рағбатлантириш ва мукофотлаш тартиби ўрнатилган.

Шан Ян ислоҳотлари туфайли Цинь подшолигининг армияси ўзининг жанговар сифатлари билан бошқа хитой подшоликларининг қўшинларидан устун бўлган ва унинг устунлиги кейинги узаро урушларда ўзини кўрсатган. Эрамиздан аввалги III асрнинг биринчи ярмида Цинь подшолари ўз рақибларининг ҳаммасини тор-мор қилишга муваффақ бўлганлар. Чжоу сулоласи эрамиздан аввалги III аср ўрталарида ҳақиқий ҳокимиятнинггина эмас, расмий ҳокимиятни ҳам қўлидан бериб қўйган.

Иш Чжен подшолик қилган даврда (эрамиздан аввалги 246—210 йиллар) Ўбутун мамлакат тўла бирлашган, у Хитой территориясида яшаган барча подшоликларни ўз ҳокимиятига бўйсундирган. Эрамиздан аввалги 221 йилда у император (хуанди) унвонини олган ва Цинь Ши — хуанди (Циньнинг биринчи императори) деб атала бошлаган.

У шимолда гунлар билан, жанубда эса (Янцзи жанубида) Юз мамлакати билан (ҳозирги Гуаньдун ва Гуванси вилоятларининг территориялари ҳам шу мамлакат доирасига кирган) бир неча бор муваффақиятли урушлар қилган. Шимолий кўчманчилардан мамлакатни ҳимоя қилиш учун Улуғ Хитой девори (Садди Чини) қурилган. Бу тўпроқ тепалар, тош ва гипс терилиб шиланган девор ва миноралардан иборат мураккаб истеҳкомдир. Улуғ Хитой деворининг узунлиги 4000 километр, баландлиги эса 10 метрдир. Девор шу қадар қалъики, унинг устида ёнма-ён олтига отлиқ бемалол чопиб юра олади. Бу истеҳком қурилаётганда аввалги истеҳкомлардан ҳам фойдаланилган, улар ҳам шуларга қўшилиб кетган, шундай бўлса-да бениҳоя катта иш қилинган, бу истеҳком қурилишида Цинь Ши — хуанди салкам тўққиз миллион кишини (асосан ҳарбий асирлар ва ҳукм қилинган жановатчиларни) ишлатган.

Цинь Ши—хуанди ўзининг ички сиёсатидан бутун империяда Шан Ян қонуи-қоидаларига амал қилган. Бутун давлат 36 вилоятга бўлинган, бу вилоятларни подшо амалдорлари идора қилган. Эски ирсий зодагонлар бошқариш ишларидан четлаштирилган ва улар қаттиқ назорат остига олинган.

Уруғ зодагонларига қарши ва шахсий ер эгалари билан савдогарларга кўрсатилаётган ҳокимий қаттиқ қаршилиқ тўғдирган. Бутун маориф ишларини ўз қўлларида тутган конфуцийчилар (Конфуций фалсафаси мактабинг вакиллари) норозиларга бош бўлган. Улар эскиликнинг жонкуяр тарафдори, янгиликнинг яшаддий душмани бўлган, Шан Ян ислохотларини тан олмаган. Цинь Ши—хуанди бу қарши оқимга нисбатан қаттиқ чоралар кўрган. 460 та конфуцийчи олим қатл қилинган. Ривоятларга кўра, император бошқа тартиблар ҳукм сурган замонни эслатадиган барча фалсафий ва тарихий адабиётни куйдириб ташлашни буюрган.

Цинь Ши—хуандининг ички ва ташқи сиёсати армияни, бюрократик аппаратни боқишга ҳамда истеҳкомлар ва саройлар қурилишига фоят катта маблағ талаб қилган. Солиқ ва мажбуриятларнинг бутун оғирлиги деҳқонлар гарданига тушган. Қишлоқ жамоалари тамомила тушкунликка юз тутган. Ерни монесиз сотиш ҳуқуқи кўп деҳқонларнинг солиқларни ва хусусий қарзларини тулаш учун чек ерларини ва ҳатто онла аъзоларини ҳам сув текин сотишларига сабаб бўлган, сотилган оила аъзолари қулларга айлантирилган.

Цинь Ши—хуанди ўлиши биланоқ деҳқонларнинг оммавий кўзғолони бошланган, қуллар ҳам бу кўзғолонларга қўшилган. Бу ҳаракат йўлбошчиларидан бири Лю Бань деган қишлоқ оқсоқолнинг омади айниқса юришиб кетган. У халқ оммасининггина эмас, балки Цинь Ши—хуанди вақтида тор-мор қилинган зодагонларнинг қолган-қутганларини ҳам ўз томонига оғдирган ва жуда усталик билан ўзининг рақибларини давлатдан четлаштирган. Эрамиздан аввалги 207 йилда у Цинь сулоласининг сўнгги намояндасини ағдариб ташлаб, янги сулола ўрнатган ва бу сулола Биринчи ёки Катта Хань сулоласи деган ном олган.

7. Хань империяси (эрамиздан аввалги 206 йил ва эрамизнинг 220 йили). Биринчи (Катта) Хань сулоласи<sup>1</sup>, ларзалар келтирган вайронликка қарши курашишга мажбур бўлган, шу ларзалар жараёнида Цинь империяси қулаган. Очликдан, турли касалликлардан ва ўзаро урушлардан кўп халқ қирилиб кетган.

Лю Бань мамлакатнинг марказлашишини тиклаган, аммо шу билан бирга Цинь сулоласи вақтида қаттиқ зарар кўрганларга нисбатан маълум даражада ён берган. У қарзлари ва жиноятлари учун давлат қулларига айлантирилган жуда кўп кишиларни озод қилган, жуда оғир солиқларни ва мажбуриятларни бекор

<sup>1</sup> Батдан уни Фарбий Хань сулоласи деб атайдилар. У сулола эрамиздан аввалги 206 йилдан эрамизнинг 25 йилгача империяни идора қилган.

қилган, маҳаллий ишларни бошқаришни сайлаб қўйиладиган оқсоқолларга топширган. Бундан олдинги даврда таъқиб остига олинган зодагонларга баъзи енгилликлар берган.

Хань империяси кучайиб борган сари Цинь Ши—хуанди замондаги истибдодлик тартиблари тикланиб келган. Бу ҳол Биринчи Хань сулоласининг энг кўзга кўринган намояндаси бўлмиш император У Ди замонда (эрамиздан аввалги 140—87 йиллар) айниқса яққол сезилган. Унинг вақтида маҳаллий зодагонлар яна чекланган ва империя амалдорларининг назорати остига олинган.

У Ди ташқи сиёсатни айниқса жиддий ғайрат билан олиб борган. Хитой Цинь сулоласи вақтида эришилган чегаралардан айниқса ғарб томонга қараб анча нарига ўтиб кетган. Узоқ ғарбга борадиган йўлларни ўрганиш учун қадимги дунёнинг гоёт улуғ сайёҳларидан бири бўлмиш Чжан Цань юборилган. У Давань (Фарғона), Кангюй (Хоразм) ва Дася (Бақтрия)<sup>1</sup> мамлакатларигача борган, шунингдек, Парфия подшолиги ва Ҳиндистон тўғрисида қимматли маълумотлар тўплаган. Осиё қитъасининг катта қисмини юриб айланиб чиққан машҳур сайёҳ юртига қайтиб келгач, У Ди ундан зарур маълумотларни олганидан кейин Хитойни ғарбдаги олис мамлакатлар билан боғлайдиган «буюк ипак йўлини» эгаллаш учун қўшин юборган.

Хитой қўшинлари биринчи юришда Лоб—Нор қўлигача бориб етган, иккинчи юришида эса (эрамиздан аввалги 102 йилда) Фарғонани вақтинча бўйсундирган. У Ди жанубда Ҳинди-хитойнинг шимолий қисмида мустаҳкамланиб олишга ҳаракат қилган, шимоли-ғарбда эса Кореянинг бир қисмини эгаллаган.

Бу истилочилик сиёсати гоёт катта маблағ талаб қилган. Солиқ ва мажбуриятлар ҳаддан ошиб кетган. Жон боши солиғи ҳатто болалар билан кексалардан ҳам олинган, бу эса болаларни ва кекса оталарни ўлдириш ҳолларига олиб келган.

У Ди улгандан кейин Хитойда аҳвол жуда кескинлашиб кетган. Ерларнинг якка мулкдорлар қўлида кўплаб тўпланиши, деҳқонларнинг ердан маҳрум бўлиши, қарз қўллиги, ҳукм қилинганлар ва оила аъзоларининг ҳам қул қилиниши меҳнаткашлар оммасининг ерсизланишига ва асоратга тушишига сабаб бўлган.

Эрамиздан аввалги I аср охирларида аҳвол шу қадар мушкуллашганки, ҳукмдор синфнинг андишали вакиллари ижтимоий ислохотлар йўли билан кескинлашиб кетган вазиятни юмшатишга уринганлар.

Бу жиҳатдан Ван Маннинг фаолияти (эрамизнинг 9—26 йиллари) айниқса ибратлидир. Ван Ман аввало регент бўлиб, кейин императорлик ҳокимиятини зўрлик билан қўлга олган уауриятдордир.

<sup>1</sup> Шундай қилиб, Чжан Цань ҳозирги Ўзбекистон ССР билан Тоҷикистон ССР территориясида ҳам бўлган.



У ўз аҳволини мустаҳкамлаб олиш учун кенг меҳнаткаш аҳволининг аҳволини енгиллаштирувчи бир қанча тадбирлар кўришга ҳаракат қилган. «Бойлар ҳам, камбағаллар ҳам бўлмаган», талафачонлар ўтиб кетган даврга («олтин асрга») қайтиши программаси расмий равишда эълон қилинган. Ер ва қулларни сотиш ман қилинган. Аммо қуллар ўз хўжайинлари ихтиёрида қолган ва эксплуатация қилинаверган, лекин «хусусий қарам» (сини) деб аталган, яъни давлатга тобе бўлмай, балки ўз хўжайинига тобе кишилар бўлиб қолган. Шу билан бирга оиланинг ер нормаси — 100 му (сал кам икки гектар) қилиб белгиланган, шундан ошириш ман қилинган. Нормадан ортиб қолган ерлар ерсиз ва кам ер камбағалларга бўлиб беришга қарор қилинган, лекин деҳқонлар эскича жамоаларга («қудуқ ерлари» тартибида) бирлаштирилиб лозим бўлган.

Давлат ҳокимияти савдо-судхўрлик ишларига аралаша бошлаган. Бозор нархлари тартибга солиниб турган, подшо амалдорлари хазинадан қарз бериб хусусий судхўрлар билан рақобат қилган ва уларнинг зўравонлиги чеклаб қўйилган. Бу тадбирларнинг ҳаммаси бюрократизм йўли билан амалга оширилганлигидан амалдорлар уларнинг бажарилишига тўсқинлик қилганлар ва у тадбирлардан ўзлари бойлик орттириш учун фойдаланганлар. Ван Маннинг ўзи ҳам мужмаллик қилиб, баъзан ўз қарорларини ўзи бекор қилган. Мамлакатнинг издан чиққан молиявий аҳволини тартибга келтириш учун у солиқларни оширган ва янги танга пул жорий қилган. Натижада нарх-наво ошиб кетган (гуручнинг нархи 50 баробар ошган). Амалдорларнинг сўпистеъмолларига қарши Ван Маннинг кураша олмаслигига ва у эълон қилган ислоҳотларнинг амалга оширилмаслигига кўзлари етган ва умидлари пучга чиқиб алданган камбағаллар қўзғолон кўтарганлар. Ван Ман ағдариб ташланган, Хань сулоласининг тарафдорлари ҳам қўзғолончиларга қўшилган.

Эрамызининг 18 йилида Шандунда бошланган анча катта ҳаракат бошқа яна бир қанча вилоятларга тарқалган. Бу қўзғолонга Фан Чун бошчилик қилган. У қуроли курашда қатнашаётган барча кишиларга бошқалардан фарқ қилиш учун қошларини қилинган рангга бўяшни буюрган. Шунинг учун қўзғолончиларга «қизил қошлар» деб ном берилган. Эрамызининг 23 йилида қўзғолончилар Хань подшолиги пойтахти Чапань шаҳрини эгаллаган. Ван Ман ўлдирилган.

Шундай муваффақияларга қарамай, қўзғолон қилган камбағаллар ва қуллар юз берган вазиятдан фойдалана олмаганлар. «Қизил қошлар» қўзғолони жуда кенг кулам олганлигига қарамай стихияли ҳаракат бўлган, унинг аниқ ва равшан программаси бўлмаган. Ағдариб ташланган Хань император хонадонининг халқ ҳаракатига келиб қўшилган вакиллари ўз ораларидан Лю Сю деган кишини ҳокимият тепасига кўтарганлар, у ўзини император деб эълон қилиб, эски Ло-и шаҳрида мустаҳкамланиб олган. Хань сулоласининг кичик авлоди ана шу тариқа ҳокимият

тепасига келган (эрамизнинг 25—220 йиллари).

Лю Сю қўзғолончилар сафларини бузиш учун қулларни кўп-лаб озод қилган ва болиқларни камайитиришни эълон қилган. Қўзғолончиларнинг бир қисми уйларига тарқалиб кетган, анча қаттиқ туриб олган қисми қурол кучи билан бостирилган.

Бу воқеалар қулдорлик тузумига қаттиқ пугур етказган. Очарчилик пайтларида қулликка сотилган камбағаллар ва давлат ихтиёридаги қулларнинг хийла қисми озод қилинган. Яна шу нарса ибратлидирки, қулларни ўлдириш ва уларга тамға босиш ман қилинган.

Вақтинча рўй берган тинчлик ва Хань империясининг ўзини мустақкамлаб олиши истилочилик сиёсатини тиклашга имкон туғдирган.

Гуниларни тор-мор келтирган ва кейин (эрамизнинг 90 йилида) Урта Осиёдаги Кушон империясига қатъий зарба берган саркарда Бань Чао айниқса шуҳрат қозонган. Қудратли Кушон давлати Хитойга бўйсунишга ва хирож тулашга мажбур бўлган. Бань Чао турли ғарбий давлатларга ўзининг элчиларини юборган. Элчилардан бири Форс қўлтиғигача (Парфия подшолигига) бориб етган.

Ғарбий («ипак») йўлдан Урта Осиё ва Парфия орқали Хитой моллари (ипак, металл буюмлар, кулолчилик буюмлари, бадиний саноатнинг лакланган буюмлари ва бошқалар) Римга олиб борилган, ундан бу моллар эвазига Европа ва Ғарбий Осиёда ишланган маҳсулотлар Хитойга олиб келинган. Ана шу даврда хитойлар узумни биринчи бор кўрганлар, бунгача узум Шарқий Осиёда маълум бўлмаган. Жанубда хитойлар Ҳинди-Хитой орқали Ҳиндистонга боришган. Шарқда денгиз орқали Япония билан алоқа боғланган. Хитойга келтириладиган моллар ичида қуллар тилга олинади. Лекин қулдорлик бу вақтда пасайиб борган. Мавжуд маълумотларга кўра қулдорлик ишлаб чиқарувчи кучлар эришган даражага мос келмай қолган.

Янги эранинг биринчи асрларида ишлаб чиқаришнинг яна юксалаётганлиги сезила бошлайди. Сувни юқорига чиқариб берадиган мураккаб иншоотлар, такомиллаштирилган темирчилик босқонлари, сув тегирмонлари ва ҳ. к. пайдо бўлган. Қуллар меҳнатига талаб камайган. Эксплуатациянинг бошқа турлари, жумладан, оғир шартли ижара ва бошқалар афзал кўрилган. Кўп қуллар чоракор сифатида ерга бирктиб қўйилган.

Эрамизнинг II асри охирларида Хитой яна ларзага келган. Халқ оммасининг яна қудратли ҳаракати бошланган. Бу ҳаракат «Сарик сиббоғлар» қўзғолони (эрамизнинг 185 йили) деб ном олган. Қўзғолонга ўзининг икки укаси билан бирга гоаят истеъдодли йўлбошчи Чжан Цзяо бошчилик қилган. Бу қўзғолон салкам йнгирма йил давом этган. У ғарчи бостирилган бўлса-да, Хань империясини тубдан ларзага келтирган. Эрамизнинг 220 йилида империя уч қисмга бўлинган. Империянинг сиёсий жиҳатдан парчаланиши (децентрализацияси) шаронтида қулдор-

лик тузуми тугаб феодализмнинг қарор тэпиш процесси тамом бўлган.

2

8. Қадимги Хитой маданияти. Биз хитой ёзувининг иероглиф системаси эрамиздан аввалги II минг йилликда таркиб топганини биламиз. Кўпгина Шарқ мамлакатларида ёзувлар тамомла ўзгариб кетган бўлса, хитойларнинг ёзув анъанасида ўзгариш бўлмаган. Асрлар ўтиши билан бу ёзув мураккаблашиб борган. Олд Осиё ва Мисрда бўлгани каби бирон алифбо тузишга ҳам уринилмаган. Аксинча иероглифлар сони тўхтовсиз кўпаяверган. Агар Шан (Инь) даврида уларнинг сони 2000 дан ошмаган бўлса, Хань сулоласи даврида 18000 га етган. Мана шу гоёат кўп сонли аломатлар ичидан зарурини қидириб топиш учун махсус справочник тузилган.

Авваллари ёзувлар тахтачаларга битилган, кейинроқ шакка ёзилган. Эрамизнинг I асрида қоғоз ихтиро қилинган; қоғоз ёғоч ва эски тўрлардан қилинган<sup>1</sup>. Текстлар ўнгдан чапга қараб устунлар тариқасида юқоридан пастга қараб ёзилган. Хаттоғлар учли чўпни (кейинроқ майда чўткани (бўёққа) кейинроқ тушга) ботириб олиб ёзганлар.

Хитой адабиётида диний анъаналар жуда кенг ўрин олган. Аждодларга сиғиниш айниқса катта аҳамиятга эга бўлган. Табиат ҳодисалари ва ҳар хил ихтироларни илоҳий кучдан деб билганлар. Матриархат даврида бу куч бутун мавжудотнинг отаси Нюйва бўлган; оламни ва одамзодни ўша яратган, осмондаги тешик ва ёриқларни тошлар билан ўша бекитиб, текислаб қўйган. Кейинчалик табиат ва инсоният аждоди руҳларининг паитони вужудга келтирилган, унга осмонни гавдалантирувчи Шан Ди бош бўлган.

Гайри табиий куч эгалари бўлмиш қаҳрамонлар тўғрисида дostonлар яратилган. Бу дostonлар эпик циклларга бирлаштирилган. Кишиларни ўт ҳосил қилишга ўргатган Суй Жей тўғрисидаги афсонаи айниқса таъкидлаб ўтмоқ керак (бу греклар титани Прометейни эслатади).

Эрамиздан аввалги I минг йиллик ўрталарига келиб Хитойда ҳар хил фалсафий оқимлар пайдо бўлган. Уларнинг энг эътиборлиси конфуцийчиликдир; бу фалсафий оқим гарчи вақтинча мағлубиятга учраган бўлса-да, ўз мавқеларини то янги замонгача сақлаб келган.

Бу оқимга асос солган файласуф Кун—цзи (Конфуций) эрамиздан аввалги 551—479 йилларда яшаган. Унинг таълимоти патриархал тузуми анъаналарини ўрнатиш ва ижтимоий негизни бузилмаслигини даъво қилишдан иборатдир.

Хўжайин—хўжайин бўлиши, унга тобе киши—тобе бўлиши, ота—ота бўлиши ва ўғил—ўғил бўлиши керак. Кичикларнинг катталарга халқнинг ҳукмдорларга бўйсунуши абадий ва бузилмас қонундир. Тарбия тартибни диний принциплар (аждодларга

<sup>1</sup> Хитой ривоятларига кўра қоғозни Цай Лунь деган киши ихтиро қилган.

сигиниш) билан боғлиқ ўша табиий ҳуқуқларни ўргатишдан иборат қилиб қўйилган. Ҳар қандай туб ўзгартиришлар қораланган.

Конфуций таълимоти уруғ зодагонлари доирасида айниқса кең ёйилган, чунки бу таълимот аслзода бўлмаган ҳолда бойлик ва ҳокимиятга интилувчи янги кишиларнинг майдонга келишига тамомила қарама-қарши характерда бўлган.

Конфуций фалсафаси билан бошқа бир фалсафий оқим—даосизм рақобат қилган. Конфуций замондоши, аммо ёши ундан каттароқ Лао—цзи даосизмнинг энг улкан намояндасидир. Лао—цзи таълимотида содда материалистик йўналиш, ҳатто диалектика куртаклари ҳам кўринади.

Даосчилар фикрича, жами мавжудот материя зарраларидан пайдо бўлиб, бировнинг онгли иродасидан қатъий назар маълум бир аниқ қонун асосида («дао» «йўл» демакдир) ривожланади. Жаҳондаги ўзгаришлар нарса ва жонли мавжудотларнинг аввалги ўз зиддига айланиш қонунига бўйсунадиган муайян хусусиятлари туфайли содир бўлади. Ҳар бир тўраядиган нарса кенгайди ва ҳар бир бушашадиган нарса маҳкамланади.

Лао—цзи тарафдорлари синфий гармонияни тарғиб қилувчи конфуцийчилардан фарқ қилиб, мулкдорлар ҳокимиятининг зўравонлигини кескин суратда танқид қилганлар. Лекин улар курашга чақирмаганлар, балки ёвузликка қаршилик кўрсатмасликни, ҳаракатсизликни илгари сурганлар; бу фикр уларнинг таълимотига хос детерминизм билан, табиий белгилаб қўйилган тараққиёт йўлига, тақдирга ишонишлари билан боғлиқдир. Кейинчалик даосизм жуда ўзгариб кетган, мистик тус олган ва унинг материалистик негизини тиришиб-тирмашиб хаспушлаганлар.

Эрамининг I асрида Хитойда Ҳиндистондан келиб кирган буддизм тарқала бошлаган; унинг таълимоти бир қанча масалада даосизм таълимотига ўхшаган (жумладан, ҳаракатсизликка ва мушоҳадага даъват).

Ян Чжоу таълимоти (эрамаздан аввалги V—IV асрлар) изчил материалистик таълимот бўлган. Қадимги хитой материалистлари яратган таълимотларнинг чуққиси машҳур мутафаккир Ван Чун (эрамининг 27—97 йиллари) тузган «Танқидий мулоҳазалар» деган асардир. Бу асарда осмонни жонли ва онгли зот, одамзоднинг бунёдчиси деб билган конфуцийчиликка қатъий зарба берилган. Билимга қобилият фақат инсонга хосдир. Туғма билиш ва янгилик йўқ. Кўз кўрадиган, қулоқ эшитадиган ва бошқа сезги органлари сезадиган нарсаларнигина билиш мумкин. Табиатнинг ижодий фаолияти онгли фаолият эмас, балки материянинг ўз-ўзидан қуюқланиш ва суюқланиш натижасидир. Онгли равишдаги фаолият фақат инсонга хосдир.

Ван Чун руҳнинг абадий тириклиги тўғрисидаги тасаввурни қатъий рад қилган. Руҳни у организм билан чамбарчас боғланган нарса деб билган, ўлимдан кейин у ўз фаолиятини йўқотиш билан ноқ руҳ-жон ҳам йўқ бўлади. Хитойда аниқ фан билан табиёт фанлари жуда тараққий топган.

Ирригацияга асосланган деҳқончилик ва қурилишларнинг эҳтиёжлари аниқ ҳисобларни талаб қилган. Эрамининг I асрида пайдо бўлган математикага оид муҳим бир асар математика соҳасида эришилган ютуқларнинг якунидир. Бу асарда маиший сонлар текширилади ва ҳал этилади.

Шан (Инь) замонидаёқ юлдузли осмон текшириб турилган ва календарь тартибга келтирилган. Чжань Го замонида (эра-миздан аввалги IV—III асрларда) календарь системаси аниқ-ланган ва такомиллаштирилган. Йил давомийлиги қадимги замон учун ниҳоят даражада аниқлик билан ҳисоблаб чиқарилган (365, 25 кун) ва календарь йилини астрономия йили билан бараварлаш учун 19 йиллик циклга еттига кабиса (қўшимча ойлар билан) белгиланган.

Қадимги Хитойнинг илмий ижодиёти Хань замонида энг юксақ даражага кўтарилган. Юлдуз осмонининг картаси (Қутб юлдузи атрофида юлдузларнинг 28 туркуми) ишланган, қуёш доғлари текширилган ва ҳ. к. Бу даврнинг энг катта олими Чжан Хэн (эрамининг 78—139 йиллари) энг қадимги сейсмографни ясаган. Фармакалогия, агрономия ва бошқаларга оид илмий асарлар ҳам уша Хань даврида пайдо бўлган.

Қадимги Хитой тасвирий санъатининг бир қанча оригинал хислатлари бўлган. Хитой архитекторлари кўп қаватли иморатларнинг ўзинга хос турини яратганлар.

Илк даврлардаги ҳайкалтарошлик ва рассомлик санъатида шартлилик кўп бўлган. Хань замонида хийла жиддий сил-жишлар юз берган. Қабр тошларидаги бўғма суратлар айниқса ажойибдир. Бу суратлар кўпроқ ишлаб чиқариш мавзунда ясалган (ўрим-йиғим, ов ва б.). Сағана деворларини безаб турган нақшларда маиший ҳаёт манзаралари (масалан, жанг аравасининг елиб бориши) ойнаи тасвир этилган. Турли даврларга оид хитой бадний ҳунар буюмлари (металлдан, терракота ва бошқалардан ясалган буюмлар) нинг жуда кўпи сақланган.

Хулоса қилиб шуни айтиш керакки, қадимги Хитой мадания-тининг муваффақиятлари ғарбий дунёга оз таъсир кўрсатган. Европа билан Ғарбий Осиёга хитой ипаги билан қоғози анча кечириб келган. Хитой қоғози ўрта асрдаёқ Миср попирусини сиқиб чиқарган. Бошқа ихтиролар (компас, уқ-дори, сейсмограф) Шарқий Осиёдан ташқари чиқмаган. Ғарбда бу нарсалар кейин-чалик янгидан мустақил рёвншда ихтиро қилинган.

\*

Яқун ясаб айтиш мумкинки, кўп жиҳатдан бир-бирларидан фарқ қиладиган айрим қадимги Шарқ мамлакатларининг (ай-ниқса тоғли ва даштли районларга нисбатан ерлари суғориб эки-ладиган районларнинг) ўзинга хос хусусиятлари бўлишига қара-май, уларнинг тараққиётида кўпгина умумий хислатлар борлиги-ни урамиз.

Шубҳа йўқки, ҳамма Шарқ мамлакатлари ва халқлари ибти-

донй жамоа тузумининг жуда кўп асрларга чўзилган босқинчини утиб, ниҳоятда секин суръат билан (бири сал олдинроқ, иккинчиси эса кейинроқ) синфий яъни ялқ қулдорлик жамиятига кўчган. Антик дунё бу жамиятда кейинроқ ўтган бўлса-да, Шарқ мамлакатларидан кўра анча тез суръатлар билан утган. Тарихий тараққиётнинг потекислик қонуни худди ана шуида намоён бўлган, маълумки, бу жамият тараққиёти тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот асосларидан биридир.

Синфий зулмининг ҳеч сўзсиз дастлабки шакли бўлмиш қул меҳнати эксплуатацияси шу Шарқда анча секин, тухтаб-тухтаб ривожланган ва умуман бу эксплуатация ҳам миқдор, ҳам сифат жиҳатидан Антик дунёдаги шу хил процессдан анча кетинда бўлган. Аммо шу нарса шубҳасизки, қулдорлик юз йиллар, миң йиллар давомида ҳам кўлами ҳам жадаллиги жиҳатидан кучайиб борган. Ҳеч ким инкор қилмайдики, Мисрда қуллар Қадимги подшоликдан кўра Янги подшоликда кўпроқ бўлган. Улар Янги Бобил подшолигида Эски Бобил подшолигидан кўра анча кўп бўлган, Хитойда Шан (Нинь) замонидан кўра Цинь ва Хань империяларида мислсиз кўп бўлган. Ахир, Шан замонида қулларнинг қиммати бўлмаган, зарур бўлса бўлмаса уларни қираверганлар.

Шуниингдек, қулчиликнинг формаларини ҳам фарқ қилиш керак. Ватандош қулларни эксплуатация қилиш умуман Шарқда Африка ва Римдагидан кўра кўпроқ ривож топган. Афина ва Римда эса ватандошларни қул қилиш қонун йўли билан анча олдин тақиқланган. Тўғри, қадимги Шарқда ҳам қорз қуллигига қарши кураш олиб борилган (Бобилда Хаммурапи қонунлари, Яҳудияда Иосия қонунилари, Мисрда Бокхорис қонунлари), лекин бу қонуналарга Антик дунёда қаттиқ амал қилингани ҳолда Шарқда у қонуналар унчаллик самарали натижа бермаган.

Шарқда жамоа ер эгалиги билан хусусий ер эгалиги масаласи устида катта мунозаралар келиб чиққан. Маълум бўладики, жамоа ер эгалиги асрлар давомида бузилиб борган, хусусий ер эгалигига кўчирилган, лекин бу процесс ҳамда ерда ҳам охирига етказилмаган (буни Хитойда Шан Ян ислоҳотларидан аниқ кўриш мумкин). Бу процессни ўрганиётганда маҳаллий тафовутларни диққат марказидан кўчирмаслик зарур (К. Маркс шунда диққатни жалб этган). Маълумки, жамоа ер эгалиги Ҳиндистонда айниқса маҳкам сақланган, у то Британия ҳукмронлигигача давом этиб келган. Сиёсий устқурманинг ўзига хос формаси бўлмиш шарқий иетибдод қишлоқ жамоалари билан боғлангандир.

К. Маркс мустабиднинг ҳокимиятини кўпдап-кўп жамоаларни бир-бири билан бириктирувчи восита деб атаган эди. Шарқ мустабиди ўша барча бирлашмаларнинг бошлиғи сифатида ўзини ерларнинг олий эгаси деб ҳис қилган. Бу ҳуқуқидан у ҳамма вақт фойдаланавермаган ва расмий ҳуқуқни ҳақиқий ҳуқуққа айлантирмаган, албатта. Бу масалани соддалаштиришдан жуда эҳтиёт бўлиш керак ва бунда марказий ҳокимиятнинг кучайиш давларини назарда тутиш лозим. Маҳаллий шароитларни ҳам эсда

сақлаш зарур. Кичик Фаластин ва Финикия давлатларида подшоҳокимиятини кучайтириш йўлидаги уринишлар қаттиқ қаршиликка дуч келган ва бу уринишлар мувафақиятсизликка учраган, аммо Миср фиръавнлари ва Хитой императорлари (масалан Цинь Ши—хуанди) ахён-ахёнда ғоят катта қудратга ва чексиз ҳокимиятга эришганлар.


Шундай қилиб, бутун қадимги Шарқни бир андаза билан ўлчаб бўлмайди. Унинг тараққиётидаги умумий хислатлар ва алоҳида хусусиятларни (маҳаллий ва хронологик) фарқ қилабилиши рақ.

Тарихчи учун қадимги Шарқни ўрганишнинг ғоят катта аҳамияти бор. Хийла ибтидоий кўринишдаги энг қадимги синфий жамият худди шу ерда таркиб топган. Бу К. Маркс, Ф. Энгельс ва В. И. Лениннинг тараққиётнинг илгарилаб бориши ҳақидаги ҳақидаги таълимотини тасдиқлайди. Бунда айрим тўфонли йилларни ва ҳатто юз берган вақтинча орқага қайтиш пайтларини ҳам ҳисобга олиш лозим, бу ҳам жамиятнинг оддийроқ формаларидан юксакроқ формаларига қараб ривожланиш қонунини тасдиқлайди.

Қулдорликдан феодал жамиятига ўтиш Шарқ жамиятларида турли хилда бўлган. Шарқий Осиёда (айниқса Хитойда) бу ўтиш мустақил процесс бўлган. Ғарбга томон борган сари грек-рим таъсири кучайиб борган.

Шарқ маданиятининг ғарбий дунёга кўрсатган таъсири катта тарихий роль ўйнаган, аммо кейинчалик антик дунё маданияти кўп жиҳатдан ундан ўтиб кетган ва ўз навбатида Шарққа таъсир кўрсатган.

Қадимги Шарқ тарихини ўрганиш марксча-ленинча фаннинг ҳар қандай сохта назарияларга қарши ва айнақса турли шаклдаги ирқчилик назарияларига қарши курашида муҳим ўрин тутуди.







Wall

190360  
Page 8